Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ДОИР МАҚОЛАЛАР

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ДОИР МАҚОЛАЛАР



НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Алишер Навоий ўзбек халқининг улуғ шоири... Сўнгги 60-65 йил ичида матбуотимизда, китобларда, турли-туман тантанали ва тантанасиз мажлисларда, ўқув аудиторияларида, радио ва телевидениеда, халқаро симпозиумлар ва семинарларда бу ибора неча марта тилга олиндийкин? Менимча, буни ҳозирги замоннинг энг янги, энг мукаммал компьютери ҳам ҳисоблаб беролмаса керак. Ҳар ҳолда, бугунги кунда истаган ўзбекни уйқусидан уйғотиб, "Алишер Навоий ким?" деб сўрасангиз, у кўзини очиб улгурмай, "Улуғ ўзбек шоири" деб жавоб беради. Чиндан ҳам, бу ҳақиқатни одамларга сингдириш борасида сўнгги ярим аср мобайнида жуда катта ишлар қилинди. Навоий асарлари неча марталаб нашр этилди, бошқа тилларга ағдарилди, юзлаб, балки минглаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди, мактабларда, олий ўқув юртларида ўқитиладиган бўлди. Унинг номига кўчалар, туманлар, шаҳарлар, театрлар қўйилди, унинг тўғрисида саҳна асарлари, кинофильмлар, бадиий асарлар яратилди, муаззам ҳайкаллари мағрур қад кўтарди, телеэкранларда ҳар куни бўлмаса-да, бот-бот унинг ғазаллари ўқитиладиган, достонлари асосида яратилган телефильмлар ёхуд спектакллар кўрсатилади... 20-йилларнинг ўрталарида бошқа бир буюк шоиримиз Чўлпон Алишер Навоий ҳақида кичик бир мақола ёзиб, унинг номини абадийлаштириш бобида қилиниши керак бўлган ишларни санаб кўрсатган эди. Унинг айтганлари ўн марта ортиғи билан адо этилди. Хуллас, Алишер Навоий ҳар бир ўзбекнинг – ёшдир-қаридир, эркакдир-аёлдир, олимдир ёхуд оддий меҳнаткаш инсондир, барибир том маънодаги ифтихорига айланди, бундан беш ярим асар муқаддам яшаб ўтган бу даҳо шоирнинг номи нафақат тафаккуримиздан муносиб ўрин эгаллади, балки томиримизда гупириб оқаётган қоналаримизга ҳам сингиб кетди. Ўзбекнинг миллий маънавиятини Алишер Навоийсиз, унинг асарларисиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Буларнинг бари, жуда яхши, албатта.

Лекин... Алишер Навоий ўзбекнинг жаҳон цивилизациясига қўшган энг буюк ҳиссаси. Мен қатъий ишонаманки, у жаҳон адабиётининг чўққилари ичида биринчи ўнликка киради. Шундоқ экан, у ўзбекни оламга танитувчи ижодкорлардан бири. Лекин бугунги жаҳон уни биладими? Бугун унинг асарлари ривожланган мамлакатларнинг ҳаммасида етарли тарқалганми? Ўзини маданиятли ҳисоблайдиган одамларнинг ҳаммаси ҳам ҳазрат Навоий қошида таъзим бажо келтиряптими? Ҳа, албатта, хориждаги ўнлаб мамлакатларнинг адабиётшунослари Алишер Навоий номини яхши билишади, унинг асарларини кўпдан бери ўрганиб келишади. Лекин мен кенг кўламдаги маданият арбобларни айтяпман. Биз Навоийни ҳар қанча мақтамайлик, ҳар қанча бошимизга кўтармайлик, унинг номи Данте, Гёте ёхуд Умар Хайёмлар даражасида машҳур эмас. Нобель мукофотининг соҳиби, атоқли немис адаби Герман Гессе бугунги дунёдаги энг кўп ўқилган одамлардан биридир. Унинг "Жаҳон адабиёти кутубхонаси" деган ажайиб мақоласи бор. Адиб унда ўзи жаҳон адабиёти кутубхонасини ташкил қилса, унга кимларни танлаб олишини ёзган ва бу танловига батафсил изоҳ берган.

У ўз кутубхонасига шарқдан ҳам форс ва ҳинд адабиёти намуналарини киритишни унутмаган. Лекин унинг кутубхонасидан... Алишер Навоийга ўрин топилмаган. Нега? Ахир, Навоий у танлаб олган анча-мунча шоиру адиблардан бир неча бор юқори туради-ку! Бунинг

бирдан-бир сабаби менимча шундаки, хорижда кўп мамлакатларда Алашер Навоий асарлари кенг тарқалмаган, кўпгина таниқли ёзувчилар ва шоирлар унинг номини эшитган бўлса эшитгандирлар, лекин асарларини ўқиган эмаслар. Хўш, нима қилмоқ керак? Ҳаёт шундан далолат беряптики, жаҳон ҳамжамиятида муайян ўринларни эгаллашга даъво қиладиган ҳар қандай халқ маданияти дурдоналарини тарғиб қилмоқни ҳам яхши билмоғи керак. Албатта, бу – катта ҳаракатлар ва катта маблағлар талаб қилади, лекин ўзбекнинг обрў-эътибори, иззат-нафси, ғурури ҳар қанча маблағ сарфласа арзийдиган соҳалардир. Мен бир нарсани таклиф қилмоқчиман – бутун дунёнинг бир қанча етук мамлакатларида худди немисларнинг Гёте институтларига ўхшаган Алишер Навоий марказларини ташкил қилиш вақти келди. Бундай марказ, биринчи навбатда, Алишер Навоий ижодини кенг кўламда тарғиб қилиш билан бирга, умуман, бугунги ўзбек адабиётининг фаол тарғибот марказларидан бири бўлиб қоларди. Навоий асарларини инглиз, француз, немис тилларида юксак таржима қилиш ва нашр этиш жаҳон халқларига ўзбекнинг, унинг маънавиятининг янги-янги қирраларини кашф этишига йўл очарди.

Бироқ масаланинг маблағ билан боғлиқ бўлмаган яна бир муҳим жиҳати бор. Жаҳон миқёсида ўзининг миллий маданий бойликларини тарғиб қилмоқ учун биринчи навбатда, тарғиб қилмоқчи бўлган одамнинг ўзи уни беш қўлдай яхши билмоғи керак. Хўш, биз биламизми? Мақоламизнинг бошидаги далолатлардан кейин бу савол мутлақо ортиқча ва ўринсиз бўлиб кўринади. Лекин шундай бўлса-да, уни ўртага қўйишдан чўчимайман. Назаримда, бугунги талаблардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугунги адабиётшуносликда ҳам, кенг китобхонлар оммаси ўртасида ҳам ҳазрат Навоийни билиш даражаси кўнгилдагидек эмас. Мен, албатта, унинг номини билиш ва у билан фахрланишни айтаётганим йўқ. Мен биринчи навбатда буюк шоирнинг ижодини, ғазалари ва достонларини, ундан қолган бой мероснинг туб моҳиятини, мазмунини билишни, билибгина қолмай, ундан кундалик ҳаётимизда кенг фойдаланишни, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир одамнинг Навоийни ўзига бир умрлик қадрдон дўстга, меҳрибон устозга, беқиёс маслаҳатчига айлантириб олиши тўғрисида гапиряпман.

Навоийшунос дўстларим мендан хафа бўлишмасин, мен уларнинг катта хизматларини мутлақо камситмоқчи эмасман. Мен фақат шуни айтмоқчиманки, бугун навоийшунослик бутунлай янги босқичга кўтарилмоғи керак. Бу тўғрида яқинда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эҳтиросли мақола эълон қилган Абдуллажон Аъзамов ҳам жуда яхши айтипти. Биз Навоийни “улуғ” деймиз, “даҳо санъаткор” деймиз, лекин шу улуғлик, шу даҳолик айнан нимада кўринади, бадиий тафаккур бобида Навоий кашф этган бетакрор бойликлар қанақа, шеърий маҳорат бобида жаҳон поэзияси кўламида олганда у забт этган чўққиларнинг бўй-басти, шакл-шамойили қанақа деган саволларга бемалол жавоб бера олмаймиз. Шунингдек биз бу буюк санъаткорнинг инсон ва унинг коинотдаги ўрни тўғрисдаги қарашлари, умуман, шарқ фалсафасига қўшган ҳиссаси, Фаробийлар, Ибн Синолар, Фаридуддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар орқали ўзлаштирган фалсафий тизимлардан қандай илҳомлангани, уларни нима билан бойитгани ҳақида тўла тасаввурга эга эмасмиз. Табиийки, ўз даврининг вакили сифатида Алишер Навоий ислом фалсафаси, буюк уламоларимизнинг асарлари билан ҳам яхши таниш бўлган ва улардан кенг фойдаланган. Лекин бу Алишер Навоийни соф мистик шоирга айлантириб қўйишга асос бермайди. Назаримда, Навоийнинг фалсафий қарашлари тўғрисда муайян мақолалар ёзилган, самарали фикрлар айтилган бўлса-да, яхлит олинганда, бу соҳа ҳали очилмаган қитъа. Бу ўринда муаммо-

нинг яна бир муҳим жиҳати, китобхонлар оммасининг Навоий асарларини ўқиши билан боғлиқ. Ҳозирги патда қизиқ бир вазият, пародоксал бир ҳолат шаклланиб қолди – ҳазрат Навоийга эҳтиромимиз чексиз, ифтихоримиз баланд-у бироқ унинг ғазаллари, достонлари, ҳикматлари, рубоий ва қитъаларини, шунигдек илмий-ахлоқий асарларини ўқишимиз анча-мунча оқсамоқда. Бу тўғрисида Президентимиз Ислом Каримов ҳам Олий Мажлиснинг йиғилишларида жуда куйиниб гапирди. Навоий асарларини ўқимай туриб, ундан ифтихор қилиш ёхуд бу буюк зотдан маънавий озиқланаяпман деб ўйлаш бирор тотли таомнинг ўзини тановвул қилмай, унинг ҳидидангина маст бўлиб юргандек гап. Дарҳақиқат, мактаб ўқувчилари ҳам, коллежлар ва лицейларнинг, олий ўқув юртларининг талабалари ҳам Навоий асарларини жуда кам ўқишади. Баъзан бунинг сабаби сўралса, "тили эскирган, тушуниш қийин" деб жавоб беришади. Ҳа, албатта, ҳазратнинг асарлари бундан беш ярим аср олдин яратилган, албатта, унинг айрим жиҳатлари тушунишга қийинроқ бўлиб қолган бўлса ажаб эмас. Лекин дунёда бирон халқ ўзининг буюк классикларидан "эскирган" деган баҳона билан юз ўгирган эмас-ку, уларни талашиб-тирмашиб бўлса ҳам ўқишади, зарур бўлганда, масалан, русларнинг "Игор жангномаси"га ўхшаб ҳозирги тилга ағдариб олишади. Ҳолбуки, Навоий бундай ағдаришга мутлақо муҳтож эмас.

Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумраҳ?
Деди: мажнун ватандин қайда огаҳ?
Деди: недир сенга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлук ҳамиша.

Мен бу диалогни бошдан-охиригача болалигимда ёдлаган эдим, ҳамон эсимда. Қани, шу парчадаги қайси жойлар бугунги китобхонга тушунарсиз экан? Йўқ, гап бу ерда Навоийнинг"эскиргани"да эмас, балки ўзимизнинг ялқовлигимизда, ҳафсаланинг етишмаслигида, луғат устида ишлашга эринишимизда. Қолаверса, бир замонлар жамиятда кенг тарқалган шеъриятга бўлган ихлосимиз ва муҳаббатимизнинг бениҳоя сусайиб кетганида. Мен мадраса кўрган одамларга ҳамиша ҳавас билан қараб келганман. Улар юзлаб ва балки минглаб мисра шеърларни ёд билишар ва бемалол шарҳлаб беришарди. Ҳаётдаги ҳар қандай вазиятларга мос келувчи сатрларни ёддан ўқиб, улардаги кишини лол қолдирадиган теран маъноларни айтиб беришарди. Улар жуда юксак шеърият маданиятига эга эдилар. Қани ҳозир биздаги ўша маданият? Нега бетакрор бой ва ранго-ранг мумтоз адабиётга, беқиёс шеърият бўстонига эга бўлган Ўзбекистон мактабларидан бугун шеъриятдан узоқ, унинг нафосатидан баҳра ола билмайдиган, Сўз мусиқасига, Сўз мўъжизасига лоқайд қарайдиган болалар чиқмоғи керак? Мактабни битираётган ҳар бир гуруҳда бир-иккита шеърпараст бўлади, албатта. Лекин, мен ҳозир кенг ўқувчилар оммасини назарда тутяпман, уларнинг эстетик карлигини айтяпман. Албатта, бу ёшлар улғайиб, ўрта ёшли ва улуғ ёшли одамларга айланишади, турли касб-корларда, турли мансабларда ишлашади. Ёшликда шеъриятга, нафосатга мойил бўлмаган кўнгиллар йиллар ўтиб, турмушнинг ола хуржуни елкага тушгандан кейин ўз-ўзидан ўзгариб қолади, деб умид қилиш анойилик бўлур эди. Натижада, шеъриятга лоқайдлик нафосатдан узоқ қалбларнинг мушфиқликка бегоналиги одамларнинг эришилган оддий сифатларига, турмуш тарзларига айланиб қолади. Бундай сифатлар, айниқса, раҳбар ходимларга панд беради – туппа-тузук шакл-шамойилга эга бўлган, галстук таққан, шляпа кийган, савлатидан от ҳуркадиган, қўли остидаги одамларга пўпи-

са қиладиган, уларни сўкишдан тоймайдиган маънавияти пуч раҳбарлар, мутасаддилар пайдо бўлади. Чиндан ҳам, турли тоифадаги ҳокимлар, вазирлар, муовинлар, бошқарма бошлиқлари ўртасида беш-олтита шеърни ёд биладиганлари, вақти-бевақт уларни ёддан ўқиб, лаззат оладиганлари, умуман, гўзалликка яқин бўлишга эҳтиёж сезадиганлари кўпмикан? Битта-яримта одамни истисно қилганда, мен бунақаларни учратган эмасман. Қани энди мен адашаётган бўлсам-у, ўша катталаримиз анжуманларда, йиғинларда, мажлисларда, радио ва телевизор экранларида ёддан шеърлар ўқиб, мени шармандаи шармисор қилишса...

Нега шундай? Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб нега биз шундоққина ёнимизда бўлган, истаган дақиқамизда бизга беминнат хизмат қилишга тайёр турган буюк хазинага беписанд қараймиз, қўлимизни узатиб, унинг дурдоналаридан олиб, кундалик ҳаётимизда фойдаланишга эринамиз?

Менимча, бу қусурни йўқотишнинг битта йўли бор – мамлакатимизда шеърпарастлик анъанасини ялпи тиклаш керак. Ахир, Алишер Навоий фақат адабиётчиларнинг эмас бутун халқнинг мулки. У касби-коридан, мутахассислигидан қатъи назар ҳар бир одамнинг, ҳар бир бағриочиқ инсоннинг ҳабиби, дўсти, биродари. Фақат бу сўзларни рўёбга чиқармоқ учун ҳамма ҳазрат Навоий асарларини бутун умри давомида қўлдан қўймай ўқийдиган бўлмоғи керак. Буни эса мактабдан бошлаш керак. Шу ўринда халқ таълими ва олий таълим вазирларининг қулоғига айтадиган бир шингил гапим бор – сизлар яхши биласизларки, ўқувчилар ҳам, талабалар ҳам қаттиқ талаб қилса айтганини қилади, бўлмаса, енгил-елпи йўллар билан ўқишни битириб кетиш пайида бўлишади. Шундой бўлгандан кейин, уларга қаттиқ турилса-ю, ўрта таълимда ҳам, олий таълимда ҳам аттестат ёки диплом олишнинг энг зарурий шартларидан бири сифатида 500 мисрами ёхуд 1000 мисрами (қанчалиги ва қайси шеърлар эканини мутахассислар белгилаб беришади) шеърни ёд билишни талаб қилиш керак. Табиийки, биринчи навбатда, ҳазрат Навоийнинг ғазаллари ёд олинса, нур устига аъло нур бўлар эди. Менимча, бунақа “қаттиққўллик”ка ҳеч ким эътироз билдирмаса керак. Чунки ёд олинган шерлар билан қалбларга қўшимча нур киради, меҳр ортади, муҳаббат куртак ёзади.

Грузинлар Шота Руставелини жуда яхши кўришади. Айтишларича, эрга тегадиган ҳар бир қизнинг сепида, албатта, “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони бўлмоғи шарт экан. Билмадим, бу одатни бизда жорий қилиш керакми-йўқми? Лекин бир нарсага ишончим комил – Алишер Навоий шаънига айтадиган мақтовларимиз ва фахрияларимиз чинакамига ҳаётийлик касб этмоғи учун ҳазратни бағримизнинг тўрига ўтқазайлик, унинг асарларини кундалик ҳаётимиздаги энг ишончли суянчиғимизга, маънавият бобида чинакамига суянч тоғимизга айлантирайлик.

ИНСОННИНГ МАНГУ ДАРДИ

Эркин ВОҲИДОВ

Навоий ижоди шу қадар поёнсиз туйғулар оламики, ундан инсон ҳиссиётининг барча жилоларини топиш мумкин. Севги, соғинч, рашк, умид, айрилиқ уқубати, висол шодлиги, юрт меҳри, фидолик, жасорат... бу саноқни чексизлик қадар давом эттириш мумкин. Тасаввуримда инсон руҳиятининг бирор ҳолати йўққи, Навоийда унинг ифодаси учун бир байт топилмасин. "Хазойинул маъоний" фақат маънолар ҳазинаси эмас, инсоний туйғулар қомуси, ҳиссиётнинг бепоён олами ҳамдир.

Ҳазратнинг бир ғазали "Ваҳки умрим барча зое бўлди эл коми билан" деб бошланади. Шеър бошдан оёқ озодлик туйғуси ҳақида. Ғазалнинг биринчи сатриёқ кишини чексиз ҳаёлларга ғарқ қилади:

Ваҳки умрим барча зое бўлди эл коми била,
Бодаи ноб ўрнида хуноба ошоми била.

Нақадар буюк изтироб бор бу сўзларда. Биргина шоирнинг эмас, бор инсониятнинг, ҳамма замон ва маконларнинг дарду алами бор. Ком–истак, хоҳиш демак. Комронлик ўз истагига кўра яшамоқ, яъни озод бўлмоқдир. Шоир таассуф билан, мен ўз истагимга кўра яшамадим, бошқаларнинг раъйи билан, замона зайлига бўйин эгиб кун кечирдим, ҳеч қачон эҳтиёрим ўзимда бўлмади, демоқда. Шу боис ичганим бода эмас, қонли ёшларим бўлди. Ҳаётим зое кетди.

Бу фақат ўн бешинчи асрнинг эмас, барча замонларнинг изтиробидир.

Буюк шахсияти, кенг билим ва дунёқараши билан ўз даврининг тор қолипларига сиғмаган Навоий фарёд қилади:

Кимса юз йил комронлиғ қилса, билким, арзимас
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа биров коми била.

Эрксизлик шундай аламли ҳолатки, агар юз йил ўз эркинг билан яшасанг, бир лаҳза ихтиёрсизлик бу юз йиллик бахтдан нишон қолдирмайди. Эрксизликнинг бир дақиқаси ҳам оғир кўргилик экан. Умрга татигувлик қайғу экан.

Биров коми нима? Бу ўзганинг истаги, хоҳиши, иродаси, изми, руҳсати, раъйи демакдир. Навоий учун эрксизликда ичилган оби ҳаётдан кўра ўз хоҳиши билан ичилган заҳар яхшироқдир.

Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким
Ичса ҳайвон шарбатин нокомлиғ жоми била.

Биров зўрлаб ичирган қадаҳ нокомлик жомидир. Байтнинг маъносини лўнда қилиб айтса, эрксиз яшагандан кўра ўлган яхши, демакдир.

Ғазал давом этади. Навоий байтлар оша гўзал ташбиҳлар, аниқ ҳаётий манзаралар орқали инсон ҳурриятини улуғлайди, бандилик уқубатини чуқур дард билан тасвирлайди.

Юз дилором айлагандан равза ҳибси яхшироқ
Бўлса ўз вайрони ичра кўнгли ороми била.
Эй кўнгил, эл субҳи айши сори боқма, хўй қил
Фардлиғ вайронида меҳнат қаро шоми била.

Агар жаннат боғига кирсанг, юзта пари сени ўрасаю сенда бирор ёққа кетиш ихтиёри бўлмаса, равза ичра ҳибсда бўлсанг, ундан кўра ўз вайронангда кўнглинг ороми, озодлик, тинчлик ва хотиржамлигинг билан қолганинг яхши. Шоир юксак санъат билан "дилором" ва "кўнгил ороми" сўзларини ёнма-ён келтириб бу ўхшаш сўзларнинг икки тамоман бошқа маъноларини очади. "Дилором"нинг маъноси бу ўринда пари пайкар бўлса, "кўнгил ороми" деганда хотиржамлик, тинчлик, осойишталик ҳолати тушунилади.

Навоий ёлғизлик истагини кўп ёзган. Хиротдек зарифлар шаҳрида ҳам фикри тор, қалби нурсиз, суҳбати саёз, ғийбатчи, майда одамлар йўқ бўлмаган чоғи, "парим бўлса учиб қочсам улусдин то қанотим бор," деган каби сатрлар " Хазойинул маъоний"да талайгина бор. Бу ғазалда Навоий ана шундай тоифа ичига тушиб қолмоқни тутқунликка қиёслайди, уларнинг чароғон субҳи айшидан меҳнат шомини, яъни азобли қоронғуликни, уларнинг чаманзордаги анжуманидан фардлик вайронасини, харобада ўтган ёлғизликни афзал билади.

Қушқа юнг маскан аро хушроқдурур озодлиғ,
Бўлғонидин банд аро сайёд ипак доми била.

Қуш ўз уясини оддий жундан тўқийди. Овчи эса тузоқни қиматбаҳо ипакдан ясайди. Ипак тузоқ бойликдаги тутқунлик рамзи, юнгдан тўқилган уя эса камина камтарлик аро озодлик тимсоли. Яна ҳам тўғрироғи ватан тимсоли. Байтнинг маъноси шуки, текин неъмат тамаъида ўзни тузоққа урма, ўз ватанинг, озодлигинг қадрига ет. Кўргинки, қушга эркин парвоздан ортиқ бахт борми? Лекин у ҳам гоҳ нафс қутқуси билан сайёд домига илинади. Бу сенга ибрат бўлсин.

Бошдан оёқ озодлик қайғуси билан ёзилган бу ғазал зимнида Навоийнинг сўнгсиз ҳасрати бор, эрксиз ўтган умри учун чеккан надомати бор. Бир қарашда бу ўкинч таажжубли туюлиши мумкин. Шоҳнинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, замонининг энг давлатманд одамларидан бири, ёшлик чоғиданоқ шуҳрати мамлакатга ёйилган, элда ҳурмат-эътибори беқиёс даражада юксак, "Гар қуёш янглиғ эрур қадрим менинг шаҳ олдида" деяолган шоир тутқун бўлиши мумкинми? Инсониятга ўзидан маънолар хазинасини қолдирган, кўплаб мадрасалар, дорушшифолар, кўприклар қурдириб элга яхшилик қилган, умрининг ҳар лаҳзасини эзгулик хизматига бахш этган Навоийдек инсон "ваҳки, умрим барча зое бўлди" деса, бошқалар нима десин?

Шундай деймизу кўнгилда бошқа бир савол туғилади. Ким эркинроқ? Оддий одамларми ёки юксак мартаба ва шон-шуҳрат эгаларими? Чумолидай ўз рисқини териб, аравасини ҳайдаб, ашуласини айтиб юрган одам озод ва бахтлими ёки ҳар қадами эл назарида, подшолик назарида бўлган улуғ амирми?

Шеър маъносига кирган сари кишига саволлар ёғилиб келаверади. Мутлоқ озодлик борми ўзи? Инсон фақат ўз истаги билан яшаши мумкинми? Жамиятда яшаб туриб инсон бу жамиятнинг қонун-қоидаларидан ташқарида бўла оладими?

Одамзод ҳамиша кўнглим нима дейди дебмас, эл-юрт нима дейди деб яшар экан. Керак ва кераксиз ғам-қайғу, ташвишларни бошига ортар экан, қалбнинг энг ҳассос эзгу туйғуларини яширмоққа мажбур бўларкан. Инсон жамиятда яшаб туриб жамиятнинг қонун қоидалари, урф-одатларидан, ҳаёт тарзидан четда туролмас экан. Озодлик англаб етилган заруррат, дейилади. Жўн сўз билан айтса, озодликнинг ўзи тутқунлик экан...

Одатда шеърни таҳлил қилганда биз, шоир ундоқ дейди, бундоқ дейди, фалон ғояни олға суради, дея сўз юритамиз. Аслида шеър насиҳат, тарғибу ташвиқ эмас, юрак тебранишлари эканини унутамиз. Навоий ушбу ғазалда инсон эркини тараннум этган, десам ҳақиқатнинг ҳаммаси бўлмас. Агар фақат шундай бўлганда беш юз йил ўтиб бугун у бизнинг юрагимизни ларзага солмас эди, хаёлларимизни чулғамас эди.

Ғазал инсоннинг мангу дарди тўғрисида, кўринмас кишанлари тўғрисидаги хасратли қиссадир. Шоир юрагини тўлдирган армон, ичидан чиққан чуқур хўрсиниқдир.

НАВОИЙНИ АНГЛАШ

Абдулла ОРИПОВ

Буюк бобомиз ижоди, дарҳақиқат, улкан бир уммондир ёхуд дунёнинг энг ранг-баранг ва беназир хазинасидир. Кимки ниманики ахтарса, ушбу хазинадан албатта топғусидир.

Жумладан, барча навоийшунослар неча замонлардан буён бу улуғ меросни ўрганиб, тадқиқ этиб, ундан шоён баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Айтиш керакки, ҳаётнинг исталган жабҳасига тегишли чақмоқ фикрлар, гўзал ташбеҳлар бу хазинада ҳайратомуз даражада серобдир. Айрим мисоллар келтирайлик. Мана шоир беҳини (мева) таърифлаётир:

Оқартиб ишқ бошимни, ниҳон бўлди сариғ чеҳрам,
Момуғ ичра беҳини чирмоғон янглиғ киши андо.

Яъниким, пахта – момиққа сариқ беҳи ўраб қўйилгани каби оппоқ сочим оғушида сариқ чеҳрамдир.

Ёхуд шоир фалакиёт – астрономиядан иқтибос келтиради:

Маҳжабинлардин сияҳдиллик, не тонгким, ойнинг
Ботинин кўрсанг қародур, гар кўринур зоҳир оқ.

Шоир бундан беш юз йиллар муқаддам ой тупроғининг аслини аниқ тасвирлаган.

Энди бир мисол тиббиётга доир. Қарангки, шоир бир ғазалида сариқ касалининг барча белгиларини бошдан-оёқ санаб ўтади ва охирида дейди:

Дард туфроққа ниҳон қилди Навоий жисмини,
Топибон бир шуша олтин, дафн қилгандек гадо.

Шоир ўз жисмини бир шиша сариқ олтинга менгзамоқда.

Навоийнинг яна бир байтига эътибор қилайлик. Бу ерда гап ваҳдат майи устида эмас, балки мавжуд турмушнинг аниқ ҳолатлари ҳақида бораётир:

Эй муғаннийлар, Навоий маст эди – кеч уйғонур,
Они уйғотмоққа бир дилкаш тараннум айлангиз.

Қуйидаги мисолда ҳам ҳаёт детали шашлик – шишлик тарзида ифода этилмоқда:

Гарчи ишқ ўтида кўнглумни ўқунгға шишладинг,
Гарм бўлмаким, ҳануз не сих куймиш, не кабоб.

Мана бу ўринда эса Навоий ўзининг қайси қавмга мансублигини таъкидламоқда. Бу ҳам қизиққан ҳар бир одам учун ахборот манбаи бўла олади:

Шоҳу тожу хилъатиким, мен томоша қилғали
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас.

Кўриниб турибдики, устознинг муборак назари тушмаган бирор соҳа йўқ. Хўш, унинг қалби-чи? Шоирнинг қалбида қандай ғалаёнлар юз бермоқда эди? Унинг юраги нималардан изтироб чекмоқда эди? Ҳасрати ва армонлари нималардан иборат эди?

Биз юқорида келтирган шеърий мисраларни балким ҳар қандай мутахассис илмий-бадиий жиҳатдан тўғри шарҳлаб бера олар. Лекин Навоий ҳасратию армонини ким шарҳлай олади?

Аввало, Навоий ижодининг асл манбаида инсон турадики, у гоҳ шоҳ, гоҳ гадо, гоҳ ошиқ, гоҳ ринд. Лекин Навоий инсонни қанчалик улуғламасин, унинг норасолигидан ҳам шу қадар шикоят қилади, ҳатто фарёд чекади:

Чу билмай элга вафо айладим – жафо кўрдим,
Не суд энди агарчи нечаким пушаймонмен.

Ёки:

Дўстлар, басдур мазорумға маломат тошлари,
Чекмангиз меҳнат қўярға қабри вайронимға тош.

Хўш, буюк шоирнинг кўнглини бу қадар ўкситган сабаб недур? Навоий буни ҳам очиқ-ойдин айтади:

Турфа, кўрким, халқ коми бирла умрум бўлди сарф,
Турфароқ буким, биравга ёқмади бир хизматим.

Яъни, жайдари тилда айтсак, шоир гўё, қўчқорни бердинг-у, бироқ арқонини бермадинг деб маломат қиладиганларни назарда тутгандек.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам инсон боласи яхшиликдан фойдаланишга ғоят уста, лекин уни қадрлашга ҳар доим ҳам қодир бўлавермайди. Афсуски, инсон болаларини олий туйғулар эмас, кўпинча нафс бошқариб келган. Ёвузлик унга доимий ҳамроҳ бўлган. Навоийнинг ҳасратлари айнан мана шулар эмасми?! У муттасил равишда инсон комиллигини орзу қилаётир-ку. Наинки орзу қилаётир, балки унинг ижобати учун курашмоқда-ку!

Бироқ шоир армонлари ушалмаса ҳам инсон қавмига ҳаргиз этак силкимади. Аксинча, уни тўғри йўлга даъват қилди.

Бўлма дўнё дўст, гар истар эсанг осудалиқ,
Лек ҳар не қилсалар, бўл аҳли дунё бирла дўст.

Ҳазратнинг теран фалсафаси ҳам шу эди. Биз аваламбор шоирнинг қалбига, чексиз ҳасратларига қулоқ тутишимиз, уни англашимиз зарур.

Бобомизнинг таваллуд куни – наинки тенгсиз ифтихор куни, балки биз учун улуғ уммондан яна бир карра баҳра олмоқ имкони ҳамдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак – шоирларнинг султонидир”.

“ХАМСА” ЁЗИШ АНЪАНАСИГА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ МУНОСАБАТИ

Ботирхон ВАЛИХЎЖАЕВ

Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётларида туркум асарлар яратиш тажрибаси қадимий тарихга эга бўлиб, бу анъана туфайли машҳур «Минг бир кеча», «Панча тантра», «Тўтинома» каби жаҳоний шуҳратга молик бадиий ёдгорликлар майдонга келди. X асрда форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»си яратилиб, у Шарқ халқлари эпик шеърияти тарихида улкан бадиий ҳодиса бўлибгина қолмай, балки кейинчалик, аниқроғи, XII асрдан бошлаб Шарқнинг кўпгина халқлари адабиётида панж ганж, хамса деб номланган янги туркум асарлар яратиш анъанасига ҳам маълум хизмат қилди. Тўғри, «Шоҳнома» ва панж ганж, хамса бадиий ёдгорликларнинг ўзаро умумий, ўхшаш томонлари бўлиши билан бир қаторда уларнинг ҳар бирининг, ўз навбатида, ўзига хос хусусиятлари ғоявий-сиёсий, адабий-эстетик ва фалсафий йўналишлари, замоналарига муносабати, муаллифларининг карашлари ва мароми ҳам бор. Шундай бўл- са-да, туркумлилик нуқтаи назаридан улар орасида маълум бир боғланиш кўзга ташланади. Аммо бу боғланиш айнан такрорда эмас, балки такрорламасликда кўринади. Бас шундай экан, панж ганж, хамса адабиёт тарихида оригинал ҳодиса сифатида туркумлиликнинг ўзигача мавжуд бўлган хусусиятларидан баҳраманд бўлган ҳолда уни янгича тарзда ривожлантирган адабий жанр бўлиб майдонга келди ва XII-XIX асрларда турли тарзда давом этган байналмилал бадиий ҳодисага айланди. Натижада, XII асрда Озарбайжонда бошланиб, XIII-XIX асрлар давомида Ҳиндистон, Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркия, Озарбайжонда форс-тожик, ўзбек, турк тилларида яратилган достонлар туркуми – панж ганж ва хамсалардан ҳозирги кунда 60 дан ортиғи илм оламига маълум. Аммо уларнинг кўпчилигининг муаллифи ва таркибига кирувчи асарларнинг номи ва Низомий ё Хусрав Деҳлавий «Хамса»ларига жавобан ёзилганлиги тазкираларда келтирилган хабарлар орқали маълум бўлиб, ўзи аниқланганича йўқ. Масалан, XIX аср муаллифларидан Ҳусайнқулихон Азимободий «Наштари ишқ» номли тазкирасида Миннат тахаллусли Мир Қамариддин Сайид Машҳадий тўғрисида сўз юритиб, жумладан шундай ёзади: «(Миннат) даҳ маснавий ба таври хамсаи Низомий ва Хусрав ба қалам оварда» [1] (Миннат Низомий ва Хусрав хамсалари йўналишида ўнта маснавий ёзган).

Кўринадики, бунда шоир Миннат «Хамса»сининг таркибидаги дос- тонларнинг номи эслатилган эмас. Шунинг натижасида Миннат қаламига мансуб ўнта маснавий бир туркум ёки иккита бешлик туркумидан иборатми, деган саволларга жавоб топиш ҳозирча мушкул. Чунки бу асарларнинг ўзлари ҳозирча аниқланган эмас. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Панж ганж ва хамса деб аталган туркум асарларнинг айримлари эндиликда аниқланмоқда. Мисол учун, Алишер Навоий томонидан эслатилган Ашраф Марофавий «Хамса»сининг нусхалари ҳозирги кунда аниқланди ва улар озарбайжонлик адабиётшунос. Тоҳир Муҳаррамов томонидан ўрганилиб, нашрга тайёрланмоқда [2]. Шунингдек, Ашраф Марофавийдан олдинроқ, яъни 1402-1417-йиллар орасида Жамолий Табрезий томонидан ёзилган «Хамса»нинг ҳозирча ягона нусхаси Буюк Британиядаги Индиа оффис кутубхонаси фондида сақланаётганлиги эндиликда маълум бўлди [3].

Шундай бўлса-да, панж ганж ва хамсаларнинг ҳозирга қадар маълум бўлганларини уму-

мий тарзда кузатишнинг ўзи ҳам бу анъананинг ниҳоят мураккаб бир жараён эканидан далолат беради. Шунинг учун бундай типдаги асарларнинг ҳаммасига бир меъёрда муносабатда бўлиш ва баҳолаш масаласига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб қилинади.

Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий хамсалари ҳақида кейинги йилларнинг ўзида қатор тадқиқотлар майдонга келди. Аммо Шарқ халқлари адабиётлари тарихида хамса ёзиш анъанасини ўрганишда, юқорида эслатилганидек, мушкулотлар мавжудлиги туфайли бу бадиий ҳодиса кенг планда, яхлит бир жараён каби системали тарзда ўрганилганича йўқ.

Демак, панж ганж ва хамса деб юритилувчи туркум асарларнинг шакл ва мазмун жиҳатдан ривожи, улардаги ички ўзгаришлар ва янгиликлар, бу ҳодисанинг жанрий хусусиятлари чуқур ва ҳар томонлама текширишни тақозо этади. Бу анъанада майдонга келган туркум достонларнинг аксарияти ҳозирги кунда аниқланмаган ёки тадқиқот доирасига киритилмаган экан, бу ишни комплекс тарзда ўрганишни амалга ошириш кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шундай бўлса-да, маълум ёзма ёдгорликлар (бу ўринда туркум ёдгорликлар назарда тутилмоқда) асосида ҳам дастлабки хулосаларга келиш мумкин кўринади.

XII-XV асрлар давомида, яъни Алишер Навоий «Хамса»си яратилгунга қадар, бир томондан, Низомий Ганжавий асос солган хамса ёзиш анъанаси, яъни ғоявий-бадиий жиҳатдан яхлит достонлар туркумини яратиш йўналиши давом этган бўлса (масалан, Хусрав Деҳлавий), иккинчи томондан, XIV асрдан бошлаб бу анъанага бешта достондан иборат туркум асарлар – панж ганж ёзиш (масалан, Ҳожуи Кирмоний) анъанаси ҳам бошланган эди. Алишер Навоий бадиий қомуси – «Хамса»сини хамсатайн (Низомий ва Хусрав Деҳлавий «хамса»лари йўналишида яратгандан сўнг, юқорида уқтирилганидек, туркум достонлар (хамсатайн, панж ганж) яратиш анъанасида янги – сабъа, яъни етти достондан ташкил топган туркум ва кейинчалик эса ситта, яъни олти достондан иборат туркум майдонга келди. Бундан Шундай хулосага келиш мумкинки, Алишер Навоий «Хамса»си бу янги туркумларнинг майдонга келишига туртки бўлган кўринади. Бу фикрни қувватлаш учуи хизмат қилувчи далилларга мурожаат қилайлик. Маълумки, Алишер Навоийнинг «Хамса»си 1484 йилда ёзиб тугатилган эди (буни «Хамса»нинг Абулжамил котиб томонидан кўчирилган нусхаси ҳам тасдиқлайди [4]). Шундан сўнг Алишер Навоий «Хамса»ни Абдураҳмон Жомий назаридан ўтказади ва унинг юксак баҳосига сазовор бўлади. Бу баҳо:

Ба туркий забон нақше омад ажаб,
Ки чодудамонро бувад муҳри лаб...
Агар буди он ҳам ба назми дари,
Намонди мачоли сухангустар,

(Туркий тилда шундай ажойиб бир нақш майдонга келдики, у жоду-сеҳрли сўзларнинг лабларига муҳр босди. Агар бу ҳам дарий тилида назм қилинганда эди, унда сўз айтишга мажол қолмаган бўлур эди) тарзида бўлиб, у «Хирадномаи Искандарий» достонидан жой олган. Бу достон эса, жомийшунос Аълохон Афсаҳзоднинг аниқлашича, 1484 йилнинг декабрь ойида ёзиб тугаталган [5]. Бу далил, бир томондан, Алишер Навоий «Хамса»си 1484 йилнинг декабрь ойидан олдин ёзиб тугатилганини яна бир карра тасдиқлайди. Абдураҳмон Жомий Алишер Навоий «Хамса»сини мутолаа қилгач, ўзининг шу вақтгача бўл-

ган Хамса – бешлик ёзиш ниятини ўзгартириб, бу анъанага «тарҳи тоза» киритиш мақсадида ўзи мўлжалланган хамса – бешликни еттилик – «Ҳафт авранг»га айлантиришни лозим топган кўринади. Жомийнннг Алишер Навоий «Хамса»сига берган баҳосида ҳам шунга ишора бордай туюлади. Натижада, «Ҳафт авранг» 1486 йилда, яъни «Силсилат уз-заҳаб» достонининг учинчи дафтари ёзилгандан кейин майдонга келди. Чунки Абдураҳмон Жомий 1468-1472-йиллар орасида ёзган «Силсилат уз-заҳаб» достонининг биринчи дафтари қисмини янада ривожлантириб, унинг иккиичи (1485) ва учинчи (1486) дафтарларини ҳам ёзиб тугатди ҳамда 1480 йилда битилган «Соломон ва Абсол» достонини ҳам аввал мўлжалланган хамсаси достонлари сирасига қўшиб, «Ҳафт авранг» номидаги еттилик туркумини майдонга келтирди. Бу фикрни адабиётшунос А.Афсаҳзод ҳам юқорида эслатилган китобида уқтириб ўтган [5: 59].

Демак, Алишер Навоий «Хамса»си яратилгунча бўлган даврда, бир томондан, Навоий ибораси билан айтганда. хамсатайн (Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий хамсалари) анъанаси, иккинчи томондан, Ҳожуи Кирмоний, Жамолий Табрезий, Ашраф Мароғавий, Котибийларнинг панж ганж – бешликлари йўналиши давом этган бўлса, Алишер Навоий ўз «Хамса»си билан хамсатайн анъанасини юқори поғонага кўтариб, туркум достонлар ёзиш тарихининг бурилиш нуқтасини ҳам ташкил этди, бу йўналишда янги давр, янги анъананинг бошланишига туртки ҳам бўлди. Натижада, Абдураҳмон Жомийдан бошлаб, XIV-XIX асрлар давомида турли характердаги панж ганж – бешлик (Қосимий Гунободий, Яҳёбей Тошлижали, Ломеий, Атойи Навъизода, Биниш Қашмирий, Замирий Исфаҳоний, Ҳидоятулло Раъий, Мир Савбадорхон), ситта – олтилик (Фазлий Чалабий, Хокий Балхий, Ҳидоят Табаристоний), сабъа – еттилик (Абдураҳмон Жомий, Бадриддин Кашмирий, Зулолий Хонсарий) ва ўн-ўн бешта достондан иборат туркум бешликлар (Сайид Ҳасан бинни Фатхуллоҳ, Мир Қамариддин Сайид Миннат Машҳадий, Абдибек Шерозий) яратилган эди. Аммо XVI – XIX асрлар давомида том маънодаги хамсатайн, Навоий давом эттирган хамса типи анъанасида асарлар яратиш кўзга ташланмайди.

Эътибор қилинган булса, юқорида асосан туркум достонлар кенг маънодаги хамса анъанасининг шаклий-таркибий хусусиятларига кўпроқ тўхталдик. Бу анъананинг мазмуни, мундарижаси ва таркибидаги сюжет линияларига бўлган муносабат, уларни янгилаш, янги достонлар яратишга даъват ва уни амалга оширилгани ҳақида ҳам айрим мулоҳазалар баёнига ўтайлик. Чунки бу масала хамса деб номланган достонлар туркуми ўзгаришининг мураккаб бир жараён эканини идрок этишда кўмаклашур, деган умиддамиз.

Маълумки, ўрта аср адабиётшунослиги бадиий асар яратиш жараёнида унинг мазмун ва шакли масалаларига эътиборни қанчалик қаратган бўлса, асар яратишда такрордан кочиш, оригинал ёзишга интилишни ҳам шунчалик назарда тутган эди. Бу фикр адабиётшуносликда маълум, назарий масалалардан баҳс юритувчи асарларда ҳам, эпик шеърият намуналари бўлмиш достонларнинг кириш ёки хотима қисмларида ҳам, шу жумладан туркум достонлар – панж ганж, хамса ситта, сабъа таркибидаги асарларда ҳам баён этилган.

Бундай мисолларни Низомий Ганжавий достонларидан ҳам келтириш мумкин. Масалан, у «Шарафнома»сида шундай ёзган эди:

Магў, он чи доной пешина гуфт,

Ки дар дур нашояд ду сўрох суфт.
Магар дар гузарҳои андешагир,
Ки аз бозгуфтан бувад ногузир.
Дар ин пеша чун пешвои нави,
Кўҳанпешагонро макун пайрави. [6]

(Олдинги донишмандлар айтганларини такрорлама, чунки қимматбаҳо дурда иккита тешик очмайдилар. Агар такрорлаш зарур бўлиб қолганда ҳам андиша қилғил. Бу соҳада сен янгилик пешвоси экансан» ўтганларнинг пайрави бўлиб қолма). Бундай тарзда мулоҳаза юритиш, янгилик яратишга даъват кейинги асрларда ҳам давом этди. Ана шунинг натижасида XIV асрдан бошлаб, Иизомий Ганжавий «Хамса»си ва унинг таркибига кирган достонларга бўлган икки хил муносабат кўзга ташланади. Булардан бири – Низомий Ганжавийни қўллаб-қувватлаш ва «Хамса»си анъанасини давом эттиришга интилиш. Бу ҳолни Хусрав Деҳлавий ижодида учратиш мумкин [7]. Шунинг билан бир қа- торда, Хусрав Деҳлавий ҳам Низомий «Хамса»сидаги достонларга ижодий ёндашиш, ҳатто уларнинг номларига маълум ўзгартириш киритиш («Лайли ва Мажнун» эмас, «Мажнун ва Лайли» ёки «Хусрав ва Ширин» эмас, «Ширин ва Хусрав») ва достонлар тартибини ҳам бошқача тарзда келтиришга (Баҳром гўр ҳақидаги достонни 5-ўринга ўтказиш) уринди, яъни у ҳам ўз тушунчасида Низомий «Хамса»си анъанасига янгиликлар киритишга интилди.

Низомий Ганжавий «Хамса»сига иккинчи хил муносабат эса унинг «Хамса»сига, ундаги достонларга танқидий ёндашиш ва унинг поэмаларини такрорламаслик, уларнинг ўрнига янги сюжет линияларини киритишга интилиш анъанасидир. Кейинги тенденция намояндаларидан Хожуи Кирмоний ва Салмон Соважийлар (XIV аср) бу соҳада очиқ-ойдин фикр билдирганлар. Жумладан, Хожу панж ганжидаги «Равзат ул-анвор» (1342–1343) достонида:

Гарчи суханвари номи туйи,
Мўътақиди назми Низомий туйи.
Дар гузар ар «Махзани асрори» ў,
Бар гузар аз чадвалу паркори ў.
Хозини махзан дили донои туст,
Маҳрами асрори хирад рои туст. [8]

(Гарчи сен машҳур сўз устаси бўлиб, Низомий назмининг мўътақиди бўлсанг-да, унинг «Махзан ул-асрори»дан ва йўл-йўриқларидан воз кеч. Хазинанинг посбони сенинг доно кўнглинг бўлса, ақл сирларининг маҳрами сенинг хоҳишингдир), - деб қатъий равишда сўз юритса, бундан олдинроқ– 1335-1336-йилларда ёзилган «Ҳумой ва Ҳумоюн» достонида эса: «Бу мавзуда ва бу вазнда ҳеч ким бундай асар ёзган эмас. Мен Хусравоний дебо тикиб, билимдан чироқ ёқдим. Янгича тарзда асар ёзиб, бошқа мулкка қараб йўл олдим», - деб таъкидлайди [9].

Кўринадики, Хожу Низомий асарларини такрорламаслик, унинг йўлидан узоқ бўлиш, янги майдонга қадам қўйганлиги ҳақида сўз юритмоқда.

Салмон Соважий эса 1362 йилда ёзган «Жамшед ва Хуршед» достонида:

Низомиро сияҳ шуд дурри шаҳвор,

Ривоже нест он сими куҳанро. [10]

(Низомийнинг қимматбаҳо дурлари қоралайди, у эски сим-кумушлар- нинг ривожи йўқ), деб Низомий асарларини «сими куҳан» – эскирган кумуш деб даъво қилади ва А. А. Стариковнинг уқтиришича, Лайли ва Мажнун, Хусрав (Фарҳод) ва Ширин каби анъанавий образлардан қатъиян воз кечади [10: 64].

Бундай ҳол XV асрда ҳам давом этди. Натижада, XV аср шоирларидан Мавлоно Саккокий, Мавлоно Отоий ва Абдураҳмон Жомийлар ҳам Низомий «Хамса»сидаги айрим достонларга ишора қилиб, улар эскирдилар, энди тоза янги қиссалар яратиш лозим, деб уқтирдилар. Масалан, Мавлоно Саккокий ёзади:

Биздин эшитсун эмди жаҳон тоза қиссалар,
Чун куҳан бўлди Лайлию Мажнун ҳикояти. [11]

Мавлоно Отоий эса:

Битисам билғай насиҳатномалар юз «Ганжи панж»,
Ўзга қилмас Хусраву Ширин даҳонимдин кўнгул [11: 377], -

тарзида мулоҳаза юритади.

Абдураҳмон Жомий ҳам «Юсуф ва Зулайҳо»сида:

Куҳан шуд давлати Ширину Хусрав,
Ба ширине нишонам Хусрави нав [12]

(Ширин ва Хусрав (қисса)си эскирди, энди мен янги Ширин ва янги Хусравларни яратаман), - деб айтса, «Хирадномаи Искандарий»да эса Баҳроми гўр ҳақидаги достонни «қиссаҳои куҳан» - эски қиссалар деб [12. 458], бу мавзуда алоҳида достон ёзмайди.

Келтирилган мисолларда «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» (Баҳромнома) каби Низомий ва Хусрав Деҳлавий хамсаларидан ўрин олган достонлар эскирган, энди янгиларини яратиш, янги қаҳрамонларни тақдим этиш, такрордан қочиб, оригиналликка интилиш лозим, деган муҳим бир фикр ифода этилган.

Демак, Алишер Навоийгача ва унинг замонасида Низомий «Хамса»си таркибидаги достонлар ва образларга икки хил муносабат мавжуд бўлиб, Низомий «Хамса»си таркибидаги асарларни янгилаш тўғрисидаги фикр анча устувор эди. Шунинг учун XIV-XV асрларда яратилиб, хамсатайн типига кирмовчи панж ганж бешликларнинг кўпи ана шу талабларга мувофиқ тарзда ёзилаётган эди. Буни Ҳожуи Кирмоний (XIV), Жамолий Табрезий, Кавкабий (XV аср) бешликлари ҳам тасдиқлайди. Алишер Навоий эса буларнинг ҳаммасидан хабардор эди. Бас шундай экан, нега Алишер Навоий ўша даврларда анча жонланган йўналиш – Низомий «Хамса»си достонларини янгилаш йўлидан бормай, балки Низомий ва Хусрав Деҳлавий асарларини – хамсатайнни ўз «Хамса»сини яратишда мезон-илҳом манбаи қилиб олди? Бизнингча. бу масалада Алишер Навоий, бир томондан, Низомий ва Хусрав Деҳлавий хамсаларининг моҳиятини чуқур тушунган ҳолда уларни ҳимоя қилишга чоғлади. иккинчидан ва энг муҳими, анъанавий мавзу ва қаҳрамонларни янги давр ҳамда талаблар

асосида янгича талқин қилиш, шаклан ўхшаш, аммо оригинал, мазмунан ҳамоҳанг, аммо янги асарга, янги қаҳрамонларга айлантириш мумкин, яъни назираи беназирни майдонга келтириш лозим. деган ақидадан келиб чиққан эди. Бу билан у илмий-адабий меросни қадрлай билиш, ундан фойдалана олиш лозим, у эскирди деб баҳридан кечиш керак эмас, дегандай бўлади. Навоийнинг:

Кишилик будурким унутсанг ани,
Чу таркинг қилур тарк қилсанг ани [13],

- деб ёзгани ҳам шу маънода катта ҳикматга моликдир.

XV аср ва хусусан XVI асрдан сўнг хамсатайнни янгилашга интилиш йўналиши устунлик қилди. Бу ҳодисанинг сири асрорини аниқлаш эса чуқур таҳлилни кутмоқда.

Демак, кенг маънода достонлар туркуми маъносидаги хамса анъанаси XII-XIX асрлар давомида Ғарбда - Озарбайжон ва Туркияда, Шарқда эса Ҳиндистонгача бўлган жуғрофий регионда катта бир адабий ҳодисага айланиб кетди. Натижада хамса циклидаги асарларнинг турли типлари, уларнинг ўзига хос хусусият ва қонуниятлари хам мяйдонга келди. Шунинг учун эндиликда ана шу типлар ва уларнинг қонуниятларини ўрганиш, бу қонуният ва хусусиятларни майдонга келтирган тарихий, ижтимоий-сиёсий ва жуғрофий муҳит, адабий-эстетнк талаблар, муаллифларнинг позицияси, дунёқараши ва маҳоратини ҳар томонлама текшириш зарурияти ҳам келиб чиқади. Шу иш амалга оширилганда, ҳар бир муаллифнинг қўшган ҳиссаси, унинг бу анъанада тутган мавқеи ва ўзи мансуб бўлган халқ руҳини, орзу-истакларини қай даражада ифодалай олганлиги, унинг асаридаги умумбашарий ва шунинг билан бирга, замонаси билан боғлиқ бўлган томонларни чуқур ва асосли тарзда ёритиш имконияти туғилади.

Адабиётлар

1. Ҳусайнқулихон Азимободй. Тазкираи «Наштари ишқ» V жилд. Душанбе, 1988. 1526-б.

2. Муҳаррамов Т. Мароғали Ашраф ва унинг қўлёзмалари – «Адабиёт ва инжасанат», 1984 йил 24 ноябрь (озарбайжон тилида); Шу муаллиф. Хамса яратган иккинчи шоиримиз – «Адабиёт ва инжасанат», 1988 йил 29 январь: Нарзуллаева С., Нагиева Ж. Боз як хазинаи нодир – «Ҳақиқати Узбекистон», 1981 йил 10 сентябрь (тожик тилида); Нарзуллаева С. Яна бир «Хамса» то- пилди – «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1981 йил 11 сентябрь.

3. Козимов М. Буюк Британиядаги қўлёзмаларимиз – «Адабиёт ва инжасанат» 1988 йил 16 сентябрь.

4. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. Тошкент, 1986, 27-29-бетлар.

5. Аълохон Афсаҳзод. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Проблемы текста поэтики. М., 1988, с. 65.

6. Низомий Ганжавий. Қуллиёт. Дар панч чилд. Чилди чорўм. Шарафнома, Душанбе, 1984, саҳ. 60.

7. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Бақоев М. Ҳаёти ва эчо» диёти Хусрави Деҳлавй. Душанбе, 1975, саҳ. 115-121.

8. Ҳожу достонидан келтирилган мисоллар қуйидаги манбадан олинди: Доктор Ризозода Шафақ. Таърихи адабиёти Эрон, Чопи дуввум. Теҳрон, 1340 ҳ. ш –1962 м, 323-бет,

9. Ҳумой ва Ҳумоён аз Абул Ато Камолиддин Маҳмуд бин Али бин Маҳмуд Ҳочуи Кирмони. Бо тасҳеҳи Камол Айни. Интишороти буньёди фарҳаиг. Эрон, 1348 ҳ. сах. 233.

10. Бу мисол қуйидаги манбадан олинди: Стариков А. А. К вопросу о традиции эпической «Пятерицы» в литературах восточного средневековья (Низами - Хосрав Дехлеви и их подражатели) – В сб. ст.: Взаимосвязи литератур Востока и Запада. М., 1961, с. 64.

11. Ҳаёт васфи. Тошкент, 1988, 267-бет.

12. Абдураҳмон Жомий. Ҳафт авранг. Тошкент, 1914, 293-бет.

13. Алишер Н а в о и й. Хамса. Тошкент, 1960, 650-бет.

БУЮК НАВОИЙНИНГ БУЮК ШЕЪРИЯТИ

Бегали ҚОСИМОВ

Уч-тўрт ёшларида нозик бир шеърни ёд олиб, атрофдагиларни ҳайратга солган Алишер 7-8 ёшларидан шеър машқ қила бошлаган эди. Шеърият умр бўйи унга ҳамроҳ бўлди. Адабиётимиз тарихида ҳеч кимга унингчалик «кўб ва хўб» шеър ёзиш насиб этган эмас.

У 15 ёшида «замонасининг маликул-каломи» деб ном олган Лутфийни лол қолдирди. 24-25 ёшларида экан, мухлислари унинг шеърларини тўплаб, девон туздилар. Бу девон Навоий шеърларининг дастлабки тўпламидир. Шоир мухлислари тузган тўпламдир. Унда 391 ғазал, 41 рубоий, 1 мухаммас, 1 мустазод ўрин олган эди.

Навоийнинг ўзи тузган биринчи девони «Бадоеъ ул-бидоя» деб номланади. «Бадоеъул бидоя» бадиийликнинг бошланиши дегани. Шоир бу девонини дўсти, подшоҳ Ҳусайн Бойқаронинг таклиф ва илтимосига кўра тузган эди.

Девоннинг «Дебоча»(Сўзбоши)сида бу ҳақда шундай ёзади:

Тиларбиз, бу паришон бўлса, мажмуъ
Равон бўлким, эмастур узр масмуъ.

Маъноси: Бу тарқоқ (паришон) (шеърларингнинг) тўплам (мажмуъ) бўлишини истаймиз. Ишни тезлаштиргинки (равон бўлким), узрингни қабул қилмаймиз.

Девон кўриниб турибдики, Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққанидан кейин, яъни 1469 йилдан сўнг тузилган.

Шоирнинг иккинчи девони «Наводир ун-ниҳоя» («Ниҳоясиз нодирликлар») деб аталади. Ва у мутахассислар фикрича, 1480-1487 йилларда тузилган бўлиб, биринчи девондан кейин ёзилган ўзбекча шеърларини қамраб олади.

Алишер Навоий 1492-1498 йилларда яна Ҳусайн Бойқаронинг таклиф ва даъвати билан ўзининг барча шеърларини, шу жумладан, олдинги, ўзи тузган икки девонига кирган шеърларини «Хазойин ул-маоний» («маънолар хазинаси») номи остида бир ерга йиғиб, улар асосида тўрт девон тартиб қилади. Бу тўрт девонга қуйидагича ном беради:

Ғаройибус сиғар (Ёшлик ғаройиботлари);
Наводируш шабоб (Йигитлик нодирликлари);
Бадоеул-васат (Ўрта ёш бадиалари);
Фавойидул-кибар (Кексалик ўгитлари.)

Кўринганидек, шоир барча шеърларини йиғиб, уларни умрга қиёсан тўрт фаслга ажратади. Ҳар бирига алоҳида таъриф беради, йил фасли билан таққослаб, шарҳлайди. 7-8 ёшдан 20 ёшгача бўлган даврни болалик («туфулият») – ёшлик («сиғар») деб атайди ва «умр фусулининг навбаҳори» деб таърифлайди. 20-35 оралиғидаги ёшни «фусулнинг ёзи», 35-45 ёшни «фусулнинг хазони», 45-60 ёшни «фусулнинг қиши» деб шарҳлайди. Ҳар бир девонига 650 тадан ғазал киритади, шунга мувофиқ бошқа шеърий жанрларга ҳам жой ажратади.

«Хазойин ул-маоний» Навоий шеърий меросининг куллиётидир (бош тўпламидир). Унда 45 минг мисрага яқин 3200 дан ортиқ шеър бор эди. Бу шеърлар ўша даврда кенг тарқалган 16 лирик жанрга мансуб эди. Табиийки, «Хазойин ул-маоний» 1498 йилда якунлангани учун шоирнинг сўнгги 2-3 йиллик шеърлари кирган эмас. Шу жиҳатдан, «Хазойин ул-маоний» улуғ шоирнинг барча ўзбекча шеърларини қамраб олади, деб айтиб бўлмайди. Қолаверса, илгаригиларидан ҳам турли сабаблар билан унга кирмай қолганлари бўлиши мумкин. Шуларга қарамасдан, Шарқда «Чор девон» номи билан шуҳрат топган мазкур тўпламни Навоийнинг ўз она тили туркийдаги шеърий меросининг куллиёти дейилса, муболаға бўлмайди.

Навоий форсча шеърларини тўплаб, «Девони Фоний»ни тузди. Унда ғазал, мусаддас, таркиббанд, рубоий, қитъа, тарих, муаммо, қасида, луғз каби жанрлардан ташкил топган 1131 шеър бор эди. Девондаги шеърий мероснинг умумий адади 12 минг мисрадан ортиқ эди.

Шу тариқа, буюк шоирнинг шеърий мероси ҳаётлик чоғида 8 девонда жам бўлган, шулардан бирини мухлислари тузган эдилар. Бундай улкан шеърий мерос мумтоз адабиётимизда кўрилган эмас эди.

Машҳур олим ва адибларимиздан Мақсуд Шайхзода Навоийни “Ғазал мулкининг султони” деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам, у ўзбек ғазалчилигининг энг буюк вакилидир. Фақат ўзбек эмас, умуман Шарқ ғазалиётида у мумтоз ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки ғазал унинг қаламида янги босқичга кўтарилди. Ғазалнинг эса, мақоми жуда баланд эди.

Фузулий ёзади:

Ғазалдур сафобахши аҳли назар
Ғазалдур гули бўстони ҳунар...
Ғазал билдирур шоиринг қудратин,
Ғазал орттирур нозиминг шуҳратин.

Фузулий шоирлар ҳақида тўхталганида эса, араб адабиётидан Абу Нувосни, форсий шеъриятдан Низомийни, туркийдан Навоийни тилга олади. Жумладан, Навоий ҳақида фикр юритиб, уни «Навойии сухандон»[1] , «Манзури шаҳаншоҳи Хуросон»[2] деб таъриф этди. Буюк Навоий Хуросон шоҳаншоҳи Султон Ҳусайнга ғазаллари билан ҳам, достонлари билан ҳам манзур бўлган эди. Фузулий таърифи шоир достонларига нақалар дахлдор бўлса, ғазалларига ҳам шу қадар алоқадор эди.

Хўш, Навоий ғазалиётига хос хусусиятлар нималарда кўринади?

Яхшиси, шоирнинг ўзидан эшитайлик. У бир шеърида ёзади:

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ
Ким андин яхши йўқ назм эҳтимоли.
Бири – мўъжизбаёнлиқ соҳири Ҳинд
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.
Бири Исо нафаслиқ ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.
Бири қудси осорлиқ орифи Жом
Ки Жоми Жамдурур синғон сафоли.

[1] Иборада сўз ўйини бор. Чунончи: сўзчи Навоий; сўзчилар дардманди; сўзчилар мададкори каби.
[2] Шаҳаншоҳ–шоҳлар шоҳи. Бу Навоий замондоши Султон Ҳусайнга берилган юксак баҳодир.

Навоий назмиға боқсанг, эмастур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.
Ҳамоно кўзгудурким акс солмиш,
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.

Демак, ғазалда уч хил йўл бор, уч буюк устоз бор. Бу уч буюк устоздан ўтказиб ёзиш, тўртинчи йўл эҳтимоли йўқ. Бу уч устознинг бири – ўз фикрларини мўъжизавий баён қилувчи ҳинд сеҳргари (Хусрав Деҳлавий). Унинг ҳар бир сўзи ишқ аҳли юрагига чўғ ташлайди.

Бири – бу ўтар дунёнинг масту бепарвоси, Исо нафасига эга бўлган Шерозлик ринд (Ҳофиз Шерозий).

Бири – шеърларида муқаддаслик сезилиб турган, дунёнинг барча сирларидан воқиф (орифи жом) (Абдураҳмон Жомий), унинг қўлидаги синиқ сафоли Жамшид Жомидан улуғроқ.

Лекин сен Навоий шеърига кўз ташласанг, унинг бирор байти ҳам бу уччала сифатдан холи эмаслигини кўрасан. Унинг шеъри шундай бир кўзгудирки, бу уччала шўх маҳвашнинг жамоли унда акс этиб туради.

Шоир, кўринганидек, ўзигача бўлган Шарқ ғазалиётида уч устоз, уч йўл борлигини таъкидлаяпти. Булар: эҳтиролар шоири Хусрав Деҳлавий; ҳурфикр Ҳофиз; донишманд-файласуф Жомий. Навоий ўз шеърида буларнинг ҳар учаласига хос хусусият борлигини қайд этяпти. Такрорлаймиз: эҳтирос, ҳурфикрлик, донишмандлик.

Дарҳақиқат, Навоий ғазалиётида эҳтирос ҳам, ҳурфикрлик ҳам, донишмандлик ҳам жамулжам эди. Ўзбек ғазали унинг қаламида биргина туркий шеърият эмас, форс ғазалиётидги энг яхши тажрибларни ҳам умумлаштирди.

Ғазалга хос муҳим хусусиятлардан бири ундаги ҳар байтнинг мустақиллигидир, мустақил мазмун касб этишидир. Бу мустақиллик гоҳида шу даражага борадики, уларнинг ҳар бири алоҳида асар даражасига кўтарилади. Бу, бир томондан яхши, албатта. Лекин, иккинчи томондан, шеърнинг яхлитлигига путур етади. Муайян фикр ёхуд нозик маънони охиригача етказишга халақит беради. Шу сабабли, ғазалиётда байтларни бир-бирига боғлаб бориш, фикр ёхуд образни даражама-даража ўстириш тамойили ҳам бўлган. Буни тадриж деганлар. Бу йўлда мумтоз адабиётда шеърлар кам эди. Алишер Навоий ғазалдаги бу усулга алоҳида эътибор берди ва тадриж санъати қўлланган ўнлаб гўзал шеърлар яратди. Буларнинг энг машҳури «Ёрдин айру кўнгул...» ғазалидир. Шоир бутун бир шеърда ёридан айрилган кўнгилнинг аҳволи ва манзарасини ташбеҳ ёрдамида чизиб беради. Шеърни тўла келтирамиз:

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ.
Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул,
Бир қаро туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.
Бир қаро туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,
Ул қаронғу кечадекдурким, маҳи табони йўқ.
Ул қаронғу кечаким, йўқтур маҳи тобон анга,
Зулматедурким, анинг сарчашмаи ҳайвони йўқ.
Зулматеким чашмаи ҳайвони онинг бўлмағай,

Дўзахедурким, ёнида равзаи ризвони йўқ.
Дўзахеким равзаи ризвондин ўлғай ноумид,
Бир хуморийдурким, анда мастлиғ имкони йўқ.
Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки бор,
Ҳажридин дарди ва лекин васлдин дармони йўқ.

Энди «Ёрдин айру кўнгул»нинг нималарга қиёсланганини кўриб чиқайлик:

1- байт
а) Ёрсиз кўнгил – султонсиз мулк;
2- байт
б) Султонсиз мулк – жонсиз жисм;
3-байт
Жонсиз жисм – гулу райҳонсиз тупроқ
4-байт
Гулу райҳонсиз тупроқ - ойсиз қоронғи кеча
5-байт
Ойсиз қоронғу кеча – оби ҳаётсиз зулмат[1]
6-байт
Оби ҳаётсиз зулмат – жаннат боғидан узоқ дўзах
7-байт
Жаннат боғидан маҳрум дўзахий – майсиз хумор

Лирик хотима: Шундай уқубатларга қарамай, ёрдан воз кечма.

Ҳар бир байтда ёрсиз кўнгилнинг бир қиёси бор ва бу ҳар бир қиёс ўз навбатида ёрсиз кўнгилнинг ғайриинсоний, бинобарин, ғайритабиий моҳиятини очишга ёрдам беради. Шеър инсонликнинг моҳияти унинг ишқидир деган шоир ижоди учун бош шиор бўлган масалага келиб боғланади. У бир ўринда:

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун-

деб очиқ ёзган эди. Ишқ дегани ошиқ ва маъшуқа деганидир. Ошиқ бор жойда ёр – маъшуқа бор. Маъшуқани ошиқсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шеър мана шу мантиқ асосига қурилган.

Иккинчидан, ёрни тор маънода тушунмаслик керак. Бу ердаги ёрни лирик қаҳрамон бир кўриб севиб қолган қиз деб тушуниш тўғри бўлмайди. Тўғри, бу маъно ҳам йўқ эмас. Лекин шоир кўзда тутган маъно бунда анча кенг. Шу ерда шоирнинг ишқ ҳақидаги қарашларини келтирамиз. У «Маҳбуб ул-қулуб»да ишқни учга бўлади. 1. Авом ишқи. 2. Хос ишқ. 3. Сиддиқ ишқи.

Авом ишқи шоир фикрича, йигит билан қизнинг бир-бирига бўлган олий мартабаси шаръий никоҳ билан якунланадиган табиий интилишидир.

[1] Ривоятга кўра оби ҳаёт зулматда бўлармиш.

Хос ишқ ундан фарқ қилади. Навоий уни шундай изоҳлайди: «...бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқи-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубнинг жамолидан баҳра олади»[1].

Тасаввуфда мажоз ва ҳақиқат деган тушунча бор. Унга кўра, бу дунёнинг гўзалликлари илоҳий гўзалликнинг рамзидир, белгиларидир. Хос ишқ дунёга мана шу нуқтаи назардан боқмоқдир. Гўзал маъшуқанинг таърифини бермоқ, Оллоҳнинг санъати васф этмоқдир. Навоий тили билан айтганда, «мажоз тарийқи била ҳақиқат асрори»ни куйламоқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, «ёрсиз кўнгил» тушунчасида ишқдан узоқ маъносидан ташқари муқаддас нарсаси бўлмаган, эътиқодсиз одам деган маъно ҳам яширинган.

Ғазал ўзбек шеърияти учун хос бўлган рамал баҳрида ёзилган.

Ёрдин ай ру кўнгул мул кидурур сул тони йўқ
-V- - - V - - - V - - -V -
Мулкким сул тони йўқ жис медурурким жони йўқ
- V- - -V - - - V - - - V -
Рамали мусаммани маҳзуф:
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Шоир ғазалиётининг асосий мазмуни–моҳиятини ишқ ташкил қилади. Ҳамма фикрлар мана шу ишқ тушунчаси атрофида айланади. Унингча, дунёга келмоқдан мурод комил инсон бўлмоқдир. Комилликнинг биринчи белгиси эса, ошиқликдир. Бу фикр хилма-хил ҳаётий образ-тимсоллар орқали ифода қилинади:

Ўтға солғил сарвни ул қадди мавзун бўлмаса,
Елга бергил гулни, ул рухсори гулгун бўлмаса.

Сарв дарахтининг сарвлиги унинг «қадди мавзун»лигида. Қадди «мавзун» (келишган, гўзал) бўлмаса, унинг сарвлиги йўқ. Уни оловга солиш керак. Ёқишдан бошқага ярамайди. Гул яшнаб турганлиги, гулгунлиги учун гул. У яшнаб турмаса, уни шамолга совуриш керак. Келиб чиқадиган хулоса: инсон инсондек яшаши керак. Инсондек яшамаса, унинг инсонлиги йўқ. Бу ғоя унинг бутун шеърияти, ижоди учун хос бўлган хусусият.

Мана унинг машҳур қитъаларидан бири:

Камол эт касбким, олам уйидин,
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмоқ биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

«Олам уйи»га – дунёга келганингдан кейин «камол касб эт» – комил бўл, мукаммал бўл. Бу дунёдан «ғамнок чиқмоқ» – армон билан ўтмоқ тўғри бўлмайди. Навоий ҳатто буни

[1]Алишер Навоий. «Маҳбубул -қулуб». Насрий баён Иноят Махсумовники, Т.,Ғ.Ғулом нашриёти, 1983 йил, 52-бет.

«фарз ўлмағай» деб жуда кескин қўяди. Қитъанинг иккинчи байтида бу фикр ташбиҳ – ўхшатиш орқали тушутириляпти, дунёдан армон билан ўтиш ҳаммомга кириб тоза бўлмасдан чиқишдек гап.

Шоир ғазалиётининг кўлами ва йўналиши ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш учун айрим намуналари билан танишиб чиқамиз.

Мубтало бўлдум санго

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санго.
Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батарроқ мубтало бўлдум санго.
Мен қачон дедим вафо қилғил, манга зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлғил манго , бўлдум санго.
Қай пари пайкарга дерсен, телба бўлдунг бу сифат,
Эй, пари пайкар, не қилсанг, қил манго, бўлдум санго.
Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.
Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.
Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

Кўринганидек, ғазал ишқий мавзуда. Унда изтироб ва тасалли ажиб бир уйғунлик топган. Шеър анъанавий, ошиқнинг маъшуқага изҳори дили билан бошланади: ошиқ - ёр ҳуснини кўришга зор. У ишқ деб аталган дардга мубтало бўлган. Шу сабабли, у ёр билан ошно бўлган кунни «балолиғ» (бало келтирган кун) деб ҳисоблайди. Байтдаги сўзларни тушуниш қийин эмас. Уларнинг ҳаммаси бугунги кунда ҳам тез-тез ишлатиладиган сўзлардир. Бу ерда бир нарсага диққатни қаратайлик. Шоир, бир томондан, ёри ҳуснини кўришга зор бўлганини маълум қилаяпти. Иккинчи тамондан, уни «балолиғ кун» (бало келтирган, бахтсиз кун) демоқда. Буни қандай тушуниш керак? Бу ерда тазод бор. Бу тазодни биринчи сатрдаги «мубтало» (балога дучор бўлиш) сўзи таъкидлаб туради. Байтнинг мазмуни асосан икки сўз –«зору мубтало» асосига қурилган.

Давом этамиз. Ошиқ бу мубталоликдан қутулишга уринади. Ҳар кун уни ўзига мубтало қилган ёрдан кўнгил узишга ҳаракат қилади. Лекин бахтсизликни қарангки, у кундан кун узилиш ўрнига, аксинча батарроқ боғланиб боради. Шоир ёрдан вафо қилмоғини сўрайди, бироқ жафо (зулм) кўради. «Сен менга фидо бўлгил, деганингда бўлмадимми?!» дея ундан гина қилади. Маъшуқа эса, бепарво. Бепарвогина эмас, ўзини гарангликка солиб, «бу қадар телбаларча севиб қолган пари пайкаринг ким бўлса..?»-дея ўйин қилади. Бетоқат ошиқ ўзини тамом унутиб, «у - сен! У - сен!» - деб ҳайқиради.

Навбатдаги бешинчи байт шоирнинг ўз кўнгли билан мулоқотига бағишланган. Шоир унинг қайсарлигидан нолийди. Унга ёрдам бера олмаганидан, аксинча, ўзи ҳам ортиқча ташвиш бўлганидан ўксинади.

Олтинчи байтда Жоми Жам ва Хизр суви ҳақида гап кетади. Ишқдаги дунёвий белги йўқолиб, илоҳий-тасаввуфий мазмун намоён бўла бошлайди. Шоир соқийга мурожаат этиб,

мол-дунёдан кечиб ҳузурингга келганимдан буён насибам «Жоми Жам бирла Хзир суйидир», дейди. Жоми Жам Жамшид Жоми демакдир. Ривоятларга кўра, бу Жомга қуйилган май адо бўлмайди. Унинг соҳибига икки дунё борлигини намоён этади. Хизр суйи эса, оби ҳаётдир. Уни ичган киши абадий яшайди.

Сўнгги байт - мақтаъда бу фикр янада кучаяди. Навоий ёрга «асиру бенаво» бўлганидан буён ишқ аҳли (ушшоқ) орасида «ғусса чангидан наво», яъни ғам-қайғудан заррача ҳам асар топмаганини маълум қилади.

Ғазалнинг шаклий хусусиятларига келсак, радифлик – «бўлдум санго» радиф бўлиб келаяпти. Матлаъдаги қофия (мубтало-ошно) ғазалнинг бутун мазмунига йўналиш бериб турибди. Рамал баҳрида ёзилган (рамали мусаммани маҳзуф: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) Тазод, тажнис, талмеҳ санъатларидан самарали фойдаланилган.

Даврон - қизил, сариғ, яшил

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сариғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар он қизил, сариғ, яшил.
Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сариғ, яшил,
Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснинг ёдидин,
Тобдоннинг аксидек алвон қизил, сариғ, яшил,
Оразу холинг била хаттинг хаёлидин эрур
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сариғ, яшил,
Лаългун май тутқил олтун жом бирла сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сариғ, яшил,
Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валек,
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сариғ, яшил,
Эй Навоий, олтуну, шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сариғ, яшил.

Шеърда ранглар жилва қиладилар. Шоир танлаган уч ранг - қизил, сариқ, яшил - ўзининг барча маъно ва оҳанглари билан намоён бўлади: табиатдаги оддий ранг-бўёқни англатишдан ижтимоий, ҳатто сиёсий оҳангларни ифодалашгача кўтарилади. Шоир бутун борлиқда шу уч рангни кўради. Тўғрироғи, дунёга шу уч ранг орқали боқади. Биринчи байтдаёқ табиат билан руҳият орасига кўприк солади...

Жонон либосини хил-хил қилиб, қизил, сариқ, яшил кийимларда товланиб чиқар экан, ошиқ бағрига ўт тушиб, унинг оҳидан ҳар лаҳзада қизил, сариқ, яшил шуълалар таралади.

Бу оҳ алангасидан ишқ саҳроси гулшанга айланади. Ва у гулшан аро ҳар томонга қизил, сариқ, яшил оловлар эсади.

Ёр ҳусни, латофати шоирнинг шиша мисоли кўнглида қуёшнинг эшик тепасидаги туйнукдан уйга оқиб кирадиган анвойи нурлари каби қизил, сариқ, яшил рангларда жилоланади.

Ёрнинг юзи, холи, лаби устидаги хатти хаёлида даврон ошиқ кўзи олдида гоҳ қизил, гоҳ сариқ, гоҳ яшил рангда товланади.

Шоир ёрга мурожаат этар экан, унга кўкламда олтин жомда қирмизи май тутишини сўрайди. Унингча, қизил, сариқ, яшилнинг энг сара хосияти ушбудир.

Фақирнинг ҳаёти рангин – рангларга тўла ҳаётдир. Унинг биргина жандасига боқинг, неча ранг бор. Дарвешнинг тўнига қизил, сариқ, яшил ямоқлар солишдан осон иш йўқ!

Эй Навоий, сен девонингни безаш учун ранглар излаб юрма, у сенинг шеърларинг туфайли қизил, сариқ, яшилга бўялгандирлар.

Ғазал ёр тавсифига бағишланган. Лекин бу тавсифда бошқа кўп ғазалларидан табиат, жамият, руҳият баравар иштирок этадилар. Шоир табиат манзараларидан руҳий манзараларга, табиат тамсилларидан жамият ҳодисаларига томон боради. Ва шу тариқа, бутун оламнинг яхлит ва бирлигини намойиш этади. Қизил, сариқ, яшил сўзларининг радиф даражасига кўтарилиши бу рангларнинг барча маъно ва ифода имкониятларини кўрсата олишга имкон берган. Шеърда ташбеҳ, таносуб, далиллаш санъатларидан самарали фойдаланилган. Қофиядош сўзлар – жонон - ҳар он, ҳар ён – алвон - даврон-имкон-осон-девон – шеърнинг бош ғоясини ифодалашга яқиндан ёрдам берган. Вазни – рамали мусаммани маҳзуф: фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Вайрон Каъбани обод этмоқ...z

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
Кимки, бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.
Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандам деса,
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлагай.
Ёрдин ҳар кимки, бир сўз дер, туганмасдин бурун,
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлагай.
Ёр ҳижронидин ўлгумдур, бу навъ эрмиш сазо
Ул кишигаким, биравга ўзни муътод айлагай.
Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила
Сарсари ишинг етиб борини барбод айлагай.
Шайхдин зуҳду риёий касб ўлур, ё раб, қани,
Дайр пириким,фано расмини иршод айлагай.
Одам авлодида камдур одамийлиқ шеваси,
Одам эрмас, улки майли одамизод айлагай.
Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийғи кин,
Ёнгилиб, аввал менинг жонимға бедод айлагай.
Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

Ғазал ишқий-тасаввуфий мавзуда. Лекин биргина бу доира билан чекланмайди. Одатдагидек, унда қанчадан-қанча ҳаётий лавҳалар, дунёвий унсурлар, муқоясалар, манзаралар кўзга ташланиб турибди. Шоир хилма-хил воситаларни ишга солиб, ўзининг ишқдан маҳзун ҳолини шарҳлаётир.

Кимки бир мазлумнинг додига етса, бунинг савоби бузилган Каъбани тузатган билан тенгдир. Бир томонда - «кўнгли бузуғ (синиқ)» инсон, иккинчи томонда – «вайрон Каъба». Мана, шоир муқояса учун нималарни танлаб олади! Навоийнинг инсонни ҳамма нарсадан муқаддас ва мушарраф тутганлигига, ҳамма нарсани унинг хизматига қўйганлигига бундан ортиқ яна қандай далил келтирмоқ мумкин?! Тазоднинг чиройли намунаси бўлган бу байт ушбу ғазалнинг шоҳбайтидир. Аслида, у ёрдан лутф-марҳамат илинжида айтилган

эди. Лекин у ўз ҳолича, мустақил матнда нақадар кенг миқёсли инсонпарварлик мадҳиясига айланган.

Ғазалдаги ҳар бир байт мустақил, ўз маъносига эга. Ғазал назариётчилари ундаги фикр ва образ изчиллигига қараб кўпинча икки гуруҳга ажратадилар: воқеабанд ёхуд якпора ғазаллар, пароканда ғазаллар. Шу жиҳатдан уни иккинчи гуруҳга киритиш мумкин.

Ғазални кузатишда давом этамиз: Иккинчи байтда ошиқнинг ёрга садоқати енгил сўз ўйини, ўйноқи мантиқ ёрдамида ифодаланади: гарчи мен халқнинг эрка (эркин) фарзанди эсам-да, ёр агар мени «Бандам (қулим)»! дегудек бўлса, шуни яхши билгилки, бир бандасини «озод» (эрка ва эркин) қилган бўлади. Биринчи байт бениҳоя жиддий, чақириқ оҳангида. Иккинчи байтда бу оҳанг, руҳ ўзгарди. Шунинг ўзида тазод намоён бўлиб турибди.

Учинчи байт: ошиқ ёрига шу қадар интиққи, бирор киши унинг ҳақида сўз очиб қолгудай бўлса, уни тугатмасидан бурун яна бошидан эшитишни истайди.

Тўртинчи байт: ёр ҳажридан ўлишим шубҳасиз – бировга боғланиб қолган кишининг жазоси шундай эмиш.

Бешинчи байт: кўнглум тугунларини сабр варақларида ёзмоқ мумкин, бироқ, бир оҳ шамоли билан ҳаммаси тўзғиб, барбод бўлади.

Олтинчи байт: шайх узлатга чекилиб, иккиюзламачилигини бошламоқда, эй худо, майхона тартибини йўлга қўядиган унинг эгаси қани, қаерда қолди?

Еттинчи байт: одам авлодида одамийлик кам. Кимда одамийликка майл сезилса, билгинки, у одам эмас.

Саккизинчи байт: бу қандай балодирки, фалак одамларга адоват қиличини кўтарганида янглишиб аввал менинг кўксимга уради.

Тўққизинчи байт: эй пари, агар Навоий яна Астробод сари йўл олса, тўқайзорлар ичидаги девлар қўлида нобуд бўлсин.

Дарҳақиқат, ғазалда гарчи олдингидек ранглар тилга олинмаган бўлса-да, мазмун ва ифодасига кўра ғоят рангбаранглигини инкор қилиб бўлмайди. Унда Каъбадан бошланган сўз Астрободгача келган. «Ёрга банда»ликдан майхонадаги «фано расми»гача бор.

Шеърга «Айлагай» сўзи радиф қилиб олинган. Қофиядош сўзлар: шод-обод-озод-бунёд-муътод-барбод-иршод-одамизод-бедод-Астробод. Вазни: олдинги икки шеър сингари рамали мусаммани маҳзуфда. Яъни:

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Алишер Навоийдек буюк санъаткор, табиийки, биргина ғазалчилик доирасида қолиши мумкин эмас эди. У ўз даврида мавжуд бўлган барча шеърий шаклларда самарали ижод этди. Жумладан, таржиъбанд, таркиббанд, рубоий, туюқ, мухаммас, мусаддас, мусамман, мустазод, маснавий, луғз, қитъа, фард, муаммо, тарих, қасида, соқийнома ка би хилма-хил рубобий жанрлардан ғоят унумли фойдалана олган ижодкор эди. Уларда шоирнинг ғазал ва достонларида ўртага ташланган фикр ва образлар ўз давомини топди. Жанр имкониятлари доирасида янги қирраларга эга бўлди. Масалан, унинг машҳур бир таржиъбандини олиб кўрайлик:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол...

Буюк шоирнинг машҳур таржиъбандларидан бири шундай номланади.

Аввало, таржиъбанд деганининг ўзи нима? Таржиъбанд, арабча сўз. Банд охирининг такрорланиб келишини, қайтарилишини кўзда тутади. Истилоҳ (атама) сифатида эса, бир хил вазн ва қофияда ёзилган ҳар бир банд охиридаги байт - мақтанинг тиакрорланиши орқали ҳосил бўладиган шеърнинг бир хил турини англатади. Таржиъбандлар кўпинча фалсафий мавзуда ёзилган. У мумтоз шеъриятимизда кенг учрайдиган адабий жанрлардан. Алишер Навоий ўзининг «Хазойин-ул маоний»сига ундан тўртта намуна киритган. Юқоридаги таржиъбанд шулардан биттаси.

Мазкур таржиъбанд «Ғаройиб ус-сиғар»дан жой олган. У қуйидаги сатрлар билан бошланади:

Кетур соқий, ул майики, субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст
Майиким, қилур қуйсалар жом аро,
Ўзи масту кайфияти майпараст.
Эшит саргузаштеки, букун манга
Неча майпараст ўлдилар ҳамнишаст.

Кўринганидек, шеърнинг биринчи банди ғазалга ўхшаб қофияланиб келмоқда. Яъни: биринчи байт ўзаро қофияланган (аласт-маст), қолганларида эса, тоқ мисралар очиқ қолиб, жуфт мисралар ўзаро қофияланиб келаётир (майпараст-ҳамнишаст). Бошқача айтганда, қофияланиш тизими: аа, ба, ва, га шаклида.

Ўн байт йигирма сатрдан таркиб топган мазкур банд қуйидаги байт билан якунланади:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол.

Таржиъбаднинг умумий ҳажми 10 банд (200 сатр)дан иборат. Ва ҳар бир банд юқоридаги байт - мақтаъ билан якунланади. Ушбу байт мазмун ва руҳига кўра барча бандларни ўзаро маҳкам бир-бирига боғлаб туради.

Шеърга бой ҳаётий кузатишларга таянган теран фалсафа асос қилиб олинган. Бу кузатишлар бир томондан, ҳазил-мутойибага йўғрилган бўлса, иккинчи томондан ўз жиддий хулоса-ҳукмлари билан хаёлингизни эгаллаб олади. Масалан, дастлабки бандда ошиқнинг қизиқарли бир саргузашти ҳикоя қилинган: у бир неча майхўр дўстлари билан майхонага кириб қолибди, кўзи пири муғон (майхона эгаси)га тушибди. Бирдан унинг жозибаси ошиқни маҳлиё этиб, ҳаваскор майхўр қармоққа илинган балиқдек инон-ихтиёрини йўқотиб қўяди. Дарвешлик либосини гаровга бериб, бир кўзача май олади. Оғзини мум билан маҳкам беркитиб, мастона қадам босиб келмоқда эди, ҳамшишалари югуришиб келиб, кўзача ичида нима борлиги текширишга тушиб кетадилар. Ошиқ бечора оёқлар остида қолиб, ҳамма нарса шундай ағдар-тўнтар бўладики... «Менинг шикастланганим ҳеч нарса эмас, кўзача чил-чил бўлиб, чорасиз қолган эдим»,- деб давом этади ўз саргузаштини ошиқ. Ва юқоридаги якунловчи байт бу воқеани ўзига хос тарзда якунлайди:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол

(Мазмуни: паришон бир ҳолда майхонага кирдим. Май ичмоқ истайман. Қўлимда - синган май идиш (сафол)!

Шу тариқа, ҳар бир банд соқийга мурожаат билан бошланади ва ошиқнинг афтодаҳол вазияти тасвири билан якун топади. Тўғри, саргузашт фақат биринчи бандда, қолганларида асосий ўринни ҳол тасвири эгаллайди. Шоир гоҳ умрнинг фонийлигидан ғалаёнга келиб, майхонада ғавғо кўтармоқчи бўлади, гоҳ сафол ичидаги майда жаҳоннинг жилваланишини тамошо этади. Гоҳ май хуморидан ошуфтаҳол бўлиб, соқийдан «оғзига май қуй»ишини илтижо қилади ва ҳоказо. Лекин таржиъбанднинг ҳар жиҳатдан энг юксак ва мукаммал банди сўнгисидир. У таржиъбандни якунлайди. Илоҳий ишқ тасвири мазкур бандда ўзининг ҳадди аълосига кўтарилган.:Уни тўла келтирамиз:

Нечук май била бўлмасун улфатим,
Ки жон қасди айлар ғаму меҳнатим,
Назар айла бу коргоҳ вазъиға,
Ки ортар тамошосида ҳайратим.
Қуёш йўққи, бир зарра моҳиятин
Топа олмади саъй ила фикратим.
Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим
Не касби улум этти ҳал мушкулим,
Не тутти илик тақви-ю тоатим.
Топай деб хабар ушбу мақсуддин,
Туташти басе қавм ила суҳбатим.
Не қилди бу дардим иложин ҳаким,
Не шайх айлади дафъ бу иллатим.
Не қилмоққа бир амрдин ҳосилим,
Не кечмакка бу фикрдин журъатим.
Менинг бошима бас қотиқ тушди иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.
Харобот аро кирдим ошуфта ҳол
Май истарга илгимда синғон сафол!

Бандда дунёни англамоққа, ўзликни билмоққа тийиқсиз иштиёқи бўлган ошиқнинг изтироб ва кечинмалари ўзининг бетакрор ифодасини топган. Дунёнинг тамом бир сир-синоат эканлиги, унинг ўз қонуниятлари борлиги, уни англаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаслиги, ҳақиқат даъвосида юрганларнинг ўзлари ҳақиқатдан ниҳоятда йироқ эканликлари борасидаги шоир кузатишлари ва тафтишлари ўқувчини ўйга солади. Сиз беихтиёр шоир хулосаларига қўшиласиз ва унинг измидан юра бошлайсиз.

Дарҳақиқат, нега у май билан улфат бўлмасин, ғам-ташвиши жонига келиб қадалибди-ку!

Шоир далилларига эътибор қилайлик: бу дунё тузумига назар сол, томоша қилганинг сайин ҳайратинг ортади. Қуёш у ёқда турсин, бир зарранинг моҳиятини ҳам фикру ғайратим англаб ета олмади. На келишим аён бўлди, на кетишим. На уларнинг сабаб-оқибатини тушуниб ета олдим. Буларни билмоқ қасдида эгаллаганим илм ҳам мушкулимни осон қила олмади. Англамоқ илинжидаги тақво-тоатим ҳам ёрдамчи бўла олмади. Ушбу мақсад калитини излаб, одамлар билан суҳбатга зўр бердим, натижа бўлмади. На бу дардим иложини

ҳаким қилди, на бу иллат дафъини- шайх. Ҳеч бирининг қўлидан келмади. Шунча ҳаракатим зоеъ кетди, самараси бўлмади. Лекин ниятимдан кечмоққа ҳам журъатим етмайди. Бошимга жуда оғир иш тушди Бу дард билан тоқатим тоқ бўлди. Паришон бир ҳолда майхонага кирдим. Май ичмоқ истайман. Қўлимда - синган май идиш (сафол)!

Шу тариқа шоир харобот-майхонага келиш йўлини атрофлича асослайди. Энди тасаввуфий рамзларни эсга олайлик. Май - Аллоҳ ишқи. Харобот аҳли – дарвешлар. Соқий - Аллоҳ йўлига бошловчи пири муршид. Май ичиладиган жом – ошиқ қалби. Лекин бу ердаги ҳолни кўрингки, май идишнинг ўзи синиқ, яъни ошиқ қалби вайрон. Бу вайронлик ёр ҳажридан, унга интизорликдангина эмас. Гарчи бу ҳам муҳим бўлса-да, у оламни англаш ва забт этиш имкониятининг чеклангани-чегаралангани билан боғланадиган ҳолдир. Бу, албатта тасвир этилаётган вазъиятга алоҳида бир тус беради, шеърдан олинадиган таассуротни кучайтиради ва шоир асарига фавқулодда мумтозлик бахш этади.

Банддаги «не-не» сўзлари билан бошланадиган далил ва бурҳонлар ружуъсидан майдонга келган қизғин музаравий руҳ, оҳанг унга алоҳида бир эҳтирос бағишлаган. Улфатим-меҳнатим-ҳайратим-фикратим-ражъатим-тоатим-суҳбатим-иллатим-журъатим-тоқатим қофиялари ва ниҳоят эпик достонларга хос бўлган мутақориб баҳри (фаувлун фаувлун фаувлун фаувл фаувлун фаувлун фаувлун фаувл)нинг танланиши бу руҳ ва оҳангни таъминлашда муҳим рол ўйнаган.

Аслида, буюк истеъдод учун катта-кичик жанр йўқ. Унинг сеҳрли қалами теккан ҳар бир сўз алоҳида жозиба бахш этади, абадият мулкига айланади. Бироқ кичик жанрлар бор. Масалан, рубоий, туюқ, фард, луғз (чистон), таърих каби бир қатор шеър турлари борки, улар одатда ҳажман у қадар катта бўлмайдилар. Аксинча, чекланган бўладилар. Масалан, фард, арабча «ёлғиз» дегани. Кўпинча, якка байт (бир байтлик, яъни икки сатрлик) шеърлар кўзда тутилади. Улар, одатда, турли муносабат билан йўл-йўлакай айтилган шеърлар бўлади. Кўплигини муфрадот (фардлар) дейилади. Қитъа ҳам арабча сўз. Кесик, парча, қисм, бўлак маъноларини англатади. Кўплиги муқаттаот. Икки ва ундан ортиқ байтдан иборат бўлиб, кўпинча аб, вб, еб шаклида қофияланади. Баъзи ҳолларда маснавий сингари аа, бб, вв тарзида ҳам қофияланиб келиши мумкин. «Хазойин ул-маоний»да 210 қитъа келтирилган. Умумий адади 503 байт.

Навоийнинг рубоий ва туюқлари ҳақида муайян тасаввур ҳосил этмоқ учун улардан айрим намуналар кўриб чиқамиз. (Дарвоқеъ, «Хазойин-ул маоний»га шоирнинг 133 рубоийси, 13 туюғи киритилган)

Рубоийларидан

Кўз бирла қошинг яхши. қабоғинг яхши
Юз бирла сўзунг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,
Бир-бир не дейин боштин-аёғинг яхши.

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикондек ошён бўлмас эмиш.

Зоҳид сенга ҳуру менга жонона керак,
Жаннат сенга бўлсун, менга майхона керак.
Майхона аро соқи-ю паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.

Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўз ҳолиға саргашта-ю ҳайрон мендек.
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,
Яъники алохону аломон мендек.

Бу тўрт рубоий, айтиш мумкинки, тўрт хил мавзуда. Биринчиси ёр тасвирига бағишланган. Шоир кўпроқ тавсиф-васф этиш йўлидан боради. Тавсиф бўлиб ҳамки, фавқулодда ташбеҳ-ўхшатишлар, осмоний сифатлар йўқ. Содда, тўғрима-тўғри эътироф турибди. Муаллиф ёр тимсолига оид бирор нуқтани олади-да, уни «яхши» деб эътироф этади (масалан, кўз, қош, қабоғ, энг-яноқ, менг_хол, сақоқ-ияк). Ва сўнггида уларни жамлайди («Бир-бир не дейин, боштин-аёғинг яхши») Оддий эътирофлардан гўзал ва таъсирчан бир манзара ҳосил бўлади. «Яхши» радиф бўлиб келаяпти. Қофияланиш тизими: аааа. Қофиядош сўзлар: қабоғинг-дудоғинг-сақоғинг-аёғинг.

Иккинчи рубоий ғурбат мавзуида. У ХХ асрнинг 50-60-йилларида Уйғун ва Иззат Султонларнинг «Алишер Навоий» драмаси туфайли халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетган эди. Шеърда ватанидан узоқда («ғурбатда») бўлган киши («ғариб»)нинг ҳоли ва эркинлик ифода этилаяпти. Ғурбатда ғарибнинг қувончи бўлмас эмиш, эл унга шафқатли ва меҳрибон бўлмас эмиш, -деб ёзади шоир ва кейинги икки сатрда психологизм асосига қурилган гўзал бир муқояса ёрдамида буни далиллайди. Чунончи: булбулга олтиндан қафас ясаб, ичида қизил гул ундириб қўйсангиз ҳам тикандан қилинган ини ўрнини боса олмас эмиш. Булбул эркинликдагина ўзини булбул ҳис қилади. Қафас олтиндан бўлса ҳам қафас. Булбул ҳамиша гул билан тирик. Агар бу гул олтин қафас ичида бўлса, унинг булбул учун қизиғи йўқ. Демак, ғурбатдаги кишини ҳар қанча ардоқламасинлар, у шодмон бўла олмайди. Эмиш - радиф. Қофия тизими: ааба Ташбеҳ ва таносубдан самарали фойдаланилган.

Учинчи рубоий тасаввуфий мазмунда. Шоир шеърни баҳс асосига қуради, таркидунёчилик ва узлатнишинликни рад этади. Ҳам илоҳий, ҳам мажозий ишқ мазмунини ифодалашга хизмат қилувчи «жонона», «майхона», «соқию паймона» сўзларига алоҳида урғу беради. Ҳатто бу сўзларни қофия қилиб олади. «Керак»нинг радиф ўрнида келиши шоир фикрларига қатъийлик, изчиллик бағишлайди. Қофия тизими: аааа. Таносуб санъати кенг ишлатилган.

Охирги рубоий ҳасбу ҳол характерида. Яъни шоир ўз ҳолидан сўз очади. Рубоийдаги айрим сўзларга изоҳ берамиз: даҳр - дунё; бесару сомон – ҳеч кимсаси ва ҳеч нарсаси йўқ, ҳайронликда қолган киши маъносини англатади. Саргашта - боши айланган дегани. Кўй - кўча. Хонумон - уй-жой. Алохону аломон – уй-жойсиз, бекас-бечора. Бу сўзлар ёрдамида шеърнинг маъносини англаб о лиш қийин эмас. Бу сатрларни яйдоқ-яланғоч тушунмаслик керак. Навоийдек шоир кўчада қолган экан-да, деган кўча фикри чиқмаслиги керак. Буюк шоир ўз фикр-қарашлари билан замонасидан аллақанча илгарилаб кетган эди. Уни англай олган, тушуна олган кишилар ниҳоятда оз эди. Унинг учқур хаёли нурли келажак, инсон

шаънини таҳқир этувчи ҳар қандай мутеъликдан, ижтимоий-маънавий бандлардан озод, обод ва фаровон истиқбол узра чарх урарди.

Мендек - радиф. Сомон-ҳайрон-вайрон-аломон - қофиядош сўзлар. Кўринаяптики, рубоийнинг қофия тизими: аааа тарзида. Ҳар тўрт рубоий ҳазаж баҳрида.

Туюқларидан:

Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабдурур?
Ё магар шаҳду шакар ёлабдурур?
Жонима пайваста новак отқали,
Ғамза ўқин қошиға ёлабдурур.

Лаълидин жонимға ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.
Мен жафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо билмонки қилмас ё қилур.

Ё раббий, бу асал (шакар)ми, лабми? Ё у асал (шакар) яладими экан? Жонимга тинимсиз (пайваста) ўқлар отмоқ учун ғамза (ноз-карашма) ўқини қошига (қошнинг ёй - камонга ўхшашлигига ишора) жойладимикин?

«Ёлабдурур» сўзи уч ўринда уч маънони ифодалаб келмоқда:

Ё лабми?
Ялабдур (ялапти)ми?
Ёлабтими (ёйлаптими-жойлабдими)?

Тажнис (омоним сўз) ҳам қофия, ҳам радиф ўрнида келмоқда. Қофия тизими: ааба. Вазни: рамали мусаддаси маҳзуф. Фоилотун фоилотун фоилун Фоилотун фоилотун фоилун.

Иккинчи туюқ ҳам тавсифий. Ёр васфига бағишланган. «Лаъл» - истиора. Яъни аслида қимматбаҳо қизил тош дегани. Бу ерда ёрнинг лаби маъносини англатмоқда. Демак, ёр лаби ошиқ қалбида ўтлар ёқади. Нега ўтлар ёқади? Биринчидан, психологик асос бор: ёрнинг гўзал лаби иштиёқидан ошиқ юрагига ўт тушади. Бу – табиий жараён. Иккинчидан, зоҳирий асос - ранглар ҳамоҳанглиги бор лаб ҳам қизил ўт ҳам қизил. Қоши қаддимни жафодан ё(ёй) қилади. Буни қандай тушунмоқ керак? Уни тушунмоқ учун мумтоз адабиёт билан боғлиқ айрим тушунчалардан хабардор бўлмоқ керак. Чунончи, ёр қоши шаклига кўра камон (ёй)га, меҳробга ва араб имлосидаги «ёй» ҳарфига, тик қад «алиф»га ўхшатилади. Демак, ёрнинг ёйга ўхшаган қоши унинг ҳасратида алифдек қаддимни ёй қилмоқда. Бу ўхшатиш - ташбеҳда ҳам юқоридаги ҳар икки асос бор. Учинчи-тўртинчи сатрлар: мен бу ёрнинг берган ваъдасидан шодман, лекин у бу вафосига ваъда қиладими-йўқми, билмайман.

Кўринганидек, бу туюқ ҳам тажнисли. Тажнис ҳам қофия, ҳам радиф бўлиб келаётир. Қофия тизими: ааба. Барча туюқлар сингари бу ҳам рамали мусаддаси маҳзуфда ёзилган.

Хулоса шуки, Алишер Навоий, замондошлари лутф этганларидек. туркий шеъриятнинг чинакам соҳибқирони эди. Туркий шеърда ҳеч ким бу қадар ҳикматни бу қадарлик санъат даражасига кўтариб бера олмаган эди. Бу ҳол унинг «Хамса»сида янада гўзал ва бетакрор намоён бўлди.

Одатда, ечилиши мушкул бўлган масалани муаммо деб атаймиз. Шу биргина сўз унинг қийин ва мураккаб эканлигини англата олади. Лекин муаммо адабий жанр сифатида бугунги ўқувчига кўп-да таниш эмас. У нозик фаҳм ва идрокни, нуктадонликни талаб этадиган жанр. Мумтоз адабиётимизда, хусусан ХУ асрда унинг мавқеи жуда юксак бўлган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да қайси шоир ҳақида гапирмасин, унинг «муаммо фани» билан шуғулланган-шуғулланмаганига алоҳида тўхталади. Бобур ҳам ўз «Бобурнома»сида бунга эътибор беради. Навоий, Жомий, Восифийлар у ҳақда махсус рисолалар ёзганлар. Олим ва шоирлар анжуманида муаммо айтиш ва ечиш удум тусига кирган. Илму дониш рутбаси шу билан белгиланган. Бу фаннинг ўз устозлари, ўз мухлислари бўлган. Жумладан, Амир Ҳусайн Нишопурий «Пири муаммо» деб ном олган, Навоийнинг «Муаммо фанида зуфаронинг устоди» деган баҳосига мушарраф бўлган. Бобур таъкидлаганидек, «Муаммони онча ҳеч ким айтғон эмас». Восифий унинг ҳавас қилгулик шуҳратини кўп гапиради.

Муаммочилик, айниқса, Навоий замонида Ҳиротда авж олган. XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда маданий-адабий ҳаракатчиликнинг шиддатли бир тўлқини майдонга келди. Султон Ҳусайн ўз «Рисола»сида Ҳирот ва унинг атроф вилоятларида мингга яқин киши шеър билан шуғулланганини ғурур билан ёзади. Иккинчи жиҳатдан, Ҳирот адабий муҳитидаги ифода усули Самарқанд, айниқса, Олтин Ўрдага нисбатан мураккаб ва оғир эди. Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Бинобарин, Ҳусайн Бойқаро салтанатидаги нисбий барқарорлик, маданий ҳаёт тепасида Навоий каби мураббийлар бўлиши, буларнинг натижаси ўлароқ, катта адабий кўтарилишнинг юз бериши, айни пайтда Ҳирот адабий услубининг ўзига хослиги, назаримизда, бу ерда муаммонинг кўпроқ ёзилишига имкон яратди. Муаммочилик XVII-XIX асрларда кескин камайиб кетди. Инқилоб арафасидаги шеъриятимизда у деярли учрамайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, муаммо кенг халқ қатламларининг тушунча-савиясидан узоқ жанр эди. У алоҳида билим ва тайёргарлик талаб қиларди. Унинг имкониятлари чекланган, ўзида кўпроқ формал хусусиятларни ташувчи жанр эди.

«Муаммо» арабча сўз бўлиб, «кўр қилинган» деган маънони билдиради. Адабий жанр сифатида бирор фикр, сўз, ном яширинган бир ёки икки байтли шеър тушунилади. Муаммо ҳарфлардан поэтик ўйин, образ ясовчи ҳуруфи далолат, байт ёки мисранинг биринчи ҳарфларидан бирор шахс номи келиб чиқувчи мувашшаҳ, бирор воқеанинг вақтини кўпинча абжад ҳисоби билан пардалаб берувчи таърих, шеърий топишмоқ–чистон кабиларга кўп жиҳатлари билан яқин туради. Европа адабиётида ҳам бу хил шаклни асос қилиб олувчи поэтик жанрлар бор. Масалан, мувашшаҳни эсга туширувчи акростих, рус поэзиясидаги сатрлар пирамидаси, юрак шаклида жойлаштириб чиқиладиган расм-шеър шулар жумласидан. Лекин муаммога айнан ўхшаш жанр йўқ. Булар эса адабиётда у қадар мавқега эга бўлмаган. Муаммо фақат Шарқ адабиёти учун хос. Чамаси, бу ерда араб ёзувининг ҳам хизмати бўлиши керак. Чунки муаммода фақат сўз ўйини эмас, ҳарфлар ўйини ҳам катта рол ўйнайди.

Муаммо элементлари адабиётимизда XI асрданоқ кўринади. Машҳур «Қутадғу билиг»да шундай сатрлар бор:

Бек оти билик бирла боғлиқ турур,
Билик лом(и) кетса, бек оти қолур.

«Билик» сўзидан «Лом» кетса, «бек» қолади. Муаммонинг «Бек» отига айтилган соддагина шакли.

XV асрда у ўз камолига етди. Унинг қоидалари, ечиш амаллари ҳақида китоблар ёзилди. Алишер Навоийнинг «Рисолаи муфрадот»и майдонга келди. Унда муаммонинг 15 амали 48 хил услубий кўриниши билан баён қилинган ва мисол сифатида 121 муаммо келтирилган эди. Улуғ шоир муаммо жанрига ҳам эътибор билан қараган. Унинг сал кам 500 та форсча, 52 та ўзбекча муаммо ёзгани маълум. Адабиётшунос Лутфулла Зоҳидов «Алишер Навоийнинг «Рисолаи муфрадот» асари ва унинг муаммолари»[1] номли диссертациясида асар тўғрисида атрофлича маълумот бериб, у ерда келтирилган 121 форсий муаммони кўриб чиқади. Хондамир ёзганидек, «олий мартабали амир» «Рисолаи муфрадот»ида «у фаннинг тузилиши ва тартибларида ғоятда фойдали ихтиролар қилган» эди. Улуғ Навоийнинг муайян давраларда эрмак ва худписандлик мақсади учун хизмат этган муаммога муносабатини белгилашда унинг эстетик қарашларидан келиб чиқиш керак. Шоирнинг бадиий адабиёт, унинг жамиятдаги ўрни, тасвир объекти, ижоддаги оригиналлик, адабий жанрлар ҳақидаги ўз замонаси нуқтаи назаридан фавқулодда аҳамиятли фикрларидан бизнинг ишимизга бевосита дахлдор биттасини – шакл ва мазмун тўғрисидаги қарашларини кўздан кечирайлик. Чунки бу нарса унинг муаммога муносабатини ойдинлаштиришда ёрдам беради.

«Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод маънидур»,- деб ёзади шоир «Муҳокамат ул-луғатайн»да.

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.
Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида ҳўб эмас.
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни дағи дилкаш анга.

(«Ҳайрат ул-аброр»дан)

Оддий муомаладаги гап-сўздан шеъриятгача, ҳаммасидан мақсад – бирор фикр айтиш. Назмнинг ҳам асосини мазмун ташкил этади. Суврат (шакл) гўзаллиги яхши, лекин маъно гўзаллиги ундан ҳам яхшироқ. Навоий шакл ва мазмун нисбатини шундай тушунди. Ўзининг ўлмас шеъриятида унга изчил амал қилди. Ҳатто ўз табиати билан шаклбозликдан иборат бўлган муаммо улуғ шоир қаламида умуминсоний фикрларни, замон масалаларини ўртага ташлаш учун хизмат қилди. Бу унинг ўзбек тилидаги 52 та муаммосида ҳам яққол кўринади. Шулардан баъзиларини кўриб чиқайлик:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, чиқса яхшилик била от.

Бу гулшан (олам) ичра ҳеч бир гул (инсон) боқий эмас экан, яхшилик билан от чиқариш ажаб саодатдир (шунинг ўзи боқийликдир). Шоирнинг яхши от қолдириш, инсониятга наф етказиш ҳақидаги ҳикмат даражасига кўтарилган маълум ва машҳур байтларидан бири. Айни пайтда у муаммо усули билан ёзилган. Муаммо ундаги баркамол мазмунни ифодалашга ҳалал бермаган, аксинча унга ёрдами теккан. Энди бу мазкур байтни муаммо қоидасига

[1] Қаранг: Зоҳидов Л. Алишер Навоийнинг «Рисолаи муфрадот» асари ва унинг муаммолари. Филолгия фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, Тошкент, 1970..

кўра текшириб чиқайлик. Биз юқорида шеърнинг зоҳирий (ташқи) мазмунини кўздан кечирдик, энди ботиний (ички) маъносига эътибор қиламиз. Муаммо «Саъд» деб сарлавҳаланган. Демак ундан топилиши лозим бўлган модда «саъд» сўзидир. У муаммо қоидасига кўра топилиши лозим. Бунинг учун сўзларнинг бир-бирига бўлган ишоравий муносабатларини ҳисобга олган ҳолда муаммо калитини излаш керак. Муаммонинг ўзига мурожаат қиламиз:

Ажаб саодат эрур, чиқса яхшилик била от.

«От» сўзини чиқариш талаб қилиняпти. Демак, масала «От» орқалигина ечилади. «От» «алиф» билан «те»нинг қўшилувидан ҳосил бўлади. Бу ҳарфлар ишлатилган сўзни излаймиз. Мана, уни «саодат» дан топдик. Муаммо талабига кўра «саодат» дан «от»ни «яхшилик билан» чиқарсак, яъни «о» ва «те» ҳарфларини олиб ташласак, «саъд» биз излаган сўз ҳосил бўлади. муаммо одамларга яхшилик қилиш – бахт, деган муҳим, умуминсоний фикрнинг аҳамиятини таъкид билан кўрсатишда ёрдам беряпти.

Шоирнинг «Варақа» номли муаммоси катта ижтимоий мазмун ташийди. Шеърда жабру ситамнинг ҳад-ҳудуди бўлмаган даврондан шикоят бетакрор ва беназир бир усулда ифода қилинади:

Жавр ила қаҳрингки, ҳаддин ошти бағоят,
Ваҳки, не бор ибтидо анга, не ниҳоят.

Шеърнинг зоҳирий маъноси изоҳга муҳтож эмас. Энди биз уни муаммо сифатида кўриб чиқайлик. Сатрларга беркинган «варақа» сўзини топишга ҳаракат қилайлик. Шоир «жавр» билан «қаҳр»га алоҳида урғу беряпти. Айтиляптики, бу икки ҳодисанинг на «ибтидо»си бор, на «ниҳоят»и,.... сўзининг «ибтидо»си «жим» «қаҳр» сўзининг ниҳояти «ре»дур. Агар талабга кўра, шу икки модда – бошланиш билан ниҳоят йўқ бўлса, яъни ва ..... сўзларидан ушбу икки моддани олиб ташласак, варақа - ..... сўзи ҳосил бўлади. биз кўриб чиққан ҳар икки муаммо «Рисолаи муфрадот»да баён этилган мукаммаллаштириш (такмил) амалларидан «исқот» (ташлаб юбориш)га мансубдир. Агар эътибор берилса, шоир ўз муаммоларида ўқувчи диққатини муайян сўзларга жалб этяпти (Биринчида «саодат», «от», иккинчида «жавр», «қаҳр», «ибтидо», «ниҳоят»). Китобхон, мабодо муаммоларнинг зоҳирий маъносини аниқлашда бу сўзларга камроқ эътибор берса ҳам, ботиний маъносини кўраётганида уларга алоҳида тўхташга мажбур. Бу сўзлар силсиласи шоир муддаосини, масаланинг қайси томонларига диққат қилаётганини очиқ-ойдин кўрсатиб туради. Муаммо номлари ҳам ундаги мазмунга пайванд бўлиб кетган (саъд – яхшилик қилиш, варақа – жабру ситамдан қат-қат дил).

Шоир муаммоларидан бири «Ғариб» исмига айтилган. Атаманинг ўзи ҳам ижтимоий мазмунга эга. Шу жиҳатдан у «варақа»га ҳамоҳанг:

Чок бағрим тарафин айладинг икки парканд
Бирини ташлабон охир бирин эттинг пайванд.

Ғам-андуҳ лирик қаҳрамон «бағри» ни «икки парканд» - бўлак айлабди. Унинг бир бўлагини охирига ташлаб (орқага олиб), иккинчисини унга пайванд қилсак, «ғариб» ҳосил

бўлади. Бу муаммо осонлаштириш (тасҳил) амалларидан тадбил (алмаштириш)га мансуб. Муаммонинг мазмуни эса биринчи қарашда ёр, рафиқ, рақиблардан ҳасратдек туюлади. Аслида бир оз бошқачароқ. У «даврон зулми»дан жигархун бўлган «аҳли замон дарди»га ишора.

Табиат ва инсоннинг ҳассос шайдоси бўлган шоир азалий ва абадий муҳаббат, унинг серишва кечинмалари ҳақида талай муаммолар ёзди. Уларда маънавий ва жисмоний гўзалликни – баркамолликни мадҳ этди. Унинг ишқий мавзудаги муаммоларидан бирини кўриб чиқайлик:

Ул ниҳоликим қадингга йўқ шабҳ, андоқ ниҳол,
Бошида кўргузса юз хуршид ўлур сендин мисол.

У шундай ниҳолки, унинг қаддига қиёс этгулик иккинчи бир ниҳол йўқ. Агар унинг тепасида хуршид (қуёш) юз очса, бу ундан бир мисолдир холос... Образ конкрет ва гўзал, манзара ёрқин, талқин анъанавий, лекин мантиқли. Уни муаммо сифатида кўриб чиқайлик: У шундай ниҳол эканки, унинг ҳеч бир ўхшаши йўқ экан. Бу қандай ниҳол бўлди? Вақтни ғанимат билиб, Шарқ поэзиясидаги образлар талқинини хаёлдан ўтказамиз. Одатда Шарқ классиклари маҳбуба қадди-қоматининг нозик ва ростлигини сарвга ўхшатадилар. Ҳа, шоир кўзда тутган «андоқ ниҳол» - сарв. Агар «сарв» бошида «хуршид» юз кўргузса, яъни унинг юзи (биринчи ҳарфи «ҳе»)ни «сарв» бошига (олдига) қўйсак, «хисрав» ҳосил бўлади. Демак, байт Хисрав номига айтилган экан. Бу муаммо назариясининг ҳосил қилиш (тасҳил) амалларидан «талмеҳ» (машҳур мавзу ёки образга мурожаат этиш), осонлаштириш (тасҳил), амалларидан «интиқод» (саралаш)га асосланади.

Навоий муаммоларига шунчаки бир кўз ташлаш шуни кўрсатяптики, буюк мутафаккир имкониятлари жуда тор бўлган муаммодек жанрдан ҳам муҳим, одамлар учун керакли бўлган гапларни айтишда баракали фойдалана олган. Ҳикмат ва санъатни икки сатрли фардга жо қила олган. Муаммога ўзбек шеъриятида барча поэтик жанрлар қаторидан жой олиб берган.

Бир вақтлар ақл ва идрокнинг тарозиси вазифасини бажарган бу жанрни аҳамиятсиз деб бўлармикин?

Муаммо – минг йиллик шеъриятимизнинг бир бўлаги. У ўз тараққиёти давомида кўпгина улуғ кишиларни тарбиялади, уларга илҳом берди. Буни эътироф этиш керак.

Тўғри, у ўз оти билан муаммо. Уни тушуниш, ечиш жуда қийин. Уни мукаммал билиш учун қадим мифологиядан астрологиягача, ўрта аср каллиграфиясидан «илмҳои сегона» деб ном олган Шарқ поэтикасигача бўлган фанлардан хабардор бўлиш керак. Бу бугунги ўқувчига бир оз малол келади. Лекин уни ўрганмаслик ҳам кўп асрлик шеъриятимизнинг, шу жумладан, Навоий даҳосининг муҳим бир сифатини эътибордан четда қолдириш бўлади.

Алишер Навоий турк дунёси адабиётининг машҳур вакилидир. Чунки ҳеч ким бу тил ва адабиётнинг равнақи учун унингдек хизмат қилолган эмас. Навоий ижоди туркий адабиётнинг энг юксак чўққисидир. Чунки ҳеч ким унга қадар бу тилда бунчалик «кўп ва хўб» (Бобур) ёзмаган эди. Навоий барча туркий халқларнинг энг буюк шоиридир. Чунки у ўзини «Хито(й)дан то Хуросон»гача ёйилган туркий «қавм»ларнинг шоири, деб билди. Уларни бир адабий тил байроғи остида бирлаштирди, «якқалам» қилди. Бу билан миллатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий равнақига буюк таъсир кўрсатди.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ҲУСАЙН БОЙҚАРО ФОРСИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА ТАТАББУЛАРИ

Содир ЭРКИНОВ

Алишер Навоийнинг мумтоз асарлари ўзининг беқиёс нафосати билан замонлар давомида яшаб, кишилик руҳий оламини жунбишга солиб келмоқда. Шоирнинг «Хазойинул-маоний»ни ташкил қилган лирик асарлари ва «Хамса» достонлари ўзбек адабиётининггина эмас, балки бутун туркий маданиятининг янги бир босқичини бошлаб берди. Алишер Навоий форсийзабон китобхонларга ҳам ўзининг Фоний тахаллуси билан яратилган аеарларидан иборат мукаммал девонини ҳадя этиб, кўп асрлик зуллисонайнлик анъанасини муносиб равишда давом эттирди.

«Девони Фоний»ни кўздан кечирар эканмиз, ғоят мароқли бир ҳолат диққатимизни тортади. Гап шундаки, Алишер Навоий форсигўй ижодкорлардан ташқари Ҳусайний тахаллуси билан машҳур асарлар яратган истеъдодли ўзбек шоири Ҳусайн Бойқаронинг форс тилидаги ғазалларига ҳам жавоб-назиралар ёзган. «Девони Фоний»да «Татаббуи султонул-фусаҳо Ҳусайний, халлада мулкаҳу» («Ширин каломлар султони Ҳусайнийга татаббу, мулки абадий бўлсин») сарлавҳаси остида Навоийнинг «Монда» («Қолмиш») радифли иккита ғазали мавжуддир[1].

Проф Р. Воҳидов яна бир форсий ғазалнинг яратилишини Ҳусайн Бойқаро ва Абдураҳмон Жомийнинг яқин муносабатлари билан боғлиқ ҳолдаги тарихига диққатни тортади. Абулвоссеъ Низомийнинг «Мақомоти Ҳазрати Мавлоно Жомий» асарида қайд қилинган бу тарих Муиниддин Муҳаммад Исфизорийнинг «Равзатул жаннот-фи-авсофи мадинати Ҳирот» китобида ҳам эсланади. Ҳусайн Бойқаро девонининг Кобул нашри ноширн Муҳаммад Ёқуб Воҳиди Журжоний ўша тўпламда Муҳаммад Исфизорий асари маълумотлари асосида юқоридаги ғазал «тарихини» муфассал шарҳлаб берган[2].

Ўзбек адабиёти тарихида форс тилида ёзилган ғазалларга ўзбек тилида назиралар ёзиш тажрибаси учраб туради. Алишер Навоий «Девони Фоний»да ўзининг Ҳофиз шеърияти билан алоқали ғазалларини аниқ белгилаб «Дар татаббуи Хожа Ҳофиз» (Хожа Ҳофизга татаббу, назира), «Дар таври Хожа» (Хожа Ҳофиз услубида) ифодаларини қўллайди. Навоий шу йўсинда «Мажолис ун-нафоис»да Ҳусайн Бойкаро ва Ҳофиз шеърлари ўртасидаги муносабатлар хусусида фикр юритганда ҳам уларга аниқ тавсиф беради. Жумладан, «Мажолисун-нафоис»да ўқиймиз: «Ушбу муҳаббат ҳавосининг ҳумойи баланд парвози Хожа Ҳофизи Шерозий каломн таврида тушубтур ва салосат ва таркибда анга ёвушубтур»[3]. Демак, бу ўринда Ҳофиз ғазали усулида ёзилган шеър хусусида сўз бормоқда. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Ҳусайн Бойқаронинг яна бир ғазалига бундан ҳам кенгрок тавсиф бериб ёзади: «Бу радифда яна бир матлаким, ғазал таврида марсияомуз Хожа Ҳофиз Шерозийға воқеъ бўлган йўсин била ул ҳазратқа даҳи воқеъ бўлубтур ва бағоят нодирдур»[4].

Ҳусайн Бойқаро ғазали қуйидаги матла билан бошланади:

---

[1] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. V том. II китоб. Тошкент, 1965. Б.274, 292.
[2] Воҳидов Р. XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти. Тошкент, 1983. Б.17.
[3] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. XII том. Тошкент, 1966. Б.188.
[4] Ўша ерда. Б.202.

Вой, юз минг войким, сарви равоним бордило,
Сабру ҳушим мулкидин ороми жоним бордило[1].

Навоий Ҳусайн Бойкаро шеъри учун асос бўлган Ҳофиз ғазалини марсия мазмунига эгалигини айтган. Мана, рамали мусаммани маҳзуб баҳридаги ўша ғазалнинг матла байти:

Шарбате аз лаби лаълаш начашидему бирафт,
Рун маҳпайкари у сер надидему бирафт[2].
(Лаълдек лаби шарбатидан татиб кўрмасимиздан (илгари) кетди,
Ойдек юзига тўйиб боқмасимиздан (илгари) кетди).

Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро форсий ғазалларига ёзган ҳар икки назираси ҳам «Монда» радифига эгадир. Шунга асосланиб, Ҳусайи Бойқаронинг ҳам «Монда» радифидаги ғазали бир эмас, бир неча бўлиши мумкин деган фикр ҳам ўртага тушади. Шуни ҳам айтиш керакки, Алишер Навоий даврида Хуросонда, темурий зодагонларидан Фаридун Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо кабилар, шунингдек, Паҳлавон Ҳусайн, Мир Ҳусайн Хотамий кабилар ҳам ижод этганлар. Навоийнинг яқин кишиларидан Паҳлавон Муҳаммаднинг иниси ҳам Ҳусайний тахаллуси билан асарлар ёзган, Ана шу ҳолатларни назарда тутадиган бўлсак, Алишер Навоийнинг ўзининг татаббулари сарлавҳасида Ҳусайн Бойкарога нисбатан қўллаган «Султонул-фусаҳо», «халлада мулкаҳу» иборалари жуда муҳим вазифани адо этади.

Ҳусайн Бойқаро ғазалига Алишер Навоий томонидан ёзилган назира юкорида қайд этиб ўтилганидек, «Монда» радифига эга. Ҳусайн Бойқаронинг «Аз ғами ишкат маро...» деб бошланувчи ғазали манбаларда баъзан «Аст» радифи билан «Аз ғами ишқат маро на тан, на жон монда аст» тарзида ҳам учрайди. Бу ерда асар вазни рамали мусаммани мақсур бўлиб, у шоирнинг ўзбек тилидаги девонидан ўрин олган ғазалларининг вазни билан мувофиқдир. Манбаларда ғазалнинг «Аст» радифисиз, «Аз ғами ишқат маро на тан, на жоне монда» кўринишида «Монда» лафзи радиф ўрнига чиқарилган ва шундай кўчирилган нусхалари ҳам учрайди. Айии пайтда, Соми Мирзонинг «Туҳфаи Сомий» асари қўлёзмаларининг бирида шеър «Аст»[3], иккинчисида эса «Монда»[4] радифи билан икки хил нусха кўзга ташланади. Ушбу ғазалнинг Ҳусайн Бойқаро девонининг Кобул нашрида «Аст» радифи билан келганлиги юқорида эсланди. Навоий «Мажолис ун-нафоис»ининг Муҳаммад Ҳакимшюҳ Қазвиний таржимасида шеър «Монда» радифи билан берилган[5]. Алишер Навоийнинг «Девони Фоний»дан ўрин олган ғазаллари Ҳусайн Бойқаронинг рамали мусаммани маҳзуб вазнидаги ана шу «Монда» радифли шеърига татаббудир. Афтидан Ҳусайний шеъри кўпроқ шу нусхада маълум бўлган, шуҳрат топган ва Алишер Навоий диққатини тортган.

Ҳусайн Бойқаро ғазали «Туҳфаи Сомий» (Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 57 инвентарь рақами остида сақланаётган) қўлёзмасида

Аз ғами ишқат маро на тан, на жоне монда,
Ин хаёле гаштау в-ин як гумоне монда, –

[1] Ўша ерда.
[2] Ҳофиз Шерозй. Куллиёт. Душанбе, 1988. Б.125.
[3] Сом Мирзо. Туҳфаи Соми. ЎзФАШИ. Қўлёзма, инв. 7709. С.10.
[4] Сом Мирзо. Туҳфаи Соми. ЎзФАШИ. Қўлёзма, инв. 57. С.12.
[5] Бу ҳақда Р. Воҳидовнинг юқорида эсланган тадқиқотида ҳам маълумот мавжуд.

(Ишқинг ғамини чека-чека менда тан ҳам, жон ҳам қолгани йўқ, Буниси хаёлга айланди-ю, унисидан эса гумонгина қолди) матлаи билан бошланиб:

Чун Ҳусайнй хешро хоҳам дигар пирона сар
Хасту сар бар саждаи зебо жавоне монда[1].

(Ҳусайнийга ўхшаб ўзим ўзга бир кекса бўлсам ҳам бошим гўзалнинг саждасига қўйилган ҳолда колишини истайман) матлаи билан якунланади.

«Девони Фоний»да Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога татаббу ғазалларидан бири

Дил ба куят рафта жисм аз вай нишоне монда,
Мурғ чун карда ҳаво з-у ошёне монда[2].

(Қуш учиб кетиб ундан уясигина қолгани каби дил сенинг кўйинг (ишқинг) билан кетиб, жисм ундан нишонагина бўлиб қолган) матлаи ва иккинчиси:

Аз мани овора дар кўят фиғона монда,
Бенишоне рафтау аз вай нишоне монда[3], –

(Кўйингда мен оворадан фиғонгина колди, Беному нишон кетди-ю, ундан бир нишонгина қолди) байти билан бошланади.

Ҳусайн Бойқаро ғазалидаги ишқнинг ниҳоятда нафис тасаввуфона талқини, айни пайтда унинг фавқулодда содда образ ва ифодалар билан уйғунлашиб келиши ҳар қандай китобхоннинг диққатини ўзига тортади. Алишер Навоийни ана шу теран фикрнинг бадиий ифодаси ўзига жалб этган.

Навоий ўз татаббуларида асос қилиб олинаётган ғазалдаги инсон қалбини туғёнга келтирувчи ишқнинг завқ ва заҳматлари тасвирларидан иборат замирли қарашларни давом эттириш ва такомиллаштириш йўлини тутади. Ҳусайний ғазали бизга маълум бўлган манбаларда беш байтдан иборат. Навоийнинг хрр икки татаббу ғазали етти байтликдир. Шеърдаги шу ҳажм кенглигининг ўзи Навоийнинг татаббуда мундарижа жиҳатидан ҳам қўшимча янги маъноларнинг янгича, ўзига хос талқиилари йўлидан борганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, Навоий ғазалларида асл манбага хос мазмун ва образлар ва уларга мувофиқ келган қофия, радиф ва мафҳумларда ҳам анъана жилолари билан ёнма-ён турган, шеърнинг янги руҳини таъмин этган воситалар юзага чиқадилар. Натижада, Навоий татаббулари янги образлар ва янги талқинлар воситасида гўзал бир сурат ва сийрат касб этади.
Ҳусайн Бойқаронинг шеъри ишқнинг оташнок шиддати ҳақидаги талқинлар билан бошланади. Кейинги мисралардаги тасвирларда ишқнинг ҳижрон дамлари билан алмашинуви натижасида ошиққа ҳамроҳ бўлган руҳий ҳолатларнинг ранг-баранг манзаралари чизила боради. Лекин ошиқ ўз аҳдида устивор. У кексайган чоғда ҳам ёшликдаги аҳду паймонларига содиқ қолади.

---

[1] Сом Мирзо. Туҳфаи Соми. ЎзФАШИ. Қўлёзма, инв. 57. С.12.
[2] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. V том. Тошкент, 1965. Б.274.
[3] Ўша китоб. Б.292.

Навоийнинг татаббуси дастлабки қарашда Ҳусайний ғазалининг давомидек туюлади. Ошиқ кўпдан буён ишқ оғушида, ҳижрон қушовида. Оқибатда ёрнинг кўйида юрган ошиқнинг жисми сароблашиб, ундан фиғонгина қолган. Навоий ғазали воқеабанд бўлиб, ундаги ҳар бир байтни «йўл» маъносидаги «куй» сўзи бир-бирига боғлаб боради. Шеър «дар куят», «куй ту», «сари куй вафо», «дар хар куй» каби сўзлар воситасида ўзаро боғланиб яхлитликни ташкил қилади.

Навоий ўз ғазалида уч ўринда Ҳусайний қофияларидан истифода этади. Лекин улар шаклан бир хил кўринишга эга бўлсаларда, шеър таркибидаги ўринлари, бажараётган вазифалари жиҳатидан бир-биридан жиддий фарқ қилади.

Масалан, ҳар икки шеърда «устухон» («суяк») қофиясининг ўрнига диққат қилайлик.

Ҳусайний:

Бо қади ҳам гаштаам дар ҳажри он абру камон,
Чун камонам пай ба рун устухоне монда[1].

(Ёйга ўхшаган қош эгаси бўлган дилдорнинг ҳажрида эгилган қомат билан юрибман, камонга ўхшаб пайларим суягимга ёпишгандир).

Алишер Навоий:

Афганам пеши сагат худро чу бояд туъмааш,
Ҳам хушам гарчи тани хушк устухоне монда[2].

(Танамни итларинг олдига ташласам уларга емак бўлар, Танам қуруқ бўлса ҳам, суякларим бор-ку деб суюнаман).

Сўз бораётган ғазалдаги қуйидаги байтларда қўлланган «жавони» қофияси Навоийнинг Ҳусайний шеъри билан бевосита алоқамандлигини ҳам, айни пайтда ўзига хос талқинини ҳам ёркин кўрсатади.

Ҳусайний:

Чун Ҳусайнй хешро хоҳам дигар пирона сар
Ҳасту сар бар саждаи зебо жавопе монда[3].

(Ҳусайнийга ўхшаб ўзим ўзга бир кекса бўлсам ҳам бошим гўзалнинг саждасига қўйилган ҳолда қолишини истаймен).

Навоий:

Марҳами васл аз қадаҳ хоҳам, ки дар пирона сар,
Доғи ҳажрам дар дил аз ишқи жавоне монда[4].

(Қариган чоғимда васлнинг марҳамин қадаҳдан истайман. Чунки юрагимдаги ҳажр доғи ёшлик ишқидан қолгандир).

---

[1] Сом Мирзо. Туҳфаи Соми. ЎзФАШИ. Қўлёзма, инв. 57. С.12.
[2] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. V том. Тошкент, 1965. С.272.
[3] Сом Мирзо. Туҳфаи Соми. ЎзФАШИ. Қўлёзма, инв. 57. С.12.
[4] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. V том. II китоб. Тошкент, 1965. Б.292.

Ҳусайний ва Навоий томонидан «пирона сар» (кекса бош, кексалик) ҳамда «жавони монда» (ёшликдан колган) иборалари такрорланади. Лекин ана шу образлар ғазаллар матнида мустақил поэтик вазифаларни адо этадилар.

Навоий ғазал давомида «фиғоне», «бехонимоне», «достоне», «корвоне» ва «ратли гароне» каби оригинал қофиялар қўллайди. Бу ифодаларнинг аксарияти шеърда тасаввуф истилоҳлари, тасаввуфнинг рамз ва тамсил воситалари сифатида муайян ғоявий ниятни юзага чиқаришга хизмат қилади.

Қуйидаги мисраларда тасаввуфий фикр оқими ва тасаввуф истилоҳлари катта санъаткорлик билан ифода этилганлигини кузатиш мумкин.

Хаст Фони берафиқон дар биёбони адам,
Чун саге к-аз заъфи тан аз корвоне монда[1].

(Йўқлик биёбонида дўстларсиз қолган Фоний мажолсизликдан карвондан қолиб кетган итга ўхшайди).

Ҳусайний ғазалида ўзида катта маъноларни ифодалаб келган бадиий образлар тизмаси, ниҳоятда нафис тафаккур ва унга муносиб бўлиб тушган тасвир жилолари шоирнинг юксак истеъдодидан дарак бериб туради. Шоир ёр ёй қошларидан отган ўқлари билан фақат танамнигина эмас, суяларимни ҳам захмнок қилиб юборди, деган фикрни, суякларимдаги доғларга қара, улар нард ўйинидаги суяк тошларнинг нақшларига ўхшаб турибди. У нақшлар, холлар, ойчеҳра ёр отган ўқлардан қолган нишонадир, деб муайян ҳолатни китобхон кўзи ўнгида гавдалантириб беради. Навоий ҳам, ошиқ, лирик қаҳрамоннинг руҳий оламини ифода этишда содда, айни пайтда ғоят таъсирчан образлар топади. Шоир ғазалларида қўлланган қуйидаги мафхумларнинг замирига диққат қилайлик. Шоир лирик қаҳрамон тилидан айтади: “Унинг ҳажрида ўлиб бўлдим, лекин у ҳалигача мени ўлдириш қасдида юрибди”, “Кўнгилнинг сенинг кўйингдар бориб, баданнинг ундан бир нишонагина бўлиб қолиши қуш учи кетиб, ундан инигина ёдгор бўлиб қолганига ўхшайди”.

Асалари қаердан бўлса ҳам гул ширасини излаб топганидек, Навоий ҳам форсийдаги энг гўзал шеърларни излаб топди, улардан баҳраманд бўлди, ўз навбатида шулар билан бўй ўлчаша оладиган асарлар яратди. Навоийнинг Ҳусайний шеърларига татаббуларини ўз навбатида бу шоир асарларига берилган муносиб баҳо сифатида ҳам қараш керак.

[1] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. V том. II китоб. Тошкент, 1965. Б.172.

“ДЕВОНИ ФОНИЙ” БАДИИЯТИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Лутфуллоҳ ЗОҲИДОВ

Ўзининг бетакрор ва ҳайратомуз асарлари билан адабиётда абадийлашган буюк Навоийнинг ижоди жавоҳирлар кони, маънолар хазинасининг тубсиз уммонидир. Бу кон ва уммонлардан хали олинмаган, қўлга киритилмаган дуру гавҳарлар беҳисобдир.

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида форс-тожик тилидаги шеърият ҳақида маълумот бериб шундай дейди: “Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким жамиъи сухан адолат ва назм пиролар назарида мустаҳсан ва матбуъдир, тартиб бериб менким олти мингдан зиёти кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат шеърига татаббуъ воқеъ бўлубдур... ва анда аснофидин мисли мукаттаъот ва руьоиёт ва маснавий ва тарих ва луғас ва ул жумладин беш юзга яқин муаммо...” .

Алишер Навоий мукаммал асарлар тўпламининг ўн саккиз-йигирма-жилдларида “Девони фоний”га кирган саккиз жанрдаги шеърлари девоннинг энг мўтабар париж қўлёзмаси асосида нашрга тайёрланган. Девондаги шеърларнинг умумий сони 992 та бўлиб, жанрлар бўйича 554 та ғазал, 1 та мусаддас, 1 та таркиббанд марсия, 72 қитъа, 73та рубоий, 10 та тарих, 9 та луғз, 266 та муаммолардан иборат.

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида “Девони Фоний”дан ўрин олган муаммолар 500тага яқин эканлигини таъкидлаган. Лекин мавжуд қўлёзмаларда, хусусан Париж қўлёзмасида (ҳисоб рақами 285) муаммолар сони 266 тадир.

“Девони фоний” ҳақидаги адабиётларда эса, ундаги муаммолар сони 373 та ва девондаги ҳамма шеърлар 1121 та деб кўрсатилган. Аслида эса девондаги умумий умумий шеърлар сони 992 тадир.

“Девони фоний”даги шеърларнинг асосий қисмини ғазаллар ташкил қилади ва аксарияти Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Хусрав Деҳлавий ғазалларига татаббуъ ёки таврида ёзилган. Энг кўп ғазаллар Навоий таъкидлаганидек, Ҳофий Шерозий таврида (йўлида) битилган. Шунингдек, Навоийнинг айрим шоир дўстлари ва Ҳирот шаҳариниг баъзи шоирлари ғазалларига татаббуълар ҳам мавжуд. Девондаги ғазаллар орасида анчагина “Мухтараъ” яъни, татаббуъ эмас, балки, Навоий томонидан ихтиро этилган ғазаллар ҳам бор.

Навоий ўзининг “Фавойид ул-кибар” девонидаги машҳур қитъаларидан бирида татаббуъ ғазаллари ҳақида шундай деган эди:

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ
Ким, андин яхши йўқ назм эҳтимоли.
Бири муъжиз баёнлиғ соҳири ҳинд
Ки, ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.
Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.
Бири қудси асарлик орифи Жом
Ки, жоми Жамдурур синған сафоли.
Навоий назмиға боқсанг, эмастур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.

Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.[1]

Кўриниб турибдики, бу қитъада Навоийнинг "Девони Фоний"га кирган татаббуъ ғазаллар ҳақида фикр юритган. Девондаги татаббуъ ғазалларда мажозий ишқ поғоналаридан ва тасаввуфнинг бир неча босқичларидан ўтиб, фақру фано мақомига етган ошиқнинг қалб садолари, фано ва бақо фалсафаси ўз аксини топган. Кўпгина ғазалларда эса, тасаввуфнинг тажалли таълимоти баён этилган. Девондаги ғазалларнинг кўпгина шоҳбайтларида ахлоқий-таълимий масалалар, инсонпарварлик, адолат, саховат, мурувват каби умуминсоний қадриятлар санъаткорона очиб берилган. Масалан:

Дили аҳли савол овар бадаст албатта, эй мунъим,
Башукри он, ки масъул ў нашуд дар даҳру ту соил.[2]

Мазмуни:

Эй неъмат берувчи, (бой) дунёда гадо қилиб яратилмаганлигинг шукронаси учун албатта гадолар дилини овла.

Ёки: бу пири эй жавон, гар давлати айнул яқин хоҳи,
Ғубори роҳи пирон тўтиё кун дар жавониҳо.[3]

Мазмуни:

Эй йигит, қариликда яратувчига яқинлашиш давлатини истасанг,
Йигитлигигда қарилар йўли устидаги тупроқни кўзингга тўтиё қил.

Яна:

Эй ки дори тандурусти шукри сиҳҳатро аҳе,
Аз тараҳҳум пурсиши аҳволи беморон хуш аст.[4]

Мазмуни:

Эй танинг соғ-саломат (бўлган киши) сиҳатлигинг шукронасига
Раҳм қилиб, беморлар ҳолидан хабар олганинг яхшидир.

Ёки:

Андарин мазраъ чу деҳқон ҳар ки корад бидравад,
Хуррам он, к-ў хич гаҳ жуз донаи неки накишт.[5]

Мазмуни:

Эй экинзорда деҳқонга ўхшаб кимки нимани эккан бўлса, ўшани ўради. Шунинг учун яхшилик уруғидан бошқани экмаганлар шод ва хуррамдирлар.

Қуйидаги байтдан Ватан, ўзи униб ўсган маскан улуғланади ва уни жаннатдан ҳам юқори қўйилади:

---

[1] Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд. – Т.: Фан, 2003. 32-бет
[2] Ўша нашр. 19-жилд. 186-бет
[3] Ўша нашр. 18-жилд.26-бет
[4] Ўша нашр. 18-жилд.26-бет
[5] Ўша нашр. 18-жилд.26-бет

Шахроҳи сўи жаннати Фирдавс, ки Жўянд,
Фони, баякин дон, ки хиёбони Ҳирот аст.[1]

Мазмуни:

Одамлар жаннатга бориш учун тўғри йўл қидирадилар,
Фони шубҳасиз у йўл Ҳирот хиёбонидур.

Бу каби таъсирли шоҳбайтлар анчагина бўлиб, уларнинг тарбиявий аҳамияти катта. "Девони фоний"даги ғазаллар орасида замондан шикоят, ноҳақликлар, золимларнинг зулми, мазлумларнинг оҳу фарёди ўз аксини топган "Оламе хоҳам" ғазали бўлиб, уни ўз вақтида олий ўқув юрти дарслигида таҳлил этилганлиги сабабли бир неча байтини келтирамиз. Шуни ҳам қайд қилиш зарурки, 7 бфйтдан иборат бу ғазалнинг матни олий ўқув юрти дарслигида 6 та хато билан нашр этилган.[2] Ғазалнинг дастлабки байтлари:

Оламе хоҳам, ки набвад мардуми олам дар ў,
К-аз жафои мардуми олам набошад ғам дар ў.
Не башаб оҳи ғарибон кисвати мотам дар ў.
Не з-бедоди фалак дар вай диле бо сад алам,
Не з-шамшери ситам сад захми бемарҳам дар ў.
К-аз парирўёи ў хайли ҳама ноодами,
Не ҳазорон дев аз жинси бани одам дар ў.

Мазмуни:

Шундай бир одам истайманки, унда бу оламнинг халқи бўлмаса, Унда бу олам одамларининг жафосидан ғам бўлмаса. На унда кундузлари қатл этилган асирлар кўз ёшининг сели кўринсин. Ва на кечалари ғариблар охидан мотам либоси бўлсин. На унда фалак зулмидан юзта аламли бирор дил бўлсин. Ва на зулм қиличидан давосиз дил яраси бўлсин. На унда одамгарчилиги йўқ бир тўда паривашлар бўлсин. Ва на унда одам жинсидаги мингларча дев (шайтон) бўлсин.

Мазмунига қараганда, бу ғазал Абу Саид Мирзо давридаги Хуросонда мавжуд бўлган ноҳақликлар, жабру-зулм, эл бошига тушган жабру-ситамларга ҳамоҳангдир. Навоий "Ҳасби ҳол" маснавийсидаги:

Қаро пул учун айлабон қатл фан,
Ўлуктун тамаъ айлаб аммо кафан.
Ўлум келса бир зори бедил сари,
Мадад айлабон лек қотил сари.[3]
байтлари шундан далолат беради.

Алишер Навоий ўз замонасидаги бевафолар, беҳаёлар, золимлар, дев шаклидаги одамлардан чеккан азиятлари ҳақида "Маҳбуб ул-қулуб" асарида: "Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин фиғону фарёд. То олам биносидур бу ўтға ҳеч киши менча

[1] Ўша нашр. 18-жилд.262-бет
[2] Н. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, 412-413 бетлар.
[3] Ўша асар. 3-жилд, 532-бет.

ўртанмайдур... ва бу ёлинга ҳеч ким мендек чурканмайдур, замон аҳли бевафолиғидин кўксумда туганлар ва даврон хайли беҳаёлиғидин бағримда тиканлар”[1] деб ёзган эди.

Девондаги Абдураҳмон Жомийга татаббуъ ғазалларидан бирида тасаввуфнинг тажалли таълимоти, фақру фано мақомига етган ошиқлар, ваҳдат майи майхонасидаги ошифларнинг маънавий бойлиги тасвирланган. Ғазал шундай бошланади:

Боз дар дайри муғон арбадаи мастон аст,
Сухан аз ганжфишонии тиҳи дастон аст.
Водии каъбаи ислом чи жўям эй шайх
Ки, бути кофири ман жониби Туркистон аст.[2]

Мазмуни:

Яна ваҳдат майи майхонасида мастларнинг ўзаро суҳбати бошланди. Суҳбат қўли қуруқларнинг, қўлида ҳеч нарсаси йўқларнинг хазина сочишлари ҳақида бораётир. Эй шайх, менинг кофир гўзалим Туркистон томонда бўлган ҳолда, ислом Каъбаси водийсини қидиришимнинг нима кераги бор?

Демак, моддий бойликка эга бўлмаган, лекин маънавий бой кишилар дунёга хазина сочишлари мумкин. Маълумки, Шарқ адабиётида, шу жумладан Навоий асарларида кишилар “Аҳли маъни” ва “Аҳли сурат”, “Аҳли ҳол”, ва “Аҳли қол”, “Аҳли ботин” ва “Аҳли зоҳир”ларга ажратилади. Мазкур “Аҳли маъни”, “Аҳли ҳол” ва “Аҳли ботин” кишилар “тихидаст” яъни қўллари қуруқ бўлса ҳам оламга маъно хазиналарини сочадилар. Бу ҳақда Навоий “Наводир уш-шабоб” девонидаги бир қитъада шундай деганлар:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин
Ким, буларға гадолиғ ортуғдур,
Аҳли сувратқа подшолиғдин.[3]

Татаббуъ ғазалнинг иккинчи байтида тасаввуфнинг тажаллий таълимоти акс эттирилган бўлиб, байт мазмуни “Лисон ут-тайр” достонидаги:

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда безаваз.
Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб.[4]

Ёки, “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги:

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоққи кўнгул каъбаси,
Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ.[5]

[1] Ўша нашр. 14-жилд.83-бет
[2] Ўша нашр. 18-жилд.296-бет
[3] Ўша нашр. 4-жилд.507-бет
[4] Ўша нашр. 12-жилд.26-бет
[5] Ўша нашр. 7-жилд.73-бет

байтларига ҳамоҳангдир. Байтда маъшуқи ҳақиқийни узоқлардан эмас, балки ватандан, Яратувчининг жилвагоҳи бўлган инсон қалбидан қидириш лозим эканлиги таъкидланган. Инсон дилинни топиш, уни зиёрат қилиш Каъба зиёратидин афзалдир. Бу ҳақда ғазалларнинг бирида шундай дейилади:

Чи сар бакўҳу биёбон ниҳи, диле дарёб,
Ки ёфт ҳажжи қабул он, ки ин зиёрат кард.[1]

Мазмуни:

Нимага (ҳаж қилиш учун) тоғ ва биёбонларга бош урасан, унинг ўрнига бирор кишининг дилини топ, бу зиёратни қилган кишининг ҳажи қабул бўлади.

Маълумки, мажозий ишқнинг кўприклари орқали тариқат мақомининг босқичларидан ўтиб, фақру-фано мақомига етган ошиқлар учун Каъба ва бутхона бир хил бўлиб қолади. “Девони фоний”даги кўпгина ғазалларнинг шоҳбайтларида мажоздан ҳақиқатга, фанодан бақога ўтган ҳақиқий ошиқларнинг руҳияти ўз аксини топган. Айрим мисоллар келтирамиз:

Каъбаву дайр тафовут накунад чун ҳама жо,
Дида бар рўи туву майли дилам сўи ту буд.

Мазмуни:

Каъба билан бутхонада тафовут йўқ, чунки ҳамма жойда кўзим юзинг тарафда ва дилим майли сен томондадир.

Ёки:

Бода деҳ, з-он, ки зи ҳар хона сўи Ҳақ роқест,
Агар аз гўшаи масжид ва гар аз кунжи куништ.

Мазмуни:

Бода бер, чунки ҳар уйдан Ҳақ сари бир йўл бор, Агар у масжид бурчаги бўлсин ёки оташпарастлар ибодатхонаси кужи бўлсин.

Арузнинг энг ўйноқи баҳрлдаридан бири ҳазажи мусаммани ахраб вазнида ёзилган ғазалда бу фикр ўзининг энг юқори чўққисига чиққан:

Паймонаи май жўён рафтам сўи майхона,
Берун наравам з-он жо пур ношуда паймона.
Шайхони муножоти, риндони хароботи,
Жўянд туро жоно, дар Каъбаву бутхона...
Фони, суханам бишнав, жўёи хароби шав,
Аз ганж нашуд маъмур кас нодида вайрона.

Мазмуни:

Бир коса май излаб майхона томон бордим. Идишим тўлмагунча у еодан ташқари чиқмайман. Эй жонон, мунножот қилувчи шайхлар, хароботдаги риндлар Каъбада ҳам, бутхонада ҳам сени қидирадилар. Эй Фоний, сўзимни эшит, харобликни изловчи бўл, Ҳеч бир киши вайрона бўлмагунча, хазинадан обод бўлмайди.

[1] Ўша нашр. 18-жилд.350-бет

Бу ҳолни биз Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонларидаги кўпгина ғазалларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан:

Дайру ҳарамда сарбасар, ул юздин истарлар хабар,
Кўп ҳам низоъ этма агар, ул дер Самад, бе дер Санам.

Мазмуни:

Бутхонада ҳам, Каъбада ҳам ҳақиқий маъшуқни излайдилар. Каъбадагилар уни “Самад” деб ва бутхонадагилар “Санам” деб изласалар, низоъ қилишнинг ҳожати йўқ. Чунки, иккалаларининг ҳам мақсади ёлғиз Аллоҳнинг дийдорини кўриш. Лекин, ҳақиқий маъшуқни излаш, унинг дийдорини кўриш ғафлат билан эмас, балки огоҳлик билан бўлиши керак.

“Наводир уш-шабоб” девонида ўқиймиз:

Шайх ғафлатдин самад зикрин қилурдин яхшироқ,
Муғки дайр ичра дегай огоҳлик бирла санам.

Шайхнинг ғафлат билан Аллоҳ зикрини қилишидан кўра, оташпарастнинг огоҳлик билан Санам дегани яхшироқ.

“Девони фоний”даги ғазалларнинг кўпида ҳақиқий ошиқнинг қалби, диди ва тили, кўзи ва сўзининг пок бўлиши, Навоий тили билан айтганда “Пок кўзни пок назар била пок юзга солиши” кераклиги уқтирилади. Шоирнинг Ҳофиз Шерозийга татаббуъ ғазалларидан бирида ўқиймиз:

Навбаҳорон бақадаҳ оби тарабнок андоз,
Абрсон ғулғула дар гунбази афлок андоз...
Покбози агар аз эзиди покаст хавас аст,
Чашм бар орази пок аз назари пок андоз.

Мазмуни:

Баҳор чоғида қадаҳга хурсандчилик келтирувчи сувни қуй,
Булут каби осмонлар гумбазига ғулғула сол.
Агар сен пок Тангридан садоқатли ошиқ бўлишни истасанг,
Пок юзга пок назар билан кўз ташла.

Девондаги қитъа ва рубоийларда ахлоқ-одоб, дўстлик, адолат, саховат, ҳиммат, вафо, ҳаё каби умуминсоний қадриятлар ўз ифодасини топган.

Қитъалардан бирида дўстлик шундай улуғланади:
Гар касе ёри мувофиқ дорад, эй дил, бок нест,
Гар зи даврони мухолиф жони зоре бошадаш.
Дарду ғам набват касеро аз жафои дахр агар,
Дардро ҳамдарду ғамро ғамгусоре бошадаш?

Таржимаси:

Бу мухолиф дунёдин етса туман ранжу алам,
Ҳеч зарар йўқдур тутунган дўсту ёринг бўлса гар.
Бу фалак дарду ғамидин заррае етмас зиён
Дардга ҳамдарду ғамга ғамгусоринг бўлса гар.

Кўриниб турибдики, қитъада инсоннинг бошига қийинчиликлар тушган вақтда тутунган дўстларнинг жонга оро кириши ўзининг бадиий ифодасини топган. Девондан ўрин олган ахлоқий-таълимий мавзудаги рубоийлардан бирида сабр-бардошли бўлиш, дунёга хирс қўймаслик ва тил одоби ҳақида шундай дейилган:

Хар чиз расад аз ахди даврон махурўш,
В-аз қисми азал зиёдаро беш макўш.
Барбанд зи ношунидани рахнаи гўш,
В-аз ҳарчи нагуфтани, забон дор ҳамўш.

Мазмуни:

Замон аҳлидан ҳар нимаики етса, нолима, азалдан белгиланган тақдирингдан ошиғини талаб қилма, эшитиш лозим бўлмаган гап-сўзлардан қулоғингни беркит, айтиш лозим бўлмаган гаплардан тилингни тий.

Девондаги Абдураҳмон Жомий вафотига ёзилган 7 банд ва 70 байтдан иборат таркиббанд марсия шоирнинг бу жанрдаги юксак маҳорати намунсидир. Буюк алломанинг вафоти туфайли бутун Хуросон аҳли, хусусан, Жомийнинг энг яқин дўсти Навоий бошига тушган мотам, уларнинг чеккан изтироблари, қайғу ва аламлари марсияни ўқиган ҳар бир киши қалбини жунбушга келтиради ва тилка-пора қилади. Марсиядан айрим байтларни келтирамиз:

Дўстон, дар ҳама фан нодираи олам ку?
Афзалу аълами авлоди бани одам ку?

(Дўстлар, бутун оламда ҳамма фанларнинг ягонаси қани?
Одам авлодининг энг афзали ва энг илмлиси қани?)

Ёки:

Ҳама бурданд ба афғону дили чок туро,
Жой карданд, чу ганже ба дили хок туро.
Сари покони жаҳон буди, аз он, эзиди пок,
Пок аварду дигар бурд ҳамон пок туро.

(Ҳамма сени афғон чекиб, кўксини чоке тиб олиб бордилар, тупроқ бағрига сени хазинадек жойладилар. Сен жаҳон покларининг бошлиғи эдинг, шунинг учун пок тангри сени дунёга пок келтирди ва пок олиб кетди.)

Алишер Навоий адабий мероси орасида муаммо жанри ҳам муҳим ўрин тутади. Шоирнинг "Наводир уш-шабоб" девонига кирган 52 та ўзбек тилидаги, "Муфрадот" муаммо рисоласида муаммо қоидаларига мисол сифатида келтирилган 121 та ва "Девони Фоний"дан ўрин олган 266 та форс-тожик тилидаги муаммолари етиб келган бўлиб, уларнинг ҳаммаси 439 тадир. Биз Навоийнинг "Муфрадот" рисоласидаги қоидалар асосида уларнинг 327 тасини ечдик. Шу жумладан, "Девони Фоний"даги 266 та муаммодан 160 тасини ечиб, уларнинг ҳалларини Навоий мукаммал асарлар тўпламининг 20-жилдига киритилди.

"Девони Фоний"даги муаммоларнинг мавзулари ранг-баранг бўлиб, шоир шеъриятининг деярли ҳамма мавзулари ўз аксини топган. Севги-муҳаббат, замондан шикоят, ахлоқий-таълимий масалалар муаммоларга сингдирилган. Масалан, муаммонинг исқот ва таълиф қои-

дасига ёзилган Фаридун исмидаги муаммода давлат аҳллари, мансабдорлар, ҳукмдорларнинг манманлиги фош этилган:

Аҳли давлатро худо бар маснади иззу хуши,
Офариду нест аммо беҳавои саркаши.

(Давлат аҳлларини худо иззат ва айш-ишрат тахтига яратди,
Лекин уларни манманлик, қайсарлик ва кибру ҳавосиз яратмади).

Муаммо ҳалли (ечими) – "офариду" сўзидаги "алиф" саркашлик қилса "фариду" қолади. Ишорага кўра "нест" сўзидаги "нун" ҳарфи қўшилса, "Фаридун" номи ҳосил бўлади.

"Одам" исмидаги муаммода эса, маъшуқа жафоси туфайли яраланган ошиқ қалби изтироблари орқали инсонларнинг бошдан оёқ кўнгил қони билан йўғрилгани акс эттирилган:

Гар набошад дар дили хунин хадангат муттасил,
Аз чи бар болову поинаш намояд хуни дил?

(Агар менинг қонли дилимга ғамзанг ўқи тегмаган бўлса, нима учун унинг дилимнинг усти ва остида кўнгул қони кўринади?)

Муаммонинг ҳалли – тародиф, тасмия ва қалб қоидалари асосида ечилади.

Яъни, ёрнинг ғамза ўқи (кипригги) "алиф" ҳарфи бўлиб, ундан кейин кўнгул қони дам кўринса, Адам – бўлади. (Араб тилида "дам" – қон демакдир.) Бу ўқдан олдинги кўнгул қони "мадд" белгиси бўлиб, бу мад ёзилади. Қалб қоидасига асосан унинг акси дам – бўлиб, у ҳам қондир. Тасмия қоидасига асосан бу "мадд" белгиси устига қўйилса, "Одам" исми ҳосил бўлади.

Девондан ўрин олган Ифтихор номидаги муаммода гулдан гулаг сакраб ўтмоқчи бўлган булҳавас "ошиқ"лар танқид қилинган.

Дил, ки жўяд ком ҳар жониб зи гулзори дигар,
Фош гуфтам, то бубинад ҳар тараф хори дигар.

(Дил ўзга гулзорнинг ҳар тарафидан мақсад истаса, очиғини айтаманки, ҳар тарафда бошқа-бошқа тиканларни кўради.)

Бу муаммо тасмия ва таълиф қоидаси билан ечилади. "Фош гуфтам"дан "фе" ҳарфини, "то бубинад"дан "те" ҳарфини олсак, "фат" ҳосил бўлади. Унинг бир томонидаги тикан ҳарфи бўлса, иккинчи тарафдаги тикан "хор"дир. Улар таркиб топса, "Ифтихор" исми ҳосил бўлади.

Девондаги "Тур" номига ёзилган муаммога диққат қилайлик:

Номи моҳи турки худ жустам "Баёдам гуфт: "нест",
Чун равон гаштам, балафзи хештан гуфтоки: "Ист".

(У турк гўзалимнинг номини сўраган эдим, "ёдимда йўқ", деди. Қайтиб кетаётган эдим ўз сўзи билан (яъни она тилиси билан) "Ист" "тур" (яъни, тўхтаб тур) деди.)

Айни вақтда бу сўз муаммонинг ҳалли ҳамдир.

Буюк зуллисонайн шоир ўз қаҳрамонларини икки тилда сўзлашларига ишора қилади. “Девони Фоний”даги ғазаллардан бири шундай бошланади:

Нигори турку-тожикам кунад сад хона вайрона,
Бадон мижгони тожиконаву чашмони туркона.

(Менинг турку-тожик (икки тилде сўзлашадиган) гўзалим тожикларга ўхшайдиган киприги ва ўзбекларга ўхшайдиган кўзи билан юзларча (ошиқларнинг) уйини вайрон қилади).

“Девони Фоний”г кирган 8 жанрдаги ҳамма шеърлар бадиятнинг ёрқин намунаси бўлиб, бу шеърларда Шарқ адабиётида мавжуд бўлган деярли ҳамма бадиий санъат воситалари ўзига хос услубларда маҳурат билан қўлланилган. Девондаги шеърларнинг бадиий хусусиятлари алоҳида тадқиқотлар ва кўплаб мақолалар мавзуси бўлишини ҳисобга олиб, айрим бадиий санъатларга мисоллар келтирамиз.

Тазод санъати.

Гар аввал оташи ишқ осон намуд моро,
З-ў як шарер баровард аз сина дуд моро.
З-ин сон, ки асл маъдум афтоду ҳажр мавжуд,
Нобуд беҳтар, эй дил, сад раҳ, ки буд моро.

Мазмуни:

Ишқ ўти аввал бизга осон кўринади,

Лекин ишқ ўтидан бир учқун чиққач, сийнамиздан тутқун чиқди.

Эй дил, васл йўқ бўлиб, ҳажр мавжуд экан, бундай борлиқдан бизга йўқлик юз марта яхшироқдир.

Тазод санъати – “Васл” ва “Ҳажр”, “Маъдум” (йўқлик) ва “Мавжуд” (борлиқ) ҳамда “Буд” ва “Нобуд” сўзларида ўз аксини топган.

Тарсеъ санъати.

Мунаввар ас тба рўи ту дидаи жонам,
Муаттар ас тба бўйи ту кунжи эҳзонам.

(Жоним кўзи юзинг билан равшандир, ғамхонам сенинг ҳидинг билан муаттардир).

Тарди акс, ташбеҳ санъатлари.

Хоҳам аз доғи жафо в-аз захмигардун лолавор,
Хоку хун бар сар кунам, в-аз хоку хун сар бар кунам.

(Жафо доғи ва замона захмидан лола каби тупроқ ва қонни бошимга кўтармоқчи бўламан ва тупроқ ва қондан бош кўтаришни истайман).

Байтда жафо доғи ва даврон зулми лолага ўхшатилган. Иккинчи мисрадаги “бар сар кардан” бошга кўтариш, “сар бар кардан” эса бош кўтариб чиқиш бўлиб, тарди акс санъати қўлланилган.

Ружуъ, тарди акс санъатлари.

Ту гашти кажкулоҳи жумла шохон,
Ғалат кардам, ки шоҳи кажкулохон.

(Сен барча подшоҳларнинг кажкулоҳи бўлдинг, йўқ, янглисдим, сен ҳамма кажкулоҳлар подшосисан).

Мусажжаъ санъати.

Аз баҳри дафъан ҳасти, хохам тариқа масти,
З-он рў, ки майпарасти беҳтар зи худпарасти.

(Борлигимни йўқотиш учун мастлик йўлини истайман, чунки худпарастликдан (манманликдан) майпарастлик яхшироқдир).

Лаффу нашр санъати.

Агар Фарҳоду Ширин ҳар ду дар даврони ман буди,
Яке шарманда аз ман, он як аз жонони ман буди.

(Агар Фарҳод билан Ширин менинг давримда бўлганларида, уларнинг бири (яъни, Фарҳод) мендан ва иккинчиси (яъни, Ширин) менинг жонимдан шарманда бўлар эди.)

Тажоҳули ориф санъати.

Шафақ навбад, ки аз хуни сиришкам,
Ҳама домони чархи ахзар олуд.
Касе каҳболи Фони хонд аз авроқ,
Баҳуни дида рўи дафтар олуд.

(Кўриниб турган шафақ эмас, балки мовий осмоннинг этаги менинг қонли кўз ёшим билан белангандир, кимки бу китоб варақларидан Фоний аҳволини ўқиса, бу дафтар варақларини қонга белайди).

Талмеҳ, ташбеҳ санъатлари.

Дар саводи зулф сўи чашмаи нўшат шитофт,
Он, ки баҳри оби ҳайвон шуд базулмоту наёфт.

(Сочинг қоронғи кечасида лабинг ҳаёт булоғи сари шошилиб кетаётган (киши) зулмотда оби ҳаёт булоғини қидириб, уни тополмаган (киш)га ўхшайди).

Бу байт Искандар номидаги муаммо бўлиб, афсонага кўра ҳаёт булоғини қидириб зулмотга кирган ва уни топа олмаган киши Искандардир. Талмеҳ қоидасига асосан муаммо ечими Искандардир. Муаммо байтида ёр сочи зулмотга ва унинг лаби ва оғзи оби ҳаёт булоғига ўхшатилган.

Шу каби девондаги шеърлардан мумтоз адабиётимиздаги ҳамма бадиий санъатларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

ҒАЗАЛДА МУЛОҚОТ МАҚОМИ

Аъзамхон ҚОЗИХЎЖА

Биринчи сўз, биринчи жумла барча талантли ижодкорлар учун ҳамиша бошқача аҳмиятга эга. “Дебоча”даги: “Сўзим узалдию адо қиладурғон мақсудим йироқ қолди” жумласи Навоий бадиий тафаккури ва таҳаййюли миқёслари чегара билмаслигига, ўзидан, ўз ижодидан қониқмаслигига далолат қилиб турибди. Лаҳзадаги олий ҳақиқатдан сўйловчи ижодкор ички оламида уммонлар остидаги дурлар, хазиналар яширинган. Уларни фақат кўнгил кўзлари билан, завқи салим билан кўриш мумкин. Илк ғазалдаги биринчи байтнинг ўзиёқ Навоий даҳоси қудратини намойиш этароқ дунёга келган.

Ғазал шарҳига киришдан аввал биринчи мисра ҳақидаги баҳсли фикрларга тўхталиб ўтсак.

Порсо Шамсиев бошчилигида тузилган “Навоий асарлари луғати”да биринчи мисра қуйидагича таржима қилинган: “Қадаҳ қуёши аксидан тўғри йўл нурлари порлади”. Алибек Рустамов эса мисрани бундай шарҳлайди: “Май ишқ рамзи қилиб олинганда “жом” сўзи ва унинг маънодошлари кўнгилни билдиради. Аммо биринчи мисрадаги жом маъносидаги “каъс” сўзи кўнгилни англатмайди. Буни Навоийнинг ўзи жомни қуёшга ўхшатиш йўли билан ифодалаган. “Ашрақат” порлаб чиқди, “мин акси шамси-л-каъси” май косаси қуёшининг аксидан, “анвору-л-ҳудо” тўғри йўл, яъни ҳақиқат нурлари деган маънода... Демак, “ашрақат мин акси шамси-л-каъси анвору-л-ҳудо” май косасининг қуёши аксидан ҳақиқат йўлининг нурлари порлади деган мазмунда экан. Бунда май косаси қуёшга ўхшатилган. Қуёш оламдаги нур тарқатувчи ягона мавжуд бўлгани учун май косасидан мурод ишқ, яъни жозиба манбаи мутлақ борлиқдир...” (Шарқ Юлдузи, 1987, № 2, 178-бет.)

Фикримизча, Навоий биринчи девоннинг илк байтида бундай мавҳумликка йўл қўйиши мумкин эмас. Салафлари билан катта замонда мулоқотга киришган Навоий арабчада ҳам фасих ва балиғ сўз айтмоғини ҳолат тақозо қиларди. “Балоғат илми”ни аъло даражада билган Навоий бу ўринда машҳур Юсуф Сакокий мазҳабига юради. Сакокий, “Ўсимликларни баҳор кўкартирди” жумласидаги “баҳор” сўзини Яратувчидан истиоратун бил-киноя, яъни киноя билан истиорага олиш дейди (киноя бу ўринда бизнинг тушунчамиздаги истиҳзо, кесатиш маъноларида эмас) ва қуйидагича исботлайди: ўсимликларни баҳор эмас, балки Оллоҳ кўкартиради. Мисол учун, “Фалончига ўлим чангалини солди” жумласидаги ўлим бир ваҳшийдан киноя. Ўлим мавҳум тушунча, унинг чангали бўлмайди. Йиртқич лузуми, яъни бир сифати ориятга олинади ва ўлимга берилади. Шунга ўхшаш баҳор ўсимликни кўкартира олмайди. Жонзотларга жон ато этиш, ўсимликларни ўстириш, бу – Оллоҳ сифати. Абдураҳмон Қазвиний ушбу фикрга қарши чиқиб: Оллоҳнинг баҳор деган сифати йўқ, Оллоҳни Қуръони каримда ва ҳадиси шарифда келган сифатлар билангина сифатлаш мумкин, дейди ва “Ўсимликларни баҳор кўкартирди” жумласидаги “баҳор” сўзи мажози ақлий деган тўхтамга келади. Яъни “Ўсимликларни Оллоҳнинг баҳори кўкартирди”, деган хулосани айтади ва жумладаги баҳор мўмин эътиқодида мажози ақлий, худосиз кимса эътиқодида эса ҳақиқат, дея қўшимча қилади ҳамда гапнинг семантик жиҳатдан эътиқодга алоқадорлигини шарҳлашга киришади. Бунда калом тўртга бўлинади. Биринчиси, воқега ҳам эътиқодга ҳам мутобиқ; иккинчиси, воқега мутобиқ эътиқодга мутобиқ эмас; учинчи-

си, воқега мутобиқ эмас, эътиқодга мутобиқ; тўртинчиси, воқега ҳам, эътиқодга ҳам мутобиқ эмас. Навоий воқега ҳам, эътиқодга ҳам тўғри келадиган мўмин эътиқодида бўла туриб қуёшни борлиқдаги ягона нур манбаи деб билиши ҳақиқатга тўғри келмайди.

Навоий юқорида келтирилган баҳслардан жуда яхши хабардор ҳолда, илк девонининг биринчи мисрасида Саккокий мазҳабини олади. Шунда қуйидагича мазмун юзага чиқади: “Косада қуёш аксидан ҳидоят нурлари жилваланди”. Бунда қуёш Яратувчидан истиоратун бил-киноя. Ҳидоят нурлари қуёшдан эмас, Оллоҳдан келади. Жисм ичида турган қалбга қуёш нури эмас, Оллоҳ ҳидояти тушади. Коса маъносидаги كأس сўзи эса араб тили қоидасига кўра зарфи макон, яъни ўрин ҳоли бўлади. Мисрани эса қуйидагича ўқиш тўғрироқ: “Ашрақат мин акси шамсил-каса анвор ул-ҳудо”, яъни каси қилиб “и” билан эмас, балки каса тарзида сўз охирини “а” деб ўқиш лозим. Коса бу ўринда, айнан кўнгил маъносида, чунки кейинги мисра ва байтлар, умуман, ғазал сиёқи шундай фикрга келишимизга йўл беради. Бундан ташқари, “Балоғат илми”да “коса қуёши” ёки “қадаҳ қуёши” деб, кичик нарсани катта мавжудликка ўхшатиш комил ташбеҳ саналмайди. Шунда биринчи мисра таркибини араб тили наҳв қоидасига кўра қуйидагича қилиш мумкин: Ашрақат– феъл, анвор ул-ҳудо – фоил, содир бўлаётган ҳаракатнинг жумладаги эгаси, мин акси – жар-мажрур, ашрақатга мутаъллақ, яъни феълга чиқиш келишиги қўшимчаси воситасида боғланади, акси шамсин – изофа, кенгайтириб айтганда, қаратқич-қаралмиш боғланишидан ҳосил бўлган сўз бирикмаси. ал-каса – зарфи макон, яъни ўрин ҳоли. Порлади эмас, жилваланди, деб таржима қилишимизда эса, Навоийнинг ўзига, яъни ушбу ғазалдаги “Токи ул майдин кўнгил жомида бўлғач жилвагар” тарзида келган олтинчи байтга суянамиз.

Ашрақат мин акси шамсил-каса анворул-ҳудо.
Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқти садо.

Шоир тахайюлида ғужғон ўйнаётган тасаввурлар воқелиги ва бу воқеликдан илк хабар сифатида тақдим этилаётган биринчи мисра. Бунда лирик қаҳрамон қиёфаси, ғазал воқелиги ва ғазал воқелигидаги биров, ҳаммаси бир вақтга йиғилади. Уларни жамловчи, аввалу охирни кўриб турувчи муаллиф ҳам бу йиғинда иштирок этади. Лирик қаҳрамон олий мақомдаги сўзни айтиши шарт. Нутқ гўзалликлари эса истиора, мажоз, ташбеҳ либосларини кийиб сўзлар остига яширинади. Биринчи хабар ғазал воқелигидаги бировда тушунмаслик пайдо этади. Сакокий ибтидоий хабар тингловчисини “хабардан зеҳни холи мухотаб” деб атайди ва илк хабар феъл билан бошланишини таъкидлаб қуйидаги мисрани мисол келтиради: “Атани ҳаваҳа қобла ан аърифал-ҳава”, яъни “Ишқ-муҳаббатни англаб етгунимча унинг ишқи мени адо этди”. Бунда “Ата”, Навоийда “Ашрақат” феъллари жумла аввалида келиши мухотабга – бизнинг талқинимизда ғазал воқелигидаги бировга – ғазал воқелигидан биринчи хабар деб эътибор қилинади. Биринчи хабар билан ибтидоий хабар орасида баъзан фарқ ҳам бўлиши мумкин. Мисол учун: “Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримига хос. Яна не суд керак ўзлигингдан этса халос” деб бошланувчи ғазал матлаъсидаги биринчи мисра ибтидоий хабар эмас, лекин биринчи хабар. Чунки “Дема” бу ўринда муқаддам савол берувчи биров борлигини билдирса, “не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримига хос” эса ғазал воқелигидаги биров гапидан лирик қаҳрамон лафзига кўчган жумла бўлиб, ғазал воқелигида аввал кечаётган мулоқотга далолат қилади. Ибтидоий хабарда эса мутакллим ғазал

воқелигидан илк хабарни айтади. Хабардан зеҳни холи мухотаб, яъни биров истиораю мажозларни билмаслиги билан эмас, балки лирик қаҳрамон томонидан ғазал воқелигидан келтирилаётган хабардан кўзланган мақсадни тушунмаслиги билан фарқланади. Тушунмаслик изҳори ўлароқ ўз муносабатини билдиради. Бу муносабат биз кўриб турган ғазал матнида кўринмайди, лекин зийрак ўқувчи гап сиёқига қараб, сўз бировга қаратилганини ва тасвирда биров луқмаси (репликаси) мавжудлигини иккинчи жумладан билиб олади. Тушунмаслик ушбу ўринда тил билмаслик ёки онг даражаси пастлиги билан белгиланмайди, балки кутилмаган хабар кутилмаганлиги билан тушунмаслик пайдо қилади. Юксак мақомда – иъжоз мақомида айтилган гап бировда бир қатор туйғуларни уйғотади. Ҳайрат, давомини кутиш ва савол бериш. "Косада қуёш аксидан ҳидоят нурлари жилваланди". Мансур шаклдаги таржима шеърдаги оҳанг, овоз, вазн, қофия ҳамма-ҳаммасини йўққа чиқаради. Қўлимизда мазмун ҳақидаги тўмтоқ бир нарсадан бошқа ҳеч нима қолмайди. Бироқ мазмун ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлмасак ҳам шоир поэтик матндан кўзлаган мақсадга, эстетик қарашларига яқин кела олмаймиз. Муқтазои ҳол тушунчаси поэтик матнни ҳам, шоир эстетик қарашларини ҳам, бадиий асар макон ва замонини ҳам, кечаётган ички ва ташқи мулоқотларни ҳам, катта замондаги диалогни ҳам қамраб олади. Шоирни умр бўйи қийнаган ҳис-туйғулар ҳол тақозоси мавжуд бўлганидек, улар ифодаси ўлароқ реалликка айланган сўзларнинг ҳам муқтазои ҳоли бор. Ҳол тақозосида ҳамиша нутқ кимгадир қаратилганлиги ва кимнидир саволига жавоблиги билан ажралиб туради. Ҳол тақозосини аниқ кўраётган шоир бир томондан катта замонда салафлари билан мулоқотга киришса, иккинчи томондан ғазал воқелигини дақиқ идрок этиб, майян қолиплардан фойдаланади. Жонли нутқ ҳамиша вақт билан бирга нафас олади. Жонли ижро ҳам сўзлар қийматини ҳис эта билишни ва ғазал воқелигида яшашни, биров луқмаларига юксак мақомда туриб жавоб беришни тақозо қилади. Қуёш аксидан косага – жомга тушаётган нур оддий нур эмас. Борлиқдаги мавжуд нарсалар мавжудлигини шунчаки айтиш, тасвирлаш ҳам шоир муддаоси эмас. Шунинг учун ҳам жумладаги феъл фоили – эгаси Анвор ул-ҳудо. Ҳидоят нурлари... Қуёш деганда нимани назарда тутмоқда? Ҳидоят нурлари косада? Лекин мухбир мақомини яхши билган ғазал воқелигидаги биров даражаси ҳам муқтазои ҳолга мувофиқ эканлиги бундай ибтидоий саволлардан воз кечиб, ҳолат тақозосига муносиб тарзда савол қўя билишда. Саволни шоир аниқ кўради, лекин уни ташлаб ўтиши шарт. Агар қоидада саволни ҳам ифодалаш бўлганида Навоий уни ўз мақомига етказиб намойиш қиларди ва бизни бу машаққатдан халос этарди. Шунинг учун савол ғазал воқелигда мавжудлигини ҳис этамиз. Иккинчи хабар, "Балоғат илми"да талабий деб аталади. Ғазал воқелигидаги биров ибтидоий хабарни тушунтиришни талаб этади. Жавоб ўлароқ иккинчи мисра дунёга келади. Моҳиятан биринчи мисра таржимаси сифатида келган иккинчи мисра кўтарган юки биринчидан асло қолишмайди. "Ёр аксин майда кўр" деб жомдин чиқти садо". Реал воқеликда, чинни косага май қуйилганда суюқ жисм қаттиқ жисмга урилишидан овоз келади. Ғазал воқелигида эса кўнгилга қуйилаётган зикр майидан бир садо чиқади. Бутун ғазал мана шу садо, аниқроғи, садо келган лаҳза ифодаси. Лаҳзада яшаётган лирик қаҳрамон муқтазои ҳоли. Лаҳзадаги ҳол тақозоси ифодаси ўлароқ вужудга келган жонли сўз кимгадир қаратилиши шарт. Биринчи хабардан сўнг мухотаб талабига жавобан айтилган: "Ёр аксин майда кўр" деб жомдин чиқти садо" мисраси, ғазал воқелигидаги биров ҳолатига бир қадар аниқлик киритади. Байт ўз номига мувофиқ, устунлари, деворлари, синчлари мустаҳкам бино

қилинган – уй. Вазн, қофия, бадиий санъатлар – уй безаклари, нутқ гўзалликларининг асли эмас, тобелари. Асл гўзаллик эса нутқ мазмунида яширинган. Мазмун эса муқтазои ҳол даражасига қараб белгиланади. Биз кузатаётган ғазалда муқтазои ҳол муқтазои зоҳирга чиқарилмаган. Ҳол тақозоси зоҳир тақозосига олиб чиқилмагани ғазал воқелигида кечаётган лирик қаҳрамон ва биров мулоқотини кўришни қийинлаштиради. Бир қарашда тарқоқ туюлган байтлар орасини, айнан, ғазал воқелигидаги биров мулоқоти боғлаб туради. "Балоғат илми"да учинчи хабар инкорий деб номланади. Демак, ғазал воқелигидаги биров, лирик қаҳрамон хабарини инкор этиш босқичига ўтади. Инкорнинг инкори эса ўта таъкидлаш заруратини пайдо этади.

Ғайр нақшидин кўнгил жомида бўлса занги ғам,
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Ғазал воқелигидаги биров мухбир хабаридан хабардоргина эмас, балки жом ва май тушунчаларини инкорига киришиб луқма ташлайди. Шунинг учун ҳам, байтдаги "Йўқтур, эй соқий" сўзлари инкорнинг инкори сифатида байтдан ўрин эгаллайди. "Кўнгул жоми", "майи ваҳдат" мажозлари май ва жом тушунчаларини Навоий қайси маънода қўллашини ёрқин кўрсатиб турибди. Айни пайтда, лирик қаҳрамон ғазал воқелигидаги биров инкорини инкор этиш билан кифояланмасдан хабарни янги мазмун билан бойитади. "Ғайр нақши" ана ўша янги мазмунга йўл очади. Ғайр нақшидан занглаган қалблар: дунё, амал, бойлик бандалари лаҳзалар қийматини мақсадлари йўлида сарфлайдилару кўнгиллари ҳеч-ҳеч ҳаловат топмайди. Ҳаловат ва ҳотиржамлик лаҳзаларни зикр ва ибодатда ўтказишда эканлигини англаб етмайди. "Огоҳ бўлингларки, қалблар фақат Оллоҳнинг зикри билангина ҳотиржамлик топади" ояти ҳақида тафаккур қилишга вақтлари йўқ. "Занги ғам" кўнгиларни эгаллаб олади. Тафаккурни умидсизлик, мақсадсизлик ва абсурд тушунчалар сари етаклайди. Янада аниқроқ айтсак, "Ғайр нақши" ҳар биримизнинг қалбимизни бетиним занглатиш билан овора. Бироқ ғамларни аритгувчи, ЛА ИЛАҲА ИЛЛА АЛЛОҲ деган ваҳдоният майи бор! Навоий ана шу ваҳдоният майи ҳақида ёзишни мақсад қилгани учун ҳам "Хазойин ул-маоний" номли улкан девонининг илк ғазалида май ва жом тушунчаларига эътибор қаратади. Ўз ижодининг бутун дастурини эълон қилади. Бунда муаллиф лирик қаҳрамон ва биров мулоқотларидан унумли фойдаланади. Шунинг учун кейинги:

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон сафол,
Жом ўлур гетийнамо, Жамшид, ани ичган гадо. –

байтидаги "Эй, хуш ул майким" сўзлари ғазал воқелигидаги биров ҳайратини ҳадди аълосига етказиш мақсадида байтдан жой эгаллайди. "Майи ваҳдат" бир синиқ кўнгилга тушса, ғариб, бечора қалбидан ўрин олса, бутун борлиқ моҳиятини англовчи, ғайр нақшларидан тоза кўнгилга айланади. Ўтаётган умрининг ҳар бир лаҳзасида, ҳар бир дамида подшоҳлик мақомига кўтарилади. Биринчи мисрадаги "хуш" сўзи, яхши, хурсандлик маъносларидан ташқари, хушёрлик маъносида ҳам қўлланади. "Хамса" достонида, меърож бобидаги бир мисра: "Умми Ҳоний ҳужрасида эрди хуш", тарзида келади, яъни Умми Ҳоний ҳужрасида ухламаётган эди, балки уйғоқ, хушёр эди. Демак, байтдаги май маст қилувчи эмас, хушёр тортирувчи, уйғотувчи май. "Намоз мўминнинг меърожи" деган ҳадис ҳам ана шундай уй-

ғоқликдан сўйлайди. Зикр ва ибодат инсон қалбида ўзгача бир уйғоқликни пайдо этади. Табиийки, муаллиф тасаввуридаги биров мақоми лирик қаҳрамонникидан кам эмас. Зеро, мақомлар яқинлиги муқтазои ҳол даражасини янада юксакка кўтаради. Муқтазои ҳол даражасининг баландлиги эса, шунга муносиб тарзда мақомнинг ҳам парвозига сабаб бўлади. Муаллиф романларга арзигулик ғазал воқелигидан ниҳоятда мухтасар, энг жонли манзараларни, жонли сўзлар воситасида тақдим этар экан, бундай талотум воқеликдан ҳам икки муносабатдан биринигина бизга кўрсатади. Иккинчи муносабатни эса матн остига яширади. Иккинчи муносабат, айнан, ғазал воқелигидаги бировнинг мулоқотга киришишидир. Шунинг учун ҳам:

Жому май гар бўйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур,
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо. –

байтидаги “Жому май гар бўйладур” сўзлари ғазал воқелигидаги биров луқмасига (репликасига) жавоб сифатида келиши билан байтни ғазал воқелигидаги бутунликка боғлайди. Ғазал воқелигидаги биров ўз луқмалари билан лирик қаҳрамоннинг гоҳ жўшиб-тошиб, гоҳ таъкид устига таъкидлаб, гоҳ сокин ифодалаётган шарҳу ҳолига катализатор вазифасини ўтайди. Ғазал воқелигидан сўнги хабарни айтдим, деб ўйлаган лирик қаҳрамоннинг сўзлар ўчоғига яна ўтин қалайди. Лекин илоҳий илҳом билан келган сўзлар уммонидан шоир ўзи керакли деб билган туйғуларнигина лирик қаҳрамонга ошкор этишга рухсат беради. Синған софолларни гетийнамо жомга айлантириб юборадиган, гадоларни шоҳлар тахтига ўтқазадиган май. Аслида, лирик қаҳрамон жому май ҳақиқатини “кўнгул жоми”, “майи ваҳдат” тарзида етказган бўлсада, лаҳза ифодаси ўлароқ дунёга келган бундай ғазалнинг ҳар бир байтида беихтиёр саволлар ибтидодан бошланадию, интиҳода тўхтаб қолмайди. Лирик қаҳрамон жавоби эса ҳамма нарсани ўз ичига олади. Бу жавобда лирик қаҳрамон туйғулари ҳам, биров луқмасининг сояси ҳам, ғазал воқелигидан улгилар ҳам, муаллиф мақсади ва қурган биноси ҳам, ҳамма-ҳаммаси жам ул-жам. Ҳақ сари етакловчи зикр майи муридни беҳол этиб, уйқу ва яқзо оралиғида ғайбат оламига олиб кирар экан, кўзлардаги ғишава – пардалар тортилади. Горизонтал йўналишда ҳаракатланаётган вақт ўз қийматини йўқотади. Ғайб оламига вертикал ҳаракат бошланади. Ана шундай ҳолат гувоҳи лирик қаҳрамон биров луқмасига жавоб ўлароқ, агар жому май шундай бўлса, кўнгилга тушган зикр майи қалбда яқинлик пайдо этиб, мўъжизалар олами сари етакласа, юз жаҳонни сочқи қилиб сочишга, минг жонни фидо қилишга тайёр туради. Ғазал воқелигидаги бировнинг ғазал матнида кўринмайдиган, лекин ғазал воқелигидаги мавжуд саволлари бир асар доирасида такрор ва такрор, ўрин алмашиб келаверади. Бундай муносабатни Балоғат илмидан хабардор муаллиф ғазал воқелигида уюштиради. Йўқ одамни бор деган тасаввурда гапириш, савол бермаётганни сўровчи мақомига қўйиб сўзлаш, инкор этмаётганни инкорчи даражасига келтириб айтиш шакллари ҳақида “Илму маъоний”да батафсил ёзилган. Масалан: Жа-а Шақиқун оризан ромҳаҳу” – Шақиқ найзасини елкасига қўйиб келди, мисрасида “найзани елкага қўйиб келиш” ҳолати бошқаларнинг қуроли йўқ деган даъвони пайдо этади. Унга жавобан айтилган: “Инна бани аммика фиҳим ромаҳу”, яъни “Албатта, амакингнинг ўғилларида ҳам найза бор” мисраси Шақиқнинг даъвосини инкори тарзида келади. Иккинчи мисра Шақиқни инкор қилувчи мақомига тушурилганидан кейин юзага чиқади. Шунингдек:

Дайр аро ҳуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача
Жому май тутсанг мени девонадин қил ибтидо. –

байтида ҳам “муғбача” қиёфаси инкор этувчи мақомига қўйилади. “Жому май тутсанг мени девонадин қил ибтидо” дегандаги “қил ибтидо” буйруқ феъли мисранинг муқтазои ҳоли инкор қилувчига қарши юз бераётган инкорий сўз эканлиги билан изоҳланади. “Дайр аро” елиб-югуриб хизмат қилаётган муғбача маст девонага эътибор бермайди. Бор йўғини майга тиккан, ақлу ҳушидан айрилган девона яна шароб сўраб нидо қилади. Иккинчи мисра уни адои тамом бўлди деб ўйлаган, инкор қилувчи мартабасига туширилган муғбачага қаратилганлиги билан ажралиб туради. Байтдаги биринчи қатлам тасвири шундан иборат. Бироқ Навоий ҳеч қачон биринчи қатлам билан кифояланиб қолмайди. Зоҳирий тасвир ҳамиша ботиний, иккинчи қатлам мавжудлигидан дарак беради. Шоирнинг асл мақсади ҳам иккинчи қатламда ётади. Аслида, гап “кўнгил жоми”, “ваҳдат майи” ҳақида, мудом зикр ва риёзатдан сўнг, аниқроғи, ўша жараёнда содир бўлувчи лаҳза хусусида эканлигини бир сония ҳам унутмасликни ҳолат тақозо қилади. Зикрдан бир нафас тин олган пайтдаги зокирнинг хуш ҳолатию, яна шавқу завқ билан, соғинч билан аввалги туйғулар уммонига кириш олдидаги тараддуди. Лирик қаҳрамон туйғуларига туртки берувчи ғазал воқелигидаги биров фаразан бундай дейиши эҳтимолдан холи эмас: муғбача жому май тутишни сендан ибтидо қилса, кейин нима бўлади? Кўнгулда зикр майидан чеҳраи мақсуд жилваланганда не юз беради?

Токи ул майдин кўнгил жомида бўлғач жилвагар
Чеҳрайи мақсуд, мавҳ ўлғай ҳамул дам мо адо.

“Чеҳраи мақсуд” зикр воситасида кўнгулда жилваланар экан, Ундан бошқа ҳамма нарсалар йўқолади, жилва таъсирида кўринмай қолади. Бунда “Токи” сўзи ғазал воқелигидаги бировнинг “қачон?” деган саволига жавоб ўлароқ, ўзида биров сўзлари соясини акс эттириб, байтдан ўрин олади. “Токи” ўрнига “Қачонки” сўзини қўйиб кўрганимизда бундай қараш янада тиниқлашади. Байт мазмуни эса ўз ўрнида тарихий матнлар билан боғланган. Яратганнинг бир жилваси – тажаллийси кўнгилга тушса, тоғ тўкилиб, йўқ бўлганидек қалбдаги барча ғилли-ғашликлар, дунё орзу-ҳаваслари – “ғайр нақш”лари ўчиб кетади. Агар биров муқтазои ҳоли, лирик қаҳрамон ва ҳол тақозоси билан мос келмаса, бундай юксак мақомдаги санъат асари ёзилиши маҳол. Ғазални бутун ҳолда тасаввур этувчи, сўзларни заргар устадек ҳар томондан кўриб, ўзи муносиб билган ўринга жойлаштирувчи муаллиф, лирик қаҳрамон нутқини бировни турли ҳолатларга солиш орқали юзага чиқаради. Бунда биров сўрамаётган бўлса-да сўровчи, билимдон бўлса-да жоҳил, инкор этмаса-да инкор этувчи манзилига туширилади. Ғазал воқелигидаги ҳолатларини уюштирувчи муаллиф лирик қаҳрамонга шу тариқа гапириш, очилиш имконини беради. Айнан мана шу жараён ғазалнинг – жонли сўзнинг ҳаётийлигини таъминлайди. Жонли мулоқот бадиий асардаги юзаки, ташқи диалоглардагина ўз аксини топмайди, балки инсон кечинмалари, туйғулари тили ўлароқ ичкарига кириб боради. Ғазал воқелигидаги сўровчи, инкор этувчи, ҳайратланувчи биров муносабати бу туйғуларнинг ранг-баранг жилваланиши учун восита вазифасини ўтайди. Байтдаги хабар ҳукмини эшитган биров бу ўринда, “Наҳотки?!” мазмунидаги бир қадар ҳайратга йўғрилган саволни беради. Шунинг учун ҳам:

Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.–

байтидаги “Ваҳдате” сўзидаги “е” ҳарфининг чўзиброқ талаффуз қилинишидан, “Наҳотки?!” деган, бировнинг саволига жавоб мақомида туришини ҳис этиш мумкин. Зикр жараёнидан хабар бераётган лирик қаҳрамон сўзлари, гарчи ўтган замонда юз берган кечинмалар ҳақида бўлса-да, “бўлғай”, “қилғай” феълларининг келаси замонда келиши муқтазои ҳолнинг замон ва макон қамрови абадиятга даҳлдор эканлигини билдиради. Аслида, жому майдан мурод ўзга нарса эканлиги юқоридаги байтлардан англашилган бўлса-да, ғазал воқелигидаги биров гумон қилувчи манзилига туширилади. Зотан, ғазал воқелигидаги бировда гумонли савол туғилмаса ва бу савол ҳамртуриш вазифасини ўтамаса, кейинги байт вужудга келмайди. Ғазал воқелигидаги ҳол тақозоси ички диалогда ўз ифодасини топади. Ички мулоқот маҳсули сифатида юзага чиққан байт ғазал воқелигида мавжуд бировга қаратилганлиги билан ажраб туради. Биз аввалги байтларни лирик қаҳрамоннинг субъективлик салтанатидаги кечинмалари дея изоҳлашга уринишимиз мумкин. Бироқ қуйидаги байт бундай уринишларимизни йўққа чиқаради. Чунки:

Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафий этма бу майхона аҳлин, зоҳидо. –

байтида муқаддам савол бергувчи биров сўзларининг сояси “Сен гумон қилғондин ўзга” иборасида акс этиб турибди. Кейинги мисрада эса лирик қаҳрамон: “Билмайин нафий этма”-дейиши билан ғазал воқелигидаги биров гумонда кифояланмасдан, инкор этиш босқичига ўтганини, “зоҳидо” дея нидо қилиш билан эса ғазал воқелигидаги бировнинг бир сифатини ошкор этмоқда. Инкор этувчи бировнинг ғазал воқелигида мавжудлиги юксак мақомдаги жонли мулоқотни вужудга келтирмоқда. Кенгроқ қараганимизда, бу ғазал лирик тур жанрларидан бири ҳисобланган ғазал ҳақидаги мавжуд тушунчаларни шубҳа остида қолдиради. Ғазал очиқ жанр. Шунинг учун, ғазал ижодкори катта замонда салафлари билан мулоқотга киришиб, олмос доналарини қўлда тутган заргар каби таниш мавзуларнинг янги ва янги қирраларини кашф этаверади. Шунинг учун ҳам ундан мухаммаслар, мусаддаслар чиқиб туриши табиий ҳол. Ғазал воқелигини англаган ва унга кирган улкан ижодкор таҳайюли эса лирик “мен” ҳудудида қолиб кетиши мумкин эмас. Сўнги байт ғазал матнига муаллиф кириб келиши билан алоҳида аҳамият касб этади:

Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин
“Ишрабу ё айюҳал-аташон” келур ҳар дам нидо.

Бу издиҳомга шоир ғазал бутунлигини уюштирувчи муаллиф қабилида эмас, балки ғазал воқелигидаги ўзига хос яна бир овоз эгаси сифатида кириб келади. Шунинг учун ҳам аксар ҳолларда, сўнги байтда лирик қаҳрамон нидоси унга – Навоийга қаратилади. Мисол учун бир ғазалда: “Ҳақ сирридин, Навоий, агар истасанг нишон, Жаҳд айлағилки, қолмасин аввал нишон санга”, дейилса, яна бир ғазалда: “Эй Навоий, демаким жону кўнгулни найладинг, Айладим жавлон қилиб чиққанда дилдорим фидо” тарзида келади. Бир қарашда, шоир ўзига ўзи нидо қилаётганга ўхшаса-да, аслида, бадиий нутқ пайдо бўлиш жараёни ли-

рик қаҳрамон томонидан ғазал воқелигидаги биров мақомида турган Навоийга қаратилмоқда. “Ҳақ сирридин, Навоий, агар истасанг нишон”, мисрасидан ғазал воқелигида Навоий сўровчи манзилига туширилганлигини кўриш мумкин. “Жаҳд айлағилки, қолмасин аввал нишон санга” эса лирик қаҳрамоннинг жавоби сифатида байтдан ўрин эгаллаган. Кейинги ғазалда бу ҳодиса янада яққол кўзга ташланади. “Эй Навоий, демаким жону кўнгилни найладинг”. Лирик қаҳрамон савол берувчи Навоийни инкор этароқ “демаким” сўзидан фойдаланади. Айни пайтда, “демаким” сўзи ғазал воқелигида дегувчи Навоий борлигини ҳам билдиради. “Айладим жавлон қилиб чиққанда дилдорим фидо” мисраси лирик қаҳрамон Навоий саволини инкор этгандан кейингина вужудга келади. Шунингдек, илк ғазал мақтаъидаги “Ташналаб ўлма, Навоий” сўзлари ҳам лирик қаҳрамон томонидан биров манзилига туширилган Навоийга қаратилган. Бутун ғазал оқими лаҳзадаги туйғулар ифодаси ўлароқ шаклланар экан, ички жонли мулоқот зуҳури сифатида муаллиф Навоий қиёфасини, унинг муносабатини ҳам матнда бўй кўрсатишига имкон беради. Матн ортида яшовчи муаллиф образи билан ғазал воқелигида лирик қаҳрамон қаршисида туриб, мулоқотга киришаётган Навоий қиёфасида нозик фарқ мавжуд. Ҳаммасини кўриб, уюштириб турувчи муаллифдан фарқли ўлароқ, лирик қаҳрамоннинг якунловчи сўзи жонли мулоқотда ўз ифодасини топиш учун ғазал воқелигидаги биров мақомида турган Навоий сўнги луқмани ташлайди. Зоҳид аввал гумон қилган, кейин инкор этган майдан ўзга, лаҳза қийматини англатувчи май мавжудлиги ҳис этган, ундан тотган Навоий шундай майга ташналигини изҳор этади. Лирик қаҳрамон эса, азал соқийси ҳар лаҳзада: “Эй чанқоқлар, ичинглар!” деб турганини айтади. Яъни жамолини зикр билан истаганлар учун ҳар дам зикр қилишга имкон бериб қўйилган. Намоз, рўза, ҳаж ибодатларида муайян шартлар мавжуд. Масалан, намоз ўқиш учун таҳорат, жой поклиги, кийим тозалиги, қиблага юзланиш шарт. Лекин зикрда бундай шартлар йўқ. Зикрни истаган одам ўтириб ҳам, ётиб ҳам, туриб ҳам, юриб ҳам, хоҳ таҳоратли ҳолда, хоҳ таҳоратсиз, хоҳлаган пайтида адо этиши мумкин. Саҳиҳ ҳадисларда келишича, ЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲ зикри тилга енгил, тарозида оғирдир. Шунинг учун, ташналаб бўлиб ўтиришга ҳожат йўқ. Умрингнинг ҳар бир дамини зикр билан безаш имконияти сенга берилган. Бас, ҳаётинг лаҳзаларини зикрга бағишла! Табиийки, лирик қаҳрамоннинг бундай юксак мақомдаги жавоби ғазал воқелигида биров ўрнига туширилган Навоий муқтазои ҳолига тўлиқ мос келади. Ғазалнинг вазн, қофия, бадиий санъатлардан иборат тархини чизиб қўйиш билан кифояланишни истамаган муаллиф унга тирик инсон, яшаётган одам туйғуларини жонли мулоқот воситасида олиб киради. Айнан, жонли ички мулоқот Навоий ғазалларининг қон томирида оқади. Навоий замондоши Сайфи Бухорий ғазал ҳақида: “Панж байтеки дилпазир бувад, Беҳтар аз хамсатайн медонам”[1], яъни дилга ёққан беш байтни икки “Хамса”дан яхшироқ деб биламан, деганида асло муболағага йўл қўймаган, балки ғазал воқелигини чуқур идрок этган ва тасаввур қила олган эди. Бугунги адабиётшунослик семиотик таҳлил, компаративистик таҳлил, структурал ёндошув, диалог назарияси каби турли усулларда бадиий нутқ моҳиятига яқинлашишга ҳаракат қилмоқда. Қуръони каримга – иъжоз мақомидаги сўзга эътиборини қаратган “Балоғат” олимлари эса нутқ жараёнларидаги дақиқ ҳодисаларни кузатишни бир неча аср аввал бошлаб берганлар. Навоийдек улкан истеъдодлар “Балоғат” олимларининг бу кузатишларини бепарво ўтказиб юбориши мумкин эмас эди. Зеро, башарни ожиз қолдирувчи сўз айтишга чоғланган ижодкор у ҳақда муайян тасаввурга эга бўлишини ҳолат тақозо этади.

[1] Бобурнома, Т., “Юлдузча”, 1989й., 162-бет.

Қуйидаги ғазал таҳлили ҳам Навоий шеъриятига хос бадиий мақом юксаклигини яна бир бор таъкидлайди:

Эй кўнгил ер кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни сувда кўр, бу сафҳани барбод бил.

Биринчи хабар ҳайратланарлилиги, кутилмаганлиги билан мухотабни ўзига жалб эта билмоғи керак. Бунда мақом қанчалик юксак бўлса, тингловчининг ақли шошади. Сўзлар қанчалик гўзал қилиб терилмасин, уларда тингловчи учун янги хабар топилмаса, чуқур мазмун баён этилмаса, мухотабда кутилган қизиқиш уйғотмайди. Шоир бадиий таҳайюли тақдим этаётган саккиз тарафи чексиз маконда, чексиз замон ва шу замоннинг жуда қисқа бир лаҳзасида бутун моҳият жилваланади. Тингловчи тийиқсиз саволлар гирдобида қолади. Бунда ғазал воқелигидаги бор деб эътибор қилинадиган мухотабни айнан тингловчи дейиш у қадар тўғри эмас. Шунинг учун, шоирнинг лирик қаҳрамони мулоқотга киришаётган мухотабни ғазал воқелигидаги биров деб олиш масалани анча ойдинлаштиради. Лирик қаҳрамон билан ғазал воқелигидаги биров ўртасидаги муқтазои ҳол даражаси қанча баланд бўлса, шунга мувофиқ мақом ҳам юксалади. Мақом қанчалик юксак бўлса, муқтазои ҳол ҳам шунга муносиб тарзда кечади. Бу ўринда мақом жуда юксак. Ҳеч иккиланмасдан иъжоз мақомида дейиш мумкин. Биринчи хабарда айтилган ҳукм, ғазал воқелигида бор деб эътибор қилинган бировда турли ҳолатларни вужудга келтириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Биров айтилган гапни тушиниши ёки тушинмаслиги, ҳайратланиши ё ҳайратланмаслиги мумкин. Лирик қаҳрамоннинг бировга, яъни ғазал матнида кўринмайдиган, аслида ғазал воқелигида мавжуд оппонентига қарата айтган гапи ўша бировда жим турмасликни тақозо этади. У қандайдир муносабат билдиради. Бу муносабат қандай шаклда юз бергани ғазал матнида кўринмайди, лекин ғазал воқелигида бор деб эътибор қилинади. Бу муносабатга жавоб сифатида иккинчи мисра юзага келади. Бу ўринда, бир байт ичида кечувчи мулоқот ва байтлар орасида содир бўлувчи мулоқот ва бутун ғазал давомида юзага келувчи мулоқотлар ҳақида эслаб ўтиш жоиз. Баъзан мазмун тугаллиги эътибори билан бир байт ичида мулоқот юз бермаслиги ҳам мумкин. Лекин биз юқорида кўрган байтнинг биринчи мисрасининг ўзи бировда муаян савол туғдириб улгурган. Шунинг учун иккинчи мисра, маълум маънода, бировнинг саволига жавоб тарзида келади. “Ул кесакни сувда кўр, бул сафҳани барбод бил”. “Эй кўнгил” бу ўринда, фақат шоирнинг ўзига қилган нидоси деб олинса, у қадар тўғри эмас. Тасаввуфда қалб ҳақида гап кетар экан, нафсоний тушунчадан юксакда турувчи кўнгил тушунчаси, нафсини енгиб яшаётган кишига нисбатан ишлатилади. Ана шундан, “Эй кўнгил”дан мурод – Эй кўнгил кишиси, деб эътибор қилинади. “асру бебунёд”лик бировда савол туғдирар экан, айни пайтда, маълум хабардорлик ҳам пайдо этади. Навоий ғазалларидаги мутакаллимнинг, яъни лирик қаҳрамоннинг мақоми жуда юксак. Мухотабнинг, яъни бировнинг ҳолат тақозоси ҳам шунга муносиб тарзда. Зеро, муқтазои ҳол мутакаллимни баланд мақомда сўзлашга чорламоғи шарт. Биринчи мисра – ибтидоий хабар ғазал воқелигидаги бировда муаян туғулар пайдо этар экан, ўз туйғулари ифодаси ўлароқ хабарга муносабат билдиради. Муносабат, аксар ҳолларда ибтидоий хабарга нисбатан тушунмаслик шаклида мавжуд деб эътибор қилинади. Тушунмаслик мутакаллимда ҳолат тақозосига қараб янги жумлани айтишга йўл очади. Бундай ифода шакллари араб тилида турли таъкид воситалари ёрдамида амалга оширилади. Ўзбек тилида эса

таъкидлар кўпроқ жумладаги сўзлар ўрнини алмаштириш орқали юзага чиқади. Шунинг учун ғазалдаги, умуман, шеърдаги кўтаринкилик, қуймалик, бу таъкидлар мавжудлигини, нутқнинг бировга қаратилганлигини сездирмайди. Ер-кўк асосининг аслида бебунёдлиги ғазал воқелигидаги бировда тушунмаслик пайдо этганини билган мутакаллим "Ул кесакни сувда кўр, бул сафҳани барбод бил", деб таъкидловчи иккинчи хабарни айтади. Ер – замин мисоли бир сувга тушган кесакдек, кўк – осмон худди барбод бўлувчи, йўқлик сари кетувчи, йиртилиб-титилиб кетадиган бир саҳифа каби. Фано мақомида турган мутакаллимнинг бундай кутилмаган хабари ғазал воқелигидаги бировда яна муносабат пайдо этади. Бу муносабат энди тушунмаслик мақомида эмас, балки муқтазои ҳолга қараб ўзгачароқ кечиши мумкин. Байт ўз-ўзича мукаммал, ундан ҳеч нарсани олиб ҳам қўшиб ҳам бўлмайди. Фикр ҳам гўё тугагандек, лекин шарҳу ҳол энди бошланди. Биринчи байт, аксар ҳолларда Навоий ғазалларида тезис шаклида келади. Кейинги байтлар бу тезисни бирма-бир ечиб боради. Қуруқ, жонсиз монологик нутқда бу тезис жавоблари ҳам бизнинг ҳисларимизга таъсир этмайдиган жонсиз бўлиб қолади. Ғазал воқелигида рўй бераётган жонли мулоқот эса тингловчига таъсир этади ва ғазалнинг яшовчанлигини таъминлайди. Жонли мулоқот, жонли сўзгина яшовчан. Жонли сўз, қалб мушоҳадасидан ўтказилиб, кейин воқеликка айланади. Сўз қалбдан – кўнгилдан чиқмаётган экан, жонсиз, маънисиз товушлар силсиласига тушиб йўқлик сари ғойиб бўлади. Шунинг учун ҳам кейинги:

Жисм уйи чунким эрур фоний, тафовут йўқ ани
Гар фано селобидин вайрону гар обод бил.

Байтидаги "чунким" ғазал воқелигидаги бировнинг мулоқотга киришиб билдирган муносабатига таъкид ўлароқ мисрадан ўрин эгаллайди. Аслида, бу ғазалдаги "бил" радифининг ўзи ғазал воқелигидаги мутакаллим ва мухотаб ўртасида мулоқот кечаётганини билдириб туради. Баъзи ғазалларда ибтидоий хабар, ибтидоий хабар бўлмай, аввал ўтган бир муносабатга жавоб тарзида бошланади. Масалан:

Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос,
Яна не суд керак ўзлугунгдин этса халос.

Бу ўриндаги "Дема" сўзи, аввал дегувчи борлигини билдиради. Демак, ғазал воқелигида лирик қаҳрамон билан биров ўртасида суҳбат кечмоқда. Ғазал воқелигидаги бировнинг сўзидан соя бўлиб, "Дема" сўзи матнда бўй кўрсатмоқда. Бу ўринда "Дема" сўзи бировнинг сўзини айтишга ҳам имкон бермоқда. Ғазал воқелигида мавжуд ҳисобланган бировнинг жумласи савол тарзида эканлиги ҳам ушбу мисрада ўз аксини топган. Савол-жавоб эса мулоқот кечаётганига ёрқин далилдир.

Биз кузатаётган ғазалда ҳам мулоқотнинг шундай очиқ шакли байтлараро ўз аксини топган. "Эй кўнгил, ер-кўк асосин асру бебунёд бил, Ул кесакни сувда кўр, бу сафҳани барбод бил", деб бошланувчи ғазал матлаъининг ўзи ҳам муқаддам савол берувчи биров мавжудлигини тасдиқлайди. Мухбир ғазал воқелигида муқаддам ўтаётган хабардан нафақат хабардор, балки унга қўшимча равишда мухотаб учун янги хабарни айтмоқда. Ер-кўк асосини аслида бебунёдлигини билдириш билан кифояланмасдан, ерни кесакка, кўкни саҳифага қиёсламоқда. Яна "бил" буйруқ феъли билан ғазал воқелигида мавжуд ҳисобланган

бировга таъкидлаб қўймоқда. Бунда муқтазои ҳол муқтазои зоҳирга чиқарилган. Муқтазои ҳол муқтазои зоҳирни ўз ичига олади, лекин муқтазои зоҳир муқтазои ҳолни қамраб ололмайди. Бошқача айтганда, ҳар қандай зоҳир тақозосида ҳол тақозоси мавжуд, балки зоҳир тақозоси ҳол тақозосининг ичида юз беради, бироқ ҳар қандай ҳол тақозоси зоҳирни тақозо этмайди. Шунинг учун, аксар ғазалларда муқтазои ҳолнинг муқтазои зоҳирга чиқарилмаганлиги ғазал воқелигида кечувчи ички мулоқотни кўришни қийинлаштиради. Ҳолат тақозоси эса каломни ҳиссиз, жонсиз, ўликлар дунёсига эмас, аксинча жонли мулоқотга киришувчи, қалби уйғоқ, тирик инсонларга қаратилмоғини шарт қилади. Ана шундан муқтазои ҳолда таъкидлар, инкорлар пайдо бўлади. Иккинчи байтда эса, биринчи байтда ташланган тезис шаклидаги фикр давом эттирилади. Айни пайтда, биринчи байтга қайтиш эҳтиёжини пайдо қилади. Ер-кўк асосининг аслида бебунёдлиги, яъни фалакда сузиб юриши ва уларнинг лаҳзада йўқликка юз тутиши мумкинлиги таҳайюлни коинотдан инсон сари етаклайди. Фано селобидан гоҳ вайрон, гоҳ обод бўлган жисм уйи ҳам “асру бебунёд” ер-кўк каби ўткинчи. Улар ўртасида, катта замонда олиб қараганда фарқ йўқ. Ўз-ўзидан, ғазал воқелигидаги бировда, айни пайтда, ўқувчида ҳам савол туғилади. Мутакаллим учун ана шу саволнинг туғилиши муҳим. Бу саволнинг муқтазои ҳолини, фақат шоиргина кўра олади ва ғазал воқелигидан бизга, яна кутилмаган янги хабарни беради:

Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсен нафъ эмас
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

Аввалги икки байтда етказилган хабар мухотабда қатор саволлар туғдиради ва бу саволлар қайсидир даражада мутакаллимда инкор этиш даражасига ўтиб боради. Аслида мухбир ўз хабари билан мухотабга бир фойда–нафъ етказиши керак. Бу ўринда хабардан қандай нафъ борлигини сўрашни ҳолат тақозо этади. “то чиқмағайсен нафъ эмас” деган сўз, ана ўша саволнинг мавжудлигига далолат. Осмоний тўрт дафтар–Забур, Таврот, Инжил, Қуръон. Тўрт унсур ва тўрт дафтар бир-бирига муқояса қилинади. Тўрт унсур–ҳаво, сув, тупроқ, олов. Инсон жисми мана шу тўрт унсурдан вужудга келган. Руҳ эса азалий маконида, ал-мисоқда Роббисининг “Аласту би Роббикум!?”–Мен сизларнинг Роббингиз эмасманми!?-деган нидосига, “Ҳа, Роббимизсан!” – дея жавоб берган. Сўнгра жисмга киритилган. Навоийда “Аласт жомин ичиб маст”, деган жумла келганда, шоир ўша ал-мисоқдаги воқеага, мулоқотга ишора этади. Тасаввуф аҳли руҳий сайру сулукка интилар экан, ана шу заминий тўрт унсур кишанларидан озод бўлиш истагида ёнади. Илоҳий тўрт китобни ёдлаб олган тақдирда ҳам инсон бу тўрт унсур қайдидин (кишанларидан) чиқиб кетмоғи душвор. Бу кишанлардан озодликка эришиш учун илоҳий китобни қуруқ ёдлаб олиш эмас, балки моҳиятига етиш, тушуниш, ҳислар оламида яшаш, илоҳий сирни англаш лозим. Илоҳий китобни ўқимаса, ёдламаса инсон қандай қилиб Ҳақни танийди!? Ҳақнинг сифатларини қаердан билиб олади? Табиийки, бундай савол, юқорида айтганимиздек, ғазал воқелигидаги бировда пайдо бўлади. Бировнинг саволи ниҳоят бу ерда келтирилади. Мана шу саволнинг мавжудлигининг ўзи, бутун ғазал воқелигида мутакаллим сўзларига жавоб берувчи ва савол берувчи биров борлигидан хабар беради.

Эйки дебсен, Ҳақни не таърифу васф ила билай.
Васфдин мустағнию таърифдин озод бил.

Байтни гўзал санъатлигидан чиқариб, мансурлаштирсак бундай кўриниш юзага келади: Ундай бўлса, Ҳақни таърифини ва васфини қаердан билиб оламан? Ахир, ўша тўрт осмоний китоб бизларга Яратганни танитмадими? Сифатларидан хабар бермадими? Нақлий далилларга суянмаса, инсон ўз ақли билан Ҳақни топмоғи душвор. Шундай экан, Ҳақни танитадиган таърифу сифатларсиз қандай қилиб Уни билиш мумкин?

Ғазал воқелигида мавжуд ҳисобланган бировнинг бундай инкор даражасидаги муносабати лирик қаҳрамоннинг юксак мақомдаги инкорий жавобини юзага чиқаради. “Васфдин мустағнию таърифдин озод бил”. Ҳақ–Яратгувчи шундай Зотки, У сифатга муҳтож эмас, сифатдан беҳожат. Ҳар хил таърифлардан озод. Бундай тасаввур, фақат сўфиёна қалбга хос. Сўфийлар сифатлару таърифларсиз Унинг Ўзига етишиш орзусида яшайдилар. Унинг жамолини кўришни бошқа ҳамма нарсадан устун қўядилар. Унинг зикри билан туну кун машғул бўладилар. Ётганда ҳам, турганда ҳам Унинг зикри билан нафас оладилар.

Табиийки, ғазал воқелигидаги бировда яна қатор саволлар туғилади: У ҳолда, Ҳақнинг сифатларини келтирувчи, Ла илаҳа илла Аллоҳ, деб таърифловчи малоиклар, Ҳақ йўлига кирган валийлар нега мудом васфу таъриф ҳақида сўйлайдилар? Нега эртаю кеч зикр билан машғуллар? Зикр ўзи нима?

Тенгри зикриким, малоикка ғизойи руҳ эрур,
Бу ғизони Ҳақ йўлига кирган элга зод бил.

яъни Малоикларнинг руҳий озуқаси, Ҳақ йўлига кирганларнинг зоди роҳиласи–сафар учун зарур саналган озиқ-овқат, анжомлари, энг керакли нарсаси, бу – Тангри зикри.

Кейинги байтнинг ҳарфи шарт маъносидаги сўз билан бошланиши, ғазал воқелигидаги бировда муаян диалогик муносабат пайдо этганига далолат қилиб турибди. Бу мулоқот қандай кечишини ижодкор шуурида ҳис этади ва тасаввурда жонлантиради. Ғазал воқелигидаги биров билан лирик қаҳрамонни баҳсга кириштиради.

Гар ҳабибим қилса изҳори калом, эй пири дайр,
Исийи Марямни ул дам гунги модарзод бил.

Агар Ҳабибим гапирса, эй дайр пири, онадан туғилибоқ сўзлаган Исо ибн Марямни ўша дамда гапирмаган деб бил. “Ҳабибим” сўзини икки хил талқин қилиш мумкин. Биринчисига кўра, Ҳабибимдан мурод Яратгувчи Ҳақ. Оллоҳнинг ўзи гапирганда Исони ҳам туғма соқов деб бил. Иккинчисига келсак, Навоий асарларида “Ҳабибим” сўзини кўпинча Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан қўллайди. У ҳолда байтнинг мазмуни қуйидагича дейиш мумкин: Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умар розияллоҳу анҳу қўлида Тавротни кўриб қолганларида ғазабдан юзлари қизариб: “Оллоҳга қасамки, агар Мусо тирик бўлганида менга итоат қилишга буюрилган бўларди”,-дедилар. Яъни Пайғамбар алайҳиссалом олиб келган шариат ўзидан олдинги шариатларни бекор қилди. Муҳаммад алайҳиссалом гапирганларидан кейин, ҳукм айтганларидан сўнг ўтган пайғамбарларнинг сўзлари, шариатлари энди ўтмайди. Бундан ташқари, мўминнинг муҳаббати Оллоҳга ва Муҳаммад алайҳиссаломга хосланадики, бу муҳаббатсиз мўминниг иймони комиллика етмайди. Комил иймон эса, ана шундай ишқ ва ошиқликни тақозо этади. Демак, байтда Ҳабиб ҳақида сўз кетган экан, ғазал воқелигида ишқ ва ошиқлик тўғрисида биров билан мулоқот кечади.

Бу мулоқотнинг, қўйилган саволнинг жавоби ўлароқ кейинги байт дунёга келади.

Мантиқи ишқ ичра ошиқни тасаввур айла навъ,
Фард бўлғонларни бу йўлда анга афрод бил.

Ишқ мантиқи мантиқсизликка бино қилинади. У ҳар қандай мантиқни тан олмайди. Унинг ўз мантиқи мавжуд. Ошиқ бу мантиқсиз савдойиликлар ичра мантиқ топиб яшайди. Шайх Санъон ва муридлари ўртасида кечган мулоқотни эслаш бу жойда ўринли. Ҳар бири Жунайиду Боязиддай фард бўлган тўрт юз мурид ишқ йўлида Шайхни тушуна олмай афродга айландилар. Навоийнинг лирик қаҳрамони, аксар ҳолларда, ғазалларда қайсидир тасаввуф шайхларини эсга солади. Навоий пиру муршидлар маноқибларини бадиий асарларида синтезлаштириб юборади. Мулоқот ишққа келиб тақалган экан, лирик қаҳрамоннинг етуклиги, хабардорлиги ғазал воқелигидаги бировга яна-да таъкидлашни тақозо этади. Ана шундан “тасаввур айла навъ”, “анга афрод бил” сўзлари тушунмаслик ҳолига тушган бировга нисбатан ўта таъкидлаш даражасида айтилади. Байтдаги ҳолат тақозоси, кейинги байтда ҳам таъкид ва шарҳни талаб қилади. Ғазал воқелигидаги биров талабига мувофиқ кейинги хабар юзага чиқади.

Эл оёғига тушардин бошқа чиқмоқ расмини
Май куҳанпиридин ушбу дайр аро иршод бил.

Бу ўринда “бил” сўзининг араб тили қоидасига кўра, амр, яъни буйруқ феъли эканлигини, “Балоғат илми”да эса, иншо, деб аталишини айтиб ўтиш лозим. Иншо хабар эмас, балки буйруқ. Лекин Навоий буйруқ феълини хабар таркибига усталик билан сингдириб юборади. Натижада, кутилмаган хабарлар силсиласини бизларга тақдим этади. Бу жонли сўз, жонли диалогда бўй кўрсатган мулоқотнинг шакли ғазал воқелигида савол қўйиш ва ғазал матнида жавоб бериш билан изоҳланади. Лирик қаҳрамон билан ижодкор ўртасида кўринмас иплар, боғлиқликлар мавжудки, уларни ажратиб олиш жуда қийин. Лекин “Насойим ул-муҳаббат” асари билан яқиндан танишиш бизларга шоир ижодхонасига киришга ҳаминқадар имкон беради. Ғазал воқелигидаги лирик қаҳрамон ва биров мулоқотларини тушинишимизга йўл очади. Юқоридаги байтга шарҳ ўлароқ, биров талабига таъкид мақомида келган кейинги байт Навоийнинг шариат ҳаром қилган майга муносабатини яна бир бор кўрсатади. Навоий учун реал май ҳеч қачон мақсад эмас, балки мақсад учун восита. Айни пайтда, сулук аҳлининг сирни сақлаш йўлидаги ҳаракати, деб эътибор қилиниши тўғрироқ бўлади. Мавжуд воқеликдаги ҳодисани қандай бўлса, шундайлигича тасвирлаб қўя қолиш Навоий каби улкан ижодкорлар учун ҳеч қачон биринчи планда турмаган. Бу байт тасвиридаги қадимдан май тайёрланиш жараёни ва эл оёғига тушиб, тепаланиб, кейин бошга уриб, мастлик ҳолатини вужудга келтирувчи кўриниш, май ичишга иршод эмас. Иршод, ўзни хор тутиб, паст олиб зикр майини сипқоришгадир. Юксалиш ҳамиша қуйидан бошланишига иршоддир. Табиийки, бундай мушоҳада, бундай мулоқот ғазал воқелигидаги бировда савол туғдирмаслиги мумкин эмас.

Эй сулук аҳли, қачон мақсуд топқумдур десанг,
Мосив Аллоҳни фано кўрган кунинг мийъод бил.

"Эйки дебсен", "Эй пири дайр" ва ниҳоят "Эй сулук аҳли". Ғазал тасвиридаги бу нидолар ғазал воқелиги нақадар кенг миқёсларни қамраб олишига яна бир далил. "Иршод" сўзи сулук аҳлида мақсад ҳақидаги саволни пайдо этади. Бундай саволни қўя билиш ва саволга жавоб, башарни ожиз қолдиради. "Тенгри зикри" билан тунларни тонгларга уловчилар - тунлари қойимлар, кунлари сойимлар зикр ва риёзатдан ҳориб, бир лаҳза тинганларида "Қачон?" деган саволга жавоб излайдилар. Бу ҳолни бошидан кечирган, фано мақомига етган пешқадамларгина "МосивАллоҳни фано кўрган кунинг мийъод бил", дея жавоб бера олади. Яъни Оллоҳдан бошқа нарсалар йўқлигини кўрган кунинг ўша мақсадга, ваъда қилинган кунга етиш, деб бил. Сулук аҳли Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигини таъкидлаб, зикрда давом этар экан, дунёвий нарсаларнинг ҳар бири: хотиралар, ўйлар, кечинмалар, танишлар, муҳаббат можаролари, амал, бойлик ва ҳоказолар, буларнинг ҳар бири илоҳлик даъво қила бошлайди. Шавқ ва ҳол кучлилигидан мурид буларнинг ҳаммасини йўқлик сари суриб ташлайди. Маълум муддат ўтгач, бу нарсалар ҳам мурид қалбида Оллоҳ зикрини тиловат қила бошлайди. Лекин бу дегани, барча нарсалар ягона вужуд, ваҳдат ул - вужуд, дегани эмас, сўфийда кечувчи бир ҳолат, деб эътибор қилиниши керак. Сўфийнинг ҳолида юз берувчи бу ҳолат ҳақида гапиришдан тасаввуф аҳли жуда эҳтиёт бўлган. Тариқат муршидлари эса бу ҳол ўткинчи эканлигини кўп таъкидлаганлар. Шунинг учун Навоий ғазалларидан бирида ёзади: "Сирри ваҳдат чун фано дайрида сиғмас лафз аро, Невчун, оё, хонақаҳ ичра туганмас айтилиб?"

Ҳаёт билан ҳамнафас тариқат йўлларида инсонлар яшаганлар. Жонли ҳаёт кўчаларида эса ҳамиша савол ҳам, жавоб ҳам топилган. "МосивАллоҳ" тушунчаси ғазал воқелигидаги бировда "тавҳид" ва "сирр", деган саволларни пайдо этади ва ўша бировнинг муносабати ўлароқ, ўша муносабатдан соя бўлиб байтга кириб келади:

Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръидин неким тажовуз айлади, илҳод бил.

Байтдаги иккинчи мисра ғазал воқелигидаги бировнинг саволига жавоб тариқасида вужудга келади. Шариатсиз осмонда учганлар, сув юзида юрганлар, билки шайтондир, деган сўфийлар шиори бу байтда ўз ифодасини топган. "Тавҳид сирри"ни ифодалашга инсон лафзи ожиз. Шунинг учун ҳам Навоий ўзга бир ғазалида: "Нуктаи тавҳидни билган қила олмас баён, Ким баён қилдим деса, билгинки, қилмайдур билиб", дейди. Тавҳид сирини билишга интилиш эмас, балки таҳидга эътиқод қилиш, тавҳидга иймон келтириш, тавҳидда яшаш керак. Ғазал воқелигидаги бировга таъкид ўлароқ айтилган иккинчи мисра, лирик қаҳрамони билан ҳамфикр шоирнинг тавҳид ҳақидаги тушунчасини ифодалайди. Шариатдан чиқмасдан, тариқатда яшаш, шариат ва тариқатни бир биридан айро кўрмаслик, айнан Навоий мансуб бўлган нақшбандийлик тариқатининг йўли, аҳли сунна вал-жамоа эътиқоди, ҳанафийлик мазҳабидир.

Ниҳоят ғазалдаги сўнги байт, ғазал воқелигидаги бировга ўта таъкид даражасида, шоир, лирик қаҳрамон ва ғазал воқелигидаги бировнинг муқтазои ҳолини, айни пайтда иъжоз мақомидаги ҳолат тақозосини зоҳирга чиқариш билан якунланади.

Дўст васлин топмағон дунёу уқбодин кечиб,
Ушбу дардингга Навоий ҳолин истишҳод бил.

Бу байтнинг бошида “Эй”, деган нидо ҳарфи тушиб қолган ва бу тушириш муаян тил ва шеър қоидаларига асосан амалга оширилган. Демак, байтнинг мазмуни қуйидагича: эй дунёу уқбодан кечиб, дўст васлини топмаган, ўзингнинг бу дардинга Навоий ҳолини ҳам гувоҳ, деб бил. Навоий ҳам сенга ўхшаб, дунё ва уқбодан кечгану, лекин ҳали дўст васлини топгани йўқ. Насрий баён шеърнинг жонини суғуриб олади. Унинг миқёсларини, мақом ва даражаларини соддалаштириб, хатто, айтиш мумкинки, йўққа чиқаради. Шунинг учун ҳам шеър мазмунини қайта ҳикоя қилиб берувчи шарҳлар порлаб турган гўзалликка соя ташлайди холос. Биринчи байтда, яъни ғазал матлаъида ташланган тезис шаклидаги тасвир мақтаъгача бирма-бир байтлараро қамровини кенгайтириб борар экан, мақтаъда ҳам тугалланмасдан очиқ ҳолда қолади. Яъни ғазал воқелигида мулоқот тўхтаб қолмайди. Ўн бир байтда ниҳоясига етган ғазал матни ғазал воқелигида башарни ожиз қолдириб, иъжоз мақомига кўтарилади ва чексизликка қараб йўл олади. Ғазалдаги лирик қаҳрамон, биров ва воқелик, ҳамда бу воқеликнинг қисқа бир лаҳзаси тасаввурдаги макон ва замон тушунчаларидан чиқиб, жуда катта замон ва маконни қамраб олади.

Қисмда бутун, лаҳзада замон акс этади. Материалдан ҳамиша юксакда турувчи Навоий даҳоси башарни ожиз қолдирувчи иъжоз мақомига нафақат бир-икки байтда, балки бутун ғазалда кўтарилади. Бундай иъжоз мақомига кўтарилиш эса ғазал воқелигида кечувчи жонли мулоқотга, жонли сўзга бино қилинади. Иъжоз мақомидаги сўз башарни ожиз қолдириш билан бирга, юксак мақомдаги жонли сўз ҳам ҳисобланади. Жонли сўз эса жонли мулоқотда пайдо бўлади.

ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИДА УСЛУБ

(Алишер Навоий қарашлари асосида)

Ёқубжон ИСҲОҚОВ

Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида шундай байт бор:

Тахайюл аро барча бир навь эмас:
Ҳадисин ики киши бирдек демас.

«Ҳамманинг фикрлаш, хаёл қилиш тарзи бир хил эмас; иккита одамнинг нутқи ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди», деган ҳақиқат баён қилинган мазкур байтнинг замирида чуқур ҳикмат ётади. Йўл-йўлакай баён қилинган бундай фалсафий хулосага инсон шахси ва характерини чуқур мушоҳада ва мулоҳаза қилиш натижасидагина келиш мумкин. Бундай кузатиш услубшунос учун, айниқса, зарур. Зотан, Навоийнинг ўз салафлари ва замондошлари услубига доир кўплаб қимматли мулоҳаза ва қайдларининг юзага келиши ҳам бежиз эмас эди.

Навоий оғзаки ва ёзма нутқда фикрни ёрқин ифодалашни талаб этади. Чунки:

Киши нуктани қилса мужмал аён,
Яқинким, анинг шарҳи топмас баён.

Навоийнинг услубшунос сифатидаги қарашлари «Мажолис ун-нафоис»да ҳар тарафлама ёрқин намоён бўлган, дейиш мумкин. Чунки бу асарда у ҳар бир шоир ижоди учун энг характерли бўлган жиҳатни кўрсатишга интилар экан, улар услубига хос ижобий ва ноқис жиҳатларни объектив баҳолашга ҳаракат қилади. Масалан, ўн биринчи мажлиснинг ўзидаги айрим деталларни эсга олайлик.

1. «Мавлоно Абдусамад Бадахший... Бир байтда тажни хаёл қилиб, қофиясин ғалат қилиб эрди, фақир ани воқиф қилғач, филҳол мутанаббиҳ бўлди ва изҳори миннатдорлиғ ҳам қилди...»

2. «Мавлоно Аёзий... Ҳар байт бунёд қилса, сўз услубидин, қофиядин айта берур эрди». «Мавлоно Риёзий... Икки мисра орасида рабт жиҳатидин бир «ки» лафзи керак. Фақир анга дедимки, бу навъ яхшироқ бўлғай...».

Шеър тузилишидаги хар бир детални чуқур идрок этиш, услуб қонунияти асосида мутлақо эшитмаган бегона шеърнинг давомини айтиб бериш учун фақат юксак поэтик маданият ва услубшуноснинг нозик дидигина етарли бўлмаса керак.

Навоийнинг услубшунос сифатидаги чуқур ва нозик кузатишлари «Мажолис ун-нафоис»нинг Ҳусайний ижодига бағишланган 8-мажлисида кўзга янада ёрқин ташланади.

Навоий Ҳусайнийнинг девонидаги ғазалиёт поэтикасини батафсил таҳлил қилади. Ундаги ҳар бир унсурни анъана орқали баҳолаб, новаторлик жиҳатларини аниқ кўрсатади.

Навоийнинг таъкидлашича, Ҳусайний девонида олдинги туркий шоирлар девонларида учрамайдиган еттита ҳарф («се», «ҳе», «хе», «зол», «сод», «то», «зо»)га ҳам ғазаллар берилган. Шунингдек, Навоий Ҳусайний ғазалиётидаги оригинал қофия, радиф ва ўхшатишларни ҳам бирма-бир кўрсатиб ўтган («қофия ва радифи ул ҳазратнинг бу фанда мужтаҳид та-

бъининг ихтироидур»). Бирор шеърдаги у ёки бу деталнинг ихтиро эканлиги ҳақида қатъий фикр айтиш учун кўп асрлик адабиёт тарихининг чуқур билимдони ҳам бўлмоқ керак. Навоийнинг услуб ҳақидаги мулоҳазаларини синчиклаб ўрганиш форсий ва туркий поэзия тарихидаги услубий йўналишларни аниқлаш ва тасниф этишга ёрдам беради.

Навоий ўрта асрлардаги форсий ва туркий адабиётнинг дастлабки жиддий тадқиқотчиси сифатида, улардаги асосий услубларни ҳам биринчи бўлиб кўриб, ўз мулоҳазаларини турли шаклларда билдирган.

Форсий шеъриятдаги асосий услублар (хуросоний-туркистоний, ироқий ва ҳиндий) Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари асарларида кенг таҳлил қилинган. Лекин туркий шеърият, аниқроғи, мумтоз ўзбек шеъриятининг услубий хусусиятлари (агар Навоий қайдларини мустасно этсак) кадимда ҳам, янги даврда ҳам мутлақо муҳокама объекти бўлган эмас. Ваҳоланки, бу масаланинг тўғри ёритилиши мумтоз шеъриятимиз тараққиётининг асосий тенденциялари ва босқичларини тўгри белгилаш, ҳар бир адабий жараённинг ўзига хос жиҳатларини, шу жараён намояндаларининг новаторлигини объектив баҳолашга имкон беради.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, Навоий асарларида услуб сўзи кўпинча жанр маъносида (ғазал услуби, қасида услуби) ишлатилади. Лекин шундай ўринларда ҳам ҳар бир жанрнинг ўзига хос махсус (каноник) услубга эга эканлиги назарда тутилган.

Шеъриятдаги муайян услубий йўналиш ҳақида гап борганда, Навоий «туркона» атамасини қўллайди. Шоирнинг нозик қайдлари, гарчи йўл-йўлакай баён қилинган бўлса ҳам, туркий шеърият услубига доир биринчи жиддий тажриба ҳисобланади.

Ана шу асосда ўрта асрлар ўзбек шеъриятидаги асосий услубларни шундай тасниф этиш мумкин.

1. Туркона услуб. Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг бир қанча ўрнида туркона таъриф-истилоҳни ишлатади. Масалан, Латифий ҳақида сўз борганда:

«Гоҳ оқар, гоҳ томар лабинг шакари,
Бизга тегмасму ҳеч оқар-томари.

Агарчи турконароқдур, аммо қойилнинг хуш табълиғи маълум бўлур».

Абобакр Мирзонинг «ёлина» тажнис-қофия бўлиб келган туюғи ҳақида шундай ёзади: «Агарчи баъзи алфози турконароқдур, аммо тажнисни яхши топибдур». Султон Искандар Шерозийнинг тажнис қофияли туюғини ҳам «бурунки туюқдин бу турконароқдур», деб изоҳлайди. Мавлоно Атойининг қуйидаги байти ҳақида сўз борганда туркона атамасининг бир томони муайянлашиб, бу мазкур атаманинг моҳиятини тушуниб етишда муҳим аҳамиятга молик:

«Ул санамким, сув қироғинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур.

Қофиясида айбгинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди. Қофия эҳтиётига муқайяд эмас эди». Мазкур байтнинг қофияси оҳанг жиҳатидин мувофиқ бўлса-да, мумтоз араб-форс қофия назарияси нуқтаи назаридан талабга жавоб бермайди. Яъни бўлур (равий – «л») ва ўлтурур (равий – «р») сўзларида қофиянинг асоси бўлмиш равий мос келмайди.

Маълумки, оғзаки адабиётда қофиянинг оҳангдошлиги (аллитерацион тизим) муҳим ўрин тутади. Атойининг мумтоз қофия назариясига боғланиб қолмаслиги унинг туркона ёзишидан далолат қилар экан, демак, қофияга хос бундай ҳолатни «туркона услуб»нинг асосий хусусиятларидан бири деб ҳисоблаш мумкин (таъкид бизники – Ё. И.).

Навоий келтирган шеърий намуналар поэтикасини кузатиш асосида туркона услубни шундай характерлаш мумкин: фикр ва кечинмаларни мураккаб ташбиҳу истиораларсиз, содда ва оддий баён қилиш (автология) туркона услубнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Шунингдек, поэтик синтаксиснинг оддийлиги, енгил вазнларнинг (кўпроқ миллий заминга эга рамал ва ҳазаж баҳри) қўлланиши, қофия масаласида фольклорга яқинлик (яъни аллитерацион-интонацион қоиданинг сақланганлиги), жанр ҳукмронлиги (кўпроқ туюк), поэтикаси (ғазалнинг ҳажми, композицияси, тематикаси) борасида ҳам туркона услуб ўзига хосликка эга. Лекин бундай шеърлар учун хилма-хил поэтик шакллар муҳим бўлмаса-да, тажнис санъати учун алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, Навоий шу услубга мансуб шеърлар ҳақида сўз юритганда улардаги тажнисни алоҳида таъкидлаб («тажнисини яхши топибдур») ўтганлиги бежиз эмас.

Бу ҳодиса ҳам аслида миллий замин билан алоқадор. Чунки туркий тилда тажнис ва идом форсийга нисбатан кўпроқ эканлигини Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида махсус эслатиб ўтган.

Навоий маълумотларига қараганда, унинг замонида ҳам туркона услубнинг намояндалари ижод қилган. Лекин бир далил бу услуб Навоийдан кейинги асрларда ҳам давом этганлигидан далолат қилади. Жумладан, Навоийнинг тазкирачилик соҳасидаги давомчилари - салафларидан бўлмиш Содиқбек Содиқий (Содиқ Китобдор) «Мажмаъ ул-ҳавос» номли тазкирасида Мавали Туркман ҳақида: «шеъри (яъни шеърни) туркона айтур эрди», деб ёзади. 2. Мумтоз (классик) услуб. Бу услубнинг асосий хусусиятлари: ғазал ва қасиданинг етакчи мавқе эгаллаши; ғазал мавзуининг бойиши, поэтикасининг такомиллашуви (баён-тасвир йўлларининг кенгайиши, шеърий санъатларнинг мўллиги, поэтик образлар доирасининг кенгайиши, поэтик синтаксиснинг сайқал топиши ва ҳ.).

Тематикага фалсафий-тасаввуфий руҳнинг, ижтимоий, ахлоқий фикрларнинг кириб келиши ғазалнинг услубида ҳам ўзгаришлар ясади: метафорик баён услуби (мажоз билан сўзлаш) етакчи ўрин тута бошлади.

Бу услубнинг шаклланиш жараёни ва етакчи намояндалари масаласида ҳам Навоийнинг қайдлари муҳим рол ўйнайди. Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»да туркий тилдаги шеъриятнинг ривожини ҳукмдорлик туркий хонлар қўлига - Ҳулогухон (ваф. 1283) давридан Шоҳрух ҳукмдорлигининг охиригача (1447) ўтганлиги билан изоҳлайди. Бу даврда «турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар... Шуаро: Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атойи ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадойидеклар. Ва форсий мазкур (Хоқоний, Анварий, Камол Исмоил, Заҳир, Салмон, Фирдавсий, Низомий, Мир Хусрав, Саъдий, Ҳофиз) бўлғон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ аҳли қошида ўқуса бўлур».

Мазкур шоирлар қаторига Навоийга номаълум бўлган Ҳофиз Хоразмийни ҳам илова қилиш мумкин (Шерозда яшаб ижод этган). Ана шу ижодкорларни ўзбек поэзиясидаги мумтоз услубнинг намояндалари дейиш мумкин. Лекин Атойи поэтикасидаги туркона услубнинг излари анча аниқ сақланган. Лутфий шеърияти ўз моҳияти ва поэтикаси билан уларнинг барчасидан юқори туради ва форс адабиёти намуналари билан баҳслаша олади.

Хуллас, мумтоз услубнинг шаклланиши анча олдин – Рабғузий ва Хоразмий даврларидан бошланган бўлиб, Лутфий ижодиётида ўз такомилининг олий нуқтасига етди. Бобур шеъриятини эса мумтоз услубнинг янги босқичи сифатида баҳолаш мумкин.

Шуни эслатиш лозимки, мумтоз услуб намояндаларининг аксарияти зуллисонайн шоирлар бўлиб, форсийда ҳам эркин ижод қила олган. Улар ижодида (образлар тизими, санъатлар) форсий анъаналарнинг изи қай даражада бўлмасин, барибир, тафаккур тарзи ўзгармаган. Шунинг учун ҳам бу услубни соддача улуғворлик деб таърифлаш мумкин.

3. Олий ёки навоиёна услуб. Навоий шеърияти маданиятимиз тарихида фавқулодда ва айни замонда қонуний ҳодиса. Чунки бу шеърият қарийб беш асрлик тажрибага эга бўлган форсий ва туркий адабиётнинг қонуний давоми сифатида юзага келди. Бинобарин, бу шеърият услубининг моҳиятини аниқ баҳолаш учун унинг шаклланишида замин бўлган объектив ва субъектив омилларни тўғри белгилаш лозим.

Мухтасар айтадиган бўлсак, Навоий услуби – беш аср давомида тўпланган бой адабий тажрибалар заминида тарбияланган улуғ ижодкор кашфиётларининг бевосита ифодасидир. Навоий услуби барча услублар учун хос бўлган энг характерли жиҳатларнинг синтезидан иборат мутлақо янги ҳодиса. Шу жиҳатдан бу услубда анъана ва янгиланишнинг ўзаро муносабати ниҳоятда ёрқин намоён бўлган. Зотан, турлича бадиий услублар соҳасида анъана ва янгилик диалектикаси жуда ёрқин кўзга ташланади. Ҳақиқий буюк ёзувчининг услубидаги янгиланиш у мансуб бўлган миллий адабиётга хос анъанага суянмай воқе бўла олмайди. Бироқ адабий ҳодисаларнинг ички тузилишини, табиатини, уларнинг ижтимоий илдизларини, вужудга келишини англамаслик мумкин эмас.

Бу масалада ҳам Навоийнинг ўз қайдлари, эътирофлари тадқиқотчи учун асосий йўлланма ҳисобланади. Навоий бир қитъасида ўзининг ғазал борасидаги устозларини эслаб, улар анъаналарининг қайси жиҳатлари ўзи учун ибрат бўлганлигига ҳам ишора қилади. Махсус ёзилган бу қитъанинг моҳиятини кенгроқ изоҳлаш Навоий услубининг илдизларини тўғри белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Чунки ижодкорнинг ўз эътирофлари ҳақиқатни тўлиқ акс эттирмаса-да, лекин унинг муайян қирралари ва асосларини англаб етишга ёрдам беради. Мана ўша қитъа:

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ,
Ким андин яхши йўқ назм эҳтимоли:
Бири – мўъжиз баёнлиқ соҳири Ҳинд;
Ки ишқ ахлини ўртар сўзу ҳоли.
Бири – оташнафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.
Бири – қудсий асарлик орифи Жом,
Ки жоми жамдурур сингон сафоли.
Навоий назмига боқсанг, эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.
Ҳамона кўзгудурким, акс солмиш
Анга уч шўхи маҳвашнинг жамоли.

Демак, Навоий назми (бу ерда ғазалиёт назарда тутилмоқда) шундай бир кўзгуки, унда учта гўзалнинг латофати жамулжам бўлган ҳолда намоён бўлади. Навоийнинг ҳар бир бай-

тида мазкур учта устознинг ҳолати, нафаси уфуриб туради. Аниқроқ қилиб айтганда, Навоий шеъриятида уч буюк шеърият даҳосининг асосий фазилатлари синтезлашган.

Алишер Навоийнинг мазкур уч устозга нисбатан юксак эътиқоди «Маҳбуб ул-кулуб»да янада аниқроқ ифодаланган. Умуман, Навоийнинг услуб ҳақидаги тушунчаси кенг бўлиб, ижодкорнинг фалсафий позицияси ҳамда эстетик принципларини қамраб олади.

Адабий ворислик ҳодисаси мураккаб бўлиб, унинг амалга ошиши турлича кўринишда – онгли муносабат сифатида ёки беихтиёр бўлиши мумкин. Масалан, Навоийнинг форсий девонидаги «татаббуъ», «тавр» деб аталган ғазалларда шоирнинг поэтик анъаналарга муносабати аниқ ифодаланган. Ўзбекча шеърларидан эса битта ўзбекча жавоб ғазали мисолида унинг анъанага нисбатан ижобий муносабати ва индивидуал услуби ҳақида муайян тасаввур пайдо қилишимиз мумкин.

Навоий учун илғор поэтик анъаналар пассив тақлид эмас, балки фаол муносабат объекти ҳисобланган. Анъанавий материал (мавзу, вазн, қофия ва радиф) шоирга янги бадиий кашфиёт учун туртки беради, ўзининг потенциал имкониятларини намойиш қилишга шароит яратади.

Навоийнинг поэтик услуби (анъананинг роли қай даражада бўлмасин), биринчи навбатда, янги тарихий-маданий муҳитнинг, ўзига хос даҳо санъаткор ижодий фаолиятининг маҳсули. Бинобарин, бу услубнинг асосий белгилари муаллиф дунёқараши, унинг ғоявий-эстетик позицияси ва умуман, унинг шахси билан чамбарчас боғлиқ. Зотан, «шоир ижодий фаолиятининг манбаи унинг шахсида ифодаланган руҳидадир. Бинобарин, шоир руҳини ва унинг асарлари характерининг дастлабки изоҳини унинг шахсидан қидирмоқ керак» (В.Г. Белинский).

Навоий услубининг моҳиятини ҳам унинг шахси билан боғлиқ ҳолдагина изоҳлаш мумкин.

Маълумки, академик Павлов инсоний тафаккурни икки турга ажратади. Булар: бадиий ва илмий тафаккур. Шоир, ёзувчи ва санъаткорлар тафаккури, асосан, биринчи турга мансуб. Лекин шундай шахслар ҳам бўладики, улар нафақат ижодкор, айни замонда, забардаст олим ҳам бўлиши мумкин. Бундай шахсларда тафаккурнинг ҳар икки тури омухта бўлиб кетади. Алишер Навоий ҳам ана шундай ноёб шахслар тоифасига мансуб (файласуф, тарихшунос, эстетик, адабиёт тарихчиси ва назариётчиси ва ҳ.к.). Навоий услубининг улуғворлиги ва маълум маънода мураккаблиги боиси ҳам ана шунда. Олий ёки Навоий услубининг асосий хусусияти – ундаги ички қатламнинг ниҳоятда бой ва ранг-баранглигидир.

Унда турли услубий йўналишлар мужассам бўлган (жим-жимадорлик, улуғворлик, безакдорлик, эмоционаллик, мулоҳазакорлик, мазмундорлик, вазминлик ва ҳоказо).

Шунга боғлиқ ҳолда, шоир услубида бутун бошлиқ оҳанглар (риторик, патетик, реалистик) ва ранглар гаммаси ҳаракатда бўлади.

Олий услубнинг юзага келиши қуйидаги омиллар билан бевосита алоқадор: Навоий лирикасининг фалсафий-ижтимоий моҳияти, унинг пафоси билан, шунингдек, Навоий ижодида лирика жанр нуқтаи назаридан мукаммалликка эришди (16 та);

- Жанрнинг ички ривожи, динамикаси энг юксак даражага етди. Ғазал тематик-проблематик жиҳатдан ҳам, поэтика томонидан ҳам?нг олий нуқтага кўтарилди;

- Ғазалнинг моҳиятидаги ўзгаришлар унинг поэтикасида ҳам бир қатор сифатларни юзага келтирди: баён-тасвир йўллари кенгайди, сюжетлилик юзага келди;

- Шеърий вазн доираси кенгайди (12 та баҳр фаол), мумтоз қофия назарияси доирасида янгича стилистик комбинациялар амалга оширилди;

- Бадиий санъатларнинг кўлами ва қўлланиш даражаси, аспекти ниҳоятда кенгайди;

- Лирикада истиоравийлик олий чўққига етди: ташбиҳ энг асосий бадиий тасвир воситаси сифатида ниҳоятда фаоллашди, унинг мавқеи кенгайиб, реалистик лавҳа кўринишидаги ўхшатишларнинг юзлаб намуналари юзага келди;

- Детерминизм ва далиллаш (тамсил) асосий поэтик талаб даражасига кўтарилди. Далиллашнинг ҳинд услуби учун характерли бўлган тамсил (психологик параллелизм) шакли биринчи даражали санъатлар қаторидан жой олди;

- Поэтик синтаксис мураккаблашиб, шеърий инверсия кучайди. Сўзга муносабатда биз олдинги барча услубларга хос (масалан, соддалик, арабча-форсча ибораларнинг мўллиги) хусусиятлар ва айни замонда янгича муносабатнинг гувоҳи бўламиз.

- Поэтик образларнинг доираси янада кенгайиб, уларнинг мазмунан вазифавий табақаланиши ёрқин намоён бўлди.

Умуман, Навоий лирикасининг поэтикасига хос хусусиятлар мураккаб ва салмоқли бадиий услубнинг шаклланганлигидан далолат беради. Бу услуб адабиётимиз тарихида мутлақо янги ҳодиса бўлиб, олим, мутафаккир, бетакрор адиб ва улкан шахс ижодий тафаккури маҳсули бўлмиш бу услубни олий услуб деб аташ ўринли бўлади.

НАВОИЙШУНОСЛИК ТАРИХИДАГИ АҲАМИЯТЛИ ВОҚЕА

Наим КАРИМОВ

Ўзбек халқи жаҳон адабиётининг буюк намояндаларидан бири Алишер Навоийнинг 1941 йил феврал ойида нишонланажак 500 йиллик юбилейига катта тайёргарлик билан келган, ҳатто бу улкан маданий воқеага бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам катта тайёргарлик ишлари амалга оширилган эди. Кутилмаганда Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. Ўзбекистон ҳукумати шундай мушкул ва фожиали даврда Навоий юбилейини ўтказишни лозим топмади ва ўзбек халқи интиқиб кутган юбилей урушдан кейинги осуда йилларга кўчирилди.

Душман шиддат билан мамлакат ичкарисига бостириб кира бошлади. Москва ва Ленинград *(ҳозирги Санкт-Петербург ўша кезлари шундай номланган – Н.К.)* вилоятларининг ғарбий ҳудудлари фронт майдонига айланди. Москва мудофаасига фавқулодда катта кучлар ташлангани учун душман дастлаб Ленинградни забт қилишга аҳд қилди. 1941 йил 19 сентабрда 276 та немис самолётлари стратегик аҳамиятга эга бўлган бу шаҳарнинг ҳаво чегараларини ёриб ўтиб, 6 марта бомба ташлади. Мудофаа ишлари бошланиб кетди.

20 августда немис-фашист қўшинлари Ленинград-Москва темир йўлини кесиб, Чудово шаҳрини эгаллади. 21 августда Ленинград шаҳар партия ташкилоти ва ижроия комитети аҳолига мурожаат этиб, бутун кучи билан шаҳарни мудофаа қилишга даъват этди. 30 августда душман шаҳарни мамлакат билан боғлаб турган сўнгги темир йўлни кесиб ташлади. 4 сентябрдан бошлаб душман артиллерияси муттасил равишда ўлим ўқларини ота бошлади. 8 сентябрда Шлиссенбургнинг забт этилиши билан Ленинградни мамлакат билан боғлаб турган ҳаёт ва нажот йўли узилди. Бу тарихий шаҳарнинг 900 кун давом этган қамали бошланди. Уруш арафасида бутун дунёга машҳур бўлган Эрмитаж директори академик И.А.Орбели олдида турган фавқулодда катта ва муҳим вазифа музейнинг асосий фондини Свердловск шаҳрига олиб бориб жойлаштириш, қолган ва шаҳардаги бошқа музейларнинг экспонатларини Эрмитажнинг ер ости қисмига яшириш, бомбардимондан сақланадиган хоналарни барпо этиш ва шундай оғир шароитда илмий тадқиқот олиб бораётган олимлар учун иш шароитини яратиш эди. Эрмитажнинг ер ости қисмида жон сақлаган олим ва таржимонларнинг бир қисми ўша кезда Навоий асарларининг илмий-танқидий матнини тайёрлаётган ва бадиий таржима ишлари билан машғул эди. Улар очликдан ўлмаслик учун елимдан музлама (холодес) қилиб едилар. Вазелин, глицерин каби дори-дармонлар ҳам озиқ-овқат вазифасини ўтади. Электр чироқлари ўчирилган, сув қувурлари бузилган, энг даҳшатлиси, озиқ-овқат захираси тугаган… Ленинград ва ленинградликлар ҳаётида ўта фожиали давр бошланган эди. Шаҳар транспорти ишдан чиқди, аҳоли шимолнинг аёзли қишидан омон чиқиш учун муз-совуқ хоналарида ўралиб-чирманиб яшади, очлик ва хасталик минглаб кишилар ёстиғини қуритди. Шундай оғир шароитда рус шарқшунослик мактаби бешиги Ленинград шаҳридаги олимлар ва таржимон-шоирлар Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга аҳд қилиб, улуғ шоир ҳаёти ва ижоди билан шуғулланишда мардона давом этдилар.

Ленинград, 1941 йил 12 июнь. Собиқ иттифоқ Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг шу куни бўлиб ўтган Илмий кенгашида Навоий асарларининг илмий-танқи-

дий матнини яратиш масаласи муҳокама қилинди. Йиғилиш Навоий асарлари матнини араб ёзувида нашрга тайёрлаш зарур, деган қарорга келди. Проф. А.А.Рамаскевич Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, А.Н.Кононов “Маҳбуб ул-қулуб”, Х.Г.Рафиқов “Мезон ул-авзон” асарларини нашрга тайёрлаш ишлари қандай бораётгани ҳақида ахборот бердилар. Йиғилишда иштирок эта олмаган Е.Э.Бертельс эса ўша кунларда “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг илмий-танқидий матнини тугатиш арафасида эди. Бу олимлардан ташқари, ленинградлик шарқшунос-таржимонлар ҳам Навоий асарларини рус тилига таржима қилишга катта иштиёқ билан киришган эдилар. Улар нонсиз, озиқ-овқатсиз қолганларига қарамай, ҳарбий қисм ва касалхоналарда, корхоналарда кўплаб ижодий кечаларни ўтказдилар, радио орқали аҳолининг тушкун руҳини кўтаришга ёрдам берувчи сўзларни айтдилар, шеърлар ўқидилар. Таниқли шоир ва таржимон В.Рождественский форс-тожик адабиётининг айрим намояндалари ижоди билан бир оз таниш бўлган. Лекин Навоий ижоди унинг учун ҳали сир тўла олам эди. У ленинградлик олимларнинг улуғ ўзбек шоири ижоди билан шуғулланаётганларидан хабар топиб, шу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлади. В.Рождественский Навоий ижоди билан танишгани сайин унинг жаҳон адабиётининг даҳо сиймоларидан бири эканини кашф эта боради. У дастлаб Навоий ижоди ҳақида мақола ёзмоқчи бўлади. Аммо дўсти Николай Лебедевнинг шоир ижодидан қилган таржималарини ўқиб, ўзи ҳам Навоий асарларидаги бадиий латофатни рус китобхонларига етказиш ишига киришади. Шу тарзда у шахсий ташаббуси билан ленинградлик олим ва таржимонлар сафига келиб қўшилади. Аммо кўп ўтмай, Рождественский ҳарбий хизматга чақирилиб, таржимонлик қаламини милтиққа алмаштиришга мажбур бўлади.

Ленинград, 1941 йил 10 декабр. Эрта тонг. Ботқоқли ўрмондаги хандақ. Сиёсий бўлим вакили хандақка келиб, ҳордиқ олиб ётган жангчи-шоирга мурожаат этади:

- Ўртоқ капитан, сизни сиёсий бўлимга чақиришяпти! Зудлик билан етиб боришингиз лозим!

Рождественский бир зумда кийиниб, батальоннинг сиёсий бўлимига етиб боради. Комиссар шу заҳоти унинг қўлига бир парча қоғозни бериб:

- Қаерга боришингни биласанми? Ленинградга! – дейди ҳавас билан. Капитан ҳайрон бўлиб, қоғозга қарайди. Қоғозда “Таклифнома. Алишер Навоий (1441-1941)” сўзлари ёзилган эди. Жангчи-шоир қоғознинг иккинчи бетини очиб ўқийди: “Давлат Эрмитажи Сизни улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий туғилган куннинг 500 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишга таклиф этади. Тантанали йиғилиш шу йил 10-декабр соат 14 да бошланади. Набережная кўчаси, 34-уй. Кичик йўлакдан кирилади”. Вс.Рождественский ўша куниёқ Ленинградга етиб келиб, юбилей кечасига тайёрлана бошлайди.

Ленинград, 1941 йил 11 декабрь. У Эрмитажга борганда, музейнинг деразалари Невага қараган кичик залида қирққа яқин киши тўпланган эди. Улар қандай иссиқ кийимлари бўлса, шу кийимларига бурканган ҳолда ўтирардилар. Жангчи-шоир эътиборини тортган нарса яна шу бўлдики, залда таниш олим ва шоирлардан, шунингдек, Эрмитажнинг Шарқ бўлими ходимларидан ташқари, нотаниш кишилар ҳам ўтирарди. Маълум бўлишича, улар Навоийга бағишланган тантанали анжумандан хабар топиб, совуқ ва очликка, ўқ-бомбалар ёмғирига қарамай, узоқ-яқиндан қийналиб бўлса-да келишган экан. Кечани уруш сабабли чарчагани, асаб хасталигига дучор бўлгани ва эрта қариб қолганига қарамай, академик И.А.Орбели кириш сўзи билан очади. У Навоий ижоди мисолида аждодларимиз яратиб қол-

дирган маданий мероснинг халқ томонидан эъзозланиши, уни ҳар қандай бало-қазоларга қарамай, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлиги ҳақида сўзлаб, Навоий таваллуди 500 йиллигининг қамал қилинган Ленинградда нишонланиши фан ва маданият душмани фашизмга берилган зарба эканини айтади.

Лирик чекиниш. Шубҳасиз, ўша фавқулодда мушкул кунларда Навоий юбилейини ўтказиш шартмикан, деганлар ҳам бўлган. Академик И.А.Орбели бундай қарашларни кескин қоралаб, маърузачилар ва таржимонларнинг анжуманга қандай тайёргарлик кўраётгани билан мунтазам равишда қизиқиб, ҳатто уларга танбеҳ ҳам бериб турган: "Навоийга бағишланган анжуманнинг нафақат катта илмий, балки сиёсий аҳамиятга эга эканини англамаяпсизлар, чоғи. Қанчалик қийин бўлмасин, анжуманни шундай ўтказайликки, жаҳон қойил қолсин. Фашистларга совет фанининг, совет фани намояндалари – забардаст олимларимизнинг куч-қудратини, ғалабага бўлган буюк ишончини амалда кўрсатиб қўйиш керак!" Машҳур олимнинг сўзларидан далда олган ходимлар анжуманга жиддий тайёргарлик билан келган эдилар.

Ленинград, 1941 йил, ўша кун. Кеча раиси "Навоий замони" мавзуидаги биринчи маърузани ўқиш учун атоқли шарқшунос олим А.Н.Болдиревга сўз беради. Маърузачи ўзбек шоири яшаган тарихий даврни мукаммал тавсифлаб, унинг беҳуда қон тўкилишига, халқнинг золим подшо ва амалдорлар туфайли жабр-зулм кўришига қарши чиққан буюк инсонпарвар шоир эканига алоҳида урғу қаратади. У маърузасини: "Ўзбек халқининг инсонпарвар шоири шу фавқулодда оғир ва мушкул кунларда биз билан биргадир", деган сўзлар билан тугатганида, мадорсиз қўллар қарсак чалишга талпинади.

Лирик чекиниш. Урушнинг дастлабки ойларида Ломоносов номидаги Ленинград чинни заводи мамлакат ичкарисига кўчирилган, завод рассоми М.Н.Мох эса она шаҳрида қолиб, Эрмитажнинг қурилиш таъмирлаш бригадасида ишлаётган эди. У ноябр ойи ўрталарида Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик кўрилаётганидан дарак топиб, музей директори ҳузурига киради ва унга юбилейда қатнашиш истагини билдиради. Рухсат олгач, керакли асбоб-ускуналарни катта машаққат билан топиб, совуқдан титраб турган қўллари билан "Сабъаи сайёр" достони мотивлари асосида безалган чинни буюмларни тайёрлайди. Юбилей учун шу машаққатли кунларда махсус ишланган ва анжуманнинг кичик кўргазмасидан жой олган бу буюмлар иштирокчиларда катта таассурот қолдиради.

Ленинград, 1941 йил, ўша кун. Биринчи маърузадан кейин сўз Навоий ғазалларини рус тилига таржима қилган шоирларга берилади. Биринчи бўлиб Н.Ф.Лебедев минбар олдига келади, аммо бир неча кундан бери туз тотмагани учун ҳушини йўқотиб йиқилади. Орада пайдо бўлган нохуш вазиятни бартараф этиш учун навқирон адабиёт муаллими минбарга чиқиб, Навоий ғазалини ўз таржимасида ўқиб, йиғилганларни ҳайратга солади. Сўнгра иссиқ чой ичиб, ўзига келган Лебедев Навоий ғазалларидан таржималарини ўқий бошлайди. Унинг заиф овози ташқарида кечаётган гумбур-гумбурлар остида ўқтин-ўқтин эшитилмай қолади. Шундай бўлса-да, Навоий шеъриятининг нафис мусиқаси ва поэтик жозибаси анжуман қатнашчиларини ўзининг магнит – оҳанграбо доирасига тортган эди.

Ана шу тўлқинда минбарга кўтарилган капитан Всеволод Рождественский ҳам ўз таржималарини ҳаяжон билан ўқиб, қатнашчиларни ўзбек шоирининг гўзал ва бой бадиий олами билан таништиришга муносиб ҳисса қўшади.

Қоронғи тушиб, душман замбаракларининг хуружи дақиқалари яқинлашаётгани ҳақидаги радио хабарлари анжуманни тўхтатишга мажбур этади.

Четдан келган меҳмонлар секин-аста совуқ ва қоронғи шаҳар сари оқа бошлайдилар. **1941 йил 12 декабрь** И.А.Орбелининг таклифи билан анжуманнинг давоми 12 декабрга кўчирилган эди. Шу кунги йиғилиш проф.Б.Б.Пиотровскийнинг "Навоий образлари ва қадимги Шарқ асотирлари" мавзуидаги маърузаси билан бошланди. Маърузачи Навоий достонларидаги қаҳрамонлар образини Шарқ мифологиясидаги образлар билан қиёсий таҳлил қилаётганда, дафъатан ҳаво ҳужуми бошланиб, замбараклар тилга кириб кетди. Душман самолётлари замбаракларнинг қақшатғич зарбасига учраган ва орқага қайтган бўлса керак, яна сукунат ўрнатилди. Анжуман ўз ишини давом эттирди. Маърузадан кейин яна Николай Лебедев ўз таржималаридан ўқиди.

1941 йил 29 декабрь Навоийнинг 500 йиллигига бағишланган тадбирлар ҳали тугамаган эди. Рус шарқшунос олимлари ўзбек шоири ижодини ўрганиш, асосий илмий-назарий ва насрий асарларининг танқидий матнини ва Навоийга бағишланган тадқиқотлар тўпламини тайёрлаш устида ишлашда давом этдилар. Шарқшунослик институтинин Ленинград бўлимида олиб борилаётган ишларнинг дастлабки натижалари институтнинг 29 декабрдаги илмий кенгашида жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди. Шу куни эрталаб соат 10 да институтнинг Биржа кўчасидаги биносида бошланган илмий кенгаш академик И.Ю.Крачковский кириш сўзи билан очилди. Машҳур арабшунос олимнинг нутқидан кейин Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Й.Э.Бертелс "Навоий ижоди", 40 институтнинг катта илмий ходими Б.Т.Руденко эса "Навоий ва грузинларнинг "Баҳромгуриани" достони" мавзуларида маърузалар ўқишди.

Уларнинг аксари Эрмитажда хизмат вазифасини давом эттириб, ҳам илмий фаолият билан шуғулланган, ҳам бомбардимон тугаши билан музейдан чиқиб, шаҳарни вайроналардан тозалаган, уй-жойларидан, ҳамкасбларидан хабар олиб ва уларга мадад бериб яшаган олимлар, реставраторлар эди. Навоий ижоди билан шуғулланган айрим олим ва шоирлар эса армия сафига олиниб, шаҳар остоналарида душман билан жан қилаётган эдилар. Ана шундай оғир ва мураккаб шароитда буюк ўзбек шоири Алишер Навоий адабий меросига кўрсатилган юксак эҳтиром аслида она халқимизга кўрсатилган чуқур ҳурмат намунаси эди. Мазкур юбилей тантанаси навоийшунослик тарихидаги энг аҳамиятли воқеа сифатида эътироф этилмоғи адолатдан бўлар эди.

“КЎНГИЛЛАР НОЛАСИ...”

Муҳаммад АЛИ

Ўзбек мумтоз шеърияти сирларга тўла бир оламдир, бу оламнинг тагига етдим деган киши хатога йўл қўяди. Бу бепоён осмонни қучмоққа уриниш билан баробардир. Умуман олганда эса, буюк шеъриятимиз, айниқса, Алишер Навоий ижодини ўрганишга интилмоқ зарурдир, бу мураккаб, аммо бағоят мақбул ишдир.

Алишер Навоий ғазалларида ҳамиша коса, косанинг тагида нимкоса, балки нимкосачалар мавжуд бўлади. Биз, албатта, ҳоли қудрат илғаганимизни илғаймиз. “Кўнгиллар ноласи...” деб бошлангувчи ғазалнинг тепасига шоир: “Чим” ҳарфининг чобукларининг чеҳра кушойиши “Ғаройиб”дин” деган сўзларни ёзиб қўйган. Бу ғазалнинг “Ғаройибус сиғар” девонига мансублигини билдиради.

Ҳазаж баҳри шўъбасида ёзилган ушбу ғазал жуда кўп фазилатларга эга. У аниқ бир мавзуга бағишланмаган, у ҳаёт ҳақида, умуман... Байтнинг биринчи сатрида айтилган фикрнинг исботи учун иккинчи сатрда бир ажойиб образ келтирилади. Келтирилган образ ўзининг мутаносиблиги билан кишини ҳайратда қолдиради, ҳар бир сўз, ташбиҳ, ўхшатиш бир – бирига мос, мақбул...

Биринчи байт, матлаъга эътибор беринг:

Кўнгиллар наласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.

Мутаносибликлар: кўнгил – қуш, нола – қичқириқ, зулф – илон, кўнгил чиндан қушга ўхшайди, парвозни хуш кўради, нола аслан ҳам қичқириқдир, зулфнинг эса илонга ўхшашлиги аён. Мумтоз шеъриятда бир сўз фақат бир маънони билдирмайди, балки ҳали айтганимиздай, тагида нимкосаси ҳам бўлади. Масалан, ушбу байтда “кўнгил - қуш” дедик, йўқ, у бу ерда инсонни билдиради, “зулф”, тасаввуфга кўра, ўзгарувчан олам тимсоли беқарорлик рамзи. Шу важдан ҳам у илонга ўхшатилмоқда, илон эса ҳамиша беқарордир, ҳамиша ўзгариб туради. “Каманд” – тузоқ, кўнгилларни илинтирувчи тузоқ, банд деганидир. Шуларга кўра, байтдаги “коса” ушбудир: кўнгиллар зулфунг ҳалқасини кўргач, бамисли илон олдида турган қушларнинг қичқирганларидай нолалар айлайди. Биз илғаган “нимкоса”: киши бу оламнинг беқарорлигидан азоб тортади, унинг тузоқларидан нола чекади. Иккинчи сатрдаги “қуш”, - энди қуш эмас, - одам, қичқириқ оҳ – фарёддир, илон эса бу оламнинг бало–қазолари тимсолидир.

Кўнгил чокин қўзумда ашки рангин элга фош этди,
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач, -

сатрларини ўқиймиз иккинчи байтда. Одатда, ҳар бир байтнинг ўз “умри”, ўз “ташвиш”лари бор. Улар бир қараганда ўзаро боғланмагандек, лекин мазмунан муштараклик бирлаштириб туради. Ғазални таъбир жоиз бўлса, бир кичик қишлоққа ўхшатгим келади. Байтлар бамисоли уйлардек, дарвоқе, “байт” сўзининг бир маъноси уй ҳам демакдир. Бу ерда ҳам

шундоқ. Ҳажрингда кўнглим чок–чокидан сўкилиб кетди, буни кўзимдан оққан рангин ёшларимдан ҳам билса бўлади – фош этиб турибди. Ахир дарё юзида қонли сувни кўрган кишилар, балиқнинг жароҳатланганини тез фаҳмлаб оладилар. Кўнгил – балиғ, чок – захм, иккиси ҳам кўздан ниҳонлиги билан ўхшаш, кўздаги ашк – дарёдаги қон, фош этмоқ – фаҳм айламоқ бир – бирларига мутаносиб тушунчалардир.

Учинчи байтда эса бунинг акси: кўзим–ку қонли ёш тўкмоқда, бас, кўнглимдаги жароҳатни яшириб ўлтиришга ҳожат бормикин? Ахир ерда сайд (ов қилинган қуш, илвасин ва ҳоказо) қонини кўрганлар унинг ярадор бўлганлигини дарров англаб оладилар–да.

Бўёлғон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,
Кўнгил боғида баргедурки, ол ўлмиш хазон кўргач...

.... Ғами ҳажрингдан жон пардаси қонга чулғаниб бўлди, боғдаги барг ҳам хазон фасли етганда қизғиш тусга киради... Бу ерда ҳам мутобиқ (параллел) лар: жон пардаси – барг, ғами ҳажр – хазон фасли, бўялмоқ – ол ўлмоқ. “Кўнгил” сўзи эса бутун борлиқ маъносида келмоқда.

Бешинчи байт. Вужудимда ишқинг камони етказган захм-жароҳатни кўз ёшларим ювaётир, бу худди болаларнинг қуш уясини кўриб жиш полопонларни олишларига ўхшайди. Захм ичи – ошён, балолар – қуш болалари (тажнис кўриниши), кўз ёшлар – болалар мутобиқлари чиройли.

Олтинчи байтда ундан ҳам ёркин, тиниқ манзара чизилади: кўнгиллар нақдини талон–торож этмоқ учун юзларингга бурқаъ (парда) ташлаб олибсан, ҳа–ҳа, қароқчи ҳам карвонга ташланиш олдидан юз–кўзларига ниқоб кийиб олади... Биринчи сатрдаги мавҳум тасвир иккинчи сатрдаги ажойиб образ билан катта ҳаётий манзара касб этади.

Юзин зулф ичра то кўрдим, ўлиб васлига етмасмен,
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.

Шоҳбайтлардан бири! Байтдаги “коса” зулфунг ичра юзингни кўриб қолдим, аммо ортиғи менга насиб эрмас... Агар кечаси ҳар қаёнда ўт ёниб турган бўлса қай бирига юз уриб борурсен?... “Нимкоса” тасаввуфга кўра, юз – бу, ҳокими мутлақ, ҳақ таоло тимсоли, зулф – беқарор ўзгарувчан олам, зулмат... Демак, зулматларга чўмилган беқарор олам ичра ул ёруғ сиймони (Ҳақни) кўриб қолдим, аммо ўлсам ҳам васлига ета олмаслигим аён, чунки ловуллаб турган оловга юз уриб бормоқ қўрқинчли ва хатодир, куйдириб кул қилади... Байтда “зулф – кеча” мутобиғи, “юзин – юз урмоқ” аллитерацияси ҳам кузатилади.

Тўққиз байтнинг еттитаси таърифи шундоқдир. Биз турли бир–бирига ўхшамаган манзараларни томоша айладик. Илонни кўрганда чирқиллашиб қичқирган қушлар, дарёда қони пайдо бўлганидан яралангани маълум балиқлар, ерда қони қолган сайдлар, куз фасли келганда боғлардаги баргларнинг қизара бошлаши, қуш уясидан жиш полопонларни шафқатсизларча олаётган болалар, карвонни кўрганда юзини яшириб олган саҳройи қароқчилар, тун–кечада ҳар қаённи тутиб кетган гулхан, оловлар... Ранг–баранг лавҳалар, барчаси ҳаётдан олинган, биз уларни ҳар қадамда учратганмиз, шоҳиди бўлганмиз, завқланиб ҳайратга тушганмиз, таъсирланганмиз. Улар таниш, аммо шоирнинг сеҳрли қалами остида бизга янги бўлиб туюладилар.

Юқоридаги тасвирлардан ҳаёт, борлиқнинг кенг манзараси намоён бўлгач, шоир энди, ҳаёт ҳақида, шундай ҳаёт қўйнида яшаётган инсон умри, умр мазмуни ҳақида шундоқ хулоса ясайди:

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас, эл комин раво айла, ўзунгни комрон кўргач.

....Ўзинг бахт – саодатга эришгач, элнинг ҳам мурод – мақсадга етишишига саъй–ҳаракат кўргиз, билгилким, бойлик, давлат ўткинчидир (фонийдир), яхши от эса боқийдир. Бас, яхши от қолдирмакка шошил... Бу ўзгарувчан оламда яшар экансан, беқарор оламда қарор топмоқчи бўлсанг, ана шуларни ёддан чиқарма, деган фикр ётибди тагматнда. Ғазалдан кўзланган мақсадга, чамаси, энди етиб келдик...

Ғазалга нуқта қўйишдан аввал юқоридаги саккиз байтга кўз югуртирган шоир равон оҳанг, гўзал ташбиҳлар, шеърий санъатлар, сирлар пайдо бўлганини кўриб, бир лаҳза ғурурли хаёлга берилади, катта кетади:

Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач!

....Эй Навоий, сен шеърингга сирларни шундоқ жойлай олдингки, энди уни кўриб заковатли нозикфаҳмлар подшоси бошинг узра зарлар сочажак! Бу ерда тажнис санъати кўриниб турибди: хурда – сир, яширин сир: хурда – зар, олтин резалари, хурдадон – нозик нарсаларни билгувчи, ўткир заковатли киши маъносида англашилади.

Шоирнинг катта кетганича ҳам бор. Биргина ғазалда етти хил образ ишлатилиб, еттита бир–бирига ўхшамайдиган манзаралардан ҳаётнинг кенг тасвирини яратган, боқийлик ҳақида файласуфона фикр айтишда тазоду тажнис каби ва бошқа шеърий санъатлардан хўб фойдалана олган улуғ Алишернинг бошидан ҳар қанча зар сочсалар арзийди.

“АДЛ ЭШИГИН ЭЛГА КУШОД АЙЛАДИ...”

(Алишер Навоий ижодида ҳуқуқ ва адолатга оид тушунчалар талқини)

Акмал САИДОВ,

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодий меросини ўрганишнинг кенг уфқлари очилди. Бугунги кунда Юртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлигида улуғ аждодимиз хотирасини юксак даражада эъзозлашга ва маънавий-маърифий меросини теран тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўз навбатида, истиқлол даври воқелиги Алишер Навоийнинг халқимиз ва жаҳон маданияти, илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини янада кенг тарғиб этиш, ул зотнинг ижоди ва маънавий ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ва адабий асарларини аслича, моҳиятини теран тушунган ҳолда тадқиқ ва талқин қилиш борасида юзага келган имкониятлардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда биз Мир Алишер Навоийни улуғ шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, илм-фан ва маданият, она тилимиз ва адабиётимиз ҳомийси, саховатпеша зот, авлиёлар авлиёси сифатида яхши биламиз ҳамда юксак қадрлаймиз. Ҳазрат ҳаёти ва фаолиятининг айни шу жиҳатларини атрофлича чуқур ўрганаётганимиз ҳам бежиз эмас.

Навоий серқирра ҳаётининг энг бир муҳим жиҳати борки, бу ҳам бўлса, ул зотнинг фақиҳлиги , яъни фиқҳ илми билимдони эканидир. Тарихий манбаларга қараганда, Алишер Навоий Самарқандда машҳур фақиҳ Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс ҳузурида фиқҳ илмидан сабоқ олган[1]. Бу ҳақда шоирнинг ўзи **“Мажолису-н-нафоис”** асарида шундай ёзади: **“Фақир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, “фарзанд” дер эрдилар”[2].**

Мана бу байт Навоийнинг мазкур соҳага муносабатини, айтиш мумкинки, ғоят талабчан ва холис ёндашувини ўзида акс эттирган:

Фиққро чун иллати макру ҳиял созад фақиҳ,
Не фақиҳ аст он, ки ҳарфи иллати фиқҳ андар аст[3]**.**

Мазмуни: агар фақиҳ (яъни, ҳуқуқшунос) фиқҳ (ҳуқуқшунослик фани)ни макру ҳийла қуроли қилиб олса, у фақиҳ эмас, балки фиқҳ касалига мубтало бўлган кишидир.

Алишер Навоий фиқҳ бобидаги билим ва тажрибасини нафақат асарларида, балки давлат арбоби сифатида амалий фаолиятида ҳам изчил қўллаган. Бунга бир мисол. Навоийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлардан маълумки, у зот 1487-1488 йилларда Астрободда ҳокимлик қилган. Таниқли муаррих Мирхонднинг ёзишича, **“Астробод гулшани адолат хислатлик амирнинг келиши билан Эрам гулистонининг ғайратини келтирадиган бўлиб, Журжоннинг саййидлари, уламоси, эътиборли кишилари, фозиллари ул мақтовга муносиб сифатли амирнинг лутфу** марҳаматлари билан фахр ва қувонч

---

[1] Ўзбек адабиёти. В.Зоҳидов таҳрири остида. Т.2. – Т.; ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959.- 10-бет.
[2] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис// Асарлар, 15 томлик. Т,12. – Т.; “Тошкент”, 1965. – 32-бет.
[3] Алишер Навоий. Ҳикматлар/ Нашрга тайёрловчилар: С.Муталлибов, Э.Очилов. – Т.; “Sharq”, 2014. – 163-бет.

топдилар. Яна раъияти унинг адолату инсофининг барокати билан зулму бедодлик зулматидан нажот топиб, тинчлик ва омонлик, фароғат ва осудаликка эришдилар”[1].

Шу маънода, Навоийнинг фиқҳ илмидан, адлу адолат, одиллик, халқпарварлик, бугунги давр тили билан айтганда, ҳуқуқшунослик, қонунчилик, одил судлов соҳаларидан чуқур хабардор бўлгани, бу борадаги ҳуқуқий билим ва тажрибасидан ижод ҳамда амалиётда атрофлича фойдалангани айни чоғда бир қадар эътиборимиздан четда қолаётгандек, назаримизда.

Истиқлол туфайли шавкатли саркарда ва давлат арбоби - Соҳибқирон Амир Темурнинг **“Куч - адолатда”** деган ҳикматли сўзлари бизга ўзининг бутун мазмун-моҳиятини кенг очди. Президентимиз бу пурмаъно нақлни янада ривожлантириб, **“Адолат – қонун устуворлигида”**, дея таъкидлар экан, худди шу ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарурлигини алоҳида уқтиради.

Айни вақтда эл-юртимиз демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятни барпо этиш йўлидан босқичма-босқич, қатъий ҳамда изчил одимламоқда. Ҳар биримиз бу эзгу янгиланиш жараёнларининг қайсидир жиҳатдан бевосита иштирокчилари ҳисобланамиз. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **“ўз ҳаётимизни** Ватан истиқболи, фаровон келажаги учун бағишлаб яшаш инсоний ва фуқаролик бурчимиздир”[2].

Хўш, Алишер Навоий **“адолат”, “адл”** тушунчалари ҳақида, демакки, **“ҳуқуқий давлат”, “адолатли жамият”, “фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари”** хусусида нималар деган? Навоий асарларини мутолаа қилиш асносида, фиқҳий атамалар улуғ шоир томонидан жуда кенг маъноларда, айни вақтда, ниҳоятда аниқ ва жуда нуктадонлик билан қўлланганини кўриш мумкин.

Масалан, Навоий **“адл”** сўзини адолат, одиллик, ҳақлик, тўғрилик, ҳаққонийлик, инсоф тушунчаларини англатиш учун ишлатса, ўз навбатида, **“а**долат” сўзини ҳаққоният, инсофлилик, шафқатлилик, одиллик маъноларида қўллаган. Эътибор қилинг, ушбу тушунчалар бугунги кунда адолат ва юксак инсонпарварлик негизида тубдан ислоҳ этилаётган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими фаолиятининг асосий мазмун-моҳияти билан том маънода уйғун ва ҳамоҳанг эзгу тамойиллардир!

Президентимизнинг шундай сўзлари бор: **“Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди”[3].** Алишер Навоийнинг қуйидаги рубоийсини ўқиб, бундан қарийб олти юз йил илгари буюк бобокалонимиз ҳам айни шундай фикр юритганига гувоҳ бўламиз:

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул киши ким, адл сифоти бўлмиш,

---

[1] Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври): Ўқув қўлланма. – Т.: “Университет”, 2012. – 29-бет.

[2] Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади: Ҳикоматли сўзлар ва иборалар тўплами. – Т.; Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 11-бет.

[3] Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади: Ҳикматли сўзлар ва иборалар тўплами. – Т.; Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 64-бет

Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш[1].

Мазмуни: Адолат айлаки, ул халқ ҳаёти шу асосга қурилган. Яхши киши адолатни касб қилиб олади. Ҳукмронлик адолат билан мустаҳкам бўлади, бинобарин, ҳукмронлик ва адолатни бирга олиб борган маъқул.

Навоий ҳазратларининг мана шу ҳикмати, фикримизча, юқоридаги мулоҳазаларни яна бир бор тасдиқлайди:

Адолат қилурнинг тониб ҳолатин,
Фузун қилсун элга адув олатин[2].

Мазмуни: Мамлакатда адолат ўрнатмоқчи бўлган киши халқнинг душманга қарши мудофаа қуролини кучайтирсин.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг "Инсон табиати ноҳақлик, зулмни қабул қилмайди"[3], деган фикрини эсга олсак, бу ҳикматнинг асл моҳияти янада яққол намоён бўлади, деб ўйлаймиз.

Алишер Навоийнинг **"Хазойин ул-маоний"** асарида, бошқа асарларидаги каби, **"адл"** сўзи ишлатилган мисралар кўп, шулардан бири:

Мулку кишвар элига дод айла,
Адл ила иккисини обод айла[4].

Худди шу мазмундаги бошқа бир ҳикмат:

Шоҳки, иш адл ила бунёд этар,
Адли бузуқ мулкни обод этар[5].

Бу мисралар мазмунини Юртбошимиз сўзлари билан мухтасар талқин этадиган бўлсак, **"Халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо** адолатсизликка чидай олмайди"[6]**.**

Алишер Навоийнинг қуйидаги байтда қўллаган **"адл қасри"** бирикмасига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

---

[1] Алишер Навоий. Ҳикматлар/ Нашрга тайёрловчилар: С.Мутталибов, Э.Очилов. – Т.; Т.; "Sharq", 2014. – 18-бет.

[2] Ўша манба. – 14-бет.

[3] Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади: Ҳикматли сўзлар ва иборалар тўплами. – Т.; Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 62-бет.

[4] Алишер Навои. Хазойин ул-маоний// Асарлар, 15 томлик, Т.4. – Т.; "Тошкент", 1965, 409-бет.

[5] Алишер Навоий. Ҳикматлар/ Нашрга тайёрловчилар: С.Мутталибов, Э.Очилов. – Т.; Т.; "Sharq", 2014. – 175-бет.

[6] Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади: Ҳикматли сўзлар ва иборалар тўплами. – Т.; Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 65-бет

Зинҳорки, зулм риштасини уз,
Инсоф ила адл қасрини туз[1].

Улуғ шоир асарларида **“адл”** сўзи иштирокида тузилган бундай ҳамоҳанг сўз бирикмалари кўпчиликни ташкил этади.

Хусусан, **“адл уйи”** (адолат, ҳаққонийлик ўрнига қўйилган жой), **“адл бўстони”** (адолат боғи, адолатнинг гуллаб-яшнаши), **“адл эшиги”** (адолат, мурувват қилишга киришиш), **“адл қуёши”** (одиллик, адолатпешаликнинг порлоқ анъанаси), **“адл қонуни”** (адолат кўрсатмалари), **“адл тариқи”** (адолат йўл-йўриғи), **“адл занжири”** (адолат силсиласи), **“адл оёғи”** (мурувват жоми; яхшилик; марҳамат, ҳаққонийлик нашъаси), **“адл авзони”** (ҳақиқат ўлчови, мезони), **“адл жўйбори”** (адолат қарор топиши, инсоф билан иш тутилиши), **“адл бунёди”** (адолатни тиклаш, ҳаққонийликни таъминлаш, одилона иш тутиш), **“адл бозуси”** (адолат қўли, ирода), **“адл амри”** (одиллик йўл-йўриғи; одиллик кўрсатмаси), **“анжоми адл”** (адолат натижаси), **“адл аҳли”** (адолатлилар, одиллар) иборалари шулар жумласидандир.

Навоий асарларида учрайдиган ана шу сўз бирикмаларининг ҳар биридан намуна келтириш мақола ҳажми нуқтаи назаридан имконсиз эканини ҳисобга олиб, бир-иккита мисол билан чекланамиз.

“Вақфия” асаридан байт:

Шаҳ адли уйини айлайин деб маъмур,
Саъй айладим ул қадарким, эрди мақдур[2].

Ушбу мисра эса **“Ҳайратул-аброр”** асаридан:

Адл эшигин элга кушод айлади,
Тахт уза ўлтирдию дод айлади[3].

“Ҳайратул-аброр” дан яна бир байт:

Соқийи гулчеҳра, кетур жоми адл,
Кўрки не гуллар очар анжоми адл[4].

Алишер Навоий қўллаган **“адолат”** тушунчаси билан боғлиқ сўз бирикмалари ҳам эътибор ва эътирофга сазовор. Навоийнинг наздида **“адолат авжи”** – адолат осмони, адолатнинг яшноқ чўққиси; **“адолат жаҳони”** – одиллик дунёси, адолат даври; **“адолат олами”** – инсоф, раҳмдиллик дунёси, **“адолат партави”** – адолат нури, шуъласи, ёлқини; **“адолат чамани”** – адолатнинг барқ урган пайти; **“адолат ҳавоси”** – инсоф йўл-йўриғи; **“адолат сипеҳри”** – адолат осмони, яъниким юксак одиллик, деган теран маъноларни англатади.

---

[1] Алишер Навоий. Ҳикматлар/ Нашрга тайёрловчилар: С.Мутталибов, Э.Очилов. – Т.; “Sharq”, 2014. – 69-бет.
[2] Алишер Навоий. Вақфия// Асарлар, 15 томлик. Т.13 – Т.; “Тошкент”, 1965. – 168-бет.
[3] Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”// Асарлар, 15 томлик.Т.6.- Т.; “Тошкент”, 1965. – 55-бет.
[4] Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр”// Асарлар, 15 томлик.Т.6.- Т.; “Тошкент”, 1965. – 58-бет.

“Адл” ва **“адолат”** сўзлари билан уйқаш яна бир калом борки, бу **“одил”, “одиллик”.** Навоий бу сўзни ҳам адолатли, инсофли, шунингдек, тўғри ҳал қилувчи, деган маъноларда қўллайди. Масалан, **“Тарихи мулки ажам”** асарида шундай байт бор:

Эрур зулмдин яхшироқ адл иши,
Чу қолмас на золим, на одил киши[1].

Одатда, Навоий ўз асарларида ҳар бир сўзнинг ранг-баранг синонимларидан унумли фойдаланган. Шу жумладан, айрим ўринларда “одил” сўзининг уйқаши сифатида “додгар” сўзини ишлатган. **“Ҳайрат ул-аброр”** достонидан қуйидаги парча бунга мисол:

Арз қилиб барчани шоҳ олдида,
Додгари мулк паноҳ оллида[2].

Кўриниб турганидек, **“додгар”** – адолатли, одил, арз тингловчи деган маъноларни ташимоқда. Ўз навбатида, бу сўз билан ўзакдош бўлган **“додгарлик”** – адолатлилик, одиллик, адолатпешалик, шунингдек, шоҳлик маъноларини беради.

“Додхоҳ” сўзи – зулмдн шикоят қилувчи, адолат истовчи, даъвогар, бундан ташқари, арз тингловчи деган мазмунда ҳам келади. **“Садди Искандарий”** достонидан байт:

Қачон тахт анга бўлса оромгоҳ,
Ки ўз додини истар эди додхоҳ[3].

Шу билан бирга, Алишер Навоий ижодида адл, адолат, одил сўзлари ишлатилмаган ҳолда, бу тушунчаларнинг моҳияти яққол очиб берилган мисралар ҳам кўп. Жумладан, Навоий шундай ҳикмат айтган:

Бировғаким, бировдан етди офот,
Ҳамонким қатиғроқдур мукофот[4].

Мазмуни*: Бировга зарар етказган (адолатсизлик қилган) киши у кишидан (яъни, адолатсизлик жабр етказган одамдан) ҳам кўра қаттиқроқ зарар кўради.*

Хулоса ўрнида яна бир бор Алишер Навоий ижодига мурожаат қиламиз:

Нечукким, эрур адл шаҳларға зеб,
Эрур ҳам гадо, хокраҳларға зеб.
Шаҳеким, адолатдур онинг иши,
Тенг эрмас анга шоҳлардин киши[5].

---

[2] Алишер Навоий. Тарихий мулуки ажам// Асарлар, 15 томлик. Т.14.- Т.; “Тошкент”, 1965. – 192-бет.
[3] Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр// Асарлар, 15 томлик.Т.6.- Т.; “Тошкент”, 1965. – 45-бет.
[4] Алишер Навоий. Садди Искандарий// Асарлар, 15 томлик.Т.10.- Т.; “Тошкент”, 1965. – 247-бет.
[5] Алишер Навоий. Ҳикматлар/ Нашрга тайёрловчилар: С.Мутталибов, Э.Очилов. – Т.; Т.; “Sharq”, 2014. – 24-бет. [5] Ўша манба. – 118-бет.

Яъни, Навоий айтмоқчики, адолат нафақат шоҳлар, балки оддий кишиларнинг ҳам зийнатидир. Адолатли шиор қилган шоҳга бошқа бирон-бир шоҳ тенглашолмайди.

Навоий ҳазратларининг ҳозирги ворислари – олис мозийдан салкам олти аср берида туриб бой тарихимиз, саодатли бугунимиз ва ёруғ келажагимиз суруридан баҳраманд яшаётган Истиқлол даври авлоди таъбири билан айтганда, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида белгиланганидек, **“Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”[1].**

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.; “Ўзбекистон”, 2014. – 7-бет.

ЖОН ВА ЖОНОН СИРЛАРИ

Навоий ижодида “жон” ва “жонон” истилоҳларининг маънолари
Маърифий таттаббуъ

Мирзо КЕНЖАБЕК

Қисқа муқаддима

Мумтоз шеъриятдан ҳар ким ўз идроки, маърифати даражасида баҳра топади. Ҳар ким ўз кўзасига яраша ундан сув олади. Амир Низомиддин Алишер Навоий ўз девонини бекорга “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) деб атаган эмас. Унинг ғазалларида шу қадар теран ирфоний маънолар, хос тасаввуфий истилоҳ ва иборалар, мажозларга бурканган ҳақиқатлар, ишқи илоҳий далолат қилувчи қуйма тимсоллар борки, булар ҳақиқатан маънолар хазинасидир. Бу маънолардан фақат тасаввуфий истилоҳларни англаш йўли билангина тўлиқ баҳраманд бўлиш мумкин. Ғазалларнинг ташқи маънолари, мажозий тасвирлари кишига беҳад ҳайрат, завқ, сурур бахш этади. Бас, жонга ҳузур-ҳаловат, қалбга нур ва зарофат, онгга маъно ва ҳайрат етмоғи учун моҳиятдан – ички, ҳақиқий маънолардан хабардор бўлмоқ лозим.

Алишер Навоийнинг хуш оҳанг, яширин ранг ва турфа маъноларни ўзида мужассам этган асарларидан бири “Жон ва жонон” ғазалидир. Ғазални шартли равишда шундай номлаймиз. Зеро, унда жон билан жонон сирлари пинҳондир. Тан билан жон, жон билан жонон бир-бирларига қандай пайваста бўлса, ғазалда мажоз ва ҳақиқат ана шундай бир-бирига боғланган.

Жонбахш лаб ҳақиқати

Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур,
Бу жиҳатдин бир-бириси бирла жоножон эрур.

Эй жон! (Эй жоним-севгилим!) Ҳар бир лабинг ўликни тирилтиришда бир жондир. Бу жиҳатдан икки лабинг бир-бири билан жонажондир, ажралмас дўстдир.

Матлаъни ва умуман, ғазални яхши тушуниш учун “лаб”, “жон”, “жонон” истилоҳларининг ирфоний-тасаввуфий маъноларини билмоқ лозим. Саййид Жаъфар Сажжодийнинг “Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний” (“Маърифий истилоҳ ва иборалар луғати”), Саййид Содиқ Гуҳарийнинг “Шарҳи истилоҳоти тасаввуф” (“Тасаввуф истилоҳлари шарҳи”), Сулаймон Улудоғнинг “Тасаввуф теримлери сўзлугу” (“Тасаввуф атамалари луғати”) асарларида муҳим истилоҳлар батафсил изоҳланган. Муҳаммад Ғиёсуддин ибн Жалолуддин ибн Шарафуддин Ромпурий – Мустафоободийнинг машҳур “Ғиёс ул-луғоти”ида ҳам баъзи луғавий шарҳлар бор.

“ЛАБ” – маълум аъзо, дудоқ. Орифлар тилида – калом, сўз. (Фахруддин Ироқий). Баъзилар “лаб”ни “нафаси раҳмоний”, яъни, илоҳий тажаллиларга ишорадир, деганлар.

Турли ирфоний маънолар тақозоси билан “лаб” деганда “жон”, “жон” деганда “жонон” истилоҳлари бир-бирига эргашиб келаверади.

“Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур...” Матлада “лаб” “жон”ни эргаштириб келди, иккинчи байтда “жон” “жонон”ни эргаштириб келади. Илк байтда “жон” сўз ва ўзак сифатида уч бор уч маънода қўлланган: 1) жон-о – эй жон, эй менинг жоним бўлган севгилим; 2) жон – жасаддаги руҳ, ҳаёт; 3) жонажон – жонни жонга боғлаган ажралмас дўст. Бу иштиқоқ – ўзакдош сўзларни қўллаш санъатидир.

Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги бошқа бир ғазалида айтади:

Бармоғи ҳайрат билаким лаъли хандон ичрадур,
Ул алиф янглиғдурким, филмасал жон ичрадур.

Ул маҳбубанинг бармоғи ҳайратдан хандон лаъли лабининг орасидадир, бамисоли алиф жон ичида бўлганидек.

Байтда лаб, яъни лаъли хандон яна “жон”ни пайдо қилди. Одатда, қизлар ҳайратдан бармоқ тишлайди. Гўзалнинг лаълдек хандон лаблари орасидаги ҳайрат бармоғи худди жон орасидаги алиф кабидир. Байтнинг мажозий ва ирфоний маъносидан ташқари яна “имловий” маъноси ҳам бор: “жон” сўзи арабчада алиф иштирокида ёзилади ва алиф ҳарфи жим билан нуннинг орасида бўлади.

“Тасаввуф атамалари луғати”да: “Лабдаги намлик оби ҳаётга, ишқ ва муҳаббат чашмасига ўхшатилади”, - дейилган. Нега байтда “лаъли лаб” зикр қилинганда дарҳол “жон” эсланди? Чунки “лаб” деганда инсонга жон, руҳ, ҳаёт бахш этувчи манба – ишқ ва муҳаббат булоғи тушунилади. Бу жонбахш, ҳаётбахш лаб мумтоз шеъриятда лаби шакарий, лаби ширин; лаби лаъл ёки қисқача лаъл каби иборалар билан тавсифланади. Бу таъбирлардан ҳар бирининг яна ўз тасаввуфий маънолари бор:

Лаби шакарий – шакар лаб, шакар дудоқ: пайғамбарларга малак, яъни фаришта Жаброил алайҳиссалом воситасида Оллоҳдан нозил қилинган калом, сўз, яъни илоҳий калом, муқаддас сўз; авлиёларга эса қалб тасфияси, яъни қалбни поклаш, мусаффо қилиш натижасида илҳом қилинадиган сўз, каломдир (Фахруддин Ироқий).

Лаби ширин – ширин лаб, чучук дудоқ: 1) идрок қилинмасдан ва ҳис этилмасдан бевосита келган калом, сўз; 2) маъшуқ сўзи; 3) севгили, маъшуқ; севгили лаби (Фахруддин Ироқий, Тахонавий).

Лаби лаъл – қизил лаб, ол дудоқ: 1) сўзнинг ботини, ичи, моҳияти, яъни маъшуқнинг каломи, сўзи; 2) руҳнинг нафаси, жон киритувчи, тирилтирувчи нафас. Ва яна “лаби жонбахш”дан мурод борлиқ соясидаги йўқликдир, деганлар. Яъни, нафаси раҳмонийга – илоҳий нафас, илоҳий тажаллиларга ишора бўлган лабнинг нишона-белгилари ва лавозими – тақозосидан вужуднинг вужуби иҳотасидаги йўқлик имконининг намойишидир. Чунончи, Навоий мазкур матла билан бошланган ғазалида айтади:

Лаъли бир сўз бирла юз йиллик ўлукни Хизр этар,
Гўйиё Руҳуллоҳ ушбу оби ҳайвон ичрадур...

Севгилининг лаби бир сўз билан юз йиллик ўликни тирилтиради, яъни, Хизр алайҳиссалом ҳаёт сувини ичиб, адабий ҳаёт топганидек, бу лаб юз йил ўлиб ётган жасадга боқий ҳаёт бахш этади. Гўёки Руҳуллоҳ, яъни, Исо алайҳиссалом бу ҳаёт сувини топишда восита бўлгандек.

Мазкур байтда юқоридаги маъноларнинг ҳаммаси мавжуд: маъшуқ сўзи ҳам, бевосита илоҳий калом ҳам, илоҳий тажаллилар ҳам, Руҳуллоҳ, яъни Исо алайҳиссалом ҳам, муқаддас калом ҳам. Қуръони карим ҳақиқатан инсонга руҳ бағишлайди, хастага шифо, заифга қувват, дамсизга дам, очга озуқа, адашганга ҳидоят, бахтсизга бахт, ўлик дилга ҳаёт бўлади. Бу маънолар тасаввуфий шеъриятнинг рангин гулзоридир. Фузулий айтади:

Мен лабинг муштоқиям, зуҳҳод – Кавсар толиби,
Нечаким, маста май ичмоқ хуш гелар, ҳушёра сув...

Мен лабинг муштоқиман, зоҳидлар эса Кавсарга талабгордирлар. Нечунким, мастга май ичмоқ хуш келади, ҳушёрга эса сув ичмоқ.

Бундаги мастлик илоҳий ишққа мазҳарлик ва зикр ила яна ишқ талаб қилишдир. “Лаб” мажозининг асл-асосини баён этишдан олдин “жон” ва “жонон” истилоҳларининг маъноларини кузатайлик.

2. “Жон”нинг маърифий маънолари

Жоним жонон билан шунчалик тўлдики, танамдаги ҳаёт ва жонон эмас, жондир, ёки жон эмас, жонондир – буни фаҳм этиб бўлмайди.

Сажжодий “жон”нинг тасаввуфий маъноларини бундай баён этади:

Жон – 1) инсоннинг руҳи; 2) нафаси раҳмоний, яъни илоҳий (раҳмоний) нафас; 3) Ҳақнинг тажаллиёти. Шу уч маъно Навоий қўллаган “жон” сўзига етарли таърифдир. Бироқ яна гўзал шарҳлари бор.

Сулаймон Улудоғ айтади: “Жон – Мавлавия (Мавлоно Жалолиддин Румий) тариқатларида дарвеш, мурид маъносидадир”.

Фаҳруддин Ироқий айтади: “Жоний дегани – руҳий дегани (яъни, руҳга, жонга оид сифат). Бу ҳеч қачон фоний бўлмайдиган (йўқ бўлмайдиган) ва абадиян боқий бўлган сифат”.

Имом Ғаззолий айтади: “Ҳақиқатда одамнинг жони ўз зоти билан қоимдир. Ва унинг хос сифоти қолипдан мустағнийдир (жон қолипдан беҳожатдир, у жасад қолипига муҳтож эмас, жасад эса жонга муҳтож, жон бўлмаса, жасаднинг ҳаёти тугайди, тупроққа айланади. Жон эса жасадсиз ҳам ўз зоти билан тургувчидир).

Ўлимнинг маъноси жоннинг йўқ бўлиши эмас, балки бунинг маъноси жоннинг тасарруфи қолипдан (жасаддан) узилишидир.

Ҳашр, нашр, баъс ва иоданинг маъноси (яъни, қиёмат куни ўлганларнинг қайта тирилиши, маҳшаргоҳда тўпланиши, ўликни тиргизиш ва қайтариш тушунчаларининг маъноси) жонни йўқдан вужудга келтириш эмас, балки унга қолип кийгизилмоғидир (яъни, жоннинг жасадга қайта киритилмоғидир)”.

“Жон” истилоҳининг ирфоний ва адабий китобларда келган таркибларидан баъзилари қуйидагилар:

1) Ғорати жон – жонни талон қилиш, битириш, яғмо этиш, олиш; 2) Жони мажруҳ – яраланган, аламли, эзилган, қийналган жон; 3) жон ва жисм; 4) гулистони жон – жонинг гулбоғи, катта гулзори, яйраб-яшнайдиган жойи; 5) машоми жон – жоннинг машоми, ҳид билиш аъзоси, хуш бўйни сезиши; 6) жони жаҳон – жаҳоннинг жони, оламнинг руҳи, ҳаёти; 7) сарчашмаи жон - жоннинг сарчашмаси, илк манбаи, ҳаёт булоғи; 8) қиблаи жон –

жоннинг қибласи, мурожаат қиладиган, йўналиб, талпиниб, интилиб турадиган, Ҳақдан ўз ҳожатининг сўрайдиган томони; 9) қуввати жон – жоннинг қуввати, мадад, руҳ оладиган омили; 10) коми жон – а) жоннинг истаги, тилаги, мақсуди, б) баҳраси, баҳра оладиган манбаи; 11) гиребони жон – жоннинг ёқаси, жоннинг чиқар жойи, узилиш ҳолати; 12) ороми жон – жоннинг ором, таскин топадиган манбаи, 13) муниси жон – жоннинг ҳамдами, ёри, улфати; 14) равзаи жон – а) жоннинг жаннати, боғи, гулбоғи; б) жоннинг маскани, қабр; 15) Исийи жон – жоннинг Исо Масиҳи, тирилтирувчиси, ҳаёт берувчиси; 16) жонгудоз – жонни қийновчи, қийноққа солувчи, азоб берувчи; 17) жонпарвар – жонлантирувчи, жон бахш этувчи, руҳ, қувват етказувчи; 18) жонбахш – жон бағишловчи, жон киритувчи, руҳлантирувчи...

Жонафзо иборасидан мурод эса соликнинг бақосидирки, бу сифат билан у боқий ва абадий бўлгайдир ва унинг фаносига йўл бўлмагай (Сажжодий).

Бу маънолар ила мумтоз шеъриятга назар ташласак, фикримиз тозаради, нафсоний қарашларимиз жилоланади, қалбимиз нурланади. Бироқ ҳар даврда ҳам адабиётни зоҳирий тушунувчилар бўлган. Ҳатто, Навоий даври ҳам бундан мустасно эмас. Чунончи, Навоий "Хазойин ул-маоний" девонининг очқичи бўлмиш илк ғазалида: "Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур" деб китобхон тафаккурини зоҳирий нарсалардан узиб, мангу гўзал ботиний маънолар сари йўналтиришга мажбур бўлган. Ёки бошқа ғазалида ирфоний маъноларни очиқроқ шарҳлашга мажбурият сезган:

Жаҳон ғамию узум бодаси гумон қилманг,
Ки зоҳир аҳлига бу маъни этди бўйла зуҳур.

Яъни, "Биз ғам деб, бода деб ёзамиз, лекин сиз буни ўткинчи дунё ғами ва узум шарбати деб гумон қилманг, ҳамма нарсани юзаки кўрадиган, мажознинг ҳақиқатига қарамайдиган зоҳир аҳлига бу маъни шундай туюлади".

Валек аҳли ҳақиқатға май эрур ваҳдат,
Ғам ушбу касрат эрурким, қилур кўнгилга хутур...

"Лекин ҳақиқат аҳлига май ваҳдатдир, бирлик яккаю ягоналик шавқи, Биру бор Аллоҳнинг ишқидир. Ғам эса кўнгилга келадиган кўплик (бирликка зид) фикрлардир..."

Шунга ўхшаб, "Лаб ҳам инсонга жон бағишлайдими, ўлганни тирилтирадими?! Муболаға ҳам эви билан-да!" дейилиши мумкин. Алҳол, энди "лаб" мажозининг ҳақиқатини баён этамиз.

3. Тиргизиш мўъжизасининг асослари

Мумтоз адабиётда "ўликни тиргизиш" ифодаси ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг мўъжизаларига асосланади. "Лаб", "нафас", "анфос", "тиргузмоқ" сўзлари ҳамиша Исо Масиҳ зикри билан ёнма-ён келади. "Жон ва жонон" ғазали матласида бу ном учрамаса ҳам сатр замирида мавжуд. Исо Масиҳ у зотнинг Қуръони каримда таъкидланган номлари. Бу улулазм пайғамбар ўз нафаслари билан ўликларни тиргизганлари боис шеъриятда мажозан севгили лаби жонбахшлик жиҳатидан Исо Масиҳ ва у зотнинг нафасларига қиёс қилинади. "Масиҳонафас", "Масиҳоанфос", "Масиҳодам", "Масиҳваш", "Исийи жон" тавсифларининг

қўлланиши шундандир. Масалан, Навоий ёзади:

Сариғ либос аро ул нўшлабки, хандондур,
Эрур Масиҳки, хуршид ичинда пинҳондур...

“Сариғ либос ичида ул ширинлаб севгили хандон турган чоғида худди қуён ичида яширинган Исо Масиҳ каби ўликка жон бағишлайди”. “Қуёш ичида яширинганлик” эса Исо алайҳиссалом асло ўлдирилмасдан, асло чормих қилинмасдан, юксакка кўтарилганларга ишора. Бу илоҳий ҳақиқатдир. Чунончи, Қуръони каримда Оллоҳ таоло: “Аниқки, уни ўлдирмадилар. Балки, Оллоҳ уни ўз ҳузурига кўтарди”, дейди (Нисо сураси, 157-158-оятлар). Фақиҳ Абул Лайс Самарқандий бу оятни шарҳлаб: “Оллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни Ўзидан бошқасининг ҳукми жорий бўлмайдиган бир мақомга юксалтирди. Ҳукм ва ҳикмат эгаси танҳо Удир”, - дейди. “Хуршид ичинда пинҳон” деганда Навоий ана шу юксак мақомга ишора қилади.

Яна бир мисол:

Ул Масиҳ анфоси жонбахшу лаби – ҳайвон суйи,
Оллоҳ-Оллоҳ, неча жоним нотавон бўлғусидир!..

“Ул Масиҳнинг нафаси жон бағишловчи, лаби эса ҳаёт сувидир, Оллоҳ-Оллоҳ, яна менинг жоним нечун бунчалик нотавон бўлади?..”

Яна бир мисол:

Лаълидин тиргузмак этсам орзу, айб этмангиз,
Ким, киши ўлтурмоқ этмайдур Масиҳодин тамаъ!..

Маъшуқнинг лаъли лабидан мени тирилтиришини орзу қилсам, айб қилмангизлар. Ахир, киши Исо Масиҳдан ўлдиришни умид қилмайди-ку!”

Мумтоз шаъриятдаги ирфоний истилоҳларнинг мантиқий қуввати шундаки, Исо Масиҳ алайҳиссаломнинг ўз нафаслари билан ўликни тиргизиш мўъжизалари асло ривоят ёки афсона, балки илоҳий калом билан собит тарихий ҳақиқатдир. Чунончи, Оллоҳ таоло Қуръони каримда Исо алайҳиссаломнинг Бани Исроилга айтган ушбу сўзларини илоҳий лафз ила баён этади: “Мен сизларга (ўзимнинг ҳақ пайғамбар эканлигим ҳақида) Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим. Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб, унга пуфласам, у Оллоҳнинг изн-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Оллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ва уйларингизда сақлайдиган нарсаларингизни айтиб беришга қодирман. Агар мўмин бўлсаларингиз, албатта, бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир” (Оли Имрон сураси, 48-49-оятлар).

Яна Оллоҳ таоло Қуръони каримда бундай дейди: “Эсланг, Оллоҳ айтган эди: “Эй Исо ибн Марям! Сенга ва онангга берган неъматларимни ёдингга ол, қайсики, сени Руҳул-Қудс (Жаброил фаришта) билан қувватладим, одамларга бешикда ва вояга етганингда гапирдинг. Сенга ёзувни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни таълим бердим. Менинг изним билан лойдан қуш шаклини ясадинг. Сўнгра унга дам ургунингда, у Менинг изним билан

(чинакам тирик) қушга айланди. Менинг изним билан кўр ва песни тузатдинг. Менинг изним билан ўликларни (қабрларидан тирик ҳолда) чиқардинг...” (Моида сураси, 110-оят).

Бинобарин, тасаввуфий адабиётнинг суянган тоғи аввало Қуръони каримдир. Ўликни тирилтириш ҳақидаги мажознинг ҳақиқати ҳам Қуръони каримдадир. Таврот, Инжил, Забурнинг асл нусхалари ва Қуръони каримни “инсон тафаккурининг маҳсули” дейиш асло жоиз эмас, балки ҳақиқий илоҳий калом, Оллоҳнинг муқаддас сўзидир.

Оллоҳ барча пайғамбарларни муайян мўъжизалар билан қувватлаган ва Исо алайҳиссаломга беш мўъжиза ато этган. Диққат қилсак, олдинги оятда “Оллоҳни изни билан” деган ибора ва кейинги оятда “Менинг изним билан” деган илоҳий сўз қайта-қайта таъкидланмоқда. Бедаво касалларни тузатиш ва ўликни тирилтириш ишларини зоҳирда Исо алайҳиссалом бажардилар, лекин моҳиятда эса бу фақатгина Оллоҳнинг изн-иродаси билан воқе бўлди. Бу Оллоҳнинг қудратидир. Ўликни тирилтирувчи нафас Исо алайҳиссаломники, аммо бу нафасни ато этган зот Оллоҳдир. Бинобарин, мумтоз шеъриятдан, айниқса, Навоийдек муваҳҳид зотнинг мажозларидан эътиқодий нуқсон излаш инсофдан эмас.

4. Инсон маъбуд эмас

Алишер Навоий Самарқанд улуғларидан бўлган ва фиқҳда Абу Ҳанифаи Соний, яъни, иккинчи Имоми Аъзам деб эътироф этилган Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий ҳузурида икки йил таълим олган. Бу зот эса Фақиҳ Абул-Лайс Самарқандий авлодидандир. Навоий: “Онча илтифотлари бор эрдиким, “Фарзанд дер эдилар”, дейди тавозу билан. Бинобарин, Фақиҳ Абул-Лайс Самарқандийнинг тасаввуфий тафсири Жомий ва Навоий ўқиган мўътабар тафсирдир. Шунинг учун ана шу “Тафсири Самарқандий”дан юқоридаги оятлар шарҳига оид сўзларни келтирмоқ мақсадга мувофиқдир. Фақиҳ ҳазратлари Исо алайҳиссаломга юқоридаги мўъжизалар белигандан кейинги воқеани бундай изоҳлайди: “Ваҳоб ибн Мунаббиҳ бундай деди: “Исо алайҳиссалом Байти муқаддаснинг бир кўчасида турганларида шайтон у кишига яқин келиб бундай деди: “Эй Исо! Сенга Рубубият (худолик) сифати етди. Чунки сен ўликларни тирилтирдинг, бешикда туриб гапирдинг, туғма кўрларнинг кўзини очиб, кўрадиган қилдинг, пес-мохов касалига йўлиққанларни тузатдинг. Ана шулар худо эканлигинг аломатларидир”. Бу сўзларни айтган шайтонга Исо алайҳиссалом: “Эй малъун Рубубият (Парвардигорлик) фақатгина Оллоҳга хос! Мен Унинг изни билангига ўликларни тиргиздим, кўрларнинг кўзини очдим, пес-моховларни тузатдим!.. ”- деб жавоб беради.

Шайтон кейинроқ келиб: “Эй Исо! Сен ер юзининг маъбудисан!” – дейди. Исо алайҳиссалом эса “Ер ва осмонларнинг маъбуди ёлғиз Оллоҳдир. Ундан бошқа илоҳ йўқ!” – деб жавоб берадилар. Нақл қилинишича, худди шу аснода Жаброил фариштa шайтонни қаноти билан уриб, денгизнинг нариги томонидаги бир гўшага улоқтириб ташлайди”. (“Тафсири Самарқандий”, 258-бет). Бинобарин, пайғамбарлардан зоҳир бўладиган мўъжизалар ва авлиёлардан содир бўладиган кароматлар фақатгина Оллоҳнинг изн-иродаси биландир! Бас, ана шу тавҳид нури билан қаралганда: “Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур” сатрининг мажозида ирфон борлиги маълум бўлади. Иккинчи байтда эса Навоий тўғридан-тўғри илоҳий ишқ изҳорига ўтиб, тўлғунликдан дам уради: “Жоним андоқ тўлди жонондинки, бўлмас, фаҳмким, Жон эрур, жонон эмас, ё жон эмас, жонон эрур...”

“Бўлмас фаҳмким” ибораси орифона сархушликдан дарак беради.

5. Жон – ошиқлар кўзгуси

Турли маърифий қомуслардан “жон”нинг рангин маъноларини кўрдик. Яна “Тасаввуф истилоҳлари шарҳи”даги баъзи изоҳларга диққат қилайлик.

Жон – аъёни собитадир, яъни Ҳақ таоло азалдан яратиб, белгилаб, собит қилиб қўйган нарсадир. “Аъёни собита”нинг яна “илоҳий исмлар, яъни Оллоҳ таолонинг исм-сифатлари тажаллиси натижаси ва илмий тасаввур” деган маънолари ҳам бор.

Жон – мавжудотнинг ҳақиқати, яъни, борлиқ-дунёдирки, илмий тажаллидан ваҳдоният ва жабарут – ягоналик ва улуғлик оламида зоҳир бўлмишдир.

Жон – а) миръот ул-ушшоқ, яъни, ошиқлар оинаси; б) софлик, тиниқлик, равшанлик. Бу истилоҳни улуғ аллома, мутасаввиф ва муфассир Хожа Абдуллоҳ Ансорий тасаввуфга киритганлар. Пири Ҳирот форсий манзумада “жон”нинг таърифини орифона-ошиқона келтирганлар. Насрий баёни: “Субҳоноллоҳ! (Чексиз ҳайратлар бўлсин Ул пок-муназзаҳ Оллоҳнинг санъатигаким!) жаҳонда жондан ҳам кўра таажжуброқ нарса мавжудот ичида яширингани йўқ! Кийимлар ичида кетаётган киши қандоқ? Унда жон яшириниб, йўқ бўлиб кетгандирки, у абадий тирикдир. Ўша тирик бўлган жон унинг ўзидир. Тил асло тилга келмайдиган бир иборани тилга олмоқда...”

Бутун борлиқ-мавжудотда ҳаёт сабаби бўлиб турган нарса шу борлиқ-мавжудот ичида пинҳондир. Уни кўрмоққа изн йўқ. Мавлоно айтадилар:

Танга жону жонга тан пинҳон эмас,
Жонни кўрмоқ кимсага имкон эмас!..

Жон зоҳир кўзига кўринмайдиган борлиқдир. Хожа Абдуллоҳ Ансорий айтади: “Сўфийлар саҳифасида дил йўқ, сўфийлар саҳифасида қўлланадиган жон сўзи жон эмас. Жон ҳам йўқ. Аммо рашк тариқасида жонга баҳона (ишора) бор”.

Мавлоно айтади: “Жон бўлу жон йўлидан жонни танигил, кўриш (басират) дўсти бўл, қиёс фарзанди бўлма!” Яъни, зоҳирнинг “қол”нинг асири бўлма.

Бас, жон борлиги маълум, аммо кўздан ниҳон ҳаёт белгисидир. Вужуд жон билан тўлган, жон эса жонон билан тўлган. Вужуддаги бу тўлғун ҳаёт жонми, жононми – фаҳмлаб бўлмайди, дейди Навоий. Иккиси бир нарсага айланиб кетган. Шу боис “можаро” сўзи буларга ярашмайди. “Можаро” мумтоз луғатда кечмиш, саргузашт, бугунги луғатда низо, жанжал, тортишув маъносини билдиради. Ҳолбуки, жон билан жонон ўртасида низо бўлиши мумкин эмас.

6. Жонон маъшуқ ва жоннинг эгасидир

Ғазалдан ҳузур туймоқ учун “жонон” истилоҳининг маъноларини кўрайлик.

“Жонон” – луғатда маъшуқ, маҳбуб; жонон, жонона – ёр, маъшуқ, севгили. Тасаввуфий маънода эса қаййумий сифатдирки, бутун мавжудотнинг қиёми – борлиги, туриши, яшаши унинг биландир. Агар (қаййумий сифат) бир зум мавжудотга пайваста бўлмаса эди, бирор нарса вужудга келмас ва бақо топмас эди.

“Қаййумий сифат”нинг маъноси нима? Ал-Қаййум – Оллоҳ таолонинг Қуръонда билдирилган гўзал исм-сифатларидан бири. Оллоҳ Қаййумдир, яъни, бутун мавжудотни (осмонларни, ерларни ва ҳамма нарсаларни) тутиб турувчи зотдир. Ўзи ўз зоти билан қоимдир. (Ҳеч кимга, ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ). Яна “зоти ўзгармайдиган, кимсага эҳтиёж сезмайдиган абадий турувчидир”, деб ҳам шарҳланган.

Жонон – жоннинг азизи, суюклиси; жоннинг эгаси, яратувчиси, мутасаррифи – бошқариб турувчисидир. Жонон жонга мазмун, маъно, ҳаёт бахш этган нурдир. Жонни нурга тўлдирган ишқи илоҳий манбаидир.

“Миръот уш-ушшоқ” – ошиқлар оинасига маъно жиҳатидан қарайдиган бўлсак, байтдаги жон ва жонон юксак маънавий мартаба, валоят даражаси, ҳол манзараси эканлиги маълум бўлади. Чунки жоннинг ошиқлар оинаси бўлиши софлик, азим риёзтлар, поклик, тиниқлик, зуҳду тақво натижаси, илоҳий тажаллиларга мазҳар бўлиш аломатидир. Бу орифона ишқи илоҳий самарасидир.

“Жоним андоқ тўлди жонондинки...” мисрасининг шарҳига яна бир мисол шуки, валоятда эркаклар мартабасига эришган орифа аёл – Робиат ул-Адавиййадан: “Шайтонни душман тутармисан?” деб сўрадилар. “Йўқ”, деди. “Нечун?” деганларида: “Шунинг учунки, кўнглимда Раҳмон (Оллоҳ) севгиси шунчалик тўлиб тургайки, шайтон душманлиги унга сиғмас!” деб жавоб берди. Навоий байти шундай тўлғунликни эслатади.

Шу билан бирга, инсоннинг бундай тўлғунлиги, ишқи ва ирфони, шавқи ва афғони ўз қуввати, идроки, қалбининг ҳоли доирасидаги тўлғунликдир.

Мавлоно Жалолиддин Румий айтади: “Боязиднинг чанқоғи бир журъа билан қонди, серобликдан дам урди, идрокининг кўзаси шу билан тўлди ва ул нур (маърифат нури) унинг уйининг равзанаси хурдида (туйнугида) эди! Аммо Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳоллари улуғ ва чанқоқлик ва сувсизлик устига сувсизлик эди! Ва муборак кўкси: “Алам нашроҳ лака содрок?” – “Биз сенинг кўксингни кенг – мунаввар қилиб қўймадикми?” (оятининг) шарҳи билан “Ва арзуллоҳи восиъатун” – “Ва Оллоҳнинг ери кенгдур” (ояти) бўлган эди! Шунинг учун (ичган сари тобора) ташналикдан дам урдилар ва ҳар куни қурбат (Оллоҳга яқинлик) истидъосида (илтижосида) бўлдилар!..

Бас, ориф-ошиқларнинг ишқ ила тўлғунлиги ўз маърифати кўзасига муносиб бўлади. Шу билан бирга, Навоий сўзи ҳам шунчаки санъат ёки даъво эмас, балки ҳақиқатан ботини оламидан дарак берувчи ҳол жилосидир. Бу мартабани Навоий тариқатдан, муршиди комилларнинг таважжуҳи ва ҳимматидан топган.

“Жонон” “жон” сўзининг кўплиги эмас, форс тилида жонли нарсаларга – он, қисқа унли билан тугаган бўлса, - гон, чўзиқ унли билан тугаган бўлса, - йон қўшимчалари қўшилиб, кўплик шакли ясалади. Масалан: мард – мардон, (киши - кишилар); доно – доноён (билағон - билағонлар); ташна – ташнагон (чанқоқ - чанқоқлар). Икки жон бирикиб, “жонлар”ни ташкил этган кўринса-да, аммо “жонон”, “жонлар” дегани эмас, балки жоннинг азизи, маъшуқ, жоннинг жони деганидир.

Жоннинг жонон билан тўлгани илоҳий муҳаббатга далолат қилади. Муҳаббатнинг таърифини эса Муҳаммад Ғаззолий бундай келтирадилар: “Банданинг Оллоҳни севмоғи Оллоҳ бандасини севмоғининг аломатидир... Севги – томирлари соғлом, шохлари осмонларга қараб юксалган муаззам бир дарахт кабидир. Бу муҳаббат дарахтининг мевалари кўнгилларда, тил ва аъзоларда маърифат ва зикр шаклида вужудга келади.

Бундан эса амал туғилади. Шундай қилиб, худди тутун оловга, мева дарахтга далолат қилганидек, тил ва аъзоларда вужудга келган маърифат, зикр ва амал муҳаббатга далолат қилади".

7. Жоннинг бақоси жонон билан

Бўлса жонон, бордурур жон ҳам, чу жонон қилди азм,
Жон кетиб жонон била, жондин манга ҳижрон эрур.

Жонон бўлса, жон ҳам бордир, жонон кетишга азм этса, жон ҳам жонон билан бирга кетади. Жон билан менинг ўртамга ҳижрон тушади. Ёки жон туфайли мен ҳижронда қоламан...

Юқорида кузатдик, мавжудотнинг яшаб туришини таъминловчи қаййумий сифат бир дақиқа пайваста бўлмаса, бирор нарса мавжуд бўлмайди ва бақо топмайди. Бас, жононнинг илоҳий тажалли ҳеч қачон фоний бўлмайдиган абадийан боқий сифат эканлигини эътиборга олсак, "ла мавжуда иллаллоҳ" – "Оллоҳдан бошқа мавжуд (нарса) йўқ" сўзи ёдга келади. Ёки Қуръони каримдаги: "Оллоҳнинг важҳидан (зотидан) бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлгувчидир. Ҳукм Уникидир ва сизлар Унгагина қайтарилгайсизлар", деган ояти карима хотира келади (Қасас сураси, 88-оят).

Энди бир нозик нуқтага эътиборимизни қаратайлик. Бу жон ва инсон ўртасига тушадиган ҳижрондир. Жонон кетишга шайланса, жон ҳам у билан бирга кетади: "Жондин менга ҳижрон эрур..." Навоий бу айрилиқ иборасини олимона ва орифона қўллаган. Чунки жоннинг бадандан кетиши жоннинг йўқ бўлиши эмас. Ўлимнинг маъноси жоннинг қолипдан узилишидир. Жон мавжуд, аммо жасаддан кетган. Жасад ҳам мавжуд, фақат у тупроққа айланган. Ҳашр кунида жон билан жасад қайта топишади. Ана шу ўртадаги масофа ҳижрондирки, Навоий бу ҳақиқатни ҳайратомуз зарофат билан мажозга туширган.

8. Жон жонон учун

Жон манга жонон учундир, йўқки жонон жон учун,
Умр жононсиз қотиқ, жонсиз вале осон эрур.

Менинг жоним жонон учундир, аммо жонон жон учун эмас. Жонсиз умр кечириш осон, лекин жононсиз умр кўриш қийин...

"Жонсиз умр осон" ифодаси бояги "ҳижрон"нинг шарҳидир. Инсон вафот этиб, жон билан жасад ўртасига ҳижрон тушганда ҳам, барибир иккиси ҳамиша Оллоҳнинг тасарруфида! Агар дунё ҳаётида жонон билан – ишқ билан, иймон билан яшаган бўлса, жасаднинг қабрдаги ҳоли ҳам осон. Лекин жононсиз – ишқсиз, иймонсиз яшаган бўлса, аҳволи танг. Байтнинг ботин маъноси шу. Энди зоҳир маъносини кўрайлик.

Бу ўринда "қотиқ" ва осон ифодалари жон билан жононнинг нисбатини ва мақомини белгилаш учундир. Инсоннинг жони жонон учун – Жоннинг эгаси бўлмиш Холиқи зулжалол учун! У аслига қайтгувчи, тугал маънода жононники! Агар жонон жон учун эмас, унинг жонга ҳеч қандай эҳтиёжи йўқ. "Жомеъ ул-мутун"да айтилади: "Оллоҳнинг бу ярат-

моғи Ўз қудратини ва сунъини (санъатини) изҳор этмоқ учундир. Ҳаргиз уларга ва уларнинг ёрдамларига муҳтож бўлганидан эмас!" (65-саҳифа).

Жонон – ўз зоти билан қоим: қадимдирки, ибтидоси йўқ; абадий тирик – боқийдирки, интиҳоси йўқ. Жон ҳам ўз зоти билан қоим, аммо у жасадга муҳтож бўлмаган ҳолда жононга муҳтождир. Унинг қаййумияти – бор бўлиб туриши жонон туфайли.

Муҳаммад ибн Ҳомид Термизийдан Оллоҳ таолонинг ушбу оятидаги: "Йа аййуҳаннасу антум фуқаро-у иллаллоҳу, валлоҳу Ҳувал-Ғаниййул-Ҳамид" – "Эй инсонлар! Сизлар Оллоҳга муҳтождирсизлар. Оллоҳнинг Ўзи Қаний ва Ҳамид – беҳожат ва мақтовга лойиқ зотдир" (Фотир сураси, 15-оят) деган муборак сўзи ҳақида сўрадилар; айтди: "Сизлар Оллоҳнинг раҳматига муҳтожсизлар, деганидир ва Ул Оллоҳ таоло сизларнинг феълларингиздан - қиладиган амалларингиздан буткул беҳожатдир. Сизлар эса Оллоҳнинг раҳматига муҳтожсизлар, демакдир", дея жавоб бердилар. (Абдураҳмон ас-Суламийнинг "Табоқот ус-суфий" китобидан).

Фузулий айтади:

Жонни жонон тиламиш, вермамак ўлмас, эй дил,
Не низо айлаялим, ул на саниндур, на баним...

Жонни жонон сўраяпти, бермасликнинг иложи йўқ, эй дил! Қандай ҳам низо, эътироз қилайлик, ахир, бу жон сеники ҳам эмас, меники ҳам эмас!.. У Яратган эгасиникидир.

Тўғри, жасад жонсиз яшай олмайди. Илмий мантиқ ана шундай, лекин бу ўриндаги "жонсиз умр осон"лиги жонсиз яшаш мумкинлигини билдирмайди, балки жононсиз яшаш мумкин эмаслигини таъкидайди, яъни жонон бўлмаса, баданда жон ҳам йўқ кабидир. Чунончи, кейинги байт бу маънони қувватлайди.

9. Жонсиз ва жононсиз ҳаёт йўқ

Борса жон, жонон йитар, гар борса жонон, жон кетар,
Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эрур?!

Жон кетса, жонон йўқ бўлади; жонон кетса, жон ҳам кетади. Кишига жонону жонсиз яшашнинг қандай имкони бор?!

"Жонсиз вале (умр) осон эрур"нинг асл маъноси энди очилди. Олдинги байтда жонсиз яшаса бўлади, лекин жононсиз яшаб бўлмайди, дейилган эди. Бу байтда жонону жонсиз яшашнинг асло имкони йўқ, дейилди. Бу маъно олдинги байтни рад этиш ёки сўзидан қайтиш эмас, чунки бу гал иккиси қўшиб зикр қилинди. Бу аввалги маънони тасдиқлаш, очиш ва ривожлантириш, байтни байт билан шарҳлашдир.

Сулаймон Улудоғ Фахруддин Ироқий шарҳига таяниб, "жонон"ни тасаввуфий маънода: 1) Мавло, Раб, Оллоҳ; 2) Оллоҳнинг қайюмият сифати, деб изоҳлайди ва: "Бутун борлиқлар бу сифат соясида ўз борлиқларини сақлаб туради ва давом эттиради. Қайюмият (сифати) билан алоқаси узилган мавжудот бирор зум бор бўлиб тура олмайди, дарҳол йўқ бўлиб кетади", деб таъкидлайди. Ана шунинг учун жонон кетса, жон кетади, ана шунинг учун кимсага жонону жонсиз умр кўришнинг имкони йўқ!

Жонон кетса, жоннинг кетиши Саъдийнинг “Карвон”ини (яъни, “Эй сорбон”ини) эсга солади:

Жоннинг бадандан кетгусин сўзлайдилар ҳар не йўсин,
Мен ўз кўзим бирлан ўзим кўрдимки жоним кетадур...

“Жоннинг бадандан кетиши ҳақида ҳар хил илмий ва ноилмий фикр-қарашлар, гап-сўзлар мавжуд. Лекин мен ўз кўзим билан кўрдимки, жоним кетиб бораётир...”

Бу маърифий ифода жоннинг баданга эҳтиёжи бўлмасдан, ўз зоти билан қоим эканлиги ҳақидаги илмий мантиққа асосланган. Навбатдаги байтда Навоий олдинги маъноларни умумлаштириб, хулосалайди.

10. Жононсиз жаҳон зиндондир

Хуштурур жону жаҳон жонон била, жонон агар
Бўлмаса жон илаким, ўлмас жаҳон, зиндон эрур...

Жон ҳам, жаҳон ҳам жонон билан яхшидир, агар жонон жон билан бирга бўлмаса, жаҳон бўлмайди, балки зиндон бўлади...

Қуръони каримда: “Оллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир”, деб марҳамат қилинади. (“Нур” сураси, 35-оят). Изоҳда: “Яъни, уларнинг барчасини ёритиб, йўқдан бор қилиб тургувчидир”, дейилади. Оллоҳ қайюмият сифати тажаллиси билан еру осмонларни, жону жаҳонни тутиб турувчи бўлса, Нур сифати билан еру осмонларни (оламларни) ёритгувчи, нурли, мунаввар қилгувчидир. Ўзи хоҳлаган сиймоларга, зеҳнларга ва кўнгилларга нур ёғдиргувчидир. Жононсиз жаҳон бўлмас, балки зиндон бўлур.

Жононнинг дил оташидан – ишқи илоҳийдан хабардорлиги Р.Яҳёнинг ушбу байтида чиройли очилган:

Сўзи дилдан бехабар деб ўйламанг жононани,
Шамъни ёқмасми ул оташким, ёқар парвонани..

“Жононани дилнинг ёнишларидан бехабар деб ўйлманг, ахир парвонани ёқаётган бу олов шамнинг ўзини ёқмайдими!..” Яна Абу Ҳомид Ғаззолий сўзини эслайлик: “Бандaнинг Оллоҳни севмоғи Оллоҳ бандани севмоғининг аломатидир...”

11. Абадият сабаби

Жон ва жонон мумтоз шеъриятнинг жонажон истилоҳларидандир. “Жонафзо” калимаси жонни нашъалантирувчи, жонни жонга қўшувчи, деган маънони билдиради, аммо тасаввуфий истилоҳда Ҳақ таолонинг бақо сифатидир (Ироқий). Соликни фанодан узоқлаштириб, уни боқий ва абадий қилувчи сифат бу. Шу боисдан мумтоз адабиётни ҳар ким ўз идроки даражасида англайди. Бас, жон ва жонон ғазалининг жони бўлган ўта муҳим хулосани ошкор этиш вақти етди. Бундай мурод ҳам руҳи инсонийдир. Зеро, ҳар кимки бежондир, у билишдан маҳрумдир. Билиш тириклик белгисидир. Билиш

– жонга хос хусусият!.. Жононни билмоқ учун жасадга жон керак, чунки жонга жонон керак. Ҳадиси қудсийда Оллоҳ айтади: “Мен яширин ганж эдим. Ўзимни ошкор қилишни севдим!” Бас, жон ҳам, жаҳон ҳам жонон билан ёруғ ва гўзал! Жонон жон билан бирга бўлмаса, жаҳон нурсиз, қоронғу зиндон бўлади. Бу – жаҳолат, нурсизлик, ишқсизлик, маърифатсизлик, бехабарлик, ғафлат зиндонидир. Жон билан жононнинг бирлигидан мақсад маърифатдир, маърифатуллоҳидир, жоннинг эгаси бўлмиш Холиқи зул-жалол ва зул-камолни танимоқдир. Ана шундан ишқ туғилади. Жаҳон нур ва маъно билан тўлади. Адабиётдаги ирфоний истилоҳлардан мурод ана шудир. Шунинг учун Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий “Ирфон” сўзини шарҳлаб: “Оллоҳ таолони ва Унинг сифатларини билмоқ илмларнинг энг юксаги, энг улуғи, энг фойдалиси, энг мукаммали, энг шарафлиси, энг порлоғи, руҳга энг кўп таъсир этадиганидир. Ақли салим эгаси бўлган мусулмон киши авло тарзда бу илмни таҳсил олмоғи фарздир. Бу илм бутун илмларнинг асоси, ҳамма нарсанинг мағзи, бутун саодатларнинг манбаи, барча гўзал, яхши хислатларнинг бошланғичи, дунё ва охират саодатининг асосидир. Бу илмни яхши билган инсон ўз эътиқодини шубҳа қоронғулигидан, шайтон ва нафснинг ҳийлаларидан қутқарган бўлади!..” дейди (“Жомиъ ул-мутун”, 27-саҳифа).

“Жоним андоқ тўлди жонондин”, “Жон манга жонон учундир”, “Хуштурур жону жаҳон жонон била” каби ифодалар ирфон аломати, жоннинг эгасига муҳаббат изҳоридир...

12. Тан билан жоннинг ҳижрони муваққатдир

Жоним ол, эй ҳажру жононсиз манга ранж истама,
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур.

Эй ҳажр, жононсиз менга ранж – қийноқ-машаққат истама, ундан кўра жонимни олиб қўяқол, чунки Навоий жоносиз жонидан безордир!

Байтда “жон” ўзаклари, жим ҳарфи пайдар-пай қўлланиб, бетакрор иштиқоқ санъати вужудга келган.

Фузулий ёзади:

Ё Раб, бана жон геракмас,
Жонон йўқ эса, жаҳон геракмас...

Ирфон масаласида мумтоз шоирларда маъно оҳангдошлиги мавжуд.

Савол туғилиши мумкин: “Ҳақиқат турганда нега тасаввуфий шеъриятда мажоз восита қилинади?” Дунё ҳаёти абадий ҳаётдан бир жузъ бўлганидек, дунёдаги бошқа ҳамма нарсалар ҳум жузъийдир. Зоҳир кўзи билан кўриладиган нарсаларга муҳаббат боғлаш бир нарса. Оллоҳ Қуръонда айтади: “Зуйина линнаси хуббуш-шаҳавоти минаи-нисон” – “Инсонлар учун аёлларга нисбатан эҳтиросли муҳаббат зийнатли қилинади...”.

Нафсоний истак устун бўлган жойда муҳаббат ҳалокатга яқин бўлади. И.П.Эккерманнинг “Гёте билан суҳбатлар” китобида қизиқ воқеа нақл этилган. Гётенинг котиби ёш бир шоирнинг шеърларини келтириб, унинг ғоят истеъдодли эканини айтади. Суҳбатда улуғ шоирнинг табиби ҳам бор эди. Шеърлар қараб чиқилгач: “Бу қиз эрга теккач, шеър ёзишни ташлайди”,- дейишади. “Нега?” – дейилганда, қизнинг ишқий шеърларида нафсоний истак

кучли эканлиги, у муродга етгач, шеърга эҳтиёжи қолмаслиги айтилади. Демак, нафснинг муродга етиши севгигагина эмас, истеъдодга ҳам салбий таъсир қилиши англашилмоқда. Албатта, чин муҳаббат билан боғланган умрлар бундан мустаснодир.

13. Мажозий муҳаббатнинг моҳияти

Мажозий-башарий муҳаббат нафсоний ва шаҳвоний эҳтиёждан холи бўлмагани учун, ориф зотлар, тариқат мансублари дунё севгисини барча хатоларнинг боши, деб ҳисоблаганлар. Илоҳий ишқни таржиҳ этганлар. Тасаввуфий адабиётда бунга мисоллар кўп. Навоий ҳам ошиқ йигит, бемор маъшуқа ва табиб воқеасида мажозий муҳаббатнинг мусибатини кўрсатган. Доктор, профессор Маҳмуд Асъад (раҳматуллоҳи алайҳ) “Ҳақиқий севги” китобида: “Бу дунёдаги инсонларнинг турли севгилари ишқи мажозийдир, ҳақиқий эмасдир. Чунки келгай, кетгай. Ўткинчидир, вақтинчаликдир. Бир қанча вақт ўтгач, севганингдан нафратланишинг ҳам мумкин... Кимиси, вақтлар ўтиб, ўзи тушуниб, ўйлаб, ёқтириб, севиб олган ёридан совийди...”, дейдилар. Ана шунинг учун инсоннинг ҳаётига нур ва маъно бағишлайдиган ишқи илоҳий асл муҳаббат сифатида тараннум этилади.

Ҳасан Басрий Робиъага: “Эй Робиъа! Агар хоҳласанг, сени никоҳимга олайин”, дейди. Робиъа: “Эй устоз! Никоҳ вужудга қилинади. Менда ўзи вужуд бўлмаса, нимамга никоҳ қиласиз!”, деб жавоб беради. Инсоний, мажозий муҳаббатнинг омили вужуд ва мавжуд нарсалардир... Илоҳий ишқ билан тўлган жон эса ўзини фано мақомига етказиб бақо топган.

Навоий ўзининг бу шайдолигини, ишқи илоҳий мақомини бошқа бир ғазалида бундай ифодалайди:

Жонда ишқинг бўлғуси, то танда жон бўлғусидир,
Танда жондек жон аро ишқинг ниҳон бўлғусидир...

Инсоний-мажозий муҳаббатнинг ўткинчи эканлигини таъкидлаш асло уни рад этиш эмас. Инсон борки, муҳаббат бор, дард бор, соғинч бор, бир-бирига интилишлар бор. Зеро, абадий гўзал ҳақиқатга кўприк бўлган нарса ана шу ўткинчи мажоздир.

Одатда татаббу бир шеърий асарга эргашиб ёзилган мустақил назмий асардир. Аммо бу маърифий татаббу Нажмиддин Комиловнинг “Жон ва жонон можароси” шарҳига жавобан битилди. Олим фикрларини баҳоли қудрат тўлдириш, янгилаш билан бирга, баъзи саҳвлар ислоҳига ҳам қўл урган бўлдик. Илло, ушбу ожизона шарҳ чин қалбдан марҳум азиз устозга бағишловдир.

НАВОИЙНИНГ ВАТАН ЯНГЛИҒ ҚИЁСИ ЙЎҚ

Сирожиддин САЙЙИД

Алишер Навоий ҳазратлари ҳаётлик чоғларида Ҳаж зиёратига боришни ният қилганлар. Бироқ ўзлари “Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай” деб ёзганларидек, умрини фақиру фуқаро ва ғарибу ғураболар кўнглини шод айлашга бағишлаганлар. Бу саховатли амаллари ва ибратли фаолиятлари учун икки олам саодатига муяссар бўлганлар. Шу боисдан ҳам ул буюк зотнинг номлари Каъбани обод этган, Оллоҳнинг муҳаббатига сазовар бўлган муборак зотлар қаторида эътироф этилади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳазрат Алишер Навоий ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва оммалаштириш, умуман, мамлакатимизда адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратмоқдалар. Айнан ҳурматли Президентимизнинг ташаббуси билан қисқа вақт ичида пойтахтимиздаги энг сўлим масканда Адиблар хиёбони барпо этилди. Таъбир жоиз бўлса, мана шу муҳташам мажмуа ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига улкан совға бўлди.

2020 йил 19 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши маданий-маърифий ҳаётимизда улкан воқеага айланди. Ана шу тарихий ҳужжатнинг муқаддимасида шундай сўзлар битилган: “Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўз асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади”.

Президент қарорида буюк мутафаккирнинг бебаҳо илмий-ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва бутун дунёда тарғиб қилиш, ҳазрат Навоий илгари сурган юксак ғояларни ёшларимиз онги ва қалбига чуқур сингдириш борасида улкан вазифалар белгилаб берилди.

Шу мақсадда яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Айниқса, ҳазрат Алишер Навоий меросини чуқур тадқиқ этиш ва унинг юксак ғояларини тарғиб қилишга улкан ҳисса қўшган инсонлар ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида Алишер Навоий орденининг таъсис этилиши барчамизни руҳлантириб юборди.

Шу пайтгача барчамиз бутун дунёда асосан таниқли сиёсий арбоблар ва ҳарбий саркардалар номи билан аталадиган орден ва медаллар таъсис этилишига кўникиб қолган эдик. Жонажон Ватанимизда миллий адабиётимиз ва она тилимизнинг асосчиларидан бири бўлган улуғ мутафаккир шарафига Алишер Навоий орденининг таъсис қилиниши Ўзбекистонда маънавий-маърифий тараққиётга қай даражада юксак эътибор қаратилаётганининг ёрқин далилидир.

Ҳазрат Алишер Навоий ўз даврида буюк гуманист аллома сифатида халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган. Ул зот барпо этган мадрасаларда турли миллатларга мансуб ёшлар таълим олишган. Қолаверса, форс-тожик адабиётининг улуғ намояндаси Абдураҳмон Жомийни ўзига устоз деб билиб, уни юксак ҳурмат қилган.

Шу маънода, бу йил пойтахтимизда Алишер Навоий номидаги халқаро ижод мактабининг барпо этилиши замирида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Насиб этса, яқин келажакда ана шу даргоҳда юртимиз ва хорижий мамлакатлардан келган истеъдодли ёшларни ўқитиш йўлга қўйилади.

Кейинги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепцияси асосида ўқитиш йўлга қўйилади.

Йил давомида Алишер Навоийнинг илмий-ижодий меросига бағишланган нуфузли халқаро анжуманлар ўтказиш, буюк мутафаккирнинг асарларини чоп этиш ва бошқа яна кўплаб тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Атоқли шарқшунос олим Николай Конрад шундай деган эди: “Дунёда Алишер Навоийдек шоир борлиги учун ҳар қанча қувонсак арзийди. Бизга шундай шоирни инъом этган ўзбек халқига буюк ташаккуримизни айтамиз. Биз бу шоирни нафақат ўрганамиз, балки унинг асарларини қўлимиздан қўймасдан ўқиймиз, мутолаа қиламиз. Нафақат ўқиймиз, айни пайтда унинг беназир ижоди ҳақида ўйлаб, мушоҳада юритамиз. Уни ўз шоиримиз сифатида ардоқлаймиз”.

Устозимиз Абдулла Орипов эса: “Шеърият тахтини мангу эгаллаган султони Алишер Навоийдир”, деган эди.

Алишер Навоийнинг барча асарлари исломий маърифат зиёси билан йўғрилган. “Арбаъин” номли асарларида ҳадисларни шеърга солиб, юксак бадиий санъат намуналарини яратадилар: “Қай ким ўзига раво кўрмаганни биродарига раво кўрар экан, имонли бўлмагай” деган ҳадиси шарифни шундай гавҳар сўзлар билан назм шодасига терадилар:

Мўъмин эрмастур улки, иймондин
Рўзгорида юз сафо кўргай.
Токи, қардошиға раво кўрмас –
Неким, ўз нафсиға раво кўргай.

Ёки “Халққа раҳм қилмаганга Оллоҳ раҳм қилмайди” деган ҳадис мазмунини шундай дурдона мисраларга айлантиради:

Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,
Аввал ўлмоқ кераксен элга раҳим.
Ҳар кишиким, улусқа раҳм этмас,
Анга раҳм айламас раҳими карим.

Алишер Навоий асарлари илоҳий маърифат нури билан суғорилгани учун ҳам неча юз йиллар давомида дунё китобхонлари кўнглини, онгу шуури ва тафаккурини мунаввар этиб келмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам бугун ёш авлод маънавиятини юксалтиришда, уларни илмли, билимли, имон-эътиқодли, ўз Ватани ва халқига садоқатли этиб тарбиялашда Алишер Навоий асарлари сув ва ҳаводек зарур.

Маълумки, шу пайтгача мамлакатимизда ва чет элларда жуда кўплаб навоийшунос олимлар етишиб чиқиб, ҳазрат Алишер Навоийнинг бебаҳо ижоди ва ибратли фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. У кишининг асарлари моҳир таржимонлар томонидан дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланмоқда.

Эътиборли жиҳати, муҳтарам уламоларимиз ҳам қутлуғ сана муносабати билан юртимиздаги барча масжидларда ул зотнинг асарларида илгари сурилган эзгу ғоялар ҳақида мўмин-мусулмонларга маърузалар ўқиб, ҳазрат бобомизнинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилиб, дуойи хайрлар қилдилар.

Алишер Навоий Иккинчи Ренессанс деб аталган буюк Уйғониш даврининг улуғ намояндаларидан бири эди. Шоир тараннум этган умуминсоний ғоялар, унинг жаҳон адабиёти дурдоналарига айланган асарлари бугун ҳам миллий ва умумбашарий қадриятларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш учун хизмат қилаётир.

Ҳазратнинг ўзлари “Ҳар тунунг қадр ўлубон, Ҳар кунунг ўлсун наврўз” деганларидек, Навоий асарларини мунтазам мутолаа қилган инсоннинг ҳар туни қадр, ҳар куни наврўз бўлиши шубҳасиз.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб – шаҳару қишлоқларимиз, билим юртлари ва мактаблар, юртимизнинг хорижий элчихоналари, қолаверса, Москва, Минск, Рига, Шанхай, Токио, Боку, Душанбе шаҳарларидаги Навоий бобомизга ўрнатилган ҳайкаллар пойида бўлиб ўтди.

Бутун дунё миллатимиз маънавиятининг қуёши – улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳазратларига чуқур ҳурмат-эҳтиромини намоён этди.

ҲОЗИР НАВОИЙНИ КИМ ЎҚИЙДИ?

Иброҳим ҒАФУРОВ

Ростданам ҳозир Вергилийни ким ўқийди? Ким ўқийди ҳозир Ҳомерни? Дантени ўқиётган бironта марди майдон борми? Уларми? Фақат уларми? Навоийни ким ўқийди ҳозир?

Ичимда ўтирган аллаким менга шундай нохуш саволлар беради. Унинг саволларининг ўзида жавоб борга ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам, уларни ҳозир биров қидириб ўқийдими? Шуларни ўқимасам, билмасам, дунёда тирик юрганим бекор деган ўз-ўзига писанда билан қўлга оладими? Ичимда ўтирган шубҳакор шахс билан тортиша бошлайман.

Бундай сўз ва тафаккур даҳоларини ўқиш ёки ўқимаслик уларнинг ғоялари дунёси ва фитратлари оламига ҳеч қачон ўлчов бўла олмайди.

Вергилийнинг Вергилийлиги, Дантенинг Дантелиги, Навоийнинг Навоийлиги кимларнингдир уларни ўқиши ёки ўқимай қўйишига боғлиқ эмас. Заррача ҳам боғлиқ эмас. Уларнинг бадиий тафаккур қуёши, у қуёшнинг нурлари ҳамда ҳарорати даражасини бу ўлчов билан ўлчаб бўлмайди. Уларнинг фалакий кўламлари бу мезонга сира сиғмайди.

Лекин, - деб эътирозга оғиз жуфтлайди ичимда ўтирган тинчимас, қониқмас эътирозчи, - шу ҳолда ҳам улар мумтоз жовонлари, мумтоз музейхоналарида ҳаракатсиз туриб қолишмоқда. Уларнинг фикрлари оламлари, яратган сиймолари, ранг-баранг инсонга дахлдор ғоялари, тизмалари бизнинг бугунги ҳаёт бўғинларимизни яратмаётир ва мустаҳкамлаётир. Навоийнинг васф ва эҳтишомга қурилган шеърий сўзи биз яшаётган аср қарашларидан, қизиқишлари, манфаатлари ва бадиий изланишларидан тобора шитоб билан узоқлашиб бораётир. Ҳозирги авлод, ҳатто энг талантли намояндалари ҳам Навоийни билдим деб, унга тик қаролмайдилар. Худди қушга бир зум тикилиб туриб бўлмаганидай улар мабодо Навоийга диққатларини қўйиб қарасалар, дарҳол унинг нуридан кўзлари ёшланади. Навоийга шу туфайли ўз қудратларидан ташқаридаги, тўғрироғи, қурб-қудратлари етмайдиган иш деб биладилар.

Хўш, шундай бўлса, Вергилий, Навоийнинг асарлари муҳташам музейларнинг осоратиқаларига айланиб бўлдими? Эндиги насллар уларга худди бебаҳо асл қадимиятга қарагандай ҳурмат-эҳтиромда бўладилар холосми?

Бу қайсар мубоҳиснинг осон бўлмаган саволларига жавоб изларканман, ўзимдан мисол қидириб кўраман.

Умримнинг уч палласида “Хамса”ни уч маротаба ўқидим. Йигирма ёшларимда ҳеч нарса тушунмасам ҳам, ўқийвердим, ҳижжалайвердим. Бу ҳали мумтоз шарқ шеъриятига кўзи очилмаган одамнинг филолог орзусидаги ўқиши эди. Навоийнинг қуёши менинг бу тайёргарликсиз, бехабар, енгил-елпи ўқишимни жизғанак қилиб ташлади. Лекин бу ўқишда Навоийнинг сайёраси беҳад улуғ эканлигини англадим. Унинг қошида, бу мумтоз бадиият олдида беҳудуд қўрқув ва эҳтиром уйғонди. Қўрқув уни тўла тушуниб етиш йўлида туғилган ожизликдан, эҳтиром – Навоий тасвирлаган, ифодалаган ҳиссиётлар ва сўзларнинг ёркин қудратидан эди. Ўқиш аъмо бўлса ҳам, Навоий ҳақида тасаввур ҳосил қилдим.

“Хамса”ни умрим қирққа етганда яна қўлга олдим. Бу ўқиш менга энди ўз-ўзим билан худди маънавий жанг каби эди. Яъни ўз жаҳолатим – Навоийнинг билмаслик жаҳолати билан жанг эди. Бу ўқиш – филолог сифатида анча тайёргарлик кўрган, Ойбек, Шайхзода, Бер-

тельс, Бартольд, Олим Шарафуддинов, Воҳид Зоҳидов, Убайдулла Каримов, Азиз Қаюмов, Тўхтасин Жалолов, Ҳоди Зариф, Ҳамид Сулаймон, Иззат Султон, Алибек Рустам ва бошқа яна қатор навоийшуносларнинг, аллома, удаболарнинг асарларини ўқиган, турли арабий, форсий, қадимги туркий ва Навоий асарларига чиқарилган қимматли луғатлар билан қуролланган эдим. Ихтиёримда яна "Хамса" достонларининг соҳиб дил кишилар адо этган насрий баёнлари ҳам мавжуд эди. Ўқишим узоқ давом этди. Охири шундай ҳис қилдимки, "Хамса" миямга, миям эса "Хамса"га айланди. Шундай уриниб бу бепоён асарнинг устки, биринчи қатламдаги маъно, мазмунини тушунгандай бўлдим. Навоийнинг ўзи ўз асари олдида бу қадар ҳайратга тушганлиги, лол қолганлигининг сири бирмунча очилгандай кўринди. У қандай хазиналар, бебаҳо дурлар қидириб, қандай ганжиналар ва оламлар топганлигини англадим. Лекин "Хамса" беканор уммон эди, менинг қайиғим эса кичкина ва мўрт.

Шунда мен замонамиз шоири Эркин Воҳидов 1960 йилда университет таҳсилини тугалларкан, "Садди Искандарий" достонидан диплом иши ёзишга журъат этганлигини эслаб ҳавасим келди. Назаримда ёш студент учун бу катта жасорат эди. Мен эса "Хамса"дан қўрқар эдим. Иккинчи бор тайёргарлик кўриб ўқиганимдан сўнг ҳам бу юксак бадиият ҳузуридаги қўрқиш мени тарк этмади. Навоийнинг сир-асрорига етишим – тўла муяссар бўлмаётганлиги, энг асосий нарса жуда узоқларда қолиб кетаётлигини ҳис қилиб яна ичимдаги қайсар мусоҳибга қулоқ тутаман: Навоийнинг ўзи тушунганидек тушуняпманми бу асарни? Навоий кузатган мақсадлар замондошларимизга тўла очилганми? Замондошларимиз Навоий – аллақандай етиб бўлмас инсон идеалларини, узоқ ўтмишларининг афсоналарини акс эттирган мутафаккир деб билмайдиларми? Нима бўлибди Искандар? Нима бўлибди Мажнун девона? Булар одамни сира ишонтирмади, дегувчилар озми? Компьютер ва электрон хатлар замонида Искандар бундан икки ярим минг йиллар аввал илк бор ойнадан батискаф ясатиб неча минг кемаларни баҳри муҳит сари йўллаб сув тагига тушгани, одамзоддан биринчи бўлиб номаълум дунё ва унинг махлуқларини кўргани эндиларда ғаройиб бир нарса бўлиб туюлмаслиги ҳам мумкин. Аммо биз бунга инсоннинг доим безовта билишга, ўз ақл мўъжизаларини намоён қилишга интилганлиги, тўхтовсиз фожиали қидиришларда бўлганлиги нуқтаи назаридан қарасак, афсона ва мифологиялар тагида туганмас инсон ҳақиқатлари ётганлигини кўрамиз. Гап шундаки, биз Навоийга қандай қараймиз?Юқоридан қараймизми ёки пастдан ёки фақат сиғиниш керак бўлган етиб бўлмас суюкли зот дебми?

Қандай қарамайлик, Навоий эскирди деган қараш ҳеч қачон тўғри бўлмаслигини ўзимизга таъкидлаб қўяйлик. Навоий сиз билан биздан қанчалар узоққа кетмасин, унинг одамийлик ғоялари, буюк изланишлари, фусункор муҳаббати – МУҲАББАТ ОЛЛОҲДАН! – ҳамиша сизу бизга энг яқин нуқтада туради, биз яқинлашиб борган сари у ҳам бизга нурафшон бағрини очиб яқинлашиб келаверади...

Дарвоқе, учинчи бор "Хамса"нинг нақшинкор дарвозаларини очиб, ҳазрат даҳоси солган тоқи равоқи кўкларга бўй чўзиб кетган рангоранг қасрлар ичига кириб бораётирмиз. Бир одамнинг умри керак экан "Хамса"ни ўқиш ва уқишга ва балки бир умр ҳам озлик қилади унинг воситасида одамда маъни кўзи, маъни назарининг очилишига. Ўқишлардан чиқарган хулосаларимдан бири шу бўлди. Инсон ва илоҳиёт сир-асрорлари ичра ниҳон бўлиб ётган "Хамса"нинг даргоҳига худди илгари ҳеч кирмагандек, бу гулшаннинг тенгсиз бўйёатирларидан сира баҳраманд бўлмагандек, мунаққаш қасри олийларни янгидан кўраёт-

гандек бўлаётирман. Сатрлар аро қулф уриб очилиб ётган гўзал бўстонлар, уларда руҳоний сафар меҳнат-машаққатини тўла чекиб ҳол-аҳвол даражотларининг сирларини очаётган мўъжизакор хилқатлар кўз ўнгимда маъно ганжиларини оҳиста бирин-кетин намоён қилаётгандайлар.

"Хамса" Навоийгача бўлган давр инсон тилсимларидан иборат. Бу тилсим каби яратилган мўъжизакор асар. Одам унинг тилсимлари қошида бу кунгача ҳайрат бармоғини тишлаб лол туради. "Ҳайратул-аброр"да валийларнинг тилсими, ахлоқий-руҳоний файзкорликлари, "Фарҳод ва Ширин"да фироқ, ранж, ҳажр оҳу дард саргаштасининг бошдан кечирган тилсимлари, "Сабъаи сайёр"да оворалик, надомат, ўкинч-армон билан тўлган тилсимлар, "Садди Искандарий"даги жаҳондорлик ва фазовий хаёлот тилсимлари – булар бари ҳам ер курраси, ҳам коинот миқёсларини касб этган инсон ақли изланишларининг эъжоз билан тўлиқ нуқталари – хаёлотнинг фазовий кенгликларга чиқиши – роз (сўфийлар учун нақадар лазиз дамлар!) дамларини кашф этиши ва яна орқага – қаро ер воқеаларига қайтиши – ҳамма-ҳаммаси харобот ва вайронагарчиликлар сари йўл тутади, деган, инсон бино бўлгандан буён энг фожиали қарорга келишдир. Ва бу фикрлар қаторида ислом ва сўфийлар учун фақат ва фақат Худо – боқий ва унинг гўзаллиги ва яратувчилиги ягона ва мангудир. Ҳамма гап шундаки, ушбу мангу азал гўзалликдан инсонга ҳам улуш – улуш бўлганда ҳам жуда катта, вақт тургунча етадиган улуш ато этилган. Энди икки оғиз тилсим ҳақида. Тилсимнинг усти бор, тилсимнинг ости бор. Навоий ва унинг қаҳрамонлариучун тилсим бу – сафар. Бу ўша Нақшбандийнинг сафари. Пайғамбарлар ва набийларнинг ҳақ амрига дуч келган сафарлари. Ҳазрат рисолатнинг меърожи. Ҳалилуллоҳнинг ўт – норга сафари. Рухуллоҳнинг хоч сари булар инсониятнинг мангу сафарлари, сафарлардан топган маърифатлари. Сафарларда инсоннинг ўз ички олами – кичик оламни таниш ва шу таниш орқали катта оламга – коинотга кўтарилиши бутун маъно-моҳияти билан мужассамдир. Навоий асарларидаги ўша нақшбандиёна сафарларда Платон, Аристотел, неоплатониклар, сўфийлар тушунчаси ҳамда тасаввурларидаги коинотни қамраб олган АҚЛнинг уч даражаси: АҚЛИ АВВАЛ, АҚЛИ ФАОЛ ва АҚЛИ КУЛЛўз тажассумини топади. Навоий ўз қаҳрамонларининг фаолияти, ҳиссиёт оламларида ўз дониший муҳокамаларида ана шу уч ақлнинг ҳолатларини намойиш қилади. "Хамса"нинг тилсимлари худди миямизнинг англаб бўлмас миллиардлаб чизиқлари каби ақлнинг даража ҳамда ҳолатлар – уларнинг сурурли онлари ва ҳам ўта фожиалидир. Ақл фақирлик, тақво ва ҳукмдорлик идеалларига эврилиб, бири-биридан қолишмайдиган фазовий миқёсдаги фожиали аҳволларни туғдиради.

Ақли кулл, яъни оламни бутунлай қамраб ётган азал интеллект – ўз туганмас саргузашт – сафарларида дам Қайс, дам Фарҳод, дам Ширин, дам Хусрав, дам Шеруя, дам Баҳром, дам Дилором, дам Искандар қиёфасига киради. Дам ўрганилаётган, куяётган Навоийга айланади, унинг барча ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик ҳаракатларида иштирок этади. Унинг ихлоси, ниятини тарбиялайди. Бу фазовий ихлос ва фазовий ниятни учинчи бебаҳо фазилатга – ниёзга айлантиради.

Гап бу уч ноёб ҳодиса ҳақида кетаётган экан, шундай ўринли савол туғилади: ихлос, ният, ниёзда инсоният тарихида Навоийга тенглашадиган зот бўлганмикин? Навоийга ўша дунёни илм билан қамраб олган ақли кулл – интеллект нуқтаи назаридан қарасак, унинг ихлоси – тимсол, нияти тимсол, ниёзи тимсолдир. Шу тимсоллар Навоийнинг энг гўзал тилсимлари қаторига киради. Навоийнинг "Хамса"даги барча хос маънилари шу тим-

соллар ва тилсимларнинг олий даражадаги эврилишлари ва файз топишларидан бошқа нарса эмас.

Буларни айтяпману ичимдаги эътирозгўйим менинг муҳокамаларимга қўшилармикин ёки ўзининг прагматизми ва рационализми билан уларни худди бульдозер каби янчиб ташлармикин, деб ўйга толаман. Ичимдаги ишонмаган шарпани Навоийни янада чуқурроқ ўқишга чорлайман...

"Хамса"нинг сўнгги бобида Шекспир, Данте, Хомер, Вергилий қаламларига лойиқ бир ҳолат бор. Бунда кўз ўнгимизда бирдан Шайх Низомий хайулоси – (шарпаси ёки сурати) – пайдо бўлади. У "Хамса"ни якунлаётган Навоийни буюк бир лутфкорлик кўргизиб алқайди. Шайх Низомийнинг бу сўзлари "Хамса" ва унда Навоий бино қилган тилсимларнинг калитидир. Низомийнинг сўзлари "Хамса"нинг сир-синоатига тўлиқ дарвозаларини қия очишга кўмаклашади.

"Магар сенки бу йўлга қўйган қадам
Вужудинг хаёлини қилдинг адам",-

дейди чунончи Низомий.

Вужуд хаёлини йўқотиб, яъни ўзлигидан тамомила воз кечиб ва батамом Шайх Низомий хайулосига сингиб кетибгина Навоий бошқалар ўн йилларча ўтириб ёзган пентаграммани икки йилда тугаллашга муваффақ бўлади. Низомий буни Навоийнинг поклигидан кўради. Ниятини улуғ қилиб, улуғ инсонлар йўлини тутгани – тарихи ниёз шартларини ошириб адо этганлиги учунгина Навоий ақлни лол қолдирадиган ижодий жасоратида юксак муваффақият қозонди. Навоий ихлос, ният, ниёз тариқани тўла адо этибгина ўзи учун муҳим нарсага – роз аҳлининг ишончини қозонишга муяссар бўлди.

Навоий "Хамса", "Лисон ут-тайр", "Хазоин ул-маоний" асарларида ўзи эътиқод қўйган улуғларнинг висолига етишди. "Ҳаёти абад васл айёмидур", деганда у шу ўзи эришган нарсани айтган эди. Шайх Низомий яна ўз алқовида шундай тилга киради.

"Ки келди замонида сендек киши
Ки эрмас ишинг одамизод иши"...

Навоий "Хамса"си ва бошқа барча асарларини ўқиган киши бу сўзларда заррача муболаға йўқлигини ҳис қилади.

Менинг гапга кўнмас қайсар мубоҳисимга яна нима дей?

Шарқона маданият деган тушунча бор. Жомийлар, Лутфий, Атойи, Бобур, Машраблар, Фитрат, Қодирий, Беҳбудий, Чўлпонлар шарқ халқларининг зиёлилари шундай шарқона маданият, одоб-икром, фасоҳат, ихлос ва буюк ниёз эгаси бўлган эдилар. Улар шарқона маданиятнинг, маданиятли бўлишнинг эталони – андозасини яратганлар. "Хамса"ни ўқиш, унинг сирларини эгаллаш, унинг океанида ҳаёт маърифатини орттириш бу – шарқона маданиятнинг ва маданиятлиликнинг соф эталонидир. Маъни аҳли бўлиш шу эталоннинг белгиси. Навоийнинг ҳудудсиз комиллик йўлларида гўзал инсон бўлиб етишмоқ, орифона маданият орттирмоқ лаззати ҳамиша бор...

НАВОИЙ ТИЛИНИНГ ИЛМИЙ УСЛУБИ

Бердақ ЮСУФ

Тил услублари тарихий ҳодиса бўлиб, у ўзининг пайдо бўлиш, шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. Адабий тилнинг алоҳида микросистемаси ҳисобланган "вазифавий услублар аслида ривожланган адабий тилнинг феноменидир."[1]

Вазифавий услублар турли олимлар томонидан турлича классификация этилади. Масалан, М.Н. Кожина: 1) илмий 2) расмий иш қоғозлари, 3) публицистик, 4) бадиий адабиёт услуби, 5) оғзаки сўзлашув нутқи.[2] А.Ғуломов вазифавий услубни олдин учга бўлади: сўзлашув, китобий ва бадиий услуб. Сўнгра китобий услуб яна учга бўлинади...[3] А. Шомақсудовлар эса уларни қуйидаги қисмларга бўлади: 1) сўзлашув стили; 2) расмий стиль; 3) илмий стиль; 4) публицистик стиль; 5) бадиий стиль.[4] Қўнғуровлар ҳам тил услубларини бешга бўлади: сўзлашув, илмий, расмий иш қоғозлари, публицистик, бадиий.[5] Юқорида А.Ғуломов классификациясини ҳисобга олмаганда бошқалари деярли бир хил. Бизнингча ҳам, мазкур классификациялар мантиқан тўғри. Услуб турларини аниқлашда ифода мақсади, шунингдек жанр ва асар мазмунидан келиб чиқиш керак.[6]

Баъзи олимлар «вазифавий услублар» терминининг ўрнига «тилнинг вазифавий турлари» терминини қўллашни афзал кўради- лар.[7] Улар вазифавий турлар сифатида қўйидагиларни келтиришади: «иш коғозлари, публицсистик, илмий ва илмий оммабоп, информацион (масалан, газета хроникаси), маиший (кундалик маиший мавзуга оид суҳбат)».

Муаллифлар «вазифавий услублар» ўрнига «вазифавий турлар» терминини қўллашнинг афзаллигини қуйидагича изоҳлашади: "Тилнинг вазифавий турлари»ни кўпинча вазифавий услублар деб аташади. Лекин бундай ҳолатда икки терминнинг ноқулай омонимияси пайдо бўлади: олий - нейтрал - сўзлашув услублари мавжуд. Уларни М.В.Ломонов давридан бери услублар деб аташ қабул этилган. Бу ерда номни ўзгартириш ўринли бўлмас эди. Шунинг учун вазифавий услублар номи ўзгартирилди. (Бу термин унча узок тарихга эга эмас. У XX асрдан нарига ўтмайди.): Улар бу китобда тилнинг вазифавий турлари деб аталди". 2 Бизнингча, вазифавий услублар терминининг ўзи мақул. Чунки мазкур атама рус ва бошка тиллар томонидан аллақачонлар ўзлаштирилган.

Вазифавий услублар узоқ тарихга эга. Э.Р. Тенишев "Ирқ битиг", "Йогашатик шастир" каби ёзма ёдгорликлар тилини ўрганиб, қадимги уйғур адабий тилида қуйидаги олтита вазифавий услуб борлигини қайд этади: диний (фалсафий-дидактик) адабиёт, бадиий адабиёт, илмий асарлар, иш ҳужжатлари, шахсий ёзишмалар ва шеърий асарлар3. Э.Р. Тенишев негадир шеърий асарлар услубини бадиий асарлар услубига қўшмасдан алоҳида услуб сифатида беради. Шуни қайд этиш лозимки, рус ва ўзбек тилшунослари томонидан амалга оширилган вазифавий услублар классификациясининг барчасида илмий услуб бор.

[1] Туманян Э.Г. Язык как система социолингвистических систем. М.1985, с.183.
[2] Кожина М.Н. Стилистика русского яыка. М.1977, с.40.
[3] Ўзбек тили дарслиги. Тошкент, 1977,30-34- бетлар.
[4] А. Шомақсудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров,Ҳ.Рустамов.Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, 1983,13-бет.
[5] Р.Қ.Қўнғуров,С.А.Каримов,Т.И.Қурбонов. Ўзбек тилининг функционал стиллари. Самарқанд,1984,5 бет.
[6] В.В.Виноградов. О языке художественной литературы. М.1959,с.91.
[7] В.А. Белошапкова, Е.А. Земская, И.Г. Милославский, М.В. Панов. Современный русский язык. М.1981, с.18.

Ўзбек тилида, умуман туркий тилларда илмий услубнинг пайдо бўлиши ҳақида бир-бирига зид турли қарашлар мавжуд. Шўро даврида кўпчилик тилшунослар мазкур услуб туркий тилларда Октябрь инқилобидан олдин йўқлиги, у фақат Октябрдан сўнг пайдо бўлганлигини иддао этишади. Жумладан, "Ўзбек тили стилистикаси" китобида "Улуғ октябрь социалистик революциясидан сўнг эса бадиий стиль бойиди ва тараққий қилди. Публицистик стиль шаклланди, умумхалқ тили заминида расмий, илмий сингари янги нутқ стиллари вужудга келди"[1]. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий услубини махсус ўрганган М. Мукаррамов шундай ёзади: "Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнггина шаклланди ва тараққий этди. Улуғ Октябрдан кейин маданий революциянинг амалга оширилиши: саводсизликни тугатиш, мактаб, олий ўқув юртларининг очилиши ва уларда ўқиш ва ўқитишнинг миллий тилларда олиб борилиши, илмий-назарий билимларнинг системали ўқитилиши, миллий интеллигенциянинг юзага келиши, рус тилидан ўзбек тилига илмий-назарий адабиётларнинг таржима қилиниши, дарслик, қўлланма, программаларнинг кўп сонли тиражларда босилиши, илмий марказларнинг очилиши каби экстралингвистик факторлар таъсирида ўзбек тилининг илмий стили юзага келди"[2].

Қозоқ тилшуноси А.И. Исхаков: "Ёзув пайдо бўлгунга қадар қозоқ адабий тилида илмий услуб йўқ эди. Услуб расман шаклланмади, қолаверса татарлашган эди.

Ўз сафида Аббос Жавҳарий, Абунаср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Улуғбек, Муҳаммад Ҳайдар ва бошқаларга ўхшаган машҳур корифейлар бўлган шарқ илми, асосан араб ва форс тилларида ёзилган . Бу тиллар халққа, жумладан қозоқ халқига бегона эди. Шунинг учун илмий услуб умумтурк адабий тилида мустаҳкам анъанага эга эмас эди,"[3] -дейди.

А.И. Исхаковнинг "қозоқ адабий тилида илмий услуб йўқ эди," деган фикрига қўшилиш мумкин, аммо "умумтурк адабий тилида илмий услуб мустаҳкам анъанага эга эмас эди" деган фикрига қўшилиш қийин. Чунки VIII-X аср туркий ёзма ёдгорликлар тилида илмий услубнинг мавжудлигини Э. Р. Тенишев ўз мақоласида кўрсатган.[4]

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Шўролар даврида Марказда чоп этилган баъзи тилшуносликка оид асарларда бадиий, илмий, публицистик, расмий асарлар услублари ҳақида фикр юритилиб, қадимдан ёзувга эга тиллар - татар, ўзбек, озарбайжон, уйғур тилларида " бу услублар олдин ҳам қисман мавжуд эди,"[5]- деб бошқа услублар қатори илмий услуб ҳам қадимда бор бўлганлиги тан олинган. Шунингдек, барча услублар мавжуд бўлганлиги ҳақида Э.Г. Туманян шундай ёзади: "Маълумки, СССР даги бир қатор қадимдан ёзувга эга бўлган масалан, арман, грузин, литва, эстон ва бошқа тиллар ривожланган услублар тизимига эга эдилар".[6] Ўтган аср охирларида "Фунун ул-балоға" асарининг топилиши маданиятимиз тарихида катта воқеа бўлди. Шайх Аҳмад Тарозийнинг ушбу балоғат илмига оид асари 1436-1437 йилларда эски ўзбек адабий тилида ёзилган.

[1] В.А. Белошапкова, Е.А. Земская, И.Г. Милославский, М.В. Панов. Современный русский язык. М.1981, с.19.
[2] В.А. Белошапкова, Е.А. Земская, И.Г. Милославский, М.В. Панов. Современный русский язык. М.1981, с.18-19.
[3] Э.Р.Тенишев. Функционально-стилистическая характеристика древнеуйгурского литературного языка // Социальная и функциональная дифференциация литературных языков.М.1977,с.63.
[4] А. Шомақсудов, И.Расулов, Р. Қўнғуров, Ҳ. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси, Тошкент, 1983, 12-бет.
[5] М.Мукаррамов. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент, 1984, 3-4 бетлар.
[6] А.И. Исхаков. Вопросы становления и развития стилей казахского литературного языка// Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. Ашхабад, 1968, с.180.

А. Ҳайитметов мазкур асар ҳақида: “Фунун ул- балоға” ўзбек тилидаги адабиётнинг назарий масалалари бўйича илк мукаммал қўлланма бўлиши билан бирга шеърий тазкира характеридаги бир асар ҳамдир”[1]- дейди.

Асар муаллифи баъзан бирор истилоҳга изоҳ бермоқчи бўлса, аввал унинг луғавий маъносини келтиради, сўнг эса истилоҳ сифатидаги маъноси берилади: Масалан, тарсеъ луғатта олтун, кумушга жавоҳирни ўрнатмоқни айтурлар. Ва истилоҳ бирла тарсеъ ул бўлурким, ҳар калимаким, аввалғи мисрада келур, сўнгғи мисранинг ҳар калимасин ул калималарнинг муқобаласинда келтуруб, вазн бирла мувофиқ ва лафз бирла муттафиқ ва охир ҳарф бирла муттаҳид қилурлар[2].

Шайх Аҳмад бу асарни ёзишдан олдин у бу мавзуда араб ва форс тилларида ёзилган асарлар билан танишиб чиқади. Ўша даврда ҳали ўзбек тилида бундай асар ёзилмаганлиги туфайли, терминлар изоҳида форсча, арабча сўзлар ва изофалар тез-тез учраб туради: мисоли дигар каби. Шунингдек, бирон термин изоҳлангандан кейин келтирилган ўзбекча мисоллардан ташқари, баъзан форс адабиёти намояндалари асарларидан форсча ва Қуръондан арабча ўрнаклар берилади.

“Фунун ул-балоға”ни тадқиқ этган Ж. Йўлдошбеков бу ёзма ёдгорлик ҳақида “Мазкур рисола, ҳозирча, туркий тилда яратилган биринчи илмий асар ҳисобланади. Чунки илмнинг бирор тармоғи бўйича туркий тилда яратилган бошқа асар бугунгача фанга маълум эмас”[3], -дейди. Бу фикрга қўшилиш қийин, албатта. Чунки туркий тилда, аниқроғи қадимги уйғур тилида тиббиётга ва астрономияга оид асарлар ёзилган.[4] Шунинг учун “Фунун ул-балоға”ни туркий тилда эмас балки, ўзбек тилида ёзилган илк илмий асар дейиш тўғри бўлади. Мазкур асарни адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этган А. Ҳайитметовнинг “У ўзбек тилидаги биринчи илмий асар”[5] деган фикри жуда ўринлидир.

Юқорида айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида услублар, жумладан илмий услуб Октябрь инқилобидан кейин пайдо бўлган эмас. Унинг пайдо бўлиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Е.И. Убрятова бу ҳақида шундай ёзади: “Менимча, “услуб” термини жуда тор маънода ишлатилади. Албатта ёзма адабий тилда тилнинг турли услублари анча ривожланган ҳолда намоён бўлди, лекин барибир бу билан тилга тегишли унинг ҳамма соҳасида услубнинг барча ранг-барангликлари тугамайди.

Бир тил оғзакими ёки ёзмами, яқинда ёзувга эга бўлганми ёки қадимдан ёзувга эгами “услуб” тушунчаси ҳар қандай тилга хос. Афтидан, бу тил тараққиётининг жуда қадимги даврига хосдир”[6].

Энди биз Навоийнинг “ Мезон ул-авзон ” асарининг илмий услуби ҳақида фикр юритамиз. Тилнинг тарихий тараққиётига боғлиқ ҳолда услуб тушунчаси ўзгариб боради. Алишер Навоий услуб деганда турни тушунади: У назмни насрдан устун қўяди.

[1] Э.Р.Тенишев. Функционально-стилистическая характеристика древнеуйгурского литературного языка // Социальная и функциональная дифференциация литературных языков.М.1977,с.63.
[2] Закономерности развития литературных языков народов СССР в советскую этоху. М.1969, с.48.
[3] Э.Г.Туманян. Язык как система социолингвистических систем. М.1985, с.193.
[4] А. Ҳайитметов. Адабиётдан туркийда биринчи назарий қўлланма. Ўзбек тили ва адабиёти, 2002,N1,70-бет.
[5] Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. Ўзбек тили ва адабиёти. 2002, N4, 78-бет.
[6] Ж. Йўлдошбеков. “Фунун ул-балоға” ва ўзбек адабиётшунослиги. Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, N 5, 33-бет.

Бўйла сўз фаннида чиқарғон исм,
Қилди услубини анинг ики қисм.
Ҳар киши қилмоқ истаса маълум,
Бири мансур эрур, бири манзум.
Насру назми ангаки мудракдур,
Назмининг пояси бийикракдур (Сабъаи сайёр, Х-35).[1].

Ўрта асрларда аруз вазнининг қўллана бошлаши туркий халқлар адабиёти, жумладан ўзбек адабиётининг ривожланиши натижасида мазкур вазн ҳақида ўзбек тилида асар ёзиш эҳтиёжини келтириб чиқарди.

Шоир "Мезон ул-авзон" ни ёзиш сабабини рисоланинг охирида шундай изоҳлайди: "Ғараз бу мақолотдин ва мақсуд бу муқаддимотдин бу эрдиким, чун турк алфози билаким назм воқеъ бўлубдур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркандур ва ул фан ривожи учун киши аруз фаннида китобе ё рисолае битмайдур".[2] Шундан кейин давом этиб, Ҳусайн Бойқаро аруз вазнида девон тузгани туфайли шеърнинг мартабаси ошгани, араб ва форс шоиру олимлари аруз илми ҳақида китоблар ёзгани, аммо туркий тилда бирон та бундай китоб ёзилмаганлиги, шунинг учун бу асарни ёзганлигини қуйидагича баён этади: "Бу хужаста замондаким, замон подшоҳи девон тартиб бердилар, муборак хотирларин шеър вазниға ва байт тақтиъиға машғул қилдилар, бу жиҳатдан туркий шеърнинг пояси порсий шеъридан ўтти ва байтнинг мартабаси байтул-ҳарамға етти. Ҳаройина ким, мулойимтаблиқ озодалар, балки қобили фаҳму зеҳнлик шаҳзодалар бу шариф илмға иштиғол кўргузадурлар ва буҳур ва авзони ва тақтиъи ва зиҳофоти ва давойири илмидинки араб фусаҳоси ва ажам булағову шуароси ул илмда китоблар тасниф қилибдурларки онсиз бу фанға вуқуфи ва шуури бўла олмас, бу алфоз назмида йўқ эрди ва Султон ус-салотиннинг муборак хотирлари мунга мултафит, андоққи китобнинг ибтидосида мазкур бўлди, бу таълифға боис ва таснифға сабаб бўлди, бу сабабдин бу илм зобитасиға қалам сурулди"[3].

Навоий "Мажолисун-нафоис «асарида шоир ва олим Дарвеш Мансур ҳақида ёзганда "фақир арузни Дарвеш қошида ўқубмен" деб, ўзининг аруз илмини ундан ўрганганлигини таъкидлайди. Навоий "аруз фани шариф фандур"[4] деб, арузни улуғлайди, бу фаннинг асосчиси Халил ибн Аҳмад эканлигини ёзади. Маълумки, аруз мураккаб ва ўта чигал фандир. Шунинг учун у ўзидан олдин ўтган олимларнинг аруз илми ҳақидаги араб ва форс тилларида ёзилган Ибн Ҳожибнинг (XIII аср) "Илм ул-аруз", Рашидиддин Ватвотнинг (XII аср) "Ҳадойиқ ус-сеҳр", Хожа Насириддин Тусийнинг (XIII аср) "Меъёр ул-ашъор" каби асарларини синчиклаб ўрганган. Лекин Навоий XV аср биринчи ярмида ўзбек тилида ёзилган ва катта бир қисми арузга бағишланган "Фунун ул-балоға" ҳақида ҳеч бир маълумот бермайди. Афтидан у мазкур асар борлигини билмаган бўлса керак. Қизиғи шундаки, Бобур арузга бағишланган "Мухтасар" китобида мазкур асарни эсга олади, Аҳмад Тарозийнинг

[1] Э.Р.Тенишев. Функционально-стилистическая характеристика древнеуйгурского литературного языка// Социальная и функциональная дифференциация литературных языков.М.1977,с.69.
[2] Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. А. Ҳайитметов нашрга тайёрлаган. Тошкент, 1996, 24-бет.
[3] Е .И. Убрятова. О понимании стиля и о стилях в якутском языке//Развитие стилистических систем литературных
языков народов СССР. Ашхабад – 1968, с.307.
[4] Мисоллар Алишер Навоийнинг 1987 – 2003 йилларда нашр этилган йигирма жилдли мукаммал асарлар тўплами ва шоирнинг Анқарада 1993 йил нашр этилган Mizanu'l - Evzan (ME)асаридан олинди.

шеърларидан мисоллар келтиради. “Мухтасар”нинг С. Ҳасан тайёрлаган нашрида Тарозий Тирозий шаклида берилган.[1]

Шуни таъкидлаш лозимки, Хуросондан бошқа жойларда ёзилган Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” (Хоразм, 1353 й.), Сайфи Саройининг “Гулистон бит-туркий” (Миср, 1390-1391), Ҳофиз Хоразмийнинг “Девон”и каби асарлар ҳам Навоий асарларида тилга олинмайди. Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарини танқидий нашрини амалга оширган Кемал Эраслан “ аруз ҳақида илк туркий рисола ёзган” киши Навоий эканлигини таъкидлайди[2]. Кўриниб турибдики, К. Эраслан ҳам “Фунун ул-балоға” асаридан бехабар бўлган. Навоийнинг “Мезонул-авзон”ида муқаддима, аруз терминининг луғавий маъноси, саккизта солим тафъила, ушбу тафъилалардан ҳосил бўлган зиҳоф ва фаръолар, баҳрлар жойлашган доиралар, шеър тақтиъйи, баҳр вазнлари ўрин олган. Шунингдек, Навоий арузда ёзилган туюғ, қўшуқ, чинга, муҳаббатнома, туркий каби шеър турлари ҳақида атрофлича тўхталади.

Асар охирида аруздай муҳим ва шарафли фан ҳақида туркий тилда биронта ҳам асар йўқлиги учун мазкур рисолани ёзганлигини таъкидлайди. Ҳар бир илмий соҳа ўзининг юзлаб, минглаб терминларига эга бўлган терминалогик тузилишига эга. Навоийнинг

“Мезон ул-авзон” илмий прозаси илмий услубда ёзилган асардир. Мазкур асарнинг услубига хос хусусияти унда жуда кўп махсус терминларнинг мавжудлигидир. Ушбу терминлар аруз назариясига оид мураккаб тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилган. Келиб чиқиши жиҳатдан асосий кўпчилиги араб тилига хос бўлган мазкур атамалар қўйидагилардир: алиф (МЕ-30), автод (МЕ-14), авзон (МЕ-14), ахраб (XVI-48), аносир (МЕ-11), аразворий (МЕ-60), аруз (МЕ-33) арузий (МЕ-15), афоъил (МЕ-30), асл (МЕ-15), аслам (XVI-51), асрам (МЕ-53), атф (XVI-60), атф вови (МЕ-31), аҳтам (МЕ-16), аркон (МЕ-15), аслам (МЕ-20), асрам (МЕ-20), аштар (XVI-65), авзон (МЕ-13), азалл (МЕ-16), батар (МЕ-16), баҳр (XVI-52), баҳри басит (МЕ-57), баҳри жадид (МЕ-51), баҳри хафиф (МЕ-51), баҳри ҳазаж (МЕ-33), баҳри комил (МЕ-57) , баҳри қариб (МЕ-51), баҳри мадид (МЕ-57), баҳри муқтадаб (МЕ-48), баҳри музориъ (МЕ-46), баҳри мужтасс (МЕ-49), баҳри мунсариҳ (МЕ-44), баҳри мушокил (МЕ-52), баҳри мутадорик (МЕ-54), баҳри мутақориб (МЕ-53), баҳри ражаз (МЕ-41), баҳри рамал (МЕ-43), баҳри сарий (МЕ-50), баҳри тавил (МЕ-57), баҳри вофир (МЕ-57), батар (МЕ-15), байт (XVI-59), бино (XVI-52), биҳор (XVI-52) буҳур (МЕ-12), жаҳф (XVI-49), жабб (МЕ-16), жадъ (МЕ-19), жузв (XVI-48), жадид (МЕ-53), чинга (XVI-92), доира (XVI-84), доираи мухталифа (МЕ-23), доираи муъталифа (МЕ-22), доираи мужтамиъа (МЕ-26), доираи мухталита (XVI-58), доираи муштабиҳа (XVI-59), доираи муттафиқа (МЕ-24), доираи мунтазиа (XVI-55), дарб (МЕ-33), дапур баҳо (МЕ-91), дубайтий (МЕ-36), абтар (МЕ-20), ажабб (МЕ-16), ажзо (МЕ-24), адвор (МЕ-60), афоъил (XVI-59), фосила (МЕ-13), фосилаи кубро (МЕ-14), фосилаи суғро (МЕ-24), фанн (XVI-45), фаръ (XVI-48), фатҳа (МЕ-30), фуруъ (XVI-48), хабл (МЕ-18), хабн (МЕ-16), ҳаракат (МЕ-32), ҳазажи ахрам (МЕ-37), харб (МЕ-15), харм (МЕ-15), ҳашв (МЕ-33), ҳазф (МЕ-19), ҳазз (МЕ-18) ҳамза (МЕ-30), ҳатм (МЕ-16), ҳуруф (МЕ-30), хумосий (МЕ-20), хумосиййот (МЕ-24), ибтидоъ (МЕ-33), ишбоъ (МЕ-30), искон (МЕ-17) исқот, (МЕ-17), изола (МЕ-18), қариб (МЕ-26), қаср (МЕ-19), қатъ (МЕ-17), кафф (МЕ-16),

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. Мезонул-авзон. Тошкент, 2000.94-бет.

[2] Alişir Nevayi. Mizanu’l – evzan. Hazîrlayan Prof . Dr. Kemal Eraslan. Ankara , 1993, 61-бет.

қабз (МЕ-15), касирул-вуқуъ (XVI-47), касра (МЕ-30), кашф (МЕ-19), қўшуқ (МЕ-58), махбул (МЕ-19), махбули музол (МЕ-18), махбун (МЕ-18), махбуни маҳзуф (МЕ-17), махбуни мақсур (МЕ-17), махбуни матвии макшуф (МЕ-19), махбуни макшуф (МЕ-19), махбуни мавқуф (МЕ-19), махбуни мусаббағ (МЕ-17), махбуни мураффал (МЕ-18), махбуни музол (МЕ-18), маҳзуф (МЕ-17), матвии макшуф (МЕ-19), матвийи мавқуф (МЕ-19), матвийи мураффал (МЕ-18), матвийи музол (МЕ-18), мажҳуфи мусаббағ (МЕ-17), маждуъ (МЕ-19), макфуф (МЕ-17), макшуф (МЕ-19), манҳур (МЕ-19), марфуъ (МЕ-18), мавқуф (МЕ-19), мавзун (МЕ-15), мисраъ (XVI-56), мухаллаъ (МЕ-50) , мажҳуфи мусаббағ (МЕ-17), мақтуи мусаббағ (МЕ-17), махбуни мусаббағ(МЕ-17), мураффал (МЕ-18), мусамман (МЕ-26), мустаҳдас мушас (МЕ-17), мушокил (МЕ-26), мушокили макфуф (МЕ-25), мушаббад (МЕ-30), мушаддас (МЕ-30), мутаҳаррик (МЕ-14), музол (МЕ-18), наҳр (МЕ-19), номавзун (МЕ-13), ўзан (МЕ-60), ўзмақ (МЕ-60), рабъ (МЕ-17), рафъ (МЕ-19), ракзул-хайл (XVI-87), рамал (МЕ-20), рубоий (XVI-66), садр (МЕ-33), сокин (МЕ-14), солим (МЕ-33), савтун-ноқус (XVI-87), сабаб (МЕ-13), сабаби хафиф (МЕ-13), сабаби сақл (МЕ-14), салм I (МЕ-20), салм II (МЕ-19), сарм (МЕ-19), субоий (МЕ-20), субоиййот (XVI-52), шатар (МЕ-16) , шакл (МЕ-16), тахлий (XVI-49), тақтиъ (МЕ-30), тавил (МЕ-20), тайй (МЕ-17), тарона (МЕ-36), тарфил (МЕ-18), тасбиғ (МЕ-17), тафоъил (МЕ-115), ташъис (МЕ-17), туркий (XVI-94), туюғ (XVI-91), урғуштак (МЕ-58), услуб (МЕ -58), усул (XVI-88), вақф (МЕ-19), ватад (XVI-49), ватади мажмуъ (XVI-50), ватади мафруқ (МЕ-15), вазн (МЕ-12), замма (МЕ-30), залал (МЕ-16), зиҳоф (МЕ-15), зиҳофот (МЕ-16). Кўриниб турибдики, келтирилган аруз назариясига хос терминлар юқорида айтилганидай, асосан араб тилига оиддир. Умуман барча соҳага оид Навоий қўллаган терминларнинг асосий қисми арабча ва форсчадир.Шунинг учун баъзи олимларнинг “Алишер Навоий ишлатган атамаларнинг кўпчилиги келиб чиқиши жиҳатдан ўзбекчадир,”[1]-дейишлари ҳақиқатга тўғри келмайди. Шоир асарларида хорижий сўзларнинг кўплаб учрашининг сабаби Навоий барча асарларини жумладан “Мезон ул-авзон”ни ҳам юксак услубда ёзганлигидадир. Ўша даврда юксак услуб арабча, форсча сўз ва терминларни кўп қўллашни тақозо этар эди. Умуман, Навоий давригача ва унинг даврида ҳам илмий асарлар асосан араб тилида ёзилган. Ана шу анъана таъсирида туркийча илк илмий асарларда арабча терминлар донор тилдан тайёр ҳолда олинган. Ушбу махсус терминлар матнга услубий бўёқ беради: Аммо маълум бўлсунким, аруз фаннида назм авзони усулининг биносин уч рукнга қўюптурларким, аларни “сабаб” ва “ватад” ва “фосила”дебдурлар (МЕ-13); Араб ва ажам шуаросининг жамиъ ашъори мураккаб бу аркон ижтимоъидиндур ва аруз аҳли ани “афоъилу тафоъил” дерлар. Ва ул саккиз аслға мунҳасирдур (МЕ-15); Мунсариҳ ва музориъ ва муқтазаб ва мужтасс ва сариъ ва жадид ва қариб ва хафиф ва мушокил биноси субоъиётқадурки анда ихтилофдур, солимларини бир доирада жамъ қилмайдурлар (МЕ-23); “Харм” мафоъийлун “мим”ининг исқотидур, то фоъийлун қолғай ва мафъулун анинг ўрниға қўйулғай (МЕ-15). Арузга оид илмий терминлар баъзан изофали бирикмалардан ташкил топган бўлади. Мушокили мусаммани макфуфи мақбуз (МЕ-157); Мутақориби мусаммани маҳзуфи арузу дарб (МЕ-159); Аммо мунсариҳи матвий ва музориъи макфуф ва муқтадаби матвий ва мужтасси махбунки мусамманул-ажзодурлар, бир доираға қўюп, доирани мухталифа депдурлар (МЕ-23); Ва сариъи матвий ва жадиди махбун ва қариби макфуф ва хафифи махбун ва мушокили макфуфки мусаддасул-ажзодурлар(МЕ-25).

[1] Alişir Nevayi. Mizanu’l – evzan. Hazîrlayan Prof . Dr. Kemal Eraslan. Ankara , 1993, 13-бет.

Терминларнинг кўплиги туфайли илмий адабиёт услуби китобийлик, мураккаблик касб этади. Илмий услубнинг асосий сатҳларидан бири бўлган "логик изчиллик абстракт отлар ва терминларнинг кўп қўлланишида, фикрнинг бир-бирига мантиқий боғланишида, изчил баён этилишида, такрорнинг кўп бўлишида, такрорнинг илмий нутқ учун норма эканлигида акс этади"[1].

Агар VIII-IX асрлардаги трактатлар ва астрономияга оид ёзма ёдгорликлардаги олинма терминлар билан XV-XVI асрлардаги олинма терминларни солиштирсак, XV-XVI асрларда ўзлашган терминлар кўпчиликни ташкил этганлигини кўрамиз. Чунки бу даврга келиб туркий тилга, ўзбек тилига араб ва форс тилларининг таъсири жуда кучайиб кетган эди. Бу ҳақида озарбайжон олими В. Асланов шундай ёзади: "Одатда деярли барча ўрта асрлар туркий ёзма манбаларда (жумладан, Саккокий, Атойи, Навоий, Аҳмад Доий, Шайхўғлу, Баки, Насимий, Кишварий, Фузулий ва бошқаларнинг тилида араб ва форс лексик унсурлар поэтик асарлар умумий лексикасининг 80-90 % ини ташкил этади. Араб-форс поэтик анъанасига содиқ қолароқ, ўрта аср туркий тилли поэзияга хос бўлган тумтароқли, трафарет иборалар, шоирлар ўзларининг поэтик нутқида асосан ўрта асрлар форс тилли поэзияга хос поэтик шаблонлар қўллаганлар"[2].

Терминологик лексикадан ташқари илмий услубга оид илмий адабиётларда умумилмий лексика тушунчаси ҳам мавжуд. "Умумилмий сўзлар илмий тушунчалар англатиши жиҳатидан терминологик лексикага яқин турса, бирор фан доираси билан чегараланиб қолмай, барча фанларга оид илмий адабиётларда кенг қўлланиши билан терминологик лексикадан фарқ қилади."[3] "Мезонул-авзон" да қуйидаги умумилмий сўзлар учрайди: услуб (МЕ-11) жадвал (МЕ-11), илм (МЕ-61), усул (МЕ-58), фан (МЕ-12), қоида (МЕ-12), қавоид (МЕ-12). Султонус-салотиннинг муборак хотирлари мунга мултафит,андоққи, китобнинг ибтидосида мазкур бўлди, бу таълифға боис ва таснифға сабаб бўлди ва бу сабабдин бу илм зобитасиға қалам сурулди (МЕ-61); Ҳаройинаким, мулойимтабълиқ озодалар, балки қобили фаҳму зеҳнлик шаҳзодалар бу шариф илмға иштиғол кўргузадурлар..... (МЕ-61); Аммо билгилки аруз фанниким, назм авзонининг мезонидур, шариф фандур, нейучунким назм илмининг рутбаси бағоят бийик рутбадур (МЕ-12); Пас собит бўлдиким, аруз фанни шариф фандур. Ва буким, бу илмни нейучун "аруз" дедилар, мухталиф ақвол бор (МЕ-13).

"Мезон ул-авзон" да айрим умумистеъмол лексика баъзан илмий услубда ўзининг умумистеъмоллигини йўқотиб терминологик маъно касб этиши мумкин. Масалан, Навоий асарларида "туркий" умумтилга оид сўз ўлароқ "туркий халқларга хос" деган маънони англатади. Аммо қуйидаги матнда умумистеъмоллик хусусиятини йўқотиб, терминологик маъно касб этган: Ва яна сурудедурким, ани "туркий" дебдурлар. (МЕ-60). Бундай мисолларни Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асаридан кўплаб келтириш мумкин. Мазкур асарда тасаввуф терминларининг аксарияти олдин умумистеъмол лексикасига оид бўлган.

сўз	маъноси	термин	маъноси
бут	бут, санам	бут	нафс
даргоҳ	остона	даргоҳ	такка
дард	ғам, алам	дард	илоҳий ишқ
жонон	севгили	жонон	оллоҳ

жунун	жиннилик	жунун	ҳақ ошиқларининг жинни бўлмаса ҳам, жиннидай кўринишлари
илм	билим,илм	илм	ирфон, маърифат, ўзини билиш
маъно	маъно	маъно	ҳақиқат, маърифат
матлуб	ёр,севгили	матлуб	Оллоҳ
шайх	кекса	шайх	муршид,пир

Демак бундай сўзлар бир матнда оддий сўз бўлса, бошқа бир матнда термин ҳисобланади. Уларнинг терминлик мақомига эга бўлиши матн характерига боғлиқдир. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам умумистеъмол сўзларининг термин бўлиб келиши кўп учрайдиган ҳодисадир. Фитрат ўтган аср бошларида термин ясашда мана шу усулдан фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб шундай ёзган эди: "Насроний ҳаёт мадрасасинда қуёшға шамс деганлари каби туячилар уюшмасинда ҳам шамс дерлар. Араблар юнон билимларини ўз тилларига айлантиргач, шул туячилар сўзларини олиб "илмий истилоҳ" қилдилар. Биз нечун шундай қилмас эканмиз"[1]. Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. Тошкент, 1971,69-71бетлар.
[2] Alişir Nevayi. Mizanu'l – evzan. Hazîrlayan Prof . Dr. Kemal Eraslan. Ankara , 1993, 5-бет.
[3] У. Турсунов, Б. Ўринбоев, . А. Алиев. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент, 1995, 137-бет.
[4] М.Мукаррамов.Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент,1984, 17-бет.
[5] В.Асланов. Преемственность на диалектных форм в истории азербайжанского языка//Типы наддиалектных форм языка М. 1981, С. 56.
[6] М.Мукаррамов. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент,1984, 46-47-бет.
[7] Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. IV жилд, Тошкент, 2006,131-бет.
[8] Қадимги туркий тилда вазифавий услублар, жумладан илмий услуб мавжуд бўлган.
[9] Эски ўзбек адабий тилида илмий услубда ёзилган илк илмий асар "Фунунул-балоғадир" (XVаср).
[10] Навоийнинг илмий услубда ёзилган "Мезонул-авзон" асари илмий терминларга бойлиги билан ажралиб туради.
[11] Юксак услубда ёзилган "Мезонул-авзон" даги терминларнинг асосий кўпчилиги араб тилидан ўзлашган.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ИЛК ЮБИЛЕЙИ

(XX аср бошлари: юбилейга тараддуд)

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

Алишер Навоий каби буюк шахсият ва истеъдод эгаси доимо жаҳон, шу жумладан, туркий халқлар зиёлиларининг эътиборида бўлган. Ўз давридаёқ ҳазрат асарлари Рум элидан тортиб Кошғарга қадар "муайян турк улуси"нинг бебаҳо маънавий меросига айланган эди. Навоийнинг таваллуди ўтган беш аср мобайнида европача усулда юбилей тарзида тантанавор нишонланмаган бўлса-да, Туркистонда доимий суратда ўтказилиб турган навоийхонликлар, олий даражадаги нафислар мажлислари ўзига хос "нишонлаш" эди.

XX аср бошларида Туркистон маданий ҳаётига янги удумлар, техник янгиликлар, матбуот ва нашрлар, театр ва драмалар кириб келиши баробарида улуғ адиблар таваллуд кунларини ҳам юбилей тарзида нишонлаш анъанага айланди. Бу жиҳатдан ҳазрат Навоий туғилган кунининг ҳижрий-қамарий сана ҳисобидаги 500 йиллиги 1926 йилга тўғри келди. Айни ҳаракат расман 1919 йилдан бошланган эди. Туркистон Мухтор жумҳурияти ҳукумати ва Туркистон ўлка мусулмон бюроси халқимиз маънавий меросини тўплаб, ўрганиб, нашр қилиш орқали оммалаштириш ишларини йўлга қўйиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг ижроси учун Назир Тўрақулов раислигида илмий ҳайъат (Абдурауф Фитрат – муовин, Лазиз Азиззода – котиб) тузилди. Бунга қадар айрим ишлар "Чиғатой гурунги" фаолияти доирасида бошланган бўлиб, гурунг фаоллари Навоий расмини топиб, матбуотда эълон қилдилар[1], "Тарихи мулуку Ажам" асарининг қўлёзмасини Бухородан келтириб, нашрга тайёрладилар[2], "Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри" рисоласи чоп эттирилди[3].

Бу каби ишлар бошқа туркий республикаларда ҳам аллақачон бошлаб юборилган, жумладан, озарбайжон тадқиқотчиси А.Улвининг ёзишича, "Муҳокамат ул-луғатайн" Боғчасарой (Қрим)да Исмоил Ғаспирали ёзган сўзбоши билан нашр қилинган эди[4]. Озарбайжонда эса 1907 йили "Дабистон" газетасида Навоий таржимаи ҳолининг эълон қилиниши илк илмий-адабий ҳаракат саналади. Муаллифнинг ёзишича, "Алишер Навоий – Амир Низомиддин ҳижрий IX асрнинг охирида етишган чиғатой (турк) ва Ажам шуаросининг машҳурларидандир. Асли чиғатой туркларидан бўлгани ҳолда форсча ашъори ҳам мақбул бўлгани зуллисонайн лақабидан маълумдир. Алишер Навоийнинг отаси Султон Абу Саид вазири бўлиб ва ўғлининг таълим ва тарбиясига кўп эътибор берган"[5]. Қисқа таржимаи ҳол орқали озар ўқувчилари илк бор матбуот орқали Навоий даҳосининг асосий қиррала-ри билан таништирилган. 1914 йилда Фарҳод Оғазода томонидан яна бир қисқа таржимаи ҳол "Адабиёт мажмуаси"да чоп этилган[6]. "Дирилик" журналида 1914–16 йиллар давомида шоирнинг таржимаи аҳволи бир неча сонда батафсил баён қилинган[7]. Уни тайёрлашда муаллифлар "Нуҳбат ут-таворих" номли хаттотлар тазкираси, Исмоилзода Сом Мирзонинг "Туҳфаи Сомий", Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" ва Сулаймон Фаҳмийнинг "Сафинат уш-шуаро", "Машовири ислом" асарларига таянган ҳолда Навоийнинг отаси Ганжинаи Баҳодир бўлгани, унинг боболари қадимдан темурийлар хонадонида хизмат қилгани, унинг катта отаси (ота бобоси) Мир Абу Саъид Чанг – Султон Ҳусайннинг отаси Бойқаро мирзонинг амирларидан эканлиги ҳақида ёзишади[8]. Бу таржимаи ҳолнинг охи-

рига “1915 йилда Алишер Навоийнинг ғазаллари Микоил Саидий томонидан озарбайжон шевасида табдил этилгани” ва ундан намуналар берилажаги ҳам илова қилинган.

Юбилей ўтказиш ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши

Туркистонда XX аср 10-йилларининг охирроғидан бошланган бу ҳаракат Чўлпоннинг “500 йил” мақоласи билан “Ўзбек билим ҳайъати эътиборига” қаратилган очиқ хат тарзида эълон қилинди: “...мен айтмоқ истайманким, Навоийнинг 500 йиллигини биз ҳам тегишлиқ даражада тантана билан ўтказишга шу топдан ҳозирлана бошлайлиқ. Бу йўлда мен қуйидағи чораларни таклиф қилиб, ўзбек билим ҳайъатининг диққатини шунга жалб қилур эдим:

Ҳозирдан бошлаб яралиқ кишиларимиздан бир ҳайъат ташкил қилиб, 500 йиллик байрамни мумкин қадар тантана билан ўтказиш йўлини топмоқға ўшал ҳайъат вакил қилинсун.

Ҳайъат Навоийнинг босилмаған асарларини топиб, босдиришға лозим кўрулганларини байрамгача босдириш чорасини кўрсун.

Навоийнинг мукаммал таржимаи ҳоли ёздирилсун.

Навоийнинг шеърларидан терма бир асар тузулиб, нафис қилинуб босдирилсун.

Навоий номиға юқори ўқуш юртларининг адабиёт, тил факультетларида ўзбек талабалари учун стипендиялар очилсун.

Ўзбекистоннинг пойтахтида Навоийға ҳайкал тикилсун.

Баъзи бир ўзбек шаҳарларининг кўча исмлари Навоий отиға қўйулсун”[9].

Бу талаблар билан юбилейга тараддуд анча жадаллашди. Унга ҳамоҳанг равишда ёзилган Вадуд Маҳмуднинг “Навойи учун” мақоласида қуйидагича фикр билдирилган: “Навойи турк тилини тиргизган ва “чиғатой адабиёти” деган бир адабий мактабнинг бу кунгача яшамоғига сабаб бўлган бир кишидир... Мана шу ҳолни назарга олиб, бу кун турк дунёсининг ҳар ерида: Туркияда, Озарбойжонда ва бизда (Ўзбекистонда – Ҳ.Б.) уни эслаб беш юз йиллик тўйини ўтказмоқ истайдилар”[10]. Шунингдек, муаллифнинг хабарига кўра юбилейга тайёргарлик кўриш учун Маориф комиссарлигида Д.Ризаев раҳбарлигида бир ҳайъат тузилгани айтилган. Бизнингча, Вадуд Маҳмуд қуйидаги қарорни назарда тутган бўлса керак.

1925 йилнинг 11 июлида Ўлка мусулмон бюроси ҳузуридаги ўзбекшунослик қўмитаси “Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларини бошлаш ҳақида” қарор қабул қилган (қарор матни рус тилида ёзилган) ва унга биноан:

“а) Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилсин;

б) Алишер Навоийнинг назм ва насрда ёзилган асарларидан ташкил топган тўплам тузилсин;

в) Алишер Навоий асарларининг асл нусхалари (оригинали) ҳозирги ўзбек тилига таржималари билан бирга нашр қилинсин;

г) тадқиқотлар ва намуналар тўпламининг ҳар бири 5 босма табоқдан белгилансин;

д) тадқиқотлар қисмини тайёрлаш ўртоқ Маҳмудовга, парчалар (намуналар) танлаш иши Фитратга юклатилсин”[11].

Мазкур қарорга кўра, Алишер Навоийнинг тўрт асари нашрга тайёрланиб чоп этилиши режалаштирилди. Навоий ҳақидаги Бухорода тарқалган халқ афсоналари хусусида А.Семё-

нов мақоласи чоп этилди[12]. Фитрат томонидан нашрга тайёрланган “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Ҳайрат ул-аброр” (“Навоий иккиликлари” сарлавҳаси билан), “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” (“Искандарнома” номи остида), “Чор девон”дан намуналар, Навоийнинг мактублари (“Риқаъат”), “Мезон ул-авзон”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарларидан намуналар нашрга тайёрланди. Ўз даврида турли нашрларда чоп этилган бу намуналар яхлит ҳолда Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” (1-жилд)дан ўрин олди[13]. Шу билан бирга мукаммал таржимаи ҳоли ҳозирланиши ва бир илмий тўплам нашр этилиши режалаштирилган эди.

Маълумки, Ғарбий Европа ва рус мусташриқлари орасида ҳам Навоий ижодига нисбатан “форс адабиётининг таржимони” ёки “тақлидчиси” сифатида қарашлар мавжуд бўлиб, ўзбек олимлари Алишер Навоий ижодини, биринчи навбатда, бундай тавқи лаънатлардан тозалашга киришишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айни шу юбилейолди палласида П.А.Фалевнинг маърузалари тарқатилган бўлиб, унга кўра “туркий адабиётнинг мустақил бўлмагани ғояси” илгари сурилган эди[14]. Бу каби чиқишларга жавоб беришни ҳар бир ўзбек зиёлиси ўзининг бурчи деб билди. Жумладан, Вадуд Маҳмуд “Алишер Навоий” мақоласида “Навоий ўз асарларида форсчанинг нозук, оҳангдор бўлганини ва у билан шеър айтиш қулай ва хуш келатурганлигини айтадир. Лекин… форснинг энг машҳур асарларига қарши турк классик асарлари(ни) вужудга келтирди”[15]. Айни мана шу каби фикрлар туғилган бир пайтда матбуотда “Навоийнинг форсийча девони тўғрисида” хабар тарқалди. Янги қўзғалган гап-сўзлар Фитрат мақоласининг ёзилишига сабаб бўлган.

Фитрат “Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида” мақоласида “Давлатшоҳ, Жомий, Сом Мирзо, Ҳидоят, Ҳусайн каби форс тазкирачилари Навоийнинг кучли қалам эгаси бўлганини тасдиқ қиладилар”, дейиш билан чекланмай, “Девони Фоний”га кирган биргина “Туҳфат ул-афкор” қасидасини Деҳлавийнинг “Дарёйи аброр” ва Жомийнинг ”Лужжат ул-асрор” қасидаларига жавобан ёзилса-да, Навоий асари ўз салафларининг бу мавзуда битилган қасидаларидан фикрда, мазмун ва бадииятда устун эканини кўрсатади. Иккинчидан, Вадуд Маҳмуднинг изланишлари натижасида Бухорода Мусо Саиджоновнинг шахсий кутубхонасида Бедил “Девон”ининг ҳошиясида 4,5 минг байтдан иборат Навоийнинг форсий шеърлари қўлёзмаси ва айни асарнинг бошқа бир қўлёзмаси Муҳаммад Шариф Садр кутубхонасида ҳам борлиги маълум бўлган. Фитрат домла бу икки манбани солиштириш натижасида улар бир хил бўлгани, лекин бу форсий девон Навоийнинг эмас, балки бошқа бир Фонийнинг девони эканини аниқлади. Бу котибларнинг хатоси бўлиб, улар томонидан ёзилган “Фоний иборат аз Амир Алишер аст Амир Навоий” сўзлари нотўғри, Навоийнинг туркий ғазаллари ора-сира қўшиб келтирилиши ҳам мана шу хато талқиннинг натижасидир. Бу янги топилган “Девони Фоний” кашмирли Мулла Муҳсин қаламига мансуб бўлиб, бу шоир ҳақида Шамсиддин Сомийбек “Қомус ул-аълам”да маълумот берганини ўз исботига асос сифатида келтирди. Мақола “Навоийнинг форсийча ҳақиқий девонини янгидан охтариш эса яна бизнинг вазифамиз”[16], деган сўзлар билан тугалланган. Демак, юбилей муносабати билан шошиб айтилган айрим мулоҳазаларга жавобан ҳам Фитрат каби закий олимларнинг профессионал таҳлиллари ўзбек навоийшунослигининг XX аср бошларидаги даражасидан дарак беради.

Юбилей муносабати билан Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони асосида Шамсиддин Хуршиднинг (1892–1960) “опера ҳолига киргизилган” (Фитрат ибораси) мусиқали драмаси

саҳнага чиқди[17]. Бу саҳна асари ва унинг нашри сабаб бўлиб, Фитрат “Фарҳоду Ширин” мақоласида халқ орасида тарқалган афсона ва ривоятлар, уларнинг қаҳрамонлари номи билан боғлиқ қатор жуғрофий номлар, достоннинг асосий воқеалари, бу воқеалар кечган жойлар ҳамда Навоий достонининг таъсирида ёзилган адабий асарлар ва халқ орасида иккинчи умрини кечираётган фольклор асарлари каби масалаларни Низомий, Деҳлавий ва Навоий достонларидаги адабий таъсир ва ворислик нуқтаи назаридан очиб беради. Қиёсий-типологик таҳлилнинг етук намунаси ҳисобланган бу мақола негадир айни юбилей санасида эмас, ундан тўрт йил кейин “Аланга” журналида лотин алифбосида чоп этилган[18]. Дарвоқе, Ўзбекистонда лотин ёзувининг илк бор қўлланилиши 1926 йилда Бокуда ўтказилган умумиттифоқ туркология қурултойининг қарори асосида амалга оширилган эди.

Биринчи юбилей тантанаси

Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини “Туркия, Озарбайжон ва бизда” ўтказиш ҳақидаги Вадуд Маҳмуд талаби амалга ошиб, Ўзбекистонда қабул қилинган қарорлар ва матбуотда эълон қилинган мақола ва манбалар озар зиёлиларининг эътиборига тушган ва 1925 йилнинг ўрталаридан бу санага тайёргарлик ишлари бошланган эди. Жумладан, Али Нозимнинг “Навоий ва биз” мақоласи “Коммунист” газетасида чоп этилиши бу ҳаракатга туртки берди. “Навоий ижоди бўйича, у (шахси) ҳақида ҳеч бир асар ёзилмади десак, ҳеч бир янглиш бўлмас. Бу хусусда ёлғиз бир қанча мақола, бир-икки ҳукм ва мутолаадан бошқа бир нарса кўрмак мумкин бўлмади, ёлғиз яна Кўпрулузоданинг Навоий ҳаққинда янги бир асар ҳозирлаганини ва нашрга бериш учун тайёрлигини сўйланди... Ўзбекистон тарафидан унинг 500 йиллик юбилейи ўтказилур. Фақат биз бу байрамни ёлғиз Ўзбекистон эмас, балки бутун турк олами билан бизнинг Озарбайжонда-да ўтказилишини орзу қиламиз”[19]. Ленинграддан юборилган бу даъват мактубида ёзилишича, Бокуда бу ишга мутасадди икки ташкилот бор, бири Адабиёт жамияти ва иккинчиси “Коммунист” газетаси. Биринчи жамият нисбатан ёш бўлгани учун газета масъулиятни ўз зиммасига олиши керак эди. Газета таҳририяти ушбу мақолани чоп этиш билан чекланмай, юбилей ҳаракатларини ёритишни ҳам ўз гарданига олган ва мақола сўнгида “Идорадан” сарлавҳаси билан кичик уқтириш берган: “Озарбайжонда Алишер Навоийнинг юбилей байрами бу йил Бокуда чақириладиган Туркология қурултойига тасодиф этдирилажак ва бутун қурултой иштироки билан ижро этилажакдир”[20].

Бунга қадар Исмоил Ҳикматнинг “Турк адабиёти тарихи” китобида Алишер Навоий ижодига анча кенг ўрин берилган бўлиб, унга ёзилган Вадуд Маҳмуд[21] ва Ф.Кўпрулузода[22] тақризларида бу хусусда маълумотлар берилган. Шунингдек, Фаридунбей Кўчарли томонидан нашрга тайёрланган “Озарбайжон адабиёти тарихи материаллари”га ҳам “Амир Низомиддин Алишер Навоий” номли мақола-тадқиқот киритилган эди[23].

Ниҳоят, 1926 йилнинг 26 февраль – 5 мартида Биринчи Туркология қурултойи Боку шаҳридаги Исмоилиййа биносида ўтказиладиган бўлди. Қурултойга собиқ Иттифоқдаги турк ўлкаларидан ва хорижий меҳмонлардан 131 киши унинг 17 мажлисида иштирок этди ва 38 маъруза тингланди. Қатнашчилар орасида В.В.Бартольд, С.Е.Малов, А.А.Миллер, С.Ф.Олденбург, Р.Р.Поппе, А.Н.Самойлович, В.Б.Томашевский, К.К.Юдахин каби таниқли рус олимлари, М.Ф.Кўпрулузода (турк), Паул Виттек (немис), Б.Чўпонзода (қрим-татар), А.Бойтурсун (қозоқ) каби машҳур олимлар қаторида ўзбекистонлик 11 вакил (расмий делегат сифатида 6 нафар): А.Абдужабборов (Самарқанд), А.Зоҳирий (Фарғона), Элбек (Тошкент),

Р.Иноғомов (Самарқанд), Ш.Раҳимий (Тошкент), Б.Раҳмон (Хива), И.Садрий (Бухоро), Н.Ҳакимов[24] (Тошкент), Ғ.О.Юнусов (Самарқанд), Н.Тўрақулов (Москва), Х.Хўжаев[25] (Боку) иштирок этган[26].

Қурултой кун тартиби "Алифбо масаласи", "Имло-орфография муаммоси", "Термин масаласи", "Дарс-методика масаласи", "Ёзма ва мулоқот тилларининг қиёсий алоқаси ва интерференция масаласи", "Турк тилларининг адабий тил муаммолари ва ўртоқ адабий тил масаласи", "Улуғ тил (боботил) назарияси ва турк тилларининг тарихи муаммолари" каби етти моддадан иборат бўлиб, унинг қаторида 4 март куни асосий маърузадан сўнг Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи Турк маданияти саройида ўтказилган. Қурултой стенограммаси ва унга илова қилинган протокол ҳужжатларида мазкур юбилей баёни берилмаган[27]. Фақатгина 28 февраль куни қурултой томонидан юбилей комиссияси ҳайъати қуйидаги тартибда таклиф қилинган ва тасдиқланган: Иноғомов, Бойтурсун, Мамадзода, Раҳимий, Чўпонзода, Габитов ва Леманов. Қурултойнинг бошқа куни мажлисдан кейин ушбу ҳайъат Иноғомов раислигида йиғилиб, юбилей масаласини кўриб чиққан. Қурултой қатнашчиларининг хотиралари, мунтазам суратда "Коммунист" газетасида бериб борилган хабарлар ва юбилей нашрлари асосида ушбу юбилей воқеаларини тиклаш имкони бўлди.

1926 йил 4 март куни "Коммунист" газетаси "Алишер Навоийнинг 500 йиллиги: Биринчи Туркология қурултойида турк адабиёти тарихида Навоийнинг мавқейи ҳаққинда" деган саҳифа эълон қилган. Мазкур саҳифада Солмон Мумтознинг "Адабиётимизда Навоий таъсири" мақоласи, проф. Бакир Чўпонзоданинг "Навоий – тилшунос" мақолалари чоп этилган. Яна шу куни М. имзоси остида "Янги йўл" газетасида "Амир Алишер Навоий" мақоласи, Исмоил Ҳикматнинг "Навоий ва турк адабиёти" ("Маориф ишчиси", 11-сон) каби мақолалари ҳам чоп этилган. Кейинроқ ушбу мақолаларнинг асосий қисми "Навоий" тўпламидан ўрин олган[28]. Юбилей режасига кўра, Алишер Навоийнинг икки асари "Муншаот"[29] ва "Вақфия"[30] нашрдан чиққан.

Қурултой доирасида ўтказилган юбилейда В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, Ф.Кўпрулузода, Б.Чўпонзода ва бошқалар нутқ сўзлаганлар. Юбилейдаги В.В.Бартольднинг маърузаси кейинроқ "Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт" тўпламидаги мақолага асос бўлган[31]; А.Н.Самойловичнинг чиқиши ҳам "Ўрта Осиё турк адабий тили тарихига доир" сарлавҳаси билан "Мир Али Шир" тўпламида эълон қилинган[32]; Ф.Кўпрулузода сўзлари собиқ Иттифоқ матбуотида эълон қилинмаган, кейинчалик Истанбулда нашр этилган "Турк тили ва адабиёти ҳақида тадқиқотлар" китобидан ўрин олган[33].

Б.Чўпонзода бевосита Навоийнинг тилшунослик мероси хусусида сўзлаб, "Навоийнинг тилга оид мулоҳазаларида икки турли баҳс бор: биринчиси – объектив, иккинчиси – норматив… Навоий таянган тил турк шоирлари, адиб ва файласуфлари тили эмас, балки халқ тилидир. Демак, мумкинки, Навоий форс адабий тили билан турк халқ тилини муқояса қилгандир. Навоий умумият-ла юнон ва ислом тилчиларида бўлгани каби тилнинг мутрадиф ва мутшабеҳларига, омоним ва синонимларга аҳамият бермишдир…"[34] Олим дастлаб туркий тил тараққиётига хизмат қилган тўрт муаллиф ҳақида сўз бошлаб, кейин бевосита Навоийнинг тилшунослик соҳасидаги хизматларини Маҳмуд Кошғарий фаолиятига муқояса қилади: "Бизнинг англашимизга кўра, мавжудлигидан бери икки буюк тилчимиз бўлган: Маҳмуд Кошғарий ва Навоий. Қисматки, Навоий ўз даври учун Кошғарий каби жуда муфассал бир лисоний асар майдонга келтирмишдир…" дейиш баробарида Навоийнинг

тилшунослик меросидан келиб чиқиб, “Муҳокамат ул-луғатайн” асари бўйича ўз қарашларини ифода қилади: 1. Турк тилининг рақиблари ҳинд ва форс тилидир. 2. Турк тили маъно ва шаклига кўра форс тилидан бой ва қувватлидир. 3. Турк тили давлат тилидир. Бу каби масалалар акс этган асар, табиийки, Навоийдан кейинги адиб ва олимлар фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди: “Ҳиндан Истанбулга, Самарқанддан Мисрга қадар Навоийнинг мингларча таржимонлари, тафсирчилари, шогирдлари етишиб, Навоийнинг сўзларини изоҳ ва тафсири учун юзларча луғатлар ва тил китоблари ёзилганини қайд этсак, муболаға қилмаганимиз англашилур. Бугун турк ва туркий дунёда илк марта тўпланган Туркология қурултойида таваллудидан 500 йил кейин бутун Европа ва Осиё туркшунослари қаршисида Навоийнинг номи ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинаркан, Навоийнинг жонли (тамиз) турк халқ тили билан ажнабий тилларнинг таъсирига қарши қолдирган байроқ туфайли… бу фақирани ҳақ дуоси бирла ёд этарлар ва шарафини лойиқ бир суратда жойига қўярлар. Туркология қурултойида музокарага қўйилган масалалар унинг 500 йил аввал ёзганларини хотирламоқ ва хотирлатмоқ буюк фойда келтирур. Таассуфки, бундай муҳим бир шахснинг энг буюк бир сифати, тилшунослиги ҳақида ишларимизни ҳаддан ташқари кўплигидан, замонимизнинг торлигидан ва ҳикоя қабилидан бир нарса ёза билдик”[35].

“Коммунист” газетасининг Навоийга бағишланган сонида Солмон Мумтознинг “Адабиётимизда Навоий таъсири” мақоласи ҳам ўрин олган: “Умумтурк адабиётида тўрт буюк сиймо бордирки, улар ҳақида кичик-кичик мақолалар эмас, буюк-буюк китоблар ёзмоқ лозим келар… Булар: а) туркистонли Хожа Аҳмад Яссавий; б) озарбойжонли Саййид Имодиддин Насимий; в) туркистонли Мир Алишер Навоий; г) озарбойжонли Мулла Муҳаммадбағир Фузулий… Мен буларнинг учинчисидан, яъни бу оқшом беш юз йиллик байрамини ўтказажагимиз Мир Алишер Навоийнинг адабиётимизга бўлган таъсиридан баҳс этмоқчиман”[36].

Муаллифнинг ёзишича, Навоий таъсирида шоирлар ҳам туркча, ҳам форсча ёзишга киришдилар, натижада Озарбайжонда ҳам чиғатой лаҳжаси тараққий эта бошлади. Буни ҳис этган Шоҳ ХАтойи форсча билан бирга чиғатойчани қўлламоқ истади, “Девон” яратиб, “Навоий” тахаллуси олдида (хижолат чекиб) ўзига ХАтойи тахаллусини олди. Узоқ муддат чиғатойча адабий тил мақомида қўлланилди. Буйруқлар, ёрлиқлар у тилда ёзилди, узун кечалар Навоий шеърлари билан вақт ўтказилди. Фузулий асарларининг майдонга чиқиши билан Навоий таъсири аниқ сезила бошлади, аммо бу бирдан эмас, секин-аста юз берди. Чунки чиғатойча мамлакатда фаол истифода этиларди, “хавос” (хослар) ўз асарларини яна чиғатойча ёзмоқда ва ёзишмоқда эди. Солмон Мумтоз бу жараённи аниқ кўрсатиш мақсадида қуйидаги асосларни келтиради: “Содиқий “Мажма ул-хавос”ни, Назарали луғатини, яна бир номаълум муаллиф “Бадоеъ ул-луғат”ни, Нодиршоҳнинг мулозими Мирза Меҳдихон “Санглоҳ”ни, Фатали Қажар “Баҳжат ул-луғат”ни, Муҳаммад Хойи “Хулосайи Аббос”ни, Шайх Муҳаммад Солиҳ Исфаҳоний “Ал-луғати носирий”ни чиғатойча ёздилар ва чиғатой луғатларини форсча шарҳ ва маъно этмакка ғайрат қилдилар. Шоирларимизда IX асрдан бошлаб XIII асрнинг охирига қадар (ҳижрий сана – Ҳ.Б.) чиғатойча ёзмоққа давом этдилар. Навоий “Девон”ини илк аввал Туркияга озарбойжон шоири Бас(т)-ирий олиб борди. Ниёзий “Девон”ини чиғатойча ёзди. Табризли Мирзо Ризо Банда, Ширвонли Зилолий, Абдулла бей Асий ва Али Юзбоши ўғли Мирза Ҳасан бу йўлда ишлаб, гўзал асарлар ёздилар. Улар орасидан буюк устодлар етишди. Навоий таъсирида сўйланилган у шеърларни яқин за-

монда табъ ва нашр этишимиз кераклигини айтиш-ла баробар Навоий юртидан замонимиз Навоийлари етишажагини умид қиламиз”[37].

Шу ўринда айтиш жоизки, 4 март куни “Янги йўл” газетасида М. имзоси остида эълон қилинган “Амир Алишер Навоий” мақоласи[38] ҳам Солмон Мумтозга тегишлидир. Мақола шундай бошланади: “Бу кун чиғатой адабиётининг буюк доҳийси Амир Алишер Навоийнинг беш юз йиллик байрамини нишонлаймиз… Зеро, милоднинг 1441-тарихида туғилган Алишер Навоийнинг беш юз йили ҳали тамом бўлгани йўқ. Ҳар ҳолда кеч бўлса-да, бу шоир ҳақида маълумот бермак адабиёт ихлосмандлари учун буюк бир вазифадир. Алишер Навоийнинг чиғатой адабиёти учун буюк хизматлари бордир. Фирдавсийнинг форс адабиёти учун очган янги йўллари каби қийматли бир йўлни Амир Алишер Навоий чиғатой адабиётида очмишдир”. Кейин эса муаллиф улуғ шоирнинг сиёсий фаолияти, адабий асарлари хусусида сўз юритган.

Асарлари қаторида “Қиссайи Шайх Санъон” ва “Таржимайи наср ул-луоли”ни мустақил асарлар сифатида кўрсатади. Ҳолбуки, Шайх Санъон қиссаси “Лисон ут-тайр” таркибида, Ҳазрат Алининг “Наср ул-луоли” асари эса таржима қилинмай, “Назм ул-жавоҳир”нинг ҳар бир рубоийси учун сарлавҳа вазифасини бажаргани ўзбек ўқувчиларига аён. С.Мумтоз Навоийнинг форсча асарларига изоҳ бериб, “Алишер Навоийнинг форсча шеър ёзгани ва форсий асарлар вужудга келтирганининг биринчи сабаби унинг Хуросонда ва форс шоирларига маскан бўлган шаҳарларда яшагани учундир” каби хулосалайди мақолани.

Навоий юбилейи муносабати билан ёзилган мақолалар орасида Исмоил Ҳикматнинг “Маориф ишчиси” журналида чоп қилинган “Навоий ва турк адабиёти” мақоласи алоҳида ажралиб туради. Унда муаллиф турк адабиётининг манба ва материаллари хусусида сўз юритиб, фикрни Ҳирот адабий муҳитига кўчиради: “Ҳусайн Бойқаронинг атрофига тўпланган шоир, адиб ва олимлар асарларини туркча ёзар эдилар. Ҳатто бу жараённи қувватлантирмак ва форс тилининг ҳукмидан сақламоқ учун туркчани даҳо жонли, қудратли бир илм ва адабиёт тили ҳолига келтирмак учун Ҳусайн Бойқаро ўз замони шоирларини ташвиқ этар, уларга имконият яратар эди… Навоий бутун турк ёзувчиларини (бу ишга) сафарбар қилди. Туркчанинг бойлиги, кенглиги, очиқлиги ва гўзаллигини алоҳида мисоллар билан кўрсатди”.

Навоий туркий шоирларнинг “энг буюги ва энг кўп асар ёзгани”ни тавсия қилиш билан шоирнинг форсча асарларига ҳам юксак баҳо беради: “Чунки Навоий форсчани ўз она тили қадар қувватли билар эди ва у тилда энг юксак асарларни вужудга келтирган ва юксак қасидачилар қадар қасидалар, энг юксак маснавийчилар қадар маснавийлар, энг юксак ғазалчилар қадар ғазаллар ёзароқ ўз қобилият ва маҳоратини исбот этди”. Шу билан бирга ўз она тилида яратилган асарлари орқали турк тилининг адабийлашуви, илмийлашувига сабаб бўлди. Навоий мусиқашунослик, рассомликка ҳам алоҳида эътибор қаратиб, замонасининг бутун илмларига, жумладан, тасаввуф илми ва адабиётининг “тамойиллашуви”га имкон берди.

“Ҳосили ҳижрий тўққизинчи асрнинг ўрталаридан бошлаб ўнинчи асрнинг ўрталарига қадар давом этган бу чиғатой даври адабиёти у замон фалсафасига кўра, бир олтин даврни тамсил этгани каби бутун бошқа турк адабиётларида сезиларли даражада қувватли, теран бир из қолдирган. Бунда энг қувватли омил, шубҳа йўққи, у замоннинг қудратли шоири бўлган Навоийдир”[39].

Шу йили Озарбайжон Адабиёт жамияти тадқиқотлар тўпламини нашрдан чиқарган[40]. Унга Исмоил Ҳикмат, Бакир Чўпонзоданинг номлари юқорида келтирилган мақолалари тўлиқ ҳолда (газетада улардан айрим қисмигина берилган эди) киритилган. Бундан ташқари, Мирза Муҳсин Иброҳимнинг "Форс адабиётининг Алишер Навоийга таъсири" мақоласи ҳам тўпламдан жой олган. Мақола муаллифи қиёсий метод асосида Низомий ва Навоий "Хамса"лари муносабатига доир фикр юритган. Мазкур тўплам сўнгида Жомийнинг Навоий ҳақидаги байтларининг назмий таржималари берилган. Ушбу тўпламга ёзилган тақризда (муаллифи кўрсатилмаган) айтилишича, бу таржималар ушбу "илмий тўпламга ҳеч бир муносиб эмас"[41]. Шунингдек, тақризда тўпламнинг камчиликлари хусусида ҳам фикр юритилган бўлиб, "китоб бошида "Буюк турк шоири Навоий" дейилса-да, уни ўқиган китобхонда "Навоий шоир бўлишдан ташқари бир тилшунос ҳамдир" деган хулоса чиқиши мумкин"лиги айтилган; тўпламда "мусаҳҳиҳ (имло) хатолари бир оз кўп" экани ҳам қайд этилган. Буларга қарамасдан, "китоб кўп жиҳатлари билан олий мактаб талабалари мумтоз адабиёт ихлосмандлари учун аҳамиятли" экани қайд этилиб, унинг 5 минг нусхада босилгани мамнуният билан қайд этилган[42].

1926 йилнинг 1 апрелида "Фарғона" газетасида эълон қилинган "Мухбир" тахаллусли (Мадамин Иброҳимов) ижодкорнинг хабарига кўра, Боку қурултойидан қайтиб келган Ашурали Зоҳирий зиёлилар "Деҳқон уйи"да шаҳар зиёлилари билан ҳисобот учрашувини ўтказган. Унда ўқилган маърузада А.Зоҳирий Навоий юбилейи хусусида шуларни айтган: "Қурултой туркий тилни тиргизиш учун кенг адабий бир тил ҳолиға қўйиш йўлида хизмат қилиб, унинг форси(й)ча ва арабчадан кам эмас, балки юқорида турғанлиғини исбот эткан улуғ шоиримиз Навоийни эсдан чиқармади. Унинг 500 йиллиги шарафига катта хотира кечаси ясадилар. У кечада Навоийнинг тилчилиги, шоирлиғи тўғрисида нутқлар сўйланди. Озарбайжон Давлат нашриёти 500 йил муносабати билан унинг бир қанча босилмаған асарларини ҳам Навоий тўғрисида ёзилғон мақолалар тўпламини ҳамда Навоийнинг устоди бўлған Ҳусайн Бойқаронинг девонини нашр эткан. Умуман, Навоийға эҳтиром кўб бўлди"[43].

Ўтган асрнинг 10–20-йилларида кенг миқёсда бошланган ҳазрат Навоийнинг юбилейларини ўтказиш анъанаси юртимизда ва собиқ Иттифоқда 1941, 1948, 1968 ва кейинги йилларда давом этган. Айниқса, Мустақиллик йилларида жаҳоншумул аҳамиятга молик шоирнинг 550 (1991), 570 (2011) ва бу йилги 575 йиллик тантаналари улуғ шоир ижоди ва фаолиятининг мангуликка қадар муҳрланишига сабаб бўлажак омиллардир.

«Жаҳон адабиёти» журнали, 2016 йил, 2-сон

_____

[1]Қаранг: Маориф ва ўқитғучи. 1925. 4-сон.

[2] Раҳимий Ш. Ўзгаришдан илгари ерли халқлар орасида ўлкани таниш // Қизил Ўзбекистон, 1924. 19-сон.

[3] Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри. –Т.: Мусулмон иштирокиюн фирқаларининг ўлка бюроси ҳузуридаги нашриёт шўъбаси, 1919.

[4] Улви А. Амир Алишер Навоийнинг адабий шахсияти ва мероси озарбойжон адабиётшунослигида // Тил ва адабиёт таълими. 2008. 10-сон. Б.3-9.

[5] Həsənzadə Ə.A. Təracümi əhval (Məşahir) // Bakı: Dəbistan. 1907. 21 fevral. Sah.34.

[6] Ağazadə F. Əlişir Nəvai // Bakı: Ədabiyyat məcmüasi. 1914. XIV-77 (6210).

[7] Dirilik. Bakı. 1914, №2, sah. 33–34; 1914, №3, sah. 39; 1914, №6, sah. 87–88 б; 1915, 16 апр., sah. 236–237; 1916, №6, sah. 304–306; 1916, №7, sah. 312–313; 1916, №8, sah. 320.

[8] Навоийшунос проф. Ш.Сирожиддиновнинг ёзишича, "Ҳабиб ус-сияр"да Навоийнинг отаси Ганжкина (Канжкина, Кижакина) деб кўрсатилган. Мазкур таржимаи ҳолдаги "ота бобоси" эмас, балки "она томондан бобоси". Қаранг: Сирожидинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. –Т.: Akademnashr, 2011. Б. 33, 37.

[9] Чўлпон. 500 йил // Туркистон, 1924. 23 сентябрь.

[10] Маҳмуд В. Навойи учун // Ер юзи, 1925. 3-сон.

[11] ЎзР Давлат марказий архиви. Фонд 46. 1-рўйхат. 266-ҳужжат (дело).

[12] Семёнов А.А. Персидская новелла о Мир-Алишере Навои // Бюллетень Среднеазиатского госуниверситета. Вып. 13. –Т., 1926. С. 177–185.

[13] Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари (1-жилд). –Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1928.

[14] Фалев П.А. Введение в изучение тюркских литератур и наречий / Лекции: на правах рукописи. –Т., 1922. С. 21–22.

[15] Маҳмудий В. Алишер Навоий // Маориф ва ўқитғучи, 1925. №3. Б. 56–62.

[16] Фитрат. Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида // Маориф ва ўқитғучи, 1925. №12. Б. 38–41.

[17] Ушбу асар матни Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланади. Асар охирига муаллиф "1922 14 декабр, 1924 27 январ. Хуршид Шараф" деб имзо чеккан. Қаранг: Шамсиддин Шарафутдинов Хуршид архивининг каталоги. Тузувчи: Р.Шарафутдинова. –Т.: Mumtoz so'z, 2014. Б. 43.

[18] Fıtrət. Fərhad-u Şirin dastanь toğrьsьda // Ələngə, 1930. №1, B. 14–17; №2, B. 9–14.

[19] Əli Nazim. Əlişir Nəvai və biz. // Əlişir Nəvai Azerbaycan ədəbiyyatşünasliğında. Nəşrə hazırlayan Almaz Ülvı. –Bakı: Qartal, 2009. S. 53–54.

[20] Kommunist, 1925. 10 oktyabr.

[21] Маҳмуд В. Турк адабиёти тарихи // Маориф ва ўқитғучи. 1925. 9-10 сон. Б.110-116.

[22] Купрулизода Ф. Турк адабиёти тарихи: Исмоил Ҳикмат // Маариф ва маданиййат. 1926. 2-3-сон.

[23] Köçarli F.B. Əlişir Nəvai — Əmir Nizaməddin. Azərbaycan ədəbiyyatı tarixi materialları. I cild, I hissə. Barı: Azərnəşr, 1925. S.52-59.

[24] Неъмат Ҳакимов татар миллатига мансуб бўлиб, Тошкентдан журналист сифатида қатнашган. Бизнингча, ўша пайтда Тошкентда фаолият юритган татар олими эди. Чунки унинг Ўзбекистонда бир-икки мақоласи ҳам босилган.

[25] Ўзбек миллатига мансуб Холид Хўжаев ўша пайтда Бокуда таҳсил олаётган эди.

[26] 1926-cı il I Bakı Türkoloji qurultayı. Stenoqram materialları, biblioqrafiya və foto-sənədlər. Tərcümə, ön söz və şərhlərin müəllifləri Prof. Kamil Vəli Nərimanoğlu, əliheydər Ağakişiev. Bakı: Çinar-Çap, 2016. S.441-446.

[27] Первый Всесоюзный тюркологический съезд. 26 февраля – 5 марта 1926 г. Стенографический отчет. Баку (АССР). 1926; Бюллетень Организационной комиссии по созыву I-го Всесоюзного тюркологического съезда. №1. Баку, 1926, 27 февраля; №2. 28 февраля 1926; №3. 2 марта 1926; №4. 6 марта 1926.

[28] Əlişir Nəvai haqqında məqalələr. Bakı: Azerbaycan Ədabiyyat Cəmiyyati naşriyyatı, 1926. 107 sah.
[29] Nəvai əlişir. Münşaat. Barı: Azərnaşr, 1926.
[30] Nəvai əlişir. Vaqfiyyə. Barı: Azərnaşr, 1926.
[31] Бартольд В.В. Мир Али-Шир и политическая жизнь / Мир Али Шир. Ленинград, 1928.
[32] Самойлович А.Н. К истории литературного среднеазиатско-турецкого языка // Мир Али Шир. Ленинград 1928. С.1-24. Яна шу муалифнинг Навоий мавзусидаги айни йилда эълон қилинган бошқа мақоласига қаранг: Самойлович А.Н. Извлечения из трактата по просодии Мир Алишера Неваи «Мизанул авзан» // Восточный сборник. Л., 1926. Т.1. С.105.
[33] Köprülüzade M.F. Türk Dili ve Edebiyatı hakkinda araştirmalar. –Istanbul: Kanaat Kitabevi, 1934.
[34] Çobanzadə Bəkir. Nəvai – dilçi. // Kommunistç, 1926. 4 mart.
[35] Кўрсатилган манба. Б.72–76.
[36] Mümtaz S. Ədabiyyatımızda Nəvai təsiri. // Bakı: Kommunist, 1926. 4 mart.
[37] Юқоридаги манба.
[38] M. (Mümtaz). Əmir Əlişir Nəvai. // Bakı: Yeni yol, 1926. 4 mart.
[39] Ismayil Hikmət. Nəvai va türk ədabiyyati // Bakı: Maarif işçisi, 1926. №11. Sah.29.
[40] Əlişir Nəvai haqqında məqalələr. –Bakı: Azərbaycan Ədəbiyyatı Cəmiyyəti nəşriyyatı, 1926. 107 s.
[41] Nəvai. // Maarif va Mədaniyyat, 1926. 4 (27). Sah. 46.
[42] Əlişir Nəvai Azerbaycan ədəbiyyatşünasliğında. Nəşrə hazırlayan Almaz Ülvı. –Bakı: Qartal, 2009. S.65.
[43] “Фарғона” газетаси, 1926. 1 апрел. №384.

“МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН”НИНГ ИЛМИЙ - ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ ТАЙЁРЛАШГА ДОИР

Юсуф ТУРСУНОВ

Кириш

Мамлакатимизда илмий матншунослик йўлидаги дастлабки иш 1940 йилда юзага келган эди. Бу Алишер Навоийнинг ўлмас асари “Муҳокамат ул-луғатайн” бўлиб, уни танқили навоийшунос ва тилшунос олимлар Порсо Шамсиев ҳамда Олим Усмоновлар нашрга таёрлашган эди. Муаллифларнинг мақсадлари асарнинг аслиятига, яъни автор редакциясига имкон қадар яқинроқ матнни яратиш бўлган. Бироқ, ўша йилларда навоийшунослигимиз учун ғоятда муҳим воқеа бўларли ушбу ишни кутилган даражада амалга ошириш имкони тор эди. Гап шундаки, юртимизда танқидий матншунослик соҳасида ҳали етарли тажриба йўқлигидан ташқари бу йилларда мамлакатимизда ҳам, собиқ иттифоқ фондларида ҳам мазкур асарнинг бирорта бўлсин қўлёзма нусҳаси йўқ эди. Шунга кўра, муаллифлар “Муҳокамат”нинг Париж (1841), Истамбул (1897) ҳамда Қўқонда (1916) амалга оширилган босма нусҳаларига асосланган ҳолда иш кўриш билангина кифояланганлар. Яъни, мазкур нашрларни бир - бирига чоғиштириш асосида асар матни тузилган. Бу ҳақда китоб сўзбошисида шундай дейилади: “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг танқидай назар билан нашр қилинган бирорта нусхасининг бўлмаслиги ва бу асарнинг ишончли қўлёзмасининг топилмаслиги биз тайёрлаган нашрда ҳам анча қийинчилик туғдирди. Шунинг учун ҳам биз “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг бу нашрини Париж нашрига асосланиб тайёрладик. Лекин бу нашрга танқидий қараб, Истанбул ва Қўқон нашрлари билан солиштириб, улардаги учраган хато, ажралиш ва моссизликларни тўла равишда кўрсатиб ўтишга уриндик”[1].

Ана шу “хато, ажралиш ва моссизликларни” китобда матн асосида қайд этиб борилган. Баъзи ўринларда қиёс учун айрим сўзлар ёнида қавс ичида уларнинг араб хатидаги муқобили келтирилган. Сўзбошида танқидий матн тузиш принциплари ҳақида сўз юритилмаган. Бир сўз билан айтганда, бугун мазкур нашрга мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг муаллиф редакциясига яқин матннинг тиклаш йўлидаги илк қадам сифатида қарамоқ керак. Зеро, у фанимизда, хусусан, навоийшунослигимизда қилиниши зарур бўлган муҳим вазифалардан бирининг дастлабки натижаси сифатида ўзига хос аҳамиятга эга.

Маълумки, “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг навбатдаги нашрини амалга оширишга чорак асрдан кейин, яъни шоир таваллудининг 525 йиллиги муносбати билан киришилган. Бу иш яна П.Шамсиев зиммасига юклатилган.

Ноширнинг бунда ўша ўзининг катта меҳнати эвазига юзага келган илк нашрига асосланиб иш кўрганлиги, шубҳасиз. Бироқ, шундай бўла туриб у нима сабабдан 1962 йилда асарнинг Париж нусхаси матнини араб имлосида кўчириб чиқди экан.

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг “Ўзбекистон ёзувчи ва шоирлари архиви” бўлимида 70-рақам остидаги папкада сақланаётган мазкур матн араб хати асосида эски ўзбек ёзувида кўчирилган бўлиб, ҳар саҳифа-

[1] Əliser Navaiy, Muhakamatul lug’atayn. Uz SSR goslitizdat Taskent 1940. 11–12- bet.

да текст остига ярим чизиқ тортилган[1]. Матн алоҳида канцелярия дафтарига қора рангли сиёҳда кўчирилган. Дафтар муқовасига “Алишер Навоий. “Муҳокамат ул-луғатайн”. Тошкент-1962 йил” деб ёзиб қўйилган.

Матннинг алҳида эътибор билан равон ва тартибли равишда кўчирилганлиги, баъзи саҳифаларнинг ҳошияларида матншуносликка хос қайдларнинг мавжудлиги, шунингдек, матн остида одатдаги танқидий матнни илмий аппаратдан ажратиб турувчи чизиқ тортилганлигидан бу “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг илмий-танқидий матнини яратиш йўлидаги дастлабки иш эмасмикин, деган фикр туғилди бизда. Эҳтимол, асарнинг ишончли қўлёзма нусхалари аниқланиб, уларнинг микрофильмлари қўлга киритилгунига қадар Париж босмаси матнини кўчириб олиб, навбатдаги ишларни амалга ошира борилиши режалаштирилгандир.

Эътиборли каталоглардан маълумки, Париж Миллий кутубхонасида ҳижрий 993, милодий 1526-1527 йилларда Ҳиротда китобат этилган Навоий куллиёти қўлёзма нусхаси сақланади. Француз шарқшунос олими Катрмер томонидан “Муҳокамат”нинг ана шу куллиёти таркибидаги нусхаси асосида Париж босмаси амалга оширилган. Порсо Шамсиев бошқа нашрлар (Истанбул ва Қўқон)га нисбатан афзал жиҳатларига эгалиги[2] боис уни Навоий асарлари ўн беш томлиги учун асос қилиб олишни режалаштирган бўлса ҳам эҳтимол.

Маълумки, ўтган асрнинг 60-йилларида “Муҳокамат”нингқўлёзма нусҳалари мамлакатимиз фондларида деярли йўқ эди. А.А.Семёнов 1940 йилда нашр эттирган “Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи”да бу асарнинг бирорта қўлёзма нусҳаси ҳақида маълумот учрамайди. Қ.Муниров ва А.Носировлар яратган “Алишер Навоий асарларининг ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти тўпламидаги қўлёзмалари каталогида Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида асарнинг биттагина қўлёзма нусхаси, қайсики, шу даргоҳнинг кекса илмий ходими Ибодилла Одилов 1941 йилда Тошкентда кўчирган қўлёзма 5829- инв. рақами билан сақланиши кўрсатилган[3].

Албатта, савол туғилади: И.Одилов матнни қайси манбадан кўчирган ва у қаерда сақланади? Бу масала шарқшунослик институтининг заҳматкаш илмий ходими, марҳум А.Носиров томонидан кейинчалик мазкур қўлёзманинг охириги саҳифасига қайд этиб қўйган сўзлардан ойдинлашди: „Шу „Муҳокамат ул-луғутайн“ Тошкентда, ўртоқ Одилов Ибодилланинг қўллари билан кўчирилган. Қайси шаҳарда кўчирилганлигини маълум бўлишини лузимлиги учун ёзиб қўйишга тўғри келди. Буни 1315/1897да Истанбулда босилган 2311 нумерлик нусхадан айнан кўчирилган.

Одилов билан ишлаган (мен) Носиров ёзиб қўйдим. 20.II-67”

Демак, масала равшан – “Муҳокамат”нинг юртимизда қўлёзма нусхаси мавжуд бўлмаса-да, босма нусхалари бўлган. Шунга кўра, И.Одилов ўз ихтиёри ёки маъмуриятнинг топшириғи билан Истанбул босмасидан бир нусха кўчирган. Ундан бир неча ўн йил кейин эса П.Шамсиев иккинчи босма вариант сифатида Париж нашри вариантини кўчирган.

---

[1] Қаранг: Порсо Шамсиев шахсий архивининг каталоги. Тузувчи ва сўз боши муаллифи Ю.Турсунов. “Машҳур пресс” н-ти, 2017

[2] Бу афзалликлар уччала босма нусхани ўзаро ҳамда Порсо Шамсиев нашрига қиёсан қараб чиқилганда яққол кўзга ташланади

[3] Қ.Муниров, А.Носиров. Алишер Навоий асарларининг ЎзССр Фанлар академияси шарқшунослик институти тўпламидаги қўлёзмалани. Тошкент, “Фан”наш-ти, 1070, 51-бет.

Шундай бўлса-да Навоий асарларининг Ўн беш томлиги 1940 йилдаги нашр асосида амалга оширилганлиги, аниқ. Чунки, бу нашрдаги хато ва камчиликлар Ўн тўртинчи томда (1967, 103-132 бетлар) ҳам айнан такрорланади. Эътиборлиси шундаки, мазкур хатоликлар кейинги нашр – Йигирма томлик мукаммал асарлар тўпламида (2000, 7-40 бетлар) ҳам такрорланади. Шунинг учун бўлса керак, ўтган асрнинг охирларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ Қўлёзмалар илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, матншунос Мавжуда опа Ҳамбдова "Муҳокамат"нинг илмий-танқидий матнини тузиш билан шуғулланган ва бу ишга ўша вақтда мазкур институт фондидаги мавжуд Истанбул (Тўпқопи сарой кутубхонаси) ва Париж нусхаларининг фото нусхалари ҳамда асарнинг эски босма нусхалари (Париж, Қўқон)ни жалб қилган эдилар. Хатто, танқидий матнни яратишга доир илмий мақола ҳам эълон қилган эдилар[1]. Бироқ, Қўлёзмалар институтининг фаолияти тугатилганидан кейин бу ишнинг тақдири нима кечди, хозирча маълум эмас... Шунга кўра асрнинг мавжуд нашрлари матнидаги номатлуб ҳолатларга барҳам беришнинг ягона йўли бўлган мазкур ҳайрли ишни ниҳоясига етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Зеро, ҳозирда бу ишни мукаммалроқ тарзда амалга ошириш имкони янада кенгроқ даражададир.

"Муҳокамат ул-луғатайн"нинг қўлёзма нусхалари

Филология фанлари доктори, профессор Қ.Содиқов "фанда "Муҳокамат ул-луғатайн"нинг тўртта қўлёзмаси маълум"лигини ёзади[2]. Бизда улардан учтаси[3] ҳамда Қ.Содиқов назаридан четда қолиб кетган Ҳайдаробод нусхаси мавжудки, юқорида асар танқидий матнини мукаммалроқ тарзда амалга ошириш имкони кенгроқ, деганда шу фактларни назарда тутган эдик. Зотан, энди асарнинг эски босма нусхаларини ишга жалб этишга эҳтиёж йўқ.

Ўзбкистон ҳукумати қарорига кўра 1968 йилда кенг кўламда нишонланажак Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллигига тайёргарлик ишларидан бири сифатида шоир асарларининг жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қадимий ва ҳар жиҳатдан мўътабар ҳисобланган қўлёзма нусхаларини ўрганиш ва улардан илмий ҳамда нашр ишларида истифода этиш мақсадида фото нусхалар олиш ҳам режалаштирилади. Ана шу ишни ўз зиммасига олган таниқли навоийшунос Ҳамид Сулаймонов Навоийнинг дунё ҳазиналарида сақланаётган саккизта куллиёти қўлёзма нусхаларини ўрганишга ва уларнинг фото нусхаларини олишга муваффақ бўлди. Домла ўзларининг "Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан" номли илмий мақолаларида ана шу саккизта куллиётнинг қўлёзмалари ҳақида қисқача маълумот бериш билан бирга уларнинг таркибига кўра қиёсий жадвалини ҳам илова қилган эдилар[4].

Ана шу жадвалга кўра, саккизта куллиётнинг (уларнинг иккитаси юртимизда – бири шахсий кутубхонада, иккинчиси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институ-

---

[1] Қаранг: М.Ҳамидова "Муҳокамат ул-луғатайн"нинг танқидий матнини яратиш йўлида, Адабий мерос, №2 (33), 1985, 81–84 - бетлар.

[2] Қосимжон Содиқов, "Муҳокамат ул-луғатайн"ни ўқиб ўрганиш. Т., 2011, 7-бет; Қосимжон Содиқов, Матншунослик ва манбашунослик асослари, Т., 2017, 163-бет.

[3] Тўртинчиси (D) Будапештда сақланаётган нусха бўлиб, Қ.Содиқов у ҳақда туркиялик олима Сема Барутчу Ўзўндер маълумотига суяниш билан кифоятланган. Мазкур олимнинг ҳабар беришича қўлёзма Венгрия Фанлар академияси қошидаги Кутубхона ва ахборот марказининг турк бўлимида Top.Ok.75 белгили рақам билан сақланади. Унда китобот санаси кўрсатилмаган бўлиб, қатор матний хусусиятларга кўра Фотиҳ нусхасига яқин туради. Китоб 44 варақдан иборат бўлиб, ҳар саҳифада 11 қатор жойлашган. Қаранг: Əliser Navaiy, Muhakamatul lug'atayn iki dilin Muhakemesi. Hazirlayan: F Sema Barutcu O'zo'nder, Ankara. 1996, 2-sayfa.

[4] "Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан". "Адабий мерос" 1973, 3-сон, 86-87 бетлар.

тининг Ҳамид Сулаймон фондида сақланади) учтаси таркибидагина “Муҳокамат ул-лағатайн” асари мавжуд, холос.

Бундан аён бўладики, дунё миқёсида ҳам бу асарнинг қўлёзма нусхалари жуда кам сақланар экан[1]. Бахтимизга, сўнгги йилларда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейида яна бир нусхаси сақланаётганлигини аниқладик ва унинг фото нусхасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдик.

Ҳозирда истифода этишимиз мумкин бўлган мазкур учта куллиёт таркибидаги нусхалар энг аввало, қадимийлигига кўра матншунослик учун ғоятда эътиборли нусхалар ҳисобланади. Зотан, уларнинг энг қадимийси Истанбул нусхаси бўлиб, у хижрий 901-902, милодий 1496/97-1498/99 йилларда Навоийнинг топшириғи ва бевосита назорати остида пойтахт Ҳиротда тасниф қилинган. Котиби Дарвеш Муҳаммад Тоқий. Устоз Ҳамид Сулаймонов зикр этилган мақоласида ушбу куллиётнинг мусаннифи Навоийнинг ўзи эканлигини ишонарли далиллар асосида кўрсатиб ўтган эдилар. Куллиёт Истанбулдаги Реван кутубхонасида 808-инв. рақами билан сақланади. Унда “Муҳокамат ул-луғатайн” 754б-773а саҳифаларни эгаллаган ва жойлашиш тартибига кўра 24-ўриндадир. Жаъми 26 асар жойлашган. Ҳар бир асар нақшинкор лавҳлар ишланган саҳифадан бошланади. Назмий асарлар ҳар саҳифада тўрт устунда 27 сатрдан. Матнлар мумтоз настаълиқ хатида майда қилибкўчирилган. Қўлёзма ўлчами 23,5х32,1 см. У мутахассислар томонидан Ҳирот китобатчилик мактабининг гўзал намуналаридан бири сифатида баҳоланиб келмоқда.

Қўлёзма гарчи муаллиф назорати остида ёзилган бўлса-да, унда кейинги икки нусхага нисбатан муҳим жиҳатлар, афзал хусусиятлар у даражада кўзга ташланмаганидан ташқари кутилмаганда қатор матний нуқсонлар ҳам учрайди. Чунончи, 780а саҳифада “ ... кўпроқ ул ҳазрат шеърига татаббуъ воқеъ бўлубтур” жумласи нотўлиқ кўчирилган:

كوپراک اول شيعريغه تتبع بولوب تور

Кўп ўринларда сўз ва қўшимчалар тушиб қолган. Мисол тариқасида келтирилган ўзбек тилидаги юзта феълдан бири قيكز ايماق сўзи قيكز انماق тарзида кўчирилган. “Ва қимизни ва сузмани ...дағи туркча айтурлар” жумласи бошқачароқ:

قيزنی و سوزمنی.... داغی ترکچه آيتورلار

Холбуки, асарнинг бу қисмида гап ичкилик ва егуликлар ҳақида бормоқда.

Баъзи ўринларда сўз ва ибораларнинг ғайри ихтиёрий равишда тушуриб қолдирилиши оқибатида ўша гап ёки мисра мазмуни мубҳамлашиб қолган. Чуннончи, “ичкирмак” феълига мисол тариқасида келтирилган байт шундай:

چرخ ظلمی داکه بو غزومنی و قيريب يغلارمين
ايکيرور چرخ اينچيکير يب يغلارمين

Кейинги мисрада иккинчи сўз билан таркибан боғлиқ бўлган бир сўз тушиб қолган. Париж нусхаси асосида нашр этилган босма нусхадан матн кўчирган П.Шамсиев мазкур ўринда катта қавс орасида اورار сўзини берган. И. Одилов нусхасида ҳам айнан шундай хол. Қўқон босмасида эса اورار сўзи устидан чизиқ тортилиб, ҳошияда V белгиси ва كيبى сўзи ёзиб қўйилган.

Демак, П.Шамсиев Париж нусхасида “киби” сўзи мисрада йўқлиги туфайли уни Одилов нусхасидан ёки унга асос бўлган Истанбул босмасидан ана шу қавс билан берилган тарзда

[1] Бу холатни рисоланинг соф илмий характердаги асар эканлиги билан изоҳлаш керак, албатта. Зеро, у асосан, илм ва маърифат аҳлининггина эътиборида бўлиб келган, холос.

кўчирган. 1967 йилдаги нашрда (Ўн тўртинчи том) ушбу холни номақбул билиб, бу ўринда мазмун талабига кўра “ўрар” اورار эмас “киби” كيبى сўзи туриши кераклигига амин бўлган холда уни қавсли тарзда беришни маъқул топган.

Ушбу холат ўтган асрда “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг юртимизда амалга оширилган нашрларига Париж ва Истанбул босмалари асос бўлганлигининг тасдиғи бўла олади.

Мазкур қўлёзма фанда Истанбул нусхаси дея юритилиб келинаётганлигини назарда тутиб, уни шартли равишда И нусха дея қўллашни мақсадга мувофиқ топдик. Шундай бўлса-да, баъзи ўринларда Истанбулнинг иккинчи бир ҳазинаси – Сулаймония кутубхонаси, Фотиҳ бўлимида сақланаётган нусхага нисбатан “Тўпқопи нусхаси” тарзида ҳам қўлланилади.

Иккинчи куллиёт Париж нусхасидир. Икки жилддан иборат бу нусха ҳижрий 933, милодий 1526/27 йилларда Ҳиротда котиб Али Ҳижроний томонидан кўчирилган. Куллиёт Париж Миллий кутубхонасида 316 – 317-инв. рақамлари билан сақланади[1]. Унинг таркиби ҳам муаллифнинг 26 асаридан иборат бўлиб, “Муҳокамат ул-луғатайн” 18-ўринда жойлашган. Матнлар настаълиқ хатининг Хуросон услубида ғоятда гўзал тарзда кўчирилган, ҳар саҳифа 25 сатрдан. Асарлар номлари олтин суви ва рангли сиёҳ билан сулс хатида битилган. Айрим жиҳатларига кўра у Истанбул нусхасидан кўчирилган бўлиши керак. Мазкур куллиётлар ўртасида фарқлар мавжуд. Бу аввало, Навоий асарларининг жойлашиш тартибида кўринади. Чунки, Париж нусхасида насрий асарлар: 17. Мезон ул-авзон. 18. Муҳокамат ул-луғатайн. 19. Хамсат ул-мутаҳаййирин. 20. Мажолис ун-нафоис. 21. Тарихи анбиё ва ҳукамо. 22. Тарихи мулуки ажам. 23. Вақфия. 24. Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер. 25. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. 26. Муншаот тартибида ўрин олган. Истанбул нусхасида бу тартиб 23, 25, 24, 17, 18, 19, 22, 20, 21, 26 тарзидадир.

Афтидан, Париж нусхаси мусаннифи бу масалага бир қадар принципал ёндашган ва асарларни таснифлаган холда жойлаштирган. Яъни, аввал илмий-филологик асарларни, кейин моҳиятан яқин турувчи маноқиб ва тазкирани, сўнгра тарих асарларини, кейин эса ҳолотлар ва ниҳоят, Навоийнигина эмас, ўзбек мумтоз адабиётида ягона бўлган иншо санъати намунаси – “Муншаот”. Ҳар бир асарнинг бошланишида бадиий унвонлар мавжуд. Саҳифалар зарҳал билан жадвалланган. Қўлёзма ўлчами 27,2х38,6 см.

Қўлёзма матни ғоятда равон. Унда юқорида қайд этганимиздек Истанбул нусхасига хос хусусиятлар учраши билан бирга ўзига хос жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, Истанбул нусхасида мисол тариқасида келтирилган шеър турларининг номлари ҳамда “байт” сўзи ёзилиши лозим бўлган ўринлар бўш қолдирилган бўлса, мазкур нусхада бундай номлар насх хати билан қайд этиб қўйилган. Шунингдек, Қуръондан келтирилган ояти карималар ва ҳадиси шарифлар ҳам насх хатида ҳаракатлар билан битилган. Истанбул нусхасидаги تيكردا اوركاماج сўзлари تيكردا اوركماج тарзида ёзилган. Биз бу нусхани ишимизда П нусха деб қўллаймиз. Афтидан, котиб кўчираётган асарнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, ундаги мисол тариқасида келтирилган сўзларнинг талаффузини тўлиқ ва равшан ифода этиш йўлини тутган.

Учинчи куллиёт Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ бўлимида 4056-инв. рақами билан сақланувчи қўлёзма бўлиб, унда китобат санаси ва ўрни, шунингдек, котиби ҳақида маълумот йўқ, таниқли манбашуносларнинг таҳминларича қўлёзма XVI асрнинг биринчи ярмида кўчирилган[2].

---

[1] Бу икки нусханинг микрофильми Адабиёт музейининг қўлёзмалар фондида сақланади. Биз ана шу микрофильмлардан фойдаландик.

[2] Ҳ.С.Сулаймонов. Ўша мақола, 88-89 бетлар

Қўлёзма жуда яхши сақланган бўлиб, унда Навоийнинг 26 асари жамланган. Асарнинг жойлашиш тартиби аввалги нусхаларга нисбатан янада фарқлидир. “Муҳокамат ул-луғутайн” энг сўнгги 26 ўринда жойлаштирилган. Истанбул ва Париж нусхаларида эса аввалда айтганимиздек сўнгги уринда “Муншаот” асари берилган. Матн майда настаълиқда кўчирилган. Ҳар бир асар аввалги нусхалардаги каби мунаққаш саҳифалар билан бошланади. Ҳар саҳифада 27 тадан сатр жойлашган. Саҳифаларга турли ранглардаги тўрт чизиқдан иборат жадвал тортилган.

Қўлёзма аввалги нусхаларга нисбатан қатор фарқли жиҳатларга эга. Чунончи, унда Париж нусхасидагидек мисралар аввалида “байт” сўзи ва шеърий тур номлари ёзилмаган, Истанбул нусхасидаги каби улар учун очиқ жой ҳам қолдирилмаган, балки, улар ўрнига ва мисралар орасига қизил рангда тескари вергулсимон белги қўйилган. Бундан мақсад мисрани мисрадан, шеърий парчани насрий қисмдан ажратиб кўрсатиш бўлган. Шунингдек, Қуръони Каримдан келтирилган оятлар ҳам қизил сиёҳда ёзилган. Нусханинг камчиликларидан бири баъзи жумла, гап, ҳатто, кичикроқ қисмларнинг ўрни алмашиб қолганлигидир.

“Муҳокамат ул-луғатайн”нинг қўлёзма манбаларига бағишланган ишлрда ушбу қўлёзма “Фотиҳ нусхаси” дея қўлланилган[1]. Ишимиздан илмий истифода этувчиларга қулай бўлишини назарда тутиб биз ҳам уни “Фотиҳ нусхаси” дея юритамиз ва Истанбулнинг иккинчи бир ҳазинасида сақланаётганлигини назарда тутиб, шартли равишда қисқача И1 нусха деб белгилаймиз.

Имкониятимизда бўлган “Муҳокамат ул-луғатайн” нусхаларининг сўнггиси Ҳайдаробод нусхаси бўлиб, у XVIII-асрга тааллуқлидир. (Ушбу қўлёзмага бизни эътиборимизни қаратган ва уни тадқиқ доирасига тортишга сабачи бўлган музейимиз директор ўринбосари, ф.ф.н. Отабек Жўрабоевга миннатдорчилик билдираман.)

Қўлёзма Ҳайдароботнинг Саларжанг кутубхонасида Заҳириддин Муҳаммад Бабурнинг девони билан бирга 18-инв. рақами остида сақланмоқда. Унинг фото нусхасини устоз Ҳамид Сулаймонов 1975 йилда мамлакатимизга келтирганлар. Қўлёзма колофонида китобат санаси кўрсатилган: ҳижрий 1180 йил. Бу милодий 1766-1767 йилларга тўғри келади. Асар матни китобнинг 59б-86а саҳифаларини эгаллаган. Матн бошланган саҳифанинг юқори ўнг бурчагига қизил сиёҳда نثر على شير نوائي ибораси, чап томонига محاكما сўзи ёзилган. Афтидан, асар номининг الغاتين қисми қўлёзмани қайта таъмирлаш вақтида варақларнинг туташтирилган қисмлари, яъни таякиси орасида қолиб кетган.

Нусхадаги ўзига хослик аввало, унинг матнида намоён бўлади. Матн ғайриодатий йўсинда кўчирилган, яъни бир неча сатр диоганал ҳолда, сўнгра одатий тарзда ёки бир саҳифа тўлиқ диоганал кўринишда, навбатдаги саҳифа бошдан охиригача горизонтал тарздадир. Мазкур ҳолат матндан истифода этишга бир оз қийинчилик туғдиради. Котибнинг қай мақсадда бундай йўл тутганлигини тушуниш қийин, у бир хилликдан қочган бўлса, эҳтимол..

Нусханинг яна бир эътиборли жиҳати ундаги жуда кўп сўз, ибора ҳамда жумлалар остига уларнинг форсий муқобилларини қизил сиёҳда ёзиб қўйилганлигидир. Чунончи: “чу оламни яратти Маъбуд” жумласидаги “Яратти” сўзи остига “пайдо кард” (59 б), “Сомни Абулфорс битарлар” жумласидаги “битарлар” тагига “минавишанд” (59 б), “ул тиллар иборати” жумласи остига “иборати он забонҳо” жумласи ёзилган. Шунингдек, “кўзу қошлар” – чашму

[1] Адабиёт музейимизнинг катта илмий ходими Жамолиддин Жўраев 2010 йилда Туркияда хизмат сафарида бўлиб, мазкур куллиётнинг электрон вариантининг “Мухокамат ул-луғатайн” асари матнидан нусха кўчириб, бизга тақдим этгани учун унга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

абру, “ўз маҳалида” – ба жойи худ, “ўзгаларни” – дигаранро, “чоқин” – барқ, “айтурлар” – мигуянд, “билмаслар” – намидонанд каби.

Бу каби ҳолат муаллиф мисол тариқасида келтирган байтларда ҳам учрайди. Масалан:

Менгизлар гул-гул, мижалари хор,
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор.

байтидаги “менгизлари” сўзига “рухсораҳо” сўзи, “кенг-кенг” ва “оғизлари тор-тор” ибораларига “кушода” сўзи ҳамда “даҳанҳо танг” иборалари муқобил сифатида ёзиб қўйилган. Яна:

Анингким ол юзида менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти.

байтида “ол юзида менг яратти” жумласи остига “дар руйи сурҳ холи сийяҳ кард” жумласи, кейинги мисрадаги “тенг яратти” ибораси тагига “бароабар кард” ибораси ёзилган. Биринчи мисрада “энгинда” сўзи ўрнига “юзида” сўзининг ёзилиши эса котибнинг ихтиёрий равишда қилган ўзгартириши дея баҳоланиши керак. Қолаверса, бундай ҳолат яна бир қанча ўринларда учрайди: “айтқудек”ни “айғудек”ка, “шуаро”ни “шоирлар”га, “гулистон”ни “гулшан”га, “барчаси”ни “бариси”га, “силкига кирмайдур”ни “силкига тортмайдур”га ўзгартириб кўчирилган. Ушбу келтирган мисолларимиз котибнинг билим даражаси ҳамда ишга индивидуал ёндошуви ётибти, албатта.

Мазкур нусхада бошқа нусхаларга нисбатан муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган фарқлар ҳам учрайди. Чунончи, асарда мисол тариқасида ўтовнинг қисмларидан бўлмиш “тўрлуғ” атамаси келтирилади. У аввалги нусхаларда تورلوغ ёзилган, Ҳайдаробод нусхасида эса توؤرلوغ ёзилган. Ҳозирги нашрда бу сўз аввалги шаклда – “турлуғ” тарзида босилган. Ҳолбуки, ўтов тепасидаги туйнукка ёпиладиган кигизнинг номи бўлган бу сўз “Наоий асарлари луғати”да ҳам, тўрт жилдлик “Алишер Навоий тилининг изоҳли луғати”да ҳам توؤرلوغ– “тувурлиғ” шаклида берилган. “Навоий асарлари учун қисқача луғат” (тузувчи Б.Ҳасанов)да бу сўзнинг арабча шакли Ҳатто, تووورلوغ тарзида берилган.

Иккинчи бир мисол: асарда от абзаллари қаторида “қўшқун” атамаси келтирилади. Бу сўз аввалги уч нусхада قوشقون ёзилган. Ҳайдаробод нусхасида у قويوشقون тарзида, яъни дастлаб қўлланган шаклида берилган. Мазкур сўз ҳозирда аввалдагиларга нисбатан анча кам, асосан “қуюшқондан чиқиб кетди” фразеологик бирикмасида ишлатилиб туради. Қўлёзмаларда мазкур сўзнинг قوشقان ёзилишида котибни айблашимиз, яъни “ёйи ваҳдат” билан “вов”ни тушуриб қолдирган, дея ёзғиришимиз ноўрин. Зеро, бу ўзгариш ҳодисаси халқнинг сўзга эътиборсизлиги оқибатида, яъни қисқартириб айтиш оқибатида юз берган. Зотан, Ҳайдаробод нусхасининг котиби уни тўлиқ тарзда ёзишни мақбул кўрган. Воқеан, унинг бу иши эътиборга лойиққина эмас, ибратли дейилса ўринлидир. Чунки, тилимизда қадимдан истеъмолда бўлган, бироқ даврлар ўтиши билан деформацияга учраган сўзнинг аслий шаклини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра биз ҳам танқидий матнда мазкур сўзларни аввалдаги шаклларида беришга қарор қилдик.

Матн кўчирилганида котибнинг индивидуал жиҳатлари ҳам кўзга ташланади: “вов”, “ре” ва “зе”лардан кейин “ҳойи ҳавваз” келса бу ҳарфларнинг дум қисмидан нуқта чиқа-

риб қўяди; “нун” билан тугаган сўзларда бу ҳарфнинг мудаввар (юмалоқ) шаклида эмас, қавсий (ёйсимон) кўринишида, яъни паст томонга мойил тарзда битади. Баъзи ўринларда буни “ёйи ваҳдат”нинг ёзилишида ҳам кўрамиз. Қасиданинг кўплигини ҳамзали ёзади: قصائد . Бир ўринда بيلا ёзса, бир ўринда بيرلا ёзади. Маънони кучайтириш ёки таъкидлаш мақсадида қўлланиладиган қўшимчанинг фақат қисқа шакли کی ишлатилган.

Янада эътиборлиси котибнинг баъзи сўзлар ўрнига уларнинг маънодошларини ёзиш: یانا ўрнига تقی, بهره مند ўрнига بهره ور каби ҳамда баъзи сўз ва ибораларни ўзбошимчалик билан ўзгартириб кўчиришдир. Чунончи حسرو دهلوی جانبی دین داغی بو دستورلوغ کوپ واقع بولوبدور гапидаги قوینی غه سالدی, یوسونلوق сўзини ўрнига دستورلوغсўзи غایت سیز نکهت لیغ کول و یاسمن قوینی غه жумласидаги نظم سلکیکا کیرمایدور жумласини эса نظم سلکیکا تارتیلمایدور қилиб сўзи ўрнига بوینی غه сўзини ёзилиши ўзгартирилиши каби. Албатта, унинг бу ишини маъқуллаб бўлмайди. Бироқ, баъзи ўринларда уни кескин айблаб ҳам бўлмайди. Масалан, “қимсанмоқ” ва “қизғанмоқ” феълларига мисол тариқасида келтирилган

عذا رینک نی آچرغه قیمسانورمین
ولی ایل کورماکیکا قیزغانورمین

байтининг иккинчи мисрадаги کورماکیکا сўзинидین کورماکیکا тарзида ўзгартириб кўчирилган. Гап қурилишига кўра тўғри иш қилингандек кўринади. Бироқ, бу ерда вазн масаласи шу сўзни тақозо этиши котиб ҳаёлидан фаромуш қолган.

Асарнинг бир жойида овланадиган ёввойи ҳайвонларнинг номлари устида сўз боради ва у шундай тугайди: آیتور بیلی لفظی و کراز خوک چاسین بارت . Шундан кейин овланадиган ёввойи қушларнинг номларига ўтилади. وکیلدوک قوشقه که اندا مقرّر و مشهور ایلباسون اوردکدور Ҳайдаробод нусхасида кейинги гап бошидаги و ўрнида ایمدي сўзи ёзилган ва бунда гап “Эмди келдук қушқаки, анда муқаррар ва машҳур илбосун ўрдакдур”, деб ўқилади. Ва аслини олганда гапнинг ана шундай бошланиши марғуброқ, бошқача қилиб айтганда ўринли таҳрир. Бироқ, муаллиф ифода услубининг ўзига ҳос қирралари мавжудлигини котиб эътибордн четда қолдирмаслиги керак эди. Хусусан, Навоийдек санъткорнинг ифода услуби мумтоз ва бетакрорлигини ҳис қила билмаган.

Ҳайдаробод нусхасининг муҳим ҳусусиятларидан яна бири унинг Фотиҳ нусхаси билан баъзи бир муштарақликларга эгалигидир. Бу дастлаб асарда келтирилган юзта феълнинг тўлиқлигида кўринади. Унда ҳам Истанбул ва Париж нусхаларида ихтиёрсиз равишда тушириб қолдирилган چیمدیلاماق сўзи Фотиҳ нусхасидаги каби ўз ўрнидадир.

Абдураҳмон Жомийнинг қаламига мансуб “Жило ур-руҳ” қасидаси Истанбул ва Париж нусхаларида جلاء الروح ёзилган Фотиҳ ва Ҳайдаробод нусхаларида اجلا الروح шаклида битилган.

Шунингдек, Фотиҳ нусхасидаги камчилик ва нуқсонлар Ҳайдаробод нусхасида ҳам айнан такрорланган. Чунончи, “Овда умдаки, кийикдур, турк онинг эркагин “хуна” ва тишисин “қилчоқчи” дер” гапидаги “қилчоқчи” сўзи ўрнида Фотиҳ нусхасида بورچین сўзи (бу котибнинг ғайри ихтиёрий равишда йўл қўйган хатоси бўлиши керак) ёзилган. Ҳолбуки, шу гапдан бир оз кейинроқда “Доғи турк ўрдакнинг эркагин “сўна” ва тишисин “бурчин” дер” гапи келади ва ҳақиқатдан ҳам луғатларда кўрсатилишига кўра “бурчин” ўрдакнинг модасидир, кийикнинг урғочиси эмас. Ҳайдаробод нусхасида ҳам قیلچاقچی эмас بورچین келган.

Фотиҳ нусхасининг жиддий камчиликларидан яна бири баъзи ўринларда кетма-кет икки жумланинг тушириб қолдирилганлигидир. Бу ҳол Навоий ўзининг табиатан туркий

тилга рағбати кучли эканлигини таъкидлаган ўринда ҳам учрайди. Яъни: “турк алфозиға дағи мулоҳазани лозим кўрулди – оламе назарға келди, ўзи ўн саккиз минг оламдан ортуқ, анда зебу зийнат ва сипеҳре табға маълум бўлди, тўққуз фалакдин ортуқ анда фазоу рифъат; маҳзане учради дурлари кавокиб гавҳарларидин рахшандароқ ва гулшане йўлуқти, гуллари сипеҳр ахтаридин дурахшандароқ...”

Бу парчадаги “зебу зийнат ва сипеҳре табға маълум бўлди, тўққуз фалакдин ортуқ анда” жумласи ҳамда сўнгги жумла “ва гулшане йўлуқти, гуллари сипеҳр ахтаридин дурахшандароқ” нусха матнида (780 б) йўқ. Ушбу “кемтиклик” Ҳайрабод нусхасида айнан такрорланади.

Бу келтирганларимизга кўра ўз-ўзидан икки хил фикр пайдо бўлади. Яъни, бу ҳар иккала нусха бир манбадан кўчирилган ёки Ҳайдаробод нусхаси Фотиҳ нусхасидан кўчирилган. Ишимиз нуқтаи назаридан эса Ҳайдаробод қўлёзмаси ёрдамчи нусха вазифасини ўташи мумкин.

Фотиҳ нусхаси – “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг мукаммал варианти

Ҳамид Сулаймонов Фотиҳ нусхаси хусусида сўз юритар экан, унинг “ўзи ўрганган куллиётларнинг бир мунча тўлиқроғи” эканлигини таъкидлайди[1]. Бунда устоз куллиётнинг қайси жиҳатларини назарда тутганликларини билмадик, аммо “Муҳокамат ул-луғатайн” асари матнини Тўпқопи ва Париж нусхаларига қиёсан ўрганганимизда уларга нисбатан анчайин матний мукаммалликка, муҳим ижобий ҳусусиятларга эга эканлиги маълум бўлди. Бу эса ишимизнинг савиясини таъминлаш билан бирга асарнинг мавжуд босма нусхаларидаги қатор муаммоли нуқталарини ҳам бартараф этишга хизмат қилади.

Таъкидлаганимиз, яъни мазкур нусханинг аввалги (Тўпқопи ва Париж) нусхаларига нисбатан матний мукаммаллиги аввало, ундаги кейинчалик амалга оширилган қўшимчалар ва тўлдиришларда намоён бўлади. Ўшандай ўринларни биз қуйидагича тарзда келтиришни мақбул топдик.

№	Аввалги икки нусхада	Саҳифаси	Фотиҳ нусхасида	Саҳифаси	Танқидий матнда
1	فارسی کوی ترک بیک لار و میر زاده لار بوخساماق نی فارسی تیل بیله تیلاسه لارکه ادا قیلغایلا و شعرنینک....	И 776а П 280а	فارسی کوی ترک بیک لار و میر زاده لار بوخساماق نی فارسی تیل بیله تیلاسه لارکه ادا قیلغایلار آیانی نوع قیلغایلا و شعرنینک...	775а	6
2	یانه غذا و هر طعام که یسه بولور ییکولوک دیرلار و سارت اهلی نینک کوپی....	И 777а П 284а-284б	ینه غذا و هر طعام که یسه بولور ییکولوک دیرلار وسو ایجماک و هر نیمه نی که ایجسه بولغای ایجکولوک دیرلار و سارت اهلی نینک کوپی....	776а	11

[1] Ҳамид Сулаймон. Ўша мақола, 89 бет.

13	776a	و اکر بیر بیریدین متمیّزقیلسه ترکچه آت بیله اوق ایتور یانا یازی قوشلاریدین توغداق و توغداری چاغروق قیل قویروغ قوله پورغه یا پالاغ قولاد و لکلک جیلان قراقوش تیلبه قوش جقبیغ دیک قوشلارنی آتلاری یوقتور کوپین ترکچه ایتورلارو تاغ و توزدا جیلغه سو قماغ دوش ارغدال قیرایشمه بورماغ تورماغ سیکریتمه سرت اوچمه ایشمه ایلات باقیرالانک توقی کول کولاک سانک سایانک چاقیل سای شورتانک دیک نیمه لارنینک کوپی کا آت تعیین قیلمای دورلار و جانوارلارنینک اونیدین بیر آت کیشناماکی کا شیمه آت قویوبتورلار تیوه بوزلاماغیغه و اوی منکراماکی کا و ایشاک اینکرماغی غه وایت غینکشیماغی غه۱ و اولوماغی غه لفظ یوقتور ینه آت انواعی داکه.....	И 777а-777б П 281	و اکر بیر بیریدین متمیّزقیلسه ترکچه آت بیله اوق ایتور یانا یازی قوشلاریدین توغداق و توغداری	3
13	777a	انداق که قهال و یاسال و قبال و تونقال و تورقال و توسقال و سیورغال قیلیچ بیله چاپماغنی سوغلوماغنی و نیز بیله سانچماغنی و ایلماغنی باریسین زد لفظی بیله ادا قیلورلار یانا بعضی محل و مکانغه بیرقاف الحق قیلیب بیر فصل یا بیر امرغه منسوب قیلورلار انداقکه قیشلاق و ییلاق و اولاق و قیشلاق و بو هم غریب دور فارسی داهم بعضینی ترک تیلی بیله ایتورلار بو الفاظ و عبارتدا.....	И 778a П 282a	انداق که قهال و یاسال و قبال و تونقال و تورقال و توسقال و سیورغال	4

[1] “Муҳокамат ул-луғатайн” матнини илк бор Фотиҳ нусхаси асосида берган турк олими Сема Ворутчу Узундер бу сўзни “тегишмағиға”деб ўқиган. (Ali Şir Navoyi. Muhakemet l-lugatayn. Hozirlayan F. Sema Barutcu Özönder. Ankara. 1996. 176-бет). Қ. Содиқов “мингишмоғиға” ўқиган ва буни “ит эса тишисига” (яъни, урғочисига) мингашади” дея изоҳлаган. (Қ. Содиқов Матншунослик ва манбашунослик асослари. Т., 2017, 168-бет). Тўғри, Қ. Содиқов таъкидлаганидек, сўз бораётган парча саҳифа ҳошиясига ёзилган, ўқиш бироз қийин. Шундай эса-да, эътиборли факторни назардан қочирмаслик керак. Яъни, Навоий мисолларни таснифий тарзда келтиради: қуш ва ҳайвон хиллари, жой номлари ва либослар атамалари, от абзоллри каби. Келтирган парчадаги мисоллар эса, фақат уй ҳайвонлврининг овозлари доирасидадир. Шундай экан, итнинг урғочисига “тегишмоғи” ёки “мингашмоғи” бу доирага номувофиқдир.

23	783a	تاملاک عرب وسارت سلاطینی دین ترک خانلارغه انتقال تاپتی هلاکوخان زمانیدین سلطان صاحب قران تیمور کورکان دورانی غه چه ترک تیلی بیله انداق شاعر پیدا بولمادی کیم اندین تعریف قیلغوچه ورق قه یازیلغوچه اثر ظاهر بولمیش بولغای و سلاطینی دین هم انداق نیمه منقول ایماسکه بیراو قاشیدا ایتسه بولغی امّا سلطان صاحب قرن تیمور کورکان زمانیدین فرزند خلفی شاهروخ سلطان نینک زمانی نینک آخریغه چه ترک تیلی بیله شعرا پیدا بولدی لار	И 780б 781a П 285a 285б	تاملاک عرب وسارت سلاطینی دین ترک خانلارغه انتقال تاپتی هلاکوخان زمانیدین سلطان صاحب قران تیمور کورکان زمانیدین فرزند خلفی شاهروخ سلطان نینک زمانی نینک آحریغه چه ترک تیلی بیله شعرا پیدا بولدی لار	5

Кўринадики, дастлабки икки ҳолатда котибнинг эътиборсизлиги туфайли юзага келган кемтиклик кераклик жумлалар ҳисобига тўлдирилган ва гаплар тугал маъно билдирадиган тўлиқ шаклга келтирилган.

Кейинги ҳолатар эса қўшимчалар тарзида бўлиб, улар муаллиф ўзи мақбул топган усул – қиёсий таҳлил кўламининг кенгайишига хизмат қилган. Фикримизча, мазкур атамалар асарнинг ёзилиш жараёнида муаллифнинг эътиборидан четда қолган. Асар итмом топиб, китобат этилгач уни бафуржа назардан ўтказган чоғида зикр этилаётган қисмларни ҳам киритиш фикри туғилганлиги ҳақиқатга яқин.

Илк нусҳа матнидаги яна бир жиҳат ҳам муаллифдаги асарни яна такомиллаштириш фикрини қатъийлаштирган бўлса, эҳтимол. Бу матндаги имловий хатоликлар, сўз ва ибораларнинг тушириб қолдириш ҳолатлари ҳамда таҳрирталаб ўринларидир. Бундай нуқсонларни кўплаб келтириш мумкин.

Асарнинг ов қилинадиган ҳайвонлар номлари тилга олинадиган қисми шундай бошланади:

و آو وقوشکه سلاطین اداب و رسومی دا هر قیسی که باشقه متعین ایشیتور ایکالاسین شکاردیرلار (И777a; П281б)

Келтирилган парча 1940 (лотин графикасида) ва 1967 йилдаги нашрларда шундай табдил қилинган ҳолда босилган: “Ва ов ва қушки салотин одоб ва русумида ҳар қайси бошқа мутааййин ишитур, иккаласин “шикор” дерлар”.

Кўриниб турганидек, гапдан тўлиқ мазмун чиқаришга ундаги “ишитур” сўзи монелик қилади. Шунинг учун бўлса керак Навоий асарлари “Йигирма том”лигида бу сўз “эшитур” тарзида ўзгартирилиб босилган. (16-том, 20 бет) Шу нашрнинг деярли такрори бўлган “Ўн томлик”да ҳам айни ҳол. Бироқ, бў сўз ҳам гап мазмунига сингимайди. Энди Фотиҳ нусхасидан ана шу гапни ўқиймиз, унда мазкур сўз ایشیتور эмас, балки ایشتور ёзилган. Мана бу сўз билан энди гап мазмуни равшанлашади: Ов ва қуш эса султонлар одобу одатича ҳар бири (ўзига хос) бошқа ишдир, иккаласини “шикор” дейдилар.

Аслини олганда, ایشیتور сўзи бу ўринда нотўғри битилган деб бўлмайди. Фақат, уни “эшитир” эмас, “ишйтур” деб ўқиш керак, яъни “бир ишдир” маъносида. Унда нега у сўнгги нусхада ایشتور қилиб ўзгартирилган? Кўриниб турибдики, гапда икки нарса – ов ва қуш устида сўз бормоқда. Шундай бўлгач, “ бир ишдир” иборасини ишлатишига қараганда шунчаки “ишдур” сўзини қўллаш мантиқан тўғрироқ бўлибкўринган бўлса керак таҳрирчига.

Бу айтилганлар ва давомидан ёзилганларга кўра аждодларимиз ёввойи ҳайвонларни овлашни “ов”, қушларни овлашни эса “қуш” дея номлаганликлари ва бу ишлар биз бугун ўйлаганчалик кўнгил очар машғулотдан кўра кенгроқ тушунчага эга эканлиги маълум бўлади.

Тўпқопи нусхасидан Хожа Ҳофиз таърифидаги парчани ўқиймиз:

یانا حقیقت اهلی نینک سرخیل و سرافرازی حواجه حافظ شیرازی نکات و اسرارین که انفاسی روح القدس دین نشان ایتور و روح الله انفاسی دین اثر بیتکورور

Париж нусхасида ҳам ушбу парча айнан шундай. Фотиҳ нусхасида эса гапдаги ایتور сўзи ўрнида بیرور сўзи ёзилган (289 б). “Нишон” сўзининг асл маъноси белги, аломат эканлигини ҳисобга олсак, унинг зоҳир бўлишига нисбатан “бермоқ” феълини ишлатиш ўринлидир. “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг юртимиздаги барча нашрларининг бош манбаи Париж нусхаси бўлганлиги боис уларда ҳам “берур” эмас “айтур” босилган.

Аввалги икки нусхада “Ғаройиб ус-сиғар” девони муаллиф томонидан шундай таърифланади:

وغرایب الصغر دیوانی دور کیم کیچیک یاشده تقریریم دین کذرش و تحریریمدین نکارش تاپسب دورکیم

Мазкур парча ҳозирги нашрларда шундай берилган: “... бири “Ғариб ус-сиғар” дурким, кичик ёшда тақририм гузориш ва таҳриримдин нигориш топибтурким, маоний ғурабосидин ғариб алфоз либосиға киюрупмен ва халқ кўнглин ғарибистон аҳли ўти била куйдурипмен”.

کیووروب ین сўзининг “киюрипмен” шаклида берилишига эътиборни қаратмаса хам бўлади зеро, бунинг мазмунга даҳли йўқ. Аммо, تقریریم دین کذارش иборасидан чиқиш келишиги қўшимчасининг тушириб қолдиришлиги бир қадор маъно мавҳумлигини юзага келтирган. Бироқ, башарти бу сўзни тўлиқ шаклда ўқиганимизда ҳам парчада қандайдир ғализлик борлиги сезилади. Фотиҳ нусхасини кўздан кечирилса, хатолик қаердалиги аён бўлади – унда “маоний ғурабосидин ғариб алфоз либосиға кивурубмен” жумласидаги “ғурабоси” сўзи чиқиш келишиги қўшимчаси билан эмас, тушум келишиги қўшимчаси билан ёзилган. Бунда энди маънони ўқиш қийин эмас: “ маънолар ажойибликларини ажойиб сўзлар либосига кийгизибмен”, бошқача қилиб айтганда маънолар ажойибликларини ажойиб сўзлар либосида намоён қилибман.

Бир ўринда Навоий форс адабиётининг таниқли намоёндаси Хожа Калимуддин Салмон (1310-1376) ижодиётига доир эътиборли ҳодиса ҳақида сўзлайди. Ана шу жой асарнинг барча тўлиқ нашрларида шундай келади:

“Яна суханпардоз устози олий шон Хожа Калимиддн Салмонки, қасида майдонининг чобуксуворидир ва ўз замонининг беназир сухангузори, машҳурдирки, чун маснуъ қасидаси тартибиға қалам сурубдур, ўн саккизда итмом еткурубдир. Воқиан ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар, тарсиъ санъатиким, матлаъдин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаи ростдур, аммо асли матлаъда аввалги мисраънинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаъ будурким,

Байт:

Сафои сафвати рўят бирехт оби баҳор,

Ҳавои жаннати кўят бибехт мушки татор.”

Келтирилган парчанинг икки ўрнида маъно ноаниқлиги кўзга ташланади. Биринчиси, “чун маснуъ қасидаси тартибиға қалам сурубдур, ўн саккизда итмом еткурубдур” гапидаги

сўнги жумлада, иккинчиси “аммо, асли матлаъда аввалги мисраънинг бир лафзида тахаллуф қилибтур” жумласида[1].

Ана энди шу жумлаларни Фотиҳ нусхасидан ўқиймиз:

چون مصنوع قصیده سی ترتیبی غه قنم سوروب دور اون سیکیز ییلدا اتمام غه ییتکوروبتور (779 a)

Бунда энди мазмун аниқ: юксак санъат ва ажиб бадиий безакларга эга қасида яратишга киришиб, уни ўн саккиз йилда ёзиб тугатибди.

Кейинги жумла: اما اصل مطلع دا اوّلغي مصرع نينك بير لفطی دا تحلّف قيليب دور

Кўринадики, аввалги нусхаларда لفطی بيلا سونكغی ميصراع نينک қисми тушиб қолганлиги туфайли маъно ноаниқлиги юзага келган. Зотан, тарсеъ санъатининг асосий талабларига кўра матлаънинг ҳар икки мисрасидаги сўзлар ўзаро охангдош, вазндош ва қофиядош бўлиши керак. Келтирилган Хожа Калимуддин Салмон қаламига мансуб байтда барча сўзлар ўзаро мос келган, бироқ бир номувофиқлик (тахаллуф) бор. Бу “оби” ва “мушки” сўзларидир[2].

Асарнинг сўнгроғида Султон Ҳусайн Бойқаронинг туркий шеъриятга бўлган рағбатини кўрсатувчи шундай сўзлар мавжуд бўлиб, у Тўпқопи нусхасида қуйидагича келади.

باوجود بو سلطان السلاطين نينك كيميا اثر حاطري و خورشيد آثار ضيمري داغي مونكا مايلكه ترك ناظيم لاري اوز الفاظ لاري بيله شعرغه مشغول لوق قيلغايلار و كونكول غنچه سي داغيدين كه پيچلار چيرمانيبدور بهار نسيمي ديك انفاس بيله كلديك آچيلغايلا (286)

Париж нусхасида ҳам айнан шундай (286а). Бинобарин, бу нусха асос бўлган Париж босма нусхасига таяниб амалга оширилган нашрларда ҳам мазкур парча айнан шу кўринишда: “Бовужуд бу султон ус-салотиннинг кимёсар хотира ва хуршедосар замири дағи мунча мойилки, турк нозимлари ўз алфозлари била шеърға машғуллуқ қилғойлар ва кўнгул ғунчаси доғидикки, печлар чирмонибдир – баҳор насимидек анфос била гулдек очилғайлар”[3].

Аввалда тушунарли бўлиб келаётган мазмун сўнгги жумлага келганда “боши берк кўчага кириб қолаётгандек”, ундан маъно чиқариш мушкул. “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг 1940 йилдаги нашрига илова тариқасида берилган асрнинг “соддалаштирилган тексти”да жумла “қатма-қат” бўлиб чирмашган кўнгул ғунчалари баҳорнинг ёқимли шамолига ўхшаш нафаслар билан гулдек очилсинлар”. Кўриниб турганидек, бунда бутун бошли “доғидинки” сўзининг ўрни йўқ. Эҳтимол, у ихтиёрий равишда “унутилгандир”. Чунки у мазкур тарздаги соддалаштиришга “халақит беради”.

Энди ана шу жумлани Фотиҳ нусхасидан ўқиймиз:

و كونكول غنچه سيدا غمدين كه پيچلار چيرمانيب دور بهار نسيمی ديک انفاس بيله كلديک آچيلغيلار (782 a

“ва кўнгил кўчасида ғамдинки печлар чирмонибтур баҳор насимидек анфос била гулдек очилғайлар”.

---

[1] Таниқли тилшунос олим, моҳир мураббий, профессор Қосимжон Содиқов мамлакатимизда биринчи бўлиб Фотиҳ нусхасини илмий истифодага киритди. У ўзининг талабалар учун яратган “Муҳокамат ул-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш” номли рисоласида асар матнининг транскрипциясида мазкур парчани тўлиқ, яъни Фотиҳ нусхасидек берган. Бироқ, китобдаги “Муҳокамат”нинг “Ҳозирги ўзбекчага соддаларширилган ўгирма”сида юқорида тилга олинган нашрлар матндаги нуқсонли ҳолатнинг мазмуни берилган. (Қаранг Қосимжон Содиқов “Муҳокамат ул-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш”. Т, 2011, 82 бет.

[2] Биз бир мақоламизда ғайриихтиёрий равишда бу сўзларни эмас, “бирехт” ва “бибехт”сўзларини ёзиб юборганмиз. (Ю.Турсунов, “Муҳокамат ул-луғатайн” танқидий матнини тузиш йўлида. Алишер Навоий ва XXIаср, илмий-назарий анжуман материаллари. “Тамаддун” Т, 2017, 40 бет

[3] Əliser Navaiy, Muhakamatul lug’atayn. Uz SSR Goslitizdat Taskent 1940. 11–12- bet.

Бундан энди маъно чиқарса бўлади: ғам туфайли кўнгил ғунчасида қат-қат бўлган печлар баҳор шабодаси мисол нафаслар билан гулдек очилгайлар. Янада кенгроқ табдил қиладиган бўлсак: баҳорнинг майин ва ёқимли шабодасидан охиста-охиста силкиниб, ғунчалар очилгани каби турк шоирларининг ўз тилларида айтган шеърларини тинглаб, ғамларга тўлган кўнгил ғунчаси гулдек очилсин.

Аён бўладики, Тўпқопи нусхаси котибининг эътиборсизлиги туфайли “кўнгил ғунчасида ғамдинки” бирикмаси “кўнгил ғунчаси доғидинки” тарзида кўчирилиши боис жумла ғализ ҳолга келиб қолган. Бу ҳам етмаганидек, мазкур хатолик Париж нусхасида ҳам такрорланган ва у кўрганимиздек нашрларда ҳам акс садо берган.

Фотиҳ нусхаси матнида аввалги икки нусхага нисбатан таҳририй характердаги фарқлар ҳам учрайди. Чунончи, тўпқопи нусхаси (778а) ва Париж нусхаси (282а) даги сўз ясашга доир парчалардан бири:

یانا بیر واو و لام بعضی لفظ غه الحاق قیلیب بیر مخصوص صفت قه تعیین قیلورلار که سلاطین نینک خواه رزم اسبابی اوجون و خواه بزم جهاتی اوچون معتبردور Яна бир “вов” ва “лом” баъзи лафзға илҳақ қилиб бир махсус сифатқа таъйин қилурларки, салотиннинг хоҳ разм асбоби учун ва хоҳ базм жиҳоти учун мўътабардур.

Энди ана шу жумлани Фотиҳ нусхасидан ўқиймиз:

یانا بیر واو و لام بعضی لفظ غه الحاق قیلیب بیر معتبر و مخصوص صفت قه تعیین قیلورلار که سلاطین نینک خواه رزم اسبابی اوچون و خواه بزم جهاتی اوچون (780 а

Яна бир “вов” ва “лом” баъзи лафзға илҳақ қилиб бир муътабар ва махсус сифатқа таъйин қилурки, салотиннинг хоҳ разм асбоби учун ва хоҳ базм жиҳоти учун.

Кўринадики, кейинги нусхада бир қадар ўзгартиришлар қилинган: жумла сўнгидаги “мўътабар” сўзи қўшимчасиз тарзда жумланинг аввалги қисмига олинган, “қилур” сўзига ўринли равишда кўплик қўшимчаси қўшилган. Янада эътиборли жиҳат шундаки, “мўътабар” сўзи “қилиб” ва “махсус” сўзлари орасига майда ҳарфлар билан деярли вертикал тарзда ёзиб қўйилган, “қилур” сўзига ҳам لار қўшимчаси сиқиштириб улаб қўйилган.

Бундай таҳририй ўзгартишдан кўзланган мақсад мазмун ёрқинлигига эришиш бўлган, албатта. Воқеан, “мўътабар” сўзининг юқорига олиниши назарда тутилаётган лафзларни юксак даражада эканлигига урғуни кучайтиради. Зеро, улар подшоҳларнинг шоҳона базмлари ва харб ишлари билан боғлиқ атамалардир.

Таҳририй тарздаги яна бир ҳолат асардаги Жомий таърифига бағишланган ўринда учрайди. Таъриф шундай бошланади: “Барчадин куллийрак санад буким, Ҳазрати иршод паноҳи наввара марқадаҳу Нуранки, каломи малики аллом ва аҳодиси мўъжаз низом, хайруланом алайҳиссаловоту васаламдин сўнгра форсий сўзда жамиъ алар сўзидин юқорироқ сўз йўқтур, ...”

Васфлардан сўнг келаётган ҳукм тариқасидаги сўзлар ўзаро мазмун жиҳатидан қовушимсиздек, яъни “форсий сўзда барча улар сўзидан юқорироқ сўз йўқдур”. Бу жумлалар аввалги нусхаларда ҳам шундай:

فارسی سوزدا جمیع الار سوزیدین یوقاری راق سوز یوقتور (И:780а, П:284б)

Мазкур жумла Фотиҳ нусхасида сал бошқачароқ:

فلرسی جمیع سوزدا الار سوزیدین یوقاری راق سوز یوقتور (782б)

Бунда энди маъно осон англашилади: форсийдаги барча сўзда уларнинг сўзидан юқори (турадиган) сўз йўқдир. Албатта, бунда “сўз”ни кенг маънода тушуниш керак.

Кўринадики, котибнинг эътиборсизлиги туфайли “жамиъ” ва “сўзда” каломлари ўрнини алмаштириб кўчирилиши жумла ғализлигига олиб келган. Фотиҳ нусхасида эса бу нуқсон тўғирланган ҳолда кўчирилган.

Ўз навбатида Фотиҳ нусхасига танқидий нуқтаи назардан ёндошиш лозимлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Зеро, унда аввалги нусхаларга нисбат талай афзал жиҳатлар билан бирга бир қатор камчиликлар ҳам учрайди.

Қўлёзманинг 778 б саҳифасида يانا كوک تيكرادا كوكلاماک دور жумласи номақбулроқ тарзда кўчирилган: يانا كوک تيكاردا كوكلاماک دور . Бундаги иккала имловий хатолик ҳам ихтиёрсизлик оқибатида юзага келган, албатта. Котиб ўз вақтида кейинги хато, яъни “кўкламак” ўзакка -ла қўшимчаси уланган ҳолда кўчирилишини фаҳмлаб қолган шекилли саҳифа ҳошиясига كوكلاماک сўзини ёзиб қўйган. Лекин жиддий хатолик - تيكاردا сўзи эътибордан четда қолган.

Баъзи ўринларда сўз, ибора боғловчилар тушиб қолган ҳолатлар учрайди. Хатто, 780 б саҳифада آندا آرتوق فلاکدين توقوز بولدی معلوم غه طبع سپهری و زينت زيب жумласи тушиб қолган.

Кўриниб турибтики, мазкур ҳолатлар ғайри ихтиёрий равишда йўл қўйилган хато ва камчиликлардир.

Фотиҳ нусхасидаги биз юқорида келтирган қўшимча тўлдиришлар ҳамда жиддий таҳририй ўзгартиришлар эса аввалги икки нусхага нисбатан муҳим афзал жиҳатлардир. Бошқача қилиб айтганда бу жиҳатлар “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг нисбатан тўлиқроқ варианти юзага келишига омил бўлган ва бу ҳодиса ҳақида манбашунослигимизда дастлабки фикр ҳам билдирилди[1].

Бизнинг мулоҳазамиз ҳам ўша фикрга бир мунча яқин. Яъни, чамаси, Навоийда асарни тезроқ тугатиб, ўзи тасниф этаётган ва кўчиртиришга бошлаган куллиёт таркибига киритиш мақсади бўлган. Бу вақтга, яъни ҳижрий 905, милодий 1499-1500 йилга келиб Навоий ҳар бир асрини устоз Ҳамид Сулаймонов айтганларидек[2], алоҳида-алоҳида жузвларда кўчиртириб бўлган. Куллиёт таркибидан, ниҳоят, сўнгги асар (бу вақтда ҳали “Маҳбуб ул-қулуб” ёзилмаган эди) сифатида “Муҳокамат ул-луғатайн” ва шунингдек, “Сирож ул-муслимин” асарлари жой олган ва шунинг билан куллиёт иши итмом топган. Шундай бўлса-да, муаллиф асарни шошилинч тарзда ёзиб тугатганлиги боис ишидан кўнгли тулинқирамаган ва шунга кўра асар мусаввадасини қайта синчкилаб кўздан кечирган ва ана шу жараёнда баъзи ўринларга таҳририй тузатиш ҳамда қўшимча тўлдиришлар киритган. Шу тариқа асарнинг бир мунча тўлиқроқ варианти юзага келган. Фотиҳ нусхасига ва шунингдек, Ҳайдаробод нусхасига ана шу вариант асос бўлган. Эҳтимол, булар ёнига Будапешт нусхасини ҳам қўшиш тўғри бўлар.

Юқоридаги кузатишлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1.“Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг Навоий дастхатидан аввалги асарлари пешма-пеш кўчириб унинг ўзи назорати остида яратилаётган куллиёт таркибига киритилган бўлиб, мазкур тўплам (унда жаъми 26 асар ўрин олган) ҳозирда Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Тўпқопу саройининг Ревон кутубхонасида 808-инв.. рақами билан сақланади. Кейинроқ яъни 25-30 йиллардан кейин ундан навбатдаги куллиёт нусхаси кўчирилган. Бу куллиёт икки жилддан иборат бўлиб, ҳозирда Францияниг Париж миллий кутубхонасида 316-317-инв. рақами билан сақланади.

---

[1] Қосимжон Содиқов, Матншунослик ва манбашунослик асослари, Т., 2017, 169-бет

[2] Ҳ.С.Сулаймонов, 90-бет.

2.“Муҳокамат ул-луғатайн”илк бор 1841 йилда чоп этилган. Бу нашрга ўша 316-327-инв. рақамли Париж нусхаси матни асос бўлган. Шунга кўра бу нусхага хос нуқсонлар мазкур нашрда деярли айнан такрорланган. Асарнинг юртимиздаги биринчи нашри Париж босмаси асосида амалга оширилган. Шу боис Париж қўлёзма нусхасига хос камчилик ва хатолар Париж босмасида ва ундан сўнгра 1940йилги Тошкент нашрида такрорланган.

3. Асарнинг Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ бўлимида сақланаётган қўлёзма нусхаси муаллиф томонидан бир қадар тўлдирилган кейинги варианти бўлиб, матнининг саводлилиги жиҳатидан ҳам мавжуд бошқа нусхалардан юқори туради.

4. Истанбул, Париж нусхаларида жиддий нуқсон ва етишмовчиликларнинг мавжудлиги. Ҳайдарабод нусхаси котибининг ўзига эрк берган ҳолда баъзи сўз ва иборалар ўрнига уларнинг маънодошларига ўзгартириб кўчирганлиги назарга олинди ва ишда уларга ёрдамчи нусха сифатида қаралди.

ҚЎҚОН АДАБИЁТИ МУЗЕЙИ ХАЗИНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Абдулатиф ТУРДИАЛИЕВ

Қўқондаги Ғ.Ғулом номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейи 1961 йили ташкил этилган бўлиб, унинг фондида бугунги кунда 15 000дан ортиқ экспонат мавжуд. Бу экспонатларнинг икки мингтаси араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзмалардир. Музей ташкил этилган 1961 йилдан 2016 йилнинг охиригача Алишер Навоий асарларининг 41 та қўлёзма нусхаси музей хазинасига келиб тушган. Чунончи, терма девонларнинг ўн еттита, “Хамса”-нинг саккизта, “Лисон ут-тайр”- нинг иккита, “Арбаин”нинг тўртта, “Бадоеъ ул-бидоя” дебочасининг битта, “Маҳбуб ул-қулуб”- нинг тўртта, “Вақфия”нинг битта, “Мажолис ун-нафоис”нинг битта, “Насойим ул-муҳаббат”нинг битта, “Сабъаи сайёр”нинг битта нусхаси мавжуд. Мазкур қўлёзмаларнинг биттаси XVII асрда, биттаси XVIII асрда, қолганлари эса XIX асрда ва XX асрнинг бошларида кўчирилган. Уларнинг аксарияти Қўқон ва унинг атрофидаги хаттотлар томонидан битилган. Шунингдек, улар орасида Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларида китобат қилинган қўлёзмалар ҳам мавжуд.

Юқоридаги таснифдан ҳам кўриниб турибдики, терма девонларнинг қўлёзма нусхалари музей ха зинасида салмоқли ўрин эгаллайди. Улар орасида вақт жиҳатидан энг қадимгиси ҳамда энг кўп шеър киритилган нусха – 11-инвентарь рақамли қўлёзмадир. Мазкур қўлёзма ҳижрий 1179/1765-66 йилда китобат қилинган бўлиб унинг таркибида 1726 та ғазал, 2 та мустазод, 4 та мухаммас, 8 та туюқ – жами 1740 та шеър мавжуд. Ушбу терма девон қолган 16 та терма девонда бўлганидек, “Ашрақат...” ғазали билан бошланади. Девоннинг ҳажми ҳам катта – 497 варақ. У дастлабки чарм муқовада. 20-инвентарь рақамли терма девон XIX асрнинг бошларида, аниқроғи 1232/1816-17 йилда кўчирилган бўлиб, унинг таркибида 512 та ғазал, 3 та мустазод, 2 та мусаддас, 7 та мухаммас, 2 та таржиъбанд, 44 та рубоий, 10 та қитъа – жами 580 та шеър мавжуд.

2-инвентарь рақамли терма девон чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Унинг котиби Мирзо Али Хўқандий бўлиб, ушбу қўлёзма 1242/1826-27 йилда китобат қилинган. Унинг таркибига 461 та ғазал, 2 та мустазод, 3 та мухаммас, 2 та мусаддас, 2 та таржиъбанд, 51 та рубоий, 1 та соқийнома – жами 522 та шеър киритилган. Қўлёзма дастлабки қирмизи картон муқовада.

317-инвентарь рақамли терма девон ҳажми жиҳатидан катталиги билан 11-инвентарь рақамли терма девондан кейин иккинчи ўринда туради. Унинг таркибида 883 та ғазал, 3 та мустазод, 2 та мусаддас, 7 та мухаммас, 1 та таржиъбанд, 4 та соқийнома, 73 та рубоий, 37 та муаммо, 1 та фард, 5 та туюқ – жами 1016 та шеър бор. Китобат санаси – 1250/1834-35 йил. Дастлабки қора картон муқовада. Муқова тамғасида “Мирзо Ибодулло саҳҳоф” исми ёзилган. 295 варақ.

31-инвентарь рақамли терма девон нотўлиқ девонлардан бири. У XIX асрда кўчирилган. Унда жами 339 та шеър мавжуд. Қўлёзманинг охирги саҳифалари йўқ.

518-рақамли терма девон 1289/1872-73 йилда Бухоройи шарифда кўчирилган. Котиби Мулло Абдулжалил ибн Мулло Муҳаммад Карим. Мулло Йўлдош саҳҳоф томонидан муқоваланган.

681-инвентарь рақамли терма девон эса ҳижрий 1258/1842-43 йилда Хўжандда китобат қилинган. Котиби Муҳаммад Қосим ибн домулло Мирзо Саййид Олим Хўжандий. Бу қўлёзма 153 варақдан иборат.

754-инвентарь рақамли терма девон 1283/1866-67 санасида китобат қилинган. Ҳажми 125 варақ. Котиби кўрсатилмаган.

760-рақамли терма девон эса 1308/1890-91 йилда Шаҳрисабзда кўчирилган. 122 варақ. 11 тамғали носранг картон муқовада.

885-инвентарь рақамли терма девон 196 варақдан иборат. Бу қўлёзма 1274/1857-58 йилда китобат қилинган. 9 тамғали носранг картон муқовада.

733,749, 1505-рақамли терма девонлар гарчи тўлиқ бўлса-да кўчирилган санаси, жойи ва котиби кўрсатилмаган. Палеографик белгиларига қараб уларни XIX асрда кўчирилган, деб тахмин қилиш мумкин.

566- ва 727-рақамли терма девонларнинг охири йўқ. 405 ва 882- рақамли терма девонларнинг эса боши ҳам, охири ҳам йўқ.

74-I 452-I, 35-I, 254-инвентарь рақамли қўлёзмаларда "Арбаин" асари ўрин олган.

452-I ва 254-инвентарь рақамли қўлёзмаларда "Арбаин"га асос бўлган ҳадисларнинг арабий матни берилган. 74-I ва 35-I рақамли нусхаларда арабий матнлар тушиб қолган.

35-I рақамли қўлёзма китобат санъатининг гўзал намунасидир. Ушбу қўлёзма 1303/1885-86 йилда кўчирилган. Матн ҳафтранг Қўқон қоғозига қора, сариқ ва оқ сиёҳларда йирик ва гўзал настаълиқ хати билан битилган. Ўнг томонга Жомий ва чап томонга Навоий қитъалари қиялатиб ёзилган. Дастлабки қирмизи картон муқовада.

"Хамса"нинг мавжуд саккизта қўлёзма нусхасидан 467, 468, 469, 57, 1234, 229-инвентарь рақамли қўлёзмалар асарнинг оддий нусхаларидан. Буларнинг ичида 57-рақамли қўлёзма таркибига "Хамса"нинг фақат 2 та достони: "Фарҳод ва Ширин" ва "Сабъаи сайёр" киритилган. Бу қўлёзма 1247/1831-32 санасида Муҳаммад Раҳим ибн Нурмуҳаммад томонидан кўчирилган.

468-инвентарь рақамли "Хамса"нинг аҳамиятли жойи шундаки, қўлёзманинг охирида котиб томонидан ўн уч байтдан иборат маснавий шаклидаги таърих мавжуд. Унда мазкур нусха Қўқон шаҳрида Қўқон хони Амир Умархон фармонига биноан 1226/1811-12 йилда китобат қилинган. Аммо котиб номи кўрсатилмаган.

42-I инвентарь рақамли қўлёзма "Хамса"нинг "Лисон ут-тайр" достони билан бирга кўчирилган. Эътиборли нусхалардан. Ушбу қўлёзмада "Хамса" 63б – 518а варақлардан жой олган. "Фарҳод ва Ширин" достонининг охирига (241а в.) котиб Мулло Турсун 54 байтдан иборат маснавий илова қилган. Ундан маълум бўлишича, ушбу қўлёзма Ёрканд амирининг Қарғалиқ шаҳридаги мутасаддиси Муҳаммад Солиҳбек фармони билан шу шаҳарда 1238 ҳижрий (1822 милодий) йилда китобат қилинган. Мулло Турсун мазкур маснавийсида Алишер Навоий ва унинг "Хамса"сига юқори баҳо берган. Шунингдек, "Фарҳод ва Ширин" достонининг охирида Раҳимдил деган шоирнинг ҳам "Хамса" ҳақида ёзган 72 байтдан иборат шеъри илова қилинган. Мазкур шеър охирида Раҳимдил "Чароғи дил" жумласини қўлёзма кўчирилган санани ифодаловчи таърих моддаси сифатида келтиради. Ушбу таърих моддасининг абжад ҳисобидаги қиймати 1238 бўлиб, у милодий ҳисобда 1822-23 йилга тўғри келади[1]. 518 варақ. Дастлабки қалин картонли қирмизи муқовада. 467-рақамли қўлёзма

[1] Бу ҳақида қаранг: Мадаминов А. "Хамса" қўлёзмалари//Адабий мерос.№17, Тошкент, 1981, 21-22-б.

“Хамса”нинг 1241/1825-26 йилда кўчирилган нусхаси. 395 варақ. Кўп тамғали, безакли, чарм муқовада.

469-рақамли қўлёзма “Хамса”нинг 1272/1855-56 йилда кўчирилган нусхасини ўз ичига олади. Матн қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда чиройли настаълиқ хатида битилган. “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” достонлари бошланишида чиройли зарҳал унвонлар ишланган. “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” достонлари бошидаги унвонлар қирқиб олинган. 349 варақ. Дастлабки кўп тамғали чарм муқовада.

664-рақамли қўлёзма “Хамса”нинг эътиборли нусхаларидан биридир. Котиб ўз номини (275а в.) Каримжон ибн Раҳимжон деб кўрсатган. Котиб китобат таърихи учун 7 байт (14 мисра) дан иборат қитъа келтирган. Мазкур қитъанинг сўнги байти қуйидагича: Деди пири хирадким топти охир, Биҳамдиллаҳ, “Еттинчи “Хамса” анжом”. Биҳамдиллаҳ, “Еттинчи “Хамса” анжом” жумласи таърих моддаси бўлиб, ундаги ҳарфлар йиғиндиси 1273 (1856-57) йилни ифодалайди. Котиб таърих моддасини келтириш билан бирга Навоий “Хамса”сини етти марта кўчирганлиги, мазкур қўлёзма ўша “Хамса”ларнинг еттинчиси эканлигига ишора қилмоқда. Ҳар бир асар бошланишида достон номи жалий хати билан ёзилиб доира ичига олинган. 275 варақ.[1] Дастлабки кўп тамғали қирмизи картон муқовада. Тамғаларда саҳҳоф номи “Мулло Муҳаммад Турсун” деб ёзилган. Ўлчови: 31х51,5см.

1234-II рақамли қўлёзма “Хамса”нинг “Лисон ут-тайр” билан бирга кўчирилган нусхасидир. Ушбу нусха 1270/1853-54 йилда китобат қилинган. Котиби Муҳаммад Амин Охун. Котиб “Хамса” достонлари вазнида ўзи ёзган 74 мисрадан иборат шеърни илова қилган. Унда котиб ўз шахсияти, Фаридиддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқаларга бўлган муҳаббатини баён қилган. Қўлёзмада ҳар бир достоннинг бошланишида унвон ишланган. Қўлёзма муқоваси шарқ муқова санъатининг гўзал намунасидир. 288 варақ.

229-рақамли қўлёзма “Хамса”нинг 1283/1866-67 йилда кўчирилган нусхасидир. Матн қора сиёҳ билан оддий настаълиқ хатида битилган. 252 варақ. Ўлчови: 26х42см. Дастлабки безакли, тамғали, қирмизи чарм муқовада. Тамғаларда “Мулло Муҳаммад Исо саҳҳоф” номи ёзилган. “Хамса”нинг мазкур саккиз қўлёзма нусхасидан ташқари “Сабъаи сайёр” достонининг алоҳида қўлёзма нусхаси ҳам мавжуд. “Сабъаи сайёр”нинг мазкур нусхаси (Инв. 826) музейда сақланаётган Навоий асарлари қўлёзмаларининг энг қадимгисидир. Бу қўлёзма оқиш Хуросон қоғозига майда ва нафис настаълиқ хатида битилган. Китобат санаси: 1106/1694-95 йилдир. Матн ҳар саҳифага икки устундан жойлаштирилган. Ҳар саҳифадаги матн қора сиёҳда, сарлавҳалар эса қизил сиёҳда ёзилган. Қизил жадвал билан ўралган. Нуқсонли, бошидан бир неча варақ йўқолган. Қўлёзманинг охирги – 124б варағида Муқимжон исмли шахс қалами билан “Азза ман қанаъ, залла ман тамаъ, куллу фажъин амиқ” шаклида арабий ҳикмат йирик хуснихат билан ёзилиб 1284/1867-68 санаси ёзиб қўйилган. Бу эҳтимол қўлёзма соҳибининг исми бўлса керак. 124 варақ. Дастлабки 11 тамғали жигарранг чарм муқовада. Ўлчови: 13х22см.

“Лисон ут-тайр” достонининг қўлёзма нусхалари 42-I ва 1234-I инвентарь рақамлари остида сақланади. 42-I рақами қўлёзмада “Лисон ут- тайр” достони “Хамса” билан бирга кўчирилган бўлиб у 1б-63а варақлардан ўрин олган. Нусха Шарқий Туркистоннинг Қарғалиқ шаҳрида котиб Мулло Турсун қалами билан кўчирилган. Китобат санаси: 1238/1822-23 йил, 63 варақ.

---

[1] Бу ҳақида қаранг: Мадаминов А. “Хамса”нинг яна бир нусхаси // “Гулистон”.1985, №1,28-б.

1234-I рақами қўлёзмадаги “Лисон ут-тайр” асари ҳам “Хамса” билан бирга кўчирилган. Унинг котиби Муҳаммад Амин Охун. Шарқий Туркистонда 1270/1853-54 милодий) йилда китобат қилинган. Бошдан бир неча варақ тушиб қолган: 51 варақ. Музей ҳазинасидаги “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг 4 та қўлёзмасининг барчаси ҳам эътиборлидир.

47-I инвентарь рақамли қўлёзма “Маҳбуб ул-қулуб”нинг бошқа нусхаларига нисбатан қадимгироқдир. У 1222/1807-1808 йилда Бухоройи шарифда китобат қилинган. Котиби: Муҳаммад Обид. Матн қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган ва зарҳал жадвал ичига олинган. Асар бошланишига унвон ишланган. 92 варақ. Дастлабки кўп тамғали картон муқовада.

74-III рақамли қўлёзма эса “Маҳбуб ул- қулуб”нинг Тошкентда кўчирилган нусхасидир. Бу ҳақда қўлёзманинг 103б варағида шундай қайд мавжуд: “Маҳбуб ул-қулуб”нинг бу шариф нуҳаси.... 1256 йил рабиъ ул-аввал ойи (милодий 1840 йилнинг май ойида) Тошканд шаҳрида кўчирилиб тугалланди”. Матн қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда чиройли настаълиқ хатида битилган. 83 варақ (21б-103б вв.). Дастлабки безакли картон муқовада.

6666-инвентарь рақамли қўлёзма “Маҳбуб ул-қулуб”нинг Қўқонда кўчирилган нусхасидир. Китобат йили ҳақида қўлёзманинг 82б варағида қуйидагича изоҳ мавжуд: “Бу нусха Хўқанди латиф шаҳрида 1307 йил муборак рамазони шариф ойининг 24-сида кўчириб тугалланди (милодий 1890 йил 14 май) “Маҳбуб ул-қулуб” тугагандан сўнг 83-109 варақларга Маъдан, Муқимий, Ҳазиний, Муҳсиний ва бошқа шоирларнинг шеърлари битилган. Матн оқиш рус фабрика қоғозига қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. 82 варақ. Дастлабки тамғали қалин картон муқовада.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг 843-рақамли қўлёзма нусхаси тахминан XIX асрда Фарғона водийсида кўчирилган. Матн Қўқоннинг новвотранг ипак қоғозига майда ва нафис настаълиқ хатида битилган. Асар қора сиёҳда, сарлавҳалар эса қизил сиёҳда китобат қилинган. 93а варақда асарнинг вафо ва бевафоларга бағишланган саҳифаси ҳошиясига котиб томонидан қуйидаги матн илова қилинган: “Бу шоҳид Мавлоно Фузулий Бағдодийдиндур: Вафо ҳар кимсадинким истадим, андин жафо кўрдум, Кимиким бу фано дунёда кўрдум – бевафо кўрдум. Кимаким дардими изҳор қилдим истаноб дармон, Ўзумдин ҳам батар минг дарда мубтало кўрдум”. Пойгирлар изчил қўйилган. Колофонда (120а варақ) қуйидагилар ёзилган: “Ўқиғувчилардин андоғки, дуода ёд қилғайлар, зероки, котиб Мажруҳдур”. “Мажруҳ” котибнинг тахаллуси бўлса керак. 120 варақ. Дастлабки 3 тамғали жигарранг картон муқовада.

74-II рақамли қўлёзмада “Бадоеъ ул-бидоя”нинг дебочаси ўрин олган. У “Арбаин” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари билан бирга кўчирилган. Бошланиши ва охири одатдагича. Қўлёзма 1256/1840- 41 йилда Тошканд шаҳрида китобат қилинган. Настаълиқ хатида – 14 варақ.

7065-рақамли қўлёзма “Вақфия” асаридан иборат. Асар рус фабрика қоғозига чиройли настаълиқ хатида қора сиёҳ билан битилган. Котиб: қўқонлик машҳур жадид-маърифатпарварлардан бўлган Ашурали Зоҳирий. Саҳифалар янгича рақамланган. Асарнинг бош қисмидан ўн варақ йўқолган. Асарнинг охири (39-бет)да қуйидагича изоҳ мавжуд: “1916 йил 21 октябрда ёзилди. А.Зоҳирий”. 10 варақ.

220-II рақамли қўлёзмада “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари ўрин олган. Бу асар “Мажолис ун-нафоис” асари билан бирга кўчирилган. Қўлёзма 1329 ҳижрий (1911 милодий) йил-

да Қўқон шаҳрида кўчирилган. Котиб: Сулаймонқул уста Суярқул ўғли – Рожий Хўқандий. 39 варақ.

220-І рақамли қўлёзмада “Мажолис ун-нафоис” асари “Хамсат ул-мутаҳаййирин” билан битта муқовада. Асарнинг эътиборли нусхаларидан бири. Қўқонда 1329 ҳижрий (1911 милодий) йилда китобат қилинган. Котиб: Сулаймонқул уста Суярқул ўғли – Рожий Хўқандий. Матн Қўқоннинг юпқа шалдироқ қоғозига қора сиёҳ билан, сарлавҳалар эса қизил сиёҳда битилиб, зарҳал жадвал ичига олинган. Асар бошланишига зарҳал унвон ишланган. Қўлёзма охирида котиб махсус рубоий-таърих илова қилган. Унинг сўнги мисраси ҳарфлари йиғиндисидан 1329 сана ҳосил бўлади. (“Дафтар юзини тазкира олди қуршаб”). 65 варақ. Дастлабки 42 тамғали қалин картонли қирмизи муқовада.

“Насойим ул-муҳаббат” асарининг музейда сақланаётган ягона қўлёзма нусхаси (Инв. 771) Абдуллоҳ Ансорийнинг форс тилидаги тасаввуфга доир асари билан бир муқовада. Бу нусха Қўқоннинг новвотранг ипак қоғозига равон настаълиқ хатида битилган. Аммо қўлёзма тугалланмай қолганлиги сабабли китобат санаси ва котиби номаълум. Қўлёзманинг бир неча варақлари ҳошиясига “Мулло Ҳолбек” деган муҳр босилган. Бу эҳтимол китоб соҳибининг муҳри бўлса керак. 69 варақ. Қўқон адабиёт музейида сақланаётган Навоий асарлари қўлёзмаларининг биттаси Хуросон қоғозига, иккитаси рус фабрика қоғозига ёзилган. Қолган барча қўлёзмалар фақат Қўқон қоғозига китобат қилинган. Бу факт XVII–XIX асрларда ҳамда XX асрнинг бошларида Қўқон қоғози нақадар машҳур бўлганлиги ва кенг тарқалганлигидан далолат беради. Музей фондидаги Навоий асарларининг қўлёзмаларини тавсиф ва таҳлил қилиш XVII–XIX асрларда ҳамда XX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳитида Навоий асарларига мурожаат этиш нақадар кенг тарқалганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, Навоий асарлари шоирлар, хаттотлар учун илҳом манбаи ҳамда китобат санъатининг равожланишида муҳим омил бўлганлигидан бир далолатдир. Ушбу қўлёзмалар мажмуаси Навоий ижодий меросининг тадқиқотчилари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

«ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР» ДОСТОНИДА ТЎҒРИЛИК ВА ЭГРИЛИК ТЎҒРИСИДА

Шуҳрат РИЗАЕВ

Алишер Навоийнинг «Хамса» асарига кирган биринчи достон «Ҳайрат ул-аброр», яъни «Яхши кишиларнинг ҳайратланиши» деб номланади. Мазкур достон 63 боб, 20 та мақолатдан ташкил топган. Ҳар бир мақолат бир мавзуга бағишланган бўлиб, шоир, аввало, ўқувчини бу мавзу билан таништиради. Сўнгра ўша мавзуга муносабат билдириб, уни ҳар жиҳатдан таърифлаб тасвирлайди. Ўқувчининг тасаввурлари аниқ бўлиши учун жуда кўп қиёслар, образли ўхшатмалар келтиради ва энг сўнгида мавзуга мутаносиб ибратли ҳикоят баён қилади.

Биз кўриб ўтмоқчи бўлган ўнинчи мақолат ҳам худди шундай қурилишга эга. Достоннинг бу мақолати ростлик, тўғрилик тушунчаларига бағишланган.

Бобомиз ҳар бир инсон ўзига тўғриликни одат қилмоғи ҳақида сўз юритаркан, турли нарса ва ҳодисаларнинг, кундалик турмушда ишлатиладиган жуда кўп буюм ва жиҳозларнинг тўғри ва эгри хусусиятларини солиштиради. Масалан, бирон манзилга бормоқчи бўлсангиз, ўша ерга элтувчи тўғри йўл бўлса-ю, сиз айланма йўлдан юрсангиз, албатта манзилга кечроқ етасиз.

Шаъмки, тузлик ила масрур эрур,
Гарчи куяр бошдин оёқ нур эрур
Барқки, эгрилиқ ўлибдур хўйи,
Гарчи эрур, лек борур ер қуйи

Шам ўзи тўғри бўлгани ҳолда, уни тикка қўйиб ёндирасиз. Атрофга шуъла сочиб, кишиларга узоқ вақт ёруғлик беради. Шунинг учун ҳам у керакли нарса сифатида эъзозланади, эҳтиёт қилинади. Шуълага интилган парвона – майдагина капалак унинг атрофида айланиб, эгри ҳаракатлар қилгани учун ўша шуълага урилиб ёниб кетади. Ёки рубоб, дутор, тор каби чолғуларга эътибор қилсангиз, чолғучилар улардан ёқимли куйлар чиқариш учун созлаб олишади. Яъни торни таранг тортишади. Тор эгри ҳолатда турса, чолғу созланмаган бўлади, демак унда куйни яхши ижро этиб бўлмайди. Шоир бу қиёс орқали одамлар тўғри юриб, тўғри иш тутсалар, ўзгаларга ҳам, ўзларига ҳам фойда келтирадилар; улардан манфаат кўрган кишиларнинг ҳурматини қозонадилар; қаерда бўлмасин, иззат кўрадилар, дейди. Аксинча, тўғри иш юритмай, бирор ёмон ғараз билан ҳар хил айланма, эгри ҳаракатлар қилсалар, уларнинг ҳоли вой, худди парвонадек куйиб-ёниб қоладилар. Эгрилик бориб-бориб ҳар хил ёмон иллатларга етаклайди. Фикри эгри бўлган, Худодан, қонундан қўрқмайдиган одам ҳамма ишни ўзим хоҳлаганимча қилаверишим мумкин, деб ҳисоблайди. Бировларнинг нарсасига, мол-мулкига кўз тикади, ўғриликдан ҳайиқмайди.

Ислом дини ақидалари билан яшаган давлатларда қадим замонларданоқ қўли эгри, ўғри одамларнинг қўлини кесиб, жазолашган. Навоий бобомиз яшаган даврда ҳам шундай тартиб ҳукмрон бўлган. Шоир достонда ана шу жазо усулини назарда тутиб, халқ қўли эгри одамларнинг қўлини кесиб «тўғрилайди», дейди.

Ростдур ул ким, назорати тўғридур,
Ким илиги эгридур, ул эгридур.
Бўлса илик эгрилиқ ичра самар,
Эл ани кесмакда туз этгай магар

Кимки тўғрилик йўли қандай эканлигини билмоқчи бўлса, бу йўл икки хил бўлади, дейди муаллиф. Биринчиси, тўғри сўз одам. Агар у тўғри сўзли бўлса, унинг иши, ўзи ҳам тўғри бўлиши керак. Иккинчи тоифа кишилар андиша билан, бетгачопарлик қила олмай, «тўғри» дегувчилардир. Навоий биринчи тоифани тўлиқ маъқуллаган ҳолда, иккинчиси ҳам «ёмон эмас» дея инкор қилмайди. Чунки бундай кишилар асли эгри мақсадлилар эмас. Улар яхшилик кўзлаб, муроса-мадора маъносида, азбаройи эзгу ниятда ёлғонни «тўғри» дейдилар. Албатта, иложи борича ёлғонни гапирмаган маъқул. Аммо шароит мажбур этса, тоза кўнгилда иш битмоғи учун ёлғонни тасдиқлаш айб эмас. Шу ўринда шоир ўз замонасидан бироз нолийди. Одамлар ростгўйликдан чекинаётгани, ёлғон-яшиқ кучайиб кетаётганидан хавфсирайди. Худонинг буюрган амаллари, тўғри деб бандаларига кўрсатган йўриқларини нотўғри тушунувчилар бор. Хато гапиришга ўрганган одам нотўғри фикрни тўғри деб қабул қилади. Шунданми, шоир ўз атрофини қамраган одамлардан тўғри, рост гапиргани қашшоқлик, етишмовчиликдан бошқа нарсани билмайди, дейди. Барча жамоа истаги эгрилик бўлса, сен ўз ҳақлигингни исботлашга ҳар қанча уринма, барибир ҳеч нарса қилолмайсан ҳамда уларга ёқмайсан.

Зеро, эгриликнинг ҳам, тўғриликнинг ҳам ўз таърифи бор. Эгрилик ёлғондан пайдо бўлади, тўғрилик ҳақиқатдан. Демак, муаллиф, ёлғон сўзлаш, ёлғон ҳаракат қилиш эгриликка олиб келади, деб ҳисоблайди. Сўзининг исботи учун боғбон ва деҳқоннинг ишини мисол келтиради. Боғбон яратажак боғини режа бўйича, яъни дарахтларни бир тартибда экиб, парвариш қилмаса, ҳар ерда тарвақайлаб, қийшиқ-қинғир ўсган дарахтлар боғни чангалзорга айлантиради. Деҳқон эса уруғ сочадиган ерини шудгор қилиб, сўнг мола босмаса, яъни текис қилиб олмаса, сочган уруғи бир хилда униб чиқмайди. Чунки нотекис ерда экинлар бир хил суғорилмайди. Баъзи жойларга сув кўпроқ тушади, баъзи жойларга эса камроқ. Худди қуёш ҳам сокин турган сувда тўғри ва тўла акс этса, чайқалган сувда нурлар синиб эгри кўрингандек. Демак, ҳамма тирик жонзот батартибликдан, режа ва тўғри парваришдан қувват олса, нега инсонлар шулардан ўрнак олмайди?! Ёлғон гапиради ва эгри юради. Агар билмаган ҳолда ёлғон сўзланса, сўнг билгач, ундан қочилса, буни айб деб бўлмайди. Чунки ўша одам барибир тўғри йўлга тушиб олади-да. Бу билан ҳазрат Навоий инсон ҳаётда адашиши, чалғиб қолиши мумкин; лекин вақти билан ўз хатосини англаса ва бундан афсусланиб, уни тузатишга уринса, у ҳолат кечирилади, деб тушунтиради.

Аммо ёлғон гапириш одатга айланган бўлса, мана бу ёмон, кечирилмайдиган гуноҳ. Агар мажбур бўлиб қолганингда ҳам рост гапни айтишнинг иложи бўлмаса, ёлғонни ҳам гапирма, дейди.

Ёлғончи одам эркак ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас, яъни на инсонийлик ва на эътиқод масаласида ишончсиздир. У уриниб, бир икки бор гапини ўтказар, одамларни ўз ёлғонига ишонтирар. Аммо халқ ғофил бўлса, Оллоҳ борку, Оллоҳни алдаб бўлмайдику?!

Касални яширсанг, иситмаси ошкор этади деганларидек, ҳақиқатни элдан хар қанча махфий тутмайлик, барибир фош бўлади.

Улки шиор айлади ёлғон демак,
Бўлмас ани эр-у мусулмон демак.

Нечаки жаҳд айласа козиб киши,
Бир-икки даст илгари борғай иши

Ғофил эса халқ бу аҳволдин,
Воқиф эрур тенгри худ ул ҳолдин.

Элга неча маҳфи эса бу сифат,
Зоҳир этар ёлғон ўзин оқибат.

Шу тариқа ёлғоннинг кишилар табиатидаги ярамас ва бадбин иллатлигини, унинг оқибатларини қатор қиёс-у ўхшатишлар билан қоралаб келиб, муаллиф, асар бадиий қурилмасига кўра бу ўринда ҳам мажозий бир ҳикоятга мурожаат қилади. Яъни «Шер билан дуррож» ҳақидаги рамзий ривоятни келтириб, ўз фикрларини янада таъсирлироқ бўлишига эришади.

Алишер Навоий ҳазратларининг тўғрилик ва эгрилик борасидаги қарашлари фақат "Ҳайратул аброр" достонидагина эмас,яна бошқа қатор асарларида гоҳи бадиий, гоҳи соф фалсафий, гоҳи дидактик, яъни панднома шаклларида ифода этиб келинади. Хусусан бобомиз умрлари сўнгларида яратган "Маҳбубул қулуб" фалсафий асари фикримизнинг яққол исботи. Бу шундан далолатки, Алишер Навоий тўғриликни инсон ҳаётининг энг гўзал ва ниҳоятда муҳим фазилати деб билди ва ўз шахсий ҳаётида бутун умри давоми тўғрилик ақидасига амал қилиб яшади.

Сўзда Навоий, не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.

НАВОИЙ ВА БОБУР:
УСТОЗ – ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ ТИМСОЛИ

Иброҳимжон ЙЎЛДОШЕВ

Ҳирот ва Самарқанд … Самарқанд ва Ҳирот … Бу шаҳарлар шунчаки Алишер Навоий ҳаёт кечирган, фаолият юритган шаҳарлар эмас, балки Навоий оламига, у яшаган мозийга гувоҳлик бера олиш ҳуқуқига эга бўлган муаззам шаҳарлардир.

Шарқшуносликда XV-XVI аср адабий муҳити ҳақида гап кетганда, албатта, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳамда машҳур саркарда, давлат арбоби, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида мулоҳаза юритилади. Чунки бу икки шахснинг, нафақат, ўзбек адабиёти, балки умумбашарий маданият тараққиётига, жаҳон адабиёти хазинасига беҳисоб ҳисса қўшганликларини бутун дунё аҳли эътироф этиб келади. Хусусан, Алишер Навоий ижодини ўрганиш биргина Ўзбекистонда эмас, балки дунёнинг кўплаб шарқшунос олимлари томонидан узоқ йиллардан бери тадқиқ этиб келинмоқда. У ҳақда беҳисоб асарлар яратилганганлиги ҳам бежиз эмас. Бугун Навоий ҳақида кўп ёзиляпти. Илгарилар ҳам ёзиларди, лекин бугунгиси бошқача. Бугун мустақилликдек буюк неъмат туфайли Навоий бутун бўй-басти билан гавдаланмоқда. Халқимиз ўзининг шундай буюк фарзандига эҳтиромини изҳор этиш, унинг номини янада абадийлаштириш йўлида кўп амалий ишларни рўёбга чиқармоқда. Бунга ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Навоийни халқимиз, айниқса, ёшларимиз қанчалик яхши англаса, тушунса, шунчалик ҳаётни тўғри баҳолайди, ҳаёт сўқмоқларида кам қоқинади, ҳаётни, Ватанни, Она юртини шунчалик севади, ардоқлайди. Агар эътибор берсак, Навоийнинг бизга мерос қолдирган асарларининг ҳар бир сатри бугун ҳам ўз аҳамиятини, қийматини йўқотмаган. Чунки Навоий ижодининг асосий сиймоси, негизи ҳар доим комил инсон бўлиб келган. Президентимиз И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу буюк зот ҳақида қуйидагиларгни айтади: “Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса. Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир. Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”. Бундан ортиқ буюк эътироф бўлмаса керак.

Навоий бизга жуда катта адабий мерос қолдирди. Унинг ҳар бир асари ва ғазалида инсон, унинг орзу-умидлари тараннум этилди. Навоийнинг ана шундай орзу-умидларидан бири ўзбек тилининг такомили, унинг бутун бўй-бастини, гўзаллигини кўрсата олиши эди. Бугун биз Навоийни “Ўзбек адабий тилининг асосчиси” деймиз. Навоийга берилган

бу таъриф ўзбек адабий тили тараққиётидаги беқиёс хизматларининг эътирофи сифатида халқимиз томонидан унга билдирилган буюк эҳтиром ва миннатдорлик рамзидир. Тўғри, ўзбек адабий тили Навоийгача ҳам мавжуд бўлган, бу тилда ҳам кўплаб ижодкорлар қалам сурганлар. Навоий ўзигача яшаб ижод қилган барча туркийгўй ижодкорлар томонидан адабийлаштирилган ўзбек тилига янгидан жон ато этиб, у тилда ижод қилди, уни ҳар томонлама бойитиб, жуда юксак даражага олиб чиқди.

Яна шуниси муҳимки, Хуросон ва Мовароуннаҳрда ижод қилган кўпгина шоирлар икки тилда – ўзбек ва форс тилларида эркин ижод қила олганлар. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи "Мажолисун-нафоис"да жуда қимматли маълумотларни келтиради. Унинг ёзишича, XV аср шоирларидан Ҳожи Абдулҳасан Қутбий, Дарвеш, Нозукий, Яқиний, Саййид Ҳасан Ардашер, Амир Шайхим Суҳайлий, Мавлоно Осафий, Мавлоно Зиё, Соқий, Бобур Мирзо, Сайид Аҳмад, Шоҳ Ғариб Мирзо, Муҳаммад Али Ғарибий, Бадиуззамон Мирзо, Давлатшоҳ Самарқандийлар ҳам ўзбек, ҳам форс-тожик тилларида ижод қилганлар. Алишер Навоий ўз даврининг зуллисонайн шоири сифатида ҳар икки тилга беҳад ҳурмат билан қараб, бу тилларда классик асарлар яратиб, келажак авлод учун беҳад буюк адабий мерос қолдирди. Қолаверса, Навоийнинг ўзи гувоҳлик беришича, Соҳибқирон Амир Темур ва унинг ўғли Шоҳруҳ ҳукмронлиги йилларида ҳам ўзбек тилида ижод қилган талайгина ижодкорлар бўлган. Улар сирасига Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Муқимий, Яқиний, Амирий, Гадоий, Лутфийларни киритиш мумкин.

Навоий ўзбек адабий тили учун кураш байроғини баланд кўтариб, барча асарларини, хусусан, буюк "Хамса"ни айни шу тилда яратди. Навоий "Лайли ва Мажнун" ниҳоясида шулар хусусида ёзади:

Чун форси эрди нукта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи,
Ул тил била назм бўлди малфуз,
Ким форси англар ўлди маҳзуз.
Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят,
Ким шуҳрати чун жаҳонға тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай.

Албатта, Алишер Навоийнинг бу даражада муваффақиятларга эришишида яқин дўсти ва замона ҳукмдори Ҳусайн Бойқаронинг ҳам ўрни, дастаги катта бўлган. Маълумотларга кўра, Ҳусайн Бойқаро форс тилини ўз она тилидек аъло даражада билган бўлса-да, шеърларининг деярли барчасини ўзбек тилида ёзган. У ўзбек тилини ўз ҳуқуқларига эга қилиш учун курашда доимо Навоийнинг ёнида туради. Ўзбек тилининг бойлиги, гўзаллигини тараннум этишга, унинг адабий имкониятлари форс тилидан орқада эмаслигини асослашга бор кучини сарф этади. Ҳукмдорнинг бундай дастаги, бизнингча, Навоий илҳом булоғининг янада баракали бўлишида катта аҳамиятга эга бўлганлиги, шубҳасиздир.

Навоий туркий тилда илк бор "Хамса" яратиб, ўзига буюк ҳайкал ўрнатди. Навоийшунос олима Суйима Ғаниеванинг ёзишича, "Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг "Хамса" яратиш маҳоратини юксак баҳолайди: Агарчи Шайх Низомий назм аҳлининг устодидур, ўз "Хамса"сини машҳур будурким, ўттиз йилда такмил бериб турур. Ва Мир Хисравким, "Хамса" ададин ўт-

тиз мингдин ўн секиз мингга ихтисор қилиб турур ва шуҳрати мундоқ турурким, олти-етти йилда тугатиб турур. Бу фасоҳат майдонининг сафдори ва балоғат бешасининг ғазанфари бовужуди улким. кўп афсоналарда дилпазир тафсирлар берди ва табъ писанд ислоҳлар қилди, бунёдининг ибтидосидин саводининг интиҳосиғача ҳамоно икки йилдин ўтмади ва айтилғон авқот ҳисобға кирса, деса бўлғайким, олти ойға етмадиким, анинг афсоналари ранглиғидин ва абёти сеҳройинлиғин ва тарокиби матонатин ва маонийси латофатин мутолаа қилғон киши билғай ва мулоҳаза қилғон киши фаҳм қилғай" (Ғаниева С. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро// Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Тошкент: Фан, 1968. 114-б.). Шу тариқа Ҳусайн Бойқаро Навоий "Хамса"сига юксак баҳо беради.

Навоий "Хамса"си ҳақида дунёнинг кўпгина йирик олимлари ўз самимий фикрларини айтганлар. Хусусан, академик Н.И.Конрад «Марказий шарқ уйғониши ва Алишер Навоий» номли мақоласида Навоий "Хамса"сининг яратилиши билан боғлиқ ажойиб бир ҳолатни қуйидагича тасвирлайди: "Биласизми, Навоий "Хамса"ни ёзиб тугаллаганидан кейин қандай ҳодиса содир бўлган? У мазкур асарини устози ва яқин дўсти Абдураҳмон Жомийга кўрсатмоқчи бўлади, бундай қилиши керак ҳам эди. Жомий асарга бир назар ташлади-да, бу унинг учун етарли эди, шогирдининг елкасига қўлини қўйди. Шу онда у (Навоий – И.Й.) ҳаёлан ажойиб бир боғда улуғ кишилар даврасида бўлгандек ҳис этди. Улардан бири унинг ёнига келди, у машҳур шоир Деҳлавий эди. Деҳлавий Навоийга даврадаги улуғ инсонларнинг у билан суҳбат қуриш истагида эканликларини айтди. Мана, Алишер олдида уч буюк инсон: ўртада – Низомий, ўнг тарафда - Амир Ҳисрав, чап томонда – Жомийнинг ўзи. Уларнинг ортида эса Фирдавсий, Унсурий, Носир Ҳисрав, Анварий, Ҳоқоний, Саноий, Саъдийлар саф тортишган... Навоий елкасига қўйилган қўл устозининг қўли эди. Устознинг ўз шогирдига қилиши мумкин бўлган самимий муносабати ва Навоий "Хамса"сининг эътирофи белгиси эди бу. Устоз демоқчики, Навоий яратган "Хамса" уни қандай буюклар сафига олиб келди" (Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. – Москва: Наука, 1978. 92-б.). Бу сўзлар машҳур олимнинг буюк Навоий даҳоси олдидаги эътирофи намунаси эди.

Навоий мавзуси ўтган 575 йиллик давр мобайнида замона тарихчи ва тазкирачилари асарларида кўплаб марта қаламга олинди. Улар орасида Хондамирнинг "Макоримул-ахлоқ" асари ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки бу асар тамоман Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган биринчи асардир. Маълумки, Хондамир Навоий билан замондош бўлиб, бевосита унинг ғамхўрлиги ва донишманд раҳбарлиги остида тарбия топди, улғайди. Навоий билан боғлиқ кўп воқеаларнинг, хусусан, Навоий замондошларининг буюк Алишерга муносабатларининг ва берган баҳоларининг жонли шоҳиди бўлди. Муаллиф асарда Навоийга нисбатан Олий мартабали, ҳидоят насабли, покиза табиатли, соф ниятли, салтанат суянчиғи, мамлакат устуни, ҳоқония давлатининг ёрдамчиси, султон ҳазратларининг яқини, Олий ҳазрат, Олий ҳазрат Амир, гўзал сифатли Амир, Амир жаноблари, баланд даражали Амир, баланд мартабали зот каби сифатларни қўллайдики, буларнинг барчаси буюк Навоийга берилган баҳо эди.

Жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқининг яна бир буюк фарзандларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур эди. Унинг ўлмас асарлари бугун ҳам ўз қадрини заррача йўқотмасдан, аксинча, аввалгидан ҳам қадр-қимматга эга бўлмоқда. Бобур давлат арбоби, лашкарбоши бўлиши билан бирга шоир, адиб ва олим ҳам эди. Навоийдек ардоқ ва обрў-эътиборга эга бўлган Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг бой ижодий мероси узоқ йиллардан буён ўрганиб келинмоқда.

Албатта, Навоий ва Бобур муносабатлари хусусида турли илмий қарашлар мавжуд. Бобур Навоий билан бевосита учрашмаган бўлса-да, улар орасида илиқ муносабат бўлган. Бобир ўз асарларида Алишер Навоийни йигирмага яқин ўринда тилга олган. Хусусан, «Бобурнома»да ўқиймиз: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим... Жавоб келгунча, тафриқа (иттифоқсизлик, тарқоқлик – И.Й.) ва ғавғо бўлди» («Бобурнома", 81-б.). Бобур Алишер Навоийни бениҳоя ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади, уни эъзозлайди: «Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас... Аҳли фазл (илм аҳли – И.Й.) ва аҳли ҳунарға Алишербекча, мураббий ва муқаввий (қувват берувчи – И.Й.) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай» ("Бобурнома", 132-б.).

Шунингдек, Бобур "Бобурнома"да Андижон таърифини келтиришда Навоийнинг Андижон лаҳжасида ижод қилганлигини айтиб ўтади: "Эли туркдур. Шаҳри ва бозорида туркий билмас киши йуқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти, бовужудким Ҳирижа нашъу намо топибтур, бу тил биладур" ("Бобурнома", 34-б.). Матннинг ўзбекча табдилини ҳам келтирамиз: "Эли туркдир (ўзбекдир). Шаҳар аҳолиси ва бозорга келувчилардан туркийни билмайдиган киши йўқ. Элининг тили адабий тилга мувофиқ. Шунинг учун ҳам Мир Алишер Навоийнинг асарлари, гарчанд Ҳирий (Ҳирот)да шуҳрат қозонган бўлса-да, бу тил билан ёзилган" ("Бобурнома", 29-б.).

Бобурнинг Навоий ижоди ҳақидаги мазкур фикрлари бугунга қадар турлича талқин қилинади. Кўпгина тадқиқотчилар Бобурнинг фикрларини айнан қабул қилсалар, айримлар бунга бошқача ёндошадилар. Хусусан, жаҳонга машҳур олимлардан А.Вамбери, Н.И.Ильминский, А.Ю.Якубовскийлар Бобурнинг Навоий асарлари ҳақидаги фикрларини тўлиқ қабул қиладилар. Лекин, А.К.Боровковнинг ёзишича, Н.И Ильминский ўша даврдаги жонли тил билан умумадабий тилнинг бу қадар яқин бўлганлигига, қолаверса, бу тилда Навоий ўз асарларида қўллаганчалик даражада хорижий тил унсурларининг бу қадар кўп бўлганлигига шубҳа билан қарайди (Боровков А.К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка//Алишер Навои. –М.,Л., Наука, 1946. 98-б.).

А.Ю.Якубовский XV аср ўзбек тилининг маданий жиҳатдан юксак бўлганлигини эътироф этади. Навоий тили шаҳар маданиятининг нозик ирмоқларидан сув ичганлигини, халқ тили билан уйғунлашганлигини билдириб ўтади. Бобурнинг Навоий асарлари тили ҳақидаги фикрларини тўлиқ маъқуллайди ва таржимани қуйидагича изоҳ этади (фикрни тўлиқ англаш учун иқтибос айни тилда берилди – И.Й.): "Население Андижана тюркское. Не встетишь никого в городе или на базаре, кто не знал бы тюркского языка. Разговорный язык тот же, что и литературный. Характерно, что сочинения Алишера Навои написаны на андижанском наречии, хотя он и жил в Герате". Едва ли Бабур здесь что-нибудь преувеличил" (Якубовский А.Ю. Черты обшественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои // Алишер Навои. –М.,Л., Наука, 1946. 15-16-бетлар.).

Ўзбек олимларидан В.Абдуллаев, Ф.Абдуллаев, Х.Дониёров, Қ.Содиқов, З.Холмонова кабилар ҳам Бобурнинг фикри ҳақида ўз қарашларини баён қилишади. Х.Дониёров ёзади: "В.А.Абдуллаев ... "Алишер Самарқандда" мақоласида "Бобир Алишер тилининг андижонликларнинг муомала муносабатига яқинлигини, Андижон тили билан рост келишини эътироф этади... Алишер тилидаги кўникмалар йигитлигининг айни авжида, худди шу ерда, Самарқандда зоҳир бўлган" деб ёзади. В.А.Абдуллаев томонидан кўрсатилган бу сабабни, бизнингча, андижон шевасининг Навоий тилига асос бўлишини изоҳловчи важли далил-

лардан бири деб кўрсатиш мумкин” (Дониёров Х. Алишер Навоий тилининг диалектал асосларини ўрганиш масаласига доир // Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Тошкент: Фан, 1968. 291-б.). Шунингдек, Х.Дониёров В.Абдуллаев фикрларига суяниб, Навоийнинг Самарқандда икки йил эмас, балки 4-5 йил бўлганлигини, бу вақт ичида Навоий Самарқандниng жануб томонларидагина эмас, балки унинг шарқ томонларида, яъни Андижон томонларида ҳам бўлган бўлиши эҳтимоллигини, шунингдек, Навоий андижон шеваси билан болалик вақтларида ўша Ҳиротдаёқ таниша бошлаган бўлиши мумкинлигини, бунинг сабаби Ҳиротга Андижон томондан жуда кўплаб усталар, аскарлар, аскарбошилар, косиблар, айниқса, андижонлик шоир ва машшоқларнинг борганлигини ва уларнинг яхши обрўга эга бўлганлигини кўрсатиб ўтади (Дониёров Х. Кўрсатилган асар, 291-б.). З.Холмонова Бобур фикрининг Қ.Содиқов талқинидаги шаклини маъқул кўради: «Эли туркдир. Шаҳри ва бозорларида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи қалам билан (ёзма адабий тил билан) мосдир. Не учунким (ажабланарлиси), Мир Алишер Навоийнинг таснифлари (асарлари), (унинг ўзи) Ҳирийда ўсиб улғайганига қарамай - ушбу тилда (Фарғона ва Ҳирот адабий муҳитлари учун ягона бўлган адабий тилда)дир» (Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. –Тошкент: Фан, 2007. 46-б.).

Албатта, Бобурнинг Алишер Навоий асарлари тили ҳақидаги бебаҳо фикрлари унинг Навоий асарларини жуда яхши билганидан ва унга нисбатан беэътибор бўлмаганидан далолат беради. Айтиш мумкинки, Бобурнинг Навоий тилининг Андижон лаҳжасига айнан мос келишини бўрттириб кўрсатишга унда ҳеч қандай эҳтиёж ёки мажбурийлик йўқ эди. Бу унинг тарих ҳақидаги ҳаққоний ва холисона фикри эди.

Бобурнинг устоз Навоийга бўлган чуқур ҳурматини ҳинд адабиётшунос олими Қамар Раис юқори баҳолайди. У Тошкентдаги учрашувлардан бирида қуйидагиларни баён қилади: «Ўзбек ва ҳиндларнинг улуғ шоири, лашкарбоши Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонга боратуриб, Ҳиротдаги эски кулбада бир неча кун тунаб қолади. Бу кўпларни тааажжублантирди, албатта.

- Шоҳим, Сиз учун ажратилган махсус қаср қолиб, хароб кулбада тунашингиз сабаби нимада? - деб сўраб қолди мулозимлардан бири. Шунда Бобур: - Бу кулбада бир неча йил муқаддам Мир Алишер Навоий истиқомат қилганлар, бу ер мен учун ҳар қандай шоҳона қасрдан ҳам муқаддасдир. Шу сабабли бир неча кунлик вақтимни шу жойда ўтказишга қарор қилдим, токи ҳазрат руҳлари менга мададкор бўлсин» (Назарова Ҳ. Бобир ва ўзбек адабий тили. –Тошкент: Фан, 1983. 13-б.).

Албатта, Бобур учун устози Алишер Навоий билан шахсан суҳбатдош бўлмагани катта армон бўлади. У 1506 йилда Ҳиротга келганида Навоий вафот этган эди. У Алишер Навоий яшаган уйни, у қурдирган иморатларни ва албатта, унинг мақбарасини зиёрат қилади. Бобур Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари Бадиуззамон мирзо ҳамда Музаффар Мирзолар томонидан ҳурмат рамзи сифатида ўзига кўрсатилган шоҳона жойда истиқомат қилмасдан, Ҳиротдан кетгунга қадар Навоий яшаб ижод қилган уйда туради. Бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Ҳиридин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим. Ҳар икки-уч кунда бориб, Боғи Жаҳонорода Бадиуззамон Мирзоға кўрунуш қилур эдим» (“Бобурнома”, 144-б.).

Ушбу тарихий далиллар Бобурнинг ўз устози Алишер Навоийни қанчалик ҳурмат қилгани, унга чексиз эҳтиром ва эътирофининг рамзидир. Устоз ва шогирд ўртасидаги бундай ўзаро ҳурмат, эътироф ва эъзоз муносабати бугун ҳам бизга ўрнакдир.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ЎРГАНИЛИШИ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ

Алишер Навоий бутун туркий дунёни мислсиз адабий-бадиий қийматга эга бўлган ва катта меҳнат сарфлаб яратган адабий тили билан бирлаштирган буюк мутафаккир шоир эди. Шу сабабли шоирнинг ҳаёт чоғларидаёқ, Мўғулистондан то Болқон ярим оролига қадар узанган муаззам жўғрофияда унинг асарлари маълум ва машҳур эди. Унинг ўзи ғурурланиб ёзганидек, "Турк назмида чу тортиб мен алам, айладим ул мамлакатни як қалам" ('Туркий шеъриятнинг байроғини кўтардим ва бу мамлакатни (*Туркий дунёни – Ж.Э.)* бир тил воситасида бирлаштирдим), ҳақиқатан ҳам мусулмон туркий халқлар яшайдиган ҳар қандай минтақада Алишер Навоий асарлари севиб ўқилар, ўрганилар ва тадқиқ қилинар эди. У яратган туркий адабий тил (эски ўзбек адабий тили, Ғарб олимларининг таъбири билан айтганда – чиғатойча) 15-19 асрлар давомида туркий дунёнинг умумий адабий тили бўлиб хизмат қилиб келди.

Ўрта асрларда Онадўлу, Кичик Осиё, Яқин Шарқ, Арабистон ярим ороли, Миср, Шимолий Африка, Қрим, Болқон ярим ороли ва Кавказда ўз даврининг буюк империясини тузган ва тараққий этган мусулмон сивилизатсияси сифатида 600 йил ҳукм сурган Усмоний Турклар империясида ҳам Навоий турк дунёсининг буюк шоири ва мутафаккири сифатида машҳур эди. Шу сабабдан бўлса керак, бу мавзуни махсус тадқиқ этган олимлар Усмонли Турк шоирлари то 1923-йилга қадар Навоийга назира боғлаб ғазаллар ёзиб келганлигини қайд этиб ўтадилар[1].

Буюк давлат арбоби Мустафо Камол Отатурк бошчилигида турк халқининг мустақиллик ва озодлик ууҳ олиб борган уруши ғалаба билан тугагач, 1923-йил 29-октабрда Туркия Республикаси тузилди. Турк халқининг янги миллий давлатида туркий тиллар ва адабиётлар бўйича тадқиқотларга биринчи даражали аҳамият берилганлиги туфайли 1930-йилларда-ёқ Навоий ва унинг турк адабиётига таъсири бўйича дастлабки тадқиқотлар пайдо бўлди[2]. 1940-йилларда, Алишер Навоий таваллудининг 500-йиллиги нишонланаётган даврда улуғ шоир ҳаёти ва ижоди хусусидаги янги тадқиқотлар вужудга келди ва эълон қилинди. Жумладан, машҳур турк адабиётшунос-олими Фуад Кўпрулунинг *(Меҳмет Фуад Köпрулу, 1890 - 1966)* ҳозирги кунда ҳам илмий аҳамиятини йўқотмаган мақолалари эълон қилинди[3].

Фуад Кўпрулу Туркия Миллий Таълим вазирлиги томонидан чоп қилинган Ислом Энсиклопедиясиъ учун ёзган "Чиғатой адабиёти" мақоласида ўрта асрлар ўзбек мумтоз адабиёти тарихини "ўн биринчи асрдан Алишер Навоийгача бўлган давр" ва "Навоий даври" деб икки қисмга бўлади. Кўпрулу шу мақоласида Навоий ижодининг туркий дунё ва Шарқ

---

[1] Қаранг: Çavuşoğlu, Mehmet. "Kanunî Devrinin Sonuna Kadar Anadolu'da Nevâyi Tesiri Üzerine Notlar". Gazi Türkiyat Dergisi. Bahar, Sayı: 8, (2011): 23-37; Sertkaya, Osman Fikri. "Osmanlı Şairlerinde Ali Şir Nevayî Tarzı ve Nevayî'ye Anadolu'da Yazılan Nazireler". Ali Şir Nevâyî'nin 560. Doğum, 500. Ölüm Yıl Dönümlerini Anma Toplantısı Bildirileri. -Ankara: Türk Dil Kurumu, 2004: 129-140; Sertkaya, Osman Fikri. Osmanlı Şairlerinin Çağatayca Şiirleri. İstanbul: Edebiyat Fakültesi Matbaası, 1970.

[2] Köprülü, Mehmet Fuat. "Ali Şîr Nevâî ve Te'sirleri". Türk Dili ve Edebiyatı Hakkında Araştırmalar. İstanbul: Kanaat Kitabevi, 1934: 257-266.

[3] Köprülü, Mehmed Fuad. Ali Şir Nevaî. 9 Şubat 1441-3 Ilkkanun 1501. –Ankara: Türk Tarih Kurumu Yayınları,1941. Köprülü, Mehmet Fuat. "Çağatay Edebiyatı". İslam Ansiklopedisi III. Cilt. İstanbul: Milli Eğitim Basımevi, 1945: 270-323.

халқлари адабиётида тутган ўрнини қуйидагича ифодалайди: “Озари ва Усмонли адабиёт соҳаларидан ташқари барча Турк ўлкаларида – Гансудан Идл бўйларигача ва Қиримгача, у ердан Хуросон ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларда асрлар давомида умумий адабиёт ва маданият тили сифатида қўлланилиб келинган чиғатойча *(эски ўзбек тили – Э.Ж.)* айниқса, Навоийдан кейинги даврда озари ва Усмонли соҳаларига ҳам юксак адабий доираларда эътибор қозонди. Навоий асарларини ўқиш учун махсус чиғатойча грамматика китоблари ва луғатлар вужудга келтирилди. Усмонли шоирлари орасида то Танзимот давригача[1] Навоийга чиғатойча назиралар ёзган шоирлар бор эди”[2].

Алишер Навоий ҳаёти, ижоди ва асарларини тизимли равишда ўрганган 2 нафар Турк олимининг Туркия Республикасидаги навоийшунослик фанида алоҳида ўрни бор. Булар Огоҳ Сирри Левенд (*Левенд, Агâҳ Сırrı, 1893 - 1978*) ва Камол Эрасландир. (*Эраслан, Кэмал, 1930-йилда туғ.)*

Огоҳ Сирри Левенд ўзининг “Алишер Навоий: ҳаёти, асарлари ва шахсияти” номли тўрт илдли асарида улуғ шоир яшаган давр, у амалга оширган ишлар, яратган асарлари ва шахсий фазилатлари ҳақида атрофлича маълумотлар берган[3]. Бу тадқиқотнинг вужудга келиши Туркияда навоийшуносликнинг катта суръат билан ривожланишига туртки бўлди. Асарда адиб Алишер Навоийга қуйидагича юксак баҳо беради: “Мир Али Шер Навоий 15-асрда Шарқда тараққий эта бошлаган туркий тил ва адабиётни энг юқори ҳадга чиқарган, туркийларнинг маданий оламига жуда кенг таъсир ўтказиб, ўзидан кейин ўтган шоирларга ўтказган давомли таъсири билан умумтурк адабиётида энг юксак жойни эгаллашга ҳақ қозонгандир”[4].

Истанбул Университетининг профессори Кемал Эраслан 1970-йиллардан бери Алишер Навоий асарларини тадқиқ этиш, танқидий матнини тайёрлаш ва ҳозирги турк тилига таржима қилиш билан шуғулланмоқда. Олим Навоийнинг “Мезон ул авзон”[5] (1993) ва “Мажолис-ун нафоис”[6] (2001) асарларини туркчага таржима қилиб, нашр эттирган, бундан ташқари Туркияда турли йилларда наш этилган Алишер Навоий асарларига муҳаррирлик қилган[7].

Бу қаторда Др. Метин Аккушнинг Навоий вафотининг 500 йиллигига бағишлаб ёзган “Тарихий ва адабий шахсият ўлароқ Навоий ҳамда Навоий асарларида инсон масаласи” мақоласинин алоҳида ўрни бор. Олим қуйидаги сатрларда Алишер навоий шахсиятини юқори баҳолайди: “Навоий шоир, давлат арбоби сифатида мусиқа, расм, меъморчилик ва хаттотлик санъатига шафеълик қилиб, ўзининг йуксак интеллектуаллигини ва санъат турларига мойиллигини ҳам намойиш этган эди. Турк ва форс шоирларининг давлат арбоби сифатида ҳимоячиси бўлган Навоий рассомлар, наққошлар ва хаттотлар каби кўплаб

---

[1] * Усмонли салтанатида 1839-йилдан бошлаб ўтказилган ғарб руҳидаги ислоҳотлар даври, 1908-йилги ‘ёш турклар инқилобигача давом этган.

[2] Қаранг: Köprülü, Mehmet Fuat. “Çağatay Edebiyatı”. İslam Ansiklopedisi III. Cilt. İstanbul: Milli Eğitim Basımevi, 1945: 270-323.

[3] Levend, Agâh Sırrı. Ali Şir Nevâî: Hayatı Sanatı ve Kişiliği. 4 Cilt. -Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 1965.

[4] Levend, Agâh Sırrı. Ali Şir Nevâî: Hayatı Sanatı ve Kişiliği. 4 Cilt. -Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 1965, C.1. –S. 26.

[5] Nevâî, Ali Şir. Alî Şîr Nevâyî, Mîzânu’l – Evzân (hzl.) Kemal Eraslan, 1993, XVII + 198 s. 2-nashri: Mizanu’l-Evzan (Vezinlerin Terazisi). Kemal Eraslan. Türk Dil Kurumu Yayinlari. Yayın Tarihi, 2015-01-01. ISBN, 9751605431.

[6] Âlî Şîr Nevâyî, Mecalisü’n Nefayis 1-2 (hzl.) Kemal Eraslan, 2001. 2-nashri: Nevâî, Ali Şir. Mecalisü’n-Nefais 1-2. Kemal Eraslan. Türk Dil Kurumu Yayinlari. Yayın Tarihi, 2015-01-01. ISBN, 9789751632760.- 324 S.

[7] Qarang: Kemal Eraslan - http://www.biyografya.com/biyografi/6371 (December, 2017)

санъаткорларнинг асарларида ҳам мавзу бўлган. Унинг атрофида росмана бир бадиий академия ташкил этилган эди[10]". Кеч ўрта асрларда - Навоий яшаган давр ва унинг вафотидан юз йиллар ўтгандан кейин ҳам Усмонли салтанатидаги шоирлар улуғ шоир асарларидан, унинг шеърий санъатидан кўп нарса ўрганган эдилар. Бинобарин, Навоий она-Ватани Туркистон ва Хуросон туркигўй ва форсигўй халқлар ва уларнинг шоирлари орасида қандай машҳур бўлган бўлса, уч қитъага ёйилган муаззам Усмонли салтанатида ҳам ана шундай билинган ва севилган шоир эди. Др. Метин Аккуш ўз мақоласида 1681- 1730 йиллар орасида яшаган машҳур Усмонли шоири Надим, (Усмонли туркчаси: ندیم, Усмонли адабиёти тарихида у ҳам Навоий ўзбек адабиётида қолдирган мерос каби из қолдирган) Навоийнинг ашаддий мухлиси эканлиги, Навоийга ихлосининг намунаси сифатида бир девон бўлгулик чиғатойча (эски ъзбекча) ғазаллар ёзганини таъкидлаб ўтади. Ушбу ғазални намуна қилиб кўрсатади:

"Barup köyinga yıg'lamoq tiledim bir sado tortup
Yügürdi men sarı o'l g'amze tig'-ı sürmesa tortup
Olup tig'ingi elga sochi zirhin salmış arqaya
Mening qasdımga qilmish üç to'luq jom-ı safo tortup" .

Алишер Навоий Анадолудаги туркий адабиёт ҳамда классик Усмонли шеърияти учун улардан илгари шаклланган адабий мактабнинг вакилидир. Анадолу шоирлари уни ва унинг ижодини ўзларига йўлчи юлдуз қилиб олган эдилар ва Навоий шахсиятининг турли томонларини ўз шеърларига мавзу қилиб олдилар.

Усмонли шоирларидан Хаёлий (ваф. 555), Ноилий (ваф. 1666), Наби (ваф. 1712), Недим (ваф.1730) ва Шайх Ғолиб (ваф.1799) каби ўз соҳаларида мактаб яратган ижодкорлар ўз р шеърларида унинг исмини эслатиб ўтишни шарафли вазифа деб ҳисоблаганлар. Улардан Надим ва Шайх Ғолиб Навоийга назира қилиб, ўзбекча шеърлар ёзганлар. Бу хусусда проф. Осман Фикри Серткаянинг қатор тадқиқотлари мавжуд[2]

Туркиядаги илмий нашрларни кузатиш орқали сўнги 10-15 йил ичида республикада навоийшуносликнинг турли масалаалри бўйича қуйидаги илмий тадқиқотлар алоҳида нашр ёки мақола сифатида эълон қилинганининг гувоҳи бўлдик. Мавзуларнинг номи, тадқиқотларнинг йўналишига биргина назар ташлаш Туркиядаги навоийшуносликнинг кўлами ва савияси ҳақида бирламчи таассурот олишга етади:

Ali Şir Nevayi, Nevadirü'ş-Şebab (hzl.) Prof. Dr. Metin Karaörs, 2006, XXIV 705 s.

Alî Şîr Nevâyî, Ferhâd ü Şîrîn (hzl.) G. Alpay Tekin, 1994, 515 s.

Alî Şîr Nevâyî, Nesâyimü'l – Mahabbe min Şemâyimi'l – Fütüvve (hzl.) Kemal Eraslan, 1996, LIV + 493 s.

Alî Şîr Nevâyî, Lisânü't – Tayr, (hzl.) Mustafa Canpolat, 1995, 279 s.

F. Sema Barutçu Özönder, Alî Şîr Nevâyî. Muhâkemetü'l-Lugateyn, 2011, 262 s.

Alî Şîr Nevâyî, Leylî vü Mecnûn (hzl.) Ülkü Çelik Şavk, 1996, 384 s.

Alî Şîr Nevâyî, Fevâyidü'l – Kiber (hzl.) Öcal Kaya, 1996, XIX + 743 s.

[1] Akkuş, Metin.Tarihî ve Edebî Bir Kişilik Olarak Nevaî (Herat, 1441-1501) ve Nevaî'nin Eserlerinde İnsan Problemi // A.Ü. Türkiyat araştırmaları Enstitüsü dergisi, Erzurum, Yıl: 2004, Sayı: 19. -S.123-132.

[2] Sertkaya, Osman Fikri. "Osmanlı Şairlerinde Ali Şir Nevayî Tarzı ve Nevayî'ye Anadolu'da Yazılan Nazireler". Ali Şir Nevâyî'nin 560. Doğum, 500. Ölüm Yıl Dönümlerini Anma Toplantısı Bildirileri. -Ankara: Türk Dil Kurumu, 2004: 129-140; Sertkaya, Osman Fikri. Osmanlı Şairlerinin Çağatayca Şiirleri. İstanbul: Edebiyat Fakültesi Matbaası, 1970.

Alî Şîr Nevâyî, Sedd – i İskenderî (İnceleme – Metin) (hzl.) Hatice Tören, 2001, X + 533 s.

Alî Şîr Nevâyî, Sedd – i İskenderî (İnceleme – Metin) (hzl.) Hatice Tören, 2001, X + 533 s. 1.

Alî Şîr Nevâyî'nin 560. Doğum 500. Ölüm Yıldönümlerini Anma Toplantısı Bildirileri, 2004, 167 s.

Mustafa S. kaçalin, Nevâyîn'nin Sözleri ve Çağatayca Tanıklar 2011,1476 s.

Mehmet çavuşoğlu. "Kanunî Devrinin Sonuna Kadar Anadolu'da Nevâyi Tesiri Üzerine Notlar". Gazi Türkiyat Dergisi. Bahar, Sayı: 8, (2011): 23-37.

Хуллас, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бугунги кунда Туркия Республикаси навоийшунослик тадқиқотларида она-юртимиз Ўзбекистондан кейинги ўринда турувчи мамлакат, дейиш мумкин. Туркиядаги кекса, ўрта ва ёш авлодга мансуб навоийшунослар олиб борган ва бораётган тадқиқотлар шундай хулоса чиқаришимизга асос бўла олади.

Адабиётлар

Köprülü, Mehmet Fuat. "Ali Şîr Nevâî ve Te'sirleri". Türk Dili ve Edebiyatı Hakkında Araştırmalar. İstanbul: Kanaat Kitabevi, 1934: 257-266.

Köprülü, Mehmed Fuad. Ali Şir Nevaî. 9 Şubat 1441-3 Ilkkanun 1501. –Ankara: Türk Tarih Kurumu Yayınları,1941.

Köprülü, Mehmet Fuat. "Çağatay Edebiyatı". İslam Ansiklopedisi III. Cilt. İstanbul: Milli Eğitim Basımevi, 1945: 270-323.

Levend, Agâh Sırrı. Ali Şir Nevâî: Hayatı Sanatı ve Kişiliği. 4 Cilt. -Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 1965.

Levend, Agâh Sırrı. Ali Şir Nevâî: Hayatı Sanatı ve Kişiliği. 4 Cilt. -Ankara: Türk Dil Kurumu Yayınları, 1965, C.1.

Nevâî, Ali Şir. Mîzânu'l – Evzân (hzl.) Kemal Eraslan, 1993, XVII + 198 s. 2-nashri:

Nevâî, Ali Şir. Mizanu'l-Evzan (Vezinlerin Terazisi). Kemal Eraslan. Türk Dil Kurumu Yayinlari. Yayın Tarihi, 2015-01-01. ISBN, 9751605431.

Nevâyî, Âlî Şîr. Mecalisü'n Nefayis 1-2 (hzl.) Kemal Eraslan, 2001. 2-nashri: Nevâî, Ali Şir. Mecalisü'n-Nefais 1-2. Kemal Eraslan. Türk Dil Kurumu Yayinlari. Yayın Tarihi, 2015-01-01. ISBN, 9789751632760.- 324 S.

Sertkaya, Osman Fikri. "Osmanlı Şairlerinde Ali Şir Nevayî Tarzı ve Nevayî'ye Anadolu'da Yazılan Nazireler". Ali Şir Nevâyî'nin 560. Doğum, 500. Ölüm Yıl Dönümlerini Anma Toplantısı Bildirileri. -Ankara: Türk Dil Kurumu, 2004: 129-140.

Sertkaya, Osman Fikri. Osmanlı Şairlerinin Çağatayca Şiirleri. İstanbul: Edebiyat Fakültesi Matbaası, 1970.

Çavuşoğlu, Mehmet. "Kanunî Devrinin Sonuna Kadar Anadolu'da Nevâyi Tesiri Üzerine Notlar". Gazi Türkiyat Dergisi. Bahar, Sayı: 8, (2011): 23-37;

Kemal Eraslan - http://www.biyografya.com/biyografi/6371

“НАЗМ УЛ-ЖАВОҲИР”: ИНТЕРМАТНЛИК ВА МАЪНОЛАР МУЛОҚОТИ

Сувон МЕЛИ

Бутун олам матндир. Унинг ҳар бир чизиғи, ишораси, воқеаси, ҳодисаси, одамлар, муносабатлар, ўйлар, фикрлар, орзулар – барча-барчаси МАТНдир. Бу матнни яхлит ҳолда ўқиш ҳеч кимга насиб этмаган, зеро уни Олий зот Аллоҳ яратган. Лекин бани одамга уни ўқиш ҳаракати, жаҳди берилган. Чўлпон ўзининг “Ғафлат” номли шеърига Р.Тагорнинг қуйидаги гапини қошсўз қилиб қўяди: “... Биз олам китобини янглиш ўқиймиз-да “У бизни алдайдир”, - деймиз”. Олам китобини тўғри ўқимоқ учун чуқур илоҳий нигоҳ, буюк идрок ва катта билим даркор.

“Назм ул-жавоҳир” Алишер Навоий ижоди ва бутун ўзбек мумтоз адабиётида ҳам алоҳида, мумтоз асар. Алоҳидалиги шундаки, унда ислом оламида катта нуфузга эга бўлган амир ул-муъминун Ҳазрат Алининг “Наср ул-лаолий” номли ҳикматлари шеърга айлантирилган (у наср эди, бу назм), яъни рубоийлар битилган. Бу ҳақда асар муқаддимасида дейилади: “чун “Наср ул-лаолий”ни назм силкига тортилди, отин “Назм ул-жавоҳир” қўюлди”[1].

Рубоийлар сони – 268 та. Рақамланган ҳар бир қисм икки унсурдан иборат – Ҳазрат Алининг араб тилидаги ҳикмати ва шу асосда битилган рубоий. Бу ўзига хос ноёб манзара ҳосил қилади ҳамда бизга икки ҳодисани ёнма-ён ҳолда англаш ва фикр юритишга имкон беради. Биз ҳозир Ҳазрат Алининг матнини таржимада ўқисак, ўша даврдаги зукко китобхон “Қуръони карим” тили бўлган араб тилини яхши билган, шу туфайли асарни яхлит ҳолда осон тушунгани шубҳасиз.

Бадиий асарнинг яралиш пайти муҳим. Бадиий асар кўнгил ишики, кўнгилнинг муайян пайтда, ҳолатда, қандай туйғулар оғушида бўлиши асар ғояси, моҳияти ва тархини, бадиий структурасини белгилайди.

“Назм ул-жавоҳир” Ҳазрат Навоий ижоди ва умуман ўзбек мумтоз адабиёти тарихида содир бўлган икки буюк воқеадан кейин битилган асар, учинчи воқеадир. Маълумки, 1485 йилда буюк шоир беш достондан иборат она туркий тилдаги муаззам асар – “Хамса”га нуқта қўяди. Бу улуғ воқеадан мутаассир бўлиб, ҳайратга (ҳайрат ул-аброр!) тушган замон подшоҳи Султон Ҳусайн Бойқаро буюк дўстини шарафлаб “Рисола” асарини ёзади, унда даҳо шоир ҳақида шундай сўзлар бор эди:

“... Турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ киюрди ва ул руҳ топқонларға туркийойин алфоз тору пудидан тўқулғон ҳулла ва ҳарир (нафис либос ва ипак) киюрди”.

Бу гап юксак сўзлар ҳазрат Навоийни беҳад хурсанд қилиши қаторида чуқур ўйга ҳам толдирди. Олийшон мақтовга жавобан ислом оламида улуғ мавқега эга бўлган Ҳазрат Али ҳикматларини туркий тилда сўзлатишга бел боғлади Ҳазрат Навоий.

Улуғ калом ва фикрлар ўз теграсида нур, шуъла ҳосил қилади. Бу шуъла маънога тўла бўлиб, ҳозирги тил билан айтганда, буни маъно-энергия майдони деб аташ мумкин. Ушбу энергия, қувват тилини англаб, уни сўзга эвириш Ҳазрат Навоийга насиб этади. Ушбу насиба ҳосиласи ўлароқ, “Назм ул-жавоҳир” дунёга келади.

---

[1] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 10-жилд. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги ижод-матбаа уйи, 2011. 41-бет.

“Назм ул-жавоҳир” ҳақида Европа олимларидан француз шарқшуноси М.Белен 1861 йилда Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотида асар Ҳазрати Имом Алига нисбат берилган “Наср ул-лаолий” асарининг шеърга солинган таржимаси эканлиги ҳақида айтган[1]. Бундай фикр кейин ҳам кўп такрорланган. Бунга асар муаллифининг қуйидаги сўзлари ҳам асос беради гўё. “Ҳотифи фархунданафас чун ишоратин билдим – Ҳазрати Амир “Наср ул-лаолий”си таржимаси азимати қилдим”[2].

Лекин асарнинг бутун туриш-турмушига, тузилиши ва ботинига боқилса бошқачароқ манзара намоён бўлади. Йирик навоийшунос олима С.Ғаниева бу ҳақда шундай ёзади: “Демак, деярли ҳар бир рубоийга Навоий фикри, қараши сингдирилган. Модомики, шундай экан бу асар маълум даражада Навоий тафаккурининг маҳсули ҳамдир”[3]. Лекин муҳтарама олимамиз гапидаги “маълум даражада” деган фикр асарнинг, ундаги рубоийларнинг бадиий қиймати, оригиналлигини бироз сусайтирадигандек, назаримизда. Чунки аксар ўринларда Ҳазрат Али фикрлари мунчаки шеърга солинмай, ялпи мазмун қаъридаги янги маънавий қирралар, янги сатҳлар очилган. Бадиий майдон янгиланган.

Бунинг устига бунда икки ҳодиса – ҳикмат ва рубоийнинг жанрий мансубияти ҳам муайян роль ўйнайди. Бири насрий сўз, иккинчиси шеърият. Шеъриятда, маълумки, маънонинг ҳаракати интенсивроқ, қизғинроқ бўлади. Зеро мисрадаги туроқлар, ундаги сўзлар, мисралараро алоқалар барчаси янги-янги маънолар яралиши учун замин яратувчи семантик ва семиотик алоқадорликка киришади.

Шу туфайли ҳам “Назм ул-жавоҳир”нинг Ҳазрат Навоийга тегишли шеърий қисми айни шундай интерматний алоқадорлик самараси ўлароқ турли ўлчамдаги маъноларга тўйинган бадиий матндир. Ҳеч бежиз эмаски, асар Муқаддимасида Ҳазрат Навоий ўзлари ёзганидек, “Кўп гавҳар анинг зимнида мактум эттим”, яъни унинг ичига кўп гавҳарни беркитдим, яширдим, маҳфийлаштирдим, демоқда буюк шоир.

Баркитилган махфий маънолар – гавҳарларни топиш, айнан интерматний таҳлил орқали бўлиши мумкин. Зеро икки матннинг олд-кетин берилиши ҳозирги замонавий илмда кенг тарқалган тадқиқот усули жуда қулай ижод майдони, интерматний майдонни бизга туҳфа қилади. Йирик итальян адиби ва файласуфи У.Эко фанга “интерматний диалог” тушунчасини киритиб, уни “берилмиш матнда аввалги матнлар акс-садо тарзида жаранглайдиган феномен”[4] сифатида баҳолайди. Демак, “Назм ул-жавоҳир”да берилмиш матн Ҳазрат Навоийнинг рубоийлари бўлса, аввалги матн Ҳазрат Алининг насрда битилган марваридлари, ҳикматларидир. Ушбу тор, айни пайтда беҳад кенг бўлган майдонда икки матн орасидаги мулоқот, диалогни ўрганиш, бу мулоқотда қоим бўлган қонуниятларни очишга уриниш ушбу мақола зиммасидаги вазифадир. Мулоқот ҳар икки матнда бетиним ҳаракат ва ўзига хос энергияга эга бўлган Маънолар орқали амалга ошади. Маъно энергияси деган ибора ҳам яшашга ҳақли.

Юқорида айтилганидек, “Назм ул-жавоҳир”ни шунчаки Ҳазрат Али ҳикматларини Алишер Навоий томонидан шеърга солингани, деб англаш бир ёқлама фикр, ҳақиқатнинг биргина, юзаки томонидир. Аслида бу асарда – бир ҳикмат + бир рубоий майдонида икки буюк шахс, икки буюк тафаккур учрашмоқда ва мулоқотга киришмоқда. Бу мулоқотнинг таф-

[1] Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. Тошкент: Фан, 1978. 195-бет.
[2] Алишер Навоий. ТЎла асарлар тўплами. 10-том. 40-бет.
[3] Ўзбек адабиёти тарихи. 2-том. 197-бет.
[4] Новейший философский словарь. Постмодернизм. Минск: Современный литератур, 2007. С. 183.

силот ва қонуниятларини очиш ва ўрганиш осон эмас. Бунинг устига ушбу мулоқот, тепада айтилганидек, интерматнлик, интерматний диалог тарзда эканлиги шундай тадқиқот учун айни муддаодир.

Айтилганлардан келиб чиқиб, 74-рақамли матнга эътибор қаратайлик:

Давлат ул-арзоли офат ур-рижоли.
Муқбиллар ишида кўп латофат билгил,
Идборда ул эл аро масофат билгил,
Нокаслар ишин айни касофат билгил,
Давлатларини эранга офат билгил[1].

Ҳазрат Али ҳикмати қуйидагича таржима қилинган. “Нокасларнинг давлати, - кишиларнинг офати” (635-бет). Таржимада сал юмшатилиб, нокаслар тарзида берилган, аслида эса “арзол” разиллар демакдир, рижо ҳам шунчаки кишилар бўлмай, эр, мард кишиларни англатади. Олдиндан айтиш мумкинки, рубоийнинг тўртинчи мисрасида айнан эранлар ҳақида сўз боради. Кўринадики, ушбу ҳикмат ўткир ижтимоий маъно ва залворга эга. Яъни разилларнинг бойиб кетиши мард кишиларга офат келтиради. Ҳазрат Навоий сўзини разилларнинг тарси, муқбиллар ҳақидаги мисра билан бошлайди: “Муқбиллар ишида кўп латофат билгил”, “Муқбил” бахтли одамлар дегани бўлиб, “иқбол” сўзининг грамматик шаклидир. Демак, муқбиллар ишида латофат, яъни гўзаллик, нозиклик ва поклик бор.

Агар биз рубоийга ялпи структур назар солсак, биринчи мисрадаги мусбат ҳолат кейинги уч мисрадаги манфий ҳолат билан зиддиятда турганини кўрамиз. Буни радиф “билгил”-дан олдин келган қофиядош сўзлар ҳам таъкидлайди. Латофат масофат – касофат – офат, яъни иккинчи мисрадаги идбор иқбол (муқбил) сўзининг зидди бўлиб, бахтсизликни, иши орқага кетишликни англатади. Бу мисра иқбол билан идбор орасида масофа, фарқ борлиги, буни билиш зарурлигини уқтиради. Учинчи мисрада вазият кескинлашади, яъни нокаслар, Ҳазрат Али ҳикматидаги арзол (разиллар) иши турган-битгани касофат, зиён-заҳмат экани айтилиб, сўнгги тўртинчи мисра Ҳазрат Али ҳикматига деярли мос келади. Лекин кичик бир фарқ бор. Ҳазрат Навоий арабий “рижол” ўрнига соф туркий сўз “эран”ни қўллайди. “Қадимий туркий луғат”да бу сўз “эр, эркак, жангчи” сифатида изоҳланади[2]. Ўзбек халқ достонларида бу сўз авлиё, хислатли кишиларни ҳам англатиб келади.

Бу сўз ҳақида махсус тадқиқот олиб борган таниқли фольклоршунос олим Шомирза Турдимов “Гўрўғли” достонини версияларида ҳомийлар ҳақида гапирилганда “эранлар”, аниқ айтилганда эса Хизр, Чилтон, Қамбар, баъзи ўринларда Ҳазрати Али эсланади”[3] деб ёзади. Бу ердаги муҳим нуқта шундаки, “эран” тушунчаси орқали Ҳазрат Али халқ оғзаки ижодиёти жабҳасида туркий эпос билан боғланмоқда. Улуғ шоир нокасларнинг “Давлатларини эранга офат билгил” деб ёзар экан, туркий эпосдаги шундай ҳолатларга ишора қилдимикан? Лекин бир нарса аниққи, Ҳазрат Навоий Ҳазрат Али ҳикматини шеърга солар, ўз иборалари билан айтганда, “назм силкига тортар” экан, бунда “эран” сўзини қўллаб, уни арабий ҳикматга вобаста қилади. Яъни ушбу майдонда “эран”лар ва Ҳазрат Али учрашадилар гўё. Машҳур ўзбек халқ достонида эса эранлар сафида Ҳазрат Алининг бўлиши сирли, айни

[1] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10-том. 54-бет.
[2] Қаранг: Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969. С. 176.
[3] Турдимов Ш. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент: Фан, 2011. 40-бет.

пайтда аниқ илмий ҳақиқатдир. Бунда биргина сўз “эран” катта интерматний диалогга замин яратаётганини кўриш мароқли.

Агар шундай бўладиган бўлса, мисрага сал бошқача маъно, нокасларнинг мол-мулки эранлар, ҳомий руҳларга офат эмас, улар офатдан холи, аксинча нокаслар ҳомий руҳлардан жудо бўлишларини ифода этади, дейиш мумкин. Яна фольклоршунос олимимиз ёзади: “Демак, “эран” сўзи соф туркий асосли бўлиб, “ҳомий руҳ” маъносига эга. “Гўрўғли” достонларида қаҳрамонни доимо қўллаб турувчи, у билан ҳамиша ҳамқадам юрувчи “эран” – Хизр”[1].

Яна Навоий мисрасига қайтадиган бўлсак, эранлар ҳеч нарсани ютқазмайди, уларга офат келмайди, улардан жудо бўлганлар ҳолига вой. Нокаслар ҳомий руҳдан жудо бўлишади. Шунинг учун ҳам улар – нокаслар.

Демак, нокас, разил кишилар давлати, яъни уларнинг бойиб кетиши мард, олижаноб, хислатли кишилар, эранларга кулфат ва бало олиб келар, улар учун офат экан. Лекин “эран” “ҳомий руҳ”ни англатадиган бўлса, унда маъно терсига ўгирилади, офат эранга эмас, нокасларга йўналади.

Демак, Ҳазрат Али ва Ҳазрат Навоий фикрича оқил жамият ва адолатли давлат моддий бойлик мудбирлар эмас, муқбиллар қўлида бўлиши, улар бу бойлик орқали гўзал ва пок амаллар қилиши, акс ҳолда бойлик арзол ва нокаслар қўлида тўпланса, бу айни касофат бўлиб, эранлар, терс маънода нокаслар учун офат бўлиши юксак бадиий куч билан ўз ифодасини топади.

Ҳазрат Алининг биргина қисқа ҳикмати Ҳазрат Навоийнинг соҳир қалами шарофати билан тўрт устундан иборат муҳташам бадиий иморат, иншоатга айланади.

Тарту структуравий илмий мактаби асосчиси Ю.М.Лотман фикрича, интерматнлик “матн ичидаги матн” муаммоси сифатида тушунилиши лозим[2]. Шу маънода, аввал ҳам айтилганидек, “Назм ул-жавоҳир” асари интерматнлик учун ноёб илмий-бадиий манбадир. Интерматнлик – матн ичидаги матн экан, асарда, юзаки қараганда илк матн Ҳазрат Али ҳикмати бўлса-да, бу ердаги ҳикмат ва рубоий алоқаси, бизнингча, тенг ҳолатда. Яъни Ҳазрат Али ҳикмати ичида Ҳазрат Навоий рубоийси ва Ҳазрат Навоий рубоийси ичида Ҳазрат Али ҳикмати бор. Улар бир-бирини ичдан нурлантириб туради, гўё.

Совет даврида нашр этилган “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида “Назм ул-жавоҳир” ҳақидаги қисмда (муаллиф С.Ғаниева) асар ҳақида шундай гап бор: “Юқорида кўриб ўтилган илғор ижтимоий фикрлар, таълим-тарбиявий ўгитлар, доно панд-насиҳатлар орасида мистик кайфиятларни билдирувчи диний таълимотларга оид, ҳаққа сиғиниш ва тоат-ибодатга даъват қилувчи рубоийлар ҳам мавжуддир”[3]. Бу давр мафкураси босимида узрхоҳлик билан Навоийни оқлашга қаратилган мулоҳаза. Лекин ҳозирги кунда айни шу каби мулоҳазалар “Назм ул-жавоҳир”нинг уғоний ва фалсафий қийматини белгилайди, десак ҳақиқатга хилоф эмас.

Шундай “мистик кайфиятларни билдирувчи” ўринлардан бири 87-рақамдаги ҳикмат ва рубоийдир:

Зикр ул-мавти жилоъ ул-қалби
Ҳар кимки, ўлум сўзин демак фан айлар,

---

[1] Шу ерда. 41-бет.
[2] Бу ҳақда қаранг: Холбеков М.Н. Структур адабиётшунослик. Рисола. Тошкент: Наврўз, 2014. 118-бет.
[3] Ўзбек адабиёти таризи. 2-том. 201-бет.

Ўз ҳолиға бу сўз била шеван айлар,
Таврини сулук ичра аҳсан айлар,
Ким руҳни ўлмак сўзи равшан айлар (56-бет).

Арабий ҳикматнинг таржимаси бу: “Ўлимни эслаш – қалб жилосидир” (636-бет). Буни оддий, ҳаётий, яъни “Ҳазрат Али ва Алишер Навоий ўз ҳикматларида одамларни хушёрликка чақиради”[1] ҳамда ўлимнинг ҳақлиги ва муқаррарлигини ёддан чиқармасликка ундайди, деган маънода ҳам тушуниш мумкин. Лекин Ҳазрат Али ҳикмати чуқур ва руҳониёна мистикдир. Ўлимни эслаш қалбга жило (аниқ маъноси равшанлик) бағишлайди, дейилмоқда ҳикматда. Ҳазрат Навоий эса шу ҳикмат асосида битилган рубоийда ҳолат ва ғояни чуқурлаштиради, бадиий аниқлаштиради.

Матнга боқайлик. Дастлабки уч мисра, моҳиятан, битта боғланган қўшма гап. Агар буни одми тилга кўчирадиган бўлсак, шундай манзара ҳосил бўлади. Ҳар ким ўлим сўзини айтишни мақсад қилса, ўз ҳолига шу сўз орқали нолаи зор чекади, яъни тан иморати бузилиб, тупроқ сари кетишидан фиғон чекади, шу фиғони туфайли сулук, тариқат, тасаввуф йўлида ахлоқини гўзаллаштиради, гўзал ахлоққа эга бўлади. Ушбу тайёргарлик босқичидан кейингина Ҳазрат Али ҳикматига қайтилади, лекин бу қайтиш оддий такрор, шунчаки таржима бўлмай, ҳикматнинг янги руҳоний қиёфаси яралади: “Ким руҳни ўлмак сўзи равшан айлар”. Ҳикматдаги “қалб”, “руҳ”га, “жило” “равшан”га эврилади. Ҳолат бир поғона юксакка кўтарилади, тасвир аниқликка эришади. Ўлмак сўзи туфайли руҳнинг равшан, яъни ёруғ, нурли, ёрқин бўлиши ҳикматдаги жилодан аниқроқ шубҳасиз.

Ҳазрат Навоий ўзининг “ўлум” радифли ғазалида бежиз ёзмайди:

Жон бериб истарман ўлмакни, ўлум хўброқки, жон,
Жоним ўлмакдур чу истайдур манга жонон ўлум.

Ғ.с., 427-ғазал.

Буюк шоир “манга жонон ўлум” деб ёзар экан, айнан Ҳазрат Али айтган ҳикматдан ўтказиброқ шеър битмоқда Ҳазрат Навоий. Зеро, ўлим хосларга жонон, Ҳақ даргоҳига восил бўлиш воситаси-ку аслида.

Ушбу контекстга ушбу байтни жалб этиш ҳам интерматнлик қонуниятларидан биридир. Матн ўзига ўхшаш, қондош, жондош матнларни истаган манзилдан чақира олади ва ўз доирасига жалб қилиб, маъно доирасига қўша олади. Улуғ рус файласуф филологи М.Бахтин ёзганидек, “Бир маъно бошқа бегона маъно билан учрашиб, ўзаро узвий алоқага киришгандан кейингина ўз теранликларини ошкор қилади: улар ўртасида гўё диалог бошланади ва бу диалог мазкур маъноларнинг, мазкур маданиятларнинг ўз қобиғига беркиниб олганлиги ва бир томонламалигини бартараф этади”[2].

Энди 148-рақамли ҳикмат ва рубоийга боқайлик:

Тир маъ ал-ашколи
Ножинс ила лутфу инбисот оз айла,

[1] Алишер Навоий. Избранное (“Пятирица изумлений”, “Жемчужные строфы”). Худ. перевод Д..С.Азимовой, краткие пояснения А.П.Каюмова. Ташкент: Ўзбекистон, 2018. С. 192.
[2] Бахтин М.М. «Новый мир» редакцияси саволига жавоб // Филология масалалари, 2003. 1-сон. 88-бет (Таржимон – Мирзааҳмад Олимов).

Ҳампешани ҳамнишину ҳамроз айла,
Ҳаммашраб ила нишот оғоз айла,
Ҳамжинс била ҳамиша парвоз айла (66-бет).

Ҳикмат шундай таржима қилинган: “Кабутар – кабутар билан учади, ғоз – ғоз билан” (637-бет). Кўряпсизки, сўзма-сўз эмас, маъно таржима қилинган, натижада Ҳазрат Али ҳикматининг маъноси Навоий рубоийсидан бутунлай узоқлашиб кетган. Ҳикматда на кабутар, на ғоз ҳақида ҳеч қандай гап йўқ. Бу таржимага форс тилидаги Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида Шокир ота тилидан келтирилган “Кабутар бо кабутар, жинс бо жинс” ибораси асос бўлган шекилли. Унинг ёнига ғоз ҳам қўшилади. Нима бўлганда ҳам Ҳазрат Али ҳикматидаги буюк “ўқ-ёй” тимсоли араб тилини билмайдиган китобхон учун йўққа чиққани аниқ.

Ҳазрат Али ҳикматининг аниқ таржимаси, “Ўқ – ёйи билан” деганидир ва айни шу маъно орқали ўзи туғдирган рубоий билан интерматний алоқага кириша олади.

Аввало, ўй ва ёй муносабати ҳақида. Бу дунё фалсафасида ҳам, мумтоз адабиётимизда ҳам кўп учрайдиган анъанавий тимсоллардан. XV аср биринчи ярмида яшаган Яқиний деган шоирнинг “Ўқ” ва “Ёй” мунозараси” номли насрий асари мавжуд бўлиб, унинг ғояси, асарда ёзилганидек, “бу даврнунг каж таъбларининг қошинда ҳар ким ё дек эгри бўлса, ёнларидан йироқ бўлмас ва ҳарким ўқтек рост бўлса, туз юруса, Яқинийдек йироқ тушар...”[1]. Яъниким, бу ерда ёй ва ўқ қарама-қарши қўйилмоқда, бири эгри, иккинчиси тўғри кишиларга тимсол бўлмоқда.

Қадимги юнон файласуфи Ҳераклитнинг сақланиб қолган лахтакларидан бирида нодонларга қарата “ёвлашаётганлар бир-бирлари билан тотув, боғлиқ эканини билмайдилар: камон ва ўқ каби терс бирлик (уйғунлик)”[2] деб ёзади. Шу китоб сўзбошисида ушбу гап ҳақли равишда “оламшумул фикр”[3] (“грандиозная мысль”) дея баҳоланади. Бунда ўқ ва камон аввал қарама-қарши, сўнг бирлик, бутунликда олинмоқда ва шундай зиддий бирлик бутун борлиқ тараққиётининг гарови экани таъкидланмоқда.

“Назм ул-жавоҳир”даги ушбу ҳолатла эса ўқ ва ёйнинг бирлиги, иккаласи бирга бўлгандагина бутун ҳодиса эканлиги таянч маъно тарзида рубоийнинг барча сатҳларини белгилайди. Лекин ўқ-ёй бирлиги худди Ҳераклитнинг фикридаги каби қатор хоссаларга эга. Буни аниқлаш учун рубоий матнига, унинг тархи, структурасига боқайлик. Рубоий матнида Ҳазрат Али ҳикматидаги ўқ-ёй сўзлари мутлақо йўқ. Лекин ҳикмат рубоий учун асос-пойдевор ва бўлғуси парвоз (тўртинчи қофиядош сўз) учун замин вазифасини ўтаётганини кўриш мумкин.

Демак, ҳикматдаги ўқ-ёй бирлиги, аниқроғи, икки мос, мутаносиб ҳодисанинг ўзаро тотувлиги рубоий бадиий ғоясини ташкил қилади. Яхлит ғоя бир неча маъноларнинг турли тарздаги бирикувидан ҳосил бўлади. Мантиқ қонунлари ва бадиийлик қоидаларидан маълумки, тасдиқнинг ёнида ҳамиша унинг зидди, инкори туради ҳамда инкор тасдиқни кучайтирувчи омил вазифасини бажаради. Шу боис рубоий бирликка тескари бўлган “ножинс” ҳақидаги мисра: “Ножинс ила лутфу инбисот оз айла” билан бошланади. Бу сўз буюк шоир ижоди билан таниш одамга интерматнлик ҳодисасига мувофиқ ул зотнинг машҳур қитъасини ёдга солади, яъни “Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон, Чекма меҳнат-

[1] Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. 1-том. Тошкент, 1959. 496-бет.
[2] Фрагменты ранних греческих философов. Ч. 1. М.: Наука, 1989. С. 199.
[3] Шу китоб. 20-бет.

ким, латиф ўлмас касофат олами...”. Бу ёд орқали “ножинс” онгимизда “нокас” (одам эмас, пасткаш) сўзи билан зич (“нокасу ножинс”) боғланади. Ушбу мисрада ножинс, яъни сенга маънан ёт бўлган одамлар билан муомилани, очилиб-сочилишни оз қил, қилма, демоқда буюк шоир. Жинс сўзи, одатда жонли организмларнинг биологик хусусиятларига кўра икки (эркак ва урғочи) туридан бирини англатади. Лекин одамлар биологик жинсдан қатъи назар яна руҳий ва маънавий жиҳатдан икки турга бўлинадики, буни ҳам жинс сўзи орқали ифода этиш мумкин. Рубоийдаги фикр фозил кишиларга қаратилмоқда ва уларга ножинс бўлган одамлар ким экани аёндир.

Рубоийнинг қолган уч мисраси тўлиғича тасдиқдан иборат ва улар Ҳазрат Али ҳикматидаги бирлик, бирдамликнинг тантанаси ўлароқ жаранглайди. Бу структур жиҳатдан “ҳам” (бирликни англатувчи олдсўз)нинг беш марта турли ракурсда такрорланишидан вужудга келади.

Рубоийдаги ҳар мисра ундаги маъно субъекти билан бошланади: ножинс – ҳампеша – ҳаммашраб – ҳамжинс. Қатордаги биринчи ва тўртинчи ҳад бир-бирига буткул зид: ножинс – ҳамжинс.

Сўнгги уч мисрани бирма-бир кўриб ўтайлик:

Ҳампешани ҳамнишину ҳамроз айла.

Кўринадики, мисрада уч бора “ҳам” ишлатилган. “Ҳампеша”даги “пеша” бу ерда касб-ҳунар маъносидан кўра, иш, амалга яқин бўлиб, амали бир одамлар қавмини англатмоқда. Демак шундай одамлар билан ҳамсуҳбат, сирдош бўл. Кейинги мисра:

Ҳаммашраб ила нишот оғоз айла.

“Ҳаммашраб”, табиати, феъл-атвори бир хил одамлар билан шод-хуррамлик қил. Бу ўртада рубоийга асос-пойдевор бўлган ҳикмат унутилгандай гўё. Йўқ. Сўнгги мисрада бу маъно гўзал бир тарзда ифодаланади:

Ҳамжинс била ҳамиша парвоз айла.

Бу ерда ҳозирги ўзбек китобхонига нотаниш бўлган бironта сўз йўқ, агар маъно сиғими жуда қурч бўлган “ҳамжинс” сўзини айтмаганда. Бу сўз руҳий жиҳатдан яқин, қалбан қариндош, кўнгилдош одамларни англатади ва бир ёни билан Ҳазрат Али ҳикмати – “Ўқ – ёйи билан”га ишора қилади, ундан бадиий ва руҳоний мадад олади.

Ўй ёйи билан мукаммал, ўқсиз ёй кераксиз матоқ, ёйсиз ўқ оддий бир буюм. Ўқ фақат ёй билан бириккандагина уча олади. Ҳикматдаги ўқ ва ёй – ҳамжинс. Бу икки матннинг интерматний мулоқотга киришувидаги сўнгги нуқта. Ўқ ва ёй бирга бўлгандагина ўқ уча олгани каби, қалбан яқин, кўнгилдош одамлар бирлашганларидагина парвоз қиладилар, юксак ва илоҳий маъволарга кўтариладилар. Шундай илоҳий бирликни тараннум этган эди буюк Бобур ушбу байтида:

Соғинмас жаннатул маъвони Бобур
Анинг кўнглида то маъво қилибсен.

Зеро бу ҳам интерматний мулоқотнинг бир кўринишидир, ҳойнахой.

Ҳар қандай матннинг куч ва салоҳияти интерматнликда, яъни матнлараро тиғизлик, бошқа турли матнлар билан бўладиган ялпи алоқадорликда. Шундай алоқадорликни ким кўпроқ ҳис қилса, англаса, ўша одам ёки ўша давр бадиий матнни кўпроқ ва тўлароқ тушунади, кўпроқ бадиий ва интеллектуал завқ туяди.

"Тушунишни тушуниш" масаласига қатъий зарурият пайдо бўлди"[1] деб ёзади мусиқашунос Н.Янов-Яновская ўзининг "Интерматн назариясининг Шарқ мусиқасидаги инъикоси" китобида. Эндиликда тушунишнинг ўзи етмайди, унинг ҳосил бўлиш йўллари ва усуллари илмий жиҳатдан ўрганлиши, тадқиқ қилиниши зарурдир. Ҳозирги кунда матнлараро чақиришмалар ҳақида фикр юритилмоқда. Бу эса "шу каби ўзаро алоқақдорликни англаш асарнинг тарихий-маъновий майдонини беҳад кенгайишини таъминлайди"[2] деб ёзилади юқорида номи тилга олинган китобда.

Бундай жараён ҳеч қачон тўхтамайди. Вақт – замоннинг ўтиши янги-янги китобхон авлоднинг пайдо бўлиши гўё бир ҳарфи ҳам ўзгармаган мумтоз бадиий матнни ўзгартиради, яъни унда аввал кўрилмаган маънолар очила боради. Интерматнлик назарияси ва амалиёти куни кеча пайдо бўлган эса-да, у жаҳон маданияти рецепциясида азалдан мавжуд ва фаол ҳаракатда. Буюк бадиий обидаларнинг яшаш тарзи айнан шундайдир.

Ҳазрат Али ҳақида яна бир гап. Йирик арабшунос олим И.М.Фильштинский "Араб адабиёти тарихи" китобида Ҳазрат Али ҳақида ёзиб, у ислом тарихидаги буюк нотиқ бўлгани, X асрда унинг нутқ, ваъз ва ҳикматлари "Наҳж ал-балоға" номида алоҳида китоб ҳолида нашр этилганини ёзади[3]. Шу ерда унинг аниқ ва лўнда баён этилган бир неча ҳикматлари келтирилади. Масалан: "Ҳар қандай ҳукмдор Аллоҳсиз қулдир", "Ожизнинг мустабидлиги – энг оғир мустабидлик", "Олимнинг бойлиги – донишмандликда, нодоннинг бойлиги – мол-мулкда"[4] каби.

Туркиялик адиб Аҳмад Лутфий Қозончи Ҳазрат Алига бағишланган тарихий асарида унинг шахсияти ҳақида шундай ёзади: "Бутун умрини – болалигидан ўлимигача ҳаёти кўздан кечирилса, мардликнинг, тўғриликнинг, самимиятнинг гўзал ўрнаклари кўринади. Фазилатга ошиқ инсонларнинг кўзларини ёшлантирадиган тотли хотиралар Ҳазрат Алининг азиз ҳаётини нурлантириб, зийнатлаб, файз бериб, файз таратиб туради"[5].

Юқорида "Назм ул-жавоҳир" асари ҳақида қисқача тўхталган ҳолда, асардан олинган уч жуфтлик: ҳикмат – рубоий интерматнлик нуқтаи назаридан кўриб чиқилди, Ҳазрат Али ва Ҳазрат Навоий маънолари оламида озгина сайр қилинди.

Айрим хулосалар.

1. "Назм ул-жавоҳир"га кирган рубоийлар ҳамиша жуфтликда ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Булар оддий рубоийлар бўлмай, айни Ҳазрат Али ҳикматлари асосида битилган навоиёна рубоийлардир.

---

[1] Янов-Яновская Н.С. Теория интертекста в её проекции на восточную музыку (на примере творчества композиторов Узбекистана). Монографии. Ташкент: Musiqa, 2019. С. 17.
[2] Шу китоб. 3-бет.
[3] Фильштинский И.М. История арабской литературы. V – насало X века. М.: Наука, 1985. С. 250.
[4] Шу ерда 252-бет.
[5] Қозончи Аҳмад Лутфий. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу). Тарихий роман. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. 203-бет.

2. Маърузадаги талқин усулини матнлараро интерматнлик деб номлаш мумкин. Бу бир матн ичидаги интерматнликдан фарқ қилиб, айрим ўзига хосликлар, айрича қонуниятга эга.

3. Маъно интерматнликнинг асосий ишчи қуроли бўлиб, интерматний таҳлил ва талқин маънолар ҳаракати тарзида содир бўлади ва шундай жараён орқали олиб борилади. Шунда маъно бадиий маънога айланади. Бадиий маъно чин маънода тирик ҳодисадир.

4. Маънолар мулоқоти интерматний диалогга асос ҳамда маънони кучайтириш, матн таъсирдорлигини таъминлаш ва ошириш омили, абадий бадиий қувват манбаидир.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИГА “ВАДУДОНА” МУНОСАБАТ

Баҳодир КАРИМОВ

Тарих миллатнинг ўтмиши, тараққиёти ва таназзулининг сабабларидан баҳс юритади. Хусусийлашган тарих маълум бир миллатнинг муваффақияти, фожеа ва ғам-ғуссаларидан сўзлайди; ғурур ва фахр-ифтихор туйғуларини ўзида жамлайди. Башарият бошидан ўтган давр хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, аянчли ёки фахрли, оддий ёки зиддиятли бўлишидан қатъи назар миллат истиқболи учун ибрат китобидир. “Бир ёй ўқи отатурган вақтингизда ипини кетга қанча кўб тортиб сўнгра қўйиб юборсангиз, ўқ ҳам ўшанча узоққа кетар, суръати ҳам кўб бўлур. Бунга ўхшаш такомил ва тараққий йўлчилигида мозийга қанча тисланиб, тарихингизга қанча орқа бериб сўнгра ҳаракатлансангиз, шунча кўб суръат билан илгарига йўл ола биласиз”[1]. 20-йиллардаги таниқли зиёлилардан бири Шоҳид Эҳсоннинг бу образли гапи “Ўтган кунлар” бошида “Мозийга қайтиб иш кўриш ҳайрлик дейдилар” фикрини ёзган улуғ ёзувчининг машҳур сўзларига жуда яқин. Албатта, Абдулла Қодирий миллатнинг яқин ўтмишидан ҳикоя қилди; ўша муаззам тарих китобнинг ибратли бир саҳифасини ўқиб берди. Фитрат бир қанча тарихий драмалар ёзди. Гоҳида ўша давр шоирлари шеърларга мавзуни тарихдан танлади. Умуман олганда, 20-йиллар бадиий адабиётнинг мозийга мурожаати шундай табиий ва миллатпарварлик руҳида эди.

Илмий-адабий соҳадаги аҳвол-чи? Айнан адабиётшунослар учун қайси масалалар қизиқ эди? Қандай вазифалар кун тартибида турарди? Тўғриси, 20-йиллар адабий илми олдида турган асосий гап – бу маданий меросга муносабат масаласи бўлди. “Халқнинг фаробийлари, хоразмийлари, берунийлари, синолари, навоийлари, машраблари бор эди. Лекин улар яратган ҳаётбахш китоблар асрларнинг токчаларида кўтарилмай ётар эдилар. Улар яратган улуғвор тафаккур меваларидан самара олиш учун халқнинг – юрагида миллий ғурур чироғи бўлиши керак эди. Миллатнинг тенгсиз замини бор эди, лекин бу замин узра юрганлар чироғсиз эдилар”[2]. XX аср бошида юз берган маънавий уйғониш, ижтимоий ўзгаришлар зиёлиларининг қўлига ўзликни англаш, миллатининг қадрини кўтаришдек замонавий маърифат чироқларини тутқазди. Улар маърифат ёғдуси билан ўз даври ва келажакни, шунингдек, шарафли ўтмишни ёритиш имкониятига эга бўлди. Зеро, бу давр эҳтиёжи ҳам эди. Адабиётшунослар бу эҳтиёж ижроси учун мумтоз адабиётнинг қўлёзма матнлари ичига шўнғиши ва ўша уммон тубидан дур излаши зарур эди. Шундай бўлди ҳам. Адабиётчилар зиммасида адабий меросни даврнинг маънавий мулкига айлантириш, ўтмишдаги буюк сиймоларни элга танитиш, асарларини кўп нусхада жорий имлода қайта нашр этиш каби жуда масъулиятли ва мураккаб вазифалар бор эди. Бу ишларнинг хайрлилигига, улуғлигига шубҳа йўқ. Бироқ мураккаблик нимада? Тўғриси, бу масалада 20-йиллар бошидаги ҳолат билан 30-йиллар арафаси ва ундан кейинги давр манзараси бир хил рангда эмас. Дастлаб миллатнинг машҳур сиймоларини улуғлашга, уларни халққа танитишга ҳеч қандай қаршилик сезилмади. Масалан, Аҳмад Яссавий ёки Имом Ғаззолийга ҳеч ким “таркидунёчи”, “бадбин шоир”, “реакцион руҳоний” деб сифатламади. Улар хусусида Абдураҳмон Саъдий ва Фитрат каби олимлар махсус мақолалар ёзди. Мақолалар ўша давр

[1] Абди Шоҳид Эҳсон. Биз ва маориф // “Ҳақиқат”, 1922, 1-2 сонлар.
[2] Ғафуров И. Лириканинг юраги. Тошкент, 1982. 146-бет.

матбуотида босилди. Шунингдек, Яссавий мактаби шоирлари, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фузулий, Нодирахоним, Турди, Муқимий каби ўнлаб шоир ва шоиралар ижоди ўрганила бошланди[1]. Аммо сиёсий талаб ва тазйиқлар энди изга туша бошлаган илмий изланишларни, хайрли ишларни чигаллаштирди. 30-йилларга келиб, адабий меросни ўрганиш ва талқин этишга ҳукмрон мафкуранинг методологик таълимот татбиқ қилинди; илмий изланишлар ва талқинлар моҳиятдан узоқлашди. Аждодлар яратилган гўзал санъат намуналарини иккига ажратиш, пролетар адабиёти қолипига мосларини улуғлаш, бошқачасини танқид қилиш жараёнлари бошланди.

Бироқ 20-йиллар муҳитидаги Вадуд Маҳмуд, Ашурали Зоҳирий, Чўлпон каби айрим зиёлилар адабий меросга, хусусан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига холис илмий назар билан қаради. Вадуд Маҳмуд мумтоз асарларни тарғиб-ташвиқида қатнашди, қўлёзмаларни ўрганди, адабий мақолалар ёзди. В.Маҳмуд Навоий даврига чиғатой адабиётининг "биринчи олтин даври", Амирий замонасидаги чиғатой адабиётига эса "иккинчи олтин давр" сифатини берди. Замондош адабиётчилар зиммасидаги вазифалар ҳақида ёзган гапи ҳам диққатга лойиқ: "Чиғатой адабиёти даври адабиёт даврининг отасидур. Лутфийлар, Навоийлар, Султон Ҳусайнлар, Бобурлар, Солиҳлар, Яссавийлар, Умархонлар, Фузулийлар, Зебунисолар, Нодиралар ва булар сингари кўп шоирлар бу адабий даврларнинг бизга маълум бўлган гулларидурлар. Бир ўртоғимизнинг айтишича, майда-чуйда нозимларни истисоно қилғонда, анчагина муҳим ўрун тутадурғон шоирлар *беш* юзга яқиндур. Бу шоирларнинг кўпини ёлғиз отлари билан, бир-икки шеърлари билангина таниймиз. Булар текширилсалар бизнинг анча-мунча хазиналаримиз очилғон бўладурким, бу вазифа адабиётчилар бўйнидадур"[2]. Буларни амалга оширишда, илк-ибтидоий маълумотларни ёритиш ёки таснифлар таклиф қилишда "анча-мунча хазина" илинжида бўлган қалам эгасининг ўзи ҳам хизматга бел боғлади. "Навоийгача турк адабиёти", "Алишер Навоий", "Фузулий Бағдодий", "Навоий учун", "Турк адабиёти тарихи", "Илмий-адабий вазифалар қаршисида" ва бошқа қатор мақолалар ёзди.

Аслида Алишер Навоий ижоди мусаффо кўзгуга ўхшайди. Оддий инсонлар унинг қаршисида ўзини кўради, ўзлигини англайди. Нодонлар тош отади, илм соҳиблари эса унинг асрори ва ҳикмати билан қизиқади. В. Маҳмуд XX аср 20-йиллари навоийшунослигининг юзага келиш жараёнида асрий-адабий қўлёзмалардан мисқоллаб маълумотлар йиғиб, оммага тақдим қилди.

Вадуд Маҳмуд 1924 йилги А.Саъдий билан бўлган дастлабки баҳсида унинг шеърни яхши тушунмаслигини айтади ва қўшимча далил қилиб "Адабиёт дарслиги"дан мисол келтиради. А.Саъдий ўз дарслигида Навоийнинг:

"Саҳар ховар шахи чарх узраким, хайлу хашам чекти,
Шиои хат била кўҳсор уза олтун алам чекти",

матласи билан бошланувчи ғазалини танқид этган ва уни англашда қийналган эди. В.Маҳмуд эса бу ғазалга "энг юксак ва бизнинг асрий завқимизга ҳам мувофиқ фасоҳат ва балоғатнинг санъаткорлик билан уста уюштирилғон" асари, Алишер Навоийга эса

[1] Бу ҳақда батафсил қаранг: Юнусов М. Барҳаёт мерос саҳифалари. Тошкент, 1986. "Адабий меросни ўрганиш тарихига доир" қисми.
[2] Маҳмуд В. Турк шоири Ажзий // "Инқилоб", 1924, 11-12 сонлар.

“ўзбек ёш шоирларининг бобоси” деб баҳо беради. Шу мулоҳаза муносабати билан икки адабиётчи ўртасидаги мунозара мавзуи адабиёти тарихи, ўзбек тилининг хусусиятлари, ўзбекларнинг келиб чиқиши масаласи устига кўчади.

Таассуфки, бахтга қарши, улар орасидаги тортишув анча давом этди, авжига чиқди. Мавзудан мавзуга *кўчди.* Бундаги “бахтга қарши” таъбирини кўпроқ А.Саъдийга тааллуқлидир. Чунки В.Маҳмуд - унинг “Адабий-тарихий саводсизликка қарши” баҳс мақоласига жавобан “илмга қарши қилинғон жиноят ва ўғирликлари”ни очиб беришга бел боғлайди. А.Саъдийнинг “Шажараи турк” тили муносабати билан айтилган фикрлари 1906 йили Соблуков томонидан нашрга тайёрланиб, Қозон матбаасида чиқарилган асар нусхаси сўзбошисидан олинган муваффақиятсиз таржима эканини русча матн билан солиштириб исботлаб беради. Ўзининг ўзбек классик адабиёти ўтмишда “чиғатой адабиёти” термини билан юритилганлиги устидаги фикри эса Бартольд, Самайлович сингари мусташриқлар, Фуод Куприлизода, Закий Валидий каби турк дунёсининг энг йирик олимлари мулоҳазаларига мос келишини айтади.

А.Саъдийнинг “илм ва адабиёт дунёсида” қилган шу иши жиноятми, ўғриликми, хиёнатми - нималигини вақти келиб илм аҳли баҳолаши мумкин. В.Маҳмуднинг ўзи эса уни содда қилиб, киноя билан “А.Саъдийнинг саводи” деб атайди[1]. “Бахтга қарши” таъбирининг иккинчи сабаби, 20-йиллар адабий жараёнида, домий савияси қандай бўлишидан қатъи назар, анча-мунча мақолалари билан танилиб қолган А.Саъдий баҳс пайтида ўзининг мумтоз адабий асарларни тушунишида қийналишини, айниқса, Алишер Навоийни баҳолашда бехосдан ноўрин иборалар қўллаб, “саводи”ни билдириб қўяди.

Ўрни келганда айтиш керакки, гарчи А.Саъдий адабиётимиз тарихида адабиётшунослик ва адабий танқид соҳасида маълум хизматлар қилган, 1949 йили Алишер Навоий ижоди тўғрисида Ўзбекистонда биринчи бўлиб докторлик диссертацияси ёқлаган бўлса-да, *унинг* улуғ ўзбек шоирига нисбатан 20-йиллардаги қарашларига қўшилиб бўлмайди[2]. Буни В.Маҳмуд томонидан Алишер Навоийга берилган баҳога қарши бўлғуси профессорнинг ўша пайтларда ёзган қўйидаги гаплари ҳам аниқ кўрсатади: “Навоий каби сарой шоирларининг услублари “асримиз завқига” ҳам, эҳтиёжига ҳам тамомила яроқсиздир, Вадуд Маҳмуд ўртоқ; Навоийни “ўзбек шоирларининг бобоси” дейдир.

Ҳам насли-уруғи, ҳам тили жиҳатидан қатъиян *ўзбек* бўлмағон, балки чиғатой ёки уйғур бўлган Навоийни ўзбек ва ҳатто, “ўзбек шоирларининг бобоси” деб чиқмоқ жасоратдир. Шунинг билан бирга мунинг яна, ҳақиқатда, адабий-тарихий бир саводсизлик натижаси эканлиги адабий-тарихий саводи бўлғон одамлар қаршисида очиқ бир нарсадир”[3]. Бошқа бир ўринда инкор ва нотўғри талқинлар оҳанги янада зўраяди: “Эронлилар ўртасида Ҳиротда ҳукм сурган чиғатой хонларининг сарой шоири бўлган Навоийнинг бутун мавзуи, бутун сурати эронлик ва эрон классик шоирларининг эскирган мавзулари эди. (Фарҳод-Ширин, Лайли-Мажнун, Искандари Кабир, яъни Зулқарнайн каби).

Шунинг устига яна Навоий, иккинчи ёқдан форс доҳий шоири Мавлоно Жомийнинг шогирдларидан бўлган бир форс шоири эди (Форсийда тахаллуси Фонийдир). Шунинг учундирким, Навоийни Европа ва рус мусташриқлари (Кримский каби) форс адабиёти тарихи-

---

[1] Маҳмуд В. А. Саъдийнинг саводи. // “Зарафшон” газетаси, 1924, 11-июнь.

[2] Абдураҳмон Саъдий қарашларидаги айрим камчиликларни проф.А.Ҳайитметов ҳам ўзининг “*Алишер* Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” (1959 й. Т., 9-бет) номли китобида айтиб ўтади.

[3] Саъдий А. Адабий-тарихий саводсизликка қарши. // “Зарафшон” газети,1924 йил, 148-150-сонлар.

да форс адабиётига ва унинг тараққиётига катта хизмат кўргазгувчи катта омиллардан санайдурлар.

Навоий эски эрон адабиёти йўлидан чиқиб, ҳеч бўлмаса ўзи мансуб бўлғон сарой аҳлларининг (хусусан Ҳусайн Байқаро кабиларнинг) воқеа ва турмушларидан олиб ҳам бир нарса ёза олмайди. "Туркий тил ва уйғур луғати"нинг қаҳрамони бўлиб майдонга отилган бу талантли шоир туркий тилни ҳар томондан, ўзи ҳам сезмасдан форсийга қул этиб, Хўжа Аҳмад Яссавийдек "форсий тилни билибон хўб айтадур туркийни" бўлиб чиқа олмади"[1]. Тўғриси, А.Саъдийдаги "Навоий форс шоири" деган нотўғри тушунчаси бевосита мутолаа туфайли эмас, балки Европа олимларининг таъсиридаги европача қараш эди. Шундай жаҳл устидаги чиранишлар билан бирга А.Саъдий "ёшларга ортиқ навоийпараст бўлмоқликнинг ҳозирги вақтда энди фойдали бир натижа бермаслиги"дан маслаҳат ҳам беради.

В.Маҳмуд бир оз кейинроқ ёзган "Илмий-адабий вазифалар қаршисида" номли мақоласида Алишер Навоийга бўлган самимий муносабатни шундай баён этади: "Навоий турк адабиётининг отасидур.

Навоий адабиёт дунёсида жуда катта хизматлар қилғон бир кишидур.

Навоий турк тилининг отасидур.

Навоий буюк адиб, буюк шоир, буюк доҳийдур. Фақат қани уни биз таниймизми? Унинг хизматларини биламизми? Унинг ким эканидан хабаримиз борми? Ҳалигача унинг таржимаи ҳолини босмадик. Бир расмини чиқарган бўлсак ҳам аслига унча мувофиқ эмасдур"[2]. Бу ўзига хос тарзда А.Саъдийнинг қуруқ ва асоссиз даъволарига қарши жавоб ҳам эди. Иккинчидан, унинг Алишер Навоийга берган баҳолари ҳозирги тавсифларидан катта фарқ қилмайди.

1924 йили ёзган "Навоий учун" сарлавҳали мақоласида: "Навоийни танимаган бир ўзбек бўлмаса керак Эскиларимиз ва эски мактабларимиз ғазаллари билан, янгиларимиз ва янги мактабларимиз суратлари ва шахсиятлари билан танишдирлар...

Навоий турк тилини тиргизган ва чиғатой адабиёти деган бир адабий мактабнинг бу кунгача яшамоғи сабаб бўлган бир кишидир. Шунинг учун уни танимоқ, уни тақдир этмоқ бутун турклар учун бир вазифадир"[3], деган фикрларни билдиради.

Вадуд Маҳмуд бу соҳадаги изланишларини давом эттириб, 1925 йили "Алишер Навоий" номли махсус биографик характердаги мақола ёзади. 20-йиллар навоийшунослигида бу мақола жуда муҳим ўринни эгаллайди. "Маориф ва ўқитғучи" журналининг 3-сонида босилган мақола "Муҳити", "Таржимаи ҳоли ва тарбияси", "Мутасаввуфлиги", "Илмий, адабий шахсияти", "Навоий бир мужиддир" каби асосий бўлимлар ва кичкина "Илова"дан иборат. "Илова"да мақола журналнинг Навоий юбилейига иштироки учун ёзилгани, "бунда кўп ҳоллар ва воқеалар қисқа, баъзан ҳатто бир сатрда" ўтилгани айтилади.

Мақоладаги таржимаи ҳолга алоқадор, туғилган ва вафот этган йили, 6 ёшида оилалари билан Ҳиротдан Машҳадга кўчгани, Султон Ҳусайн Байқаро билан бирга улғайиб, бирга ўқигани, саройда турли мавқедаги вазифаларда хизмат қилгани, сарой хизматидан безиб ҳар вақт олиму уламолар, шоиру фузалолар, шайху руҳонийлар даврасига талпиниши, ижоди жуда эрта бошланиб, Лутфий унга илтифот кўрсатгани, ўз замонасининг санъат аҳлига қаттиқ эътибор қаратгани ва бошқа ўнлаб маълумотлар шоирнинг

[1] Саъдий А. Адабий-тарихий саводсизликка қарши. // "Зарафшон" газетаси, 1924 йил, 148-150-сонлар.
[2] Маҳмуд В. Илмий-адабий вазифалар қаришсида. // "Зарафшон" газетаси, 1924 йил, 21 июнь.
[3] Маҳмуд В. Навоий учун. // "Ер юзи", 1925, 3-сон.

ҳозирги биографиясининг дебочаси эканидан далолат беради. Муаллиф Алишер Навоийнинг мусиқага майли борлиги, рассомлик қилгани, илм соҳибларига топшириқлар бериб, ёрдам кўрсатгани хусусида ҳам бир-икки жумла айтиб ўтади; шоир асарларини санайди, бу даҳо шоир ҳақида кўплаб тарихий асарларда хабарлар борлигини билдиради. Бу маълумотлар бугунги кун олими ва китобхони учун арзимасдек кўриниши мумкин, аммо "Навоий ким эди?" саволи кўндаланг турган 20-йиллар шароити учун ниҳоятда муҳим эди. Албатта, миллат фахри бўлмиш даҳо шоирга тегишли ҳар бир сана ва шахсни аниқлаш учун В.Маҳмуд ўнлаб қўлёзма манбаларни кўриб чиққани, ичидаги эзгу ниятлари унга тинчлик бермагани аниқ. Мақола Алишер Навоийнинг муҳити, уни юзага келтирган шарт-шароит юзасидан ҳам маълум даражада тасаввур беради: "Ҳижрий 5 - аср ила 10 - аср орасидагн беш юз йиллик давр - бу давр Хуросон ва Мовароуннаҳрда ислом маданиятининг гуллаган мавсуми эди. Бешинчи аср(лар) арабнинг янги руҳий ортиши билан Эроннинг ер юзида мумтоз мавқе тутғон даврдир. У вақтлар рубъи маскуннинг энг файзли қитъаси ва маълум дунёнинг оғизларда достон бўлатурғон қисми Ироқ ва Хуросон эди. Ўрта Осиёнинг янги тарихида энг бой ва шавкатли давлатлар шу даврнинг маҳсулидирлар.

Мамлакат обод, халқ эсонлик ичида эди. Чунки рубъи маскуннинг бойлиги шу ўртага йиғилғон эди...

Мана шу замонларда эдиким, ислом маданиятининг етиштирган ҳаким ва адиблари дунёда ягоналик туғини кўтарган эдилар.

Ҳаким Санойи, Мавлоно Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Абу Али ибн Сино, Форобий, Хайём каби энг буюк ва машҳур кишилар шу асрнинг етиштирган кишиларидандир. Бу ўрта аср маданиятининг иккинчи бир варағи бўлган 8-9-10-аср турк даҳосининг асрий маданияти ўзлаштирилиб очилғон ва юксалган бир давридир...

У даврда Темур, Йилдирим, Бобир каби буюк қўмондонлар, Аҳмад Яссавий, Навоий, Султон Ҳусайн, Фузулий каби шоирлар, Улуғбек Қушчи каби ҳайъатшунос ҳакимлар етишдилар"[1].

Навоийгача бўлган даврларда араб ва форс маданияти гуллаб яшнади. Кўпгина турк олимлари ўз асарларини ўша тилларда ёзишди. Шеърият оламида форс тилининг бағоят гўзаллиги ва нозиклиги тан олинар эди. Туркигўй шоирлар ҳам форсийда бирор асар битиш иштиёқида бўлар эди, Навоийнинг "Девони Фоний" мажмуаси ўша анъаналар ва иштиёқмандлик ҳосиласидир. Аммо унинг хизмати Вадуд Маҳмуднинг фикрича бундай: "Навонйнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввуфлиги, на шоирлиги, на тарих ёзғонидир. Унинг мумтозлиги шундай қайноғон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсларнинг марказида турклар муассасаларини қуришидир (Бу фикрлар В.Маҳмуд мақоласини нашрга тайёрлаб, изоҳлар ёзган Ҳ.Болтабоевнинг шарҳ беришича Ф.Куприлизода ва И.Ҳикмат асарларида ҳам учрайди - Б.К.). Навоийнинг форсга ва форс маданиятига бир душманлиги йўқдир, у тўғридан-тўғри миллатни ва туркликни севатурган бир шахсдир"[2].

Бугунга келиб классик адабиётни тасаввуф фалсафасидан айрича талқин этиш мумкин эмаслиги маълум бўлиб қолди. Шунингдек Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонидаги рамзий ифодани, қушлар-соликларнинг тариқат босқичида еттита такомил мақомини босиб

[1] Маҳмуд В. Алишер Навоий. // "Маориф ва ўқитғучи" журнали, 1925 йил, 3-сон. Мақола "Ёшлик" журналининг 1991 йил 5-сонида қайта босилган. Ношир ва изоҳлар муаллифи – Ҳ.Болтабоев.
[2] Маҳмуд В. Алишер Навоий. // "Маориф ва ўқитувчи", 1925, 3-сон.

ўтишларини, айрим ғазалларидаги “ҳақиқий ишқ” оҳангларини ҳис этиш учун инсоннинг аҳлоқий-руҳий юксалишини ўз моҳиятига сингдирган, яқин тарихда “реакцион” саналаган сўфийлик таълимотидан бохабар бўлмоқ лозим. Умуман олганда, бу улуғ шоир юксак фазилатли комил инсоннинг маънавий-руҳий оламидан сўз очар экан, демак ижодининг борлиғини тасаввуф ва ислом фалсафасисиз тасаввур этиш мутлақо мумкин эмас.

В.Маҳмуд Навоийнинг асри ва дунёқарашининг таъсирланув омиллари ҳақида шундай ёзади: “У асрда (Навоий замонаси назарда тутилади - Б.К) мутасаввуфлар энг буюк ўрун тутар эдилар. Алишер Самарқандда турғон муддатда хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абулайсдан, Мавлоно Жомийдан ва бошқа у ерда ниҳоят даражада кўп бўлган мутасаввуф олимлардан таъсирланади...

Мана шу муҳит ва шу тарбияда яшағон ва ўсган Алишер табиий ўлароқ тасаввуф манзумаи фикриясига берилади. Энг кўб тарқалғон ва энг кучли намояндалари бўлғон бир фалсафа тасаввуф эди.

Навоий тасаввуфнинг руҳониятчилигига шунча берилган эдиким, ҳар асарининг ҳар ерида бунинг таъсири кўриладур”[1].

Вадуд Маҳмуд “Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз” мақоласида Алишер Навоийни “Лисон ут-тайр” достони воситасида мутасаввуф шоирлар қаторида санаб ўтган эди. Эътибор берилса, юқоридаги кўчирмада ҳам Навоий асарларининг ҳаммасини “тасаввуф манзумаи фикрияси” доирасига киритиб юбормайди, балки шоир асарларининг “ҳар ерида бунинг (тасаввуфнинг - Б.К.) таъсири” борлигини таъкидлайди.

Мақоладаги маълумотларга кўра, Алишер Навоий замонасининг энг буюк сўфийларидаи бири Сайид Аҳмад Ардашернинг доимий энг яқин суҳбатдоши бўлган, у кишини эслаганда “бутун умрида бу зот каби мукаммал бир шахсиятга учрамагани”ни айтар экан. Навоий Мавлоно Жомий билан жуда яқин ижодий мулоқотда, сўфийлик масаласида устоз-шогирд мақомида бўлган. “Мавлоно Жомий воситасида нақшбандияга интисоб этди. Бу манзумаи фикрия таъсири билан Навоий 38 ёшда, 881 ҳижрийда касб-камолга машғул бўлди”[2].

Вадуд Маҳмуднинг мазкур эътиборга лойиқ мақоласини ҳамда юбилей ўтказишдаги ташкилотчилик хизматларини назарда тутган академик Ботир Валихўжаев “Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари” мақоласида қониқиш ҳисси билан қуйидагиларни ёзади: “XX аср бошларидан ҳозирги кунга қадар Навоий ҳаёти ва ижоди Самарқанд олим ва шоирлари диққат марказида бўлди. Бу жиҳатдан 20-йилларда Навоий туғилганига ҳижрий ҳисоб билан 500 йил тўлиши муносабати билан олиб борилган тайёргарлик ишлари, бу соҳада Вадуд Маҳмудийнинг фаолияти эслашга арзигуликдир”[3]. Хуллас, Вадуд Маҳмуд Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига назар ташлар экан, унинг муҳити ва дунёқарашида устуворлик қилувчи фалсафий мезонларни эътибордан қочиргани йўқ. Айниқса тасаввуф ва ислом фалсафасини ўз таҳлилларига олиб кирди, классик адабиёт намояндаларининг асарларига татбиқ қилди. Адабётшуноснинг бу фалсафий асослари классик адабиётга ёндашувидаги ўзига хос илмий принципларини белгилайди.

Бу мулоҳазалар - Вадуд Маҳмуд ва тасаввуф жуфтлиги кимгадир эриш туюлиши мумкин. Аслида мунаққиднинг ўз илми ёндашувларида тасаввуфона талқинларни илгари сургани, айнан шундай қарашлари учун рўшнолик кўрмагани мавжуд ҳақиқатдир. Айтмоқчи, Ва-

[1] Ўша китоб.
[2] Маҳмуд В. Алишер Навоий // “Маориф ва ўқитғучи” журнали, 1925, 3-сон.
[3] Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари // “Мулоқот” журнали, 1991, 2-сон.

дуд Маҳмуднинг кимгадир “ортиқча шарқлик қилувчи” ёки “турк мунаққидларининг асосини ушлаб дарвешлик этувчи” бўлиб кўринишининг сабаби ҳам шунда.

Фикри ожизимизча, 20-йиллар адабий муҳитида адабий меросга муносабат масаласида В.Маҳмуд мумтоз адабиёт дурдоналарини ўзига хос тушуниб, таҳлил этиши билан (гарчанд булар кейинчалик мунаққидга лаънат тамғаси тарзида босилган бўлса ҳам), сўфиёна истилоҳларни яхши билгувчи адабиёт илмининг билимдони қиёфасида танилган кўринади. Шу боис А.Саъдий ораларидаги баҳсда “бу идеалист” танқидчи, “бу ўртоқ қачондан бери ўзининг материалистлиги билан мақтанадиган бўлди” деб ҳайратланган эди.

Яна бир далил. “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасини тузувчилар идеализм тарафга оғиб кетганлигини исботлаш мақсадида Ж.Бойбўлатов ундаги баъзи бир байтларни олиб қўйидагича шарҳлайди:

“Ашрақат мин акси шамсул каъсу анварул худо,
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо”.

(Навоий)

Бу бизнинг тилда: Кўнгилга қуёш аксидан (худо таоло тарафидан) ҳидоят нурлари (ваҳий) келди. Худо аксини эътиқодингда кўр. (Худонинг бор ва бирлигига инон) деб пайғамбардан “нидо” келди, деган сўз бўлади.

“Ғайр нақшидин кўнгил жойида бўлса занги ғам,
Йўқтур эй соқий, май ва ваҳдат мисллик ғамзода”

(Навоий).

Бизнинг тилда: Дунёвий ишларга берилиб, кўнгил қораланса, эй соқий, эй пир, уни оқартмоқ учун худога тоат ва ибодатдан бошқа нарса йўқдир, деган сўз бўлади...

“Ошиқ аҳли топти бори васл ила чора,
Бечора Навоий ғами ҳижронга йўлуқти”.

(Навоий).

Бизнингча: Шерозий, Жомий, Румий кабилар худонинг даргоҳига эришдилар. Аммо Ҳусайн Бойқаронинг министри Навоий бу қисматдан маҳрум қолди”, деган сўз бўлади[1].

Фитрат “Ёпишмаган гажжаклар” (Ўртоқ Бойбўлатовга очиқ хат)ида юқорида келтирилган фикрларга қарата: “Навоийдан олган байтларни таржима қилишингиз бир оз “в а д у д о н а” бўлган, кўб тўғри эмас”[2], деб ёзади. Кўринадики, Фитрат байтларнинг “таржимаси” - изоҳи “тасаввуфона”, “идеалистларча”, “зоҳидона” ёки “сўфийларча” эмас, балки айнан “вадудона” бўлганини айтади. Ж.Бойбўлатов мақоласида келтирилган биринчи кўчирмада инкор ва яроқсизликни исботлаш кайфияти кучли бўлса, Фитрат ифодасида мумтоз адабиётнинг асл фалсафий моҳиятидан бир оз четлашиш сезилади. Гарчи Фитрат классик шеърият замиридага асл ҳақиқатни ботинан ҳис этиб турса-да, ўзлари тузган “Ўзбек ада-

[1] Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1929, 1-май.
[2] Фитрат. Ёпишмаган гажжаклар // “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 1929 йил, 15-16 сентябрь. Мақола “Ёшлик” журналида 1990 йил 5-сонида қайта босилган.

биёти намуналари” китобини ҳимоя қилиш ва материалистча талқинларга кўникиб бораётганини эслатиш учун байтлар таҳлили “бир оз вадудона бўлгани”ни ва “кўб тўғри эмас”лигини айтишга мажбур бўлади...

Алишер Навоий биринчи шеърини ёзган паллада бошланган навоийшунослик узун асрий тарихга эга ва у бугунгача тўхтамасдан давом этиб келмоқда. Турлича ёндашувлар, баҳс-мунозаралар, талқин ва таҳлиллар тарихи – бунинг ўзи бир дунё адабий манба. Олимлар Алишер Навоий ижоди моҳиятига мос, айнан шоир назарда тутган фалсафий мазмунни қайта кашф этишга ҳаракат қилишади. Шундай кашшофлар қаторидан XX асрнинг 20-йиллари навоийшунослиги учун ўзига яраша “вадудона” хизматлар қилган Вадуд Маҳмуд ҳам ўрин олса ажаб эмас.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ҚУШ НОМЛАРИ

Бахтиёр АБДУШУКУРОВ

Табиатда мавжуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, яъни фауна ва флораси ранг-баранг ва хилма-хилдир. Бу ранг-баранглик тилда ҳам маълум даражада ўз аксини топган. Шуни айтиш керакки, азалдан туркий халқлар учун чорвачилик ҳаёт кечиришнинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган. Чорвачиликнинг катта ҳаётий аҳамияти ва уни юритиш шакли бой терминологиянинг ривожланишига сабаб бўлган.

Қушлар қадимда инсоннинг хўжалик, маданий ва маънавий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Баъзи турлари, асосан, овланадиган ёки овчиликка оид бўлиб, уларнинг гўшти ва патидан фойдаланилгган. Қушларнинг айримлари ҳайвонларни тутиш мақсадида овга ўргатилган. Яна бир турлари эса манзара бериш ҳамда кўнгил очиш учун хизмат қилган.

Қушлар қаерда озиқланиш учун яроқли ўсимлик ва ҳайвонлар бўлса, ўша ерда: ўрмон, боғлар, ўтлоқ, ботқоқликлар, сувлар, даштлар, тундра ва чўлларда яшайди. Шаҳар ва қишлоқларнинг маданий ландшафтлари - парклар, боғлар, шунингдек, ўтлоқ ва далаларда барчага энг яхши таниш бўлган қушлар яшайди. Ана шундай қушлардан бири ҳисобланмиш “чумчуқ” маъносидаги čарčuq (Жамолиддин Туркий,16б3) терминининг Алишер Навоий асарларида čubčuq//čupčuq, čumčuq фонетик вариантлари қўлланган: *Nečä bolsa čubčuqqa jādu laqab*...(Навоий,III,481-482). “Девон”да čunčurğa (МЛТҚО,146)// čančurğa (МК,III,260) тарзида қайд этилган. “Таржумон” (10-7) ҳамда XIV аср Хоразм ёдгорликларида čïbčuq шакли қўлланишда бўлган: *munča yïldïn berü bu čïbčuqlar*...(НФ,123б12). Абу Ҳайёнда čïbčuq, čarčuq (41) фонетик шакллари қўлланилади. Қозоқ тилида čïrčïq (РСЛ,III,2098) шакли ишлатилган. С.Муталлибовнинг ёзишича, čunčurğa сўзи бизгача čumčuq ҳолида етиб келган (МЛТҚО,14б) Д.Бозорованинг таъкидича, зооним čup: “чуп-чуп” – “қуш чуғурлашига тақлид” сўзи билан - čuq ясовчи аффиксидан ясалган, čančurğa эса ča (қиёсланг: ўзб. диал. čä-čäk “чумчуқ”) товушга тақлидий сўзидан ҳосил қилинган (ИФРЗТ,41).

Qarğa (МК,I,401; Таржумон,10-8; Абу Ҳайён,70; Ат-туҳфа,26а3; Жамолиддин Туркий-,16б2; НФ,170а13; ХШ,90а2; ҚР,16ч80; РСЛ,II,191) орнитоними “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида қўлланган: *Va qātil qarğa erni tïrnab va minqārï birla qazïb, maqtulnï dafn qïldï* (Навоий, IV,37). Бу зооним илк марта “Олтун ёруғ” ёдгорлигида келган: *qaltï bir ök bu yïrtïnču tä qarğalï ügili ikägü qayu tüzülüp bir uyalï bolsalar* – бу дунёда қачонлардир вақти келиб, қарға, уккилар уюшади ва бир уяга эга бўлишади (ДТС, 426). Термин бугунги кунда ҳам ўзининг асл маъносида қўлланишда давом этмоқда (ЎТИЛ,II,558). Д.Бозорованинг фикрига кўра, **qarğa** термини “**qar**” товушга тақлид сўзи ҳамда -ğa аффиксидан ёки “**qarq**” товушга тақлид ўзаги ва -а қўшимчасидан ясалган (ИФРЗТ,34). Алишер Навоий асарларида зоонимнинг форс-тожикча **zāğ** синоними ҳам кузатилади: *bir qafasda turfadur, vah-vah körüŋ tutïb zāğ* (Навоий, I,647). Мазкур ўзлашма “Сабъаи сайёр” достонида кўчма маънода “қаролик, қоронғилик” ни ифодалаган: *Qupub ačtï qanat tun zāğï* (Навоий, I,647).

“Сабъаи сайёр” асарида қарғасимонлар оиласига мансуб, ўлимтик хўр қуш маъносидаги **quzğun** (МК,I,412; Тафсир,90б13; ҚР,33ч11; Навоий, IV,75) зооними илк бор Ўрхун-Эна-

сой ёдгорликларида қайд этилади: *quzğunuğ ïğačqa bağlamïš* - қузғунни дарахтга боғламоқ (ДТС,451). Термин ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам ўзининг асл маъносида сақланиб қолган (ЎТИЛ,II,613). Қадимги туркий тил луғатида терминнинг **qusqun** шакли ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтилган (ДТС,470). Д.Бозорованинг фикрича, **qusqun** (асли **qusqus**) такрорланувчи товушга тақлид ўзагидан ясалган. Иккинчи қисм фонетик ўзгаришга учраган (ИФРЗТ,21). XIV асрга оид туркий манбаларда форс-тожикча **zāğ** (ХШ,52а11), арабча ğurab (Г,110а13), эски ўзбек тилидаги ёдномалар, хусусан, Навоий асарларида форс-тожикча **zağan** маънодошлари ҳам қўлланишда бўлган: *...bu gule, bilmäs zağan fiğanïnï bulbul navāsïdïn* (Навоий, I,628).

XIV аср Хоразм манбаларида форс-тожикча **kabutar** ўзлашмаси қўлланган: *Mavlā taālā ikki kabutarnï ğar ešigidä yumurtqalïlar* (ҚР,220ч19). Термин "Маҳбубул қулуб" асарида ўзининг туб маъносида ишлатилган: Ābādlar anïŋ zulmidin vayrāna, kabutar taqčalarï bayqušğa āšyāna (Навоий, I,87). Ҳозирда ўзбек адабий тилида ўзлашманинг кабутар (ЎТИЛ,I,357), каптар (ЎТИЛ,I,368) фонетик шакллари қўлланилади. Тадқиқ қилинаётган маъно Алишер Навоий асарларида арабча **hamāma** ўзлашмаси орқали ҳам ифодаланган: *qïldïlar ikki hamāmanï qut* (Навоий, IV,153).

Араб тилидан кириб келган **bulbul** (Навоий, I,331; ЎТИЛ,I,148) ўзлашмаси XIV аср Хоразм обидаларида ўзининг асл маъносида учрайди: *ağačlar ustunda bulbullär nāla ...qïlurlar* (Г,63б1). Қрим тилида **bilbil** (РСЛ,IV,1772), қуман, усмонли турк, қирғиз тилларида **bulbul** (РСЛ,IV,1896) фонетик шакллари қўлланилганини Радлов луғатидан билиб олиш мумкин. Алишер Навоий асарларида арабча **andalib** (Навоий, I,94), форс-тожикча **hazārdāstān** ва унинг қисқарган шакли **hazār** (Навоий, IV,137) маънодошлари ҳам ишлатилган: *Gulbāŋ etmäs hazārdāstān* (Навоий, IV,137).

"Хазойин ул-маоний" асарида ишлатилган **qïrğavul** (*Qïrğavul qarda yašunğan kabidur ayblarïŋ* (Навоий, IV,55) зооними дастлаб "Қисаси Рабғузий" асарида келтирилган: *Qïrğavulnï Havvāğa berdi* (ҚР,14Iv18). Ҳозирги ўзбек адабий тилида қирғовул (ЎТИЛ,II,382) шакли учрайди. Радлов луғатида усмоний турк тилида **qïrqavul** (РСЛ,II,747), чиғатой тилида **qïrğavul** (РСЛ,II,750) фонетик шакллари истеъмолда бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Д.Бозорованинг тахминича, зооним этимологик жиҳатдан "**Q.....RQ**" товушга тақлид асосига алоқадор (ИФРЗТ,349). Кези келганда айтиш жоизки, Алишер Навоий асарларида арабча **durrāj** ҳамда форс-тожикча **tazarv** синонимлари ҳам ишлатилган:

Tazarvu xiramānda durrāj ham,

Qïlïb huš naqdïnï tarāj ham (Навоий, I,518). Кейинги эикр этилган зооним даставвал Хоразмийнинг "Муҳаббатнома" асарида истифода этилган: *eniŋ qan birläyür, čimgän tazarvï* (Мн,302б4).

"Маҳбубул қулуб" асарида чумчуқсимонлар туркумига мансуб сайроқи қуш **torğay** деб юритилган: *...torğayğa andïn ništağa hamdastlïq* (Навоий, III,270). Бу орнитоним илк бор қорахонийлар даврида яратилган манбаларда **torïğa** (МК,III,189) шаклида келган. Жамолиддин Туркийнинг "Китоб булғат" асарида **dorğay** (16аб) шакли кузатилади. Радлов луғатида чиғатой, қирғиз, қуман тилларида **torğay** (РСЛ,III,1184), усмоний турк, чиғатой тилларида **toyğar** (РСЛ,III,1142) шакллари қўлланилганлиги қайд этилган. Д.Бозорованинг фаразича, термин "**T....R**" товушга тақлид ўзагидан ясалган (ИФРЗТ,43) Алишер Навоий асарларида форс-тожикча čakāvak синоними ҳам учрайди: *Barïn sayradï andāqkim čakāvak* (Навоий, III,418).

Алишер Навоий асарлари лексикасида **saqïzğan** орнитоними кўзга ташланади: *Kāfur ilä muškdan saqïzğan* (Навоий, III,109). Ушбу термин "Девон"да **sağïzğan**, **sağzïğan** (ДТС,481) фонетик шаклларда ифодаланган:

Quš yavuzï sağïzğan

Yïğač yavuzï azğan – қушнинг ёвузи зағизғон, дарахтнинг энг ярамаси дарахти (МК,I,411). "Ат-туҳфа" ва "Китоби булғот" рисолаларида **sağsağan** (Ат-туҳфа,4010, Жамолиддин Туркий,16а2), Абу Хайёнда **sağasğan**, туркманча **saqasğan** (53) шакллари учрайди. "Таржумон" обидасида **sağïzğan** (10-19) шаклини кузатиш мумкин. Радловнинг ёзишича, чиғатой тилида **saqïzğan** (РСЛ,IV,269), шўр, лебедин, чульм тилларида **sağïsqan** (РСЛ,IV,269) шакллари қўлланишда бўлган. Д.Бозорованинг фикрича, зооним асосида "**saq-saq// sağ-sağ**" – "қуш чиррилашига тақлид" ётади. -an от ясовчи аффикс (ИФРЗТ,37). "Ат-туҳфа" асарида ишлатилган ïtlaqaz (4а9) маънодоши ïtla= "хўрламоқ, камситмоқ" ҳамда **qaz** "ғоз" сўзларининг қўшилишидан ясалган.

Кўпгина қушларнинг ҳаёти сув ҳавзалари билан боғлиқ равишда кечади. Чунки, бу ерда улар озиқ топади. Ана шундай қушлардан бирининг номини англатувчи **qaz** (МК,I,255: Ат-туҳфа,4а11: Таржумон,10-6; Абу Ҳайён,71; Жамолиддин Туркий,16б3; Навоий,IV,61) термини дастлаб "Олтун ёруғ" ёдгорлигида келган: *ud qoyïn qaz ödirāk tağïqu* - сигир, қўй, ғоз, ўрдак, товуқ (ДТС,439). XIV аср Хоразм обидаларида **qaz**, **qas** (НФ,185а1) шакллари келтирилган: *qïlïban qurbān ördāk tavuq qaz* (ХШ,28б3). Крим, татар, қумон, таранчин, қирғиз тилларида **qaz** (РСЛ,II,360), олтой, телеут, шўр, суғай качин тилларида **qas** (РСЛ,II,346), таранчин тилида ğaz (РСЛ,II,1540) фонетик шакллари истеъмолда бўлганлигини Радлов луғатидан билиб оламиз. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида **qaq** (ДТС,422) термини ғоз турини билдирган. **Qaq** термини "**qaq-quq//qaz-quğ**" ғоз ғағиллашига тақлиддан ҳосил бўлган (ИФРЗТ,24).

Ördāk (МК,I,128; Таржумон,11-12; Абу Ҳайён,10; ХШ,28б3; ҚР,24ч1) термини илк бор "Олтун ёруғ" ёдгорлигида ödirāk тарзида келтирилган: *ud qoyïn qaz ödirāk* - сигир, қўй, ғоз, ўрдак (ДТС,377). "Ат-туҳфа"да ördä (7ам), ördāk (7а3), "Китоб булғат" асарида **yördāk** (16б5) шакллари ифодаланган. Алишер Навоий асарларида ördāk шакли учрайди: *saldïlar goyā gäjāk ul* čašmanïŋ ördākläri (Навоий, III,611). Радлов луғатида қрим татар, усмонли турк, озарбайжон, таранчин тилларида ördāk (РСЛ,I,1337), шўр тилида ürdāk (РСЛ,I,1842) фонетик шакллари ишлатилганлиги ҳақида маълумот бор. Э.Севортяннинг фикрича, термин феълдан от ясовчи **daq-dāk** аффикси билан "шўнғимоқ, чўммоқ" маъносидаги ör=феълидан ясалган (ЭСС,I,548).

Тумшуғи остида халтаси бор йирик сув қуши маъносини билдирувчи **qutan** (Ат-туҳфа,7а4) термини "Садди Искандарий" достонида **qotan** шаклида учрайди: *Qotanïŋ uluğ quš ara sanï bar,*

Vale sunğur alïnda ne jānï bar (Навоий,IV,92). Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўтон (ЎТИЛ,II,642) шакли қўлланилади. "Девону луғоти-турк"да **qotan** (МК,I,392) атоқли от маъносини берган. Зооним -**n** сўз ясовчи қўшимчасидан ясалган. Бироқ, унинг ўзак қисми маълум эмас, деган фикр мавжуд (ИФРЗТ,27).

Шундай қушлар борки, дашт ва чўллардаги ўсимликлар орасидан озиқланиб, ҳаёт кечиради. Бундай қушлар жумласига турна, туяқуш, тувалоқ, лайлак сингари қушлар киради. Туркий **turna** (Таржумон,10-5; Ат-туҳфа,30б1; Абу Ҳайён,63; Жамолиддин Туркий,15а9;

ҚР,147ч12) термини дастлаб эски туркий обидаларда қайд қилинган (МК,III,257) Бу зооним эски ўзбек тили, хусусан, Алишер Навоий асарларида ва ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам ўзининг туб маъносида учрайди: *Turna köziyü tazarv qanï* (Навоий, III,259). Шунингдек, бу сўзнинг янги сўз ҳосил қилиш учун асос вазифасини ўтаганини "Муҳокаматул луғатайн" асарида кўрамиз: *...andaqki, qazčï va quvčï va turnačï va kiyikči va tavušqančïki, sart lafzida yoqtur* (Навоий, III,259).

Ўрганилаётган маънони Ўрхун-Энасой ёдгорликларида **turuyaya quš** зооними англатган: *Turuyaya quš tüšäkinä qonmiš* - турна ўз жойига қонди (ДТС,588). Э.Севортяннинг таъкидлашича, қадимги уйғур тилидаги **turuyaya** бошланғич шакли бўлиб, қолган формалари эса ундан ҳосил бўлган: **>turuya/duruya; turuna>turna; turuya/duruya>durya; turuya>turna; -na, -ya** каби **-yaya** нинг натижасидир. Асос **tur**= "турмоқ" феъл ўзагидан олинган (ЭСС,II,302).

"Товуқ" маъносини ифодаловчи **toquq** Жамолиддин Туркий,(16а4) термини даставвал "Олту ёруғ" ёдномасида **taqïğu** шаклида қайд қилинган: *Ud qoyïn toŋuz qaz ödiräk taqïğu üküš* - сигир, қўй, тўнғиз, ғоз, ўрдак, товуқлар кўп (ДТС,536). Эски туркий ёдгорликларда **taqağu,** туркманча **taquq** (МК,II,330) шакллари учрайди. Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, дастлабки термин хўроз ва товуқнинг ҳар иккаласига тенг қўлланилиб, эркаги **erkäk taqağu**, урғочиси **tiši taqağu** деб фарқланади (МК,I,418) "Ўғузнома" ва "Китоб ул-идрок" асарларида **taquq** шакли ишлатилган: anuŋ bašïda bir kümüš taquq qoydï – унинг тепасига бир кумуш товуқ ўрнатди (ДТС,536). "Таржумон" обидасида **dağïq**, туркманча **daquq** (10-12) шаклларини кўриш мумкин. "Ат-туҳфа" (15а5) ҳамда XIV асрга оид туркий манбаларда **tavuq** шакли қўлланишда бўлган: *bir farišta bir tavuq suratlïq* (НФ,162а8). Алишер Навоий асарларида **tavuğ** шакли кўзга ташланади: Ču parvāriy tavuğnïŋ ağzï tïnmas to'madin garči (Навоий, III,238). Радлов луғатида чиғатой тилида **taquq** (РСЛ,III,789), олтой тилида **taqa** (РСЛ,III,779), телеут лебедин тилларида **taq** (РСЛ,III,778), татар тилида тавық (РСЛ,III,985), усмоний турк тилида тавуқ (РСЛ,III,986) сингари фонетик шакллари истеъмолда бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Зооним ҳозирги ўзбек адабий тилида **tavuq** (ЎТИЛ,II,198) ҳолида ишлатилади. Д.Бозорованинг тахминича, термин "**T....Q**" товушга тақлид ўзагидан **-(u)q** аффикси воситасида ясалган (ИФРЗТ,26). "Девон"да **taqağu** астропоними икки туркий мучал йилларидан учинчиси бўлган товуқ йилини англатган.

Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, қорахонийлар салтанати даврида "эркак товуқ" **taqağu** деб номланган: *taqağu urpardï* – хўроз урушишдан ҳўрпайади (МК,I,223). Форс-тожикчадан ўзлашган **xorus** (Таржумон,10-13; ҚР,141Iv1) зооними "Ат-туҳфа"да **xoraz** (15а4), "Китоб булғат"да **xoroz** (16а4), Қутбнинг "Хусрав ва Ширин" асарида **xoros** (ХШ,20а14) шаклларида келган. "Хазойинул маоний"да **xurus** шакли ифодаланган: *Tā subh xorusï uyğanïb urdï nafas* (Навоий, III,435). Қрим, усмоний турк тилларида **xoroz** (РСЛ,II,1703), барбин тилида **qoras** (РСЛ,II,552) фонетик шакллари қўлланган. Xoroz зооними нинг ўзлашиши натижасида икки термин ўртасида дифференция ҳодисаси содир бўлган. "Хусрав ва Ширин"да арабча **dik** ўзлашмаси ҳам "хўроз" маъносида қўлланилган: *izim nusrat bersä dik arslan bolur* (ХШ,116а11).

"Лисонут тайр" асарида форс-тожикча **simurğ** орнитоними қўлланган:

Kim qïlïb Simurğ otuz quš havas,

Ozlarïn kördilär ul si murğu bas (Навоий, III,238). Бу ўзлашма дастлаб X аср обидасида ҳисобланмиш “Олтун ёруғ” ёдгорлигида **sämürgük** шаклида қайд этилган: *Sämürgük atliğ qušğač* – семурғ отлиқ қушча (ДТС,435). “Девон”да зоонимнинг **sämürkük** шакли кўзга ташланади:

Buč-buč ötär sämürkük,

Bağzï üčün maŋlanur - ёқимли сайроғи билан кишини шодлантирадиган семурғ оч қолса, дон деб тузоққа илинади (МК,II,335)

Қадимги мифологияга кўра, Қоф тоғида яшовчи афсонавий қуш маъносидаги арабча **anqā** ўзлашмаси асосан XIV аср Хоразм ёдномаларида кўзга ташлана бошлайди: *Humaynï kötürüb anqātek učmïš* (ХШ, 29а17). Алишер Навоий асарларида зоонимнинг қўлланишда давом этганлигини кузатамиз: *Qaysi quš Qāfi anqāsï ul* (Навоий, I,104). Термин ҳозирги ўзбек тилида ҳам ўзининг туб маъносида ишлатилади (ЎТИЛ,I,49).

XIV асрга оид туркий манбаларда форс-тожикча **humay**, **huma** (Г,23а9) ўзлашмаси афсонавий давлат қуши маъносини англатган: *humaynï kötürüb anqātek učmïš* (ХШ,28а17) Алишер Навоий асарлари матнида орнитонимнинг **huma**, **humay** шаклларини ўз маъносида учратдик: Čun humayï himmati ačqay qanat (Навоий, IV,201). Қрим тилида **huma** (РСЛ,II,1807), усмонли турк тилида **hümä** (РСЛ,II,1812) шакллари ишлатилган.

Алишер Навоий асарларида шундай орнитонимлар борки, фақат форс-тожикча ўзлашмалар орқали берилган. Бироқ уларнинг туркий муқобиллари Навоийдан олдинги ва кейинги даврларда қўлланишда бўлган. Масалан, “Садди Искандарий” асарида туяқуш форс-тожикча šuturmurğ истилоҳи билан ифодаланган: ... šuturmurğ körmäkkä vādiy navard (Навоий, III,551). “Туяқуш” маъносидаги туркий **dävä quš** (Абу Ҳайён,118: Жамолиддин Туркий,12а4) илк бор Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида **täväй quš** тарзида учраган (МК,I,319). “Ат-туҳфа”да **dävä quš** (36а1) шакли истифода қилинган. Зооним Хоразм обидалари, шунингдек, эски ўзбек тилидаги асарларда қўлланилмаса-да, бизгача туяқуш (ЎТИЛ,II,240) ҳолида етиб келган. Термин **tavay** “туя” ҳамда “қуш” сўзларининг композицион усул билан бирикишидан ҳосил бўлган. “Девон”да **täväй quš** термин бирикмасининг **boz** синоними ҳам қўлланишда бўлган (МК,III,132)

Туб туркийча **sïğïrčuq** (Таржумон,1-10; Жамолиддин Туркий,16б5 – “чуғурчуқ”) термини Маҳмуд Кошғарий луғатида сығырчық (МК,I,460), сығырчуқ (МК,I,463) фонетик шаклларида қўлланган. “Ат-туҳфа”да **sïğïrčïq** (17бм), šïršïq (17б11) шакллари кўзга ташланади. Усмоний турк тилида čuğurjuq (РСЛ,III,2170), **sïğïrjïq** (РСЛ,IV,619) фонетик вариантлари қўлланишда бўлган. Зооним бизгача чуғурчуқ (ЎТИЛ,II,384) ҳолида етиб келган. Д.Бозорованинг ёзишича, зооним “čuğur” товушга тақлид асоси билан -čuq морфемасидан ҳосил бўлган (ИФРЗТ,26). Ўрганилаётган маъно Алишер Навоий асарларида форс-тожикча **sār** ўзлашмаси орқали очиб берилади: *Devünmü sāru bulbulkim*, *erür xob* (Навоий, III,105).

Туркий **käklik** (МК,I,44; ДТС,295; Абу Ҳайён,93; Ат-туҳфа,2б9; РСЛ,II,1083) термини уйғур ёзувидаги кўҳна обидаларда **käkälik** шаклида учраган: *yänä käkälikniŋ ötin alïp* - яна каклик ўтин олиб (ДТС,295). Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида каклик (ЎТИЛ,I,395) шакли фаол қўлланилади. Д.Бозорова термин этимологиясини товушга тақлид феъл асоси **käkälä**// **käkillä**= “сайрамоқ, куйламоқ” (какликка хос)га боғлайди. **Käk** зоонимидаги бош бўғин ҳисобланади (ИФРЗТ,22). Тадқиқ қилинаётган маъно Алишер Навоий асарларида форс-то-

жикча **kabk** ўзлашмаси ёрдамида ифодаланган: *...alarğa kabk va taranjin yağar erdi* (Навоий, II,86).

Таҳлиллардан кўринадики, замонавий туркий тиллар луғат таркибидан ўрин олган кўпгина қуш номлари, зоонимлар умумтуркий лексиканинг қадимий қатламларига бориб тақалади. Айтиш жоизки, форс-тожикча, арабча ўзлашмалар ҳам орнитонимлар тизимида ўзига хос тутган, синонимик қаторларни юзага келтирган. Бу нарса эса ўз навбатида Марказий Осиё ҳамда Кичик Осиёдаги туркий халқлар тилларида зоологик терминларнинг шаклланишига туртки бўлган. Бунга Алишер Навоий асарлари, XI-XIV аср туркий обидалар тилидаги зоонимларни таҳлил қилиш жараёнида яна бир карра ишонч ҳосил қилинди.

Шартли қисқартмалар

Абу Ҳайён – Расулова Н.А. Исследования языка “Китаб ал-идрак ли-лисан ал-атрак” Абу Хаййана, Морфология, лексика и глоссарий: Дисс, канд. Филол. наук.-Ташкент, 1969.

Ат-туҳфа – Изысканный дар тюркскому языку: Грамматический трактатт XIV в на арабском языке / Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, грамматический указатель. Э.И. Фазылова и М.Т. Зияевой. –Ташкент, 1978.

Г – Сайфи Сарайи. Гулистан бит-турки // Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. I-II-Ташкент: ФАН, 1966-1971.

ДТС – Древнетиюркский словарь. –Л.: Наука, 1969.

Жамолиддин Туркий – Файзуллаева Ш.А. Исследование языка памятника XIV в. “Китабу булғат ал-муштақ фи луғат ат –турк ва-л қифчақ” Джамалад – Дина ат-Турки: Дисс.канд. филол.наук. – Ташкент, 1969.

ИРЛТЯ – Историческое развитие лексики тюрских языков. – М.: Изд-во АН ССР, 1961.

ИФРЗТ – Базарова Д.Х.История формирования развитие зоологической терминологии узбекского языка. Ташкент: ФАН, 1978.

МЛТҚО – Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. – Тошкент: Ўз ФА, 1959.

МК – Маҳмуд Қошғарий, Девону луғотит-турк/Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. Т. I-III. – Тошкент: ФАН, 1960-1963.

Мн – Хорезми. Муҳаббат-наме//Фазылов Э.Страузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. I-II. –Ташкент: ФАН, 1966-1971.

Навоий – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати . I-IV. – Тошкент: ФАН, 1983-1985.

НФ – Нахджул – фарадис / / Фазылов Э.Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. I-I. –Ташкент: ФАН, 1966-1971.

ОСЛАЯ – очерки сравниттельной лексикологии алтайских языков. Л.: Наука, 1972.

РЛТЯ – Базарова Д.Х., Шварипова К.Л. Развитие лексики тюрских языков

РСЛ – Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. I-IV. –СПБ, 1893-1911.

СРЛЯ – Современный русский литературный язык - -Л.: Просвешение, 1988-670с.

Таржумон – “Таржумон” – XIV аср ёзма обидаси / нашрга тайёрловчи А. Юнусов. –Тошкент: ФАН, 1980.

Тафсир – Бороков А.К. Лексика среднеазиатского тефсира XII-XIII ВВ.-М.: Изд-во восточ-

ной лит-ры, 1963.

ТРСЛ – Турецко-руский словарь. – М.: Русский язык, 1977.

ХШ – Кутб. Хосров и Ширин//Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. I-II. Ташкент: ФАН, 1966-1971.

ЭСС – 1) Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основы на гласные. –М.: Наука, 1974.

2) Севортян Э.В. Этимологические словарь тюркских языков: Общетюркские и межтюркские основа на букву “Б”. –М.: Наука, 1978.

3) Севортян Э.В. Этимологические основы на буквы “В”, “Г”, “Д”. – М.: Наука, 1980.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-II. – Русский язык, 1981.

ҚР – 1) Н.Б. Рабғузий. Қиссаси Рабғуззий. I-II Тошкент. Ёзувчи, 1990-1991.

2) Rabqhyzi. Narrationes de Prophetis. Reproduced in facsimile. Wirt an introductions by K. Gronbech. – Copenbech. 1948.

3) Nasirud-din bin burhayud-din din Rabquz. Kisasul-Enbiya. II. Dizin. Aysu Ata. – Ankara, 1997.

ҲЎАТ – Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

АЛИШЕР НАВОИЙ, ТИЛ ВА ЖАДИДЛАР

Абдирашидов ЗАЙНОБИДИН

Ўзбекистоннинг янги тарихида, XIX асрнинг сўнгги чорагида майдонга келган ва тарихга “жадидчилик”, “миллий уйғониш даври”, адабиёт тарихига эса “жадид адабиёти”, “миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” номи билан кирган сиёсий-ижтимоий ва адабий-маданий ҳаракатининг асос нуқталаридан бири, бу туркий тилда сўзлашувчи миллатлар учун ягона адабий тил яратиш бўлган эди. Ушбу ғоянинг асосий тарғиботчиси, жадидчилик ҳаракатининг тамал тошини қўйган шахс, қримлик Исмоил Гаспринский эди.

Исмоил Гаспринский ягона умумадабий тил яратишга “Таржимон” газетасига асос солган 1883 йилдан қаттиқ курашди ва маълум натижаларга эришганлигини ўша даврда яратилган турли адабий-бадиий манбалар кўрсатиб турибди. Гаспринскийнинг туркистонлик издошлари ҳам “Таржимон” газетаси “тили”да ёзишга ҳаракат қилдилар ва бу “тил”да талайгина асарлар ҳам яратдилар. Гаспринский умумадабий туркий тилни тарғиб қилар экан, энг аввалида туркий тилнинг асосчиси ҳисобланмиш буюк туркий шоир Алишер Навоий шахсияти ва ижодига жуда катта қизиқиш билан қаради. У Навоийни “турк оламининг энг буюк бир шоири, энг буюк бир адиби”[1] деб баҳо беради. Шу билан бир қаторда, Туркистонда кенг ёйилган, Гаспринскийнинг сўзлари билан айтадиган бўлсак, туркий тилнинг “чиғатой шеваси”ни айнан Алишер Навоий қайта тирилтирган.[2] Гаспринский ушбу “чиғатой шеваси”да сўзлашувчи туркистонликларнинг “адабий” тили ва адабиёти, айрим рус тадқиқотчиларининг наздида, бирор “илмий” маълумот бериш учун ярамаслиги ҳақидаги пуч фикрларига қарши қатъий фикр билан курашди ҳам. Шу маънода Гаспринскийнинг “Туркестанские Ведомости” газетасининг 1900 йилги сонларидан бирида чоп этилган номаълум муаллифининг Туркистондаги маҳаллий миллат адабиётига оид мақоласига берган жавоби диққатга сазовор. Номаълум муаллиф “сартлар” тили ва адабиёти ҳақида фикр юритиб, у ҳақда ўта салбий ва номаъқул хулоса берган эди. Унга кўра, турли фойдали маълумотлар ва илмий асарларни “сарт” тилига таржима қилишга хожат йўқ, бундай таржималар фойдадан кўра кўпроқ зиён келтиради; “сарт” тили ўта содда, унда турли илмий ва адабий терминларни ифода этиш имконияти йўқлиги сабаб илмий ва адабий таржимага умуман яроқли эмас. Гаспринский русларнинг бу каби фикрларига муносабат билдирар экан, номаълум муаллиф фикр юритган “сарт” тили чиғатой туркийсининг маҳаллий шеваси эканлиги, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа туркистонлик буюк адибларнинг яратган ўлмас асарлари “сарт” тилининг аллақачон адабий тил сифатида шаклланиб бўлгани ҳамда “сарт” тили бошқа “тараққий” этган миллатлар тили каби кенг тарқалмаган бўлсада, маҳаллий аҳолига мўлжалланган турли маълумот берувчи илмий асарлар учун етарли даражада яроқли” эканлигини исбот қилиб берди.[3]

Гаспринскийнинг Навоий “қайта тирилтирган” туркий тил борасидаги фикрларига яна бир мисол. 1911 йилнинг бошларида Россия Давлат Думаси турли минтақаларда ташкил

[1] Мир Алишер Навоий. Муколамату-л-луғатайн. Ноширu муҳаррири “Таржимон” Исмоил Гаспринский. Боғчасарой: Матбааи Таржимон, 1902. –Б.2.
[2] Мир Алишер Навоий // Мактаб (“Таржимон” газетасига илова), 48-сон 1898 йил.
[3] Адабиёти сартия // Таржимон, 48-сон 1900 йил.

этилган рус-тузем мактабларида олиб бориладиган таълимнинг тили борасида Фармойиш қабул қилди. Ушбу Фармойишга мувофиқ, "Туркистонда маҳаллий адабий тил мавжуд бўлмагани боис ўлкада ташкил этилган рус-тузем мактабларида барча дарслар тўлиқ рус тилида олиб борилиши керак" эди. Мактаб таълими билан боғлиқ бу муҳим Фармойиш ўша даврдаги барча "ғайрирус"лар ташкил этган газеталарнинг асосий муҳокама мавзусига айланди. Хусусан "Таржимон"нинг ҳам. Гаспринский Фармойишни танқид қилар экан, Туркистонда жорий муомалада бўлган ва кенг тарқалган "чиғатой" тили туркий халқларнинг энг қадимги тилларидан бири эканлигини кўрсатишга тиришди ва "илмнинг барча соҳалари бўйича ўнлаб буюк олимларни етиштирган халқ қандай қилиб адабий тилга эга бўлмаслиги мумкин", деган саволни ўртага ташлади. Гаспринский ушбу саволга яна ўзи жавоб бериш баробарида Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асарини мисол тариқасида келтиради ва ушбу асарда туркий тил адабий тил сифатида форс тилидан, ҳатто айрим ўринларда, устун келиши исбот этилганлигини кўрсатиб берди.[1]

Шу билан бир қаторда, Гаспринский Навоий қаламига мансуб асарларни нашрдан чиқарди ва уларни ўзи тарғиб қилан умумтуркий адабий тилга ўгирган шаклда ўқувчиларга тақдим қилди. Гаспринский нашр қилган асарлардан бири Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" (Икки тил муҳокамаси) рисоласидир.

Ношир ушбу асарни "Муколамат ул-луғатайн" (Икки тил суҳбати) номи билан 1902 йили нашрдан чиқарди. Ушбу нашрга сўз боши сифатида ёзилган кичик мақола "Мир Алишер Навоий" деб номланган ва унда буюк шоир ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган:

"Бу дафъа бир чўқ асарларидан бири ўлан "Муколамат ул-луғатайн" рисоласини нашр этдигимиз Мир Алишер Навоий турк оламининг энг буюк бир шоири, энг буюк бир адибидир. Мовароуннаҳр ва Туркистон қитъасинда жорий ва мўътабар ўлан чиғатой шевасинда қалам чекканлардан энг буюги, улуғи бир зотдир. Холис туркча сўйладиги шеър ва ғазаллари бир чўқ девонлара дохил ўлуб, бу куна қадар намунаи имтисол тутилиюрлар. Шоҳ Темур хонадонина мансуб кибор оиладан, 844 санаи ҳижрияда Ҳирот шаҳринда дунёга келмишдир. Замонинча ғоят мукамал таҳсили улум этдикдан сўнгра давлат хидматина кириб волий ва вазир пояларини бўлмишдир.

Маъмурият ила бўлдиғи шуҳрат буюкдир, аммо қалам ила касб этдиги ном ва нишон даҳа буюкдир. Маъмурият ила ўз замонина, ўз маконина хидмат этмиш эса, қалами ила замонлара, маконлара худам ўлмиш бир нодири вужуддир. Форсий ва туркий дилларини тамоман билиб, ҳар икки дилда ибрози камолот этдигиндан "икки дилли" (зу-л-лисонайн) лақаби фохирасини олмиш эди. Туркийда "Навоий", форсийда "Фоний" ила талаххус эдарди.

Мир Алишер ғоят олим бир амир ва амир сифатинда бир олим эди. Комил ва тадбирли вазир, сўзи ўткун бир адиб, хаёли майдон бир шоир эди. Лисони форсийи севар эди, лекин она дили ўлан туркия даҳа зиёда муҳаббат эдарди.

Бу адибнинг замонинда Туркистонда форсий пек мўътабар ва мақбул ўлуб, турк ва ўзбек уламоси ва шуароси она дилларини тарк эдар даражасина вориб ҳаб форсий ила сўйлар, ёзарлар эди. Бу ҳол эса туркларнинг, ўзбекларнинг жаҳл ва таданнийсина боис ўлиюр эди. Чунки умум учун форсий таҳсили номумкин эди. Ишта, марҳум Мир Алишер бу ҳоли фаҳм эдиб жумланинг одат ва ҳавасина акс ўлароқ авлоди турк туркча сўйлаб, ёзмоқ лозим ўлдиғини камоли жасорат ила майдона қўйиб замонина қарши адибона мужодалалар эдмишдир.

[1] Чиғатой дили // Таржимон, 10-сон 1911 йил.

مكالمة اللغتين

اثر

(مير علی شير نوايی)

ناشری

محرر « ترجمان » اسماعيل غصپرينسكی

اصلمه‌سنه رخصت ويرلدی س. پتربورغ ٤ دكابر
سنه ١٩٠١

مطبعهٔ ترجمان
باغچه‌سرای

سنه
١٣٢٠ — ١٩٠٢

Типо-литографія газеты «Переводчикъ», г Бахчисарай.
1902

« ترجمان » مشتریلرینه هدیه‌در.

چل حدیث

این نسخه چل حدیث مع ترجمه مولوی جامی
و امیر علی شیر نوائی در باغچه سرای باهتمام
اسماعیل بک غصپرینسکی محرر و ناشر جریده ترجمان
در مطبع خود بزیور طبع آراسته گردید

قرقه حدیث

مولوی جامی حضرتلرینك فارسی یه و
میر علی شیر نوایی نك ترکی یه ترجمه لری
ایله

محرر و ناشر جریدهٔ « ترجمان »
اسماعیل بك غصپرینسکی

همتی ایله شهر بغچه سرایده نشر اولوندی.
هجریه ۱۳۲۵ - ۱۹۰۷ میلادیه

« ترجمان » جریده سنك الکتریك باصمه خانه سی

Безплатное приложеніе къ 77 номеру газеты «Переводчикъ»

Назман ва насран ёздиғи бир чўқ асарларини чиғатой шеваи туркийсинда ёзиб ва форсийдан туркчая бир хейли асарлар таржима эдарак турк дилининг ислоҳ ва таолийсина ғайрат этмишдир. Ва бу дилнинг истеъдод ва майдонлиғини жумлая кўстармишдир. Бир иддаоси даҳа – турк дилининг форсийдан даҳа восиъ, даҳа кениш ўлдиғидирки, бу маслакина биноан ушбу "Муколамат ул-луғатайн" рисоласини ёзмишдир. Дўрт юз саналик бу асар бу кун дахи аҳамиятдир, рағбатдан тушмамишдир.

Мир Алишер Навоий етмиш икки (аслида олтмиш. З.А.*) ёшина келиб 906 санаи ҳижриясинда дори фанодан кечмишдир."*[1]

Кўриниб турганидек, Исмоил Гаспринский Навоий шахсияти ва ижодига юксак баҳо беради.

Гаспринский 1898 йили "Таржимон"га илова шаклида нашр қилган ва ёш болаларга мўлжалланган "Мактаб" газетасининг 1-сонида "турк дилина жон вермиш зоти олий" бўлмиш Алишер Навоий ҳақида мухтасар мақола беради. Ушбу мақола мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, буюк рус шоири Александр Пушкинга бағишланган мақола билан бирга берилган. Мақоланинг сарлавҳаси юқоридаги мақола каби "Мир Алишер Навоий" деб номланган. Мақоланинг тўла матни қуйидагича: "Турк миллатининг энг буюк ва энг эски шоири ва адиби Мир Алишер Навоийдирки, 844 нчи санаи ҳижрияда Ҳирот шаҳринда дунёя келмишдир. Машҳур Султон Ҳусайн Бойқаро ила баробар бир мактабда таҳсил этдиги ҳолда бу икки шогирд дўстлашиб, умри вори бир-бирина ал ёрдам ўлмая ваъд этмишлар. Султон Ҳусайн Ҳирот қитъасина подшоҳ ўлуб болалиғи ёдина келдикда ҳамон дўсти Мир Алишер(н)и излатмиш. Самарқандда бўлиндиғини англадиғи ила махсус одам йўллаб Ҳирот(г)а олдирмиш. Бўйлажа Султон Ҳусайн Бойқаронинг сарой мушовири ва баъда волийси, вазири ўлуб, Мир Алишер соҳиби мол ва мансаб ўлмуш эди. Лекин умури мулк ва сиёсатдан зиёда илм ва адабиёт ила машғул ўлуб, ўн саккиз китоб ва девон тасниф этмишдир.

Форсий ва туркий дилинда пек гўзал назм ва шеър ёзар эди. Лекин ўзи турк ўғли ўлдиғиндан турк дилини даҳа зиёда севар эди. Ҳатто, "Муколамат ул-луғатайн" ном машҳур асаринда турк дили форсийдан даҳа зангин, даҳа майдон ўлдиғини исбота чолишмишдир. Ёздиғи гўзал китоблар ила турк дилини мўътабар эдиб ва усули адабия кўстариб турк миллатина буюк хидмат этмишдир. Қалама келмаз, қалама ярашмаз зан ўлинан турк дилини майдона чиқаран Мир Алишердир. Бундан аввал туркча ёзан оз эди. Бундан сўнг турк адиблари ва шоирлари чўғолди, кўб ўлди.

Мир Алишер турк дилина жон вермиш зоти олийдир. Ёздиғи шайлар Моваройуннаҳрда қўлланилан "чиғатой" шевасиндадир. Ҳижрий 906 нчи санада вафот ўлуб, номи боқий қолмишдир. Хонлар ва хидматчилар, уламо ва удабо Мир Алишернинг шогирди ва муҳиби эдилар."[2]

Исмоил Гаспринский Алишер Навоий ҳақида берган хабарлари қисқа биографик маълумотлардан иборат бўлиб, асосан газета ўқувчиларини буюк шоир билан янада яқинроқ таништиришга мўлжалланган. Бундан ташқари Гаспринский Алишер Навоий қаламига мансуб "Арбаъийн" асарини "Қирқ ҳадис" номида нашр этиб, "Таржимон" газетаси ўқувчиларига бепул ҳадя қилди. Ушбу асар кичик форматда 1907 йили босмадан чиқди. Ки-

[1] Мир Алишер Навоий. Муколамату-л-луғатайн. Ношири муҳаррири "Таржимон" Исмоил Гаспринский. Боғчасарой: Матбааи Таржимон, 1902. –Б.2–3.
[2] Мир Алишер Навоий // Мактаб ("Таржимон" газетасига илова), 48-сон 1898 йил.

тобнинг муқаддимасида ношир қуйидаги маълумотни илова қилади: “Қирқ ҳадис. Мавлавий Жомий ҳазратларининг форсийча ва Мир Алишер Навоийнинг туркийча таржималари ила муҳаррир ва ношири жаридаи “Таржимон” Исмоилбек Ғаспринскийнинг ҳиммати ила шаҳри Боғчасаройда нашр ўлинди.”[1]

Исмоил Гаспринскийнинг буюк адиб ва мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти, шахсияти ва ижодига бўлган қизиқиши айниқса унинг умуадабий тил борасидаги қарашларида яққол кўринади. Гаспринский Навоий ҳақида турли маълумотларни газета ўқувчиларига тақдим қилиш баробарида адибнинг асарларидан ўз фикрларини қўллаб-қувватлаш учун асосий манба сифатида фойдаланди ҳамда ўз издошларини шоирнинг ижод намуналаридан баҳраманд қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураҳон Жомий, Алишер Навоий. Қирқ ҳадис. Боғчасарой: “Таржимон” жаридасининг электрик босмахонаси. 1907.

2. Адабиёти сартия // Таржимон, 48-сон 1900 йил.

3. Мир Алишер Навоий // Мактаб (“Таржимон” газетасига илова), 48-сон 1898 йил.

4. Мир Алишер Навоий. Муколамату-л-луғатайн. Ноширн муҳаррири “Таржимон” Исмоил Гаспринский. Боғчасарой: Матбааи Таржимон, 1902.

5. Чиғатой дили // Таржимон, 10-сон 1911 йил.

[1] Қирқ ҳадис. Боғчасарой: “Таржимон” жаридасининг электрик босмахонаси. 1907.

ҲОЗИР НАВОИЙНИ КИМ ЎҚИЙДИ?

Иброҳим ҒАФУРОВ

Ростданам ҳозир Вергилийни ким ўқийди? Ким ўқийди ҳозир Ҳомерни? Дантени ўқиётган бирон та марди майдон борми? Уларми? Фақат уларми? Навоийни ким ўқийди ҳозир?

Ичимда ўтирган аллаким менга шундай нохуш саволлар беради. Унинг саволларининг ўзида жавоб борга ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам, уларни ҳозир биров қидириб ўқийдими? Шуларни ўқимасам, билмасам, дунёда тирик юрганим бекор деган ўз-ўзига писанда билан қўлга оладими? Ичимда ўтирган шубҳакор шахс билан тортиша бошлайман.

Бундай сўз ва тафаккур даҳоларини ўқиш ёки ўқимаслик уларнинг ғоялари дунёси ва фитратлари оламига ҳеч қачон ўлчов бўла олмайди.

Вергилийнинг Вергилийлиги, Дантенинг Дантелиги, Навоийнинг Навоийлиги кимларнингдир уларни ўқиши ёки ўқимай қўйишига боғлиқ эмас. Заррача ҳам боғлиқ эмас. Уларнинг бадиий тафаккур қуёши, у қуёшнинг нурлари ҳамда ҳарорати даражасини бу ўлчов билан ўлчаб бўлмайди. Уларнинг фалакий кўламлари бу мезонга сира сиғмайди.

Лекин, - деб эътирозга оғиз жуфтлайди ичимда ўтирган тинчимас, қониқмас эътирозчи, - шу ҳолда ҳам улар мумтоз жовонлари, мумтоз музейхоналарида ҳаракатсиз туриб қолишмоқда. Уларнинг фикрлари оламлари, яратган сиймолари, ранг-баранг инсонга дахлдор ғоялари, тизмалари бизнинг бугунги ҳаёт бўғинларимизни яратмаётир ва мустаҳкамлаётир. Навоийнинг васф ва эҳтишомга қурилган шеърий сўзи биз яшаётган аср қарашларидан, қизиқишлари, манфаатлари ва бадиий изланишларидан тобора шитоб билан узоқлашиб бораётир. Ҳозирги авлод, ҳатто энг талантли намояндалари ҳам Навоийни билдим деб, унга тик қаролмайдилар. Худди қушга бир зум тикилиб туриб бўлмаганидай улар мабодо Навоийга диққатларини қўйиб қарасалар, дарҳол унинг нуридан кўзлари ёшланади. Навоийга шу туфайли ўз қудратларидан ташқаридаги, тўғрироғи, қурб-қудратлари етмайдиган иш деб биладилар.

Хўш, шундай бўлса, Вергилий, Навоийнинг асарлари муҳташам музейларнинг осоратиқаларига айланиб бўлдими? Эндиги насллар уларга худди бебаҳо асл қадимиятга қарагандай ҳурмат-эҳтиромда бўладилар холосми?

Бу қайсар мубоҳиснинг осон бўлмаган саволларига жавоб изларканман, ўзимдан мисол қидириб кўраман.

Умримнинг уч палласида “Хамса”ни уч маротаба ўқидим. Йигирма ёшларимда ҳеч нарса тушунмасам ҳам, ўқийвердим, ҳижжалайвердим. Бу ҳали мумтоз шарқ шеъриятига кўзи очилмаган одамнинг филолог орзусидаги ўқиши эди. Навоийнинг қуёши менинг бу тайёргарликсиз, бехабар, енгил-елпи ўқишимни жизғанак қилиб ташлади. Лекин бу ўқишда Навоийнинг сайёраси беҳад улуғ эканлигини англадим. Унинг қошида, бу мумтоз бадиият олдида беҳудуд қўрқув ва эҳтиром уйғонди. Қўрқув уни тўла тушуниб етиш йўлида туғилган ожизликдан, эҳтиром – Навоий тасвирлаган, ифодалаган ҳиссиётлар ва сўзларнинг ёркин қудратидан эди. Ўқиш аъмо бўлса ҳам, Навоий ҳақида тасаввур ҳосил қилдим.

“Хамса”ни умрим қирққа етганда яна қўлга олдим. Бу ўқиш менга энди ўз-ўзим билан худди маънавий жанг каби эди. Яъни ўз жаҳолатим – Навоийнинг билмаслик жаҳолати би-

лан жанг эди. Бу ўқиш – филолог сифатида анча тайёргарлик кўрган, Ойбек, Шайхзода, Бертельс, Бартольд, Олим Шарафуддинов, Воҳид Зоҳидов, Убайдулла Каримов, Азиз Қаюмов, Тўхтасин Жалолов, Ҳоди Зариф, Ҳамид Сулаймон, Иззат Султон, Алибек Рустам ва бошқа яна қатор навоийшуносларнинг, аллома, удаболарнинг асарларини ўқиган, турли арабий, форсий, қадимги туркий ва Навоий асарларига чиқарилган қимматли луғатлар билан қуролланган эдим. Ихтиёримда яна "Хамса" достонларининг соҳиб дил кишилар адо этган насрий баёнлари ҳам мавжуд эди. Ўқишим узоқ давом этди. Охири шундай ҳис қилдимки, "Хамса" миямга, миям эса "Хамса"га айланди. Шундай уриниб бу бепоён асарнинг устки, биринчи қатламдаги маъно, мазмунини тушунгандай бўлдим. Навоийнинг ўзи ўз асари олдида бу қадар ҳайратга тушганлиги, лол қолганлигининг сири бирмунча очилгандай кўринди. У қандай хазиналар, бебаҳо дурлар қидириб, қандай ганжиналар ва оламлар топганлигини англадим. Лекин "Хамса" беканор уммон эди, менинг қайиғим эса кичкина ва мўрт.

Шунда мен замонамиз шоири Эркин Воҳидов 1960 йилда университет таҳсилини тугалларкан, "Садди Искандарий" достонидан диплом иши ёзишга журъат этганлигини эслаб ҳавасим келди. Назаримда ёш студент учун бу катта жасорат эди. Мен эса "Хамса"дан қўрқар эдим. Иккинчи бор тайёргарлик кўриб ўқиганимдан сўнг ҳам бу юксак бадиият ҳузуридаги қўрқиш мени тарк этмади. Навоийнинг сир-асрорига етишим – тўла муяссар бўлмаётганлиги, энг асосий нарса жуда узоқларда қолиб кетаётлигини ҳис қилиб яна ичимдаги қайсар мусоҳибга қулоқ тутаман: Навоийнинг ўзи тушунганидек тушуняпманми бу асарни? Навоий кузатган мақсадлар замондошларимизга тўла очилганми? Замондошларимиз Навоий – аллақандай етиб бўлмас инсон идеалларини, узоқ ўтмишларининг афсоналарини акс эттирган мутафаккир деб билмайдиларми? Нима бўлибди Искандар? Нима бўлибди Мажнун девона? Булар одамни сира ишонтирмади, дегувчилар озми? Компьютер ва электрон хатлар замонида Искандар бундан икки ярим минг йиллар аввал илк бор ойнадан батискаф ясатиб неча минг кемаларни баҳри муҳит сари йўллаб сув тагига тушгани, одамзоддан биринчи бўлиб номаълум дунё ва унинг махлуқларини кўргани эндиларда ғаройиб бир нарса бўлиб туюлмаслиги ҳам мумкин. Аммо биз бунга инсоннинг доим безовта билишга, ўз ақл мўъжизаларини намоён қилишга интилганлиги, тўхтовсиз фожиали қидиришларда бўлганлиги нуқтаи назаридан қарасак, афсона ва мифологиялар тагида туганмас инсон ҳақиқатлари ётганлигини кўрамиз. Гап шундаки, биз Навоийга қандай қараймиз?Юқоридан қараймизми ёки пастдан ёки фақат сиғиниш керак бўлган етиб бўлмас суюкли зот дебми?

Қандай қарамайлик, Навоий эскирди деган қараш ҳеч қачон тўғри бўлмаслигини ўзимизга таъкидлаб қўяйлик. Навоий сиз билан биздан қанчалар узоққа кетмасин, унинг одамийлик ғоялари, буюк изланишлари, фусункор муҳаббати – МУҲАББАТ ОЛЛОҲДАН! – ҳамиша сизу бизга энг яқин нуқтада туради, биз яқинлашиб борган сари у ҳам бизга нурафшон бағрини очиб яқинлашиб келаверади...

Дарвоқе, учинчи бор "Хамса"нинг нақшинкор дарвозаларини очиб, ҳазрат даҳоси солган тоқи равоқи кўкларга бўй чўзиб кетган рангоранг қасрлар ичига кириб бораётирмиз. Бир одамнинг умри керак экан "Хамса"ни ўқиш ва уқишга ва балки бир умр ҳам озлик қилади унинг воситасида одамда маъни кўзи, маъни назарининг очилишига. Ўқишлардан чиқарган хулосаларимдан бири шу бўлди. Инсон ва илоҳиёт сир-асрорлари ичра ниҳон бўлиб

ётган “Хамса”нинг даргоҳига худди илгари ҳеч кирмагандек, бу гулшаннинг тенгсиз бўйратирларидан сира баҳраманд бўлмагандек, мунаққаш қасри олийларни янгидан кўраётгандек бўлаётирман. Сатрлар аро қулф уриб очилиб ётган гўзал бўстонлар, уларда руҳоний сафар меҳнат-машаққатини тўла чекиб ҳол-аҳвол даражотларининг сирларини очаётган мўъжизакор хилқатлар кўз ўнгимда маъно ганжиларини оҳиста бирин-кетин намоён қилаётгандайлар.

“Хамса” Навоийгача бўлган давр инсон тилсимларидан иборат. Бу тилсим каби яратилган мўъжизакор асар. Одам унинг тилсимлари қошида бу кунгача ҳайрат бармоғини тишлаб лол туради. “Ҳайрат ул-аброр”да валийларнинг тилсими, ахлоқий-руҳоний файзкорликлари, “Фарҳод ва Ширин”да фироқ, ранж, ҳажр оҳу дард саргаштасининг бошдан кечирган тилсимлари, “Сабъаи сайёр”да оворалик, надомат, ўкинч-армон билан тўлган тилсимлар, “Садди Искандарий”даги жаҳондорлик ва фазовий хаёлот тилсимлари – булар бари ҳам ер курраси, ҳам коинот миқёсларини касб этган инсон ақли изланишларининг эъжоз билан тўлиқ нуқталари – хаёлотнинг фазовий кенгликларга чиқиши – роз (сўфийлар учун нақадар лазиз дамлар!) дамларини кашф этиши ва яна орқага – қаро ер воқеаларига қайтиши – ҳамма-ҳаммаси харобот ва вайронагарчиликлар сари йўл тутади, деган, инсон бино бўлгандан буён энг фожиали қарорга келишдир. Ва бу фикрлар қаторида ислом ва сўфийлар учун фақат ва фақат Худо – боқий ва унинг гўзаллиги ва яратувчилиги ягона ва мангудир. Ҳамма гап шундаки, ушбу мангу азал гўзалликдан инсонга ҳам улуш – улуш бўлганда ҳам жуда катта, вақт тургунча етадиган улуш ато этилган. Энди икки оғиз тилсим ҳақида. Тилсимнинг усти бор, тилсимнинг ости бор. Навоий ва унинг қаҳрамонлариучун тилсим бу – сафар. Бу ўша Нақшбандийнинг сафари. Пайғамбарлар ва набийларнинг ҳақ амрига дуч келган сафарлари. Ҳазрат рисолатнинг меърожи. Ҳалилуллоҳнинг ўт – норга сафари. Рухуллоҳнинг хоч сари булар инсониятнинг мангу сафарлари, сафарлардан топган маърифатлари. Сафарларда инсоннинг ўз ички олами – кичик оламни таниш ва шу таниш орқали катта оламга – коинотга кўтарилиши бутун маъно-моҳияти билан мужассамдир. Навоий асарларидаги ўша нақшбандиёна сафарларда Платон, Аристотел, неоплатониклар, сўфийлар тушунчаси ҳамда тасаввурларидаги коинотни қамраб олган АҚЛнинг уч даражаси: АҚЛИ АВВАЛ, АҚЛИ ФАОЛ ва АҚЛИ КУЛЛўз тажассумини топади. Навоий ўз қаҳрамонларининг фаолияти, ҳиссиёт оламларида ўз дониший муҳокамаларида ана шу уч ақлнинг ҳолатларини намойиш қилади. “Хамса”нинг тилсимлари худди миямизнинг англаб бўлмас миллиардлаб чизиқлари каби ақлнинг даража ҳамда ҳолатлар – уларнинг сурурли онлари ва ҳам ўта фожиалидир. Ақл фақирлик, тақво ва ҳукмдорлик идеалларига эврилиб, бири-биридан қолишмайдиган фазовий миқёсдаги фожиали аҳволларни туғдиради.

Ақли кулл, яъни оламни бутунлай қамраб ётган азал интеллект – ўз туганмас саргузашт – сафарларида дам Қайс, дам Фарҳод, дам Ширин, дам Хусрав, дам Шеруя, дам Баҳром, дам Дилором, дам Искандар қиёфасига киради. Дам ўрганилаётган, куяётган Навоийга айланади, унинг барча ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик ҳаракатларида иштирок этади. Унинг ихлоси, ниятини тарбиялайди. Бу фазовий ихлос ва фазовий ниятни учинчи бебаҳо фазилатга – ниёзга айлантиради.

Гап бу уч ноёб ҳодиса ҳақида кетаётган экан, шундай ўринли савол туғилади: ихлос, ният, ниёзда инсоният тарихида Навоийга тенглашадиган зот бўлганмикин? Навоийга ўша дунёни илм билан қамраб олган ақли кулл – интеллект нуқтаи назаридан қарасак,

унинг ихлоси – тимсол, нияти тимсол, ниёзи тимсолдир. Шу тимсоллар Навоийнинг энг гўзал тилсимлари қаторига киради. Навоийнинг "Хамса"даги барча хос маънилари шу тимсоллар ва тилсимларнинг олий даражадаги эврилишлари ва файз топишларидан бошқа нарса эмас.

Буларни айтяпману ичимдаги эътирозгўйим менинг муҳокамаларимга қўшилармикин ёки ўзининг прагматизми ва рационализми билан уларни худди бульдозер каби янчиб ташлармикин, деб ўйга толаман. Ичимдаги ишонмаган шарпани Навоийни янада чуқурроқ ўқишга чорлайман...

"Хамса"нинг сўнгги бобида Шекспир, Данте, Хомер, Вергилий қаламларига лойиқ бир ҳолат бор. Бунда кўз ўнгимизда бирдан Шайх Низомий хайулоси – (шарпаси ёки сурати) – пайдо бўлади. У "Хамса"ни якунлаётган Навоийни буюк бир лутфкорлик кўргизиб алқайди. Шайх Низомийнинг бу сўзлари "Хамса" ва унда Навоий бино қилган тилсимларнинг калитидир. Низомийнинг сўзлари "Хамса"нинг сир-синоатига тўлиқ дарвозаларини қия очишга кўмаклашади.

"Магар сенки бу йўлга қўйган қадам
Вужудинг хаёлини қилдинг адам",-

дейди чунончи Низомий.

Вужуд хаёлини йўқотиб, яъни ўзлигидан тамомила воз кечиб ва батамом Шайх Низомий хайулосига сингиб кетибгина Навоий бошқалар ўн йилларча ўтириб ёзган пентаграммани икки йилда тугаллашга муваффақ бўлади. Низомий буни Навоийнинг поклигидан кўради. Ниятини улуғ қилиб, улуғ инсонлар йўлини тутгани – тарихи ниёз шартларини ошириб адо этганлиги учунгина Навоий ақлни лол қолдирадиган ижодий жасоратида юксак муваффақият қозонди. Навоий ихлос, ният, ниёз тариқани тўла адо этибгина ўзи учун муҳим нарсага – роз аҳлининг ишончини қозонишга муяссар бўлди.

Навоий "Хамса", "Лисон ут-тайр", "Хазоин ул-маоний" асарларида ўзи эътиқод қўйган улуғларнинг висолига етишди. "Ҳаёти абад васл айёмидур", деганда у шу ўзи эришган нарсани айтган эди. Шайх Низомий яна ўз алқовида шундай тилга киради.

"Ки келди замонида сендек киши
Ки эрмас ишинг одамизод иши"...

Навоий "Хамса"си ва бошқа барча асарларини ўқиган киши бу сўзларда заррача муболаға йўқлигини ҳис қилади.

Менинг гапга кўнмас қайсар мубоҳисимга яна нима дей?

Шарқона маданият деган тушунча бор. Жомийлар, Лутфий, Атойи, Бобур, Машраблар, Фитрат, Қодирий, Беҳбудий, Чўлпонлар, шарқ халқларининг зиёлилари шундай шарқона маданият, одоб-икром, фасоҳат, ихлос ва буюк ниёз эгаси бўлган эдилар. Улар шарқона маданиятнинг, маданиятли бўлишнинг эталони – андозасини яратганлар. "Хамса"ни ўқиш, унинг сирларини эгаллаш, унинг океанида ҳаёт маърифатини орттириш бу – шарқона маданиятнинг ва маданиятлиликнинг соф эталонидир. Маъни аҳли бўлиш шу эталоннинг белгиси. Навоийнинг ҳудудсиз комиллик йўлларида гўзал инсон бўлиб етишмоқ, орифона маданият орттирмоқ лаззати ҳамиша бор...

НАВОИЙ ИЖОДИДА КИТОБАТ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

Иқболой АДИЗОВА

Маълумки, мумтоз адабиётда сўзларгина эмас, балки ҳарфлар ҳам муҳим бадиий вазифаларни бажарган. Кўплаб шоирларимиз араб ҳарфлари шаклидан тасвир воситаси сифатида фойдаланиб, асарларига зебу сайқал, кўрк ва маъно бағишлашган. Китобат ёки ҳарфий санъат деб аталувчи мазкур бадиий восита ўзбек мумтоз адабиётида кенг қўлланилган.

Китобат адабий истилоҳ сифатида араб алифбосидаги ҳарфлар шаклидан фойдаланиб, тимсол яратиш санъатига айтилади. Китобат санъатининг асосида ташбеҳ ётади. Китобат санъати қўлланганда, маълум доира ҳосил қилади. Яъни дастлаб ҳолатлар шаклга – ҳарфга айланган бўлса, кейинчалик шакл ҳолатни ёритишга хизмат қила бошлайди.

Китобат санъати, гўё шаклий хусусиятга, шаклий ўхшашликка асослангандек туюлади. Аммо, унинг намуналарини кузатсак, зоҳиран шакл бирламчидек туюлса-да, замирида ижодкорнинг чуқур маъновий, ғоявий мақсад-муддаоси мавжудлиги сезилади.

Мумтоз шоирларимизнинг кўпчилигида бадиий мақсадни ифодалашда кўпроқ араб алифбосидаги ҳарфларнинг шаклидан фойдаланилади. Навоийда эса, бироз бошқача. Унинг моҳиятига ишора биринчи ўринда туради. Жумладан, қуйидаги байтда шоир сўзнинг ёзилишини назарда тутади. Аммо уни ўқувчига сездирмасдан, ниҳоятда нозиклик билан, маъно қобиғига ўраб тақдим этади:

Васлида лаъли уза холин кўруб куйган киби,
Ўртанурмен жонда эмди доғи ҳижронинг кўруб.

Биринчи мисрада шоир маҳбубани кўруб маҳлиё бўлган висол айёмида лаби устидаги холидан сўзлайди. Аммо зукко ўқувчи шоир мазкур сўзнинг араб ёзувида ёзилишидан келиб чиқиб, лаб сўзидаги “бе” ҳарфи остидаги нуқтага ишора этаётганини дарҳол сезади. Иккинчи мисрада ҳам жонни ўртовчи ҳижрон изтироблари, доғлари ҳақида сўзлай туриб, шоир “жон” сўзидаги “же” ва “нун” ҳарфларининг нуқталарини назарда тутаётганини англаш қийин эмас. Мумтоз адабиётда китобат санъати қўлланганда шакл ва ўхшатиш, қиёслаш катта ўринни эгаллайди. Аммо Навоий мазкур санъатни зоҳирий кўринишда қўллашдан сақланади. Унга янги бир теранлик ва кенглик бахш этишга ҳаракат қилади. Лафзий санъат ҳисобланган китобатга маъновийлик, фалсафийлик, кўпмаънолилик бағишлайди:

Қора менгинг била қаддинг хаёли келса, ватан
Мунга кўз ичра ясай, анга жон аро қилайин.

Шоир мазкур байтда маҳбуба юзидаги қора холни кўзнинг қорачиғига, унинг қадди қоматини эса “жон” сўзининг арабча ёзилишида, ўртада келувчи “алиф” ҳарфига менгзайди. Кўринадики, шоирга ушбу ўринда китобат санъати фикрдаги кўпқатламлиликни юзага чиқаришга имкон яратади. Яъни, дастлаб “кўз” сўзининг араб алифбосидаги ёзуви шаклидан келиб чиқиб, ундаги “зе”нинг нуқтасига ишора этилса, иккинчидан, қора холнинг кўз қорачиғи-мардуми янглиғ ўринлашишига эътибор тортилади. Шоирнинг кейинги санъаткорлиги “жон” сўзининг ёзилиши билан алоқадорликда намоён бўлади. Яъни, аввало,

маҳбуба қаддининг “алиф” янглиғ тиклиги назарда тутиб тасвирланса, иккинчидан, ана шу “алиф”нинг жон ичра ўрнашишига диққат қаратилади. Бундай тасвир ижодкорга сўзларнинг катта туркуми билан ифодаланиши лозим бўлган фикрни қисқа, аниқ, тушунарли ва таъсирли ифодалаш имконини беради. Бу эса шеъриятда, ниҳоятда муҳим.

Ҳарфий санъат кўп ижодкорларда алиф рафтор, қадди дол каби ташқи қиёфани тасвирлашда фаол қўлланилади. Навоий эса ундан турли-туман теран бадиий мақсадларда фойдаланади. Баъзан маҳбуба гўзаллигини тавсифлаш, баъзан ошиқ изтиробларини, баъзан мураккаб тасаввуфий ғояларни талқин этиш, баъзан қийноқли руҳий ҳолат ва кечинмаларни таъсирли ва равшан баён этиш кўзга ташланади:

Алифсиз жон киби йўқ ул паридин ўзга мавжуде,
Ҳазин жонимда то ҳижрон хаданги чиқти жонимдин.

Мазкур байт 9 байтли ғазалнинг 4-байти. Унда “жон” сўзи ўртасидаги “алиф” билан боғлиқ китобат қўлланмоқда. Ошиқ назарида, алифсиз жон сўзини ёзиб бўлмаганидек, ул паридан ўзга мавжудлик ҳам йўқ. Гўзал маҳбубасиз, ҳаттоки, ошиқнинг ўзидан ҳам ном-нишон қолмаслигини таъкидлайди шоир:

Навоий, билки топмишмен нишон мақсуддин бешак,
Ўшал кунким, нишоне топмасанг истаб нишонимдин.

Кўринадики, мазкур ғазалда шоир ошиқ ва маҳбуба руҳий ҳолатидаги ваҳдат мақомига кўтарилиш даражаси ҳақида фикрламоқда. Ошиқнинг ўзлигини унутган, ўзлигидан нишон тополмаган ҳолатда унинг асл мақсад ва ниятига эришишидан дарак бериши мақтаъ байтни теран фикрли шоҳбайтга айлантиради. Ана шу шоҳбайтнинг яратилишига заминни эса шоир 4-байтда қўлланган китобат санъати воситасида амалга оширади.

Шоирнинг яна бир байтида ҳам ҳабиби юзидаги қора хол ва мардум-кўз қорачиғи муносабати эътиборимизни тортади:

Агар ҳарф ўлса мудғам, ваҳки, холинг нуқта идғомин
Аён қилди кўзумнинг мардуми ичра мақом айлаб.

“Мудғам” сўзи араб сарфида ҳосил бўлиш ўрнига кўра ўзаро яқин товушларни бир-бирига сингдириб айтиш, идғом қилиш маъносида изоҳланади. Шоир тилдаги ана шу ҳодисадан чуқур моҳиятни ёритишда фойдаланади. Байтнинг мазмуни қуйидагича: агар икки ҳарф бир –бирига идғом бўлса, холинг нуқта билан бирлашиб кетиб кўзумнинг қорачиғи сифатида макон тутди. Бу ўринда шоир, аввало, “кўз” сўзининг эски ўзбек ёзувидаги шаклидан келиб чиқиб, “зе” товушининг нуқтасини назарда тутмоқда. Бу байтда қўлланган китобат санъати Навоийга, юқорида баён этилгани каби содда мазмундан ташқари, мураккаб, тасаввуфий моҳиятни ёритиш имкониятини ҳам беради. Тасаввуфшунос олимларимизнинг нуқтаи назарича, “кўз – Комил инсон тимсоли. Чунки у фақат ўзгаларни кўради, ўзини эса кўрмайди. Агар юз илоҳий зуҳурот рамзи бўлса, кўз шу зуҳуротни жамлаган манбаъ – азҳар, омилликнинг рамзи. Кўзни севиш орқали илоҳий жамолни севиш ифодаланади”[1].

[1] Н.Комилов. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. Т.: Ўзбекистон, 1999, 88-бет.

Агар биз, шоирнинг мухлислари, сўзларни мутолаа этиб баҳра олсак, Навоий ҳар бир сўзнинг ичида яшайди. Унда маънолар денгизи тўлқинларининг тўфонларини, гулдуросларини тинглайди. Уларни чуқур ҳис этади. Ҳар бир сўз замирида ўзгадан-ўзга маънога эга янгича сўзларни кўради ва сўздан сўзни уйғота олади. Бунга ижодидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, қуйидаги байтда шоирнинг ана шундай ноёб маҳоратининг гувоҳи бўламиз:

Кўрмасам қошинг, бўлурмен турғоним бирла фиғон,
"Войи" эрур, бас чу бўлмаса "Навойи" бирла "нун".

Маълумки, "Навойи" сўзининг луғавий маъноси наво-куй, дилкашлик, хушнудлик бахш этувчи маъноларини англатади. Бу ўринда шоир "Навойи" сўзининг ботинига сафар этади. Унинг турли маънолари ҳақида фикрлайди. Ажабланарлиси шундаки, шоир мазкур ғазалнинг мазмунидан келиб чиқиб, сўзни китобат санъати воситасида мўъжизага айлантиради. Ўқувчи учун ниҳоятда кутилмаган маъно қирраларини назарда тутиб қўллайди. "Нун"сиз Навоий кўнгли "войи", яъни фарёдга айланиши таъкидланади. "нун" маҳбубанинг қошига менгзалади. Кўринадики, шоир ҳарфий санъат воситасида биргина ҳарф бутун моҳиятни ўзгартириб юбориши мумкинлигига эътиборни қаратмоқда. Бу ҳолат эса мутафаккир асарларининг ҳар бир сўзи ва, ҳатто, ҳарфи устида чуқур мушоҳада этиш лозимлигини исботлайди.

Шоирнинг

Жонимдағи "жим" икки долингға фидо,
Андин сўнг "алиф" тоза ниҳолингға фидо.
"Нун"и доғи анбарин ҳилолингға фидо,
Қолғон ики нуқта икки холингға фидо[1].

Рубоийси тўлиқлигича китобат санъати асосида яратилган. Тўрт мисрада "жон" сўзининг араб ёзувидаги ёзилиш шаклидан келиб чиқиб, шоир маҳбуба аъзоларини ундаги ҳарфларга қиёслаб тасвирлайди.

Кузатишларимиздан шундай хулосага келишимиз мумкинки, шоир маҳбуба аъзоларини шунчаки ҳарфлар шаклига қиёсламайди, балки унинг замирида чуқур фалсафани мужассамлаштиради. Шоир нега, айнан, "жон" сўзини танлаган. Бу, тушунишимизча, бежиз эмас. Чунки "жон" сўзининг ичида маҳбуба мужассам. Яъни ошиқнинг жони, руҳи маҳбубадан иборат. Тўрт мисрадаги навоийвор фалсафа "ичингдаги ичингдадир", дея тушунтирилган Румий фалсафаси билан жуда мутаносиб.

Маълумки, ишқ йўлидаги соликнинг, ошиқнинг асосий мақсади ва умр мазмуни маҳбуба васлига етишиш. Уни излайди, унга интилади. Аммо, рубоийдаги фикрлардан кўринадики, ошиқ излаётган маҳбуба унинг ичида, жонида. Ҳаётининг маъноси, мазмуни ундан иборат экан.

"Ирфоний истилоҳлар луғати"да "Жонни – инсон жони, руҳи ва Ҳақ тажаллиси ҳамда илоҳий исм ва сифатлар моҳиятини чуқур англаш мартабасига ишора" сифатида талқин этишади[2]. Шундай экан, Навоий ана шундай улуғ: "илоҳий исм ва сифатлар моҳиятини

[1] Навоий. Қаро кўзум. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 762-бет.
[2] Сажжодий. Ирфоний истилоҳлар луғати, Теҳрон, 1379 ҳ., 283-бет.

чуқур англаш мартабаси”дан туриб, “Жон”ни таърифлайди. Унинг моҳиятига етиб, бутун ҳаёти мазмунини фидо этишни мақсад қилгани, интилгани гўзал маҳбуба ўз ичида эканлигини англаб етади. Мазкур рубоийни Навоий “Лисон ут-тайр” достонининг тезис кўринишидаги нусхаси деб қарашимиз ҳам мумкин. Рубоийдаги фикр-ғояни шоир кейинчалик яратган “Лисон ут-тайр” асарида бадиий образлар воситасида чуқур талқин этиб беради.

Бизга китобатнинг қўлланилиши содда ва оддийдек туюлади. Гўё шоир сўзнинг шаклий хусусиятларини инобатга олаётгандай тасаввур уйғотади. Аммо аслида шундаймикин? Йўқ албатта. Чунки Навоийдек буюк аллома бундай содда йўлдан бормаслигини биламиз. Лаб, қош, нуқта, жон каби сўзларнинг чуқур тасаввуфий мазмун моҳиятига ҳам ишора борлигини англаш қийин эмас. Шундай экан, бу шоир ижодидаги китобат санъатини янада чуқурроқ нуқтаи назардан тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатади. Унинг воситасида яратилаётган шаклий хусусиятларнинг ботиний маъно ва моҳиятини англаш шоир ижодининг биз етиб бормаган теран маъно сарҳадларига йўл очиши муқаррар.

Адабиётлар:

Н.Комилов. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
Навоий. Қаро кўзум. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
Сажжодий. Ирфоний истилоҳлар луғати. – Теҳрон, 1379 ҳ.
Ё. Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. Т.: Ўзбекистон, 2015.

НАВОИЙ – ИНСОНИЯТ УЧУН МАЪНАВИЙ МАЁҚ

Абдулла УЛУҒОВ

Навоий замонида биргина Ҳиротнинг ўзида мингдан ортиқ шоир бўлгани қайд қилинади. Манбаларда ундан аввалги ва ундан кейинги замонларда ҳам шундай бўлгани таъкидланади. Бу каби далиллар ўтмишда Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам шоир кўп бўлганидан далолат беради ва айни чоқда нима учун шундай бўлганлиги ҳақида ўйлантиради. Аёнки, одамларда нимага қизиқиш баланд бўлса, ўша нарсага интилиш кучаяди. Ўтмишда шоирлар кўп бўлгани, айримларининг номи замонлар ўтса-да, унутилмасдан келаётгани ўша пайтларда кишиларда шеъриятга қизиқиш бениҳоя баланд бўлганини билдиради. Агар адабиётшунослардан бирортаси шеъриятга ҳозирги пайтдаги муносабат билан бундан беш аср аввалги қизиқишни таққосласа, бу борада аждодлардан ғоятда ортда эканлигимизни кўриб, шубҳасиз, қаттиқ афсусланади. Адабиётшуносларни “Миллатдошларимиздан неча киши “Маънавийи маснавий”ни тўлиқ ўқиб чиққан? “Хамса”ни-чи? “Хазойин ул маоний”ни қанча киши ўқиган?” деган саволлар кўп безовта қилади. Ҳозирги пайтда ҳар бир зиёли китоб мутолааси борган сари пасайиб бораётганидан ташвиш тортади. Дарсликларда берилган парчани нари-бери ўқиб, мактаб, лицей, коллежларни битирганларнинг айримлари кейинчалик китобни қўлига олмай қўймоқда. Филолог талабалар эмас, адабиётшунос, тилшунослар орасида ҳам мумтоз адабиёт намуналарини, жумладан, Навоий, Бобур, Машрабнинг девонларини тўлиқ ўқиб чиққанлар камайиб кетмоқда. Шайх Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”ини, Ҳофиз Шерозий, Бедил ғазалларининг аслиятини эмас, ўзбекча таржимасини ўқиганлар ҳам эндиликда бармоқ билан саналадиган бўлиб қолмоқда. Эсхил, Софокл, Эврипид, Данте, Шекспир, Гёте, Достоевский сингари Ғарб донишандлари, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий каби Шарқ мутафаккирларининг адабий меросидан бебаҳраликдан эса жамият маънавий мажруҳ бўлиб қолади. XXI аср бошида дунёни ларзага солган жаҳон иқтисодий бўҳрони аслида одамлар маънавий карахтлашиб қолгани оқибатида юзага келди. Чунки бир неча ўн йил аввал Ғарбда юзага келган одамлардаги лоқайдлик кайфияти эндиликда жамиятда умумий ҳолатга айланди. Европа, Америка мамлакатларида бир-бирига бефарқлик, ўзаро бегоналашиш натижасида одамлар нуқул ўзини ўйлайдиган, ҳар қандай ишга фақат шахсий манфаати нуқтаи назаридан қарайдиган бўлиб қолди. Ҳозир шахсий манфаатни умумманфатидан афзал билиш тараққиётни таъминлайди, чунки кишилар қанчалик манфаатдор бўлишса, шунчалик ҳаракат қилади, интилади, деган қараш авжланди. Ғарбни буткул забт этган ушбу маънавий касаллик дунёнинг бошқа ҳудудларида ҳам кишиларга таҳдид солмоқда. Санъатнинг асл намуналарига бефарқлик, мумтоз адабиётдан узоқлашиш одамларда худбинлик кайфияти кучайишига олиб келмоқда. Машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг сўнгги романи “Тоғлар қулаётган замон”(“Абадий қаллиқ”)да шу масалага эътибор қаратилиб, санъат ва адабиётнинг асл намуналари унутилаётганини, маданиятнинг юксак қадриятларига беписанд қаралаётгани, унинг ўрнини “оммавий аданият” эгаллаб олаётгани, “оммавий маданият” худбин корчалонларнинг бойиш манбаига айланаётгани хусусида бонг урлади.

Айримлар рўзғор тебратиш, тирикчилигини ўтказиш илинжида шеър ёзишга киришиб, машҳур шоирга айлангани тарихдан маълум. Фирдависий ўттиз йил давомид жуда катта

умидлар билан “Шоҳнома”ни ёзгани, Низомий Ганжавийнинг “Хамса”си ҳам ҳукмдорларнинг тошириғи билан яратилгани нақл қилинади. Нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам шундай жараён кечгани тарихда акўринади. Эрамиздан олдинги 65-8 йилларда яшаб ўтган, Дантенинг “Илоҳий комедия”сида улуғланган Вергилийнинг замондоши Гораций қашшоқликдан қутилиш мақсадида шеър ёзишга киришгани айтилади. Шарқ ва Ғарб адабиёти тарихидаги бу каби далиллар ўтишда шеър ҳозиргидан кўра кўпроқ қадрлангани, унга бўлакча муносабатда бўлингани, жамиятда шоирнинг мавқеи баланд бўлганиан далолат беради. Ҳукмдорлар ҳам, сарой аҳллари ҳам, нотиқлар ва файласуфлар ҳам, тиббиёт, математика каби аниқ фанлар билан шуғулланганлар ҳам шеър битишни машқ қилгани, девон тузгани, шоирларга беминнат ҳомийлик қилишгани тарихда кўп эслатилади. Ҳаёти тахт талашувларилари, тўхтовсиз қонли тўқнашувлар, узлуксиз давом этган тўққиз йиллик уруш билан кечган Гай Юлий Цезарь (эр.ав. 100-44 йиллар) ҳам давлатни бошқариш машаққатлари, урушлардаги ўлим таҳдиди орасида вақт топиб, услубининг соддалиги ва нафислиги, мураккаб воқеларни, одамларнинг турли ҳолат-кайфиятларини аниқ ва равшан ифодалаши билан замондошларининг кўнглига бориб етган, бугунги кун кишиларини ҳам қойил қолдирадиган тарихий-мемуар асарлар яратган. Шарқда темурий ҳукмдор Заҳириддин Муҳамад Бобур ҳам шундай жасорат кўрсатган. Юнон ҳукмдори кўпроқ ўз манфаатига мўлжалланган “Хотиралар” битган бўлса, туркий ҳукмдор кўрган-кечирганларини “Бобурнома”га жойлаш билан чекланмасдан, шеърлар девонини яратган ҳамда аруз тўғрисида зукко шеършунослар учун ҳам сабоқ бўладиган илмий рисола ёзган.

Шарқу Ғарб мутафаккирларининг бу каби фаолияти ўтмишда адабиётга, айниқса шеърга эътибор ғоятда юксак бўлганини билдиради. Шеърга айни пайтдаги муносабат эса инсоният ўзининг қадимий қадриятидан тобора узоқлашаётганини кўрсатади. “Маснавийи маънавий”ни, Навоий, Бобур девонларини ихлос билан ўқиган бугунги зиёлининг кўнглини, тўғриси, мунг эгаллаб олади. Бу мунг улардаги ғазал, рубоий, туюқларни тушуниш учун луғат титиш заҳматидан эмас, балки эндиликда кўпчилик аждодларимиз англаган ҳақиқатлардан бебаҳра бўлиб бораётгани хусусида ташвишланишдан туғилади. Чунки Шарқ мумтоз адабиётидаҳам, Ғарб адибларининг асарларида ҳам ҳаётдаги муаммолар аввало одамларнинг руҳи билан боғлиқлиги, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш асосларини кишиларнинг руҳий дунёсидан излаш зарурлиги таъкидланади. Улуғ француз адиби Оноре де Бальзак: “Худо пайғамбарга минг йиллар қаърини кўриш, шоирга борлиқни қайта идрок этиш, мутрибга эса номаълум оламнинг мусиқий оҳангларини топиш салоҳиятини бахш этган” дейди. (Бальзак О. Муҳаббат тилсими (Сағри тери тилсими). – Т.:”Extremum press”, 2010. – 264 б. – 220-бет). Шоир борлиқни бошқалардан кўра бўлакча идрок қилиши унинг шеърларида оддий сўзларнинг таъсирчан маъно касб этиб, одатдагидан бошқача жаранглаши, кишига аввал англамаган ҳақиқатларини очиши, руҳига сингиб, хаёлини муаззам кенгликларга тортиб кетиши, унутилган кечинма, хотираларни уйғотиб, ҳислар уммонига чўмдиришида намоён бўлади. Навоийнинг, Бобурнинг ғазал, рубоий, туюқларида сўз шеърда бўлакча тусга кириши, маъно қамрови, жаранги ўсиб, юракларга бориб етишига бунга ёрқин мисол бўла олади. Чунки XXI аср одамлари уларни ўқиётганида қалбига “Хазойин ул маоний”, “Бобурнома” муаллифларининг дилида кечган, уларни безовта қилган изтироблар ўтади ва ҳаётининг ўткинчилигини, ўзининг инсонликка ярашмайдиган нобоп қилмиш – амалларини эслатади. Шу боисдан алломалар адабиёт ҳавоий ҳаёт эрмаги,

кўнгил овунчоғи эмас, балки жамият кишиларини тарбия қилувчи қудратли восита эканини таъкидлашади.

Алишер Навоий “Бадое ул бидоя” (“Бадиийлик ибтидоси”)нинг “Дебоча”сида:

Кўнглимда не маъни ўлса эрди пайдо
Тил айлар эди назм либосида адо
Ул назмға жонни қилибон халқ фидо
Солурлар эди гунбази гардунға садо

дейди. Бу улуғ шоир асарлари ғайб олами боғлиқлиги, уларда битилган фикр, кечинмалар ижодкорнинг кўнглига ғайриихтиёрий тарзда қуйилиб келганлигини билдиради. Улуғ ҳинд адиби Рабиндранат Тҳакур ҳам: “Бизнинг қалбимиз Коинотдан туҳфалар олиб туради” дейди. (Тагор Р. Асарлар. Саккиз томлик. 8-том. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – 360 б. – 307-бет.) Мавлоно Жалолиддин Румий эса:

Ҳар замон келгай фалакдин карвон,
Ортига қайтур тижорат айлабон

деб уқтиради. (Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавий маънавий. – Т.: “MERIYUS”, 2010. – 832 б. 367-бет.) Шарқу Ғарб мутафаккирларининг бу каби эътирофлари Навоий: “Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо, /Тил айлар эди назм либосида адо” деганида ўз ҳолатини муболағасиз ошкор этганини билдиради. Халқ, яъни одамлар нима учун Навоийнинг назмига жонини фидо қилиб интилган? Шунинг учунки, уларда улуғ шоир ўзининг юрак дардларини, турмуш тўғрисидаги ташвишларини баён этиб, ҳар бир одамнинг руҳий ҳолатларини, қувончу изтиробларини ифода этган. Навоий ўз асарларида ҳеч қачон эскирмайдиган, барча миллат кишиларига бирдай дахлдор муаммоларга эътибор қаратган. У ҳаётнинг мураккаблиги, инсон оламининг жумбоқлари тўғрисида сўз юритар экан, воқеликка холис, беғараз ёндашган, ўзининг асл ҳолатини хаспўшлашга уринмаган. Ўзи ҳам бошқалар сингари ожиз банда экани, кўнглидаги кибрни енголмаганини яширмаган. Табиатида мавжуд нуқсонларни тан олиб:

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.

Не баҳра топқомен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким баҳраи андин тилармен баҳраман этмас

деган. “Қуръон”нинг “Анъом” сурасида Оллоҳ қуруқлик ва денгиздаги барча нарсани, ҳаттоки, бир япроқнинг узилиб тушишини ҳам билиши таъкидланган. Пайғамбаримизнинг ҳадисларида ҳам “Ер юзидаги ҳар бир экинга, дарахтлардаги ҳар бир мевага, ернинг қаъридаги ҳар бир уруғга “Бисмиллоҳир роҳманир роҳим. Бу фалончининг ризқидир” деб ёзиб қўйилган” дейилади.

Бундан Навоий сингари улуғ алломаларнинг сўзи ҳам ғайб олами билан боғлиқлиги аёнлашади. Чунки кишига Оллоҳ истеъдод ва илҳом ато этмаса, ҳар қанча уринганида ҳам

“Хазойин ул маоний”ни, “Хамса”ни яратолмайди. Навоий ва бошқа Шарқ алломалари ижод қилиш учун илҳом зарурлиги, илҳом ҳисси эса илоҳий марҳамат эканлигини чуқур ҳис этишган ва шу боис асарларини, албатта, Оллоҳга илтижо қилиш билан бошлашган. Нафақат Шарқ, балки қадимги юнон шоирлари ҳам шундай қилишган. Вергилий, Данте сингари Ғарб адабиёти намояндлари ҳам асарларининг муқаддимасида парвардигорга сиғиниб, машаққатли ишда маъбудлардан мадад тилашган, ўзларидан аввал ўтган Ҳомер сингари улуғ шоирларнинг руҳи мадад беришини сўрашган. Навоий ҳам “Хазойин ул маоний”даги “Ғазалда уч киши тавридур ул навъ” деб бошланувчи қитъасида Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ҳамда Абдураҳмон Жомийни ғазал устози деб таърифлаган ва:

Навоий назмиға боқсанг эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи

деб таъкидлаган. Бу уйғунлик уларнинг асарлари мавзусида ҳам, воқеликка ёндашиши, ижтимоий, маънавий муаммоларига муносабатида ҳам, бадиий воситаларни қўллашида ва асардаги асосий воқеалар тўқимасига қизиқ-қизиқ воқеаларни сингдириб юборишида ҳам яққол сезилади. Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Мавлоно Жалолиддин Румий, Алишер Навоий каби улуғ мутафаккирларнинг асарларида бу каби кўпгина уйғунликлар аниқ кўриниб туради. Алишер Навоийнинг ғазалларидан бири:

Не тирикмен, не ўлик, не соғ, не бемормен,
Айтай олмонким, фироқингдин не янглиғ зормен

деб бошланади. Улуғ шоир бошқа асарларида ҳам ўзини шу тарзда шарҳ этиб, асл ҳолини билмаслигидан ўкинади. У ғазал, рубоий, туюқ, қитъаларида ва достонларида ўзини таҳлил этиш воситасида инсоннинг турли руҳий ҳолати, кечинмаларини кўрсатади. Навоий барча асарларида инсон қалбига теран назар ташлаб, ундаги ўзгаришлар жараёнини юксак поэтик маҳорат билан чизади. Шоирнинг достонларида эмас, ғазал, рубоийларида ҳам кишининг турлича ҳолатлари гавдалантирилади. Улар аксарият ҳолларда ғамгин кайфият бошланади. Асар давомида эса бу ҳолат бир неча бор ўзгаради. Яъни ғамгин кайфият шодлик ҳислари билан, нозик кечинмалар алам ва умидсизлик билан кўз илғамас даражада шу қадар тез ва осон алмашинадики, шоир қалами билан битилган ҳар бир сўз нозик тафсил (деталь)га, кутилмаган психологик лавҳага айланиб, тасаввурда рангларга бой ёрқин манзара ҳосил қилади. Ҳайратланарлиси шундаки, Навоий бундай манзараларни ниҳоятда осонлик билан яратади. У инсоннинг ҳолат, кечинма, кайфиятини ҳароратли сўзлар воситасида бениҳоя аниқ ва ихчам тарзда чизади. Шоир тилининг равшан ва рангинлиги, мажозий воситаларининг ажиб гўзалликлари, шеър вазнларининг қатъий ва равонлиги кўнгилга ажиб ҳислар олиб киради.

Ҳофиз Шерозий ғазалларини, Шайх Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”ини, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий”, “Ичингдаги ичингдадир”ини, Навоийнинг достонлари, “Хазойин ул маоний”сини мутолаа қилганда киши бугунги кун одамларининг ўзаро муносабатини кўргандай бўлади. Чунки Навоий бир ўринда:

Дўстлар, аҳли замондин меҳр умеди тутмангиз,
Меҳри гардун бўлсалар кўз юзидан ёрутмангиз

деса, бошқа ғазалида:

Қон ютиб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим

дейди. Шоир "ёр" деганда, албатта, унинг кўнглидаги кечинмалари, туйғуларини тўлиқ тушунадиган ва қадрлайдиган кишини назарда тутди. Байтнинг иккинчи мисраси буни тасдиқлайди. Навоий аксарият лирик асарларида ўзини, тўғрироғи, бошқаларнинг унга муносабатини диққат марказига қўяди ва атрофидаги одамлардан қаноатланмаслигини билдиради. Шоир:

Не ажаб қон йиғласам аҳли замондин дам-бадам,
Ким улардин ғам уза ғамдур, алам узра алам

деб нолийди. Чунки кишининг ғам-аламлари ҳаво, иссиқ-совуқ, шамол, қор-ёмғир, тоғ-тош, дала-боғдан эмас, атрофидаги одамлар билан муносабатидан пайдо бўлади. Чунки барча ўз мафаатини ўйлаб тутади. Ҳар бир кишини табиатида мавжуд бу табиий майл бошқаларга бўладиган мўътадил муносабатга рахна солади. Шу боис ҳамма ўзини бошқалардан жабр кўрган, азият чеккандай ҳис этади. Навоий одамлар табиатига чуқур ўрнашган бу иллатни ўзининг мисолида кўрсатар экан :

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баси қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Ғам била жонимға еттим, ғамгусори кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим.

дейди. Барча даврларнинг улуғ шоирлари ҳаёт ҳақида, замондошларининг одоб-ахлоқи, феъл-атвори ҳақида сўз юритганда кўпинча ўзининг аҳволини мисол қилиб олади. Бу ўзига хос бадиий усулга Шарқ шоирлари,айниқса, кўп мурожаат қилишади. Улар ўзларининг зиддиятли кечинмаларини баён этиш воситасида замондошларининг дунёқараши, мақсад ва интилишини ифода қилишади. Бир қарашда, "Хазойин ул маоний" Навоийнинг,

Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур

рубоийси эса Бобурнинг шахсий алам, изтироблари изҳори бўлиб туюлади. Юзаки ёндашганда шундай кўринади. Бу шеърларнинг моҳиятига, улардаги ҳар бир мисранинг мазмунига синчиклаб қаралиб, сўзларнинг маънолари эътиборга олинганида эса Навоий, Бобур

ўзини восита қилиб, кўпчиликнинг дилидаги дардини, кайфияти, ҳолатини акс эттиргани англашилади. Шунинг учун Шарқ шоирлари эмас, Ғарб шоирлари ҳам шеърдаги ҳар бир сўз, ундаги ҳар бир товуш турфа хил маънони ифодалашини таъкидлашади. Масалан, улуғ олмон шоири Гёте (1749 - 1832) "Фауст" асарида:

Ҳар бир сўз маъносини қилмоқ учун ҳис,
Аҳли дониш ўзак товушга боқур

дейди. Шарқ шеъриятида, жумладан, Навоий, Бобур ижодида эса айни ҳолат яққол кузатилади. Уларнинг барча шеъри аруз тизимида экани, ушбу тизимда сўздаги ҳар бир товуш эътиборга олиниб, мисралар узун ва қисқа ҳижоларнинг маълум тартибда гуруҳланиб такрорланиши асосида ҳосил қилиниши ва бу ўзгармас қатъий қоида эканидан келиб чиқилса, Шарқ шоирлари беназир сўз санъаткори экани ўз-ўзидан аёнлашади. Навоий ҳам, Бобур ҳам шеърларида атрофидаги одамлардан норозилигини ҳам изтироб, ҳам киноя билан изҳор этади. Навоийнинг ғазалларидан бирида:

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим.
Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға,
Ҳар тарафдан юз туман тиғи жафосин кўрмадим,
Кимга кўнглим айлади меҳру муҳаббат фошким,
Ҳар вафоға юз жафо онинг жазосин кўрмадим

дейди. Айни мисралар, бир қарашда, иложсиз қолган одамнинг кўнгил фарёди бўлиб эшитилади. Шунингдек, улар хизматига ачинган, одамлардан муносиб эътибор кўрмагандан ўксинган кишининг киноясидек бўлиб туюлади. Навоий, Бобурнинг ғазал, рубоийлари ана шундай турфа маъноларни ўзида мужассамлаштиради.

Шарқ шоирлари ҳам, Ғарб адабиётининг намояндалари ҳам ғоятда таъсирчанлиги, табиатиниг нозиклиги, мураккаб зиддиятлар ичида яшагани, дунёқараши қарама-қаршиликларга тўлалиги, шахсий ҳаёти алғов-далғов, изтироб билан кечгани жиҳатидан бир-бирига ўхшайди. Уларнинг барчаси тинч ва осойишта ҳаётни севишади, ҳамма воситалар жамиятнинг равнақи, кўпчиликнинг манфаатига йўналтиришини исташади. Одамларни, ким эканлигидан қатъи назар, ўзаро ҳамкор, ҳамжиҳат яшашга даъват этишади. Ҳаётда эса бунинг акси эканлигидан нолишади. Албатта, Навоий, Бобур ёки Шекспир ва Гётенинг шеърларида ҳам аниқ бир одам тўғрисида гапирилмайди. Кимдир мақталиб, кимдир қораланмайди. Уларда шоирнинг ўзи бош қаҳрамон сифатида кўриниб, кечинма, мушоҳадаларини баён этади. Бу шеърларда изҳор қилинган кечинмалар, ҳаёт ҳақидаги, замондошлар тўғрисидаги фикрлар эса XXI аср кишисини ҳам бефарқ қолдирмайди. Чунки улардан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Шоир қаршингда тургандай кўринади. Бу эса мумтоз асарлар барча замонлар билан боғлангани, улуғ сиймолар руҳи сўз, фикр кўринишида асрлар оша яшашидан далолат беради. Асарларнинг аҳамияти ва қиммати эса аввало ҳаётийлиги, инсон олами ҳақидаги ҳақиқатларни аён этиши билан белгиланади. Навоий, Бобур сингари Шарқ шоирлари шеъриятининг, Гёте ва Достоевский каби Ғарб мутафаккирлари асарларининг қудрати ва фазилати шундаки, уларда инсон табиатининг мураккаблиги, унинг ҳаёт йўли, зиддият,

тўқнашувларга тўлалиги, қисмат кишини кутилмаган кўйларга солиши хусусида сўз юритилади. Улардаги қаҳрамонлар худди тирик каби кўринади. Уларнинг қувончи, ташвиши ва изтироби, ўйлари бизга ён-веримиздаги одамларнинг аҳволи, ҳолатидан кўра кўпроқ таъсир этади. Асрлар оша яшаб келаётган асарларнинг бу каби хусусиятлари Сўзнинг илоҳийлиги, айтилган ҳеч бир сўз беиз кетмаслиги, ёзилган сўз унутилмаслиги, сўзлар ҳамиша аура, яъни макон, муҳитини ҳосил қилиши, кишилар барча замонларда ҳам сўзлар муҳитида туриб ҳаракат қилишини билдиради. Адабиётга эътиборсизлик эса сўзларга бефарқ кун кечиришга, бу эса ўз навбатида, умумий лоқайдликка олиб келади. Ахлоқсизликнинг барча кўринишлари, бош-бошдоқликнинг турли тарзда авжланиши жамиятда ялпи лоқайдлик кайфияти илдиз отишидан келиб чиқади. Навоий, Бобур ёки Шекспир, Гёте бугунги кун кишилари фойдаланадиган метрони тасаввур қилмаган, қўл телефони, компьютерни хаёлига келтирмаган бўлса-да, улар битган асарлар XXI аср кишилари учун ҳам ҳаёт мураккабликларини идрок этишда, бир-бирини тушуниш, бошқаларга ачиниш, ҳамдард бўлиш ҳисси билан яшашда яқиндан ёрдам беради. Уларда кўпинча тушкун кайфият, умидсизлик кайфияти ифодаланса-да, Навоий, Гётенинг сўзи ҳар бир кишининг кўнглида эзгу ҳислар уйғотади. “Маънавийи маснавий”, “Хазойин ул маоний”, “Фауст” келгуси замонларда ҳам ўзининг кўзга кўринмас аурасида, Арасту айтганидек, изтироб билан кишилар руҳини поклаб, маънавий муҳитни соғломлаштиради. Шунинг учун миллатларнинг қандай яшаши, инсониятнинг тақдири ҳамиша аждодлар қолдирган маънавий меросга муносабатга боғлиқ ҳолда кечади. Чунки башарият барча замонда ҳам муайян умумий эътиқод – маънавий таянчга асосланади. Мавлоно Жалолиддин Румий, Алишер Навоий каби улуғ алломалар асарлари эса жамиятда умуминсоний қадриятларнинг барқарор бўлиши, кишиларнинг маънавий камолотга эришишига хизмат қилади. Бугунги компьютер замони, ахборот асрида ҳам Алишер Навоий каби сўз санъати даҳоларининг асарлари барчамиз учун ёнимиздаги одамларни тушуниш, уларнинг қалби, туйғуларини ҳис этишга энг самарали восита, энг ишончли омил бўла олади. Турмушдаги жамики муаммолар, тўсиқлар ортида ҳар доим Одам туради. Бу оламни англашда, кишиларнинг маънавиятини шакллантиришда, уларнинг қалбига умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини сингдиришда адабиётнинг ўрнини ҳеч бир нарса босолмайди. Ҳар бир одам санъат ва адабиётнинг асл намуналари ҳосил этган аурга қанча яқин келса, унинг дили шунча равшан, ҳаёт йўли шунча ёруғ бўлади. Адабиёт аурасидан узоқлашиш эса нафақат бир одамни адаштиради, балки бутун жамиятни таназзулга элтади. Чунки бундай пайтда кишилар тушкунликка тушиб, ёлғизланиб қолади. Бир-бирига бефарқлик одамлар ўртасида ялписига бегоналашишга, турли шаклдаги ахлоқсизликнинг авжланишига олиб келади. Бундан сақланиш ва ҳимояланиш эса бугунги кунда Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам долзарб муаммо бўлиб турибди. Инсониятнинг “оммавий маданият” хуружларидан эсон-омон ўтиб олишига Навоий сингари даҳоларгина ишончли таянч бўла олади.

Башарият тарихидан маълумки, даҳолар ҳар доим туғилавермайди. Икки-уч аср оралиғида бешта-олтита даҳо дунёга келади. Уларнинг сони ҳеч қачон бундан ошиб кетмайди. Албатта, истеъдодли инсонлар ҳамма миллатда ҳамиша кўп бўлади. Аммо уларнинг аксарияти вақт ўтиши билан унутилади. Бутун инсониятга дахлдор даҳоларнинг улуғлиги, қудрати замонлар ўтиши билан билинади. Мавлоно Жалолиддин Румий, Алишер Навоий шундай сиймолар сирасига киради. Уларнинг руҳи, қолдирган мероси нафақат туркий дунё, балки инсоният учун барча замонларда маънавий маёқ бўлиб қолади.

АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА ОБИ ҲАЁТ БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАР ТАЛҚИНИ

Тоҳир ХЎЖАЕВ

Мумтоз адабиётимизда бўлганидек, “Хамса”да ҳам кўп бор номи тилга олинган улуғ зотлардан бири Хизрдир. Хизр, у кишига хос сифатлар, бу образнинг ёзма адабиётдаги ўрни, поэтик вазифалари, халқ оғзаки ижоди асарлари ва мумтоз адабиётда учрайдиган Хизр хусусида кўпгина тадқиқотлар яратилган.

Қуръони каримнинг “Каҳф сураси” да Хизр ҳақида гап боради. Унда келтирилишича, Мусо а.с. Тангрига мурожаат қилиб, ўзидан ҳам илми зиёда киши бор ёки йўқлигини сўрайди. Оллоҳ таоло Хизр ундан илмлироқ эканлигини айтади. Мусо Хизр билан учрашади. Унга ҳамроҳ бўлишга рухсат сўрайди. Хизр у нима иш қилса ҳам ўзи айтмагунча сўрамаслигини уқтиради. Йўлда Хизр томонидан кеманинг тешилиши, бир болани ўлдириши, йиқилай деб турган деворни тузатиши Мусони ҳайратга солади. Сабр қилолмай, ҳар бирининг сабабини сўрайди. Хизр ҳамроҳлик шу ерда тугашини айтади ва воқеалар сабабини изоҳлайди.[1] Бу воқеалардан Хизрга хос муҳим бир сифат - етук илм эгаси эканликлари ойдинлашади. Яна бир томони, у кишининг яшиллик билан алоқадорликлари. “Қисаси Рабғузий” да шундай дейилади: “Хизр маъниси яшил бўлур. Қаю тош уза Хизр алайҳиссалом ўлтурса ул тош яшарур эрди. Анинг учун Хизр аталди. Аймишлар: Қаю ерда ўлтурса ул ер кўкарур эрди”.[2] Мана бу фикрлар ҳам шу қарашни ифода этади: “Имом Бухорий ривоятларида, Абу Ҳурайра (р.а.) айтадилар: “Пайғамбаримиз (с.а.в.) дедилар: “Хизрнинг шу ном билан аталишига сабаб шуки, у оппоқ (шўр) ерга ўтирса ҳам, ўрнидан туриши билан у ердан яшил майсалар униб чиқарди”.[3] XVIII аср Хоразм шоири Муҳаммад Ниёз Нишотий ўзининг “Қушлар мунозараси” асарида тўти тилидан шундай фикрларни билдиради:

Муттасил Ҳинддур манга манзил,
Хизрдек кийганим эрур яшил.[4]

Хизрга хос яна бир белги унинг доимий тириклигидир. Бунинг сабабини юқорида қисман изоҳладик. Яна бир фикрларга кўра, “тўфон тингандан кейин, кемадан тушиб Нуҳ (а.с.) ўғилларига: “Одамни васият қилган ерига дафн қилиб келинглар!”-деб буюрдилар. Ернинг ҳамма жойини сув босган ва Одам (а.с.) васият қилган жойни топиш мушкул эди. Хизр (а.с.) сабот ва матонат билан Одам айтган жойни топди ва Одам (а.с.) ни ўша ерга дафн этдилар. Шундан сўнг Одам (а.с.) нинг дуоларига моил бўлиб, узоқ умр кўрадиган бўлдилар... Баъзилари эса, Хизр (а.с.) “ҳаёт булоғи”дан ичганлари учун бу неъматга эришган дейдилар”.[5]

Хизр ҳақида гап борганда, у кишининг номи тилга олинганда тафаккуримизда уйғонадиган яна бир жиҳат – у кишининг тириклик сувига эга бўлганидир. “Тириклик суви”, “оби ҳаёт”, “оби зиндагоний”, “оби ҳайвон” номлари билан машҳур ушбу тушунчаларнинг

[1] Қуръони карим .Ўзбекча изоҳли таржима.Тошкент,1992. 204-205-бетлар.
[2] Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. II китоб. Тошкент:”Ёзувчи “,1991.68-бет.
[3] Раҳматуллоҳ қори Обидов. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. II китоб. Тошкент,2005. 14-бет.
[4] Нишотий. Қушлар мунозараси // Муборак мактублар. Т., 1987. 293-бет.
[5] Раҳматуллоҳ қори Обидов. Ўша манба, 12-бет.

тафсилотлари кўпчиликка яхши маълум.. Озарбайжон олими М.Саидовнинг ёзишича: “Дирилик сују”, «Дирилик булағы» мифик анлајыгиы, корундују кими, эски туркдилли халгларын мифологиы тэфэккуру илэ бағлыдыр»[1]. Демак, “тириклик суви”, “тириклик булоғи” тушунчалари туркий тилли халқларнинг мифологик тафаккурлари билан боғлиқ экан.

Кўринадики, оғзаки ижод ва ёзма адабиётда учрайдиган Хизрнинг бир неча хусусиятлари мавжуд. Навоий “Хамса” сида бу тимсол қайси томонлари билан намоён бўлади? Қандай ғоявий-бадиий вазифаларни бажаради? Достонлардан олинган байтлар асосида бу саволларга жавоб оламиз.

Юқорида қайд этганимиздек, Хизр яшиллик билан алоқадор. “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган мана бу байтда Хизр кийимининг яшиллиги назарда тутилган:

Бўйиға назм солғон ҳулла ахзар,
Дема тўти, дегил Хизри паямбар.[2]

Навоий достоннинг олтинчи бобида “Қалам васфида” гапиради. Низомий, Хусрав Деҳлавийларни улуғлайди. Хусрав Деҳлавийни мадҳ этиб, уни “гуҳаррез”, “ҳиндуйизоди шакаррез” (“ҳиндуйизод-ҳиндистонлик Хусрав Деҳлавий”), “ширин мақол”, “булбул” дея нисбатлайди. Уни Хизр пайғамбар деб билади. “Ҳулла ахзар” – яшил тўн дегани. Ана шу бирикма Хизр кийимига ишора қилмоқда. “Сабъаи сайёр”да ҳам шу мазмундаги байт бор:

Хизр монанд сабзадин ранги
Сабзаси суйи кўзгуси ранги.[3]

Достоннинг йигирма бешинчи боби учинчи иқлим йўлидан келган мусофир ҳикояти ҳақида. Унда Миср мамлакатилик Саъд афсонаси келтирилади. Саъд ўз уйида турли кишиларни, мусофирларни зиёфат қилиб, қизиқ саргузаштларни тингларди. Бир куни икки ғариб келади. Улар бошдан оёқ яшил кийимда эди. Мусофирлар Шаҳрисабздан эканликларини, яшилликка бурканган юртданликларини айтишади. Юқоридаги байт ҳам Шаҳрисабз таърифида. Шаҳарнинг яшиллигини Хизрмонанд, яъни сабз ранг дея уқтиришмоқда.

Мана бу мисраларда ҳам Хизр сифатлари баён қилинган:

Хирқаси ахзару асо ахзар,
Гўйи ул эрди Хизр пайғамбар. (С.С. 188-бет)

Ушбу байт ҳам достоннинг шу бобидан олинган. Саъд кўрган тушининг маъносини топиш учун ғорда неча йилдан буён мақом тутган бир пир билан учрашади. Пир бошидан ўтган воқеаларни гапириб беради. Донишманд бу зот туш кўриб, таъбирини тополмай қийналгани, жонидан умид узганида бир пир дуч келгани, унинг “хирқаси ахзар” – кийими яшил, “асо ахзар” – ҳассаси яшил бўлиб, худди Хизрга ўхшашини айтади. Бу ерда ҳам кийим ва асо ранги Хизр кўринишига ўхшатилган. Достоннинг бир ўрнида “Хизр янглиғ либоси райҳоний” дейилган. Бу ҳам яшилликка ишора.

[1] Саидов М. Озарбайжон мифик тафаккурининг гайнаклари. Баку: Ёзувчи, 1983. 127-бет.
[2] Алишер Навоий.Фарҳод ва Ширин.МАТ.20 томлик.8-том.Тошкент: “Фан”,1991. 28-бет
[3] Алишер Навоий.Сабъаи сайёр.Тошкент,1991. 178-бет

“Садди Искандарий” да Искандарнинг Ҳиндистонга сафари ҳақида гапирилади. Ҳиндистоннинг гўзаллиги мадҳ этилади. Деҳли яқинидаги Нигор ўрмони таърифланар экан, Навоий шундай байтни келтиради:

Қўнуб қай шажар узра ахзар қилиб,
Не ахзарки, Хизри пайамбар қилиб.[1]

Ўрмон, дарахтлар, ундаги қушлар ҳақида гапирилиб, ҳар бир дарахтнинг яшиллиги Хизрга қиёсланмоқда.

“Хамса”да Хизр, у киши эга бўлган тириклик суви киритилган байтлар ҳам анчагина. Кўпгина манбаларда Хизр пайғамбар, баъзи ўринларда авлиё, баъзан эса мифик образ тарзида талқин этилади. Бизнингча, Хизр эга бўлган “оби ҳаёт”, “тириклик булоғи” тушунчалари мифологик тасаввурлар билан боғлиқ. Ҳаёт суви, “оби ҳаёт”, унинг зулмат оламида эканлиги, бу сувни Хизр, Илёс ва Искандар излагани ҳақидаги тафсилотлар манбаларда қайд этилган. Оби ҳаёт, тириклик сувининг тасаввуфий мазмуни ҳақида ҳам фикрлар мавжуд. Профессор Н.Комилов шундай ёзади: “ Ҳайвон суйи деб гўё одамзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ер ости мамлакатининг чашмасини атаганлар. Тасаввуфда у ишқ-муҳаббат булоғи, ҳақиқат нурининг манбаини англатади”.[2] Энди ана шу руҳдаги воқеаларнинг “Хамса”даги талқинига назар солайлик. “Сабъаи сайёр” да шундай байт бор:

Қора шол ичра ўйлаким, зулмот,
Хизрдек нўш қилди оби ҳаёт. (С.С. 154-бет)

Бу байт достоннинг йигирма биринчи бобидан олинган. Унда аввалги- биринчи иқлим йўлидан келган мусофир афсонаси баён қилинган. Бу ҳикоят Ҳиндистон шоҳи Жасратхоннинг ўғли Фаррух саргузаштлари ҳақида. Фаррухнинг тушида паримонанд қизни кўриб севиб қолиши, уни излаб Қудс, Ҳалаб шаҳарларига бориши, Ҳалабда Ахий исмли бадавлат, меҳмондўст, сахий киши билан учрашиши, ишқ изтиробларини гапириб бериши, севиб қолгани Ахийнинг хотини эканлиги, Ахий хотинини талоқ қилиб, Фаррухга никоҳлаб бериши, кейинчалик Фаррух воқеалардан хабардор бўлиб, у билан ака –сингил тутиниши, воқеалар яхшилик билан якун топиши тасвирланади. Юқоридаги мисраларда Ахийнинг ўз хотини билан қайтадан топишиши, гўё Хизр оби ҳаётни топганига қиёсланмоқда. Қора шол –зулмат ифодаси. Чунки Фаррух ҳам, Ахий ҳам қийин ҳолатда қолганда қора шолга ўраниб, ғариблар маконидан қарор топишади. Бир –бирларини шу ҳолатда учратишади. Оби ҳаёт – севимли ёр. Ахий узоқ айриликдан сўнг топган хотини- гулчеҳраси. Демак, Зулмат, Хизр, оби ҳаёт – қора шол, Ахий ва унинг ёри тарзида қиёсланган. “Фарҳод ва Ширин” да ҳам шу мазмунга яқин мисралар кўзга ташланади:

Қироғинда дарахти кўкка ҳамбар,
Бу ҳайвон суйи ул Хизри паямбар. (Ф.Ш. 163-бет)

Бу байт Фарҳоднинг Суқрот тоғи сирини очишга бориб, Хизр суҳбатига эришгани воқеалари билан боғлиқ. Фарҳод отасининг дуосини олиб ишга киришади. Қаршисида кенг ўт-

[1] Алишер Навоий.Садди Искандарий.МАТ.20 томлик.11-том.Тошкент: “Фан”,1993. 311-бет
[2] Комилов Н. Хизр чашмаси. Тошкент: “Маънавият”, 2005. 66-бет.

лоқзор, унда бир чашма, ёнида кўкка бўй чўзган дарахт намоён бўлади. Шоир дарахт, унинг яшиллигини Хизрга, у ердаги булоқни эса Хизрнинг "ҳайвон суйи" – тириклик булоғига ўхшатган. Мана бу байтда ҳам "оби зиндагони"- тириклик суви тилга олинган:

Нечукким Хизр зулматдин ниҳони,
Улусқа сочтинг оби зиндагони. (Ф.Ш. 38-бет)

Бу байт "Фарҳод ва Ширин" нинг саккизинчи бобидан олинган. Унда достоннинг ёзилиш сабаблари ҳақида гапирилади. Шоир Суруш нидоси асосида ўз фикрларини баён этади. Суруш шоирни асарни ёзишга даъват этади. "Ҳайрат ул-аброр" ни ёзиб, халқдан офарин эшитганини айтади. Шоирнинг ёзганлари-асарлари халққа берилган "оби зиндагони" эканини айтади.

Навоий достонларида Хизр номи билан ёнма-ён тарзда "зилоли Хизр", "зилоли зиндагоний", "Хизр суйи", "оби зиндагони" бирикмалари қўлланилади. Бу – оби ҳаёт, тириклик сувига ишора.

"Ҳайрат ул-аброр" да шундай байт бор:

Хизр суйидек анга равшан зулол,
Нутқи Масиҳ онда насими шамол.[1]

Маълумки, Навоий "Ҳайрат ул-аброр" нинг бир мақолатини Хуросон таърифига бағишлайди. Шоир жаҳонни етти иқлимга ажратиб, Хуросонни тўртинчи иқлимга киритади. Ҳиротни мадҳ этади. Ундаги бинолар, манзаралар, водийю рудларни завқ билан таърифлайди. Ҳирот сувларини "Хизр суйи" – тириклик сувига, шамолларини эса "Нутқи масиҳ" – Исо нафасига ўхшатади.

Мана бу байтда бошқачароқ ифода:

Хат ароким, лаълин этиб ханданок,
Хизр суйидин қилиб, элни ҳалок. (Ҳ.А. 286-бет)

Бу мисралар достоннинг ўн еттинчи мақолатидан. Унда шоир йигитлик ва қарилик ҳақида гапиради. Инсон умрининг бу даврларини фасллар –баҳор ва куз кўриниши, ўзгаришлари ҳолатида тасвирлайди. Йигитлик даврини баҳор гўзалликлари – қуёшнинг нур сочиши, ёқимли тонг шамоллари эсиши, булут ва ёмғир ёғиши, сабзаю гулларнинг ердан бош кўтариши, атрофнинг қип-қизил алвонга айланиши, дарахтларнинг баргу гулга бурканиши тарзида ифодалайди. Қариликни – куз фаслини-чи? Мевасиз шохнинг заъф ҳолатини "кўнгилсиз киши", "ошиқи маҳзун", "мажнун", "яфроғ", "ўлуклар киби туфроғ уза ётти", "дўзах" ташбеҳлари асосида кўрсатади. Табиат ҳам, инсон умри ҳам ана шу тарздаги ўхшашликка эга. Юқоридаги байт ҳам ҳаётнинг ана шундай алдовига ишора. Яшаш базм, сархушлик, кулиб боқиб, сўнг ҳалок этади. "Хизр суйи" дан ҳалок этиш – олдин шоду хурамлик билан яшаб, сўнг умр якунига етиш.

"Фарҳод ва Ширин"да "Зулоли Хизр" жумласи учрайди:

Бу соқий илгидин жоминг паёпай,
Зулоли Хизр ул жоминг аро май. (Ф.Ш. 55-бет)

[1] Алишер Навоий.Ҳайрат ул-аброр.МАТ.20 томлик.7-том.Тошкент: "Фан",1991. 312-бет

Бу- достоннинг Ҳусайн Бойқаро мадҳи келтирилган қисмидан. Шоир шоҳни улуғлар экан, уни буюк зотларга тенглаштиради. Шоҳ жомини – салтанату давлати боқийлиги "Хизр зулоли" – Хизр оби ҳаётига ўхшатмоқда. "Ҳайрат ул-аброр"да булутдан томаётган қатра "Хизр чашмаси" га ўхшатилган:

Кўргузубон барқ булутдин дарахш,
Қатра Хизр чашмасидек руҳ бахш. (Ҳ.А. 80-бет)

"Барқ" – чақмоқ, яшин. "Дарахш" – ялтираш, порлаш, ёруғлик. Одатда чақмоқ чақиб атроф ёришади. Ёмғир ёғади. Ёмғир томчилари Хизр чашмаси-тириклик сувига қиёсланмоқда.

"Фарҳод ва Ширин" достонида "зилоли зиндагони" жумласи учрайди. Маълумки, Фарҳод Армания юртига бориб, тоғдан ариқ қазиб сув келтиради. Достоннинг ўттиз тўртинчи бобида ана шу воқеалар тасвирланади. "Айн ул-ҳаёт" чашмасидан "Баҳр ун-нажот" ҳовузига сув келтириш томошасига бутун халқ қатори Миҳинбону ва Ширин ҳам келади. Бу ҳодисани кўришга ошиққан Ширин юзидаги терлар, хол, киприклар турли нарсаларга ташбеҳланади:

Дема сувким, зилоли зиндагони,
Не Хизру не Сикандар топиб они. (Ф.Ш. 263-бет)

Ширин юзидаги хол гулга қўнган зоғга, терлар эса боғни эгаллаган сувга қиёсланади. Шоир назарида, бу шунчаки сув ёки тер эмас, Хизр ва Искандар эриша олмаган тириклик сувидир.

Баъзи байтларда лирик қаҳрамон эга бўлган тер, лаби, сўзи Хизр эга бўлган оби ҳаётдан устун қўйилади. Юқоридаги байтда Ширин юзидаги қатралар шундай сифатга эга тарзида тасвирланган эди. "Садди Искандарий"да ҳам ана шу мазмундаги байтлар мавжуд:

Сўзунгдин етиб элга қути ҳаёт,
Хизр суйини гум қилиб ул уёт.
Гар ул сув бериб Хизр умрига мад,
Бу сўздин улусқа ҳаёти абад. (С.И. 72-бет)

Достоннинг ўнинчи бобида Султон Бадиуззамон мадҳи келтирилган. Юқоридаги мисралар ана шу бобга тааллуқли. Навоий Бадиуззамонни улуғлар экан, уни "замон аҳлининг шоҳу шаҳзодаси", "адаб осмонида меҳр", "малоиксифат", "бошиндин аёқ яхшилиқ" дейди. Шоир эътирофича, унинг сўзидан элга жон киради. Унинг таъсири шунчаликки, Хизр суви уёлганидан қочиб кетган-зулматда макон тутган. Агар оби ҳаёт фақат Хизрга абадийлик, "умри мад"- узоқ умр бахш этган бўлса, Бадиуззамон сўзидан "улусқа" – кўплаб кишиларга абадий ҳаёт насиб этади. Бадиуззамон сўзи Хизрнинг тариклик сувидан-да қимматлироқ деган фикр баён этилмоқда.

Умуман, Хизр, оби ҳаёт ва у билан боғлиқ юқорида билдирилган мулоҳазалар "Хамса"-нинг қайси ўрнида шу руҳдаги байтлар келса, уларни тушуниш, мисралар моҳиятини англаш учун етарли дейиш мумкин.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТОНИДА ШОҲ ДОРО, СУЛТОН АБУ САИД ВА ЧИН ҲОҚОНИ ОБРАЗЛАРИ

Акрамжон ДЕҲҚОНОВ

Кириш

Туркий адабиёт ривожида жуда катта юксалиш қилган буюк ўзбек шоири Алишер Навоий асарлари ичида “Хамса”си фавқулодда муҳим ўрин тутади. Бу улуғ асари билан Навоий туркий адабиётда хамсачилик анъанасини бошлаб берди ва уни энг юксак чўққига кўтарди. Ушбу асари билан Навоий жаҳон адабиёти классиклари қаторига кирди. “Садди Искандарий” “Хамса”даги достонлар ичида энг йириги бўлиб, 7215 байтдан таркиб топган. Бу достонда шоирнинг ҳукмдорлик, юртни бошқариш ҳақидаги жуда муҳим ижтимоий-фалсафий фикрлари баён этилган. Шунингдек, бу достон хотимаси умумий “Хамса” учун ҳам хотима ҳисобланади. “Садди Искандарий” достонида ҳукмдорлар ўртасидаги муҳолафат-зиддият, бу зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва кучайиб бориши жараёни ниҳоятда қизиқарли тасвирланган. Достонда воқеаларнинг сюжетигина қизиқарли бўлиб қолмай, уларнинг баёни ҳам ниҳоятда гўзал тарзда берилган. Шунинг учун достонни аслиятда ўқиш ўқувчининг бадиий-эстетик тафаккурини бойитади.

“Садди Искандарий” достонидаги Доро образи

Инсоннинг характерини, ички дунёсини очиб бериш бадиий асарнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Асар қаҳрамонларининг қалбини, ички дунёсини тўлиқ очиш учун эса бу қаҳрамонларни руҳий мувозанатдан чиқариш лозим бўлади. Уларни руҳий мувозанатдан чиқариш учун эса кутилмаган қалтис вазиятларга солиш талаб қилинади. Бундай вазиятлар эса аксарият ҳолларда қаҳрамонлар манфаатларининг тўқнашувида юзага келади. Мана шундай вазиятларда асар қаҳрамонларининг қабул қилган қарорлари, хатти-ҳаракатлари ва айтган сўзлари уларнинг қиёфасини очиб берувчи энг муҳим элементлардан ҳисобланади. Бундай зиддиятларни табиий ҳолатда, воқеалар ривожига мувофиқ равишда етилтириб олиб келиш ижодкор бадиий маҳоратини кўрсатувчи энг муҳим омиллардандир. Жаҳон адабиётида эътироф этилган деярли барча машҳур асарларда мана шу зиддиятлар зўр маҳорат билан тасвирланган бўлиб, воқеалар ривожида табиийлик ва мантиқий изчиллик етакчилик қилади.

Алишер Навоийнинг “Хамса” асари таркибига кирган “Садди Искандарий” достонидаги шоҳ Доро образини ҳам буюк адиб мана шундай зиддиятлар, манфаатлар тўқнашуви фонида очиб беради. “Садди Искандарий” достони устида иш олиб борган деярли барча тадқиқотчилар Доро образига салбий образ сифатида қарашган.

Биз ушбу мақолада “Садди Искандарий” достонидаги Доро образини яратишдаги, унинг характерини, ички дунёсини очиб беришдаги шоирнинг маҳоратини таҳлил қилиб ўтмоқчимиз. Шунингдек, бевосита Доро ҳақидаги воқеалар баёнидан кейин келтирилган Султон Абу Саид воқеаси ёритилган боб хусусида ҳам тўхталиб ўтамиз.

Эрон шоҳи Доро образи “Садди Искандарий” достонидаги асосий қаҳрамонлардан бири, Искандарнинг асосий рақиби. Ўша пайтдаги жаҳоннинг энг қудратли подшоҳи.

Доро ҳақида Алишер Навоий ўзининг “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам шоҳлари тарихи”) номли асарида ҳам маълумот бериб ўтган. Бу асардаги маълумотлар деярли “Садди Искандарий” достонидаги маълумотларга мувофиқ келади. [Навоий 2000 (16): 214].

Лекин биз бу билан “Садди Искандарий” достонидаги шоҳ Доро билан тарихий шахс бўлган шоҳ Дорони битта шахс, деган фикрни айтмоқчи эмасмиз. Албатта, достондаги шоҳ Доро образининг асосида ўша тарихий шахс ётади, лекин иккаласи айнан эмас. Достондаги Доро образи тарихий шахс ва у шоирнинг бадиий тўқимаси билан бойитилган.

Достоннинг ўн бешинчи бобидан бошлаб Искандар ҳақида сўз очилади. Унинг отаси Файлақус Эрон шоҳи Доронинг Рум ва Рус мамлакатларидаги волийси бўлиб, Дорога хирож тўлаб турар эди.

Нафақат Файлақус, балки Ер юзидаги деярли барча подшоҳлар Дорога хирож тўлашар, бинобарин, шу билан ўз тобеликларини унга билдириб турар эдилар. Файлақуснинг Дорога тўлайдиган бир йиллик хирожининг миқдори мингта олтин тухум ҳажмида эди.

Файлақус вафот этиб, Искандар тахтга ўтиргач, қўшинни кучайтириб, бир неча қўшни давлатларни куч билан ўзига бўйсундиради. Уч йил ичида Рум мамлакатига икки-уч баробар келадиган ҳудудни эгаллайди. Унинг қудрати кундан-кунга ошиб боради. Шу уч йил ичида Дорога хирож тўламайди. Доро ҳам ундан хирожни талаб қилмайди.

Навоий достонда Искандарнинг шу уч йил ичида қудрати мислсиз ошганлигини шундай тасвирлайди:

Атоси вафотидин уч йил ўтуб,
Иши лек ўн онча рифъат тутуб.
Бу уч йил аро кўнглига етмайин,
Хаёлиға балким хутур этмайин.
Ки, Дороға бўлғай иши эҳтиёж,
Анга худ не етгайки, бергай хирож... [Навоий 1993 (11): 135].

(Отаси вафотидан уч йил ўтди. Искандарнинг иши ўн баробар юксалди. Шу уч йил ичида Дорога хирож бериш унинг хаёлига ҳам келгани йўқ).

Шу ўринда бир нарсага – Доронинг уч йилгача ундан хирож талаб қилмаганига диққатни қаратиш лозим бўлади. Уч йилгача ўзига тобе мамлакатнинг янги тахтга ўтирган ҳукмдоридан хирожни талаб қилмагани Доронинг подшоҳга хос ҳиммат эгаси эканини билдиради. Шунингдек, отаси вафот этган шаҳзоданинг шаънини риоя қилганини ҳам кўрсатади. Чунки отадан айрилиш оғир мусибат эканини, бинобарин, дарров ундан хирож талаб қилиш улуғ подшоҳга ярашмаслигини ҳам англайди. Доро уч йил кутади. Учинчи йил тугаб, хирождан дарак бўлмагач, Искандарга хирожни эслатиш учун элчи юборади.

Маълумки, элчиликка подшоҳлар заковатли, ақлли, зийрак, қалтис вазиятларда вазминлик билан қарор қабул қила оладиган, тажрибали кишиларни танлайдилар. Доронинг Искандарга юборган элчиси ҳам шундай фаросатли, кўплаб ҳукмдорларнинг олдига элчи бўлиб борган, кўп подшоҳларни кўрган инсон эди. Бу элчи Искандарнинг ҳузурига киргач, унинг маҳобати ва шукуҳини кўриб, ўзини йўқотиб қўяди. Искандар буни сезиб, диққатини бошқа томонга қаратиб туради:

Сўз айтиб анинг сори солмай кўзин,
Анга тегруким, топти қосид ўзин.
Кўнгул босқонин чунки фаҳм этти шоҳ,
Савол этти шоҳона айлаб нигоҳ... [Навоий 1993 (11): 137].

(Искандар элчини салобат босганини сезиб, унга қарамай, бошқа бировга сўзлаб турди. Чунки у элчини ўзининг салобати босганини билди).

Бир оз муддат ўтиб, элчи ўзини босиб олгач, Искандар ундан келишдан мақсади нима эканини сўрайди. Элчи унга отаси Файлақус ҳар йили Дорога мингта олтин тухум миқдорида хирож тўлаб турганини, шу хирожнинг уч йиллиги тўланмай тўпланиб қолганини эслатиш учун келганини зўр одоб билан айтади. Искандар буни эшитиб ниҳоятда ғазабланади. Лекин ўзини босиб, жуда юмшоқлик билан муносиб жавоблар айтиб, энди Дорога хирож тўламаслигини узил-кесил маълум қилади.

Элчи Искандарнинг кескин жавобини Дорога олиб келгач, у бундан бениҳоя ғазабланади ва элчидан: “Бу гапларни айтган Искандар девонамикан, ёки бу сўзларни сўзлаган вақтда маст эдими ёки ҳали эсини танимаган ёш бола эканми?” – деб сўрайди. Элчи эса Дорога садоқатли бўлгани ва доимо унинг манфаатини ўйлаб иш тутгани учун Искандар ҳузурига кирганда ўзи ҳис қилган нарсани рўйи-рост айтади. Яъни Искандар у ҳозиргача кўрган подшоларга мутлақо ўхшамаслигини, сўзлари жуда мантиқли ва ҳикматли эканини, ўзи жуда ҳайбатли ва қудратли ҳукмдор эканини айтади. Доро элчининг бу рост сўзларидан ғазабланиб, уни зиндонга ташлашни буюради.

Мана шу ердан Доронинг хатоси бошланган. У ўзига садоқатли одамларни ажрата олмай қолган. Элчи Дорога бўлган садоқати туфайли ўз ҳукмдорига ҳушомадгўйлик қилмай, рост гапни айтган эди.

Бу ўринда Доронинг хатти-ҳаракатини ҳам тўғри баҳолаш, тўғри тушуниш керак бўлади. Ҳар қандай кучли подшоҳ ўзига тобе бўлган мамлакатнинг ҳукмдори вафот этгач, унинг ўрнига тахтга чиққан ўғлидан ҳам шундай тобеликни ва итоатни кутади. Табиийки, Доро ҳам Искандардан отаси Файлақус каби итоат қилиб, хирож тўлашини кутган. Искандардан тескари жавобни эшитгач, унга иккинчи марта кескинроқ талаб билан элчи юборади. Доро бу сафарги элчидан Искандарга рамзий маънода чавгон таёғи, чавгон тўпи ва битта идишда кунжуд доналарини юборади. Бу рамз билан Доро Искандарга: “Сен ҳали чавгон ўйнаб юрадиган ёш боласан. Менга итоат қил. Итоат қилмасанг, мана шу кунжуд доналари каби кўп сонли аскар билан сенинг устингга бораман!” деган эди.

Искандар эса унинг юборган рамзий нарсаларини бошқача таъвил қилади ва буни элчига айтади, яъни: “Ҳозиргача Ер юзи Дорога тобе эди. Энди мана шу ер юзини Доро менга ўз қўли билан топширмоқда. Менга у юборган чавгон тўпи шунга ишора. Чавгон таёғи эса мен ер юзини хоҳлаганимча бошқаришимга ишора. Унинг жўнатган кунжуд доналарига келсак, менинг қўшиним қушга ташбеҳ қилинади. Қушнинг емиши эса кунжуд доналаридир”, деб кунжудни тўкиб, бир тўда товуқни уни егани қўйиб юборишади [Навоий 1993 (11): 147].

Элчилар мақомидаги музокаралардан фойда бўлмагач, ҳар икки томон урушга тайёргарлик кўра бошлайди. Бу пайтда Ер юзида Искандар ва Доро энг кучли подшоҳлар эди. Доро ўзига тобе мамлакатлар подшоҳларига чопар юбориб, барчасига қўшин билан ўз ҳузурига келишни буюради. Уларнинг ҳаммаси қўшини билан Доронинг ёнига келиши учун

икки йил вақт кетади. Дорога қарашли мамлакатларнинг қанчалик кўплигини шундан ҳам билса бўлади. Эрон, Турон, Чин юрти, Машриқ замин, Жануб ва Шимолдаги юртлар, хуллас, Ер юзининг жуда катта қисми Доронинг қўл остида бўлиб, Искандарга эса Рум, Зангбор (Ҳабашистон) ва Фаранг юрти қарашли эди, холос.

Доро ва Искандарнинг қўшини катта бир саҳрода бир-бирига юзлашади. Жанг олдидан ҳар икки томондан яккама-якка олишадиган паҳлавонлар тўқнашади. Искандар қўшини томондан Борик Барбарий исмли паҳлавон майдонга чиқади. Бу паҳлавон майдонга чиқиб ўзини танитади. Шу паҳлавоннинг майдонда ўзини танитиб айтган сўзи достоннинг энг таъсирли ўринларидан биридир. Борик Барбарийнинг ушбу сўзларидан биз ҳар икки ҳукмдорнинг даражасини билиб оламиз. У ўзининг аввалда Дорога садоқатли қул-аскар бўлганлигини, лекин Доро унинг хизматларини муносиб тақдирламаганини айтади. Муносиб тақдирламаганидан ташқари ўзидан паҳлавонликда анча паст бўлганларни тақдирлаб, уни эътиборсиз қолдирганини ҳам сўзлайди. “Ҳатто мен ўз аҳволимни Дорога билдирганимда ҳам менга илтифот қилмади, охири мен чорасизликдан хизматдан кетишга ижозат сўраганимда, қаҳри келиб мени таёқ билан урдириб жазолади. Шундан сўнг унинг ҳузуридан кетиб, Искандарга аскар бўлдим. Шоҳ Искандар мени шунчалик иззат-икром қилдики, иш кўрсатмасдан бундай ҳурматга сазовор бўлганимдан хижолатдаман. Бугун мен иккита иш учун жангга чиқаман: Биринчиси, ўзимнинг шоҳим Искандарга муносиб хизмат қилиб, мени бежизга тақдирламаганини кўрсатмоқчиман. Иккинчиси, ишимни шоҳ Дорога ҳам кўрсатай, токи қандай паҳлавонни муносиб тақдирламаганини у билсин.

Шундан сўнг яккама-якка жанг бошланади. Борик Барбарий кетма-кет Доронинг тўққиз паҳлавонини енгиб, енгилганнинг бўйнига сиртмоқ солиб, Искандарнинг олдига олиб боради. Охири Доро қўшинидан жангга ҳеч ким чиқмай қўяди. Шунда Доро ғазаб билан “Кимдир чиқсин!” деб буюради. Мағриб диёридан келган бир паҳлавон чиқиб Борик Барбарий билан олишади. Тўққиз киши билан кетма-кет жанг қилиб чарчаб қолгани учун Борик Барбарий ундан енгилади. Мағриблик паҳлавон Борик Барбарийни отига ўнгариб, Доронинг олдига ҳам олиб бормайди, лашкарнинг ичига қайтиб ҳам кирмайди. Балки, уни олиб ўз ватани Мағрибга қараб жўнайди.

Бу воқеадан Доронинг яна бир хатоси билинади. Ўзи учун жонини фидо қиладиган садоқатли аскарларнинг қадрига етмай, улар марҳамат сўраганда марҳамат қилмай жазолаши бу садоқатли аскарларнинг Дородан безиб, унинг душмани томонга ўтиб кетишига сабаб бўлганлиги. Бу ўринда яна бир эътибор қилиш лозим бўлган жиҳат Борик Барбарийни енгган паҳлавоннинг уни Доронинг олдига бўйнидан боғлаб олиб бормаганлиги. Одатда яккама-якка жангда рақибини енгган паҳлавон агар уни ўлдириб қўймаган бўлса, унинг бўйнига сиртмоқ солиб, ўз ҳукмдорининг олдига олиб боради. Бу ғолиб паҳлавоннинг ўз ҳукмдорига садоқати аломати бўлади. Яъни мағлуб жангчининг тақдирини ўз ҳукмдорига ҳавола қилади. Борик Барбарий ўзи мағлуб этган тўққиз жангчининг барчасини бўйнига сиртмоқ солиб Искандарнинг олдига олиб боради. Бу билан у ўзининг Искандарга садоқатини изҳор қилади ва ўзига Искандар тарафидан етган инъом-эҳсонларни оқлаганини билдиради.

Доронинг паҳлавони эса Борик Барбарийни енггач, уни Доронинг олдига олиб бормайди. Бу воқеа иккита тахминни илгари суришга имкон беради. Биринчиси, Доронинг паҳлавони тўққизта жангчи билан олишиб, ҳолдан тойган Борик Барбарийни енганидан ўзи хижолат чеккан ва агар Доронинг олдига олиб борса-ю, уни шоҳ ўлдиришга буюрса, ўлди-

ришга мажбур бўлар эди. У эса Бориқ Барбарийни ўлдиришни хоҳламаганлиги. Иккинчиси эса, бу паҳлавоннинг илгари, ҳали Бориқ Барбарий Доронинг хизматида юрганда у билан дўст бўлганлиги эҳтимоли. Шунингдек, бу паҳлавоннинг ҳам Дородан норозилиги бўлиши мумкинлиги.

Алишер Навоийнинг Доро образини тасвирлашдаги буюк маҳорати шундаки, у Дорони ҳеч қандай айб билан айбламайди, ёки мақтамайди. Воқеалар жараёнида биз Доронинг – дунёни эгаллаб турган буюк ҳукмдорнинг хатоларини, камчиликларини билиб оламиз. “Садди Искандарий” достонидаги Бориқ Барбарий воқеаси ҳам ана шундай тасаввур берувчи муҳим ўринлардан биридир.

Тарихдан маълумки, баъзи катта ҳукмдорлар узоқ вақт ҳукмронлик қилгандан кейин, атрофдагилар уларнинг хоҳишларига зид фикрни айтмай қўйгандан сўнг ўзларининг манфаатларига тўғри келмайдиган ҳар қандай гапни қабул қилмайдиган бўлиб қолади. Подшоҳлик эса атрофдаги аъёнлар, вазирлар ва маслаҳатчилар билан доимо маслаҳатлашиб иш тутишни тақозо қилади. Доро ҳам салтанати ҳудудлари кенгайиб, куч-қудрати бениҳоя ортиб кетгандан сўнг мана шундай тасаввурга бориб қолади. Мана шу нарса уни ҳалокатга етакловчи асосий омил бўлди.

Достондаги Доро билан боғлиқ яна бир муҳим воқеа унинг аъёнларидан икки кишининг Искандарга махфий нома ёзиб жўнатишларидир. Бу икки аъёнга Доро қаттиқ зулм қилган ва уларнинг кўнглида Дорога нисбатан кучли адоват пайдо бўлган эди. Шунингдек, Доро агар Искандарни енгса, у иккаласини қатл этишни кўнглига туккан эди. Икковлари Доронинг бу режасидан хабардор бўлиб, ундан олдинроқ ҳаракат қилиб қолмоқчи, яъни жанг кучайган вақтда Дорога суиқасд қилиб уни ўлдирмоқчи бўлишади. Бу икковининг шу мақсадда ёзган махфий мактубини чопар Искандарга олиб келади. Искандар уни ўқиб кўриб, қандай қарор қабул қилиш устида фикр юритади. У бу мактуб фириб бўлиши ҳам, рост бўлиши ҳам мумкинлигини ўйлайди. Охири мактубга ҳеч қандай жавоб бермаслик тўғрироқдир, деган хулосага келади. Бу тўғри қарор эди.

Ўзидан жабр кўрган одамларни, бунинг устига ўлим хавфи билан қўрқитилган одамларни шундай қалтис, таҳликали ва оғир кунда ўзига яқин жойда туришга имкон берганлиги Доронинг учинчи хатосидир. Эртасига жанг қизиган пайтда бу икки хиёнаткор икки томондан Дорога ҳужум қилиб, бири унинг биқинига, иккинчиси эса бошига ханжар уради. Шоҳнинг ярадор бўлгани қўшинга маълум бўлгач, қўшин сафида парокандалик бошланади ва Доро лашкари мағлуб бўлади.

Доро ярадор бўлиб, қонига беланиб ётганда Искандар унинг ёнига келади ва унинг бошини ўз бағрига олиб кўз ёш тўкади. Дарҳақиқат, бир лаҳза олдин дунёга ҳукмдор бўлиб турган буюк подшоҳни бундай ҳолатда кўриш Искандар учун ниҳоятда оғир эди.

Доро ва Искандарнинг, икки буюк ҳукмдорнинг мана шу ҳолатдаги мулоқотини достоннинг кульминацияси дейиш мумкин. Бу лавҳа Навоий тили билан ниҳоятда таъсирли ва гўзал қилиб тасвирланади. Доро ўлими олдидан ўз хатоларини англайди ва Искандарга ўша машҳур учта васиятини қилиб оламдан кўз юмади.

“Садди Искандарий” достонидаги шоҳ Доро билан боғлиқ воқеалар жараёнида биз унинг ҳукмдорга ярашмайдиган учта катта хатосини кўрдик:

Искандар ҳузурига жўнатган биринчи элчисининг рост гапига ишонмай, унга ғазаб қилиб зиндонга солиши.

Ўзига сидқидилдан хизмат қилиб, жонини фидо қилишга ҳам тайёр бўлган содиқ жангчисини муносиб тақдирламагани. Ҳатто у ўз эҳтиёжини подшоҳга изҳор қилганда ҳам эътибор бермагани, у паҳлавон эса шоҳдан ноумид бўлиб, кетишга рухсат сўраганида қаҳрланиб, уни таёқ билан жазолаши.

Ўзидан жабр-зулм кўрган катта лавозимдаги аъёнларни узоқроқ тутмай, уларнинг ўзига яқин масофада туришларига имконият бериши.

Шунингдек, Искандар Доро устидан ғалаба қозонгач, унинг учта васиятини бажаради, яъни унга суиқасд қилган иккита аъёнини дорга осиб ўлдиради, Доронинг қариндош-уруғларидан ҳеч кимни ўлдирмайди ва унинг қизи Равшанакка уйланади. Бундан ташқари Искандар Доронинг қўшинига жар солиб маълум қиладики, ким Доро тирик пайтида қанча маош олган бўлса, келиб маълум қилсин ва маошини тўлиқ олсин. Шунда маълум бўладики, Доро қўшиндаги аскарларнинг белгиланган маошининг ярмини берар экан:

Дедилар бу ҳам буйла воқеъ эмиш
Ки, ҳар бир неча қатла рожеъ эмиш.
Улусқа басе ранжу таклиф ўлуб,
Кирар эрмиш ул қўлға тансиф ўлуб. [Навоий 1993 (11): 208]

(Искандар суриштирганда яна маълум бўлдики, қўшинга жуда оғирлик тушган, яъни Доро аскарларнинг маошининг ярмини берар экан).

Искандар буни билгач, шундай фармон беради:

“Ки: “Гар расм Дорога тансифдур,
Вале бизга ул расм тазъифдур.
Музоаф, – дедиким: – Беринг ганждин”
Ки эл тинди буткаргали ранждин. [Навоий 1993 (11): 209]

(Агар Доро аскарларга маошининг ярмини берган бўлса, биз уларнинг ҳаққини тўлиқ берамиз ва яна икки баробар қилиб берамиз. Шу билан элнинг ранжи-машаққати ҳам тугади). Яъни Искандар аскарларга Доро берган ҳаққа қараганда тўрт баробар кўп ҳақ беради.

Алишер Навоийнинг ўзи мамлакат ҳукмдорига яқин бўлганлиги, жамиятнинг энг олий табақасига мансуб бўлган кишилар орасидаги муносабатларда бевосита иштирок этганлиги унинг асарларидаги шоҳлар, шаҳзодалар, маликалар ва бошқа катта мавқега эга шахслар билан боғлиқ лавҳаларнинг ниҳоятда мукаммал ва ишонарли чиққанлигининг омилларидан биридир. “Садди Искандарий” достонида воқеалар, аксарият ҳукмдорларнинг ўзаро муносабатлари, зиддиятлари, жангу жадаллари тасвири билан кечади. Айнан шу достонда Навоийнинг ўзи мансуб бўлган жамиятнинг юқори қатлами хусусидаги ҳикматли хулосалари жамъ бўлган.

Достондаги Доро ва Искандар муносабатлари ёритилган ўринлар ниҳоясига етгач, 28-бобдан Навоийнинг ҳукмдорлик, юртни бошқариш ҳақидаги фалсафий фикрлари ўрин олган. Шоҳлик қиладиган киши ҳар кимни ўз мартабасига яраша ўринга қўйиши лозимлигини таъкидлар экан, мартабаси улуғ одамни паст ўринга қўйиб, паст даражадаги кишини юқорига чиқариб қўйиш жуда катта айб эканини айтади. Навоий бу мазмунни ифодалаш

учун жуда чиройли ўхшатишлар, мисоллар келтиради. Кишиларни муносиб ўринларга қўя олмасликни отнинг охурига суяк солиб, итнинг идишига сомон солишга ўхшатади. Бўрини қўзи билан боққан киши ўз бошига балони тилаб олгандир. Илонни меҳрибонлик билан парвариш қилиб, ўз қўйнига солган одам оқибатда ўша илоннинг чақишидан ҳалок бўлишини айтади. Лекин ҳамма одамлар кўринишда бир хил бўлишини, уларнинг қобилият ва истеъдодларини, садоқат ва хиёнатларини аниқлаш учун ҳукмдор ўта зийрак бўлиши лозимлигини таъкидлайди:

Вале шаҳға нури фаросат керак,
Шуносолиғ ичра каёсат керак.
Ки, кимсондин олтунни фарқ айлагай,
Қизил тобадин кунни фарқ айлагай. [Навоий 1993 (11): 196]

(Лекин шоҳга фаросат нури керак, одам танишда ўта зийраклик керак. Токи мисдан олтинни, қизиган темирдан қуёшни фарқласин).

Достонда Султон Абу Саид Мирзо ҳақида

Ҳукмдорлик ҳақидаги Навоийнинг фалсафий фикрлари баён этилган ушбу бобдан кейин, 29-бобда қудратли темурий ҳукмдор Султон Абу Саид Кўрагон билан боғлиқ воқеа келтирилади. Ўша давр қоидасига кўра, Навоий марҳум ҳукмдор Султон Абу Саиднинг яхши фазилатларини бирма-бир санаб ўтади, ўша даврдаги энг қудратли ҳукмдор бўлганлигини, буюк Амир Темур давлатининг жуда катта қисмини қўл остида бирлаштирганини эътироф қилади. Лекин бу ҳукмдорнинг жиддий бир айби борлигини айтади:

Ҳунар кўп бериб олимул ғайб анга,
Вале бор эди бир ажиб айб анга.
Ки махзан йиғарға солиб майлини,
Тутар эди танқис ила хайлини.
Ул андешадин кўнгли хурсанд эди,
Сипаҳ шоҳдин норизоманд эди. [Навоий 1993 (11): 199]

(Ғайбларни билгувчи (Аллоҳ) бу ҳукмдорга кўп фазилатлар ато этган бўлса ҳам, лекин унинг бир катта айби бор эди. У мол-дунё тўплашга ишқибоз бўлиб, қўл остидагиларнинг маошини вақтида бермас, шунинг учун лашкари ундан норози эди).

Бундан ташқари Абу Саид Мирзо қўл остидаги одамларни кичкина айблари учун ҳам қаттиқ жазолар, ўлимга лойиқ бўлмаган айблари учун эса ўлимга ҳукм қилар эди. Мана шу ўлдирилган одамларнинг фарзандлари эса унинг қўл остида хизмат қилар эдилар. Отасини ўлдирган ҳукмдорнинг қўли остида хизмат қилаётган аскарнинг ёки амалдорнинг садоқатига ишониб бўлармиди? Султон Абу Саиднинг бундай шафқатсизлиги ҳақида ҳам ўша даврга оид тарих китобларида маълумотлар учрайди. Масалан, Алишер Навоийнинг иккита тоғасини, Муҳаммад Солиҳ исмли шоирнинг отаси, Хоразмда Султон Абу Саиднинг ноиби бўлган Нур Саидбекни арзимаган айби учун ўлимга ҳукм қилган [Муҳаммад Солиҳ 1989: 6].

Мана шундай одатлари туфайли Абу Саид Мирзонинг атрофидаги одамлардан кўпчилиги ундан норози бўлган. Лекин унинг қаттиқ сиёсатидан қўрқиб, ўз норозиликларини изҳор қилмаган. Шунинг учун Озарбайжонга ҳарбий юриш қилган вақтида, Муғон даштида бўлган қаттиқ жангда Абу Саиднинг яқин кишиларидан кўпчилиги душман томонга ўтиб кетади. Натижада Султон Абу Саид мағлуб бўлиб, душманга асир тушади ва қатл қилинади.

Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида Искандар ва Доро ҳикоясидан кейин Султон Абу Саид воқеасини зикр қилиб ўтиши бежиз эмас. Достондаги Доро ва ҳаётдаги Султон Абу Саид тақдирида кўп умумий ўхшаш жиҳатлари бор. Иккови ҳам шавкатли, улуғ подшолар бўлган. Узоқ йиллар салтанат тахтига ўтирган. Лекин одамларга сиёсат масаласида жиддий хатоларга йўл қўйишган. Оқибатда эса бу нарса атрофдаги одамларининг хиёнатига сабаб бўлган ва улар ҳалокатга учраган.

Алишер Навоийнинг ўзи Султон Абу Саидни кўрган, билган, ҳатто унинг қаттиққўл сиёсати натижасида Ҳиротдан Самарқандга сургун ҳам қилинган. Шунинг учун Навоий шоҳ Доро образини яратишда Султон Абу Саиднинг табиатидаги кўп жиҳатларини олган, дейиш мумкин.

Чин ҳоқонининг тўғри қарори

"Садди Искандарий" достонидаги ёркин образлардан яна бири Чин ҳоқони образидир. Искандар Дорони енгиб куч-қудрати бениҳоя ортгач, Ер юзидаги барча подшоҳларга ўзига итоат этишни ва муносиб совға-саломлар билан ўз ҳузурига келишни ёки ўғли-инисини жўнатишни талаб қилиб номалар жўнатади. Барча подшоҳлар унинг таклифини қабул қилиб, ҳузурига келадилар. Фақат учта ҳукмдор унинг таклифини қабул қилмайди. Кашмир юрти ҳукмдори Маллу ибн Мабок ўзининг мустаҳкам қалъаларига ва кучли сеҳргарларига ишониб Искандарнинг таклифига зид жавоб бериб, у билан жанг қилишга тайёрлигини айтади.

Ҳиндистон ройи (ҳукмдори) ҳам Искандар ҳузурига боришдан узр айтади. Унинг узрининг сабаби шу эдики, у Дорога тўлиқ тобе бўлиб, Доро Искандарга қарши юришга уни ҳам чақирган вақтда, Рой Ҳинд халқидан икки йиллик хирожни олдиндан олиб, қўшин йиғишга сарфлаган эди. Доро енгилгач, у ҳам қўшинини олиб ўз юртига равона бўлган ва саҳрода адашиб, қўшиннинг ўндан тўққиз қисми ҳалок бўлганди. Қўшиннинг омон қолган қисми билан Ҳиндистонга келганда, юрт хароб бўлган, халқ қашшоқликнинг охирги ҳаддига етганди. Мана шу ҳолатда унга Искандарнинг мактуби етиб боради. Рой мактубни ўқигач, бундай қашшоқ юртдан Искандарга лойиқ хирож йиғиб бўлмаслигини, агар Искандар икки-уч йил муҳлат берса, юрт ўнгланса, албатта хирож йиғиб боришга рухсат беришини сўрайди.

Искандарнинг таклифини қабул қилмаган учинчи ҳукмдор Чин ҳоқони эди. У ўзининг Искандарга тобе бўлмаслигини шундай изоҳлайди: "Доро ҳар қанча улуғ подшоҳ бўлса-да мен билан тенг даражада муносабат қилар, мен унга тобелик қилмасдим. "Чин ҳоқони ҳузуримга келсин!" деган сўз мен учун ҳақоратдир. Искандар ёшлиги туфайли шундай гапни айтгандир. Агар у Дорога ўхшаб менга дўстлик таклиф қилса, албатта йўқ демайман. Агар у сўзида қаттиқ туриб, итоат қилишни талаб этса, унда мен ҳам жанг қилишга мажбур бўламан!" [Навоий 1993 (11): 221].

Искандарга итоат қилмаган бу уч подшоҳнинг элчилари келганда қиш фасли яқинлашиб қолган эди. Шунинг учун Искандар қишда юришга чиқишни маъқул кўрмай, Қорабоғда

қишни ўтказади. Сўнг Кашмир мамлакатига, Маллу ибн Мабок устига юриш бошлайди. Маллуни енгиб, Маллунинг ўғли Ферузни Кашмирга ҳукмдор қилиб тайинлаб, Ҳиндистон ройи устига юриш бошлайди. Рой бир гуруҳ ҳурматли кишиларни Искандарнинг ҳузурига ўз гуноҳини сўраб олиш учун жўнатади. Искандар уларнинг шафеълигини қабул қилиб ройни афв этади. У жамоат рой ҳузурига бориб Искандар уни афв этганининг хабарини берадилар. Рой яна ўша жамоат билан бирга Искандар ҳузурига бўйнини эгиб келади. Искандар уни ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олади. Искандар бир муддат Ҳинд диёрида истироҳат қилиб, қўшинга дам беради. Сўнг бутун қўшин Чин ҳоқони устига юриш бошлайди. Чин ҳоқони ҳам Искандарнинг Ҳинд диёридан ўзининг устига юриш қилишини билгани учун ҳад-ҳисобсиз қўшин йиғиб тайёрланиб турган эди. Лекин ҳоқон ишни сулҳ билан битиришга ҳаракат қилди. Ақлли, тадбирли бир элчини Искандарнинг олдига юборди. Элчи Искандарнинг ҳузурига келиб, унинг қўшинининг улканлигини кўриб, ҳайратда қолади. Элчининг довдираганини кўриб Искандар яна ўзини бошқа биров билан гаплашаётган қилиб кўрсатди. Элчи сал ўзини босиб олгач, Искандар ундан келишидан мақсад нима эканини сўради. Элчи ўз ҳукмдори ўргатган гапларни айтади: “Сенинг бу мамлакатга киришингдан мақсад нима эди? Орамизда бир адоват юз бергани йўқ. Сенинг элчинг келиб оғир сўзларни бизга айтди, биз уни тинглаб, тирик ҳолида қайтариб юбордик. Сен: “Доро кетди, тахту тож менга қолди. Ҳоқон хирож олиб менинг ҳузуримга келсин!” дединг. Мен эса Доро билан дўст эдим. Унга хирож тўламасдим, деб айтдим. Агар сен ҳам дўстлик таклиф қилсанг, розиман. Агар сен бошқа нарсани талаб қилсанг, унда мен сен билан жанг қилишга мажбурман, деб айтдим. Менинг лашкаримнинг ҳам сон-саноғи йўқ. Киши ватани ва оиласи ҳимояси учун жонини тикиб жанг қилади. Лекин икки шоҳ жанг қилган вақтда ғалаба ким томонда бўлиши маълум эмас. Шунинг учун ишни жангсиз битирган яхшироқ, деган гапларни айтади элчи. Шу сўзларни айтиб бўлгач, жавоб кутиб кўзини ерга тикиб туради.

Искандар элчи орқали айтилган ҳоқоннинг сўзларини эшитиб табассум қилади ва шундай жавоб беради: “Чин ҳоқонининг мени Доро билан тенг тутгани жуда катта хатодир. Агар шоҳликда мулк эътиборли бўлса, менинг мамлакатим Доронинг давлатига икки баробар келади. Агар шижоат эътиборли бўлса, Доронинг аҳволи нима бўлганини ҳоқон жуда яхши билади. Ваҳоланки, Дорога қарши юриш қилганимда Доро қўшинининг ўндан бирича ҳам қўшиним йўқ эди. Шу ҳолда мен Дорони енгдим. Аллоҳ менга ғалабани ато қилди. Агар менинг бу сўзларимни ҳоқон қабул қилса, орада ўтган носоз гапларни унутамиз. Менинг буйруғимга мутеъ бўлиб келса, имконим борича мен ҳам унинг риоясини қиламан. Айтганларимга кўнмаса, унда ҳар ким тақдирида борини кўради”.

Элчи ҳоқон олдига келиб, Искандарнинг ҳузурида кўрганларини ва ундан эшитган гапларини ҳукмдорига битта қолдирмай етказади. Ҳоқон англайдики, Искандар у гумон қилганидан бутунлай бошқача подшоҳ. Энди унга элчи юборишдан ҳам фойда йўқлигини тушунди. Шунинг учун жиддий равишда жангга тайёргарлик кўра бошлайди. Унинг қўшинида тўққиз юз минг камончи бор эди. Ҳоқон бутун қўшини билан шаҳардан ташқари чиқиб, Искандарнинг келишини кутади. Искандарнинг қўшини кўринади. Ҳоқон лашкари ичига ваҳима тушади.

Шунда ҳоқоннинг мулозимлари ўз ораларида Искандар борасидаги фикрларини айта бошлайдилар: “Бу Искандарнинг юраги қоплондек, шукуҳи шердек экан. Дородай шоҳни мағлуб қилди. Бизда Дородаги қувват ҳам йўқ. Бундай шоҳ билан жангга киришмаган маъ-

қул. Агар улуғларни шафеъ қилиб ҳоқон унга итоат қилса, маъқул иш бўларди. Унга итоат қилиб, хирожни қабул қилиш энг яхши иш бўларди. Ҳоқоннинг ўзига тахтни топширарди. Мана, Маллу қанчалик ёмон иш қилган бўлса ҳам, унинг ўғли Ферузга отасининг тахтини берди. Ҳинд ройини ҳам тахтда қолдирди. Ҳоқон унинг олдига итоат қилиб бориши энг тўғри йўл бўлар эди. Бу ишдан бошқа ишни қилса, кейинги пушаймонлиги фойда бермайди" [Навоий 1993 (11): 338].

Ҳоқоннинг яқин одамларидан бири хилватда қўшин орасидаги бу гапларни унга етказади. Шунда ҳоқон чуқур ўйга ботади ва саҳаргача нима қилиш хусусида бош қотиради. Саҳарга яқин кўнглига бир иш қилиш келади. Бу ниҳоятда қалтис иш эди. У Искандарнинг олдига элчи қиёфасида ўзи боришга аҳд қилади. Саҳар вақти мана шу маҳрамини бу ишдан хабардор қилиб: "Саропарда (подшонинг қароргоҳи) атрофидан ҳаммани кетказ. Одамларга: "Бугун подшо ҳеч кимни кўрмайди", деб хабар қил. Агар кечгача келсам, келдим. Агар келмасам, ўзинг хоҳлаган ишни қил", деб тайинлайди ва Искандар ҳузурига маҳрамидан бошқа ҳеч кимга билдирмай, элчи кийимида жўнайди.

Искандарга ҳоқон ҳузуридан элчи келганлиги ҳақида хабар беришади. Искандар шундай дейди: "Бугун туш кўрибман. Тушимда мен қуёшдек нурли эдим. Ёнимда яна бир қуёш пайдо бўлди ва келиб менинг олдимга бош қўйди. Ҳеч ким бундай икки қуёшни кўрмаган. Бу тушимнинг хайрли эканлиги шу элчининг келишидан нишонадир. Элчини ёнимга киритинглар", дейди. Элчини Искандар жуда яхши кутиб олади. Унинг ёнига бориб, уни қучоқлаб кўришади. Элчи ҳам жуда юксак одоб билан таъзим бажо келтиради. Искандар унга сўзлашга рухсат беради. Шунда элчи: "Менинг ҳоқоним, яъни ҳоқони Чин Сизга бир сўз айтишни топширди. Фақат бу сўзни Сизнинг ўзингизгагина айтишни, мулозимларингиздан бирортаси бу сўзимни эшитмаслигини тайинлади. Шунга имконият берсангиз сўзимни айтишни, имконият бермасангиз, ҳеч нарса демай, ортимга қайтишимни буюрди. Агар сени ёлланган қотил деб ўйласалар, оёқ-қўлингни боғлаб, Искандарнинг қўлига қилич бериб, ёлғиз қолдирсинлар, деб айтди" дейди. Бу жуда қизиқ шартни эшитиб Искандар ҳам, унинг аъёнлари ҳам ҳайрон қолишади. Искандар мулозимларига ўзини элчи билан ёлғиз қолдиришни буюради. Лекин мулозимлар кўнмайди. Кейин элчининг оёқ-қўлига банд солиб, Искандарнинг қўлига қилич бериб, икковларини ёлғиз қолдиришади.

Икковлари ёлғиз қолишгач, элчи ўзининг Чин ҳоқони эканлигини айтади. Искандар бундан ҳайратга тушади ва ундан нима учун бундай қалтис ишга қўл урганлигини сўрайди. Ҳоқон унинг саволига шундай жавоб беради: "Менинг бошимга мушкул иш тушган, бу мушкулнинг иложи сенинг олдингга ўзимнинг келишим эди. Шу билан бирга сенинг ақлли ва кўнгли равшан одам эканлигингдан умидим бор эди. Сенга хилоф қилиб жанг қилганлар охирида узр айтганларида ҳам қабул қилдинг. Қилган ишларингга эътимод этиб, менга илтифот билан муомала қилишингни умид қилиб даргоҳингга келдим", дейди. [Навоий (11): 346].

Шунда Искандар унинг сўзларидан ҳайратга тушади ва: "Эй ҳоқон, бу қароринг энг тўғри иш бўлди. Яна нима махфий сўзинг бўлса, айт!" деб хитоб қилади. Ҳоқон Искандарга тобе бўлишга розилигини, баъзи шартлари борлигини айтади. Искандар унинг барча шартларини қабул қилади. Шу билан икки ўртада сулҳ тузилади ва ҳоқон ўз қароргоҳига қайтиб кетади.

Хулоса

“Садди Искандарий” достонидаги Искандар ва унга тобеликка рози бўлмаган подшоҳлар ўртасидаги зиддиятлар тасвирида биз бир хил мақомдаги кишиларнинг бир хил вазиятларда турлича қарорлар қабул қилганлигини кузатамиз. Алишер Навоий бу зиддиятларни юксак бадиий маҳорат билан воқеликка зид келмаган ҳолатда тасвирлайди. Бу ҳолатларнинг бирортасида биз сунъийликни, зўрма-зўракиликни кўрмаймиз. Воқеалар ривожи табиий ҳолатда давом этади, қаҳрамонлар руҳий ҳолатлари тасвири ҳам жуда юксак бадиий маҳорат билан очиб берилади. Достондаги воқеалардан биз инсон табиатининг ниҳоятда хилма-хиллигини, унинг ички дунёси ниҳоятда мураккаблигини, қалтис вазиятларда қандай қарорлар қабул қилишини мароқ билан кузатамиз.

Адабиётлар:

Алишер Навоий. Садди Искандарий. / Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн биринчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси “Фан” нашриёти, 1993.

Алишер Навоий. / Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. Ўн олтинчи жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси “Фан” нашриёти, 2000.

Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.

Эркинов А.С. Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида) Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1990.

Қаюмов А. “Садди Искандарий”. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

Алишер Навоий “Хамса”си (Мақолалар тўплами): Тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1970.

Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985.

“...СЕН ЭРДИНГ ҚУЁШ...”
(Алишер Навоийнинг бир наът ғазали таҳлии)

Абдумурод ТИЛАВОВ

Ҳазрати Навоий мазкур ғазалнинг матласида Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга мурожаат қилиб айтадиларки, Ё Расулаллоҳ, Наққоши азал, яъни Аллоҳ таоло Сизнинг жамолингизни шу даражада гўзал, мукаммал, дилбар қилиб яратганки, уни таърифлаш борасида тил билан кўнгил талашиб қолаётир:

На янглиғ айлади тасвир оразинг Наққош –
Ки, наътинг айғали айлар кўнгул тил ила талош.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Пайғамбаримизни яратилмишларнинг энг гўзали этиб яратди. Сийрат, яъни Ул зотнинг ташқи кўринишлари, ахлоқ-одоблари мавзуида ёзилган китобларда бунга доир ибратли лавҳалар бор.

Улуғ ватандошимиз Алихонтўра Соғуний ҳазратлари “Тарихи Муҳаммадия” китобларининг муқаддимасида ёзадилар: “Мақташ ва улуғлашга чексиз қудратли Аллоҳ лойиқдурким, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам нурини халқ этиб (яратиб) анинг туфайлидин барча оламни яратди. Оламни яратишдан мақсади одамни яратиш эди. Мунинг ҳикмати эрса, олам халқига Ўзини танитиб, амр-наҳйини аларга билдириш эди. Шунинг учун инсонлар орасида алардан улуғ руҳлик, пок зотлик бир гуруҳ кишилар яратиб, Ўзи ила бандалари орасида ялавочлик (пайғамбарлик) вазифасини аларга топширди. Буларнинг энг аввали ҳамма инсонларнинг отаси, Отамиз ҳазрат Одам Сафиюллоҳдир.

Ҳаммаларидан афзали, энг охири хотамул-анбиё (Пайғамбарларнинг энг сўнггиси) Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам эрурлар” (“Тарихи Муҳаммадий”. Алихонтўра Соғуний. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2018. – Б. 12.)

Ушбу мавзудаги тарихий манбаларда ёзилишича, Расули акрам ўрта бўйдан новчароқ, гавдали, бақувват, хушбичим бир инсон бўлганлар. Терилари юмшоқ, вужудлари буғдойранг – оқ, киприклари қора ва узун, кўзлари қора ва каттароқ, икки қошларининг ораси очиқ, бироқ бир-бирига яқин. Соқоллари қалин ва узун. Катта бошли, ҳилол қошли эдилар. Пешоналари катта, бурунлари текис, кўкраклари кенг эди. Қоринлари билан кўкраклари бир текис эди. Семиз ҳам, орик ҳам эмасдилар. Тиғиз этли эдилар. Қадамлари ясси эмас, чуқур эди. Кўзлари узоқни кўрар, қулоқлари узоқдан овоз оларди. Оғизлари ўртачадан каттароқ бўлиб, тишлари зич жойлашган эди. Елкалари этли, елка суяклари энли эди.

Хуллас, бошқа пайғамбарлар каби аъзолари соғлом ва мукаммал эди. Гўзал юзли ва гўзал вужудли эдилар. Тишлари инжу каби порлар, гапираётганда гўё тишларидан нур сочилар, кулаётганларида оғизлари бир латиф чақмоқ каби зиё таратиб очилар эди. Бундай комил васфларга эга Зотнинг таърифини баён этиш учун кўнгил ва тилнинг талашиб – тортишиши табиийдир.

Бироқ Ҳазрат Навоий бу байт орқали ўқувчининг диққатини наътнинг сабабчиси бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломнинг ботиний оразларига – юксак ахлоқларига қаратмоқда-

лар. Зеро, бу ҳақиқат илоҳий Каломда Наққоши Азал – Аллоҳ таоло томонидан ҳам эслатилган: “(Эй Расулим!) Албатта, сиз улуғ хулқ соҳибидирсиз” (Қалам сураси, 4-оят).

Пайғамбаримиз атрофидагиларга чексиз ҳурмат-эҳтиромли эдилар. Шу қадар дона-дона гапирардиларки, эшитаётганлар у зотнинг сўзларини ёдлай оларди.

Виқорли ва мутавозе бўлганлар. Қўпол эмасдилар. Очиқ юзли, ширин сўзли бўлганлар. Ҳеч кимга ёмон сўз сўзламаганлар, ҳеч кимга қўпол муомала қилмаганлар. Саҳобалардан ҳазрат Анас қуйидагиларни эътироф этади: “Ўн йил Расули акрамнинг хизматларида бўлдим. Менга бир марта бўлсин “Уф!” деганларини эшитмадим”.

Ҳазрати Алишер Навоийнинг ҳаётлари, ахлоқларига назар солсак, ана шу набавий ахлоқдан улгу – намуна олганлари, Қуръони каримдаги: “(Эй мўминлар), сизлар учун – Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбарида (имон-эътиқод ва хулқ-атворида) гўзал намуна бордир” (“Азҳоб” сураси, 21-оят мазмуни) илоҳий тавсияга ихлос билан амал қилганлари аён бўлади. Хондамирнинг “Макоримул-ахлоқ” асарида фикримизни тасдиқловчи мисоллар, ибратли воқеалар бор.

Кўюнгда ўлса супурги мижах тонг эрмаским,
Йўлингда шаҳпар ила Жаброил эди фаррош.

Эй Аллоҳнинг Расули,Сизнинг йўлларингизни кипригим билан супурсам, ҳеч ажабланарли эмас, чунки Жаброил алайҳиссаломдек улуғ фаришта йўлингизни супуриб юрар эди.

Маълумки, Жаброил алайҳиссалом Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларини йигирма уч йил давомида Пайғамбаримизга етказиш билан вазифалантирилган, бошқа бир ифода билан Аллоҳ ва Унинг расули ўртасида элчилик қилган фаришта эди. Пайғамбаримиздаги юксак одоб-ахлоқ, айниқса, сабр-матонатларига Жаброил алайҳиссалом бевосита гувоҳ; энг оғир дамларда Ул зотга ҳамдам, ҳамдард бўлди. “Тарихи Муҳаммадий”да ўқиймиз: “Расулуллоҳга пайғамбарлик ваҳийи келгандин сўнгра ўн уч йил Макка шаҳрида туриб, халқни динга даъват қилдилар. Шу муддат ичида Қурайш кофирлари қанча қатим мўъжизалар кўрган, Қуръон оятларини эшитган бўлсалар ҳам, яна имон келтирмадилар. Бу қаноғ улуғ насибадурки, Расулуллоҳнинг Қуръон қироатини бир йўлгина эшитган жинлар бу давлатга етдилар. Ва ҳам шу сафардин (Пайғамбаримиз тошбўрон қилинган Тоиф сафари назарда тутилмоқда – А.Т.) қайтишларида Жаброил алайҳиссалом Малакул жибол, яъни тамом тоғларнинг устида турган улуғ бир фаришта билан келиб, дедилар:

– Эй Муҳаммад, Аллоҳ таоло бизни сенинг фармонингга юборди. Сенинг буйруғинг билан иш қилгани келдик. Агар тилар эрсанг, сенга қаршилик кўрсатган икки шаҳар устига икки тоғни ташлагаймиз.

Анда Расулуллоҳ шу дуони ўқидилар:

“Аллоҳумма иҳди қавмий фаиннаҳум лаа яъламуун”.

Маъноси: “Эй Бори Худоё! Ўзинг бу халқни тўғри йўлга солгин, аларга бало юбормагил, Сенга қаршилик қилган бўлсалар, билмасликдан қилдилар (Уларнинг гуноҳларини кечиргайсан)”.

Расулуллоҳдин бу жавобни эшитганларидин сўнгра Жаброил алайҳиссалом:

– Эй Муҳаммад, сени Худойи таоло Қуръонда “Роуфур – раҳим” деб атамиш эди. Яъни “раҳмдил”, “юмшоқ кўнгил”. Энди сенда бу сифатларнинг борлигини кўрдик, Аллоҳнинг чин суйган Ҳабиби эмишсан, - деб Расулуллоҳга раҳматлар айтиб, ёндилар” (Кўрсатилган манба. – Б. 90-91).

Бундай юксак ахлоқ соҳиби, сабр намунаси бўлган Зотга Жаброил фариштанинг фаррош бўлмоғи, Навоий киприкларини супурги қилиб Ул зот юрган йўлларни супурмоққа орзумандлиги ажабланарли эмас.

Қамар юзи ёруғ ўлди юзунг шуойидин,
Ул оқшомики малоик эрди санга йўлдош.

Фариштa Сенга йўлдош – ҳамроҳ бўлган кечаси қамар – ой Сенинг юзингдан таралган нур туфайли янада ёришиб кетди.

Бу ва ғазалнинг кейинги икки байти Ислом тарихидаги Меърож ҳодисаси билан боғлиқ бўлгани, бу ҳодисанинг мазмун-моҳиятидан хабардор бўлмай мазкур байтнинг мазмун-моҳиятини англаш мушкуллигини инобатга олиб айрим изоҳ ва маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқдир.

Расули акрам ҳаётларининг энг хавотирли, оғир даврини ўтказаётган кунларнинг бирида Исро ва Меърож ҳодисаси рўй берди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даражалари юксалди. Энг олий мақомга етишдилар.

Қуръони каримда Исро бундай билдирилгандир: “(Аллоҳ) бир кеча Ўз бандаси (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни – унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжидул Ҳаромдан (Қуддусдаги) Масжидул Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок Зотдир. Дарҳақиқат, У эшитгувчи, кўргувчи Зотдир” (Исро сураси, 1-оят мазмуни).

Муаррих Жавдат Пошо бундай деб ёзади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу олами шуҳуднинг (коинотнинг) ташқарисига чиқарилдилар. Олдин у кишига бир неча илоҳий ҳақиқатлар кўрсатилди. Ҳақ таолонинг каломини эшитдилар. Ўша кечанинг ўзидаёқ уйларига қайтдилар. Эртасига бу ҳодисани одамларга сўзлаб бердилар” (Профессор Муҳаммад Зако Кўнрапа. Пайғамбаримиз ва Ислом дини. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2016. – Б. 146).

Қалб кўзи қорайганлар бу ҳодисани эшитиб, ҳайратга тушишди. Баъзилари Расули акрамга Масжидул Ақсо тўғрисида саволлар беришди. Тўғри жавоб олганлари ҳолда яна Пайғамбаримизга ишонишни исташмади.

Кейинги байтда Масжидул Ақсода ана шу сафар давомида юз берган муҳим бир воқеага ишора қилинади:

Паямбар аҳлиға Ақсодаким имом ўлдинг,
Алар кавокиб эрдилар, Сен эрдинг қуёш.

Яъни Қуддусдаги Масжидул Ақсода муқаддимин – аввал ўтган пайғамбарларга имом бўлиб намоз ўқидингиз. Намозда имом бўлганингизда гўёки Сиз қуёш эдингиз, Сизга эргашиб намоз ўқиган пайғамбарлар эса юлдузлар каби эдилар.

Муҳаддислар ривоят қилишларича, Пайғамбармиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуф-

тон намозидан сўнг аммалари Умми Хониъ бинти Абу Толибнинг уйида ухлаб ётганларида Исро, яъни кечанинг бир қисмида сайр қилиш; юқорига кўтарилиш ҳодисаси бошланди. Ўша кечаси Байтул Мақдисга Бурок номли ҳайвонга миниб бордилар. Сўнгра у ердаги катта харсангтош устида турганларида Меърожга кўтариладилар. Ҳозирда ўша тош устига қубба – гумбаз қурилган, сувратлари думалоқ бино шаклида бутун дунёга тарқатилган. Кўпчилик, билмасдан, уни Масжидул Ақсо деб тушунадилар.

"Тафсири Ҳилол"даги қуйидаги иқтибос Ҳазрат Навоий байтидаги лавҳанинг ҳақиқатлигини яна бир бор тасдиқлайди:

"Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар осмонда бир Пайғамбар ва кўплаб фаришталар ила кўришдилар. Шунингдек, жаннат ва жаҳаннамнинг ҳолини кўрдилар. Сидратул Мунтаҳога ўтиб, Аллоҳнинг малакут оламида кўпгина ажойиботларни кўрдилар. Ўшанда беш вақт намоз фарз қилинди. Сўнгра ортга қайтдилар. Бўлган воқеани борича Ул зотнинг ўзлари Умму Ҳониъга айтиб бердилар: "Пайғамбарлар тўпландилар, уларга намоз ўқиб бердим", дедилар (Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 398).

Фалаклар узра чиқиб, "уммато" дединг йиғлаб,
Отингни босқон изиға тасаддуқ ўлсун бош.

Ўша кеча Қуддусдан осмони фалакка кўтарилганингизда, етти осмоннинг ҳар бирида тўхтаб, икки ракатдан намоз ўқиб, умматингизнинг гуноҳини Аллоҳдан сўраб, йиғлаб дуо қилган эдингиз. Ё Расулуллоҳ, отингиз босган изига бу бошимиз тасаддуқ бўлсин.

Ҳазрат Навоий ушбу байтнинг биринчи мисрасида Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг биз умматларига нақадар меҳрибон зот бўлганлари, умматлари ғамида йиғлаб қайғурганликларини эслатмоқдалар.

Саҳиҳ ривоятларда Меърож кечасида аслида бир кунда эллик вақт намоз фарз қилингани, Пайғамбар алайҳиссалом, бу умматларига оғирлик қилишини айтгач, пировардида, беш вақтга келтирилгани нақл этилади.

Ҳатто вафотларидан олдин айтган "Вадоъ хутба"ларида бу васфлари янада яққол намоён бўлади:

"Эй инсонлар! Сўзларимни диққат билан эшитинг. Билмайман, балки бу йилдан кейин сиз билан бу ерда яна бирга бўлолмасман.

Асҳобим! Ҳушингизни йиғиб олинг! Билингизки, эртага Аллоҳга йўлиқасиз. Бугунги ҳар турли ҳол ва хатти-ҳаракатларингиздан муҳаққақ сўроққа тутиласиз. Зинҳор – базинҳор мендан кейин эски залолатларга қайтиб, бир-бирингизни ўлдирманг!

Эй Аллоҳнинг қуллари! Аллоҳдан қўрқишингизни, Унга итоат этишингизни васият қиламан..." (Профессор Муҳаммад Зако Кўнрапа. Кўрсатилган манба. – Б. 258).

Бу муборак насиҳат ва васиятларга башарият нақадар муҳтож! Балки Ул зот йиғиларининг боиси ўзларидан кейин умматларининг бу насиҳат ва васиятларига бепарволиклари, бунинг натижасидаги нохуш оқибатларини билганларимикин?!

"Отингни босқон изиға тасаддуқ ўлсун бош"

Бурок – арабча "ярқироқ" маъносида бўлиб, "барқ" сўзидан олинган. Ривоят қилишла-

рича, Бурок Муҳаммад алайҳиссаломни Каъба олдида келиб кутиб турган, аввалига у саркашлик қилган, Жаброил алайҳиссаломнинг даъватидан сўнг бўйсунган. Бурок бошқа пайғамбарларга, жумладан, Иброҳим алайҳиссалом ва Довуд алайҳиссаломга ҳам хизмат қилган. Бурок гоҳ от, гоҳо хачир шаклида, оқ рангли, бўйни чўзиқ, қулоқлари узун, оёқларида қаноти бўлган деб таърифланган.

Хориждаги илмий сафарларимиз давомида бир устознинг маърузасида ушбу сатрларни ёзиб олган эдик:

Келтирдилар Буроқни:
“Мингин! – деди эй Муҳаммад!”
“Минолмам, эй Жаброил,
Умматим минмагунча”.

Келтирдилар жаннатни –
“Киргин, – дедилар, Эй Муҳаммад!”
“Кирмайман, эй Жаброил,
Умматим кирмагунча”.

“Тасаддуқ бўлиш” – фидо бўлиш, хуллас, севги, садоқатни ифодаловчи тушунча. Ҳазрат Навоий ҳам Расулуллоҳга бўлган самимий севги, садоқатларини “Отингни босқон изига тасаддуқ ўлсун бош” дея изҳор қилмоқдалар.

Халқимизнинг машҳур, севикли шоирларидан бири Каттахўжа ўғли Ҳазиний қуйидаги сатрларини ёзар эканлар, ҳазрат Навоийдан илҳомланган бўлсалар не ажаб:

Назар сол осий умматга, тасаддуқ, ё Расулуллоҳ,
Ҳамиша кори ғафлатга, тасаддуқ, ё Расулуллоҳ,
Мани бошланг ҳидоятга, тасаддуқ, ё Расулуллоҳ,
Солинг дарёйи раҳматга, тасаддуқ, ё Расулуллоҳ...

Лаҳаддан бош кўтарганда ҳама во ҳасрато дерлар,
Қиёмат шиддатидинким ҳама вовайлато дерлар,
Ҳама умматларинг йиғлаб, яна ё Мустафо дерлар,
Қолур уммат хижолатга, тасаддуқ, ё Расулуллоҳ.

(Ҳазиний. Тасаддуқ, ё Расулуллоҳ! Нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳлар муаллифи: А. Мадаминов. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – Б. 33).

Бу жоҳу салтанатиким Санга берди Худо,
Ҳижозу, ғайри Ҳижоз ичра йўқ Санга ўхшош.

Дейилмоқчики, Аллоҳ таоло Сизга шундай мартаба берганки, Маккада ҳам, ундан бошқа жойда, хуллас, ер юзида Сизга тенг келадиган инсон топилмайди.

Аллоҳ таоло Ҳадиси Қудсийда Пайғамбаримизга қарата: “Сизни яратмаганимда бутун оламни, еру осмонларни яратмаган бўлур эдим”, дея марҳамат қилган.

Шу таърифнинг ўзиёқ Пайғамбаримизнинг Аллоҳ наздидаги мақом – мартабалари, да-

ражалари, эҳтиромларини кўрсатмоқда.

Аллоҳ таоло марҳамат қиладики: “Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга салавот айтурлар (У зотни мақтов ва илтифот ила ёд этурлар). Эй иймон келтирганлар! Сизлар ҳам у зотга салоту салом йўлланглар!” (Азҳоб, 56)

Улуғ ватандошимиз Фақиҳ Абул-Лайс Самарқандий, шунингдек, машҳур олим ва муфассирлар Исмоил Ҳаққий Бурсавий, Элмалили Қози Байзовийларнинг таъкидлашларича, салавот Аллоҳдан бўлса, бандаларига раҳмат, мағфират ва неъматдир; фаришталардан бўлса, истиғфорлари ва хизматлари билан ул зотга иззат-икром кўрсатмоқдир, умматларидан бўлса, дуо ва эъзозлашдир (Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадийя. Нашрга тайёрловчи: Мирзо Кенжабек. – Тошкент: Sharq, 2015. – Б. 292).

Халқимиз орасида анча машҳур ва кенг тарқалган “Мавлуди шариф”да шундай сатрлар бор:

Барча пайғамбарларни Тангрим номи бирлан чорлади,
“Ё Набий!” деб чорлади сизни Худо, хуш келдингиз!

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳнинг хабар беришича, Набиййи акрам жанобимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни бундай дедилар:

“Мендан аввал ҳеч кимсага берилмаган беш нарса менга эҳсон этилди:

1. Бир ойлик йўлдан душманларимнинг дилига қўрқув солиш фазилати берилди.

2. Бутун ер юзи менга намозгоҳ қилиб берилди. Шунинг учун умматимдан бирига намоз вақти кирса, дарҳол ўша жойда намозини ўқиб олсин.

3. Ўлжалар менга ҳалол қилинди. Ҳолбуки, мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинмаган эди.

4. Менга шафоат ҳаққи берилди.

5. Мендан аввал ҳар бир набий ўз қавмига юборилган бўлса, мен барча инсониятга юборилдим” (Бухорий. Таяммум, 1).

Ҳазрат Навоий Расули акрам васфларидаги юқоридаги байтда ана шу “жоҳу салтанат”ларни назарда тутган бўлсалар ажаб эмас.

Ҳамиша йиғлар эрдиларки, авжи Кибриёға боқиб,
Ки, яъни уммат учун кўзларидин оқизиб ёш.

“Авжи Кибриё” – Улуғ даргоҳ, Аллоҳ таолонинг ҳузурида туриб умматлари учун, унинг ғамида, умматнинг нажоти учун тинмай йиғлар эдилар.

Баъзи ривоятларда айтилишича, Расули акрам умрларининг охирги дамларида Ойиша онамизнинг олдиларида пичирлаганлар. Ойиша онамиз розияллоҳу анҳо қулоқларини тутганларида “Умматим, умматим...”, дер эмишлар.

Белиға боғлади маҳкам қаноат асбобин,
Муҳаммад, очлиғидин воқиф ўлмасин деб тош.

Ушбу байтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобимизнинг қаноатда ҳам беназир зот эканликларига ишора бор. Хўш, бу ердаги “тош” ташбеҳми ёхуд бадиий тасвир

воситасими? Йўқ, бу ўринда Ул зот ҳаётларидан яна бир ҳаётий ҳақиқатнинг бадиий тасвири бор.

Сийрат китобларида ёзилишича, Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳужраларида бир япалоқ тош бўларди. Баъзан оч қолиб, муборак қоринлари ичига тортиб кетганда, шу тошни қоринларига боғлаб олар эканлар. Бу, биринчидан, вужуднинг тик туришига ёрдам берса, иккинчидан, одамлар очлигимдан бохабар бўлмасинлар деган мақсадда қилинарди.

Расули акрам бир неча кечани овқатсиз ўтказар эдилар. Неча кунлар мўриларидан тутун чиқмас, уйларида чироқ ёнмасди. Бутун оилалари фақат хурмо ва сув билан кун кечирган вақтлари ҳам бўлган. Ҳазрати Ойиша дейдилар: “Пайғамбаримиз вафот этганларида уйимизда ейишга бир миқдор сулидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди” (“Муснади Ибн Ҳанбал”, “Асри Саодат”, 2-жилд, 919-бет).

Расули акрам: “Бир мусофир учун бу дунёда бу қадар ашё етарлидир”, - дер эдилар.

Ҳолбуки, давлатнинг хазинаси Расули акрамнинг амрларида эди. Бунинг устига хоҳласалар, у зотни саҳобаларнинг бойлари ҳамма нарса билан беминнат таъминлаб туришлари мумкин эди.

Алишер Навоий байтининг маънавий-маърифий аҳамиятини англашимизда қуйидаги тарихий лавҳа ҳам ёрдам беради.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу Расули акрамнинг уйларига зиёратга бориб, бундай деган эди: “Расули акрамнинг сиртларида бир эҳромлари бор эди. Бир томонда яланғоч бир садр, устида теридан бир тўшак, бир бурчакда бир ҳовуч сули, бир тери, бўш бир сув тулумини кўрдим. Бу аҳволни кўриб йиғлаб юбордим. Расули акрам сабабини сўрадилар:

– Устида ётганингиз бўйра вужудингизда из қолдирибди. Бутун молингиз шу уй ичида. Қайсар ва Кисролар (Рум ва Форс подшоҳлари) дунёнинг бутун завқларини сурганлари ҳолда сиз Аллоҳнинг пайғамбари шундай бир оддий ҳаёт кечирмоқдасиз! – дедим.

– Эй Хаттоб ўғли! Сен бу дунё уларники, охират неъмати бизники бўлишни истамайсанми? – деб марҳамат қилдилар” (Муслим. “Асри Саодат”, 2-жилд. 920-бет).

Ҳа, бу “белиға қаноат асбобин боғлаган” суюкли Пайғамбаримизнинг ибратли каломлари, ДУНЁ ҳақидаги хулосалари, айни пайтда мол-дунё муҳаббати қалб кўзини қорайтирганларга огоҳномаларидир. Бу набавий хулоса Ҳазрат Навоийнинг мана бу байтларига ҳамоҳангдай туюлади:

Даҳр судидин тамаъ узким, зиёни беш эмас,
Умрни тутгил ғаниматким, замони беш эмас.
Уй бино айлаб ажабтур элни миҳмон айламак,
Улки бу уй ичра беш кун миҳмони беш эмас.

Яъни бу дунё фойдаси (орзу-ҳаваслари)дан умидингни узгинки, зиёни кам эмас (Бундан сенга фойда бор). Умрни ғанимат билгинки, у жуда узоқ (абадий) эмас. Уй бино қилиб халқни меҳмон қилганга ажабланаман. Негаки, ўзи ҳам меҳмон, ҳам кўп турмайди (Беш кунлик дунё).

Абу Талҳа розияллоҳу анҳу нақл қилади: “Расули Мужтабо жанобимизга очликдан шикоят қилдик ва қоринларимизни очиб кўрсатдик. Ҳамма қорнига бир тош боғлаган эди. Расулуллоҳ ҳам муборак қоринларини очдилар. Қарасак, Ул зот икки тош боғлаб олган

эканлар” (Имом Термизий. Зуҳд, 39).

Бир куни қизлари Фотима розияллоҳу анҳо пиширган чўрак – парчасини Расули муҳтарамга келтирган эди. Ул зот сўрадилар:

– Бу нима?

– Отажон, чўрак пиширгандим. Сизга олиб келмай егим келмади, – дедилар Фотима онамиз.

– Уч кундан бери отангнинг оғзига кирадиган илк луқма мана шу бўлади, – дедилар Расули акрам (Ибн Саъд, I жилд, 400-бет; Ҳайсамий, X жилд, 312-бет).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам таомни суянган ҳолда ейишдан қайтарганлар, бу таомланиш одобига хилоф экани айтилган. Бироқ Ҳазрати Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: “Бир кун жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига хурмо келтирилди. Жанобни мен кўрдимки, очликдан заиф пайдо бўлганлигидан, орқага суянган ҳолларида хурмодан еб турган эдилар”, дейилади.

Ватандошимиз Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий ушбу хос ҳолатга ойдинлик киритиб айтадиларки, юқорида суяниб туриб таом ейиш маън қилинган эди. Бу ҳадисга кўра, ўзлари суянган ҳолда тановул қилганлар. Бунинг сабаби очликдан пайдо бўлган заифлик эди (Кўрсатилган асар. – Б. 90).

Ҳазрат Навоийнинг юқоридаги байтлари ва бу мазмундаги бошқа сатрлари таркидунёчиликка, дунёдан батамом юз ўгиришга тарғиб эмас, балки “Дунёни кўр, сайр қил, ичига кир, аммо эҳтиёт бўл: дунё сенинг ичингга кирмасин” (Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал-Жазарий – Нақшбандий) демоқдир.

Навоий ўлди кўйунгда бу доғ мухликидин,
Ул ойни суҳбатини топқон эрсам эрди кош.

Ҳазрат Навоий ғазал сўнгида ўз орзу-армонларини баён қилиб айтадиларки, қалбимда Расулуллоҳга бўлган муҳаббат шу даражада кучлики, ҳалок бўлиш – ўлиб қолиш эҳтимолим бор.

Қани эди, Расулуллоҳнинг саодатли замонларида туғилган бўлиб, Ул зотнинг суҳбатларидан баҳраманд саодатли бандалардан бўлганимда эди...

Мазкур ғазал Ҳазрат Алишер Навоийнинг Пайғамбаримизга бўлган самимий, покиза севги-муҳаббатларини юксак бадиий маҳорат билан тасвирлаш баробарида Ислом тарихи, хусусан, Пайғамбаримиз тарихининг ҳам билимдони эканини намоён этмоқда.

Адабиётлар:

1. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2018.
2. Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадийя. Нашрга тайёрловчи: Мирзо Кенжабек. – Тошкент: Sharq, 2015.
3. Ибн Саъд. I жилд, 400 бет.
4. Муснади Ибн Ҳанбал. Асри Саодат. 2-жилд, 919 бет.
5. Муслим. “Асри Саодат”, 2-жилд. 920 бет.
6. Профессор Муҳаммад Зако Кўнрапа. Пайғамбаримиз ва Ислом тарихи. – Тошкент:

Шарқ НМАК, 2016.

7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2006.

8. Ҳазиний. Тасаддуқ, ё Расулуллоҳ! Нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳлар муаллифи: А. Мадаминов. – Тошкент: Ёзувчи, 1992.

9. Ҳайсамий. X жилд, 312-бет.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИДА НАВОИЙ СИЙМОСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИНИ

Гулбаҳор АШУРОВА

Бугун ўзбек халқи башариятнинг даҳо фарзанди Алишер Навоий ҳазратларининг 580 йиллик тўйларини нишонлаб турибди. Ҳар қандай ғояни турли усулларда баён этиш мумкин. Кимдир донишманд файласуф сифатида, бошқа биров моҳир сиёсатчи тариқасида ифодалайди. Алишер Навоийнинг шуури ва тафаккури, ижтимоий фаолиятида буларнинг барчаси олий даражада мужассамлашган. Албатта, Алишер Навоий биринчи навбатда шоир эди. Унинг муҳташам назмий асарлари Навоий даҳосининг буюклиги ва абадийлиги тимсоли бўлиб порлаб турибди. Шоирнинг шеърий маҳорати ҳақида бир умр бетўхтов гапириш мумкин.

Янги давр буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг ўзига хос янги бир босқичига қадам қўйди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган янгича сиёсат туфайли Алишер Навоий сиймосининг адабиёт ва санъатдаги ифодаси катта миқёсларга кўтарилаётганлиги айни ҳақиқатдир. Сўз мулкининг соҳибқирони сифатида ўз давридаёқ юксак эътироф ва эътибор қозонган бобокалонимиз образининг замонавий адабиётимиздаги талқинларини ўрганиш шу жиҳатдан ҳам долзарбдир. Зеро, ижодкорларнинг бугунги авлоди буюк мутафаккирни маънавий-ахлоқий камолотнинг чўққиси сифатида эътироф этади. Турли жанрлардаги асарларида ҳазрат Алишер Навоий образини ўзга хос бадиий талқин этишга интилиб келади. Ушбу мақоламизда Навоий шеъриятига Абдулла Орипов ижодининг муносабати, унинг ғоявий-эстетик қарашлари, узлуксиз ижодий жараённинг ўзига хосликларига эътибор қаратамиз.

Албатта, ўз асарларида Алишер Навоий сиймосини яратишга уриниш ижод аҳлининг деярли барчаси учун хосдир. Уларнинг айримлари фақат бир асарини Навоийга бағишлаган бўлса, баъзи шоиру адиблар ижодида буюк мутафаккир образи етакчи ўрин тутади. Улар орасида ихчам лирик лавҳалар ҳам, йирик эпик асарлар ҳам мавжуд. Муҳими, бу асарларнинг аксариятида Алишер Навоийнинг сермазмун ҳаёти ҳамда серқирра фаолияти бутун ранг-баранглиги билан намоён бўлган. Уларни ўзига хос навоийноманинг алоҳида-алоҳида саҳифалари сифатида тасаввур этиш мумкин. Ушбу мавзу юзасидан адабиётшуносликда бир қанча ишлар амалга оширилган. Профессор Н. Жабборовнинг “Шеър аҳлининг икки жаҳонгири” мақоласида икки мутафаккир дунёқарашидаги, ижодий принципларидаги, поэтик кашфиётларидаги муштараклик, ворисийлик, уларнинг миллий маънавиятимиз, адабиётимиз такомилига қўшган улуғвор ҳиссаси қандай деган саволга жавоб берилганлиги билан аҳамиятлидир. Мисол учун Ватанга муҳаббат туйғусининг бетакрор поэтик талқини Алишер Навоий ва Абдулла Орипов ижодида уйғунликда кузатиш мумкин. Ватан ҳубби иймон нишони дурур – деб ёзган Навоий “Садди Искандарий” достонида. Хуросон ва Ҳирот ҳақида шундай ёзади:

Хуросон бадандир, Ҳирий жон анга,
Ҳирий жон, Хуросон бадандир анга.

(Алишер Навоий.Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа уйи. Т.2011йил.Садди Искандарий. 47-б)

Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон – Ватаним маним”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!” шеърларидаги маънолар Навоий мисралари билан ҳамоҳангдир:

Балки чаман бўлар дашти Карбало,
Балки, беҳишт мавжуд юлдузлар аро,
Менинг Ўзбекистон – Ватаним бордир,
Уларнинг баридан аълороқ аъло.

(“Мен нечун севаман Ўзбекистонни” А.Орипов.Т.А.1-жилд. Ғафур Ғулом нашриёти,2000й. 44-бет)

Шоир учун Ватан – бу тақдир, Ватан бу – қисмат. Уни севиш иймондандир. Ҳар икки шоир ижодида бу мавзу янгича оҳангда ўзгача рангларда тасвирланган. (Бу муносабатлар талқини ҳақида Н.Жабборовнинг “Шеър аҳлининг икки жаҳонгири мақоласига қаранг.)[1]

Адабиётшунос Н.Рахимжоновнинг “Истиқлол ва бугунги адабиёт” номли монографиясида, “Мустақиллик даври адабиёти” адабий-танқидий мақолалар тўпламида, И.Ҳаққуловнинг“Занжирбанд шеър қошида” , “Сўздаги ўзлик” каби қатор китобларида Навоий анъаналарининг Абдулла Орипов ижоди билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида теран фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Абдулла Орипов буюк бобокалонимиз Алишер Навоий образини яратишда замонамизнинг барча шоирларидан ҳам юксакликка кўтарила олди. Жумладан, “Ўзбекистон ” шеърида шоир мана бундай ёзади:

Беш асрким назмий саройни,
Титратади занжирбанд бир шер.
Темур тиғи етмаган жойни,
Қалам билан олди Алишер.
Дунё бўлди чаманим маним.
Ўзбекистон Ватаним маним.

(“Ўзбекистон” А.Орипов.Т.А.1-жилд. Ғафур Ғулом нашриёти,2000йил, 182-бет)

Абдулла Орипов барчага насиб этмайдиган ноёб истеъдодга эга, кўп қиррали, катта фалсафий билим эгаси, қалбида шеърият дарёси жўшиб турган шоир сифатида ижод қилди. Унинг шеърияти ҳикматга йўғрилгани, образли тасвирнинг беҳад ёркинлиги, ҳаёт ҳақиқати ҳайратланарли даражада бадиий ҳақиқатга юксалгани билан алоҳида ажралиб туради. Шоир муаззам шеъриятнинг дийдасидаги шабнам, қаҳқаҳага айланмай лабларида қолиб кетган ним табассумдай яшади. Унинг долғали ва шарафли умри “муборак туйғулар каҳкашони”да муносиб кечди. Асарлари ўзбек адабиётининг дурдонаси бўлиб қолди.

Мен шоирман истасангиз шу,
Ўзимники эрур шу созим.

[1] Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи. Т.-2015.112-131бетлар.

Бировлардан олмадим туйғу,
Ўзгага ҳам бермам овозим...

Хаёл каби кенг эрур олам,
Майда гапни кўтармагай шеър.
Керак бўлса менинг учун ҳам,
Жавоб берар бобом Алишер.

("Созим" А.Орипов.Т.А.1-жилд. Ғафур Ғулом нашриёти, 2000йил, 127-бет)

Бу каби сатрлар Абдулла Ориповнинг қиёфасини, поэтик оҳангларини белгилайди, десак, хато қилмаймиз. Абдулла Орипов нималарни куйлаб ўтди? Унинг идеали нима эди? Шоирнинг буюк Навоийга муносабати, муҳаббати қандай эди? Мана, Абдулла Орипов буюк салафи ҳақида нима деган: ***"Аёнки, буюк Навоий ижоди ва фаолияти улуғ бир уммондир. Унинг тубига етиш ёхуд бу баҳрни дафъатан баҳолаш неча-неча авлодларнинг ҳам умрига татигуликдир... Навоий ўз жоду санъатини, ғазалиётини фақат санъат безаги учунгина эмас, балки аниқ муроду мақсадлар учун, эзгу ғоялари, ниятлари учун хизмат қилдирди. Унинг бетакрорлиги ҳам ана шунда... "***[1]

Жиддий фикр, чинакам ҳиссиёт, самимият, маҳорат – ана шулар шоир ижодининг қимматини билдирса, Абдулла Ориповга хос бўлган табиий, самимий ифода оқими, тарихий факт ва далилларни қиёслаш усули очиқ кўзга ташланади. Шиддат билан ривожланаётган асримиз, техникамиз коинот миқёсига кўтарилди. Бироқ маънавий камолотимизнинг фазоси олти юз йиллар ортидан кўл етмас армондек порлаб турибди.

Абдулла Орипов – буюк Навоийнинг муносиб издоши. У буюк салафининг санъатхонасидан қандай сабоқ олганини қуйидагича ифода этган: **"...**Мен Навоийдан масаланинг моҳиятига киришни, шеърни сеҳрли таёқчадай ўйнатишни ўргандим. У киши мазмун ифодасининг устаси, шеър айтиш мумкин, лекин шеърни мазмун билан фақат Навоий айтган**"**[2]**.** Буюк адиблар, улуғ мутафаккирлар қисматида, ижодий қиёфасида муайян муштаракликлар бўлиши кўп кузатилган. Бунга аждодлар кечмиши, адабиёт тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов айни ҳақиқатни қуйидагича талқин этган:

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди,-
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.
Беш юз йил наридан боқиб турибди,
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

("Алишер" А.Орипов.Т.А.1-жилд. Ғафур Ғулом нашриёти,2000йил, 150-бет)

"Нуроний бир зот" Абдулла Ориповнинг Навоийга нисбатан қўллаган кўплаб эпитетларидан биттаси. Албатта, мазкур парчадаги таянч тушунчалар ифодаси сифатида муқаддас,

[1] Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.2001.129-130бетлар.
[2] Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.2001.62-б.

ҳаёт, беш юз йил каби сўзларни ҳам ажратиш жоиз бўлади. Айни мана шу сўзлар банд мазмунининг яхлит бир ҳолда, қуйма хулоса тарзида жаранглашига асос бўлган.

Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун,
Юрт бузиш шарт эмас деган гап-ку рост.
Кимдир пеш қилганда найзанинг кучин,
Алишер қаламни кўрсатди холос.

(“Алишер” А.Орипов.Т.А.1-жилд. Ғафур Ғулом нашриёти,2000й., 150-бет).

“Навоий байтига қовушган ҳар лаб, такрорлаб кетгуси машҳаргача то”. “Шу боис Навоий жоҳил деб аталган Осиё тоқидаги қуёшга айланди, жаҳонни шеърий қалами билан забт этиб, миллиардлаб одамлар қалбидан жой олди (“Алишер” шеъри).

Абдулла Ориповнинг Навоий образига ижодий ёндашуви ўзига хос: унингча, шоир тимсоли миллий ифтихоримиз, ғурур ва шараф-шонимиздир, чунки, “Унинг номи билан бирга битилган Дунё дафтарига ўзбек деган ном”. Шоирнинг устоз Навоийга ўзига хос тарздаги меҳри борлигини ҳис этиб турамиз. Абдулла Орипов учун Алишер Навоий буюкларнинг буюги, устозларнинг устози, унинг “ижоди ва фаолияти улуғ бир уммондир”. Шеър аҳлининг жаҳонгири беш асрдан ортиқ муддатки, назмий саройни титратиб, йигирма биринчи аср шоирларини ҳайратга солади. “Минг йиллик муйсафид тарихни сўйлатар экан, шоир Навоий ҳақида сўз юритиб, “Низомий болидан ҳалво пиширган”и-ю, “Фузулий битган девонни” бир лаҳза қўлидан қўймаганлигини таъкидлайди.

(“Озарбойжон” шеъри (“Алишер” А.Орипов.Т.А.1-жилд. Ғафур Ғулом нашриёти,2000й. 314-бет).

Бугун миллат поэтик тафаккурининг Навоийни англаш даражаси Навоий сиймосининг тарихий асослари, поэтик маҳорат ҳамда ижодий индивидуаллик сингари йўналишлардаги кўплаб изланишларга объект бўла олади. Навоийга қайтиш адабий ҳодисасининг даврлар оша яшовчанлигини ўрганиш ҳам ғоятда ибратли хулосаларга келиш имконини беради. Шунинг учун Навоий яшаган даврдан бошлаб бугунга қадар Навоий сиймоси мадҳ этилган асарлар ёзилишига сабаб бўлган. Зеро, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақиқий сабоқ ва ибрат мактабидирки, мутафаккир шоир тажрибаларига таяниб дид, савия ва маҳоратни юксалтириш ҳар бир истеъдод учун ижодий муваффақиятнинг дахлсиз гаровидир. Чунки Навоий яшаган давр ва бу буюк шахс ибратли ҳаёт йўлининг таъсири катта ва ижодкорларнинг янги авлодига илҳом бахш этиб келаётир. Буюк бобокалонимиз яшаган давр воқеалари, муросасиз ҳаёт ҳақиқати, шоир, вазир, садоқатли дўст, устоз, кўнгли яримлар суянчи сингари фазилатлар эгаси бўлган буюк шахс ҳаёт тарзини ўрганиш фалсафий мушоҳадалар, ижтимоий муҳит ва инсон тақдири хусусидаги кутилмаган хулосалар, бир-биридан жонли ва ибратли тасвирлар орқали жонлантирилади.

Абдулла Орипов ўз шеърларида Алишер Навоийни нафақат шоир, олим ёки мутафаккир сифатида, балки улуғ устоз сиймосида ҳам тасвирлайди. Унинг “Устозга таъзим” шеърида ўқитувчи – мураббий устоз мадҳ этилиб, “Алишербек лутф”и қиёс қилинади:

Буюк Алишербек лутф этган мисол,
Савод ўргатдингиз қанча ранж билан.

Қоплаб бўлармикин бу қарзни аҳвол,
Узиб бўлармикан юзта ганж билан.

(“Устозга таъзим” А.Орипов.Т.А.2-жилд.1997 йил. Ғафур Ғулом нашриёти 147-бет.)

Устозларга нисбатан миннатдорлик ва қарздорлик туйғуси азалдан халқимиз эъзозлаб яшаётган қадриятлардан бири эканлиги аён ҳақиқатдир. Устоз деганда, ҳар бир инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз ифтихор туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси хаёлга келади. Дунёда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, азиз ва мўътабар бўлган улуғ зот устоз мураббийдир. Халқимизнинг бир нақлида: “Сен одамларга бир йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг, буғдой эк; ўн йил яхшилик қилмоқчи бўлсанг, ток экиб боғ қил; умр бўйи яхшилик қилмоқчи бўлсанг, устозлик қил”, – дейилган. Шунинг учун қадимдан кишилар ўз зурриёдларини устоз қўлига топширар эканлар: “Эти сизники, суяги бизники”, деб унга ишонч билдиришган. Устоз шогирдига қалби тубидан жой беради ва парвоз қилишида унга қанот бўлади. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз васиятида хокини пири устози Саид Барака қабри пойига қўйишларини айтганлиги бежизга эмас.

Абдулла Ориповнинг “Алишер ва талаба” номли шеърида Алишер Навоий устозини юқори даражада эъзозловчи, ҳар қандай юқори мартабада бўлишидан қатъий назар устозни эъзозлаб, уни пир деб билувчи шогирд сифатида гавдаланади:

Сарой йўлга чиқди савлати билан,
Алишер аркони давлати билан.
Ҳирот фазосида янгради такбир,
Шаҳар айланмоқда вазири кабир.

(“Алишер ва талаба” А.Орипов.Т.А.2-жилд.1997 йил. Ғафур Ғулом нашриёти 165-166-бетлар)

У халқнинг аҳволидан хабар олган ҳолда “улуснинг дарди не? Аъмоли нечук”лиги билан танишади. Қурилаётган иншоотлар, халқнинг турмуш тарзи билан қизиқади. У буюк шоир бўлиши билан бирга шоҳ Ҳусайн Бойқаро ишонч билдирган улуғ ҳақпараст, элпарвар вазир ҳам эди. Унинг қўлида жуда катта ҳокимият ва ҳуқуқ бўлиб, унга жами фуқаро эҳтиром ила таъзим қилади, “шоҳона жонлар” теграсида парвона бўлишади. Ҳатто, дастори “ҳайбатли шайхлар” ҳам унга бош эгиб туради. “Сергак сарбозлару содиқ аъёнлар, косибу шоиру наққош”гача мир Алишер истиқболига мунтазир.

Алишер барчага тараҳҳум билан,
Ҳурмат кўргазарди табассум билан.
Юзлаб талабалар мамнун, сарафроз,
Улуғ Навоийга чиқдилар пешвоз.

(“Алишер ва талаба” А.Орипов.Т.А.2-жилд.1997 йил. Ғафур Ғулом нашриёти 165-166-бетлар)

Шеърда тасвирланишича, ана шундай шукуҳли паллада “ҳали лабларидан учмай бирор сўз” ҳазрат атрофга кўз ташлайдилар. Сафлар орасидан бир талабага боқиб туриб меҳр ила тикилгач, ногаҳон отдан тушадилар. Бутун халқ ҳайрон бўлиб қолади:

Бориб талабани қучдилар ҳазрат,
Оломон руҳида янгради ҳайрат.
Сарбозлар, аъёнлар ҳайратда эди,
Такаббур боёнлар ҳайратда эди.

(“Алишер ва талаба” А.Орипов.Т.А.2-жилд.1997 йил. Ғафур Ғулом нашриёти 165-166-бетлар)

Тағин отга миниб вазир сўзсиз, бекалом сафарларини давом эттиради. Анча сукунатдан сўнг охири бир мулозимнинг сабри тугаб, вазири кабирдан бўлиб ўтган воқеа юзасидан савол сўрайди:

Кимга шу аснода бахт кулди экан,
Айтинг, ул талаба ким бўлди экан?
Ўйчан бир табассум қилдию жаноб,
Мулозимга секин айлади жавоб:
Эсимда ёш чоғим, кўп йиллар нари,
Менга сабоқ берган унинг падари.

(“Алишер ва талаба” А.Орипов.Т.А.2-жилд.1997 йил. Ғафур Ғулом нашриёти 165-166-бетлар)

Абдулла Орипов устозга ҳурмати юксак бўлган буюк Навоий образини ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён эта олган. Бу ҳолат халойиқнинг ҳайратига сабаб бўлаётир. Чунки унинг эътиқодича, ота-она фарзандни дунёга келтирса, уни камолга етказадиган, етук инсон қиладиган – устоздир. Саодат манзилига етишнинг ўзига яраша юки бўлади. Ана шу юкнинг салмоқли қисми устозларнинг елкасида. Касблар ичида энг хайрлиси, энг гўзали илм ўргатиш, тарбия этиш орқали инсонга яшаш мазмунини англатиш ҳисобланади. Бу эса, устоз муаллимларга насиб этган бахтдир. Навоийнинг устозга бўлган эъзоз ва иззатининг жуда баланд эканлиги буюк шоирнинг ўз асарларида ҳам ранг-баранг тарзда акс этган. Чунончи, Навоийнинг кўпчиликка ёд бўлиб кетган устозга бағишланган машҳур байти халқ орасида бежиз кенг тарқалмаган. Мана ўша байт:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

(Алишер Навоий.Танланган асарлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа уйи. Т.2011йил.Лисонут-тайр. 117-б)

Ёшларни маърифатга чорловчи, уларни эзгуликка ошно қилувчи ватан, она, нон каби муқаддас сўзлар маъносини теран англатувчи ва ўргатувчи маскан мактаб бўлса, ҳақиқий

устоз уни одамийликка тайёрлайди. Ушбу шеърда Навоий ижодининг ижодий таъсири сезилиб турибти.

Абдулла Орипов Алишер Навоий ижодининг азалий “ошиқ”ларидан. Шунинг учун унинг ижодида Алишер Навоий мавзуси алоҳида мавқега эга. Шоир анъананинг ўзи билан чекланмайди. У йўл атрофидаги сўқмоқлардан янгилик излайди. Шунинг учун ҳам ўзак сифатида олинган мана шу ҳақиқат шеърнинг кейинги мисраларида ўзининг янги қирраларини намоён этади.

Маълумки, Алишер Навоий асарларидаги асосий ғоя инсон камолотидир. Шоир жамият ҳаётини синчковлик билан таҳлил қилади, инсоният тарихига назар ташлайди. Шу кузатишлар асносида ниятнинг эзгулиги, комиллик сари интилиш инсонни юксалтиришига ишора қилади. Худди шу ҳолат Абдулла Орипов шеърияти учун ҳам хос. Фақат у йигирманчи асрнинг олтмишинчи йилларидан йигирма биринчи асрнинг бошларигача бўлган янги ижтимоий-тарихий шароитда пайдо бўлган.

“Ўзбек адабиётининг сўнгги 30-40 йили, муболағасиз айтиш мумкинки, Абдулла Орипов шеърияти таъсирида кечди”, деганда профессор Бегали Қосимов ҳақ эди. Олим бу фикрни айтгандан буён ўтган қарийб 15-20 йил давомида ҳам айни таъсир ўз кучини сақлаб қолганини эътироф этиш керак. Шеъриятда Навоий образининг бадиий талқини, анъана ва бадиий маҳорат билан боғлиқ ижодий жараёнда ушбу фикрнинг тасдиғини кузатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Орипов А. Танланган асарлар.Тўртинчи жилд.Т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.2001йил.384б.

Мустақиллик даври адабиёти. Адабий-танқидий мақолалар, бадиалар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи. Т.-2006.288б.

Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. “O’qituvchi” НМИУ, Т.-2012. 328б.

Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш-3.Т. “Тафаккур” – 2016.224б.

Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи. Т.-2015.304 б.

НАВОИЙ МАҲОРАТИНИНГ МУҚИМИЙ ИЖОДИЙ КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

Қўлдош ПАРДАЕВ

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ёшлигиданоқ Алишер Навоий ижодини катта ҳурмат ва муҳаббат билан ўрганди, шеъриятидан илҳомланди, кўплаб ғазалларига назиралар битди, тахмислар боғлади. Муқимий Навоийнинг етти ғазалига тахмис ёзиб, бетакрор бадиият ва теран фикрлар билан йўғрилган мухаммаслар яратган. Булар шунчаки анъана маҳсули эмас, балки Навоий асарлари мазмун-моҳияти, поэтик мукаммаллиги ҳамиша Муқимийни ром этиб келган. Профессор Ғулом Каримов Алишер Навоийнинг "Қилмадинг" радифли ғазалига Муқимий боғлаган тахмиснинг қуйидаги

То ўтмадинг, тағофул ила ноз қилмадинг,
Қўйдингму халқ ичра сарандоз қилмадинг,
Мактуб учун давоту қалам соз қилмадинг,
Қоғоз уза қаламни фусунсоз қилмадинг,
Бир руқъа бирла бизни сарафроз қилмадинг –

бандини келтирар экан, мана бундай ёзади: "Муқимий Навоий ғазалидаги вазн, қофия, радиф ва умумий мазмун ва руҳни сақлаган ҳолда, услуб ва тасвирда Навоийга мос келадиган мисралар қўшиб ажойиб мухаммас яратган."[1.356] Муқимий асарлар тўплами нашрларида учрамайдиган, жамоатчиликка маълум бўлмаган Муқимийнинг 7 байтли:

Маҳвашо, ҳеч ким санго мендек гирифтор ўлмасун,
Кеча-кундуз соғиниб муштоқи дийдор ўлмасун –

матлаъли ғазали ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фондидаги 7512 ашё рақамли баёзда (167 [a]-саҳифа) учрайди. Мазкур шеър Алишер Навоийнинг *"Кимса мендек даҳр аро бесабру ором ўлмасун"* мисраси билан бошланувчи етти байтли ғазалига назира қилинган. Муқимий ғазали Навоий ғазалига шакл ва мазмун жиҳатдан ниҳоятда уйғун. Бундан ташқари, Муқимий Навоийнинг "Гул" радифли ғазалига эргашиб, ошиқона мавзуда икки ғазал битган. Мазкур икки назира ғазал Муқимий асарларининг жорий нашрларида учрамайди. Улардан биринчиси, "Ёндуруб оламни, чиқ, эй, оташинрухсор гул" [2.38] мисраси билан бошланувчи ўн байтли ғазалдир. Иккинчиси ҳақида адабиётшунос Абдувоҳид Шокиров мана бундай ёзган эди: "Муқимийнинг янги аниқланган "Бўлди гул" радифли ғазали мотиви жиҳатидан "Ким десун?" ғазалига яқиндир. Айни пайтда, ғазал устод Алишер Навоийнинг худди шу радифли ғазалига тазмин асосида (Навоий ғазалининг биринчи мисрасини олиб) яратилгандир. Шоир ғазалнинг сўнгги байтида чуқур ижтимоий фикрни илгари сурганининг гувоҳи бўламиз:

Нолалар айлар, етишмай булбул охир ажриға,
Билмай ўз қадрин, Муқимий, мунча арзон бўлди гул" [3.5].

Адабиётшунос О.Жўрабоев ҳам Қўқон адабий муҳити намояндалари томонидан Алишер Навоий ғазалларига боғланган тахмислар ҳақида фикр юритиб, буюк шоир девонларига кирмаган “Эй, жамолинг лолазору кўзларинг оҳу бара” мисраси билан бошланувчи бир ғазалига Завқий, Муқимий тахмислари хусусида бундай ёзади: “Ўша даврда бир ғазалга назира ёзиш ёки тахмис қилиш Муқимий бошчилик қилган адабий даврага хос анъана бўлганлиги маълум. Фикримизча, мазкур тахмислар ана шундай анъана маҳсулидир. Ушбу асарларнинг илк бандлари эса қуйидагича:

Муқимийда:

Эй, хироминг ошиқи шайдоларинг кабки дара,
Хўплар оламда кўптур, ҳаммасидин сен сара,
Сийналар мажруҳ сенсиз, сахт кўнгуллар яра,
Эй, жамолинг лолазору кўзларинг оҳу бара,
Нофадек қон боғладим, ҳажрингда бағрим қаб-қара...

Завқийда:

Ёр, паришон кокулингни шоналар айлаб тара,
Сўнгра шонангни қуюб, кўнгли паришона қара,
Ёй қошингдин, ўқ мижангдин кунглума солди яра,
Ой жамолинг лолазору кўзларинг оҳу бара,
Лоладек қон боғлади ҳажрингда бағрим қаб-қара...

Кўринадики, Муқимий ва Завқий асарнинг моҳиятига алоҳида эътибор қилишган. Аммо, услубий яқинликни сақлаш ва навоиёна мисралар тузиш Муқимийда кучлироқ экани сезилади [4.57].

Муқимий ҳажвий асарларида ҳам Навоий ижодидаги сатирик асарлардан таъсирланганини кўриш мумкин. Масалан, Навоий “Ҳайрату-л- аброр” достонининг “Риёйи ҳирқапўшлар” бобида риёкор шайхларнинг барча кирдикорларини аёвсиз фош этиб, бу образлар орқали жамиятдаги салбий иллатларни тасвирлайди. “Навоий қаламининг сатирик кучи бу бобда айниқса ёрқин ранглар билан товланади. Бунда ҳар бир сўз тиғдай ўткир, ҳар бир чизиқ бениҳоя жонли ва лўндадир” [5.160]. Қаҳрамоннинг бошдан-оёғигача тасвир жараёни заҳарханда кулги билан йўғрилган: ямоқлари риё иплари билан тикилган афтода жандаси, эгриликдан печ-печ ўралган салласи, беўхшов соқоли, одамларга эрмак катта калиши, ҳийла уйига устун – ҳассаси, хуллас ҳар битта детални кўздан қочирмаган шоир сатирада тенгсиз тасвир яратади:

Турфа соқолин осибон кулгудек,
Эгри йиғоч узра чиқиб ўчкудек.
Ўчкуча ҳам йўқ ишида тўғрилиқ,
Ул тутиб ўғри, бу қилиб ўғрилиқ [6.167].

Худди бундай ҳолни Муқимий сатирик ижодида ҳам кўриш мумкин. Масалан, шоирнинг “Авлиё” радифли ҳажвий асарини олайлик. Шеърда ўз манфаатларини кўзлаб, ҳеч қандай ишдан қайтмайдиган, ўзини “авлиё” кўрсатиб, бемани ахлоқсизликлар билан машғул кимсалар образини шоир қуйидагича тасвирлайди:

Бошларида шапка гоҳе, гоҳ дастор “авлиё”,
Қўлларида субҳаю бўйнида зиннор “авлиё”...
Шул эрур кашфу кароматики бўйлаб субҳу шом,
Чиқса ҳар ердин бир ис ҳозир хабардор “авлиё”.
Доимо бепарда сўз халқ ичра айтур беибо,
Бўлмагай деб қўрқаман ногоҳ сангсор “авлиё”... [7.382].

Муқимийнинг “Танобчилар” сатирасидаги ҳажв услуби ҳам Навоийнинг Ҳайрату-л-аброр” достонидаги амалдорлар ҳақидаги танқидий қарашларига жуда яқин. Навоий жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, амалдорларнинг адолатсизлиги, халққа ўтказаётган зулмлари хусусида қуйидагича ёзади:

Зулм этиб ул косибу деҳқонға ҳам,
Косибу деҳқон неки, султонға ҳам.
Қайси вилоятғаки, азм айлабон,
Эл ҳараму боғида базм айлабон.
Гар худ ул уй соҳиби ҳофи эрур,
Истари аввал майи софи эрур.
Май била бузғоч қорининг ҳолини,
Шоҳид учун ҳам юборур золини....
Бир-бири бирла бўлишиб ўйла дўст,
Ҳар кишиким кўрса дегай мағзу пўст...[8.204].

Муқимийнинг “Танобчилар” сатирасида ҳам золим амалдорлар кирдикорлари қаттиқ танқид остига олинади. Уларнинг ахлоқсизликлари, пасткашликлари, камбағал деҳқонларга ўтказаётган зулми, порахўрликлари шоир томонидан қуйидагича тасвирланган:

Бўлди таажжуб қизиқ ҳангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар.
Адл қулоғила эшит ҳолими,
Зулм қилур, баски, менга золими.
Ўн икки ойда келадур бир таноб,
Ўзгалара роҳату менга азоб...
Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа – чироғ ёғи, Ҳакимжон – пилик [9.343].

Кўриниб турибдики, Навоий ва Муқимий сатирасининг вазни, услуби, мавзуси, тили, тасвирий ифодалари ўзаро ҳамоҳанг. Икки шоир сатираси хусусида адабиётшунос Абдурашид Абдуғафуров ҳам қуйидагича мулоҳаза билдирган эди: “Масалан, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги зўравон шоҳнинг, зулмкор амалдорларнинг қишлоқдаги фаолиятини тасвирловчи эпизод билан Муқимийнинг “Танобчилар” сатирасидаги қишлоққа чиққан чор чиновниклари фаолиятини ифодаловчи мисралар ана шундай намуналардан биридир. Ҳар икки шоир эпизодлари қиёсланганда мавзунинг ўхшашлиги, объектларга муносабатнинг, сатирик руҳнинг умумийлиги, ҳатто ситуация ва фош этувчи деталларнинг бири иккинчисига жуда яқинлиги юзага чиқади” [10.7].

Умуман, Муқимий шеъриятида Навоий ижодининг таъсири кучли эканини юқоридаги туркум назиралар ва мухаммаслар ҳам кўрсатиб турибди. Муқимий ва Навоий асарларини қиёслаганда, улар ижодида муштарак жиҳатлар кўп экани кузатилади. Хусусан, мавзулар мутаносиблиги, қофия ва радиф, образ ва тимсоллар, анъанавий бадиий санъатлар такомили бунинг далилидир. Бу хусусиятлар, ўз навбатида, Муқимий ижодий камолотида буюк Навоий санъатхонасининг таъсири катта бўлганини кўрсатади.

Адабиётлар

1. Каримов Ғ. Муқимий ҳаёти ва ижоди. (Монография). Т.: 1970, 356-бет.
2. Мадаминов А. Янги баёз - Т.: 1997, 38-бет.
3. Шокиров А. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1985, 1-февраль, 5-сон.
4. Жўрабоев О. Қўқон шоирларининг Алишер Навоий ғазалларига мухаммаслари (ва унга нисбат берилган айрим ғазаллар борасида) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009.№ 1. -Б. 57.
5. Ойбек “Хамса”нинг асосий образлари // МАТ. Ўн тўққиз томлик. Ўн тўққизинчи том. Т.: 1979, 160-бет.
6. Шарипова Н. Алишер Навоийнинг “Ҳайрату-л-аброр” достонида ҳажв услуби. – “Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари” мавзуидаги илмий-назарий анжуман материаллари. Т.: “Мумтоз сўз”, 2014, 167-бет.
7. Каримов Ғ. Муқимий. Асарлар тўплами. - Т.: Ғафу Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 382-бет.
8. Алишер Навоий . МАТ. Хамса. Йигирма томлик. Еттинчи том. Т.: Фан, 1991, 204-бет.
9. Каримов Ғ. Муқимий. Асарлар тўплами. - Т.: Ғафу Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 343-бет.
10. Абдуғафуров А. Муқимий сатираси. - Т.: Фан, 1976, 7-бет.

АҲМАД ТАБИБИЙ ИЖОДИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ

Шермуҳаммад АМОНОВ

Аҳмад Табибий мумтоз адабий анъаналарни муносиб давом эттирган ижодкордир. Шоир ижодида айниқса, адабий таъсир масаласи алоҳида бир мавзу. Негаки, Табибий лирикаси ўзига хос бўлиб, бунда салаф ижодкорларнинг таъсири жуда кучли бўлган. Зеро, Табибий кўплаб туркигўй ва форсигўй сўз санъаткорлари ижод намуналарига ўхшатмалар битганки, бу ҳолни бошқа бирор шоир ижодида уч("Ҳайрату-л-ушшоқ" девонидаги ратиш маҳол. Тўғри, ижодда, айниқса мумтоз шеъриятимизда барча ижодкорларнинг бошқа шоир ижод намуналарига ўхшатмалар битгани, шоирларнинг бошқа бирор ижодкор бадиий маҳоратидан илҳомлангани кузатилади. Бу оддий ҳол. Бироқ Аҳмаджон Табибий девонларидаги лирик асарларнинг таҳлили, унинг 80 дан ортиқ шоирлар шеърларига ўхшатма ва мухаммаслар ёзганини кўрсатади. Бу эса шоирнинг нечоғли истеъдодли бўлгани, унинг Шарқ мумтоз адабиётининг кўплаб вакиллари ижоди билан яқиндан таниш бўлганидан далолатдир.

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида №3460 инвентар рақами билан сақланаётган қўлёзма манбада Аҳмаджон Табибий ижодига мансуб лирик асарлар жамланган. Ушбу қўлёзма манба қалин мошранг муқовада бўлиб, муқовалар унвонланган. Қўлёзманинг 1[б]-саҳифаси ўртасида *"Икиланчи девони Табибий туркий мусаммо баҳайрату-л-ошиқин" деб қизил сиёҳда ёзилган. Сўнг қора сиёҳда "Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим"* **деб ёзилиб, Табибийнинг "Ҳайрату-л-ушшоқ" девонидаги лирик асарлари кўчирилган.**

Ушбу қўлёзма девонда Табибийнинг Лутфий, Навоий, Хусайний, Фузулий, Мунис, **Огаҳий каби машҳур шоирлар қаторида ижоди бизга унчалик таниш бўлмаган Улвий, Нафъий, Насиб, Ғарибий, Боқий, Авний, Ноилий, Лайло, Зевар, Фитнат, Шамъий, Моҳир, Муҳибий, Сомий, Қуддусий, Адлий каби ижодкорлар ғазалларига боғлаган мухаммаслари келтирилган.**

Табибий ижодий меросини кузатар эканмиз, шоирнинг буюк Навоий ижодига ихлосманд бўлгани яққол намоён бўлади. Бу ҳол, айниқса, Табибий девонларининг тузилишида, ўхшаш жанрлардаги лирик асарларнинг ижод этилишида ёрқин намоён бўлади. Қолаверса, Табибийнинг аксар лирик асарлари ҳазрат Навоий ғазалларига ўхшатмалар, мухаммаслар тарзида битилган.

Табибийнинг "Ҳайрату-л-ушшоқ" девонида ҳам шоирнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари ва иккита мусаддаси кўчирилган. Жумладан, "Ҳайрату-л-ушшоқ" девонидаги **Навоий ғазалларига боғланган биринчи мухаммас** *"мухаммас ғазали Навоий"* **деган сарлавҳа билан келади. Бу шеър "Наводир ун-ниҳоя"даги етти байтли:**

Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен соз туз,
Тортибон мунглуғ наво созинг била овоз туз –

матлаъи билан бошланувчи ғазалга ёзилган мухаммасдир. Табибийнинг ушбу ғазалга ёзган мухаммаси ҳам етти банддан иборат бўлиб, у қуйидаги банд билан бошланади:

Мутрибо мажлисда эмди нағмаи мумтоз туз,
Гаҳ Раҳовию Ироқ, гаҳи Чапандоз туз,
Хоҳ тузгил нағмаи итноб, хоҳ ижоз туз,
Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен соз туз,
Тортибон мунглуғ наво созинг била овоз туз.

Маълумки, рамали мусаммани мақсур мумтоз адабиётда энг кўп қўлланган вазнлардан биридир. "Хазойин ул-маоний"даги 2600 та ғазалдан 334 таси шу вазнда ёзилгани қайд этилади[1]. Табибий мухаммаси ҳам Навоий ғазали ёзилган арузнинг *рамали мусаммани мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилон)* вазнида ёзилган бўлиб, бу мухаммас:

Ки Табибийдек чекар оҳи фиғон мунглиғ кўнгул,
Бегумон бўлғуси расвои жаҳон мунглиғ кўнгул,
Ногаҳон дилдоридин топса нишон мунглиғ кўнгул,
Базм аро ўртар Навоийни ниҳон мунглуғ кўнгул,
Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен соз туз – тарзида якунланади.

Девондаги Навоий ғазалига ёзилган иккинчи тахмис ҳам сарлавҳаланган (*"мухаммаси ғазали Навоий"*). Бу мухаммас ҳам "Наводир ун-ниҳоя"даги 266-ғазалга ёзилган. Жумладан, Навоийнинг бу ғазали рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган:

Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз.
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз –

матлаъи билан бошланиб:

Гар Навоий ҳажр аро бўлди залил, эй аҳли васл,
Эмди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз – мақтаъи

билан тугалланувчи тўққиз байтли ғазалдир. Ушбу ғазалга ёзилган Табибий мухаммасининг биринчи банди эса:

Зинҳор эл ғурбатин топиб мукаррам бўлмангиз,
Сўнг кўруб зиллат алардин асру мулзам бўлмангиз,
Тортибон меҳнатларини роҳати кам бўлмангиз,
Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз,
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз –

тарзида бошланиб,

Ишқ аро чун бор Табибийдек асил, эй аҳли васл,
Ғам эмас, ғам шоми бўлса ҳам тавил, эй аҳли васл,
Сабр бўлғуси анга охир далил, эй аҳли васл,

[1] Hojiahmedov A. Aruz nazariyasi asoslari. – Toshkent. "Akademnashr". 2018. B.48.

Гар Навоий ҳажр аро бўлди залил, эй аҳли васл,
Эмди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз –

тарзида якунланади.

Маълумки, Навоийнинг бу ғазали арузнинг *рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун)* вазнида ёзилган. Рамал баҳрининг бу вазнида ёзилган шеърлар ҳам мумтоз адабиётда кенг стеъмолда бўлган. Табибий тахмиси ҳам шу вазнда битилган.

"Ҳайрату-л-ушшоқ" девонидаги **Навоий ғазалига боғланган учинчи мухаммасга ҳам** *"мухаммас ғазали Навоий"* **деган сарлавҳа қўйилиб, бунда Табибий ҳазрат Навоийнинг "ҳануз" радифли ғазалига тахмис боғлаган. Ушбу шеър қуйидаги банд билан бошланади:**

Муддаи хайлиға қатлим иттифоқидур ҳануз,
Уйлаким кўнглумда ҳижрон иҳтироқидур ҳануз,
Кўксума киргувчи зулмининг пичоқидур ҳануз,
Ёр меҳри ўзга бўлди менда боқи(й)дур ҳануз,
Нотавон кўнглумда ул ой иштиёқидур ҳануз.

Арузга оид назарий тадқиқотларда, бу вазндаги шеърларда қофияланувчи мисраларнинггина рамали мусаммани мақсур вазнида бўлиши шартлиги, қолган мисралар кўп ҳолларда рамали мусаммани маҳзуф вазнида келиши таъкидланади[1]. Етти байтли ушбу ғазалга Табибий ҳам шу ҳажмда тахмис боғлаган. **Табибийнинг ушбу мухаммаси ҳам Навоий ғазали ёзилган арузнинг** *рамали мусаммани мақсур* **вазнида бўлиб, бу шеър қуйидаги банд билан якунланади:**

То Табибийдек ул ойнинг ишқиға бўлдим дучор,
Чеккамен тинмай даме ҳасрат била афғонзор,
Бу сифат ҳолимни кўрган бирла ҳам лайлу наҳор,
Эй Навоий, гарчи мени меҳрсиз дер эрди ёр,
Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз.

Аҳмад Табибий "Ҳайрату-л-ушшоқ" девонидаги кейинги мухаммас "Бадоеъ ул-васат"даги:

Улки солғай шуъла аъзосиға ўтлиғ оҳлар,
Қайда билгай куймакин зарбофт кийган шоҳлар – деб
бошланувчи ғазалга ёзилган. Жумладан, ушбу мухаммас:
Билмагай ҳиммат русумин ҳар назар кўтоҳлар,
Айлаким ишқ эмас мажмуъи чеҳрагоҳлар,
Лек мундоқ нуктаоғоз айтдилар огоҳлар,
Улки солғай шуъла аъзосиға ўтлиғ оҳлар,
Қайда билгай куймакин зарбофт кийган шоҳлар –

банди билан бошланиб,

[1] Hojiahmedov A. Aruz nazariyasi asoslari. – Toshkent. "Akademnashr". 2018. B.47.

Комрон эл хотирида бенаволар фикри йўқ,
Дардсизларға атиббо даволар фикри йўқ,
Ақлдин бегоналарға ошнолар фикри йўқ,
Эй Навоий, шоҳларға чун гадолар фикри йўқ,
Айлагил ҳам тангри даргаҳиға шай ан лил-лоҳлар –

тарзида якунланади.

Табибийнинг мазкур девонидаги бешинчи мухаммаси Навоийнинг *"Ишқ журмиға мени, эй дўстлар, ёзғурмангиз, Бегунаҳ мен худ куярмен, сиз дағи куйдурмангиз"* матлаъи билан бошланадиган ғазалига ёзилган. Табибийнинг тахмиси қуйидаги банд билан бошланади:

Таъна тийғини дилу жонимға ҳар дам урмангиз,
Оҳу фиғоним ўтини чархдин ошурмангиз,
Ҳажр ранжи устига кулфат манга етурмангиз,
Ишқ журмиға мани, эй дўстлар ёзғурмангиз,
Бегунаҳ мен худ куярман, сиз дағи куйдурмангиз.
Бу шеър арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида бўлиб:
Ҳар кишининг бор эса ганжи маломат маскани,
Бўлғусидур доим эл таънини чекмаклик фани,
Айлаб асбоби алам бирла Табибийни ғани,
Ишқ оламидин суруб солди Навоийдек, мани
Куйига, эй ишқ аҳли, сиз ҳам ондин сурмангиз.

"Ҳайрату-л-ушшоқ" девонидаги Навоий ғазалига ёзилган Табибийнинг навбатдаги олтинчи мухаммаси *"Мени ушшоқ жонбози қаторидан ҳисоб айлаб"* мисраси билан бошланади. Шоирнинг бу тахмиси "Наводир ун-ниҳоя"даги Навоийнинг *"Тун оқшом келди кулбам сари ул гулруҳ шитоб айлаб, Хироми суръатидин гул уза хўйдин гулоб айлаб"* байти билан бошланадиган ғазалга битилган.

Девондаги Навоийнинг тўққиз байтли ғазалига ёзилган Табибийнинг еттинчи мухаммаси:

Ҳусни янглиғ бўлмағусидур жаҳон оро қуёш,
Ҳосил этмай буйла фатон кўз ила қош то қуёш,
Эмди тонг йўқ ғарқ хижолат бўлса сар то по қуёш,
Шомким тун ***пардасида айлади*** *ихфо қуёш,*
Парда олиб юздин ул ой айлади ифшо қуёш –

банди билан бошланади.

Табибий мухаммаси ҳам тўққиз банддан иборат. Фақат Табибий мухаммаси таркибидаги Навоийга тегишли *"пардасида айлади"* бирикмаси Навоий ғазалининг нашр вариантида *"пардасидин истади"* тарзида берилган. Бу шеър арузнинг *рамали мусаммани мақсур* вазнида ёзилган бўлиб, қуйидаги банд билан якунланади:

То Табибийдек манга учраши бир рухсори маҳ,
Бошим ўлмушур туну кун кўйи узра ҳоки раҳ,

Айлаган чоғда тасаввуф мандин ором гаҳ,
Бил, Навоийким, тафовутдур қуёшдин ойғача,
Айласанг наззора ул ой оразидин то қуёш.

Табибий "Ҳайрату-л-ушшоқ" девонида Навоий ғазалига ёзилган яна иккита мухаммас бўлиб, саккизинчи мухаммас *"Келиб ҳусни малоҳат ичра ул ой хўб аълоси, Ҳамиша ишқ эли бошидадур ишқ малолоси, Олиб жон халқ жисмидан нигоҳ чашми шаҳлоси, Ўлукка жон берур чун нукта айтур лаъли гуеси, Масиҳо мимидин гўё чиқар жонбахш анфоси"* банди билан бошланади. Кўринадики, Табибийнинг ушбу шеъри Навоийнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган *"Ўлукка жон берур чун нукта айтур лаъли гуеси, Масиҳо мимидин гўё чиқар жонбахш анфоси"* матлаъи билан бошланадиган ғазалига тахмис сифатида битилган. Навоийнинг:

Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга –

матлаъси билан бошланадиган рамали мусаммани маҳзуф вазнидаги ғазалига ёзилган Табибийнинг тўққизинчи мухаммас шеъри:

Одамиким гар таваккул бор эса одат анга,
Ики олам ичра ҳам етгусидур роҳат анга,
Кимга ҳиммматлиғ эса бўлғуси амният анга,
Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга – банди
билан бошланиб, қуйидагича якунланади:
Илтифоти шаҳ била ҳосил қилиб айшу тараб,
Жоми ишратни Табибийдек ичиб ҳам лаббалаб,
Буйла ҳолатға етушгач шавқ бирла рўзи шаб,
Гар Навоий сўз узатти, фақрдин эрмас деманг ажаб,
Бўлмағунча ҳукм шаҳдин, қайда бу журъат анга?

Хулоса қилиб айтганда, **Табибий қаламига мансуб юқоридаги лирик асарлар илк бор тадқиқ этилаётгани боис, уларнинг биринчи ва охирги бандлари табдили келтирилди. Бундан мақсад эса Аҳмаджон Табибий ижодида Алишер Навоий анъаналари ҳақида дастлабки тасаввурларни уйғотиш эди. Бундай лирик асарларни аввало, тўлиқ табдил этиш, уларни бадиият мезонлари асосида чуқурроқ тадқиқ қилиш ечимини кутаётган илмий муаммолардандир.**

Адабиётлар:
ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 2662 инвентар рақамли қўлёзма.
ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 3460 инвентар рақамли қўлёзма.
ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 3461 инвентар рақамли қўлёзма.

ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 8989 инвентар рақамли тошбосма.

ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 1134 инвентар рақамли қўлёзма.

Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1 жилд. –Т.: Фан, 1987.

Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 2 жилд. –Т.: Фан, 1987.

Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3 жилд. –Т.: Фан, 1988.

Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 4 жилд. –Т.: Фан, 1989.

Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. – Toshkent: Akademnashr, 2020.

Шайх Аҳмад Ибн Худойдод Тарозий. “Фунуну-л-балоға” (Масъул муҳаррир Б.Ҳасанов). Тошкент. Хазина, 1996.

Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. – Тошкент, Фан, 1978.

Hojiahmedov A. Aruz nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018.

НАВОИЙ МАҚТАГАН САЙЙИД АСИЛ КИМ?

Рустамжон ЖАББОРОВ

Маълумки, Алишер Навоийнинг асарларида унга замондош бўлган ва ундан аввал яшаб ўтган ўнлаб шоирлар, ҳукмдорлар, мутафаккирлар, олимлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳақида сўз боради. Улардан кўпчилигининг бошқа тарихий манбалар орқали ҳам бизгача етиб келган, айримлари ҳақида эса, фақат Навоийнинг асарлари орқали хабардор бўлиш мумкин.

Биз мазкур мақоламизда номи илк бор Оққўюнлилар даврида ҳозирги Эроннинг Табриз шаҳрида кўчирилган Алишер Навоий девонида тилга олинган Саййид Асил исмли тарихий шахс ва унинг буюк шоир билан алоқадорлиги хусусида сўз боради.

Айни пайтга қадар мазкур девон ва унинг адабиётшуносликдаги аҳамияти бир қатор ўзбекистонлик ва хорижий олимлар, хусусан П.Сужек, С.Йошифуса, Т.Сейҳан, Б. Пери, Ю.Четиндоғ[1] ҳамда ўзбек олимларидан М.Имомназаров, А.Эркинов, Д.Юсупова ва бошқалар томонидан ўрганилган[2]. Мақоланинг илмий янгилиги шундаки, шу пайтга қадар Навоийнинг ушбу девонда номи тилган олинган ягона замондоши – Саййид Асилнинг ким экани, унинг Навоийга қанчалик алоқаси борлиги деярли ўрганилмаган.

Мазкур кичик тадқиқот доирасида биз ана шу тарихий шахснинг идентификацияси хусусида имкон қадар сўз юритилади.

Юқорида айтилганидек Алишер Навоий ўзининг кўпгина асарларида ўзидан аввал яшаб ўтган шахслар ва ўз замондошлари ҳақида бугунги кун нуқтаи назаридан жуда қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Масалан, "Насойимул-муҳаббат"да 772 нафар тасаввуф ва тариқат намояндалари, шоир ва алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида хабар топамиз[3]. Шоир "Мажолис ун-нафоис" асарида эса, ўзи бевосита кўрган, таниган, шунингдек ундан аввалроқ яшаб ўтган, туркий ва форсий тилда ижод қилган юзлаб шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотлар топиш мумкин[4].

Шунингдек, Алишер Навоийнинг муайян шахсларнинг таржимаи ҳоли, фаолияти, феъл-атвори ҳақида ҳикоя қилувчи "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", "Ҳамсатул-мутаҳаййирин" сингари асарлари ҳам мавжудки, буларнинг барча-

---

[1] Eyvazova R. H. Kişvəri «Divan»ının dili: (morfoloji xüsusiyyətləri). Bakı: Elm, 2005. Б 17; Четиндоғ Ю. Алишер Навоий ва Усмонли шеърияти. Тошкент. Муҳаррир, 2011. 12 б.; Seki Yoshifusa. Calligraphic works in the two albims of Sultan Yakub. Nameh-ye Baharestan. Library, Museum and Documentation Centre. Tehran. 2009.Б11; Ulvi Almaz. Elişir Nevai Azerbaycan edebıyatşunasliğinda. Bakı. Qartal. S 40.;

[2] *Имомназаров М. Уч девон муқоясаси. "Алишер Навоий ва* XXI *аср" мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент. Турон-Иқбол. 2018. Б 42;* Ҳаққул И. Алишер Навоий ва Султон Абусаид. Ўзбек тили ва адабиёти. 2015. №1. Б 18.; Эркинов А. "Дунёда ягона қўлёзма (Алишер Навоий ихлосмандлари томонидан тузилган янги девони топилди) " // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2012 йил, 17 февраль, 1, 4-б; Эркинов А. Алишер Навоий «Ҳамса»си талқини манбалари (XV-XX аср боши).Тошкент. тамаддун. 2018. Б 261-262.; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий манбаларнинг қиёсий-типологик таҳлили. Тошкент. Академнашр. Б 77; Эркинов А. Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони (1471 йил). Tokyo: Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa, 2015; Юсупова Д. "Илк девон"дан "Оққўюнли мухлислар девони"га ўтган ғазаллар трансформацияси. "Алишер Навоий ва XXI *аср" мавзусидаги илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент. Турон-Иқбол. 2018.Б 69-76.*

[3] Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд. Тошкент. Фан. 1999.

[4] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 13-жилд. Тошкент Фан. 1996.

си шоир яшаган даврдаги сиёсий вазият, ижтимоий ҳаёт, маданий муҳит ҳақида қимматли маълумотлар беради. “Ҳамса”нинг ҳар бир достонида ўзининг салафлари – Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийларнинг тавсифига бағишланган боблар ажратади.

Нафақат Навоийнинг тазкиралари, тарихий ва насрий асарлари, балки унинг девонларида ҳам бир қанча тарихий шахслар номи тилга олинади. Ўз девонлари дебочасида шоир бир қатор устоз шоирлар номини миннатдорлик ила тилга олиб ўтади. Уларнинг айримлари ким экани, уларнинг Навоийга қандай алоқадор экани ҳанузга қадар ўрганилган.

Мазкур мақолада Навоий ижодида атиги бир маротаба тилга олинган, мутахассислар томонидан деярли эътиборсиз қаралган бир тарихий шахс ҳақиқатини очишга қаратилган. Умид қиламизки, мақола шоир ҳаётида маълум маънода роль ўйнаган бир инсоннинг шахсиятини оз бўлса-да ёритишда етарлича ўрин тутади.

Биз қуйида сўз юритадиган тарихий шахс номи Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонида 431-ғазалида тилга олинган. Мана, ўша ғазал:

Эй, жамолинг равзаси фирдавс боғидек жамил,
Лабларингнинг кавсари айнан тусаммо салсабил.
Истамас бўлса муҳаббат аҳли ёшин Дажладек,
Не учун чекти қазо машшотаси оллингға Нил?
Кўзума йўлунгда туфроғлиғ тиканким санчилур,
Бор биайниҳ сурма ул туфроғ, тикан андоқки мил.
Барги гулдек ҳулла жисмингда сабо таҳрикидин
Титрар андоқким кумуш устида бир муфлис бахил.
Эй кабутар, восил ўлдум, нома келтурмакни қўй,
Ким ҳарими ломаконда маҳрам эрмас Жабраил.
Оразинг ойина юз маҳваш сафодин урса дам,
Кўзгу олким, кўргузур юз важҳдин равшан далил.
Эй Навоий, бода ол, ич хосса бу шукронаға,
Ким саломатдур асолат гавҳари саййид асил: [1].

Эътибор қаратадиган бўлсак, ғазалнинг илк байти – матлаъи маъшуқага қаратилган бўлиб, унинг чиройи равзаси жаннат боғига, лаблари эса, жаннатдаги тўрт дарёнинг бири – Салсабил ҳамда Кавсар ҳовузининг зилол сувига ўхшатилади. Кейин байтда муҳаббат аҳлининг кўз-ёшлари Шарқдаги машҳур Дажла ва Нил дарёларига нисбат берилади. Ёр йўлидаги тупроқ ва тиканни ошиқ сурма ва мил (сурма чўпи)га ўхшатади. Санамнинг оппоқ баданини беркитиб турган нозик кўйлакнинг шабададда ҳилпираши кумуш уюмини бутун борлиғи билан, титраб-қақшаб яширишга уринаётган бахил кимсага қиёсланади.

Кейинги байтда ошиқ у билан маъшуқ ўртасида воситачилик қилган кабутарга қарата, хат етказишдан тўхташни айтади. Шу ўринда пайғамбаримиз (с.а.в.) ва Аллоҳ таоло ўртасида воситачилик қилган фаришта – Жаброил (а.с.) ёдга олинади. Маълумки, Расулуллоҳ (с.а.в) меърож пайтида Аллоҳ билан бевосита мулоқот қилганлар ва ўша аснода Жаброил (а.с.)нинг хизматига эҳтиёж сезилмаган. Шоир ошиқ ва маъшуқ(а) ўртасида висол пайтида

[1] Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. .1-жилд. Тошкент. Фан. 1987. Б 442.

кабутар орқали юбориладиган мактубга ҳожат қолмаслиги “ҳарими ломакон” – Яратганнинг ҳузуридаги бевосита мулоқотга нисбат берилади.

Ёрнинг ой юзи қаршисида юзта маҳваш гўзалнинг софликдан, тозаликдан баҳслашиши бефойда. Ёр қўлига кўзгу олиб, ўз аксига боқса кифоя. У юзта важ-баҳонадан кўра аниқроқ далилни кўради. Бу ўриндан важҳ сўзи икки маънода – ҳам баҳона, ҳам юз, чеҳра маъносида ишлатилмоқда. Яъни ошиқ учун ўз севгилисининг рухсори юзта бегона гўзалникидан чиройлироқ.

Ғазалнинг охирги мисраси – мақтаъи олдинги байтлардан тамомида фарқ қилади. Энди шоир ўз эътиборини маъшуқа, ишқ-муҳаббат мавзусига эмас, аниқ бир шахсга қаратади. Яъни, шоир ўз-ўзига мурожаат қилиб, “Эй Навоий, қўлингга қадаҳ ол, лоақал асолат гавҳари бўлган Саййид Асилнинг саломатлиги шукронаси учун бода ич” демоқда.

Албатта ғазалнинг ички мазмуни ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Унинг ҳар бир байтида ошиқнинг маъшуқа ҳусни олдидаги ҳайрати, унга бўлган чексиз садоқати хилма-хил образлар, муболағалар, ташбиҳлар воситасида очиб берилган. Ғазални мажозий ишқнинг ўзига хос, бетакрор тараннуми дейиш мумкин. Аммо, ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Маълумки, мумтоз адабиётимизда кўпгина ғазалларда охирги байт – мақтаъ ғазалнинг умумий мазмунидан узилган ҳолда, қайсидир тарихий воқеага ишора ёхуд маълум шахсга мурожаат тарзида битилади. Алишер Навоий ғазалларида сўнгги мисраларда асосан, Ҳусайн Бойқарога мурожаат ёки унинг тавсифи яққол кўзга ташланади.

Бу ғазал мақтаъида ҳам айнан муайян тарихий шахс тилга олинган. Лекин кўриниб турибдики, у Ҳусайн Бойқаро эмас. Чунки, бу ғазал битилган пайтда Ҳусайн Бойқаро Навоийдан, умуман Ҳиротдан анча олисда эди. Биз қуйида бу ҳақда алоҳида сўз юритамиз.

Бу байтда эса, айни пайтга қадар кимлиги бизга етарлича маълум бўлган бошқа бир шахс ҳақида сўз боради:

Эй Навоий, бода ол, ич хосса бу шукронаға,
Ким саломатдур асолат гавҳари Саййид Асил.

Шу пайтгача нашр қилинган Навоий девонларида, 20 жилдли “Мукаммал асарлар тўплами”да, уларнинг интернет саҳифаларидаги электрон талқинларида “Саййид Асил” номи кичкина ҳарфлар билан кўрсатилгани ноширлар ҳам ўз даврида бу икки сўзга атоқли от эмас, оддий сифат ёки турдош от деб қараганини билдиради.

Мазкур байт илк бор Навоийнинг ҳижрий 976/ милодий 1471 йилда кўчирилган “Оққўюнли мухлислар девони”да учраши бу ғазал шоирнинг ёшлигида, аниқроғи 30 ёшигача бўлган даврда битилганини билдиради. Маълумки, бу девон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллаганидан сўнг, орадан икки йилча ўтиб, қўшни Оққўюнлилар давлатида, Узун Ҳасан ҳукмронлиги даврида, унинг ўғли Султон Халил ҳокимлик қилаётган Шерозда, Анисий тахаллуси билан танилган котиб Абдурраҳим Хоразмий томонидан кўчирилган[1].

Қўлёзма айни пайтда Қоҳирадаги Миср Миллий кутубхонасида, Turc Lib 68 тартиб рақами остида сақланмоқда ва у илк бор ўзбек адабиётшунослигига Афтондил Эркинов томонидан 2012 йилга олиб кирилган. Девонга 223 та ғазал, 2 та мухаммас, битта мустаҳзод ва битта таржеъбанд киритилган.

[1] Эркинов А. Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони (1471 йил). Tokyo: Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa, 2015.

Девоннинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири Навоий шеърларининг ўша давр Оққўюнлилар давлати адабий тили – ўғуз туркчасига мослаштирилганидир. Масалан юқоридаги байтнинг илк мисраси "Оққўюнли мухлислар девони"да *"Эй Навоий, бода ол, ич, хосса бу шукроная"* тарзида берилган[1]. Аниқроғи, эски ўзбек тилидаги жўналиш келишиги қўшимчаси (-ға) –я тарзида ишлатилган.

Эътиборли томонида, ушбу девондаги шеърларда Саййид Асилдан бошқа бирор бир замондош тарихий шахс номи тилга олинмаган.

Кейинчалик бу ғазал "Хазойинул-маоний"даги иккинчи девон – "Наводируш-шабоб"да ҳам 379-ўринда келтирилган. Демак, бу ерда шоирга ёшлик чоғларидан таниш бўлган, шоирнинг меҳри ва ишончини қозонган, мақтовга сазовор шахс ҳақида сўз бормоқда.

Биз айни пайтга қадар навоийшунослик билан боғлиқ мақолаларда, ҳатто 2 жилдли "Алишер Навоий" қомусий луғатида ҳам Саййид Асил исмини учратмадик. Байт мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, лирик қаҳрамон Навоийни Саййид Асил исмли тарихий шахснинг борлигига шукр қилиб, қадаҳ кўтаришга ундамоқда. Кейинги мисрада Саййид Асил "асолат (асллик) гавҳари" дея сифатланмоқда.

Албатта бу ўринда мумтоз адабиётьда кенг қўлланиладиган иштиқоқ (бир сўздан бошқа сўз ҳосил қилиш, бир ўзакдан осил бўладиган бир нечта сўзни байт ёки жумладан қўллаш) санъатидан фойдаланилган[2]. Яъни бир ўзакка мансуб иккита сўз – асолат ва асил ёнма-ён қўлланган. Бу одатда шеърдаги шаклий гўзаллик, сўзларнинг бир-бирга боғлиқлиги шеърнинг ўзига хос жозибасини таъминлаган Демак, Навоий томонидан бу тарзда шарафланган зот "асллик гавҳари" деган номга муносиб бўлиши керак эди.

Аввало нима учун "асолат гавҳари" деган ном ишлатилмоқда? Тилга олинган зот шу қадар ҳурмат-эҳтиромга лойиқ, улкан мартабага эга зотмиди? Бу исмнинг биринчи қисми Саййид сўзи ҳурмат маъносида ишлатилганми, ёки унинг аждодларига, насл-насабига ишора борми?

Байтдаги "саййид" атамаси ҳақида ҳам икки оғиз. Одатда бу ном асосан пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг набиралари Ҳасан ва Ҳусайн (р.а.) авлодларидан тарқалган кишиларга нисбатан айтилган. Шу билан бирга саййид атамаси келиб чиқиши пайғамбар авлодларига бориб тақалмайдиган, аммо юксак мартабали амирлар, беклар, шаҳзодалар ва ҳукмдорлар номига ҳам ҳурмат юзасидан саййид атамаси ишлатилган.

Масалан, ўзбекларнинг манғит сулоласидан бўлган Бухоро амирлари исмига ҳам "сайид" атамаси қўшиб ишлатилган. Бугунги араб тилида бу атама "жаноб" маъносида ҳар қандай кишига ҳурмат юзасидан қўллинилиши мумкин. Демак, байтда назарда тутилган зотни фақат шажараси пайғабмбаримизга бориб тақаладиган кишилар орасидан излаш тўғри эмас.

Биз турли манбалардан Саййид Асил исми билан танилган, Навоийга замондош бўлган икки тарихий шахс ҳақида маълумот топдик. Улардан бири Беатрис Форбс Манц қаламига мансуб "Темурийлар даврида Эронда сиёсат ва дин" (*Politics and Religion in Timurid Iran*) номли китобида тилга олинган Саййид Асилдир[3].

Муаллифнинг ёзишича, унинг асли исми Саййид Асилиддин Абдуллоҳ Воиз бўлиб, бугунги Эрон ҳудудидаги Шероз шаҳрида туғилган. Султон Абусаид Мирзо даврида Ҳиротга

[1] Алишер Навоий. Оққўюнли мухдислар левони. Қўлёзма. Миср Миллий кутубхонаси. Қоҳира. Turc Lib 68. 34б.
[2] Юсупова Д.Аруз вазни қоидалари ва мумтоз поэтика асослари. Тошкент. Таълим медиа, 2019. 172 Б.
[3] Manz Beatrıce. Power, Politics and Religion in Timurid Iran. Cambrıge unıversıty press. 2007. P 70-71.

келган унинг қўл остида масъул вазифаларда ишлаган, Гавҳаршод бегим масжидида воизлик ҳам қилган. Ҳиротда яшаб ўтган мутасаввиф олимлар ва тарихий қадамжолар ҳақида "Мақсад ул-иқбол" номли асар ёзган.

"Мақсадул-иқбол" асари Абусаид Мирзога бағишланган бўлиб, унда зиёрат одоблари, Ҳиротда яшаб ўтган азиз-авлиёлар, улар дафн қилинган қабрларнинг ўрни, шунингдек, турли шоҳлар ва ҳукмдорлар оилалари вакилларининг қадамжолари ҳақида ҳам сўз юритилади.

Асар милодий 1458 йилда ёзилган. Кейинчалик у 1932 йилда афғонистонлик Мулло Муҳаммад Сиддиқ Ҳиравий томонидан мукаммалштирилган. Муаллифнинг ўзи юз йиллар оша Асидиллин Воиз номи билан халқ ичида машҳур бўлиб келган.

Хондамир "Ҳабибус-сияр" асарида Сайид Асил ҳақида ёзаркан: "ба сифати асолату вуфуру жалодату набоҳатшаъну қадами дудмон мавсуф ва маъруф буд..." дея таърифлайди. Шунингдек, унинг тафсир, ҳадис, иншо ва таълифда беназир эканини айтади. Хондамирнинг ёзишича, Саййид Асил Абу Саъид Кўрагон замонида она юрти Шероздан Ҳиротга келади. Бир муддат Ҳиротдаги Гавҳаршобегим мадрасасида халққа маъруза ва мавъизалар ўқийди. 883 йил рабиул-аввал ойининг 17 куни (1478 йил, 26 июнь) вафот этади. Ҳусайн Бойқаро унинг фарзандларига тасалли ва таскин учун оталарига тегишли бўлган суюрғол ерларни уларга бағишлайди.[1]

Албатта, Ҳусайн Бойқаронинг бу қадар иззат-икромига сазовор бўлган инсон Навоийнинг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас. Қолаверса, Ҳиротдаги олим, шоир, тарихчи, умуман адабиёт ва санъатга алоқадор инсонларнинг аксарияти Навоийнинг рағбатидан, ҳимматидан баҳраманд бўлган. Шу нуқтаи назардан Ҳусайн Бойқаро даврида ҳам Навоий Саййид Асилиддин Воъиз билан учрашган бўлиши керак. Лекин, биз юқоридаги ғазал мазмунига эътибор қаратсак, у анча аввал, тахминан Абусаид Мирзо ҳукмронлиги пайтида битилганини осон пайқашимиз мумкин.

Бу даврда Навоий ҳали ёш йигит эди. Сайид Асилиддин эса, Абусаид мирзога анча яқин бўлган, ҳукмдор учун китоблар битган. Ўша пайтда бу икки зот қайсидир важ туфайли учрашган, суҳбатлашган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Балки, ўша пайтларда Саййид Асилиддин ёлғизланиб қолган ёш Навоийга қўлидан келганча ёрдам бергандир?

Агар тарихий манбаларда Сайид Асил номи билан тилга олинган бошқа бирор тарихий шахс учрамаганида, юқоридаги байтда фақат Асилиддин Воиз кўзда тутилган бўлиши мумкин, дея фикр билдира олган бўлардик.

Бир қатор манбаларда келтирилган маълумотларга таянадиган бўлсак, Саййид Асил исмли иккинчи тарихий шахс эса, арғин бекларидан бўлган, бир пайтлар Абусаид мирзо хизматида бўлган арғин бекларидан бири Саййид Асил арғин экани ойдинлашди

У ҳақидаги маълумотлар илк бор темурийлар даврида номаълум муаллиф томонидан яратилган "Муъизз ал-ансоб" асарида учрайди[2]. Унда ёзилишича, арғинлар туркийларнинг қадимий уруғларидан бўлиб, Амир Темур даврида ҳам жуда катта эътиборга эга бўлишган. "Темур тузуклари"да арғин уруғи соҳибқиронга тобе бўлган 40 туркий уруғдан бири бўлиб, бу уруғларнинг 12 таси (жумладан арғинлар ҳам) унинг хос навкарлари таркибига кирган. Амир Темур фармонига биноан Тошхўжа арғин уруғига амир деб эълон қилинган, яна йигирма киши ўнбоши, юзбоши, мпнгбоши лавозимларига тайинланган[3].

---

[1] Хондамир. Ҳабибус-сияр. 3-жилд. 3-қисм. р.к.334 с.

[2] История Казахстана в персидских источниках. Том 3. Муизз ал Ансаб. Перевод Ш.Вахидова. Алматы, 2006. С.179.

[3] Темур тузуклари. Форсча матнидан Алихонтўра Соғунй ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси. Тошкент.

Абусаид мирзо ҳокимият тепасига келишига ҳам арғинларнинг хизмати катта бўлган[1]. Ҳатто Султон Ҳусайн Бойқаро хизматидаги аъёнлар орасида ҳам бир қанча арғин бек ва амирлари учрайди.[2] Аммо, улар орасида Саййид Асил бўлган-бўлмагани ҳақида маълумотларимиз етарли эмас. Унинг исми фақат Абусаид мирзо хизматида бўлган арғинлар орасида тилга олиб ўтилади.

Хондамирнинг "Ҳабибус-сияр" асарида ёзилишича, Абусаид мирзо ашаддий рақиби ва қариндоши Ёдгор Мирзонинг ёнига, Узун Ҳасан саройига Саййид Асил арғинни элчи сифатида юборган[3].

Демак Сайймд Асил Оққўюнлилар саройида бўлган, ушбу хонадон вакиллари билан учрашган бўлиши керак. Шу сабабли "Оққўюнли мухлислар девони"да айнан Саййид Асил исми келтирилган ғазалнинг ҳам жой олиши бежиз эмасга ўхшайди. Зотан, девонда Навоийга бевосита замондош бўлган бирор бир Ҳирот муҳити вакили учрамайди. Бу пайтда Навоийнинг ғазаллари сони анча кўп бўлган. Тахминларга кўра, 1465 йилда тузилган "Илк девонда ҳам 300 дан ортиқ ғазал киритилган эди. Балки, Саййид Асил номи Оққўюнлилар муҳитида ҳам яхши таниш бўлгандир?

Манбаларда, Ҳусайн Бойқаро тож-тахт можароси билан юрган кезлари 1464 йилда Сайид Асил арғун бошчилигидаги Абусаид мирзо қўшинларидан мағлуб бўлиб ортга чекинган. Саид Асил ўз шериклари Саид Мурод ва Шайх Темур билан Ҳусайн Бойқарони то Хоразмга қадар таъқиб қилиб келишган[4].

Биз юқоридаги байтни Алишер Навоий ҳали Абусаид мирзо ҳукмронлиги остида, Ҳиротда яшаб юрган пайтида битилган бўлиши мумкинлигини айтдик. Маълумки, Абусаид мирзо ҳукмронлиги даврини Навоий ўзининг "энг бахтсиз, кимсасиз, муҳтожликка тўла" даври деб эслайди. Айнан унинг ҳукмронлиги даврида Абусаид мирзо шоирни Самарқандга бадарға қилади. Бу бадарға сабабларини олимлар турлича шарҳлашган.

Профессор Иброҳим Ҳаққулнинг ёзишича, Навоий Султон Абусаиднинг шафқатсиз сиёсатига бетараф қараб туролмасди. Боз устига, шоир бир муддат Абусаид саройида хизмат қилиб, унинг феъл-атворини ҳарқалай яқиндан билган. Навоий Султон Абусаид давлатида йилдан йилга мустабидлик, мутаассиблик, қуллик ва ўзаро ишончсизлик кенг қулоч ёзишини ҳам, ижтимоий ҳаётда кутилмаган кулфату офатлар юз беришини ҳам олдиндан сезган. Имкон қадар уларни образлар тили билан акс эттириб ҳам берган[5].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам "Бобурнома"да бу ҳақда сўз юритаркан, "...билмон, не жарима била Султон Абусаид мирзо Ҳирийдин ихрож қилди" деган эди.[6] Ҳар қалай, Абусаид мирзо ашаддий ғаними Ҳусайн Бойқаро билан яқин муносабатда бўлгани учун ҳам, Алишер Навоийни ўзидан йироқлатган бўлиши мумкинлиги ҳақиқатга яқин келади.

Хуллас, Абусаид мирзо ҳукмронлиги даврида Навоий яқинларидан ажраган, тоғалари қатл этилган, моддий ва маънавий мададга муҳтож кезлари эди. Шу боис, у саройга анча

Шарқ. 2005. 105-106 б.

[1] Абдураззоқ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Форс-тожик тилидан Б.Аҳмедов таржимаси. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1981 153 Б.

[2] Сабытов Ж.Аргуны во владения Тимуридов в 1450-1451 года. Средневековые тюрко-татарские государства. Сборник статей. Выпуск №3. – Казань. Ихлас. 2011. с. 128-133.

[3] Ghiyās al-Dīn ibn Humām al-Dīn Khvānd Mīr. Habibus-siyar. Dept. of Near Eastern Languages and Civilizations, Harvard University, 1994. P. 193.

[4] *Ахмедов Б. А.* Государство кочевых узбеков. М.: Наука, 1965. Стр 180.

[5] http://kh-davron.uz/kutubxona/alisher-navoiy/ibrohim-haqqul-mulkgirlik-savdosi.html

[6] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёловчи П.Шамсиев. Тошкент. Юлдузча. 1989. Б 153.

яқин, ҳукмдорнинг ишонган саркардаларидан бўлган Саййид Асил арғиндан қандайдир яхшилик, ҳиммат кўрган, шу боис, унинг номини ҳатто ўз ғазалига ҳам киргизган бўлиши мумкин. Балки тасаввуфий руҳдаги бу ғазал бошдан-оёқ Саййид Асилга тақдим қилиш учун битилгандир?

Аслида, эътибор билан қаралса, ғазал мазмун нуқтаи назаридан Саййид Асилни мақташга бағишланмаган. Аммо, мумтоз адабиётда мутлақо бошқа мазмундаги, дейлик ошиқона асарларни ҳам муайян тарихий шахсга аташ анъанаси мавжуд бўлган. Масалан, XIV асрда яшаб ўтган ўзбек шоири Хоразмий ошиқнинг маъшуқасига номалар кўринишидаги "Муҳаббатнома" асарини ўша пайтдаги Олтн Ўрда ҳукмдори Жонибек султон (1357 йилда вафот этган)нинг бекларидан бири Муҳаммад Хўжабекка атаб 1353 йилда ёзган эди[1].

Навоийнинг ушбу темурмий ҳукмдор пайтидаги ҳаёти, унинг нима сабабдан Ҳиротдан бадарға қилиниши ҳақида турли хил фикрлар билдирилган.

Сайид Асилнинг кейинги тақдири ҳақида биз тарихий манбаларда зарур маълумотларни топа олмадик. Ҳар қалай Султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятни қўлга олганидан сўнг, бир қатор арғин беклари ўз вазифаларида қолган бўлсалар ҳам. "Муизз-ал-ансоб"да унинг хизматида бўлган арғинлар орасида Сайид Асил исми учрамайди.

Гарчи таркибида ушбу байт бўлган ғазал 1465 йилда тузилган "Илк девон"да киритилмаган бўлса-да, 1471 йилда Табризда кўчирилган "Оққўюнли мухлислар девони"да учраши унинг Навоий Ҳиротдан кетмаган пайтлари, битилган бўлиши эҳтимолини кучайтиради. Ушбу байт кейинги девонларда ҳам "масалан, 1484 йилдаги "Бадойиъул-бидоя"да ҳам учраши Навоийнинг орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай, Саййид Асилга бўлган ихлоси, ҳурмати йўқолмаганини кўрсатади.

Хўш, юқоридаги икки тарихий шахс (Саййид Асиилиддин Воъиз ва Саййид Асил Арғун) дан қай бири Навоийнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлди экан?

Юқоридаги маълумотлардан келиюб чиқадиган бўлсак, тарози посангиси кўпроқ иккинчи тарихий шахсга томон тош босмоқда. Чунки, байтда "Саййид Асил" исми ишлатилмоқда. Шерозлик воизнинг исми тарихий манбаларда айнан "Саййид Асилиддин Воиз" тарзида ишлатилган. Албатта, ғазалдаги вазн ва қофия айнан "Саййид Асил" сўзини талаб этса-да, Навоий даврида ҳурматга лойиқ кишиларнинг исмларини қисқартирилган кўринишда ишлатиш одат саналмаган.

Иккинчидан, байтда "бода" сўзи ишлатилган. Гарчи бу ўринда бода кўчма маънода ишлатилган бўлиши эҳтимолдан соқит қилинмаса-да, асосан ўзининг диний руҳдаги асарлари билан ном чиқарган, диний мавъизалар, ваъз-насиҳатлар орқали довруғ қозонган шахс номини "бода" билан ёнма-ён тилга олиниши мантиққа у қадар тўғри келмас.

Хуллас, бу ҳақда ҳозирча аниқ ишонч билан жавоб қайтариш қийин. Лекин, байт мазмунидан келиб чиқсак, Саййид Асилнинг саломатлиги Навоийнинг "бода олиб ичиши"га, шукр қилишига, унинг ўзи "асллик гавҳари" деган таърифга арзийдиган даражада экан, ким бўлишидан қатъи назар Навоийнинг қалбидан жой олган, унинг меҳри ва ишончини қозонган зот бўлиши керак.

Навоий 1484 йилда кўчирилган девонида ҳам шу байт айнан қайтарилган экан, демак, байт мазмунан ўша давр ҳолатига тўғри келиши учун Саййид Асилнинг тирик бўлиши тақозо этиларди. Саййид Асилиддин Воиз эса, бу пайтда ҳаёт бўлмаган. Бундан чиқди, На-

[1] https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/xorazmiy/

воий бу байтни Саййид Асил Арғинга атаб ёзган, деган тўхтамга келсак, тўғри бўлса керак.

Бир пайтлар Ҳусайн Бойқарони қувғин қилган, унинг ашаддий ғанимларига хизмат қилган амирга Навоий шундай эҳтиром кўрсатган бўлармиди, деган савол туғилиши табиий. Албатта, Навоийнинг бошқа асарларида Саййид Асил номи учрамагани ҳам кейинчалик шоир бу шахс Ҳусайн Бойқаро саройида иззат топмаганини кўрсатади. Аммо, бу байт ҳали Навоий Ҳусайн Бойқаро саройида хизматга кирмаган даврларда битилган. Эҳтимол, Навоий Саййил Асил номини ўз ғазалидан олиб ташламаслик орқали ёшликдаги қадрдонига бўлган садоқатини яна бир карра кўрсатгандир? Балки, кейинчалик, Саййид Асил Ҳусайн Бойқаро тарафидан афв этилгандир? Балки қайсидир усул билан Навоий ҳукмдорнинг энг яқин мулозими мақомини эгаллаганидан кейин, қайсидир йўл билан Саййид Асилга ҳам мурувват кўрсатгандир? Балки, ҳукмдорнинг ғазабидан, қасосидан уни асраб қолгандир? Ҳар қалай бу саволлар биз учун жавобсиз қолмоқда.

Шу ўринда яна бир қизиқ жиҳат эътиборимизни тортади. “Асолат гавҳари” атамаси бу байтдан ташқари Навоийнинг яна бир шеърида, лекин бошқа инсонга нисбатан ишлатилади:

Асолат гавҳари Нуёни барлос,
Саховат мулкининг маснаднишини.
Чу кўрдиким, сафол ичинда солиб
Ичадур бода бу меҳнат қарини.
Деди чиний суроҳим бордур, олғил
Сўзи деди, вале йўқ эрди чини[1].

(Яъни, асиллик гавҳари бўлган Нўён барлос саховат мулкининг ҳукмронидир, у камина (қийинчилик мубталоси)нинг сопол идишда бода ичаётганини кўрганида, “чинни қадаҳим бор, шуни сенга бераман” деди, айтишга айтдию, лекин гапининг чини йўқ эди.)

Ушбу қитъа Алишер Навоий девонларининг биздаги нашрларида учрамайди. Аниқроғи, улар “Расмий девонларга кирмаган шеърлар” номи остида Навоий асарлари 20 жилдлиги (“Мукаммал асарлар тўплами”)нинг 20-жилдида келтирилган. Қитъа мазмунидан кўриниб турибдики, бу ерда гап Нўён Барлос исмли шахс ва муаллиф ўртасида юз берган воқеанинг ҳазиломуз талқини баён қилинмоқда.

Афсуски, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ манбаларда Нўён барлос билан боғлиқ маълумот топа олмадим. Маълумки, турк-мўғул қабилалар орасида энг юқори табақага мансуб, юксак рутбадаги зодагонлар нўён деб аталган. Барлос эса, у мансуб бўлган уруғни билдиради.

Бундан кўриниб турибдики, “асолат гавҳари” атамаси фақат бир кишигагина хос эмас. Эҳтимол бошқа асарларда бошқа кишиларга нисбатан қўлланган ҳолатларга ҳам дуч келиш мумкиндир.

Барибир шу ўринда битта қизиқ жиҳатга эътибор қаратиш ўринли: юқоридаги байт ва қитъа мазмунига эътибор берадиган бўлсак, улар деярлди бир пайтда, Навоий ҳали саройда юқори лавозимни эгалламаган, нисбатан муҳтожликда кун кечираётган пайтларда ёзилганини тахмин қилиш мумкин.

[1] http://uza.uz/oz/culture/badoe-ul-bidoya-ning-ikki-yangi-lyezmasi-topildi-04-02-2019

Бундан ташқари Нўёни барлосга ҳам худди Саййид Асил сингари “асолат гавҳари” деган сифат берилмоқда. Нега Навоий айнан шу икки парчада, фақат Нўён барлос ва Саййид Асил исмли шахсларга нисбатан бу сифатни қўллаган? Агар Нўён барлос атамаси шахснинг исмини эмас, унвони ва уруғини билдирса, Саййид Асил унинг исми бўлса, ҳар икки шеърда ҳам битта инсон назарда тутилган эмасмикин, деган савол туғилади. Аммо, бундай бўлиши ҳақиқатга унча тўғри келмайди. Чунки, биз юқорида Саййид Асилнинг арғин уруғига мансуб эканини айтиб ўтдик. Арғин ва барлос бир-биридан тамоман фарқли уруғлар, аммо, уларнинг ҳар иккисига мансуб беклар ва амирлар темурийлар салтанатида юксак вазифаларда ишлашган.

Шундай экан, улар орасида Алишер Навоийнинг ёшлигида унга ғамхўрлик қилган, уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаган инсонлар бўлгани табиий ҳол. Балки, Нўён бардос ҳам, Саййид Асил ҳам маълум муддат бир пайтда Навоий билан бир даврада бўлишган, ҳар икки шеър яқин фурсатлар оралиғида ёки бир пайтда битилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бир қарашда мақолада кўтарилган масала жуда кичикдек, арзимасдек кўринади. Чунки, бу шахс номи Навоийнинг биргина ғазали таркибида, фақат бир мартагина учрайди. Ҳолбуки, Навоий асарларида минглаб шахслар хусусида сўз юритилади. Лекин Навоий ижодида шундай байтлар борки, уларда улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ, ҳали бизга маълум бўлмаган қанчадан-қанча сирлар яширинган бўлиши мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Алишар Навоий ўз даврида сиёсат, дин, адабиёт, санъат соҳаларида кўзга кўринган ҳар бир тарихий шахсни эътибордан четда қолдирмаган. Улар ҳақида у ёки бу асарида қандайдир маълумотлар қолдиришга ҳаракат қилган. Ҳатто орадан йиллар ўтиб, бу шахслар Навоийдан узоқлашиб кетган тақдирда ҳам, шоир уларнинг номини ўз шеърий сатрлари қатида сақлаб қолган ва бу исмларнинг асрлар оша барҳаётлигини таъминлаган.

Йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган Саййид Асил исми остида ҳам бир пайтлар Навоийни яқиндан билган, унга ёрдам берган, у билан дўстлик ришталарини боғлаган инсон ҳаёти, кечмиши ётган бўлиши табиийдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Alisher Navoiy. Nasoyimul-muhabbat. Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik. 17-jild. Toshkent. Fan. 1999.

2. Alisher Navoiy. Majolisun-nafois. Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik. 13-jild. Toshkent Fan. 1996.

3. Alisher Navoiy. Badoyi'ul-bidoya. Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik. .1-jild. Toshkent. Fan. 1987. B 442.

4.Axmedov B. A. Gosudarstvo kochevyx uzbekov. M.: Nauka, 1965. Str 180.

5. Eyvazova R. H. Kişvəri «Divan»ının dili: (morfoloji xüsusiyyətləri). Bakı: Elm, 2005. Б

6.Erkinov A. "Dunyoda yagona qo'lyozma (Alisher Navoiy ixlosmandlari tomonidan tuzilgan yangi devoni topildi) " // O'zbekiston adabiyoti va san'ati, 2012 yil, 17 fevralь, 1, 4-b; .

7.Erkinov A. Alisher Navoiy «Hamsa»si talqini manbalari (XV-XX asr boshi).Toshkent. tamaddun. 2018. B 261-262.;

8.Erkinov A. Alisher Navoiy. Oqquyunli muxlislar devoni (1471 yil). Tokyo: Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa, 2015.

9.Ghiyās al-Dīn ibn Humām al-Dīn Khvānd Mīr. Habibus-siyar. Dept. of Near Eastern Languages and Civilizations, Harvard University, 1994. P. 193.

10.Haqqul I. Alisher Navoiy va Sulton Abusaid. O'zbek tili va adabiyoti. 2015. №1. B 18 Sirojiddinov Sh. Alisher Navoiy manbalarning qiyosiy-tipologik tahlili. Toshkent. Akademnashr.

11.Imomnazarov M. Uch devon muqoyasasi. "Alisher Navoiy va XXI asr" mavzusidagi ilmiy-nazariy anjumani materiallari. Toshkent. Turon-Iqbol. 2018. B 42;

12.Istoriya Kazaxstana v persidskix istochnikax. Tom 3. Muizz al Ansab. Perevod Sh.Vaxidova. Almaty, 2006. S.179.

13.Manz Beatrıce. Power, Politics and Religion in Timurid Iran. Cambrıge unıversıty press. 2007. P 70-71.

14.Seki Yoshifusa. Calligraphic works in the two albims of Sultan Yakub. Nameh-ye Baharestan. Library, Museum and Documentation Centre. Tehran. 2009.Б11;

15.Sabytov J.Arguny vo vladeniya Timuridov v 1450-1451 goda. Srednevekovыe tyurko-tatarskie gosudarstva. Sbornik statey. Vypusk №3. – Kazanь. Ixlas. 2011. s. 128-133.

16.Sirojiddinov Shuhrat, Alisher Navoiy: manbalarning qiyosiy-tipologik, tekstologik tahlili. Toshkent: Akademnashr. 2011. 59 b.

17.Temur tuzuklari. Forscha matnidan Alixonto'ra Sog'uny va Habibulla Karomatov tarjimasi. Toshkent. Sharq. 2005. 105-106 b.

18.Ulvi Almaz. Elişir Nevai Azerbaycan edebıyatşunasliğinda. Bakı. Qartal. S 40.;

19.Yusupova D. "Ilk devon"dan "Oqqo'yunli muxlislar devoni"ga o'tgan g'azallar transformatsiyasi. "Alisher Navoiy va XXI asr" mavzusidagi ilmiy-nazariy anjumani materiallari. Toshkent. Turon-Iqbol. 2018.B 69-76.

20.Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. Nashrga tayyolovchi P.Shamsiev. Toshkent. Yulduzcha. 1989. B 153

НАВОИЙ ВА БАЛОҒАТ ИЛМИ

Ғулом БОБОЖОНОВ

Алишер Навоий ижоди гарчи кўпроқ поэтика аспектида ўрганилса-да, ўзига хос энциклопедик характер касб этади. Уларда тиб, илми нужум, фалакиёт, тарих, мантиқ, фалсафа, кимё, шариат, Қуръон илмлари, ҳадис илмлари, диолектология, биология, этнография, мусиқа каби ўнлаб фан соҳаларига оид тушунча ва истилоҳлар фаол қўлланган. Шунингдек, муаллифнинг айрим соҳаларга оид назарий қарашлари илгари сурилганини ҳам кузатиш мумкин. Булар, биринчидан, муаллифнинг поэтик тафаккури қанчалик кенглигини, иккинчи томондан эса, бу асарларни ўрганишда муаллиф таянган ва назарда тутган асосларга таяниш заруратини тақозо қилади.

Хусусан, Навоий асарларида "балоғат илми"га оид бир қатор илмий истилоҳлар учрайдики, улар воситасида муаллифнинг бу илмдан қанчалик чуқур хабардор бўлгани ҳамда унинг қоидаларини ўз асарларида моҳирона қўллаганини билиб олиш мумкин. Навоий ижодий тафаккурининг фавқулодда кенг қамровлилигида ҳам айни омилнинг ўзига хос ўрни борлиги шубҳасиз[1].

Алишер Навоий асарларида учрайдиган "Талхис", "Мифтоҳ", "итноб", "иъжоз", "маоний", "баён", "фасоҳат", "мажоз" каби ўнлаб истилоҳларга турли луғатларда асосан луғавий маъно бериш билан чекланилганига гувоҳ бўламиз. Бундай ёндашув муаллиф нуқтаи назарини тушуниш учун баъзан етарли бўлмаслиги мумкин. Навоий асарларида ишлатилган ҳар бир сўз ўзига хос маъно кўламига эга ҳолда муаллиф умумконцепциясининг муайян жиҳатини ифода этишга хизмат қилади.

Қуйидаги байт фикримизга ёрқин мисол бўла олади:

"Банд этибтур жадал аҳли ишин ишкол, андоқ,
Ким не "Мифтоҳ" анга суд қилур, не "Талхис"[2].

Байтдаги "Мифтоҳ" луғатда "калит, очқич", "Талхис" эса "саралаш, хулосалаш" тарзида изоҳланган[3]. "Мифтоҳ" сўзига "Хоразмлик олим Юсуф ас-Саккокийнинг араб тили қоидаларини ўз ичига жамлаган "Мифтоҳул улум" китоби[4]" шаклида маъно берилиши ўқувчини ҳақиқатга бир қадар яқинлаштиради. Аммо "Талхис" ҳақида юқоридагидан фарқли маълумот учрамайди.

Байтдаги "Мифтоҳ" сўзидан айнан "Мифтоҳул улум" асари назарда тутилганини байт маъноси, унинг умумий сиёғи ҳамда мавжуд "қарина" (далолат қилувчи сўз)лардан билиб олиш мумкин. Байтнинг биринчи мисрасидаги "жадал аҳли" муайян истилоҳни англатаётгани, "Мифтоҳ" сўзи билан биргаликда "Талхис" "зикр" қилинаётгани етарли "қарина" бўла олади. Бу сўзларнинг байтда назарда тутилган маъноларини билиш учун, аввало, улар билан боғлиқ бир жиҳатга эътибор қаратиш эҳтиёжи бор.

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 145.

[2] Алишер Навоий. МАТ. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. –Т.: Фан, 1987. – Б. 249.

[3] Навоий асарлари луғати. Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлигига илова. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 394, 590.

[4] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Иккинчи том. Т.: Фан, 1983. – Б. 310-311.

“Мифтоҳул улум” (“Илмлар очқичи”) Саккокий номи билан машҳур бўлган Абу Ёқуб Юсуф ибн Абу Бакр ибн Муҳаммад Сирожиддин Хоразмий (1160 –1228)нинг энг машҳур асари ҳисобланади. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми сарф, иккинчи қисми наҳв ҳақидаги илмни ўз ичига олган. Асарнинг катта шуҳрат топиши эса унинг учинчи қисмида “балоғат илми” ҳақида тизимли илмий қарашларнинг ифодалангани билан боғлиқ[1]. “Балоғат илми”нинг мустақил фан сифатидаги назарий кретерийлари аниқлаштирилиб, унинг тилшуносликдан фарқи илмий асослаб берилгани мазкур асарнинг шу типдаги бошқа китоблардан устунлигини намойиш этди. “Мифтоҳул улум” бугунгача “балоғат илми”-ни ўрганишдаги таянч манба вазифасини ўтаб келяпти.

“Мифтоҳул улум” яратилганидан бери ўтган саккиз аср давомида асарга юздан ортиқ шарҳ, ҳошия ва мухтасарлар битилди. Улар орасида энг эътиборлиси хатиб Жалолиддин Муҳаммад ибн Абдураҳмон Қазвинийнинг (1266–1338) “Талхисул “Мифтоҳ” номли “Мифтоҳул улум”га ёзган қисқартирилган шарҳи бўлди. Алишер Навоий ўз асарларида мазкур китоблар номини келтиргани унинг бу асарлардан етарли хабардор бўлганини кўрсатади. Бу китоблар Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги анъанавий таълим тизимида XX асрнинг 20-йилларигача асосий дарслик сифатида ўқитилган.

“Ҳайратул аброр”да келтирилган баъзи бир илмий истилоҳлар “балоғат илми” муаллифнинг поэтик тафаккурида қай даражада эътиборли бўлганини яққол далиллайди. Достонда ижодкор ўз концепциясини ифода этишда бадиий сўзни шунчаки қўллаш билан чекланмасдан, балки уни маромига етказиб, энг олий даражада истефода этишга алоҳида тўхталади. Достоннинг XII бобида буюк хамсанавис салафларидан бири – шайх Низомий Ганжавий ижоди борасида фикр юритаркан, Навоий уни қуйидагича таърифлайди:

“Кони фазилат гуҳариға амин,
Баҳри балоғат аро дурри самин[2]”.

Байтдаги “балоғат” сўзи луғатларда. 1. Етишиш, вояга етиш, болиғлик; йигитлик даврига ўтиш; 2. сўзни ихчам, гўзал ва мазмундор қилиб ифодалаш, бадиий ифода, мақсадни гўзал иборалар билан англатиш[3]” ёки “етуклик, баркамоллик, бенуқсонлик, нотиқлик[4]” сифатида изоҳланган.

“Балоғат” сўзини юқоридаги луғатларда келтирилган маъноларда тушуниш орқали ҳам байтдан муайян маъно чиқариш мумкин. Лекин унга Шарқ мумтоз поэтикаси қонуниятларини ўзида мужассамлаштирган илмий истилоҳ сифатида қаралса, маъно янада кенгайиб, муаллиф нуқтаи назарига яқинлашади.

“Балоғат илми” олимлари бу сўзнинг илмий истилоҳ сифатидаги бир қанча маъноларини келтиришган. «Фасиҳ жумланинг вазият ва ҳолатга мувофиқ ифода этилиши»; «сўзнинг маъно ва маънонинг сўз билан муштараклиги, сўз орқали маъно ва мақсаднинг тўла англашилиши»; «маънонинг энг мувофиқ сўзлар билан тингловчи шуурига жойланиши»; «мақсадни равшан сўз, гўзал услуб ҳамда фасоҳатли нутқ билан ифодалаш» кабилар шулар

[1] Бу ҳақда қаранг: Шарифов З. Балоғат фани. Т.: Мовароуннаҳр, 2014. – Б. 11.
[2] Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. Илмий-танқидий матн (тузувчи Порсо Шамсиев). Т.: Фан, 1970. – Б. 27.
[3] Навоий асарлари луғати. Алишер Навоий асарларининг ўн беш томлигига илова. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 87.
[4] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Биринчи том. Т.: Фан, 1983. – Б.208.

жумласидан. “Балоғат”нинг истилоҳ сифатида энг кўп ишлатиладиган таърифи: “фасоҳатли сўзнинг гапда муқтазои ҳолга мувофиқ келиши”[1]дир.

Келтирилган фикрларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, “балоғат” истилоҳидан матннинг энг кичик компоненти – товушдан тортиб, муаллиф умумконцепциясининг контекстда тўла намоён бўлишигача кечган сатхдаги асосий ва муҳим қонуниятларни тадқиқ этувчи илм соҳаси назарда тутилади. Унинг таркибий қисмлари эса, табиий шаклда мавжуд семантик-структур қонуниятларни контесктда (“муқтазои ҳол”га “мутобиқ” тарзда) назарда тутилган маъно оттенкалари аспектида ўрганиш (“илми маоний”) ёки маънони қиёслаш-таққослаш ҳамда шартли равишда кўчириш йўли билан акс эттириш (“илми баён”) тарзида характерланади. Контекстга баъзи ўринларда муаллиф компитенциясига кўра киритиладиган айрим тасарруфотлар “балоғат илми”нинг икки таркибий қисмига қўшимча сифатида (“илми бадиъ” бўлими) қаралган[2].

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг қалам аҳли ҳақидаги ўн иккинчи мақолотида келтирилган

“Йўқса, недин ютти жаҳон сеҳрини,
Балки маонию баён сеҳрини...”[3]

байтида ҳам айни шу – “балоғат илми”нинг таркибий қисмлари бўлган “маоний илми” ва “баён илми”нинг ўзига хос имкониятларига ишора қилинади.

Достонда учрайдиган:

Нутқ аро чун зоҳир ўлуб мўъжизинг,
Аҳли фасоҳат бўлубон ожизинг...

Ёки:

“Ойтса бу ҳусну малоҳат била
Нуктани ойини фасоҳат била.

каби байтларда “балоғат илми”даги яна бир асос тушунча – “фасоҳат” ҳақида фикр юритилади. Байтларда “аҳли фасоҳат”, “ойини фасоҳат” тарзида ишлатилиши шундай хулоса чиқаришга асос беради. “Фасоҳат” луғатда “сўзнинг очиқ, равшан, чиройли ва қоидага мувофиқ бўлиши”[4]ни англатиш билан бирга, “балоғат илми”да “сўзнинг ҳар қандай нуқсондан холилигини ифода этувчи”[5] “балоғат илми”даги таянч қисм сифатида қаралади. Сўз “муқтазои ҳол”га “мутобиқ” бўлишидан олдин, аввало, фасиҳ бўлиши зарурлиги “балоғат илми”даги бош омилдир. Сўз, гап ва мутакаллим фасоҳатига нуқсон етказувчи омиллар тасниф қилиниб, энг муҳим критерийлар белгилаб олинган. Матнга айни нуқтаи назарга кўра ёндашув муаллиф услуби турли камчиликлардан холи бўлишини таъмин этади.

“Балоғат”нинг қуйи шакли учун нималар объект бўлиши ҳақида бир-биридан фарқли қарашлар бор. Лекин энг олий даражаси “иъжоз мақоми” экани якдил эътироф этилган. Навоий мазкур достонда фақат Илоҳий Калом ҳамда Пайғамбар алайҳиссалом сўзи “иъжоз

[1] Жалолиддин ибн Муҳаммад Абдураҳмон Қазвиний. Тахлисул мифтоҳ. Байрут, 2014. – Б.42.
[2] Саъдиддин Тафтазоний. Шарҳул мухтасар. Қум-Газрхон, нашр йили кўрсатилмаган. – Б.8.
[3] Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. Илмий-танқидий матн (тузувчи Порсо Шамсиев). Т.: Фан, 1970. – Б.131.
[4] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Т.: Фан, 1983. – Б.335.
[5] Жалолиддин ибн Муҳаммад Абдураҳмон Қазвиний. Тахлисул мифтоҳ. Байрут, 2014. – Б.38.

мақоми” учун хадаф (ва моя) бўла олишини таъкидлайди:

“Бўлмаса иъжоз мақомида назм,
Бўлмас эди Тенгри Каломида назм”.

“Эй, нафасинг мояи иъжоз ўлуб,
Руҳи қудус нутқунгга ҳамроз ўлуб.
Гоҳи такаллум санга мўъжиз калом,
Назми каломинг бори мўъжиз низом...”

Юқорида достоннинг тўртунчи наътида Расулуллоҳ алайҳисалом васфларида сўз юритилиб, иъжознинг (шу билан бирга “балоғат”нинг ҳам) “мояси” – асл манбаи кўрсатиб ўтилади. Башариятга поэтик ифода йўсинида ҳам тўлиғича “мўъжиз низом”га қурилган “мўъжиз калом” “моялик” қилиши муаллиф нуқтаи назарига кўра, энг етакчи масаладир. “Балоғат илми” олимлари ҳам бу илмнинг барча қонуниятлари ва қоидаларини ўша “мўъжиз калом” ҳамда ундаги “мўъжиз низом” асосида ишлаб чиқишган. Шарқ мумтоз поэтикаси эса, асрлар давомида ёлғон эҳтимоли бўлмаган ва ҳар қандай субъектив қарашлардан юқори бўлган назарий тизимга таянди. Айни шу даврларда дунё миқёсида ўзига ҳос ҳодиса бўлган асарлар яратилди. Алишер Навоий асарлари “балоғат” жиҳатдан ҳам этолон бўла оладиган нодир намуналар экани шу билан изоҳланади.

Навоий асарларида “балоғат илми” истилоҳлари, қоидалари, уларга муаллифнинг ижодий муносабати кўп учрайди. Бизнингча, уларни алоҳида ва кенг миқёсда ўрганиш навоийшуносликда янги саҳифалар очилишига асос бўлади.

Бадиий матнни “балоғат илми” нуқтаи назаридан ўрганганда икки жиҳат алоҳида аҳамият касб этади. Уларни “мухотоб”ни “мутакаллим” мақсадини тўғри англашга яқинлаштирувчи омиллар, дейиш мумкин. Улардан биринчиси – матндаги поэтик ифоданинг воқеликка айни мувофиқлиги (“сидқ”) аспектида ўрганиш бўлса, иккинчиси, турли ўринлардаги муаллифнинг автоинтерпретацияси (мутакаллим матнидаги қариналар)га асосланишдир. Бадиий асар рецепциясида мана шу икки асосга таяниш асарни муаллиф поэтик ниятига монанд объектив идрок этиш имконини беради.

Бу жараёнда “балоғат илми” матндаги ҳар бир сўз, гап, гап тузилиши, гап бўлакларининг ифодаланиши ва жойлашиши (“тақдим ва таъхир”), уюшиши (“зикр”); маъно урғуси, гапнинг содда гап сифатида мустақил маъно ифодалаши (“фасл”) ёки қўшма гап тарзида боғланиб келиши (“васл”), ифода ва идрок аспектида “мутакаллим” ва “мухотоб”нинг позицияси, маъно ва реал воқелик муносабатлари, маънонинг кўчиш усуллари (“мажоз”) каби қоидалар етакчилик қилади. Булардан “мутакаллим” нуқтаи назарини “мухотоб”га баркамол тарзда етказиш кўзда тутилади.

Жаҳон адабиётида яратилган энг сара бадиий асарлар замирида бевосита ёки билвосита мана шу қоидалар турганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бундай қоидаларни бадиий асар мисолида ўрганиш борасида Алишер Навоий ижоди етарли манба вазифасини ўтайди.

Юқоридаги фикрларни конкрет бадиий матндан келтирилган мисоллар воситасида асослашга ҳаракат қиламиз. “Хамса”нинг биринчи достони “Ҳайратул аброр”нинг ислом боби илмий-назарий жиҳатдан нисбатан камроқ тадқиқ қилинган қисмлардан биридир. Ундаги рўзага оид масала поэтик ифодаланган байтлар рецепциясида “балоғат илми” қоидалари

қай даражада аҳамиятли эканини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Достоннинг ушбу қисмига оид айрим насрий баёнларда учрайдиган номувофиқликлар уни балоғат қоидалари асосида ўрганиш заруратини юзага келтиради. Бадиий асарни нотўғри талқин қилиш, аввало, китобхонга нотўғри маълумот етказиш бўлса, тадқиқотчи-мутахассис учун илмий ёндашувда нохолис хулосага келишга асос бўлади [3; 45. 5;25].

Иккинчи мақолот ислом бобида бўлиб, асосан, исломнинг беш рукни, уларнинг шартлари, даражалари ҳақидаги шаръий маълумотларнинг бадиий талқинидан иборат. Бешта аркондан тўртинчиси бўлган рўза ҳақидаги масалани муаллиф шундай бошлайди:

“Робиъ анга савм дурур, қочмағил,
Тутқилу нафйиға оғиз очмағил...” [1;67]

Алишер Навоий асардаги асосий концепцияни унинг бошланиш қисмида ўзага хос тезис ўлароқ ифода этади. Бу фикр асардаги ҳар бир боб, ҳатто бобдаги ҳар бир қисм ёки янги фикрга ўтилиши асносида бошланадиган янги мавзу учун ҳам характерлидир. Мазкур бобда рўза ҳақидаги масала “савм” ва ундаги етакчи хусусият “оғиз очмаслик” тезиси устига қурилгани бежиз эмас...

Бир қарашда байт мазмунини “Тўртинчиси рўзадир. Уни тутгил, лекин фойдаси ҳақида оғиз очмай қўя қол...” тарзида тушуниш мумкиндай. Байтни “балоғат илми” аспектида ўргансак, ундаги “нафйи” сўзини “фойда” деб тушуниш ўқувчини муаллиф нуқтаи назаридан узоқлаштиради. “Рўзанинг фойдаси ҳақида оғиз очмаслик” контекстдаги “муқтазои ҳол”-га “мутобиқ” келмайди. Муаллиф шу байтдан бошлаб, то рўза ҳақидаги масала тугагунча унинг моҳияти, шартлари, фойдалари, савоби, даражалари ва ҳоказо жиҳатларни поэтик ифода этиш йўлидан боради. Байтда муаллиф рўза ҳақидаги масаланинг аввалиданоқ уни “фойда” сифатида талқин қилаётган бўлса, “ундан қочма” дея уқтириши, шундан сўнг “фойдаси ҳақида оғиз очмасдан тутгил”, кўринишидаги ифода тарзи асардаги “тизимли зидлов” услубига путур етказиш билан бирга, ундаги “контрас” занжири узилишига сабаб бўлади. Навоийнинг ижодий услубига кўра, “баён аввалида ўртага ташланган тезис изчил суратда икки зид қисмга ажратилади, аввал уларнинг бири, сўнг иккинчиси мукаммал тавсифланади, ҳар иккисига тўла таъриф бериб бўлингач, яна тезисга қайтилади ва хулоса (ҳисса, синтез) чиқарилади” [7;67].

Байтдаги “нафйи” сўзи илмий-танқидий матнда نفيی тарзида ёзилган, унинг ўзаги نفي (нафайа) “қайтариш”, “инкор этиш”дир. “Фойда” сўзи эса, نفع (нафаъа) моддаси билан ифодаланади. Шунда байтда назарда тутилган “нафйи” сўзини “фойдаси ҳақида оғиз очма” деб эмас, “инкор этишга оғиз очма” тарзида тушуниш ўринли бўлади. Рўза вужуд ва нафс учун ўзига хос бир синов экани назарда тутилса, “ибтидоий хабар”да “мухотоб”га илк бор мурожаат қилинароқ рўза ҳақида тўла маълумотга эга бўлмай туриб, ундан қочмаслик ва инкор этмасликка муаллифнинг даъвати контекст учун характерлидир. Ўз навбатида “ибтидоий хабар” сифатида келтирилган ушбу биринчи байт кейинги байтларда ойдинлаштириб, изоҳлаб борилади. Чунончи, иккинчи байтда ҳам тиббий, ҳам маънавий омил – ошқозон қанча бўш-холи бўлса, у инсоннинг хушнудлигига шунчалик кўп сабабчи бўлиши баён этиладики, бу ҳам муайян маънода рўзанинг фойдаси ҳақида “оғиз очилаётгани”дан далолатдир (“Меъдани холилиқ ила қил тўло / Неча хало анда сафодин мало”).

Кейинги байт:

“Савм ҳадисида будур мужмали,
Ким ани ҳақ дебдурур “Ассавму ли” [4;115].

“Мужмал” сўзи “тушуниб бўлмайдиган, ноаниқ, муҳмал” каби маъноларни ифода этади[13;628]. Агар “мужмал” бу ўринда “ноаниқ” маъносида қабул қилинган тақдирда ҳам байтни РРРрРР

“Рўза ҳақида баъзи мунозаралар ҳам бор”, тарзида тушуниш ўринли бўлмайди. Бундай тушунилганда муаллифнинг нуқтаи назарига кўра, мунозара рўзанинг айнан қайси жиҳати ҳақида экани мавҳум бўлиб қолади. Навоий услубидаги биринчи бор келган фикр (“ибтидоий хабар”) ўзидан кейингиси воситасида тушунтириш принципи бузилади. Қолган байтларда “рўзадаги мужмаллик” ёки “мунозара” ҳақида ҳеч қандай “қарина” учрамаслиги “мужмал”ни бу тарзда тушиниш билан контекст воқелиги ҳамда “муқтазои ҳол” орасидаги “мутобиқлик” йўқолишига далилдир. Иккинчи томондан, рўзани “мужмал” санаш ёки уни “мунозара”ли кўриш асар замирида турувчи “сидқ” концепциясига ҳам мувофиқ эмас. Бу билан асардаги “сидқ”ни таъминлаб турган “манба”га ҳамда муаллифнинг эътиқодий позициясига уйғунлик йўқолади. Рўза ҳақида фикр юритилаётган мазкур боб (“Ислом боби”) даги ҳар бир фикр, ғоя, муаллиф мулоҳазаси бевосита исломдаги эътиборли масдарларга таянаётгани назарда тутилса, исломда рўза борасида ҳеч бир мунозара йўқлиги ҳам байтдаги “мужмал”ни “мунозара” маъносида қабул қилиб бўлмаслигини кўрсатади.

Байтдаги “мужмал” сўзининг араб тилида ўзаги “أجمل” эканини инобатга олган ҳолда, уни (гапнинг) “қисқаси”, “хулосаси” маъносида тушунилиши ўқувчини контексдаги муаллиф нуқтаи назарига яқинлаштиради. Бунда, юқорида кўрилганидек, маъно жиҳатдан узилиш ёки мавҳумлик юзага келмайди. Байтни “рўза ҳақидаги маълумотларда келган барча ҳикматларни ўзида жамловчи маъно шундан иборатки, уни Ҳақ “Ассавму ли” деган”, тарзида тушуниш ўринли бўлади.

“Ассавму ли” “иқтибос”ини “рўзага” деб тушуниш, биринчидан, араб тилидан нотўғри таржима қилиниши натижасида ифоданинг семантик қурилишини бузса, иккинчидан, ушбу “иқтибос”да кўзда тутилган маънодан узиб қўяди. “Балоғат илми”нинг “маоний” бўлимида ўрганиладиган “иснод” ҳамда “муснад – муснадун илайҳ” муносабатлари аспектида ёндашиш орқали байт маъносини объективроқ идрок этиш имконига эга бўлиш мумкин.

“Балоғат илми”га кўра, ҳар қандай гап икки асосга қурилиши – “муснад” ва “муснадун илайҳ”дан иборат бўлиши ҳақидаги назарий қоида бир қарашда поэтик матн учун унчалик аҳамиятга эга бўлмаган, тилшуносликка оид примитив хусусиятга ўхшайди. Аслида уларнинг бадиий матн рецепциясидаги муҳим ва салмоқли ўрни эътиборда тутилиб, “маоний”даги асосий қоидалар қаторига киритилган. Агар матндаги ҳар қандай гапнинг мазкур икки асоси аниқлаб олинмас экан, матн рецепциясида объективликка эришишнинг имкони бўлмайди. Бунга юқоридаги мисра ёрқин мисолдир. Мисрани “Ҳақ уни (рўзани) “рўзага!” деган”, тарзида тушунишда гапнинг икки муҳим компанентидан бири (муснад) ифодаланмагани сабабли маънода нотугаллик юзага келади. Агар унга “Рўзага келинглар!” маъносини ифода этиш учун ишлатиляпти, деб қаралса, бу “иқтибос” моҳиятини бузиб, “сидқ” концепциясига путур етазади. Муаллиф “иқтибос” олинаётган манба (қудсий ҳадис) ни бузиб ўзгартирган бўлиб қолади. Бу эса, Навоий асарларининг биронтасида учрамайдиган, муаллифнинг эътиқодий позициясига мутлоқ зид ҳолатдир. Юзаки қараганда тилшуносликка оид “муснад” ва “муснадун илайҳ” қоидаси “балоғат илми”да айни шундай кон-

цептуал аҳамият касб этгани учун мустақил критерий саналади[12;47].

“Ассавму ли”даги “ли” кўмакчиси (ҳарфи жар) ҳақиқатда баъзан жўналиш келишиги қўшимчаси “-га”ни ҳам ифодалайди. Шунингдек, у “учун” кўмакчиси маъносида ҳам ишлатилиб, ҳамиша ўзидан кейинги сўзга боғланиб ёзилади. Юқоридаги мисолда эса, ундан кейин ҳеч қандай сўз келмаган. Достоннинг илмий-танқидий матнида “ли”дан кейин “ى” акс эттирилган ҳолда, “лом” ҳарфи унга қўшилиб (لى) (“лий” тарзида) акс этган. Араб тили грамматикасига кўра, мазкур ى “ёйи мутакаллим” – биринчи шахс бирликни ифодаловчи олмошдир. У ل (“лом”) билан бирикканда мустақил маъно билдириш билан бирга, гапнинг кесими вазифасини бажаряпти. Шунда “иқтибос” сифатида олинаётган гапнинг маъноси (“Ассавму лий”) “Рўза Мен учундир”, кўринишидаги тугал гап шаклини олади. Яъни “Рўза ҳақидаги маълумотларнинг жамловчиси шуки, Аллоҳ у ҳақда “Рўза Мен учундир”, деган”.

“Саҳиҳи Бухорий”дан ўрин олган қуйидаги ҳадис мазкур “иқтибос” учун асос бўлганини кўриш мумкин:

“Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: *(Аллоҳ таоло айтди: Ғ.Б.)* “Рўза Мен учундир, унинг мукофотини Ўзим бераман. (Бандам) Мени деб шаҳватини, еб-ичишини қўяди... [9;612]”

Кейинги тўрт байтда худди шу “иқтибос” маъноларига ишора қилинади:

“Айлади иснод ўзига ажрини,
Йўқса ул-ўқ қилғусидур зажрини.
Амр қилиб берса жазо чун худой,
Демаки си рўза йил ўн икки ой.
Тутсанг ани улча сазоворидур.
Сирфани билгилки сенинг соридур” [4;115].

“Айлади иснод ўзига ажрини” мисраси ўзидан олдинги байт маъносини тўлдириб келаётган бўлса, иккинчи мисра (“Йўқса ул-ўқ қилғусидур зажрини”) “контрас” тарзда юқоридаги фикрнинг зиддини ифода этяпти. Ундан кейинги байт мазкур маънога “қарина” вазифсини бажарган. Олдин ажр-мукофот, кейин эса, зажр-жазо ҳақида фикр юритиляпти.

“Амр қилиб берса жазо чун худой,
Демаки си рўза йил ўн икки ой” [4;115],

байти илмий-танқидий матндан транслитерация қилинганда баъзи ўзгаришларга учраган. Уни қуйидаги тарзда ўқиш объективроқ бўладики, бу контекстга ҳам айни мувофиқдир:

“Амр қилиб берса жазо чун Худой
Демагуси: “Рўза – йил – ўн ики ой”.

Шунда байтни қуйидагича тушуниш мумкин: “Аллоҳ жазо беришни ирода қилган тақдирда (ҳам) “Йил – ўн икки ой рўза (тутинглар)” демаган бўларди”. Байт маъноси шундай тушунилса, рўза жазо ва азоблаш воситаси эмас, аксинча, инсон учун нафс, тана ва қалбни покловчи неъмат экани ҳақидаги муаллифнинг кейинги байтларда ифода этиладиган фи-

крларига уйғун келади. Йил бўйи рўза тутиш инсонга бериладиган жазо ёки тасаввур қилиб бўлмайдиган муболағага асосланган хаёлий ҳодиса эмаслигини муаллиф автоинтерпретацияси орқали кузатиш мумкин. Чунончи, "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида (Иброҳим, Сулаймон алайҳиссалом каби) баъзи пайғамбарларнинг, "Насойимул муҳаббат" асарида (Абу Бакр ал-Аскоф, Имрон Сулсий, Абу Тоҳир Курд каби) тарихий шахслар (шайхлар)нинг йиллаб рўза тутганлари баён қилинган [2;209]. Юқорида келтирилган байт ("Тутсанг ани улча сазоворидур / Сирфани, билгилки, сенинг соридур") маъносидаги "Йил бўйи рўза тутилиши (сен учун) сазовор (иш)дир. (Умуман) Тутмаслигинг билан ўзингга зулм (сифра) қилган бўласан", дейилишида бевосита шу жиҳатлар тажассуми акс этган, дейиш мумкин. Муаллифнинг бу нуқтаи назари инсонга фойдаси масаласида ҳам, эришиладиган ажр-савоб миқдорида ҳам бошқа эквиваленти бўлмаган амал – рўзанинг инсон учун жазо эмас, мукофот эканини далиллашга хизмат қилади. "Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир" [10;164], ояти ҳам бу далилни яна бир бор қуватлайдики, муаллиф матни "сидқ" воситасида мустаҳкам асосларга таянганини кўрсатади.

"Мухотоб" зеҳнида пайдо бўлиши мумкин бўлган саволларга "мутакаллим"нинг олдиндан жавоб бериб кетиши ҳам "балоғат"даги характерли хусусиятлардан бири. Бундай ҳодиса Навоий асарларида кўп учрайди. "Мухотоб"да контекстга нисбатан ишончсизлик, шубҳа-гумон, иккиланиш ёки инкор пайдо бўлиши эҳтимолини "мутакаллим" албатта инобатга олади. Бундай ҳолатларга йўл қолдирмаслик учун савол бермаганни савол берган ўрнида, инкор қилмаганни эса, инкор қилган ўрнида, инкор қилганни инкор қилмаган ўрнида қўяди[12;50-51]. "Мутакаллим" ички диолог воситасида "мухотоб"даги ўз матнига нисбатан эҳтимолий ишончликсиз ҳолатларига жавоб бериб кетади.

Навбатдаги байт "мухотоб"да пайдо бўлиши эҳтимол тутилган "Шунча узоқ муддат давомида рўза тута олишга инсоннинг тоқати етадими? Бу иш машаққат туғдирмайдими?" қабилидаги кўплаб саволларга жавоб сифатида келтирилади:

"Савм эмас доғи машаққат, наҳий –
Муждада ўлса "Ана ажзий биҳи" [1;67].

"Иқтибос"даги "Ана ажзи биҳи" – "Унинг мукофотини Ўзим бераман" ваъдасидан умидворлик рўзадорлик машаққатини қайтариши "мухотоб" учун муносиб жавоб тарзида ифодаланган.

Шундан сўнг рўзанинг даражалари ва шартлари тавсифига ўтилади. Унинг уч қисмга тақсимланиши баён қилинади ("Бу доғи уч қисм иладур мунқасим"). Улардан биринчиси:

"Аввали бу расм иладур муртасим.
Ким чу саҳар кўргузур анворини,
Чеккуча кун ғарбға рухсорини.
Ақл ила шурб айламагай рўзадор,
Лек иккинчига будур эътибор" [4;115].

Бу байтлар рецепциясига киришишдан олдин достоннинг насрий баёнида келтирилган маънолар билан танишиш ўринлидир. "Рўзада ҳам уч эътиборли жиҳат бордир. Саҳаргача Аллоҳ ўз рухсорини Ғарбга бургунга қадар кўрсатади. Ақлини ишлатмаган рўзадор иккин-

чисига эътибор беради: аъзоларингга халал бермаслиги ва шаръ хилофига йўл қўймаслиги зарур" [5;25]. Мазкур ифоданинг бир неча ўринларида "маоний илми" қоидалари бузилганини кўриш мумкин. Биринчидан, "Саҳаргача Аллоҳ ўз рухсорини Ғарбга бургунга қадар кўрсатади", гапидаги мавжуд "муснадун илайҳ" ўрнида контекст учун бегона бўлган бошқа бир сўз (Аллоҳ) киритилган ва "муснадун илайҳ" ўрнига қўйилган. Иккинчидан, гапда асосий маънони англатиши зарур бўлган бўлаклардан бирининг тушуриб қолдирилиши гап маъносининг йўқолишига сабаб бўлган. Учинчидан, гапнинг бундай тузилиши муаллиф ифодалаётган воқеликка "мутобақат"нинг топилмаслигидан ташқари, бирон маънога далолат қилиш хусусиятини ҳам йўқотган. "Ақлини ишлатмаган рўзадор иккинчисига эътибор беради..." гапи эса контекст учун бегона жумла, деб қараш мумкин. Насрий баёнда уч эътиборли жиҳат нима экани ҳақида ҳеч қандай сўз йўқ. Фақатгина "ақлни ишлатмайдиган рўзадорнинг иккинчисига эътибор бериш"и таъкидланган. "Иккинчиси" сифатида "аъзоларингга халал бермаслиги ва шаръ хилофига йўл қўймаслиги зарур"лиги баён қилинган. Давомида "Ҳар бир аъзо ўз вазифасини бажармаги, яъни бормаслиги, кўрмаслиги, тутмаслиги, айтмаслиги, эшитмаслиги зарур" экани қайд этилган.

Бошқа бир насрий баёнда юқорида йўл қўйилган номувофиқликлар бир қадар тузатилганининг гувоҳи бўламиз. "Саҳар чоғи Қуёш нурларини намоён этиб, ўз рухсорини кўрсатмагунча рўза тутган киши овқат ва ичкилик (сув) истеъмол қилмайди. Лекин иккинчисини ичмасликка алоҳида эътибор бериши зарур" [3;45]. Таъкидлаш керакки, кўчирма келтирилаётган биринчи гапда "муснадун илайҳ" (Қуёш) тўғри кўрсатилган. Лекин гапдаги "заъфут таълиф" [11;24] туфайли у муаллиф ифода этаётган маънога тескари тарзда берилган. Ундан "рўза тутган киши Қуёш рухсорини кўрсатмагунча... истеъмол қилмайди", маъноси англашилади. Байтдаги "ақл" сўзи аслида араб тилидаги "акл"(ейиш) сўзининг орфографик хатога учраган шакли экани тўғри илғалган бўлса-да, бу ўриндаги нозик бир қоидага амал қилинмагани "рўзадор ейиши мумкин, лекин ичмасликка эътиборли бўлиши зарур" тарзида нотўғри хулоса чиқаришга сабаб бўлган.

Матн, гап ва ундаги сўзлар орасидаги маъно ва грамматик жиҳатдан боғланиш-бўлиниш ўринларини аниқлаб олиш ҳам бадиий матн рецепцияси учун муҳим аҳамиятга эга. Бу "маоний"да "фасл" ва "васл" қоидаси орқали тушунтирилади[6;85].

"Бу доғи уч қисм иладур мунқасим" мисрасида муаллиф рўзанинг уч қисмга бўлиниши (яъни уч даражаси) ҳақида маълумот бергач, улардан биринчиси ҳақида фикр юритади. Учта байтда келган қуйидаги тўрт мисра биринчи қисмни ифода этади:

Аввали бу расм иладур муртасим
Ким: чу саҳар кўргузур анворини,
Чеккуча кун ғарбқа рухсорини
Акл ила шурб айламагай рўзадор.

Муаллифнинг "Сирожул муслимийн" ва "Насойимул муҳаббат" асарларида келтирилган мавзуга оид қарашлар ушбу мисралар рецепциясида автоинтерпретация вазифасини бажаради. "Яна бири рўзадурким, сойир халойиқ фажр тулуъидин кунас ғурубигача емак-ичмакдин ва мубошаратдин имсок қилурлар..." [2;33].

Мазкур автоинтерпретацияда юқоридаги мисраларда келтирилаётган маъно тўлиқ ифодаланиши билан бирга, рўзанинг яна бир шарти (мубошарат) ҳам санаб ўтилган. Рўза

Қуёш чиқишидан ботишигача ейиш-ичишдан тийилиш экани билдирилган. Бу ўриндаги “иккинчи”си юқоридаги насрий баёнларда тушунтирилганидек, “шурб” (ичиш) эмас, балки шу мисрадан сўнг биринчи қисм тугаб, иккинчи қисмга ўтилаётганини билдиради. “Акл ила шурб” содда гап таркибидаги уюшиқ бўлаклар бўлиб, улар кейинги жумладаги “иккинчи”га мутлоқ боғлиқлик касб этмайди. Байтнинг биринчи мисрасидан кейин шу гап орқали англатилаётган маъно бўлиниб (фасл) тугайди. Агар бу мисрани иккинчисига қўшиб (васл қилиб) маъно чиқарилса, “рўзадор емаслиги керак, лекин иккинчиси – ичмасликка алоҳида эътибор зарур” тарзидаги субъектив ва матндаги воқелигига “мутобиқ” бўлмаган тушунча юзага келади. Бундай тушуниш контекстга номувофиқлигини юқорида келтирилган автоинтерпретация ҳам тасдиқлайди.

Қуйидаги мисраларда иккинчи қисм ҳақида фикр юритилади.

Лек икинчига будур эътибор
Ким, бу сифат савмки топти рақам,
Бўлғай изофат неча иш анда ҳам.
Сойири аъзоға халал етмамак,
Шаръ хилофиға шуруъ этмамак.
Ҳар бири ўз шуғлиға зоҳид бўлуб,
Манъи хилоф ичра мужоҳид бўлуб.
Бормаға-ю кўрмага-ю тутмағай,
Айтмагай, эшитмага-ю ютмағай.

“Сойири аъзоға халал етмамак” мисрасида рўзанинг иккинчи қисмига оид барча ҳукмлар жамланган бўлиб, қолган мисралар ана шу қисм моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Санаб ўтилган бўлишсиз шаклдаги олтита феъл бевосита “Шаръ хилофиға шуруъ этмамак” жумласига изофа қилиниб тушунилгандагина контекстдаги маънони тўғри ифода эта олади. Уни “ҳар бир аъзо ўз вазифасини бажармаги, яъни бормаслиги, кўрмаслиги, тутмаслиги, айтмаслиги, эшитмаслиги зарур”, тарзида тушуниш “мухотоб”ни контекстдаги асл мақсаддан олислаштиради. Бу шаръий масдарларга зид бўлиши билан бирга, мантиқан номувофиқни юзага келтиради.

Иккинчи қисмда назарда тутилаётган рўза хослар рўзаси бўлиб, у бадандаги барча аъзоларнинг ҳаракатини батамом таъқиқламайди. Байтда “шаръ хилофига шуруъ” этмаслиги ҳамда “Ҳар бири ўз шуғлиға зоҳид бўлуб,/ Манъи хилоф ичра мужоҳид бўлуб” ҳаракат қилиши зарурлиги алоҳида таъкидланяпти. Бу эса, шаръ хилофига қарши курашган ҳолда ўз вазифасини бажаришда парҳезкор бўлиши лозимлигини поэтик ифода этади.

Муаллифнинг қуйидаги баёни автоинтерпретация сифатида фикримизни айнан тасдиқлайди: “Бу тоифа анга кўшиш қилурким, андоққи, емак-ичмакдин бўғузға савм буюрғайлар, жамиъи аъзоға ўз қилурлар феълларидин рўза буюрғайлар. Кўзга номашруъ нимага боқардин ва қулоққа номашруъ ун эшитурдин ва оёққа номашруъ қадам урмақдин ва иликка номашруъ нимага тегмакдин ва ало ҳазо жамиъ аъзоға бу дастур билан...” [2;33]

Биринчи қисмда омманинг, иккинчи қисмда хосларнинг рўзаси ҳақида хабар берган муаллиф учинчи қисмда юқоридаги фикрларни тадрижий такомиллаштириб, бу масалада “хавосул хос”нинг тариқидан хабар беради. Ўзига хос синов ва машаққатлар билан субҳдан

ғурубгача нафсни тийиш, аъзолар ҳаракатига парҳез тутиш, шаръ хилофига қарши курашга киришишдан кўзланган асл мақсад нимадан иборат экани шу қисмда баён қилинади.

Лекин учунчиси будурким, кўнгул
Чунки эрур маҳбити аввори кул.

Қолган байтлар кўнгилнинг нима сабабдан шундай мақомга лойиқ кўрилганини изоҳлаш, уни пок сақлаш йўлида нималарга эътибор берилиши зарурлигини поэтик ифода этишга қаратилади. Бунда кўнгилнинг "жилвагаҳи файз", "махзани асрори илоҳий", "ойинаи чеҳраи шоҳий" экани назарда тутилади. Ундаги "зангни даф қилиш" воситасида ушбу "ойина"ни тиниқ-пок асрашдаги рўзанинг эътибори талқин этилади. Учинчи босқичда олдинги қисмдагилардагидай конкрет замон ўлчови тайин қилинмайди.

Ушбу сифат йўққи, саҳар то ба шом,
Қўй саҳару шомниким, бардавом.

Бу қисмда бошқа моддий феъллар муқайядлаштирилмагани у инсоннинг бутун борлиғи учун дахлдор характер касб этишини далиллайди. Юқоридаги субъектив қарашларимизни муаллиф шаҳодати билан тасдиқлаш имкони бор: "...Ва бовужуд бу суъубатлар барчадин саъброқ кўнгил рўзасидурки, Ҳақ субҳонҳу ва таолодин ўзга ҳеч нима хотирға кечмамакдур ва бу рўзани доимий кўнгилга буюрурлар" [2;33].

Юқоридаги илк мисрада келган "оғиз очмаслик" масаласи рўзанинг илк даражасида реал маънода ейиш-ичишдан тийилишни англатса, кейинги босқичда беҳуда ва кераксиз гапни гапирмаслик (ёлғон, ғийбат, туҳмат, бўҳтон, иғво, чақимчилик... каби) маъносидаги моддий ҳаракатларнинг (шунингдек, бошқа аъзолар мисолида ҳам) маънавий жиҳатини ифодалашга хизмат қилади. Учинчи босқичда эса, рўза воситасида покланган қалбнинг салимликка эришиши, розилик мақоми, ҳар қандай ҳолатда таслимият касб этиши назарда тутилади. Бунда шаклий-феълий ҳолатдан маънавий мақомга, асл моҳиятга қараб тадрижий ривожланиб боришга алоҳида аҳамият қаратилади. Дастлабки қисмлар бу ишнинг асл ҳақиқати учун мажоз вазифасини бажараётгани аёнлашади. Муаллиф услуби олдин "ибтидоий хабар"ни "мухотоб"га ҳавола қилиб, навбатма-навбат уни автоинтерпретация тарзида тушунтириб, юза келадиган эҳтимолий савол ва ҳолатларга жавоб бериб боради. Мазкур жараёнда фикрни "мухотоб" зеҳнига индириш учун унга таниш "ташбеҳ", "истиора", "киноя" каби усуллардан фойдаланади. Оқибатда бир қанча мажозлар "мухотоб"ни контекстда ифода этилган мақсадга – асл ҳақиқатга етаклаб боради. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, якуний хулоса ҳамиша амалий характерга эга бўлади.

"Хамса" сингари йирик эпик асарнинг қолипловчи достони – "Ҳайратул аброр"да "ислом ҳуқуқи" ва "руҳий тарбия" илмига оид ҳукмларнинг поэтик ифода этилиши муаллифнинг кейинги достонларида яратилажак бадиий образлари учун пойдевор вазифасини бажаради. Чунончи, Фарҳод, Қайс, Искандар каби ўнлаб баркамол образларнинг яратилишида айни шу нуқтаи назар етакчилик қилади *(эсланг: "Демон, ҳам кўнгли поку ҳам кўзи пок, / Тили поку, сўзи поку, ўзи пок")*. "Аброр одам" концепцияси ва унинг поэтик инъикоси борасида муаллиф илгари сурган универсал ғоялар, шунингдек, поэтик асар ва образ яратишда адабиётнинг бош матлаби муаллиф тушунчасида қандай акс этиши намоён бўлади.

Хулоса:

1. Бадиий асарни тўғри идрок этиш ва уни оммага тўғри етказиш, талқин қилишда “балоғат илми” қоидаларига таяниш муаллиф нуқтаи назарига энг яқин позицияни эгаллашга ёрдам беради.

2. Мумтоз бадиий матн балоғатини англашда муаллиф услубидаги ўзига хос ва нозик жиҳатлар, унинг сўз қўллаши, жумла тузиши, гап қурилишидаги қоидалар тўла эътиборга олинсагина асар ҳақида объектив хулоса чиқариш мумкин.

3. Бирон муаллифнинг бадиий матнини ўрганиш аспектида унинг бошқа асарларидаги айни мавзуда келтирилган маълумотлар асар моҳиятини тўғри тушуниш учун асос бўлади. Айниқса, Алишер Навоий каби мумтоз адабиётимизнинг сара намояндаси ижоди учун бундай ёндашув янада аҳамиятлидир.

НАВОИЙДАН РУҲАН УЛГИ ОЛГАН ФУЗУЛИЙ

Рустам МИРВОҲИД

Мумтоз адабиётга дохил шоир қачон мазкур тоифадаги бошқа шоирнинг асарига тахмис, назира ё татаббуъ боғлайди? Қачонки, асар маромига етган бўлса ва ўқувчи унга беихтиёр тан берса, замонавий тилда айтганда, беш кетса.

"Хўш, Муҳаммад Фузулий Алишер Навоий ижодидан шу таҳлит таъсирланганми?" деган саволга озарбайжонлик машҳур адабиётшунос Ҳамид Арасли ўзининг "Навоий ва озарбайжон адабиёти" номли китобида:

"Фузулий ўз асарларида Навоий маҳоратидан кенг фойдаланган. У Навоийни Абунаввос ва Низомий билан бир қаторга қўйган.

Фузулий Навоийни энг буюк сўз санъаткорларидан бири деб билган. У ўзбек адабиётидан яхшигина хабардор бўлган ва Лутфий ғазалларига тақлид қилган. Фузулий ва Навоий ғазаллари (руҳан) шу қадар яқинки, бу, шубҳасиз, Фузулийнинг ижодий такомиллашувида Навоийнинг катта таъсири борлигидан далолатдир" [1] деб жавоб беради.

Дарҳақиқат, навоийхон ўқувчи Фузулий девонини варақаласа Навоий байтларига руҳан, маънан ва шаклан ўхшаш байтларга дуч келади. Хусусан, Фузулийнинг "Беш[2] эмас" радифли татаббуъси Навоийнинг айнан шундай радифли фалсафий, пурмаъно ғазалидан илҳомланиб ёзилганлигини яққол кўрсатади.

Қайд этиш жоизки, Навоийнинг мазкур ғазали "Ғаройиб ус-сиғар" девонидан жой олган бўлиб, 9 байтдан иборат бўлса, Фузулий татаббуъси 7 байтдан иборат. Биз ушбу мақоламизда татаббуъни тўлиқ, ғазалнинг эса мабдаъ, мақтаъ ва мазмуний кесишган байтларинигина қиёсий тадқиқ қилишни мақсад қилдик.

Демак, Алишер Навоий ғазални:

Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас,

Умрни тутқил ғаниматким, замоне беш эмас, [3] деб бошласа, Фузулий татаббуъда:

Даҳр бир манзил, халойиқ корбони беш эмас,
Сўз ғаму афсона, эл афсонахони беш эмас,

деб салафи фикрини бошқача услубда ифода этади. Яъни, дунё бир манзилгоҳ бўлса, халқлар унда вақтинча қўним топадиган карвонлардир. Дунё халқларининг айтадиган сўзи – ғам ва чўпчакдан, иши – эртакчиликдан бошқа нарса эмас.

---

[1] Ҳ. Арасли. Навоий ва озарбайжон адабиёти. Журн. "Ўзбек тили ва адабиёти", 1968, № 3, - Б. 44.

[2] Мазкур сўзнинг биз ўрганаётган ғазалдаги маъноси "кўп, ортиқ, зиёда"ни англатади. Қаранг: "Ўзбек тилининг изоҳли луғати", 2020, - Б. 245. Аммо баъзи байтлар "кўп" маъносида эмас, мазмун нуқтаи назаридан келиб чиқиб шарҳланди.

[3] Маъноси: Бу дунё фойдасидан тамаъни уз, чунки унинг фойдасидан зиёни кўп, умрни ғанимат тутки, вақтинг кўп эмас.

Навоий ўз байтида “суд” ва “зиён” сўзлари орқали тазод санъатидан фойдаланган бўлса, Фузулий “афсона” ҳамда “афсонахон” сўзлари орқали иштиқоқ санъатини қўллаган.

Татаббуънинг иккинчи байти:

Тарки фикри дуняву савдойи уқбо айлаким,
Дуняву уқбо хаёлию гумони беш эмас.

Маълумки, “савдо” сўзининг “қора”, “телбалик” ва “бозорда савдолашиш” маънолари бор. Мазкур байтда сўзнинг учинчи маъносига ишора бор. Шунингдек, татаббуъдаги “савдо” сўзининг келиб чиқиш “сарчашмаси” Навоий ғазалининг матлаъсига бориб тақалади. Зеро, “фойда” ва “зарар” бор жойда, албатта, “савдо” ҳам бўлади. Байтнинг маъноси шундай: “(Агар ақлинг бўлса) Дунё ва охират савдосини тарк этиш фикрини қилки, дунё хаёли (ўткинчи ҳою ҳаваси) деб охират (бўлишига) гумон қилишинг нотўғридир”.

Татаббуънинг учинчи байти:

Аҳли ҳашмат кисватин зарбафт эдар билмазким, ул
Боғи жамият баҳорина хазони беш эмас.

Байтда изоҳталаб сўзлар бор: “аҳли ҳашмат” ҳашамат аҳли – бойликка ружу қўйганлар; “кисват” – тўн; “зарбафт” – зар билан зийнатланган. Ана энди байтнинг тўлиқ маъноси келиб чиқади: “Бойликка ружу қўйганлар тўнларини зар билан музайян қиладилар, лекин билмайдиларки, бу зар – улар жамияти боғининг баҳорига келган хазон (фасли)дир”.

Байтда “аҳли ҳашмат”, “кисват”, “зарбафт” ҳамда “боғ”, “баҳор”, “хазон” сўзлари орқали иштиқоқ, шу билан бирга, “баҳор”, “хазон” сўзлари орқали тазод санъати қўлланилган.

Аслида, ушбу байтга Навоий ғазалининг:

Эйки, бўлмиш хилъатинг зарбафт, бори билким, ул
Маъни аҳлин кулдурурга заъфарони беш эмас, [1]

деган бешинчи байти “хамиртуруш” вазифасини ўтаган.

Ғазал байтида “хилъат” ва “зарбафт” сўзлари иштиқоқ санъатини, “зарбафт” билан “заъфарон” сўзларида сариқ рангга мансублик нуқтаи назаридан ташбеҳ санъатини кўришимиз мумкин.

Навоий ғазалининг:

Қўй тавонолиғ сўзин, ёд эт ажал хоринки, бил

Пашшалар ниши қошинда нотавоне беш эмас, деган учинчи байтини навоийшунос Олимжон Давлатов ўзининг “Уй бино ажабтур...” номли мақоласида шундай шарҳлайди: “Тавонолиғ”нинг ўзаги “тавон” сўзи бўлиб, куч, қудрат, зўрлик маъносини англатади (тавонгар – бой, бадавлат, нотавон – кучсиз, ҳимояга муҳтож сўзларининг ўзаги ҳам “тавон”

[1] Байтда изоҳталаб сўзлар: “хилъат” – халат, усти кийим; заъфарон – сариқ тусли зиравор, шифобахш ўсимлик. Байтнинг маъноси: Эй, (ақлини эмас) устки кийимини зийнатлаш билан овора бўлган одам, билгингки, сенинг бу зарбоф тўнинг маънавият аҳли олдида таъбни хуш қиладиган заъфарон гуличалик қадри йўқ”.

сўзидир). Одам боласининг замирида такаббурлик, ҳасад, бахиллик, очкўзлик, менсимаслик, худбинлик каби иллатларнинг томир ёзишига кўпинча Яратган томонидан синов тариқасида берилган мол-дунё, амал, билим, жисмоний қувват ёки зоҳирий ҳусн-чирой сабаб бўлади. Муваққат муваффақиятларга мағрурланиш, фақат ўз салоҳиятига таянишдан Олий Қудратни инкор этишдек ҳалокатли ҳолат юзага келади. Алалоқибат, Намруддек худолик даъвосини қилганлар димоғига кирган бир пашша туфайли ҳалок бўладилар... Тарих – одамийлик сабоғи. Ижодкор вазифаси – тарих ибратларини эслатиш орқали инсонларни ҳамиша огоҳликка, Раҳмон изидан юришига даъват этмоқдир".

Татаббуънинг тўртинчи байти айнан юқоридаги байтдан маънан "суғорилган" бўлса-да, ифода ўзига хос:

Гар тавонолиғ сўзин сўйлар ҳулул этгач қазо,
Ҳар кими кўрсанг тавоно нотавони беш эмас.

Ушбу байтда нотаниш сўз – "ҳулул". "Ҳулул" араб тилидан олинган бўлиб, "етиб келиш, ичига жойлашиш" деган маънони англатади. Алалхусус, байтнинг мазмуни шундай: "Қазо кимга етиб келса, унга Яратганнинг қудрати ҳақида сўзлайди. Зеро, энг қудратли инсон ҳам Унинг олдида ожиздир".

Татаббуъ давом этади:

Айлаюб меҳнат замонида дамодам изтироб,
Истама роҳатки, роҳат ҳам замони беш эмас.

Байтда "меҳнат" ва "роҳат" сўзлари ўзаро зид тушунчага эга бўлгани учун тазод санъати қўлланилган. Маъносига келсак, Фузулий ўз лирик қаҳрамони орқали жами инсонларга бу дунёда изтироб чекиб, роҳат истамасликларини, зеро, меҳнат қилиб топилган роҳат онлари ҳам ғаниматлиги, яъни, барча ҳодисотлар муваққат эканлигига ишора қиляпти.

"Оламда манфаат деган чўпон бор. У одамларни қўйдек ҳайдаб юради" дейди донолар. Фузулий мазкур ҳикматга муштарак тарзда қуйидаги байтни ёзади:

Умр нақдин суд савдосинда зоеъ қилмаким,
Улким, оинг суд қилмишсан зиёни беш эмас.

Яъни, умрнинг бойлигини фойда, манфаат кетидан қувиб, исроф қилма, аслида номини фойда деб атаганинг кони зарардир. Бу байтда ҳам "суд", "савдо" ва "зиён" сўзлари орқали иштиқоқ санъати ҳосил қилинган.

Навоий ғазал мақтасини:

Гар Навоий истади оворалиғ, эй аҳли хуш,
Ғам еманг, девонайи бехонумоне беш эмас, [1] *деб тугатган бўлса,*

[1] Маъноси: Эй ақл эгалари! Навоий оворалик истаб, ҳар тарафни кезган бўлса, ғам еманг, у каби боридан айрилган девоналар кўп эмас.

Фузулий татаббуъни:

Эътибор, эй дил, Фузулийдан кетурким, ул фақир
Бедилу бечораю бехонумони беш эмас,

яъни, аҳли дил, Фузулийга эътиборингизни қаратингки, унингдек дилсиз, чорасиз ва бор будидан мосуволар кўп эмас, деб буюк устозидан руҳан улги олиб якунлайди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АБДУЛЛОҲ МАРВОРИД МАКТУБОТЛАРИНИНГ АДАБИЙ-МАЪРИФИЙ АҲАМИЯТИ

Умедулло МАХМУДОВ

Ҳазрат Амир Алишер Навоий шахси, ижоди ва фаолияти инсоният тарихи саодати учун хизмат қиладиган ҳикмат калитидир. Бу хусусда Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”да шундай ёзади: “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эрмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай”[1]. Навоий олтин асрни давлат вазири, сиёсатчи мутафаккир шунингдек, илм ҳомийси сифатида фазлу карамга тўлдирди. Унинг ҳаёти ва ижоди ўз давридан бошлаб илмий, адабий, тарихий-мемуар асарларда, тазкираларда тадқиқ этилишига бўлган эҳтиёжни инобатга олсак, Низомиддин Мир Алишер Навоийни англаш ҳам адабий-маърифий жиҳатдан, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам тарихий-маданий жиҳатдан нечоғлик юксак аҳамиятга эга эканлигини исботлайди. Бунинг мисолини ўз даврида халқ ва жамият учун хизмат қилган ҳар бир соҳа тарихи зарварақларидан кашф этса бўлади.

Ҳазрат Навоийнинг айни хислати унинг ижодида ҳам яққол кўринади ва бунга далил сифатида унинг “Мажолис ун нафоис” асарини келтириб ўтиш жоиз. Ушбу асар саккиз мажлисдан иборат бўлиб, ундаги мажлисларда Некбин Навоий инсоният учун хизмат қилган ўзидан аввал яшаган улуғлар, ёшлик чоғларида ҳамсуҳбат бўлган азизлар, ўз замондошлари бўлган шайхлар, олимлар, шоирлар, хушнавис-хаттотлар, сарой ҳаётига оид шахсларнинг ҳаёти, насаби, илмий ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотларни келтиради. Мазкур маълумотларни ёритишда Навоий холислик ва ҳаққонийлик принципларига амал қилади. Мазкур асарнинг тўртинчи мажлисида улуғлар орасида Ҳазрат **Хожа Абдуллоҳ Садр** исмли шахсни зикр этар экан, қуйидаги маълумотларни келтиради: *“Хожа Муҳаммад Марворид ўғлидурким, муддате вазорат девонида муҳр босар эрди ва ўз ихтиёри била истиғфор қилиб, офият кунжи ихтиёр қилди. Бу тоифадан анга муяссар бўлғондек оз кишига бўлмиш бўлғай. Ўзи кичик ёшида улум касб қилди...Ғафлат ва бепарволиғдин ўзга ҳеч айби йўқдур. Чун йигитдур, умиди дафъ бор.”*[2]

Навоий зикр этган Шаҳобиддин Абдуллоҳ Марворид ҳижрий 865 (милодий 1461) йилда Кирмонда дунёга келган ва деярли умрининг охирига қадар Ҳирот шаҳрида яшаган. Унинг отаси Шамсиддин Муҳаммад Садр Марворид кирмонлик аслзодалардан бўлиб, туркман қабиласи саналувчи қорақўйинлилар фитнаси (872-875) натижасида Кирмондан Ҳирот шаҳрига кўчиб ўтади ва Абу Саид Муҳаммаднинг саройида вазир лавозимида хизмат қилган. Кейинчалик, у Султон Ҳусайнга ҳам садоқат билан хизмат кўрсатади. Мазкур оиланинг “Марворид” лақабини олиш тарихи ҳам ўзига хос. Манбаларда келтирилишича, Абдуллоҳ Марвориднинг отаси Хожа Шамсиддин Муҳаммад Кирмоний темурийлар томонидан элчи сифатида Баҳрайнга юборилади. Хожа Шамсиддин сафардан қайтишида эса Султонга ҳадя сифатида бир неча дона жуда қимматбаҳо марваридни келтиради ва шундан сўнг Хожа Шамсиддин Муҳаммад Кирмоний ва унинг оиласига “Марворид” куняси берилади.[3] Хонда-

---

[1] Заҳириддин Муҳаммад, Бобур. “Бобурнома”. Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев. – Т:. Юлдузча, 1989. 154-б.

[2] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами(Ўн жилдлик). 9-жилд “Мажолис ул-нафоис. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.Т.:2011. Б-394.

[3] زهرا حسین آبادی. سیری در آثار خوشنویسی خواجه عبدالله مروارید کرمانی. دو فصلنامه، دانشکده هنر شوشتر، دانشگاه شهید چمران اهواز. شماره پنجم-بهار و تابستان ۳۹.

мир «Ҳабиб ус-сияр»[1]да ёзишича “Хожа Шамсиддин Муҳаммад Марворид – (ваф. 409/ 1498 – 99, Ҳирот), асли кирмонлик, давлат ва дин арбоби. Мирзо Жаҳоншоҳ Туркман салтанати замонида Ҳиротга келган. Абу Саид даврида вазирликда муҳрдор бўлган. Самарқандда ҳам бироз яшаган. Кейинчалик Хожа Абдуллоҳ Ансорий мозорини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бошқарган.

Абдуллоҳ Марворид отасининг кўмаги билан ёшлик чоғидан бошлаб Султон Ҳусайн Бойқаронинг саройига кириб келади ва бир муддат ўтгач садорат мақомига етиб, саройда “парвоначи” лавозимини эгаллайди[2]. Демак, Абдуллоҳ Марворид Ҳусайн Бойқаро даври ижтимоий-тарихий, маданий тараққиётида иштирок этган, ҳамда Алишер Навоий илму-маърифати раҳнамолигида ҳаммаслак бўлганлигини гувоҳи бўламиз.

Абдуллоҳ Марворид серқирра ва ўта истеъдодли шахс сифатида танилган бўлиб, аксарият тазкиранавислар уни хат санъатининг беназир билимдони сифатида эътироф этганлар. Жумладан Алишер Навоий Абдуллоҳ Марворид хусусида сўз юритар экан, шундай дейди: “*...ва хутут фанида беназир бўлди*”[3]. Шоирнинг “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” асарининг “Аввалги мақолат”ида даврнинг забардаст уламоларидан бири бўлган Абдураҳмон Жомий билан ўрталарида бўлиб ўтган 14 та воқеа келтирилади. Шу воқеалардан бирида Абдуллоҳ котиб Оллоҳга яқин зот сифатида эътироф этилиб Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома”сини кўчириб келтиргани ва Алишер Навоий бу китобни ақлга сиғмас даражада қизиқиш билан бир ўтиришда асарни ўқиб тугатгани баён этилади. Абдуллоҳ котиб тонгда китобнинг баҳосини билмоққа келганида Навоийнинг диққатини эшитиб, ушбу муборак китобни Ҳазрати Жомийга ҳам элтгани ва у киши ҳам шундай қизиқиш билан хатм этганларини айтиб ҳайратини билдиради[4].

Абдуллоҳ Марворид Алишер Навоий таъбири билан айтганда қалам масъулиятини заковат ва бадиият билан юксак даражада ҳис этган мутафаккирлардан эди. У хат усулларини устози Мавлоно Абдуллоҳ Таббох Ҳиравийдан ўрганди, настаълиқ хатини эса Хожа Тожиддин Салмоний ҳузурида машқ қилди. Унинг хаттотликда беназир эканлигидан хабар топган Мирзо Улуғбек бошқа бир хаттот Азҳар Табризий билан биргаликда Самарқандга олиб кетади ва ўз кутубхонасидаги китобларни ва улардан нусха олишни мазкур икки хаттотга топширади[5]. Унинг хаттотликдаги маҳоратини Мустафо Олий Афанди[6] ҳам эътироф этган ва унинг чап қўлда ёзишини ҳам зикр этиб ўтган.

---

[1] رجال کتاب حبیب السیر. گرداوری، مقدمه و اضافات دکتر عبدالحسین نوایی. سلسله انتشارات انجمن آثار و مفاخر فرهنگی. تهران-۹۷۳۱. ص-۸۸۱.

[2] http://rch.ac.ir/article/Details/12576

[3] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами(Ўн жилдлик). 9-жилд “Мажолис ул-нафоис. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.Т.:2011. Б-394.

[4] Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. 6-бет. (Аввалги мақолатдаги илк воқеа) китобдан расмийлаштиринг. Менимча шу абдуллоҳ марворид.

[5] زهرا حسین آبادی. سیری در آثار خوشنویسی خواجه عبدالله مروارید کرمانی. دو فصلنامه، دانشکده هنر شوشتر، دانشگاه شهید چمران اهواز. شماره پنجم-بهار و تابستان ۳۹.

[6] **Мустафо Оли Афанди (948-1008 ҳ.қ)** – Усмонийлар саройининг ходими Хожа Аҳмад бин Абдуллоҳ Номийнинг ўғли, тарихчи олим, шоир ва девон ходими бўлган. У ўз шеърларида дастлаб “Чашмий”, кейинчалик “Олий” тахаллусини қўллаган. 968-ҳижрий йилда Усмоний шаҳзода Салим Iнинг фармони асосида муншийлик мақомига тайинланди. Оли афанди хаттотлик санъатида ҳам маҳоратли шахс сифатида танилган ва хаттотлик одобидан ҳам яхши хабардор бўлган. У Истанбулда устози Шукруллозода Пирмуҳаммаддан насх ва сулс хатини ўрганди. Мустафо Оли Афандидан қуйидаги насрий ва назмий асарлар мерос бўлиб қолган: “Маноқиби ҳунарварон”, “Ҳафт мажлис”, “Нусратнома”, “Зубдат ут-таворих”, “Канз ул-ахбор”, “Садафи сад гуҳар”, “Меҳр ва вафо”, “Гули садбарг”, “Меҳр-у моҳ”, “Риёз ус-соликийн”, “Қавоид ул-мажолис”, “Маъолим ут-тавҳид”, “Ҳақойиқ ул-ақолим”, “Вақфнома” ва бошқалар. Мустафо Оли Афанди ҳижрий 1008 йилда Жидда шаҳрида вафот этган.

Муаррихлар китобларни безатишда жуда кўп қўлланилган ва машҳур санъат турларидан бири бўлган “Абру”(Абри Баҳор) санъатининг кашф этилишини ҳам Абдуллоҳ Марворид номи билан боғлайдилар[1].

Нуктадодон Абдуллоҳ Марворид шоир сифатида ҳам жуда баракали ижод қилган. У ўзининг шеърларини жамлаб девон тартиб беради ҳамда уни “Мунис ул-аҳбоб” дея номлайди. Мазкур асардан Абдуллоҳ Марворид қаламига мансуб қасида ва рубоийлар ўрин олган. У ғазалнависликда Абдураҳмон Жомийга эргашади. У ўзининг “Хусрав ва Ширин” достонини эса Низомийга тақлидан яратади. Замондошларининг хотирлашича, шоирлар Абдуллоҳ Марвориднинг хонадонида йиғилиб, ўз ижод намуналарини унинг назаридан ўтказганлар.[2]

Абдуллоҳ Марворид *“Адвор ва мусиқий илмида ...беназир бўлди. Ва қонунни маълум эмаским, ҳаргиз киши андоқ чолмиш бўлғай. Ва подшоҳ хизматида олий мансабқа сарфароз бўлди”.*[3]У Султон Ҳусайн Бойқаронинг мажлисларида қонун[4] созини чалар эди ва замонасида унингдек қонун чалувчи инсон йўқ эди.[5] Зайниддин Восифий ўзининг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида қуйидагиларни келтиради: “Навоий ҳаёт вақтида унинг:

Дин офати ул муғбачаи моҳилиқодур, майхорау бебок,
Ким ишқидин онинг ватаним дейди фанодир,сармасту яқом чок, –

матлаъли мустазодига Ҳожи Абдуллоҳ Марворид куй яратган. У пайтда Ҳиротда бу куй чалинмаган уй йўқ эди. Бир базмда ҳофизлар шу мустазодни айтаётганларида мажлис аҳли ўз ёқаларини йиртганлар”[6], яъни, байтларнинг мазмуни шу қадар кучли бўлган. Навоий ғазалларига куй басталаган илк бастакорлар Ҳожи Юсуф Бурҳон ва Ҳожи Абдуллоҳ Марворид эдилар.

Шунингдек, Абдуллоҳ Марвориднинг иншо санъатида ҳам моҳир эканлиги Алишер Навоий томонидан эътироф этилган. “*Ва иншо фанини ҳам камолға еткурди. Ва ўзи яхши муҳоваралиқ ва яхши хулқлуқ ва яхши суҳбатлиқ йигитдур*”[7].

У саройдан кетгач, Султон Ҳусайн Бойқаро даврида чиқарилган фармон ва ҳужжатлар, сарой аъёнларининг ёзишмаларини ўзида жамлаган “Муншаот” ёки “Шарафнома” асарини таълиф этди.

Абдуллоҳ Марворид Алишер Навоий вафотидан сўнг саройда унинг лавозимини эгаллайди ва султоннинг фармонлари ва ёзишмаларининг муҳрдорига айланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Исмоил Сафавий 918 ҳижрий йилда Хуросонни эгаллагач, Абдуллоҳ Марворидни ўз ҳузурига чорлайди, аммо у ерда нима билан машғул бўлганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди. Абдуллоҳ Марворид муаррих ва шаҳзода Абу Наср Сом Мирзо Сафавий (Туҳфаи Сомий”[8] асарининг муаллифи)га хаттотликда устоз ва

---

1 محمدحسن سمسار. «ابری». مرکز دایرةالمعارف بزرگ اسلامی. بازبینی‌شده در ۹۱ شهریور ۹۸۳۱.

2 مروارید کرمانی، شهاب‌الدین عبدالله. مونس الاحباب. تصحیح و توضیح سید علی میرافضلی، تهران، کتابخانه مجلس شورای اسلامی، ۰۹۳۱

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами(Ўн жилдлик). 9-жилд “Мажолис ул-нафоис. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.Т.:2011. Б-394.

4 **Қонун чолғу асбоби** – Сетор (Cythare) чолғусининг оиласига мансубдир. У Европада Canon ёки Miocanon номи билан машҳурдир. У ёғоч қутининг устки қисмига жойлаштирилган бўлиб, нохун ёки қўлда чалинади. У кўринишидан ҳозирда мавжуд чанг чолғу асбобини эслатади.

5 بیانی، مهدی. احوال و آثار خوشنویسان. انتشارات علمی. چاپ دوم. تهران ۳۶۳۱ش ص ۰۵۳ - ۲۵۳

6 بدایع الوقایع. زین الدین محمد واصفی. تصحیح الکسندر بلدروف. جلد اول. انتشارات بنیاد فرهنگ ایران. تهران-۰۵۳۱. ص-۸۳٤.

7 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами(Ўн жилдлик). 9-жилд “Мажолис ул-нафоис. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.Т.:2011. Б-394.

8 **Сом Мирзо Сафавий (923-974 ҳ йй)** – машҳур хаттот ва тазкиранавис. У Шоҳ Исмоил Сафавий Інинг

мураббийлик қилган. Шу сабабли Сом мирзо Сафавий ҳам ўзининг тазкирасида устозининг таржимаи ҳолини муфассал равишда ёритишга ҳаракат қилган.

Абдуллоҳ Марвориднинг оиласи ҳақида манбаларда маълумотларнинг жуда ҳам қисқа эканлигини ҳам келтириб ўтиш лозим. Баъзи манбаларда унинг икки нафар фарзанди бор дейилса, айримларида унинг бир ўғли бор эди[1] деган маълумотлар келтирилади. Ўғлининг исми Нуриддин Муҳаммад Мўминдир. Нуриддин Муҳаммад Мўмин[2] Абдуллоҳ Марвориднинг фарзанди бўлибгина қолмай, айни пайтда унинг энг яқин шогирди ҳамдир. У ўз даврининг моҳир хаттоти сифатида танилган бўлиб, шоҳ Таҳмасп кутубхонасининг раиси сифатида ҳам фаолият олиб борган.

Абдуллоҳ Марворид 1535 ёки 1536 милодий санада Ҳиротда вафот этади ва Мусалло қабристонига дафн этилади.[3]

Келтирилган маълумотларга қараганда, Абдуллоҳ Марвориднинг “Мажолис ун-нафоис” асарида зикр этилиши, унинг Алишер Навоий томонидан қадрлангани, уларнинг орасида устоз-шогирд ришталари мавжуд эканлиги маълум бўлади. Биз қуйида ҳукмингизга ҳавола қилмоқчи бўлган мактубда ҳам Алишер Навоий Абдуллоҳ Марворидни биродари аржуманд ва фарзанди дилбанд дея эътироф этади ҳамда унга давлат ишларини юритишга оид қимматли маслаҳатларини беради.

پندنامه که میر علی شیروزیر جهت عبدالله مروارید که بعوض خود بمنصب وزارت مقرر گردد به او نوشته[4]

برادر ارجمند و فرزند دلبند را بعد از ادای سلام آنکه بحب جاه و ریاست مجهول و نفس بی اختیار و مکنت آن مشغول بشر خاصیت جاه غفلت افزاست و التفات پادشاه که کارش هوشی هاست خلایقرا با چنین کس کارساز است چنین کس را بهوش آوردن دشوار است اگر خوداگاهی بمدد عقل بحال آرد اما مستی آن باد بجایش (چالش) نگذارد و در آن مستی کجا بخاطرش رسد که فلک منتقم عذُار است و خالق فلک حاکم عدل شعارالله ازجاهی راه بقاییست (بقایی منت) و عمرش را وفایی نه و دشمنان از قبایح او در خنده و و دوستان او شرمنده آشنایان از آن ناخوشی ها متثرند و بی گانگان از آن دیوانه وشیها متعصب و متخیر وپس نفس سلیم و عقل مستقیم را باید که در آن مستی ها خودرا بی خود سازند و خودرائی و خودپرستی را بیندازند و بحال درمندگان مظلوم پردازند این نالان مسلمان را هم اینجاست بر سرگذشته از هیچ کدام آگاه و بهره مند نگشته این دم که به تقصیرات خود واقف شده چه فایده که آن ورقهارا فلک در نور دیده نه از آه ندامت کشیدن فایدهء و نه از اشک حسرت افشاندن نتیجه "تا توانستم ندانستم چه سود، چون بدانستم توانستم نبود" حق سبحانه و تعالی ایشان را که این دولت و جاه را کرامت فرمود(ه) است (مدت) تقرب پادشاه عنایت کرد التماس آن است که خودرا بغرور و غفلت نگذارند و خسران دنیا و آخرت رو اندازند و عجزه وزیردستان را بشفقت و دلجویی بنوازند کار خاکساران را به رحمت و نرم گویی بسازند و بسخن درشت دل درویشان را نخراشند و به الفاظ ملایم مرحم جراحت دل ایشان باشند از فریب نفس و شیطان ایمن نشینند و صدمات ملکة الموت از خود دور نپسندند و در همه کار اخلاق درشتی نکنند در جزای عمل از شرمساری روز قیامت اندیشه نمایند از بدکرداری ابناء جنس هر چه فراموش کنند و خودرا از شراب غرور مست

фарзанди, Шоҳ Таҳмаспнинг инисидир. Сом Мирзо Сафавий акаси Шоҳ Таҳмаспнинг фармонига кўра аввал Хуросонга, кейинчалик Ҳиротга волий этиб тайинланади. Кейинчалик у Қазвин, ундан сўнг Ардабилга волийлик қилади. Сом Мирзо Ардабилда ўзининг машҳур тазкираси “Туҳфаи Сомий”ни таълиф этади. Сом Мирзо Сафавий 974 ҳижрий санада акаси Шоҳ Таҳмаспнинг фармонига кўра икки ўғли билан бирга Ардабил яқинидаги Қаҳқаҳа қалъасида қатл этилади.

[1] مروارید کرمانی، شهاب‌الدین عبدالله. مونس الاحباب. تصحیح و توضیح سید علی میرافضلی، تهران، کتابخانه مجلس شورای اسلامی، ۱۳۹۰

[2] **Нуриддин Муҳаммад Мўмин** – (ваф.948 ҳ) Шаҳобиддин Абдуллоҳ Марвориднинг фарзанди шунингдек, унинг шогирди ҳамдир. У ҳижрий 10 асрда яшаб фаолият юритган. Машҳур хаттот, Сафавийлар сулоласининг котиби ҳамда энг яқин ходимларидан бири бўлган. Унинг ҳозиргача сақланиб қолган ягона асари мавжуд бўлиб, “Мураққаъи Мўмин Кирмоний” деб аталади ва мазкур асар Шоҳ Таҳмаспга атаб ёзилган. У номаълум сабабларга кўра Ҳиндистонга кетади ва у ерда вафот этади.

[3] Introducing Bayani Kermani and the Manuscripts of His Monsha’at. Asraossadat Ahmadi, Hossein Aghahosseini & Sayed Aliasghar Mirbagherifard. Asian Culture and History; Vol. 5, No. 2; 2013

[4] http://malekmuseum.org/en/artifact/1393.04.06428%2F043/%D8%A7%D9%86%D8%AF%D8%B1%D8%B2%D9%

نسازند و جهت مصلحت دنیا با یک دیگر ستیزند و چنین بحالش غم رسد صبر و تحمل گزینند و هیچ وقت از ترس غافلی نباشند و هیچ هنگام از ملازمت و بندگی سایه حق بی کار و عاطی نگردد از سخن راست که صلاح دور است شاه و کل رعایان و سپاه در آن باشد نترسند و بگویند که اگر اجر و عوض آن در دنیا نرسد در قیامت از ایزد تعالی بجویند و با مصلحت پادشاه و صلاح خودرا بگیرند و خوشنودی الهی است مصلحت ظاهریه پذیرند و به ملایمی به عرض رسانند و به توفیق سبحانی از آن بمقام گذرند و با خوردان طریق شفقت و هیمکنان مدارا و موافقت کنند و با بندگان تعظیم و خرمت مرعی دارند و چیزی که به خود روادار نباشند باید هیچ برادر موءمن خود نپسندند و زیان خودرا بحکم مطلق محول کنند.

باقی رسیدم.

Амир Алишер Навоийнинг амрига кўра ўз ўрнига вазирликка тайинланган Абдуллоҳ Марворидга ёзган пандномаси[1]

Биродари аржуманд ва фарзанди дилбандга адойи саломдан сўнг мансаб ва қудрат ила нафсига беихтиёр унинг ила баробар ватан муҳаббати ва хизмати ила машғул, ўз зоҳирий ва ботиний хусусиёти ила ва ҳам ақлу закоси бирла подшоҳ илтифотига дохил бўлмиш зотга сўз ўргатмоқ душвор магар ақл мададила ани англарлар дурустдир. Бунда маълум бўлсинки, кўзлари пардаланмасин, рафтору афъолу аъмол ила ғурур ва кибрга юз тутмасинлар агар шундайдир зеҳнларида мунаввар бўлгайким фалак гинахоҳдур. Афлок Холиқининг шиори – ҳукми адлдур. У қудратда боқийдур. Нафси салим ва ақли мустақим ила ўзларини худписандлик ҳам жоҳпарастликдан, худраъйликдан йироқ тутсинлар билъакс умрда вафо кўрмагайлар, душманларига кулгу бўлиб, дўст ва ақраболари унга етмиш нохушликлардан мутаассир бўлгайлар. Шунинг ила баробар анинг девонавашлигидин бегоналар мутаассиб ва мутахаййир қолгайлар. Бунда фақирлар ва мазлумларга кўз тутсинлар. Мазлум ва бечораларнинг арзи ҳолига етсинлар. Бу дамда аларнинг тақсиридан воқиф бўлиб, ўтмишини қайта варақламоқдин ҳам кўзларига ёш, кўнгилларига ҳасрату надомат етказмакдан не наф?

Айёми қудратда билмай недин суд,
Англаганда қодир эрмастур вужуд.

Аллоҳ Таоло ул зотга давлат ва қудратни каромат қилмиш ва подшоҳга муқаррабликни иноят этмиш. Ҳазратларидан илтимос шулким, ғурурга юз бурмасинлар, зинҳор ғофил бўлмасинлар, дунё ва охират хасоратидан (зиёнларидан) огоҳ турсинлар. Вузаро (қўл остидаги вазирлар)нинг ажзини (камчилигини) шафқат ва меҳрибонлик ила навозиш айлаб, фақиру ҳақирнинг ишини раҳмат ва мулойимлик ила битирсинлар. Ношойиста (қўпол, номаъқул) алфоз ила дарвешлар кўнглини тиғламасинлар шунинг ила баробар ширинсуханлик ила аларнинг жароҳатлик кўнгилларинг марҳами бўлмоққа маъмур бўлсинлар. Нафс ва шайтон қутқусидан узоқ турсинлар ва ҳам ўзни Малакул мавтнинг азобидан йироқ санамасинлар. Тамоми вазойифда бадхўлик қилмасинлар, агарчи андоқдур рўзи қиёмат шармсорлик жазосини андеша этсинлар.

Абнойи жинс (ҳамкасб)ларига баджинслик қилмоқни унутсинлар ҳамда ўзни ғурур шаробидан маст этмасинлар анинг ила баробар оламни обод қилмакда мусобақа қилсинлар.

Агарки, уларга ғам-ташвиш етар бўлса сабр ва таҳаммулни лозим тутсинлар. Зинҳор тақводан ғофил бўлмасинлар филҳол ҳеч авқотда Ҳақ Таолога қуллик қилмакдан ва банда-

[1] Таржима муаллифдан.

ликдан чекинмасинлар. Ростдан силоҳ йироқдир демишлар. Агар подшоҳ, раийят ва сипоҳ ҳақ узра бўлсалар тарс ва ваҳшатдан тийилсинлар. Демишларки, унинг ажри дунёда етмаса, уни Қиёматда Ҳақ Таолодан истанг. Подшоҳ ва сипоҳ ила кенгашиб иш тутсинлар. Илоҳий хушнудлик ундаким, аниқ қарорга келиб, уни подшоҳга мулойимлик бирла арз этсинлар. Шунда илоҳий тавфиқ ила мақомлари зиёда бўлур.

Кичикларга шафқатли бўлмак баробарида бадгумонлар ила муросаю мадора тариқини тутсинлар. Халққа таъзим ва эҳтиромда бўлиб, унга риоят этсинлар. Ўзларига раво кўрмаганни ҳеч бир биродари мўъминга раво кўрмасинлар ва ҳам ўзгаларга зиён етказмакдан қўл тортсинлар.

Боқий етдим.

Ушбу мактуб Эрон Ислом Республикасидаги Малик музей-кутубхонасида номаълум муаллифнинг “Муншаот” номли асари таркибидан ўрин олган ва қўлёзмалар фондида 1393.04.06428/043 рақами билан сақланмоқда. Мактуб форс тилида ёзилган ва шикаста настаълиқ хатида битилган. Сарлавҳаси қизил рангда, асосий матндан ажратиб кўрсатилган. Шу ўринда қайд этиш керакки, Алишер Навоий ўз даврида турли лавозимларда фаолият олиб борган мансабдор шахсларнинг тарбияси, уларнинг фазилатларига жуда қаттиқ эътибор берган. Навоийнинг мактубида адлу адолат, саховат, мулойимлик, раҳмдиллик каби фазилатлар энг аввалги ўринларда зикр этилади. Мазкур мактубда ёзилган насиҳатлар нафақат ўз даври учун балки бугунги кун учун ҳам қиммати ва аҳамиятини йўқотмаган деб ҳисоблаш мумкин.

Мактуб “Биродари аржуманд ва фарзанди дилбандга адойи саломдан сўнг...” дея бошланган бўлиб, унда муаллифнинг мухотаб (адресат)га юксак эҳтиром билан мурожаат қилаётгани англашилади. Мактубнинг кириш қисмида Алишер Навоий адресатнинг мақоми, унинг жамиятда тутган ўрнига эътибор қаратар экан, сўзининг маслаҳат сифатида эканини таъкидлаб, жумладан, шундай дейди: “...мансаб ва қудрат ила нафсига беихтиёр унинг ила баробар ватан муҳаббати ва хизмати ила машғул, ўз зоҳирий ва ботиний хусусиёти ила ва ҳам ақлу закоси бирла подшоҳ илтифотига дохил бўлмиш зотга сўз ўргатмоқ душвор магар ақл мададила ани англарлар дурустдир.” Алишер Навоийнинг “панднома”си шу ўриндан бошланади. Алишер Навоий юқори мансабга етган шогирдига хитоб этаркан, “кўзлари пардаланмасин, рафтору афъолу аъмол ила ғурур ва кибрга юз тутмасинлар агар шундайдир зеҳнларида мунаввар бўлгайким фалак гинахоҳдур”, – дея таъкидлайди. Яъни мансабдор шахснинг ҳар қандай вазиятда ҳам кибрга берилмаслигини энг олий мезон сифатида қайд этади. Бундан ташқари, мактубнинг давомида Алишер Навоий “Нафси салим ва ақли мустақим ила ўзларини худписандлик ҳам жоҳпарастликдан, худраъйликдан йироқ тутсинлар билъакс умрда вафо кўрмагайлар, душманларига кулгу бўлиб, дўст ва ақраболари унга етмиш нохушликлардан мутаассир бўлгайлар”, – дейди. Бу ўринда Алишер Навоийнинг фикрича мансабпарастлик, ўзбилармонлик ва қайсарлик каби иллатларнинг оқибати душманларга кулгу бўлмоқ ва жамиятда ўз ўрнини қўлдан бой бериш билан якун топади.

Алишер Навоий юқоридаги иллатлар ва муаммоларни кетма кетликда зикр этар экан, уларнинг ечимини ҳам келтириб ўтади. Жумладан, “Бунда фақирлар ва мазлумларга кўз тутсинлар. Мазлум ва бечораларнинг арзи ҳолига етсинлар”, – деб таъкидлар экан, амалдор шахснинг қандай фазилатлари мавжуд бўлмоғи хусусида ҳам баҳс юритади. Яъни, юқори мартабали шахс ўз фаолияти давомида ҳаётда мушкулликларга, турли муаммо-

ларга йўлиққан кишиларга, шунингдек, йўқсилларга илтифотли бўлмоқни, уларнинг мурожаатларига қулоқ тутмоқни маслаҳат беради. Сўзида давом этар экан, Алишер Навоий шогирдига унинг мақомини ва унга берилган имкониятларни келтириш орқали сўзининг таъсирчанлигини оширишга эришади. Яъни, "Аллоҳ Таоло ул зотга давлат ва қудратни каромат қилмиш ва подшоҳга муқаррабликни иноят этмиш", – дейди.

Навоий халққа нисбатан давлат ходимининг ахлоқ нормаларини зикр этгач, эндиликда мансабдор шахснинг турли мансаб эгалари, вазирлар ҳокимлар билан ўзаро муносабати ҳақида сўз юритиб, қуйидагиларни келтиради: "Вузаро (қўл остидаги вазирлар)нинг ажзини (камчилигини) шафқат ва меҳрибонлик ила навозиш айлаб, фақиру ҳақирнинг ишини раҳмат ва мулойимлик ила битирсинлар... Абнойи жинс (ҳамкасб)ларига баджинслик қилмоқни унутсинлар ҳамда ўзни ғурур шаробидан маст этмасинлар анинг ила баробар оламни обод қилмакда мусобақа қилсинлар". Алишер Навоий ўзининг назмий ва насрий асарларининг барчасида энг олий қадрият сифатида "Оламни обод қилмакка интилиш"ни қайд этади. Ушбу мактубда ҳам ўз шогирдига "Оламни обод этишда мусобақалашсинлар", – деб таъкидлайди.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг ушбу мактуби замонлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Алишер Навоий ўз шогирдига ёзган "пандномаси" орқали, муайян мансабга етган шахснинг хулқ-атвори, одоби ва ўзини тутишига доир нормаларни белгилаб беришга ҳаракат қилади. Биз юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда Алишер Навоийнинг мансабдор шахсларнинг хулқ атвор нормаларига оид консепциясини кашф этишимиз мумкин:

Халқ билан мулоқотда кибр, лоқайдлик ва ўзбилармонликка йўл қўймаслик;

Эҳтиёжмандларга яхши муомалада бўлиб, уларнинг мурожаатларини тинглаш ва ишларини раҳм, шафқат ва хушмуомалалик тамойилларига кўра битириш;

Адолатли бўлмоқ, сабр ва таҳаммулни лозим тутмоқ;

Қўпол сўз ва ҳаракатлардан тийилмоқ;

Ҳамкасбларига зиён етказмоқдан йироқ турмоқ;

Ҳамкасбларининг хато камчиликларини билгани ҳолда, уларга мазкур камчиликларни бартараф этишда кўмаклашмоқ;

Доимо рост сўзламоқ;

Подшоҳ ва сипоҳ била кенгашиб иш тутмоқ;

Кичикларга шафқатли бўлмак, Халққа таъзим ва эҳтиромда бўлмоқ, Ўзига раво кўрмаганни ҳеч бир биродари мўъминга раво кўрмаслик ва ўзгаларга зиён етказмаслик.

Оламни обод қилмоқда мусобақалашмоқ.

Ушбу манбалардан маълум бўладики, Алишер Навоий ва Абдуллоҳ Марворид давр илмий, адабий, ижтимоий, маданий, маърифий тараққиёти учун баҳолиқудрат хизмат қилган ҳамнишин зотлардир. Биз эпиграфда келтирган байт мазмунидан хулоса чиқарадиган бўлсак Ҳазрат Алишер Навоий шуаро, фуқаро ва вузаро ҳаққи кўнглида Ҳақ жамолини жилвалантириб, амалида унинг каломини асос қилган, "Халқ розилиги – Ҳақ розилиги" тариқида яшаб тириклик сувини ичган баркамол инсон эди. Шу билан бирга давр тамаддунига, кўпгина соҳалар тараққиётига, замону маконларга татийдиган эзгу ишларни амалга оширилишига, шу фазл ва камолот эгаларига ҳайриҳоҳлик, эътибор ва эътирофи билан раҳнамо

бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами(Ўн жилдлик). 9-жилд “Мажолис ул-нафоис. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.:2011.

Заҳириддин Муҳаммад, Бобур. “Бобурнома”. Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев. – Т:. Юлдузча, 1989.

بدایع الوقایع. زین الدین محمد واصفی. تصحیح الکسندر بلدروف. جلد اول. انتشارات بنیاد فرهنگ ایران. تهران-۱۳۵۰.

زهرا حسین آبادی. سیری در آثار خوشنویسی خواجه عبدالله مروارید کرمانی. دو فصلنامه، دانشکده هنر شوشتر، دانشگاه شهید چمران اهواز. شماره پنجم-بهار و تابستان ۹۳.

رجال کتاب حبیب السیر. گرداوری، مقدمه و اضافات دکتر عبدالحسین نوایی. سلسله انتشارات انجمن آثار و مفاخر فرهنگی. تهران-۱۳۷۹.

محمدحسن سمسار. «ابری». مرکز دایرةالمعارف بزرگ اسلامی. بازبینی‌شده در ۱۹ شهریور ۱۳۸۹

مروارید کرمانی، شهاب‌الدین عبدالله. مونس الاحباب. تصحیح و توضیح سید علی میرافضلی، تهران، کتابخانه مجلس شورای اسلامی، ۱۳۹۰

بیانی، مهدی. احوال و آثار خوشنویسان. انتشارات علمی. چاپ دوم. تهران ۳۶۳۱ش

Introducing Bayani Kermani and the Manuscripts of His Monsha’at. Asraossadat Ahmadi, Hossein Aghahosseini & Sayed Aliasghar Mirbagherifard. Asian Culture and History; Vol. 5, No. 2; 2013

Интернет манбаси:

http://rch.ac.ir/article/Details/12576

МУНДАРИЖА

Озод ШАРАФИДДИНОВ. Навоий сабоқлари 7
Эркин ВОҲИДОВ. Инсоннинг мангу дарди 11
Абдулла ОРИПОВ. Навоийни англаш 14
Ботирхон ВАЛИХЎЖАЕВ. “Хамса” ёзиш анъанасига Алишер Навоийнинг муносабати 16
Бегали ҚОСИМОВ. Буюк Навоийнинг буюк шеърияти 23
Содир ЭРКИНОВ. Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро форсий ғазалларига татаббулари 41
Лутфуллоҳ ЗОҲИДОВ. “Девони Фоний” бадииятига доир мулоҳазалар 46
Аъзамхон ҚОЗИХЎЖА. Ғазалда мулоқот мақоми 56
Ёқубжон ИСҲОҚОВ. Ўзбек мумтоз шеъриятида услуб 71
Наим КАРИМОВ. Навоийшунослик тарихидаги аҳамиятли воқеа 77
Муҳаммад АЛИ. “Кўнгиллар ноласи...” 81
Акмал Саидов. “Адл эшигин элга кушод айлади...” 84
Мирзо КЕНЖАБЕК. Жон ва жонон сирлари 90
Сирожиддин САЙИД. Навоийнинг ватан янглиғ қиёси йўқ 103
Иброҳим ҒАФУРОВ. Ҳозир Навоийни ким ўқийди? 106
Бердақ ЮСУФ. Навоий тилининг илмий услуби 110
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. Алишер Навоийнинг илк юбилейи 118
Юсуф ТУРСУНОВ. “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг илмий - танқидий 128
Абдулатиф ТУРДИАЛИЕВ. Қўқон адабиёти музейи хазинасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари 144
Шуҳрат РИЗАЕВ. «Ҳайрат ул-аброр» достонида тўғрилик ва эгрилик тўғрисида 149
Иброҳимжон ЙЎЛДОШЕВ. Навоий ва Бобур: Устоз – шогирд анъаналари тимсоли 152
Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ. Алишер Навоий ижодининг Туркия республикасида ўрганилиши ҳақида қайдлар 157
Сувон МЕЛИ. “Назм ул-жавоҳир”: интерматнлик ва маънолар мулоқоти 161
Баҳодир КАРИМОВ. Алишер Навоий ижодига “вадудона” муносабат 170
Бахтиёр АБДУШУКУРОВ. Алишер Навоий асарларида қуш номлари 178
Абдирашидов Зайнобидин. Алишер Навоий, тил ва жадидлар 185
Иқболой АДИЗОВА. Навоий ижодида китобат санъатининг ўрни 195
Абдулла УЛУҒОВ. Навоий – инсоният учун маънавий маёқ 199

Тоҳир ХЎЖАЕВ. Алишер Навоий “Хамса”сида оби ҳаёт билан боғлиқ тушунчалар талқини 206
Акрамжон ДЕҲҚОНОВ. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида шоҳ Доро, Султон Абу Саид ва Чин Хоқони образлари 211
Абдумурод ТИЛАВОВ. “... Сен эрдинг қуёш...” 222
Гулбаҳор АШУРОВА. Абдулла Орипов ижодида Навоий сиймосининг ўзига хос талқини 231
Қўлдош ПАРДАЕВ. Навоий маҳоратининг Муқимий ижодий камолотидаги ўрни 238
Шермуҳаммад АМОНОВ. Аҳмад Табибий ижодида навоий анъаналари 242
Рустамжон ЖАББОРОВ. Навоий мақтаган Саййид Асил ким? 248
Ғулом БОБОЖОНОВ. Навоий ва балоғат илми 258
Рустам МИРВОҲИД. Навоийдан руҳан улги олган Фузулий 270
Умедулло МАХМУДОВ. Алишер Навоий ва Абдуллоҳ Марворид мактуботларининг адабий-маърифий аҳамияти 274

Қайдлар учун

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига доир мақолалар; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 288 бет.

Ж.30: Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига доир мақолалар. 288 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фолкъори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Ўттизинчи жилд

АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ДОИР МАҚОЛАЛАР

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 21,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.